

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA‘LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

7.2020

**научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2020

“ILM SARCHASHMALARI” ilmiy-metodik jurnal
Bosh muharrirdotsent **Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

	TAHRIR HAY’ATI:
<p align="center">JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN</p> <p align="center">JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI</p> <p align="center">2020 7(157)</p>	<p>ABDULLAYEV Bahrom, fizika-matematika fanlari doktori, ABDULLAYEV Ikrom, biologiya fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV Ilyos, iqtisod fanlari doktori, ABDULLAYEV Ravshanbek, tibbiyot fanlari doktori, professor, ABDULLAYEV O‘tkir, tarix fanlari doktori, ANNAMURATOVA Svetlana, pedagogika fanlari doktori, professor, BOBOJONOV Bozorboy, fizika-matematika fanlari doktori, BERDIMUROTOVA Alima, falsafa fanlari doktori, professor, DAVLETOV Sanjarbek, tarix fanlari doktori, DO‘SCHONOV Tangribergan, iqtisod fanlari doktori, professor, HAJIYEVA Maqsuda, falsafa fanlari doktori, IBRAGIMOV Zafar, fizika-matematika fanlari nomzodi, IMOMQULOV Sevdiyor, fizika-matematika fanlari doktori, JO‘RAYEV Mamatqul, filologiya fanlari doktori, professor, JUMANIYAZOV Maqsud, texnika fanlari doktori, professor, JUMANIYOZOV Otaboy, filologiya fanlari nomzodi, professor, KALANDAROV Aybek, filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori (mas’ul kotib), NAVRUZOV Qurolboy, fizika-matematika fanlari doktori, professor, OLLAMOV Yarash, yuriduk fanlari nomzodi, dotsent, OTAMURODOV Sa’dulla, falsafa fanlari doktori, professor, PRIMOV Azamat, filologiya fanlari nomzodi, dotsent, QUTLIYEV Uchqun, fizika-matematika fanlari doktori, professor, RO‘ZIMBOYEV Safarboy, filologiya fanlari doktori, professor, RO‘ZIYEV Erkinboy, pedagogika fanlari doktori, professor, SADULLAYEV Azimboy, fizika-matematika fanlari doktori, akademik, SADULLAYEVA Nilufar Azimovna, filologiya fanlari nomzodi, dotsent, SAGDULLAYEV Anatoliy, tarix fanlari doktori, professor, SALAYEV San’atbek, iqtisod fanlari doktori, professor, SALAYEVA Muxabbat Soburovna, pedagogika fanlari doktori, SATIPOV G‘oipnazar, qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor, XODJANIYOZOV Sardor, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (bosh muharrir o‘rinbosari), YOQUBOV Jamoliddin, filologiya fanlari doktori, professor, O‘ROZBOYEV Abdulla, filologiya fanlari doktori, O‘ROZBOYEV G‘ayrat, fizika-matematika fanlari doktori, G‘AYIPOV Dilshod, filologiya fanlari nomzodi, dotsent.</p>

MUASSIS: Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi Xorazm viloyat boshqarmasida 2011-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tgan. Guvohnoma №13-020.

**Xudayberganov G'ayrat Quranboevich (Urganch davlat universiteti o'qituvchisi)
MATEMATIKADAN FANLARARO TATBIQIY MASALALAR YECHISH METODIKASI**

***Annotatsiya.** Maqolada matematikaning fizikadagi ba'zi masalalarni yechishda foydalanish yo'l-lari bayon qilingani holda, fanlararo aloqadorlik yoritilgan.*

***Аннотация.** В статье описываются способы использования математики для решения некоторых проблем физики, а также рассматриваются междисциплинарные отношения.*

***Annotation.** The article describes how to use mathematics to solve some problems of physics, and also discusses interdisciplinary relationships.*

***Kalit so'zlar:** silindr, shar, aylana, doira, trigonometrik funksiyalar, tezlik, tezlanish, kuch, bosim kuchi, taranglik kuchi, massa markazi, og'irlik kuchi.*

***Ключевые слова:** цилиндр, сфера, окружность, круг, тригонометрические функции, скорость, ускорение, сила, давление, сила натяжения, центр масс, вес.*

***Key words:** cylinder, sphere, circle, trigonometric functions, speed, acceleration, force, pressure, tension force, center of mass, weight.*

Matematik ta'lim aksariyat pedagoglar kasbiy faoliyatining asosi bo'lib, matematik bilim ko'nikma va malakalar, metod va usullar kasb mahoratini mustahkam tatbiq qilishga yordam berishi kerak.

Oliy ta'lim muassasasida ta'lim olish jarayonida bo'lajak matematika o'qituvchisida zamonaviy matematik bilimlar poydevori qo'yilishi, pedagog-tadqiqotchi sifatida o'z-o'zini takomillashtirishga intilish motivatsiyasi shakllanishi lozim. Matematika o'qitish mazmuni matematika fani yutuqlaridan orqada qolmasligi, jamiyat ehtiyojlariga mos kelishi uchun doimo yangilanib borishi lozim.¹

Talabalarga taqdim etiladigan vazifalar ta'lim jarayonida o'qitishning didaktik prinsplarini (masalan: ilmiylik, muntazam va izchillik, ongli va faollik, individual yondashuvchanlik va boshqa printsiplarni) amalga oshirishga yordam berishi lozim. Tabiiyki, masala yechishda didaktik prinsplarni hisobga olish, mavjud bo'lgan matematik bilimlarni integrativ tarzda qo'llay olish pedagogik kompetentlikni oshishiga xizmat qiladi. Fizikaga oid masalalarni yechishda matematik bilimlarning muhimligini quyidagi masalalarni yechish jarayonida ko'rishimiz mumkin.

Fizika kursida jismning harakat tezligi tushunchasini $v_t = v_0 + at$ formula bilan, metall steijen uzunligini qizdirilgandagi o'zgarishini $l_x = l_0 + at$ formula bilan, chiziqli funksiyaning burchak koeffitsiyentli formulasini esa $f(x) = ax + b$ bilan ifodalaymiz. Agar bu formulalarga diqqat bilan qarasaq, $v_t = v_0 + at$ va $l_x = l_0 + at$ formulalar $f(x) = ax + b$ chiziqli funksiya formulasining fizikada yozilishi ekanligini ko'ramiz.²

1-masala. Agar jism M (4;0) nuqtadan OX o'q bo'ylab $v = 2t + 3t^2$ tezlik bilan harakatlana boshlagan bo'lsa, jismning harakatlanish tenglamasini tuzing.

To'g'ri chiziqli harakatda tezlik yo'ldan vaqt bo'yicha olingan hosilaga teng.

Masalaning o'ziga xos xususiyatlariga ko'ra, matematikadan fanlararo o'rganilishi kerak bo'lgan ayrim professional obyekt yoki hodisalarning tavsifnomalari noma'lum bo'lishi kerak. Masalan, yuqoridagi masalada yo'lni x bilan belgilab, ushbu $v = \frac{dx}{dt}$, u holda $\frac{dx}{dt} = 2t + 3t^2$ yoki $dx = 2tdt + 3t^2 dt$

o'zgaruvchilari ajraladigan differensial tenglamaga kelamiz. Integrallab topamiz, $x = t^2 + t^3 + C$. Boshlang'ich shartlardan C ni topamiz: Masala shartida $t=0$ bo'lganda $x=4$ bo'lishi berilgan. Bu qiymatlarni umumiy yechimga qo'yib, quyidagiga ega bo'lamiz, ya'ni $C=4$. Jismning OX o'q bo'yicha to'g'ri chiziqli harakat tenglamasi $x = t^2 + t^3 + 4$ ko'rinishda bo'ladi.

2-masala. Jism yer sirtidan yuqoriga tik qilib $v=(39,2-9,8t)$ m/s tezlik bilan otilgan. Jismning eng

¹ S.Y.Temurov. Bo'lajak matematika o'qituvchilarida kasbiy kompetentlikni shakllantirishning nazariy asoslari. Toshkent, "Fan va texnologiya", 2014, 63-bet.

² S. Alixonov. Matematika o'qitish metodikasi. Toshkent, "Cho'lpon", 2011, 45-bet.

yuqoriga ko'tarilish balandligini toping.

Bu masalani yechishda quyidagi formuladan foydalanamiz. Jism notekis harakatlanganda uning t_2 - t_1 vaqt mobaynida bosib o'tgan yo'li

$$S = \int_{t_1}^{t_2} f(t)dt \quad \text{formula bo'yicha hisoblanadi.}^1 \text{ Demak, jism eng yuqori ko'tarilish balandligiga}$$

$v=0$ bo'lgan t momentda erishadi, ya'ni $39,2-9,8t=0$, bundan $t=4$ s bo'ladi.

$$S = \int_0^4 (39,2 - 9,8t)dt = (39,2t - 4,9t^2) \Big|_0^4 = 78,4m, \quad \text{Javob: } S=78,4 \text{ m.}$$

3-masala. Yengil avtomashinaning harakat tezligi $v = (9t^2 + 8t)$ m/s tenglama bilan berilgan. Yengil avtomashinaning to'rtinchi sekundda bosib o'tgan yo'lini toping.

Yechilishi. Masala shartida ushbu berilgan: $t_1 = 3s, t_2 = 4s, f(t) = 9t^2 - 8t$

$$S = \int_{t_1}^{t_2} f(t)dt \quad \text{formulaga ko'ra,} \quad S = \int_3^4 (9t^2 - 8t)dt = (3t^3 - 4t^2) \Big|_3^4 = 83m.$$

Haqiqatdan ham, o'quv jarayonida bilimlarni amaliyotga joriy qilish orqali talabalarga ilgari o'rganilgan materiallarni eslatish va yordam ko'rsatish orqali matematik dunyoqarashlarini kengaytirib, shakllantirib borishimiz mumkin.

4-masala. Tormozlanish paytida maxovik t s davomida $\varphi = 3 + \beta t - t^2$ burchakka burildi. Vaqtning $t=3$ s momentidagi burchak tezligini toping.


Yechilishi. Bizga ma'lumki hosilaning mexanik ma'nosi moddiy nuqtani t vaqt ichidagi S masofani bosish uchun harakatdagi tezligini topishdan iborat. [4] (255-bet). ω burchak tezlik deb, φ burchakning t vaqt davomida o'zgarish tezligiga aytiladi. Burchak tezlik burilish burchagi φ dan t vaqt bo'yi-

cha olingan hosilaga teng: $\omega = \frac{d\varphi}{dt} = 8 - 2t$, $t=3$ sekundda burchak tezlikni topamiz:


$$\omega_{t=3} = 8 - 2 \cdot 3 = 2 \text{ rad/s.}$$

5-masala. AB sterjenning pastki B uchi sharnirli mahkamlangan (1-rasm). Sterjenning yuqori A uchiga AC arqon bog'langan. Bu arqon sterjenni muvozanatda tutib turadi. Agar sterjenning og'irligi P , $\angle ABC = \angle BCA = \alpha$ bo'lsa, arqonning taranglik kuchini toping. B va C nuqtalar bir vertikalda yotadi.

Yechilishi. Sharnir B ga nisbatan P og'irlik kuchi va arqonning T taranglik kuchi momentlari tengligi sterjenning muvozanat sharti bo'ladi (2-rasm).



1-rasm



2-rasm


$$P \cdot \frac{l}{2} \sin \alpha = Tl \cos \beta \quad \text{bunda } l - \text{sterjenning uzunligi yoki } \beta$$

¹ T.Turg'unov. Amaliy fizika. Toshkent, "O'zbekiston", 2003, 255-bet.


$$\frac{P}{2} \sin \alpha = T \cos \beta, \beta = \frac{\pi}{2} - (\pi - 2\alpha) = 2\alpha - \frac{\pi}{2}, \cos(2\alpha - \frac{\pi}{2}) = \sin 2\alpha$$

Shunday qilib, $T = \frac{P \sin \alpha}{2 \sin 2\alpha} = \frac{P}{4 \cos \alpha}$, Javob: $T = \frac{P}{4 \cos \alpha}$

6-masala. Yupqa bir jinsli plastinka radiusi R bo'lgan doira shakliga ega bo'lib, unda radiusi plastinka radiusidan ikki marta kichik va plastinka chetiga tegadigan qilib teshik ochilgan (3-rasm). Plastinkaning massa markazi qayerda bo'ladi?



3-rasm



4-rasm


Yechilishi. Quyidagicha tasavvur qilib ko'ramiz. Plastinkada birinchi teshikka simmetrik qilib ikkinchi teshik ochilgan (4-rasmdagi punktir chiziq), unda plastinkaning qolgan qismining massa markazi uning geometrik markazida, ya'ni O nuqtada bo'ladi. Plastinkaning punktir chiziq ichidagi qismining massa markazi O nuqtadan $R/2$ masofada bo'ladi. Agar M -yaxlit plastinkaning massasi, m -uning qirqib olingan qismining massasi bo'lsa, u holda teshikli plastinkaning massa markazi quyidagi ifodadan topiladi:

$$(M - 2m)x = m\left(\frac{R}{2} - x\right)$$


Bu yerda x —biror O nuqtadan izlanayotgan massa markazigacha bo'lgan masofa. Bunda $\frac{m}{M} = \frac{1}{4}$ ekanini hisobga olib (massalar diskning tegishli qismlarining yuzalari kabi nisbatda bo'ladi), quyidagiga ega bo'lamiz

$$x = \frac{R}{6}$$

7-masala. Gorizontal taxta Ada balandligi H bo'lgan zina bo'lib, unda taxta ustida erkin yotgan radiusi $R > H$ bo'lgan bir jinsli silindir tiralib turbidi (5-rasm). Taxta gorizontal yo'nalishda a tezlanish bilan suriladi. Silindr zinaga hali ko'tarilmagan paytdagi tezlanishning maksimal qiymatini aniqlang. Ishqalanishni hisobga olmang.



5-rasm



6-rasm

Yechilishi: Ishqalanish bo'lmagani tufayli silindrga hech qanday kuch (uning sirtiga urinma bo'lgan) ta'sir qilmaydi. Shuning uchun taxtaning tezlanishi ortganda silindr burilmasdan zinaga ko'tariladi. Silindrga ta'sir qiluvchi kuchlarni ko'rsatuvchi 6-rasmdan foydalanib, Nyutonning ikkinchi qonunini gorizontal va vertikal yo'nalishlar uchun yozish mumkin:

$$ma = N_1 \cos \alpha, \quad 0 = mg - N_1 \sin \alpha - N$$

$$\sin \alpha = (R - H) / R$$

ekanligini va mumkin bo‘lgan maksimal a_{\max} tezlanishida $N=0$ bo‘lishini hisobga olib, quyidagiga ega bo‘lamiz:¹

$$a_{\max} = g \frac{\sqrt{H(2R-H)}}{R-H}, \quad \text{Javob: } a_{\max} = g \frac{\sqrt{H(2R-H)}}{R-H}$$

Babadjanova Aygul Kamiljanovna (3th year PhD student of the Physics and Mathematics faculty of UrSU, e-mail: a.babadjanova@urdu.uz), **Atanazarova Shoira Erkinovna** (2nd year master of the Physics and Mathematics faculty of UrSU, e-mail: atanazarova94@gmail.com)

INTEGRATION OF THE DISCRETE MATRIX MODIFIED KDV EQUATION WITH A SELF-CONSISTENT SOURCE VIA INVERSE SCATTERING METHOD

Annotatsiya. Ushbu maqolada matritsaviy Ablowitz-Ladik xos qiymat masalasi hamda moslangan manbali diskret matritsaviy modifitsirlangan KdV tenglamasini sohilish nazariyasining teskari masalasi usuli yordamida integrallash masalalari ko‘rib chiqilgan.

Аннотация. В данной статье рассмотрена матричная задача собственного значения Абловица-Ладика, а также задача интегрирования дискретного матричного модифицированного уравнения КдФ с самосогласованным источником методом обратной задачи теории рассеяния.

Annotation. In this article, there was considered the matrix Ablowitz-Ladik eigenvalue problem and the integration of the discrete matrix Ablowitz-Ladik lattice with a self-consistent source via inverse scattering method.

Kalit so‘zlar: integrallanuvchi diskret sistemalar, sohilish nazariyasining teskari masalasi, moslangan manba, Yost yechimlari.

Ключевые слова: интегрирующие дискретные системы, обратная задача теории рассеяния, самосогласованный источник, решения Йоста.

Key words: integrable discrete systems, inverse scattering theory, self-consistent source, Jost solutions.

Introduction. The matrix generalization of the Ablowitz–Ladik lattice first considered in the early 1980 s² is still a topic of interest in discrete integrable systems. In³ the inverse scattering method associated with the matrix Ablowitz–Ladik eigenvalue problem and its applications to space-discrete analogs of derivative NLS systems was developed. The semi-discrete coupled modified KdV equations and nonlinear Schrodinger equations was solved by T.Tsuchida, H.Ujino and M.Wadati.

In this work, we consider the discrete matrix modified KdV equation with a self-consistent source. For the scalar cases, the integrable discrete systems with self-consistent sources was investigated in⁴.

§ 1.1. The matrix Ablowitz-Ladik eigenvalue problem. In this section, we give some information on the direct and inverse scattering theory on the matrix Ablowitz-Ladik eigenvalue problem

$$\begin{bmatrix} \Psi_{1,n} \\ \Psi_{2,n} \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} zI & zQ_n \\ z^{-1}R_n & z^{-1}I \end{bmatrix} \begin{bmatrix} \Psi_{1,n+1} \\ \Psi_{2,n+1} \end{bmatrix} \quad (1.1)$$

where z is a constant spectral parameter and I is the identity matrix of arbitrary size. The potentials Q_n and R_n , are $p \times p$ square matrices are assumed to decay sufficiently rapidly at spatial infinity

¹ Коган Б.Ю. Задачи по физике. Москва, “Просвещение”, 1971, с. 36–37.

² Ablowitz M.J., Ladik J.F. Nonlinear differential–difference equations and Fourier analysis. J.Math. Phys, 17, 1976, pp. 1011 – 1018.

³ Tsuchida T.A refined and unified version of the inverse scattering method for the Ablowitz–Ladik lattice and derivative NLS lattices. arXiv:1206. 3210 [nlin.SI], 2012; Tsuchida T., Ujino H., Wadati M. Integrable semi-discretization of the coupled modified KdV equations. J.Math. Phys, 39, 1998, pp. 4785 – 4813; Tsuchida T. , Ujino H., Wadati M. Integrable semi-discretization of the coupled nonlinear Schrodinger equations. J. Phys. A: Math. Gen, 32, 1999, pp. 2239–2262.

⁴ Li Qi, Duan Qiu-Yuan, Chen Deng-Yuan, Zhang Jian-Bing Exact Solutions of Ablowitz–Ladik Hierarchy with Self-Consistent Sources Revisited and Reductions. Commun. in Theor. Phys., 62(1):5, 2014; Cabada A., Urazbaev G. Integration of the Toda lattice with an integral-type source. Inverse problem , 26, 2010.

$$\lim_{n \rightarrow \pm\infty} Q_n = \lim_{n \rightarrow \pm\infty} R_n = 0.$$

We also consider the adjoint equation

$$\begin{bmatrix} \Phi_{1,n+1} & \Phi_{2,n+1} \end{bmatrix} = \begin{bmatrix} \Phi_{1,n} & \Phi_{2,n} \end{bmatrix} \begin{bmatrix} zI & zQ_n \\ z^{-1}R_n & z^{-1}I \end{bmatrix}. \quad (1.2)$$

Thus we can introduce an $p \times p$ matrix function $W[\cdot, \cdot]$ for a pair of solutions to (1.1) and (1.2) as

$$W[\Phi_n, \Psi_n] := \begin{bmatrix} \Phi_{1,n} & \Phi_{2,n} \end{bmatrix} \begin{bmatrix} \Psi_{1,n} \\ \Psi_{2,n} \end{bmatrix} = \Phi_{1,n} \Psi_{1,n} + \Phi_{2,n} \Psi_{2,n},$$

which is n -independent $W[\Phi_n, \Psi_n] = W[\Phi_{n+1}, \Psi_{n+1}]$.

A set of column-vector (or row-vector) solutions to the eigenvalue problem (1.1) (or (1.2)) are linearly independent. We introduce Jost solutions $\phi_n(z), \bar{\phi}_n(z)$ and $\psi_n(z), \bar{\psi}_n(z)$ at a fixed time that satisfy (1.1) and the asymptotics,

$$\begin{cases} z^n \phi_n \rightarrow \begin{bmatrix} I \\ O \end{bmatrix}, \\ z^n \bar{\phi}_n \rightarrow \begin{bmatrix} O \\ -I \end{bmatrix}, \end{cases} \text{ as } n \rightarrow -\infty, \quad \begin{cases} z^{-n} \psi_n \rightarrow \begin{bmatrix} O \\ I \end{bmatrix}, \\ z^n \bar{\psi}_n \rightarrow \begin{bmatrix} I \\ O \end{bmatrix}, \end{cases} \text{ as } n \rightarrow +\infty. \quad (1.3)$$

The Jost solutions ψ_n and $\bar{\psi}_n$ form a fundamental set of solutions to the eigenvalue problem (1.1), we can set on the unit circle $|z| = 1$ as

$$\phi_n(z) = \bar{\psi}_n(z)A + \psi_n(z)B, \quad (1.4)$$

$$\bar{\phi}_n(z) = \bar{\psi}_n(z)\bar{B} - \psi_n(z)\bar{A}. \quad (1.5)$$

Here, A, B, \bar{B} and \bar{A} are n -independent $p \times p$ matrices, which depend on the spectral parameter z and are called scattering data.

The matrix functions $z^n \phi_n, z^{-n} \bar{\phi}_n, z^{-n} \psi_n^{ad}$ and $z^{-n} \bar{\psi}_n^{ad}$ depend on z only through z^2 and these imply that the scattering data A, B, \bar{B} and \bar{A} are even functions of z ; they can be denoted as $A(\mu), B(\mu), \bar{B}(\mu)$ and $\bar{A}(\mu)$, where $\mu = z^2$

We introduce the following representations of the Jost solutions ψ_n and $\bar{\psi}_n$:

$$z^{-n} \psi_n = \prod_{i=n}^{\infty} \begin{bmatrix} \mu I & \mu Q_i \\ R_i & I \end{bmatrix} \begin{bmatrix} O \\ I \end{bmatrix} =: \begin{bmatrix} O \\ I \end{bmatrix} + \sum_{k=0}^{\infty} \mu^{k+1} K(n, n+k), \quad (1.6)$$

$$z^{-n} \bar{\psi}_n = \prod_{i=n}^{\infty} \begin{bmatrix} I & Q_i \\ \mu^{-1} R_i & \mu^{-1} I \end{bmatrix} \begin{bmatrix} I \\ O \end{bmatrix} =: \begin{bmatrix} I \\ O \end{bmatrix} + \sum_{k=0}^{\infty} \mu^{-k-1} \bar{K}(n, n+k), \quad (1.7)$$

which are assumed to be uniformly convergent in $|\mu| \leq 1$ and $|\mu| \geq 1$, respectively. The ‘‘integral kernels’’ $K(n, m)$ and $\bar{K}(n, m)$ are μ -independent $2p \times p$ matrices denoted in terms of $p \times p$

matrices as

$$K(n, m) = \begin{bmatrix} K_1(n, m) \\ K_2(n, m) \end{bmatrix}, \quad \bar{K}(n, m) = \begin{bmatrix} \bar{K}_1(n, m) \\ \bar{K}_2(n, m) \end{bmatrix}, \quad m \geq n.$$

which have the following relations with the potentials Q_n and R_n

$$\begin{aligned} K_1(n, n) &= Q_n, & \bar{K}_2(n, n) &= R_n, \\ K_2(n, n) &= \sum_{j=n}^{\infty} R_j Q_{j+1}, & \bar{K}_1(n, n) &= \sum_{j=n}^{\infty} Q_j R_{j+1}. \end{aligned} \quad (1.8)$$

$A(\mu)$ and $\bar{A}(\mu)$ can be analytically continued for $|\mu| \leq 1$ and $|\mu| \geq 1$, respectively. For simplicity, we assume that the matrices $(A(\mu))^{-1}$ and $(\bar{A}(\mu))^{-1}$ have simple poles in $|\mu| \leq 1$ denoted as $\mu_k = z_k^2$, $k = 1, N$ and out $|\mu| \geq 1$, such as $\tilde{\mu}_m = \tilde{z}_m^2$, $m = 1, \bar{N}$, respectively. There exist $p \times p$ matrices R_j and \bar{R}_j such that

$$\begin{aligned} \varphi N_j &= \psi_n R_j, & \mu_j &= z_j^2, & j &= 1, N \\ \bar{\varphi} \bar{N}_j &= \bar{\psi}_n \bar{R}_j, & \tilde{\mu}_j &= \tilde{z}_j^2, & j &= 1, \bar{N}, \end{aligned}$$

where

$$\begin{aligned} N_j &= \operatorname{Res}_{\mu=\mu_j} (A(\mu))^{-1}, & \mu_j &= z_j^2, & j &= 1, N \\ \bar{N}_j &= \operatorname{Res}_{\mu=\tilde{\mu}_j} (\bar{A}(\mu))^{-1}, & \tilde{\mu}_j &= \tilde{z}_j^2, & j &= 1, \bar{N} \end{aligned}$$

The set of $\{A(\mu), \bar{A}(\mu), B(\mu), \bar{B}(\mu), \mu_1, \dots, \mu_N, \tilde{\mu}_1, \dots, \tilde{\mu}_{\bar{N}}, R_j, \bar{R}_j\}$ is called scattering

data associated with the equation (1.1). This scattering data determine the potentials Q_n and R_n .

§ 1.2. Integration of the discrete matrix Ablowitz-Ladik lattice with a self-consistent source via inverse scattering method. We consider the following matrix Ablowitz-Ladik system with a self-consistent source for the arbitrary scalar constants a and b :

$$\begin{cases} Q_{n,t} = Q_{n+1} - Q_{n-1} + Q_n Q_n Q_{n+1} - Q_{n-1} Q_n Q_n - \\ - \left[\sum_{k=1}^N \frac{1}{z_k} f_{1,n}^k \otimes (f_{1,n+1}^k)^T - \sum_{k=1}^N z_k f_{2,n}^k \otimes (f_{2,n+1}^k)^T \right] \prod_{i=-\infty}^n \gamma_i \end{cases} \quad (2.1)$$

with the initial condition

$$Q_n|_{t=0} = Q_n^0, \quad \sum_{n=-\infty}^{\infty} (\|Q_n^0\|) \leq \infty, \quad (2.2)$$

under the normalizing condition

$$\sum_{l=-\infty}^{\infty} \left[f_{1,l}^{Tk} \prod_{i=-\infty}^{n-1} \gamma_i f_{2,l}^k + f_{2,l}^{Tk} \prod_{i=-\infty}^{n-1} \gamma_i f_{1,l}^k \right] = 2a_k(t), \quad t \geq 0, \quad k = 1, N \quad (2.3)$$

Here the matrices Q_n is $p \times p$ square matrix, $\gamma_i = I - Q_i^2$ and $f_{j,n}^k(t)$, $j = 1, 2$ are column vectors with p components, which satisfy the following matrix eigenvalue problem

$$\begin{pmatrix} z_k I & z_k Q_n \\ -z_k^{-1} Q_n & z_k^{-1} I \end{pmatrix} \begin{pmatrix} f_{1,n+1}^k \\ f_{2,n+1}^k \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} f_{1,n}^k \\ f_{2,n}^k \end{pmatrix}, \quad |z_k| < 1, k = 1, N, \quad (2.4)$$

where I is the $p \times p$ identity matrix and $a_k(t)$ is non-zero continuous function.

Here we assume that the potentials Q_n is decaying sufficiently rapidly at spatial infinity:

$$\sum_{n=-\infty}^{\infty} (\|Q_n\|) \leq \infty, \quad t \geq 0. \quad (2.5)$$

Our purpose is to find the solution of the problem (2.1)-(2.5) which is a collection $\{Q_n, f_{1,n}^k, f_{2,n}^k\}$, $k = 1, N$. With this aim we will deduce the representations for the time evolution equations of the scattering data with which it is available to find the collection of solution of the problem (2.1)-(2.5) via the inverse scattering method for the operator $L_n(t)$, which is

$$L_n(t) = \begin{pmatrix} zI & zQ_n \\ -z^{-1}Q_n & z^{-1}I \end{pmatrix}.$$

The system of equations (2.1) can be represented in the following way:

$$\dot{L}_n = M_n L_n - L_n M_{n+1} + F_n L_n - L_n F_{n+1} \quad (2.6)$$

where M_n , F_n and G_n are

$$M_n = \begin{pmatrix} (1 - z^2)I - Q_{n-1}Q_n & -z^2 Q_{n-1} - Q_n \\ Q_n + z^{-2} Q_{n-1} & (1 - z^{-2})I - Q_{n-1}Q_n \end{pmatrix} \quad (2.7)$$

$$F_n = \sum_{k=1}^{2N} \frac{1}{z_k^2 - z^2} f_n^k \otimes g_n^k \begin{pmatrix} z_k^2 & 0 \\ 0 & z^2 \end{pmatrix},$$

respectively. Here g_n^k is defined as $g_n^k = \sigma \left\{ \prod_{i=-\infty}^{n-1} \gamma_i \right\} f_n^k$, $\sigma = \begin{pmatrix} 0 & -I \\ I & 0 \end{pmatrix}$.

The eigenvector functions f_n^k correspond to the eigenvalues z_k , $k = 1, N$.

Let us consider the following system of equations

$$L_n(z, t) Y_{n+1} = \begin{pmatrix} zI & zQ_n \\ -z^{-1}Q_n & z^{-1}I \end{pmatrix} Y_n, \quad Y_n = \begin{pmatrix} Y_{1,n} \\ Y_{2,n} \end{pmatrix}, \quad (2.8)$$

$$T_{n+1} - T_n = \frac{z_k z}{z_k + z} \left(\frac{1}{z} g_{1,n+1}^k Y_{1,n+1} - \frac{1}{z_k} g_{2,n+1}^k Y_{2,n+1} \right), \quad (2.9)$$

for unknown functions T_n , $n \in \mathbb{Z}$.

With the solutions of the system, we can define the following matrix function

$$S_n = \dot{Y}_n - M_n Y_n - \sum_{k=1}^{2N} f_n^k T_n \quad (2.10)$$

which satisfy the equality $L_n S_{n+1} = S_n$.

Let $\phi_n(z, t)$ and $\psi_n(z, t)$ be the Jost solutions of the equation (2.8) with the asymptotics (1.3).

Substituting these solutions into (2.9) we define

$$\begin{aligned} T_n^+ &= - \sum_{j=n+1}^{\infty} \frac{z_k z}{z_k + z} \left(\frac{1}{z} g_{1,j}^k \psi_{1,j} - \frac{1}{z_k} g_{2,j}^k \psi_{2,j} \right) \\ T_n^- &= \sum_{j=-\infty}^n \frac{z_k z}{z_k + z} \left(\frac{1}{z} g_{1,j}^k \varphi_{1,j} - \frac{1}{z_k} g_{2,j}^k \varphi_{2,j} \right) \end{aligned} \quad (2.11)$$

The functions T_n^+ , T_n^- are analytical functions at any $|z| < 1$ due to the definition of the Jost solutions.

For the equality (2.10) we assume now the following representations for $|z| = 1$

$$\begin{aligned} S_n^- &= \dot{\varphi}_n - M_n \varphi_n - \sum_{k=1}^{2N} f_n^k T_n^-, \\ S_n^+ &= \dot{\psi}_n - M_n \psi_n - \sum_{k=1}^{2N} f_n^k T_n^+. \end{aligned} \quad (2.12)$$

Considering the asymptotics of the Jost solutions and the matrix (2.7) we find that as $n \rightarrow -\infty$ and $n \rightarrow +\infty$ respectively

$$\begin{aligned} S_n^- &= (z^2 - 1) \varphi_n, \\ S_n^+ &= \left(\frac{1}{z^2} - 1 \right) \psi_n. \end{aligned} \quad (2.13)$$

Lemma 1. For all $|z| = 1$, the following equalities are valid for the matrices $A(\mu)$ and $B(\mu)$, $\mu = z^2$

$$\dot{A}(\mu) = 0, \quad \dot{B}(\mu) = \left[(\mu - 1) + \left(1 - \frac{1}{\mu} \right) \right] B(\mu), \quad (2.14)$$

Proof. We introduce the following matrix function for $|z| = 1$

$$H_n = S_n^- - \bar{S}_n^+ A - S_n^+ B. \quad (2.15)$$

Using the equalities (2.13) in (2.15), we obtain

$$H_n = \left[(z^2 - 1) + \left(1 - \frac{1}{z^2} \right) \right] \psi_n B. \quad (2.16)$$

Substituting the representations (2.12) for the matrices S_n^- , S_n^+ in (2.15) we get

$$\begin{aligned} H_n &= \dot{\varphi}_n - M_n \varphi_n - \sum_{k=1}^{2N} f_n^k \cdot T_n^- - \dot{\psi}_n B + M_n \psi_n B + \\ &+ \sum_{k=1}^{2N} f_n^k T_n^+ B - \dot{\bar{\psi}}_n A + M_n \bar{\psi}_n A + \sum_{k=1}^{2N} f_n^k \bar{T}_n^+ A \end{aligned}$$

Using the summation (2.11), we can find that

$$-T_n^- + T_n^+ B + \bar{T}_n^+ A = - \sum_{j=-\infty}^{\infty} \frac{z_k z}{z_k + z} g_{j+1}^k \begin{pmatrix} \frac{1}{z} I & 0 \\ 0 & -\frac{1}{z_k} I \end{pmatrix} \varphi_{j+1} =$$

$$= - \sum_{j=-\infty}^{\infty} \frac{W_{j+2} - W_{j+1}}{z_k^2 - z^2} = 0.$$

Hence,

$$H_n = \psi_n \dot{B} + \bar{\psi}_n \dot{A}. \quad (2.17)$$

Comparing (2.16) with (2.17), we obtain the equalities (2.14).

Corollary. Since the matrices $A(\mu)$ does not depend on t , the zeros of its determinant z_k , $k = 1, N$ also do not depend on t , thus

$$\dot{z}_k(t) = 0, \quad k = 1, 2N. \quad (2.18)$$

Lemma 2. The matrix functions $R_j(t)$ satisfy the following the equalities

$$\dot{R}_j(t) = \left[\left(\frac{1}{\mu_j} - 1 \right) + (1 - \mu_j) + a_j(t) \right] R_j(t), \quad j = 1, 2N. \quad (2.19)$$

Proof. For z_j , $|z_j| < 1$, $j = 1, N$ we denote

$$\begin{aligned} S_n^-(z_j, x, t) &= \phi_n^j - M_n^j \phi_n^j + \sum_{k=1}^{2N} f_n^k G_n^{-j}, \\ S_n^+(z_j, x, t) &= \psi_n^j - M_n^j \psi_n^j + \sum_{k=1}^{2N} f_n^k G_n^{+j}. \end{aligned} \quad (2.20)$$

where

$$G_n^{-j} = \sum_{l=-\infty}^{n-1} \frac{z_k z_j}{z_j + z_k} g_l^k \begin{pmatrix} \frac{1}{z_j} I & 0 \\ 0 & -\frac{1}{z_k} I \end{pmatrix} \phi_l^j, \quad (2.21)$$

$$G_n^{+j} = - \sum_{l=n}^{\infty} \frac{z_k z_j}{z_j + z_k} g_l^k \begin{pmatrix} \frac{1}{z_j} I & 0 \\ 0 & -\frac{1}{z_k} I \end{pmatrix} \psi_l^j, \quad (2.22)$$

We now introduce the following matrix function

$$H_n^j = S_n^-(z_j, x, t) N_j - S_n^+(z_j, x, t) R_j. \quad (2.23)$$

When $z = z_k$, we know that

$$f_n^k(x, t) = \psi(z_k, x, t) c_k(t), \quad (2.24)$$

where $c_k(t)$ are non-zero column vectors.

Using (2.20) we can rewrite (2.23) as

$$\begin{aligned} H_n^j &= \phi_n^j N_j - M_n^j \phi_n^j N_j + \sum_{k=1}^{2N} f_n^k G_n^{-j} N_j - \\ &- \psi_n^j R_j + M_n^j \psi_n^j R_j - \sum_{k=1}^{2N} f_n^k G_n^{+j} R_j \end{aligned} \quad (2.25)$$

Knowing the independence of N_j from t we obtain

$$\dot{\phi}_n^j N_j = \dot{\psi}_n^j R_j + \psi_n^j \dot{R}_j. \quad (2.26)$$

If we calculate the following subtraction using the summations (2.21)-(2.22)

$$\text{for } k \neq j, \text{ we have } G_j^{-j} N_j - G_n^{+j} R_j = \sum_{l=-\infty}^{\infty} z_k z_j \frac{W_{l+2} - W_{l+1}}{z_k^2 - z_j^2} N_j = 0.$$

If $k = j$, considering the equality (2.26) we rewrite (2.25)

$$H_n^j = \psi_n^j \dot{R}_j - f_n^j \otimes \sum_{l=-\infty}^{\infty} \frac{1}{2} g_l^j \begin{pmatrix} I & 0 \\ 0 & -I \end{pmatrix} \psi_l^j R_j, \quad (2.27)$$

If we denote $\sigma \begin{pmatrix} I & 0 \\ 0 & -I \end{pmatrix} = \sigma_1$ in (2.27), we have

$$H_n^j = \psi_n^j \dot{R}_j(t) - \frac{1}{2} \psi_n^j c_j(t) \otimes c_j^T \sum_{l=-\infty}^{\infty} \psi_n^{Tj} \prod_{i=-\infty}^{n-1} \gamma_i \sigma_1 \psi_l^j R_j, \quad (2.28)$$

Denoting $P_j(t)$ as

$$P_j(t) = c_j(t) \otimes c_j^T(t) \sum_{l=-\infty}^{\infty} \psi_n^{Tj} \prod_{i=-\infty}^{n-1} \gamma_i \sigma_1 \psi_l^j$$

we can rewrite (2.28)

$$H_n^j = \psi_n^j \dot{R}_j(t) - \frac{1}{2} \psi_n^j P_j(t) R_j(t), \quad (2.29)$$

We can get

$$P_j(t) R_j(t) = 2a_j(t) R_j(t). \quad (2.30)$$

Then, using the equality (2.30) in the expression (2.29) we have

$$H_n^j = \psi_n^j \dot{R}_j(t) - \psi_n^j a_j(t) R_j(t). \quad (2.31)$$

On other hand according to the equality (2.13) we have

$$H_n^j = \left[\left(1 - \frac{1}{\mu_j} \right) + (\mu_j - 1) \right] \psi_n^j R_j(t). \quad (2.32)$$

Comparing the (2.31) with (2.32) for $\mu_j = z_j^2$, $|\mu_j| < 1$, we can obtain (2.19) for $j = 1, N$.

And analogously doing the same procedure for $\mu_j = z_j^2$, $|\mu_j| > 1$, we obtain (2.19) for $j = N + 1, 2N$.

Theorem: If the matrices $Q_n(t)$ and the vectors $f_{1,n}^k, f_{2,n}^k$ are solution of the problem (2.1)-(2.5), then the scattering data for the $L_n(t)$ operator satisfy the relations (2.14), (2.18) and (2.19).

Хайтметов Раимберди Кудратуллоевич (Тошкент вилояти Чирчиқ Давлат педагогика институти ўқитувчиси, r.haytmetov@cspi.uz)

ИММАНУИЛ КАНТ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН ВА АХЛОҚ МАСАЛАСИ

Аннотация. Мақолада немис классик фалсафасининг йирик намояндаларидан бири Иммануил Кант ижодидаги антропологик, ахлоқий ва педогогик қарашлари ва уларнинг ўзаро алоқа-дорлиги қисқача кўриб чиқилади.

Аннотация. В статье кратко обсуждаются антропологические, этические и педагогические взгляды Иммануила Канта, одного из великих представителей немецкой классической философии, и их взаимосвязи.

Annotation. The article briefly discusses the anthropological, ethical and pedagogical views of Immanuel Kant, one of the great representatives of German classical philosophy, and their relationship.

Калим сўзлар: фалсафа, антропология, феномен, эго, эстетика, мантиқ, этика, ақл, догматизм, эвдемонизм, эркинлик, танқид, прагматизм, рационализм, физикатеология.

Ключевые слова: философия, антропология, феномен, эго, эстетика, логика, этика, разум, догматизм, эвдемонизм, свобода, критика, прагматизм, рационализм, физикатеология.

Key words: philosophy, anthropology, phenomenon, ego, aesthetics, logic, ethics, reason, dogmatism, eudaimonism, freedom, criticism, pragmatism, rationalism, physical theology.

Инсон масаласи бу абадий муаммо десак хато бўлмайди. Чунки уни кўпгина соҳалар (фалсафа, тиббиёт, психология, социология, физиология ва ҳар хил нуқтаи назарга кўра ўрганиб келмоқдалар. Инсон феномени ҳозирда биз яшаб турган ва ўзига яраша ривожланиш даражасига эга бўлган, асрда ҳам тўлиқ ўрганилмаган, қолаверса, унинг турли қирраларини очиш давом этмоқда.

Фалсафа тарихида ҳам бошқа фанлар қатори инсон масаласи ҳар бир даврда давр парадигмаси, замонанинг дунёқараши, тафаккур доираси ва бошқа омиллардан келиб чиқиб ўрганилган. Биз эса ушбу мақоламизда 18-асрга тегишли бўлган, немис классик фалсафасининг асосчиларидан бири бўлмиш Иммануил Кантнинг инсон ва унинг ахлоқи ҳақидаги қарашларини қисқача кўриб чиқамиз.

Кантнинг антропологик қарашларини 4 қисмга бўлиш мумкин. Ушбу қисмлар тўртта саволдан иборат бўлиб, улар қўйидагилардир.

1. Мен нимани била оламан?
2. Мен нима қилишим керак?
3. Мен нимага умид қила оламан?
4. Инсон нима?

Бу саволлардан шуни пайқаш мумкинки, уларнинг кўлами ҳаддани ташқари кенг ва бу саволлар фақатгина Кант замонасигагина тегишли эмас.

Кант инсон мавзусини ўзининг 1798 йилда ёзилган “Прагматик нуқтаи назарга кўра антропология” деган рисоласида кўриб чиқади. Бу унинг охириги асари эди. Умуман, Кантга кўра антропология бу инсон ҳақидаги тизимли билимлар йиғиндиси.

Лекин Кант ўз асарида инсонни ўрганишда ўзига яраша қийинчиликлар мавжудлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Биринчидан, агар инсон ўзини ўрганаётганини сезиб қолса, айрим сабабларга кўра ўзгара бошлайди. Бу ҳолат унинг табиати билан боғлиқдир. Шу сабабли ҳам уни қандай бўлса шундайлигича объектив ўрганишни иложи йўқдир. Иккинчидан, бу ҳолат у ўз-ўзини ўрганиш жараёнида ҳам, ҳатто содир бўлиши мумкин. Учинчидан, ҳар қандай инсоннинг ҳар бир замон ва маконга тегишли одатлари бор ва улар замон ва маконнинг ўзгариши билан ўзгариб турадилар. Шу сабабли ҳам инсон табиатини аслидай ўрганиш Кантга кўра деярли иложсиздир.¹

У инсонни икки қисмга яъни физиологик инсон ва прагматик инсонга бўлинади. Инсонни физиологик нуқтаи назарга кўра ўрганиш, бу унинг фақатгина натураси билан боғлиқдир. Яъни инсонни табиат махсули сифатида ва ёки этика, эстетика, эътиқод борасида қайта ишланмаган мавжудот сифатида ўрганишдир. Прагматик нуқтаи назарига кўра инсон бу ўз-ўзидан эркин фикр-

¹Имманиил Кант. Собрание сочинений в восьми томах. том 7. “Докритические” произведения. Под общей редакцией проф. А.В.Гулыги. И., 1994, с. 140.

лашни ҳосил қилувчи мавжудотдир.

“Демак, Кантга кўра ақлли мавжудот бўлган одам билан табиий мавжудот бўлган одам ўртасида тафовут мавжуд. Ақлли мавжудот сифатида одам қонунлар шаклидаги ақл асосида ўзи ўзи учун мустақил мавжудот сифатида белгилайдиган мутлак ахлоқий мажбуриятларга бўйсунди. Табиий мавжудот сифатида одам мана шу қонунларга, гарчи унинг табиий майлларга зид келса ҳам, бўйсунди”.¹

Ўзининг антропологик қарашларида Кант инсон “МЕН”и ва ёки “ЭГО”сига ўз диққатини қаратади. Унга кўра, инсон эгоизми уч қисмга бўлинади. Булар мантиқий, эстетик ва амалий эгоизм.

Мантиқий эгоизм бу фикрлаш жараёнида бошқа бир инсон фикрларини рад этиш ва уни кераксиз деб топишдир. Бу эса маълум маънода догматизмга олиб келади.

Эстетик эгоизм бу ўзининг дидига эга бўлган инсондир. У, ҳатто бошқалар у нафис деб топган нарсани хунук деб, унинг устидан кулган тақдирда ҳам, ўз қароридан қайтмасликдир. Айнан шу хусусияти билан ҳар битта “МЕН” ўз-ўзини эстетик дидини шакллантиришга хизмат қилади, яъни у гўзаликка ўз улчовларини, қолаверса, шартларини ишлаб чиқади. Бу ҳар бир шахсга хос хусусиятдир. Қолаверса, индивиднинг шахсга айланишида айнан мана шу босқич катта роль ўйнайди.

Амалий ва ёки ахлоқий эгоизм бу фақат ўз бахти учун, ўз ҳаракатларини чеклаш. Кантнинг фикрича барча ахлоқий эгоистлар бу эвдомонистлардир.² Демак, инсон фақатгина ўз бахтини, роҳат-фароғатини деб, яъни ўз манфаатига кўра, ахлоқий нормаларга амал қилиши мумкиндир.

Унинг ахлоқий қарашлари эса қатъий императивга қаратилган бўлиб, яъни амал қилиниши мажбурий бўлган қатъий амалларга асосланган. Шу билан бирга, уни амалий ахлоқ ҳам дейишимиз мумкин. Бизнингча, унинг ахлоқий қарашлари ҳам эгоизмга қаратилган бўлиб, Кантга кўра, сиз шундай ахлоқий ҳаракат қилишингиз лозимки, гуё ушбу ҳаракат, кейинчалик, жаҳон ахлоқий ҳаракати сифатида тан олинсин. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Кантнинг ахлоқий қарашлари теологик бўлмасдан, балки рационалдир. У ахлоқий амалларни ақл билан ҳал қилиш мумкин деб ўйлайди.

Шу билан бирга, Кантни ёш авлод тарбияси ҳам қизиқтиради. Бу борада ҳам у ўзининг эркинлик принципи асосида ўз назариясини яратади. Хусусан у ўзининг педагогикага оид маърузаларидан бирида қўйидаги фикрни ёзиб қолдиради: “Ахлоқий тарбиядаги «қулларча мажбурият» одамни муте қилиб қўяди, у ҳамма нарсага унинг асл маъно ва мазмун-моҳиятини тушунмаган ҳолда механик тарзда бўйсун бошлайди. Ҳар бир киши ўзи учун биргаликда бамаъни ҳаёт кечиришга олиб борадиган қонун-қоидаларни кашф этмоғи лозим. Бунинг учун у, тарбиянинг барча мажбуриятлари билан бирга, доимо ўзи мустақил қарор қабул қила олиш эркинлигини ҳам ҳис этмоғи зарур. Ана шундагина ташқи мажбуриятга асосланган оддий интизомдан ҳақиқий ўз-ўзини англаш асосида қоидаларни қўллаш билиш ва мажбуриятларга амал қилиш кўникмаси ҳосил бўлади. Ана шундагина бола, кейинчалик, ўз эркинлигидан ижобий фойдаланишга, яъни ўзини ўраб турган жамиятга ва бошқаларнинг эркинлигига ҳурмат билан муносабат билдиришга қодир бўлади”.

Унинг юқоридаги фикрлари ҳам танқидий тафаккурни шакллантиришга асосланганлиги ва ёки толерант инсонни тарбиялашга қаратилганлигини пайқаш унчалик қийин эмас, албатта.

Умуман, Иммануил Кантнинг асарлари бугунги кун бизнинг жамиятга ҳам фойдасиз эмас, албатта, чунки ундан бир нечта хусусиятларни ўрганишимиз мумкин.

● Аниқлик, чунки унинг умри аниқликка қаратилган бўлган. У кундалик фаолиятдан бошлаб, барча ҳаракатларини аниқлик асосида ва тизимли бажарган. Бу эса вақт тигиз бўлган ҳозирги инсон учун жуда муҳим масаладир.

● Танқидийлик; унинг ижодини иккига (танқидгача бўлган давр ва танқидий давр) бўлиб ўрганиш одат тусига кирган. Лекин энг асосий қарашлари мужассам бўлган асарлари танқидий даврда ёзилгандир. Ҳар бир нарса ва ҳодисаларга танқидий ёндашиш айнан Кантга хосдир. Шунинг

¹ Гуннар Скирбекк, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи. Т.: 2002, 425-бет.

² Эвдеманизм (юн. eudaimonia-бахт – саодат, роҳат-фароғат) – бахт – саодат, роҳат- фароғатни кишилар ҳаёти-нинг олий мақсади деб ҳисоблайдиган ахлоқий йўналиш. Эвдеманизм юнон этикасининг асосий принципларидан бири бўлиб, у Сукротнинг шахсининг ички эркинлиги, ташқи дунёга қарам эмаслиги тўғрисидаги ғояси билан ўзвий боғлиқ.

учун ҳам ундан бугунни инновацион дунёқарашга эга бўлган авлодни тарбияламоқчи бўлган жамиятимиз унумли фойдаланиши мумкин.

●Эркинлик, чунки Кант ҳар бир нарса ва ҳодисага эркин муносабат билдиришни асосий омил сифатида қарайди. Эркинлик у учун инсон тарбиясидаги асосий жиҳатлардан биридир. Эркин ва ўз шахсий фикрига эга бўлган авлодни тарбиялашда бу қараш ҳам асқотиши мумкин, албатта.

●Амалий ахлоқ. Кант учун ахлоқий категорияларни назарий эмас намуна сифатида ёшларга кўрсатилсагина у қор қилиши мумкин. Бутун жаҳон ҳамжамиятида муаммо бўлган ахлоқ масаласи Кант ижодининг марказий қисмини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам унинг фалсафасини ўрганиш билан биз ахлоқлий авлодни тарбиялашда уни амалда қўллаб кўриш имкониятига эга бўламиз.

Шу жойда яна шуни ҳам алоҳида таъкидлашимиз лозимки, Кант нафақат немис миллатига, балки бошқа бир қатор миллатлар маънавиятининг юксалишига ҳам жуда катта таъсир ўтказган. Хусусан, кантшунос рус файласуфи Леонард Александрович Калининнинг “Рус фалсафий маданиятида Кантнинг роли” деган монографиясида кўйидаги фикрларни кўришимиз мумкин. “...Александр Пушкин, Вячеслав Иванов, Дмитрий Мережковский, Владимир Соловьев каби рус адабиётининг асочилари танлаган адабий мавзулар, муаммолар ва уларнинг ҳал қилиш воситалари Кантнинг таъсири уларга қай даражада бўлганлигини исботлайди”.¹ Юқоридагилардан ташқари, яна муаллиф бир қатор рус адабиёти вакиллари ва файласуфлар номини ўз монографиясида номлаб ўтади. Ёки яна бир буюк рус теологи ва файласуфи А.Н.Бердяевнинг фалсафий автобиография асаридан кўйидаги фикрларини келтиришимиз мумкин: “...мен фалсафа соҳасида ҳаммадан кўпроқ Кант мактабини ўтаганман, нелконтчилардан кўра.”

Хуллас Кант ижодини ўрганиш энг мураккаб иш бўлиши билан биргаликда фойдали эканлигини мана рус классик адабиёти вакиллари тасдиқлаб туришибди. Шу билан бирга, Кант қарашлари ҳам бўш жойдан эмас, балки ўзидан олдинги француз маърифатпарварлари, қолаверса, ўз вақтининг машҳур физикатеологи Исаак Ньютоннинг таъсири жуда катта бўлган.

Юсубов Жалолиддин Кадамович (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети катта ўқитувчиси, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), jaloliddin_manaviyat@mail.ru)
АБУ НАСР ФОРОБИЙ МЕРОСИДА ДИН МАСАЛАСИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНИ

***Аннотация.** Мазкур мақолада Абу Наср Форобийнинг дин ҳақидаги қарашлари фалсафий таҳлил қилинган ҳамда дин ва фалсафанинг ўзаро боғлиқлик томонлари ҳақида фикр-мулоҳаза юритилган. Мақолада алломанинг динни инсон одоб-ахлоқи ва маърифатини юксалтиришидаги муҳим манба эканлиги юзасидан фикрлар келтирилган, фалсафий таҳлил этилган ҳамда ҳозирги кундаги аҳамияти ёритиб берилган.*

***Аннотация.** В статье дается философский анализ взглядов Абу Насра аль-Фараби на религию и обсуждаются взаимосвязи между религией и философией. В статье обсуждается утверждение ученого о том, что религия является важным источником повышения человеческой морали и просвещения, и подчеркивается ее текущее значение.*

***Annotation.** This article provides a philosophical analysis of Abu Nasr al-Farabi's views on religion and discusses the interrelationships between religion and philosophy. The article discusses the scholar's statement that religion is an important source of strengthening human morality, and highlights its current significance.*

***Калим сўзлар:** дин, фалсафа, илм, мерос, ислом фалсафаси, бахт-саодат.*

***Ключевые слова:** религия, философия, наука, наследие, исламская философия, счастье.*

***Key words:** religion, philosophy, science, heritage, Islamic philosophy, happiness.*

Мамлакатимизда ҳозирги кунда давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири – эркин фикрловчи, маънавий юксак, мустақил ва фаол кадрлар тайёрлаш билан бирга, уларнинг миллий мерос ва бой маънавий тафаккурни ўз дунёқарашларига сингдириш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Бу борада миллий ва умуминсоний кадриятлар, тарихий ва маънавий мероснинг аҳамия-

¹ Калинин Л.А. Кант в русской философской культуре: Монография. Калининград, изд-во РГУ им. И. Канта, 2005, с. 10.

ти бекиёсдир. Шу маънода, ёшларни интеллектуал ютук ва салоҳиятли қилиб юксалтириш йўлида илғор хориж тажрибасини ўрганиш билан бирга ўзимизнинг миллий меросимиз дарғалари яратган илму маърифатни ва меросни сингдириш “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” ғоясини амалга оширишга руҳ ва интилиш бағишловчи омил ҳисобланади.

Шарқнинг бекиёс мутафаккири Абу Наср Форобийнинг дин ҳақидаги ғоялари ҳам ўзига хос бўлиб, дин жамиятни идора қилиш учун зарур бўлиб, асосий вазифаси жамият учун, инсон бахт-саодати учун хизмат қилишдан иборатдир. Аллома динларни бир-бирига қарши қўймасдан, бир давлатда, халқларда турли динлар мавжуд бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди. Форобий динни инсонларнинг манфаатидан, давлатдан устун қўймайди, аксинча, динни давлат ва жамиятнинг вазифаларини амалга оширишда ёрдамчи бўлишини айтади.

Форобий фалсафа, дин ва илоҳиётнинг моҳияти ва уларнинг бир-бирига муносабати, фарқ қилувчи жиҳатлари, жамиятда тутган ўрнини ёритиб беришга ҳаракат қилади. Дин, унингча, нарса ва жисмларнинг инъикосидир ёки улар образларининг инсонлар қалбида акс этишидир. Халқ оmmasига нарса ва ашёларнинг воқеликда қандай мавжудлигини англаб етиши қийин бўлгани учун уларни турли восита ва йўллар билан, хусусан, тақлидий образлар орқали ўргатишга интилганлар.¹ Мутафаккир фикрича, файласуфлар дунёни тушунчалар орқали қабул қилсалар, диндорлар ашё ва нарсаларни тасаввурлар кўринишида идрок қиладилар. Аллома фалсафий ва диний билимларнинг бир-биридан фарқини аниқ кўрсатиб беради. Диний таълимот, қадимгилар эътиқодича, фалсафага тақлид қилишдир. Уларнинг иккаласи ҳам бир хил предмет ва ҳодисаларни қамраб олади, улар иккови ҳам нарсалар тўғрисида дастлабки билимларни берадилар, уларнинг пайдо бўлишининг бош сабаби тўғрисида маълумот берадилар. Фалсафий ва диний билимлар инсон мавжудлигининг эзгу мақсади, яъни бахт-саодатга эришув эканлигини кўрсатиб берадилар. “Агар фалсафа буларнинг ҳаммасини ақл идрок қила оладиган моҳият ва тушунчалар орқали берса, “диний таълимот” уларни тасаввурлар ёрдамида кўрсатиб беради. Бунинг натижасида фалсафа уларни ҳаммасини исботлаб беради, диний таълимот эса уларни (мавжудлигига) ишонтиради”,² деб таъкидлайди Форобий.

Форобий кишиларнинг диний мазҳабига эмас, балки уларнинг турли белгилари – табиий хусусиятларига, қобилиятларига, ақлий иқтидорларига ҳамда илмларни ўрганиш ва ҳаётий тажриба тўплаш жараёнида орттирган билим ва кўникмаларига қараб гуруҳларга бўлади. Шу мақсадда мутафаккир барча одамлар ва халқлар ўзларининг ақлий ва ижодий, маънавий қобилиятларини сафарбар қилсалар, жамият ҳаёти, кишиларнинг яшаш шароитлари тобора яхшиланиб боради ва инсонлар камол топади, деган қарашларни илгари суради: “Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи асос – инсонийликдир, шунинг учун ҳам, одамлар инсоният туркумига кирганликлари туфайли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим”.³

XV–XVI асрларда кўплаб олимлар қатор асарларида Форобийнинг илмий мероси, ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир изланишларни давом эттирдилар. Жумладан, Абдуғаффор Қазвиний “Нигористони Ғаффорий”, Мажбуддин Муҳаммад Али Хусайн “Мажму ал-авлиё” асарларида Форобий илмий мероси кенг таҳлил этилади. Уларнинг таъкидлашича, Форобий ва унинг издошлари ислом дини ақидаларини фалсафий талқин қилган ва уларни рационалистик йўналишда кенг ривожлантирган. Шунингдек, улар Форобийни ислом дунёсидаги илк ислом дини ва ислом фалсафаси назариясига асос солган устоз сифатида талқин этади.

Форобий “Фозил шаҳар одамлари қарашлари” номли китобида Аллоҳнинг барча мавжудотларнинг Яратувчиси ва сабабчиси эканлиги, унга қандай этикод қилиш лозимлиги, унинг борлиғи барча борлиқлардан афзал эканлигини айтади. Файласуфнинг фикрича, Аллоҳнинг шериги йўқ, яъни унинг борлиғи ўзидан бошқа ҳеч кимга тегишли бўлмай, фақат ўзига тегишли. Аллоҳ таоло ўзининг борлиғи билан бошқа мавжудотлардан ажралиб туради, у ўзининг ягоналиги билан бошқа тирик махлуқотлардан фарқ қилади. Олим эътиқодича, Аллоҳ таоло олим, ҳакимдир, у ҳақдир. Хусусан, унинг ҳокимлиги ҳақида Форобий шундай дейди: “У (яъни Аллоҳ) ҳакимдир, ҳакимлиги шундан иборатки, энг яхши нарсаларни энг афзал билимлар билан билишдан иборатдир. У ўзини тушуниши ва билиши билан энг мукаммал бўлган нарсалардан билиб олади. Энг мукаммал бўлган

¹ Абу Наср Форобий. Бахт саодатга эришув ҳақида. Фозил одамлар шаҳри. Т., Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993, 135-бет.

² Аль-Фараби. Гражданская политика. Социально-этические трактаты. Алма-Ата, «Наука», 1973, с. 338.

³ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993, 186-бет.

билим эса доимий билимдан иборатдир, у йўқ билим кетмайди, бу билим эса унинг ўзининг белгисидир”.¹

Абу Наср Форобий илмий мероси ва фаолияти тўғрисида араб тилида ижод қилган ҳозирги давр олимларидан Юҳанна Кумер, Жамил Саолибий, Усмон Амин, Ханна ал-Фахурий ва Ханна ал-Жарра, Умар Фаррух кабиларни кўрсатиш мумкин. Умар Фаррух ўзининг “Икки Форобий” номли асарида Форобий ва Ибн Сино ижодига бағишланган ўрта аср мактабларидан ва Ғарб шарқшунос олимлари илмий тадқиқотларидан кенг фойдаланган ва унда Форобий дунёқараши ва асарлари батафсил ва чуқур талқин қилинган. Ҳозирги даврдаги машҳур Ғарб олими Р.Хаммонд “Форобий фалсафаси ва унинг ўрта аср фалсафий тафаккурига таъсири” номли китобида Форобий дунёқарашининг Европадаги ўрта аср фалсафасига ва диний қарашларига яқин эканлигини эътироф этади. Шунингдек, у Форобийни XIII асрдаги машҳур Фома Аквинский фалсафасини вужудга келишига асос солганлардан бири, тасаввуф диний арбоб деб таърифлайди.² Европа олимларининг ёзишлари, ўрта аср мусулмон мутафаккири – Форобий ўз асарларида, асосан, ислом дини, илоҳиёт, қонинот ва улар ўртасидаги алоқадорлик ва бирлик масалаларини ўрганганлар.

Форобий ўрта аср фанининг турли соҳаларини ўрганган. У диний тўсиқлардан кўрқмаган ҳолда, турли динга мансуб, фалсафий ва сиёсий қарашдаги кишилар билан алоқада бўлди.

Форобийнинг адолатли, фазилатли жамият, давлатни демократик бошқариш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари диққатга сазовордир. Мутафаккирнинг адолатли идеал жамиятида кишиларнинг самарали меҳнатига, илм соҳибларига, уларнинг ақл-заковатига, фазилатли ахлоқ-одобига, ҳаётий тажрибасига юксак баҳо берилади. Диний адоват, ўзга динга эътиқод қилувчиларга нафрат каби сифатлар мутафаккирга хос хусусият эмас. Унинг учун, энг муҳими, кишиларнинг у ёки бу динга эътиқод қилиши эмас, балки маърифатнинг тантанаси, илм-фаннинг истиқболи, инсон камолоти, бахт-саодат, эзгуликнинг қарор топиши, инсонларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигидир.

Форобий “Фозил шаҳар одамлари қарашлари” номли китобида Аллоҳнинг барча мавжудотларнинг Яратувчиси ва сабабчиси эканлиги, унга қандай эътиқод қилиш лозимлиги, унинг борлиги барча борлиқлардан афзал эканлигини айтади. Файласуфнинг фикрича, Аллоҳнинг шериги йўқ, яъни унинг борлиги ўзидан бошқа ҳеч кимга тегишли бўлмай, фақат ўзига тегишли. Аллоҳ таоло ўзининг борлиги билан бошқа мавжудотлардан ажралиб туради, у ўзининг ягоналиги билан бошқа тирик махлуқотлардан фарқ қилади. Олим эътиқодича, Аллоҳ таоло олим, ҳақимдир, у ҳақдир. Хусусан, унинг ҳокимлиги ҳақида Форобий шундай дейди: “У (яъни Аллоҳ) ҳақимдир, ҳақимлиги шундан иборатки, энг яхши нарсаларни энг афзал билимлар билан билишдан иборатдир. У ўзини тушуниши ва билиши билан энг мукамал бўлган нарсалардан билиб олади. Энг мукамал бўлган билим эса доимий билимдан иборатдир, у йўқ билим кетмайди, бу билим эса унинг ўзининг белгисидир”.³

Аллоҳ, булардан ташқари, улуғвор, шон-шавкатли ва олижанобдир. Форобий ушбу масалаларга ўзининг юқорида номи келтирилган китобида муфассал ёритади. Умуман олганда, Форобий Аллоҳ ва унинг сифатлари, унинг мавжудотларни Яратувчиси эканлиги масаласини талқин қилганда ислом фалсафаси қоидаларидан четга чиқмайди, дин намояндаларининг бу борадаги фикрларига қўшилади.

Форобийнинг дунёқараши диний хурофотдан холи бўлиб, дин эркинлигига асосланган. У ислом динига, Қуръонга катта ҳурмат билан қаради. Уни кишиларни хулқ-одобга ўргатувчи манба деб билди. Айни вақтда, ундан ўз ғаразли ва шахсий манфаатлари йўлида фойдаланувчи, жаҳолатга ундовчиларнинг фикрига қўшилмади. Шундай қилиб, буюк файласуф фозил шаҳар одамлари томонидан динни тўғри тушуниши тарафдоридир. Унинг тасавурида, инсоннинг бахт-саодатга эришувида дин муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, мутафаккир асарларининг бирон жойида диний ақида ва маросимларига қарши чиқмайди, ундаги аҳкомларни танқид қилмайди. Аксинча, динга катта ҳурмат билан қарайди, унинг тарбиявий ва тартибга солувчи функциясини таъкидлайди. Шунингдек, дин инсон камолоти ва маърифатга хизмат қилиши лозим, деган фикр тарафдори эди. Унинг дунёқараши диний хурофотдан холи бўлиб, дин эркинлигига асосланган.

¹ Шу манба. 137-бет.

² Hammond R. The philosophy of Alfaradi and ist influence on medieval thought. New York, 1947, p. 49.

³ Абу Наср Форобий. Фозил шаҳар одамлари қарашлари. Фозил одамлар шаҳри. Т., Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993, 137-бет.

Хўжаев Даврон Нуриддинович (Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти)
**АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ИЖТИМОЙИ-ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИДА “ОДИЛ ШОҲ ВА
АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Аннотация. Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида “одил шоҳ ва адолатли жамият” тўғрисидаги қарашлари таҳлил этилган. Маълумки, Алишер Навоий ўз асарларида инсон манфаатларини ва унинг бахту камоли, адолатли жамиятга эришишининг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий, фалсафий, эстетик, диний, ахлоқий воситаларини теран таҳлил этган. Навоий ўзининг кўплаб асарларида ҳукмдорларни огоҳликка, адолатга чорлаб, айтилган, «бир соатлик адолат, икки дунё ибодатидан яхшироқ» деган, муқаддас ҳадисни унутмасликка даъват қилади.

Аннотация. В статье анализируются взгляды Алишера Навои на «справедливого короля и справедливое общество» в его социально-философских взглядах. Известно, что в своих работах Алишер Навои глубоко анализировал интересы человека и его политические, экономические, правовые, социальные, духовные, философские, эстетические, религиозные, нравственные средства достижения счастья и справедливого общества. Во многих своих произведениях Навои призывает правителей быть бдительными и справедливыми и помнить о святом хадисе, который гласит: «Один час правосудия лучше, чем молитвы обоих миров».

Annotation. In this article, there have been analyzed Alisher Navoi's views about “just king and fair society” among his social-philosophical views. It's known that Alisher Navoi, in his works, deeply analyzed the benefits and happiness of humanity, and political, economic, legal, social, spiritual, philosophical, aesthetic, religious, moral means of reaching fair society. Navoi calls rulers for not forgetting the holy khadis “an hour justice is better than two world's pray” which is narrated towards awareness and justice.

Калим сўзлар: Алишер Навоий, “одил шоҳ ва адолатли жамият”, инсонпарварлик, адолат, идеал шаҳар, идеал жамият, Низомий Ганжавий, “Искандарнома”, Абдурахмон Жомий, “Хирадномаи Искандарий”.

Ключевые слова: Алишер Навои, «справедливый король и справедливое общество», человечество, справедливость, идеальный город, идеальное общество, Низами Гянджеви, «Искандарнома», Абдурахмон Джами, «Хирадномай Искандарий».

Key words: Alisher Navoi, “just king and fair society”, humanitarianity, justice, ideal city, ideal society, Nizami Ganjavi, “Iskandarnama”, Abdurahmon Jomi, “Khiuradnomai Iskandari”.

Марказий Осиё маданият тарихида Форобий, Беруний, Амир Темур, Улуғбек, Жомий ва бошқа мутафаккир ва давлат арбоблари сингари Навоий ҳам ўрта аср шароитидаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда катта нуфузга эга бўлиб, халқларимиз тарихи ва тақдирида чуқур из қолдиргандир.

Алишер Навоийнинг давлат ҳақидаги қарашлари туб моҳиятини, аҳамиятини яхши тушуниш учун ўша вақтлардаги шароитларни эсга олиш шартдир. Маълумки, улкан марказий давлат, империя яратган Темурнинг ворислари орасида, ҳокимиятга даъвогарлар ўртасида даҳшатли низолар алангаланиб, принципсиз тўхтовсиз ўзаро урушлар авж олиб кетади. Халқ хўжалиги барбодликка тушади, халқнинг пешона тери билан яратилган бойликлари, меҳнатга қодир одамларнинг аксарияти ўзаро урушларни олиб бораётганларнинг халқ манфаатларига зид мақсадлари хизматига қўйилади. Темур империяси емирилади, марказий идора системаси бузилади, майда-чуйда давлатлар майдонга келади. Бир давлатга тобе бўлган вилоятлардаги ҳокимлар баъзан ўзларини мустақил олиб борар эдилар, ўзлари формал тобе бўлган давлатга қарши, кўпинча, исёнлар кўтариб турар эдилар.

Бу ҳолат мамлакатнинг иқтисодиётига, халқнинг ахволига, салбий таъсир этар, ҳар ерда ўзининг фалокатли, қонли изларини қолдирар, халқ бахтини, саодатини, унинг тинч яшашини поймол этар, мамлакатни, ижтимоий ҳаётни орқага тортар эди.

Навоий золим подшоҳлар, разиллар ҳақида сўзлаб, уларнинг халқ, мамлакат душманлари эканликларини фош этади, уларнинг ярамасликларини, саройдаги ифлос ҳаёт образларини, майбазмларни қоралайди: “Бир дирам учун юз ҳакни ноҳақ эткувчи ва оз қарам учун кўп “ло”ни “наам” битгувчи. Ва бир сабат узум учун бир боғни куйдурмақдин ғами йўқ ва бир ботмон буғдой

учун бир хирмонни совурмакдин алами йўқ...”,¹....”Омий қозики май ичкай – ўлтургулукдур ва дўзах ўтига етмасдин бурун куйдургулукдур”.²

Навоий ўзларини худонинг ердаги вакили деб, ўзларига илоҳий тус бериб, халқни талон-горуҷ этувчи, халқни алдаш каби разил ишлар билан машғул бўлувчи нойибларнинг илоҳий ниқобларини йиртиб ташлайди.

Навоийнинг давлатга, ҳокимларга, разолатга бўлган муносабати, уларни шафқатсиз танқид этиши маълум маънода пассив характерга эга эмас. Навоий қанчалик тинчлик севувчи, шафқатли, мулойим қалбга эга бўлмасин, шунга қарамасдан, у адолатсизлик усул идорасини, разилларни йўқотишга ҳаракат қилади, одамларни шунга чақиради, озор берувчи, тузалмас разилларни шафқатсиз жазолаш кераклигини айтади.

Қизиқарлиси шундаки, бу ишларни амалга оширишда, адолат ўрнатишда, поймол этилган ҳақиқий инсоний ҳуқуқларни барпо этишда Навоий тарбия, ташвиқот, насиҳатнинг ролига қанчалик ишонмасин, у яна айтадики, бу воситалар орқали мавжуд ёмонликни яхшилаш, золимни, фосиқни адолатли, шафқатли, яхши қилиш мумкин эмас, уларга қарши куч татбиқ этиш керак. Маълумки, узоқ вақтлар мобайнида халқ ижодида идеал шаҳар, идеал жамият, жамоа ҳақидаги, яъни синфий қарама-қаршиликларсиз, бир-бирига антогонистик зид бўлган бойликсиз, қашшоқликсиз ва давлатсиз жамият, жамоа ҳақидаги орзу, хаёл ёзма адабиётда ўз ифодасини, айниқса, Низомий “Искандарнома”сида ва Абдурахмон Жомий “Хирадномаи Искандарий”сида топган. Идеал марказий давлати, унинг бошида турганлар қандай бўлиши, қандай мақсадни кўзлашлари керак, ҳокимият ҳамда ҳокимлар билан халқ орасида қандай муносабат бўлиши керак? Бу саволларга,х Алишер Навоийнинг Фарҳоди, хусусан, Искандари жуда яхши жавоб бўла олади. Навоийча, давлат бошида турган одам, подшоҳ халқ, мамлакат фойдаси учун, уларни тинчлик билан таъмин этиш учун марказий давлатнинг қанчалик аҳамиятига эга эканлигини билиши ва шунга риоя қилиши керак, мамлакатнинг, давлатнинг мустақил бўлакларга бўлиниб, парчаланиб кетишига ва шундай ишнинг ташаббускорларига мутлақо йўл қўймаслиги лозим.³

Навоийнинг идеал подшоҳи Навоий тасаввуридаги ҳақиқий инсоний сифатларни, гуманистик фазилатларни ўзида мужассам эттиргандир. У инсонларни бахтли қиладиган ҳақиқий фанлар (математика, тарих, табиёт ва бошқа шунга ўхшаш) билан қуролланган, жамиятнинг сири-асрорини, яхши-ёмонларини билади, уларнинг ҳақиқийси зарарли эканлигини тушунади ва шу асосда фаолиятда бўлади. Навоийнинг марказий давлат ҳақидаги қарашида муҳим ғоя шу эдики, шоирча, ҳукмдор ижтимоий ҳаётнинг тизгинини ёлғиз ўз қўлида сақламасдан, яъни мутлақ ҳукмдор бўлмасдан, унинг ҳуқуқи муайян даражада чекланган, бўлиши керак, у ўзининг атрофига катта-катта олимларни, яхши, ақлли, соф виждонли, тадбирли, халқпарвар маслаҳатчиларни, ўзининг илмини халқнинг бахти хизматига қўйган нуроний ақл эгаларини тўплаши керак. Подшоҳ шуларнинг маслаҳатлари билан ишлаши керак, ўз тадбирларини, чораларини, сиёсий фаолиятларини уларнинг ўтқир ақли, идроки, инсофу виждони ўлчови билан ҳам ўлчаши ва шунга қараб иш қилиши шарт. Подшоҳ буларни ўзининг яқин одамлари, ёрдамчилари деб ҳисоблаб, улар билан бирга иш кўриши керак. Шундай қилиб, ҳақиқий олимлар шоҳга йўл кўрсаткичлик вазифасини ҳам ўтайдилар ва шоҳ уларга ўз қўлидаги бир машғал сифатида қараши лозим.

Навоий фикрича, подшоҳ халқнинг одил отаси, ҳам содиқ ўғлидир. У халқни, унинг молини, мулкни, бахтини, осудалигини дахлсиз нарса деб сақлайди, уларни бўрилардан қўриқлайдиган посбондир. Подшоҳ мамлакатнинг, халқ боғларининг ғамхўр боғбонидир. У, ўзининг бутун ҳаракатларида илму адолат принципларига асосланади, шуларнинг тантанасини таъмин этиш учун интилади, у ўзининг бутун ҳаракатларида, биринчи навбатда, халқнинг манфаатларини кўзлашликни назарда тутаяди.

Подшоҳ давлатни, ҳокимиятнинг ўзининг шахсий нафсларини, хирсларини таъмин этиш воқитаси деб тушунмайди. Давлатга, ҳокимиятга, у халқ муассасаси, ўзига эса уни идора этиш учун шу халқ тарафидан қўйилган раҳбар, бошқарувчи сифатида қарайди. Демак, подшоҳ давлатга, ҳокимиятга ўзининг хусусий мулки деб қарамасдан, уни мамлакатда адолат, тинчлик ўрнатиш, сақлаш, халқнинг истакларини, орзуларини амалга ошириш қуроли деб тушунади. Навоий подшоҳнинг яхши ёки ёмонлигини кўп жиҳатдан халқ қўли билан, халқ кўзи билан ўлчайди, шоҳнинг ях-

¹ Алишер Навоий. 13-том. Хазойин ул-маоний. Асарлар. 4-т, Т., 1965, 447-бет.

² Шу манба.

³ Хайруллаев М.М. Культурное наследие и история философской мысли .Т., “Узбекистан”, 1985, с. 56.

ши ёки ёмонлигини унинг халққа, халқнинг манфаатларига муносабатига кўра белгилайди.

Навоий мамлакатнинг, жамиятнинг яхшиланишида, ҳокимларнинг ақлли, тадбирли, одил бўлишида мамлакатнинг гуллашида, халқнинг хушбахт бўлишида олим ҳамда илмларнинг ролини, аҳамиятини юксакликка кўтаради ва айтадики, агар ҳокимлар ҳақиқий ҳаётий фанлар билан шуғуллансалар, қуроллансалар, яхшини ёмондан ажрата оладилар, зарарларни билиб, уларни йўқотадилар, уларнинг ўрнига халқ учун, мамлакат ва давлат учун фойдалиларни ўрнатадилар, ёмонга йўл қўймайдилар, яхшини хурматлайдилар.

Қисқача қилиб айтганда, Навоийча, илм, бир томондан, шоҳлар қўлида шундай бир қуёшки, унинг ёрдами билан шоҳлар ҳар ёқни ёритадилар, обод қиладилар, иккинчи томондан, ўзларининг номларини келажакда абадий қиладилар.¹ Шунинг учун Навоий қатъият ила ҳокимларни илм ўрганишга, фан билан қуролланишга чақиради. Навоийнинг бошқа илмлар билан бир қаторда, тарих илмига, унинг равнақида, уни ҳам ҳокимлар тарафидан эгаллашга алоҳида аҳамият бериши, Мирхонд ва Хондамирларнинг илмий ишларини уюштириши, уларга тарих ёздириши, улар устидан ғамхўрлиги шу билан ҳам изоҳ этилади. Навоийнинг гўё тарихий македонлик Искандарнинг саргузаштларини ёзганлиги (“Саддий Искандарий”) ҳодисаси шу билан ҳам изоҳланади. Навоийнинг бу “Садди Искандарий”сида Искандарнинг бу қадар катта муваффақият қозониб, деярли бутун дунёни забт қилишини таъмин этган омиллардан бири унинг (Искандарнинг) илм билан яхши қуролланганлиги, катта олим бўлганлиги, улкан олимларнинг маслаҳатлари билан иш қилганлиги эканлигини зўр бериб кўрсатиши, таъкидлаши шу билан ҳам изоҳ этилади. Навоийнинг ўзининг тарих ҳақида ёзган асарларидан кўзлаган мақсади ҳам – шу эди.

Навоийнинг бутун асарлари, хусусан, дostonлари унинг байналмилаллигидан тўлиқ далолат беради. Бу Навоий гуманизмининг нақадар кенг қўламда эканлигини, нақадар чуқур эканлигини, нақадар олижаноб юксак маънога эга эканлигини кўрсатади.

Кимки инсон бўлса, кимки ҳақиқий инсоний кайфиятларга, хислатларга эга бўлса, унинг қайси тилда сўзлашига қарамасдан, қайси халққа, миллатга мансуб бўлишига қарамасдан, қайси бир ўлкада яшашига, қайси бир мамлакатнинг одами бўлишига қарамасдан, У, Навоийнинг маҳбуби, севгилисидир, демак, Навоий ҳар бир халққа ўз халқидек қараган. У ҳеч қачон бир халқни иккинчисига паст тутишни, ҳеч қачон бир халқни иккинчи халққа қарши қўйишни ҳаёлига ҳам келтирмайди. У ҳамма халқларни баробар кўрган. У ўзбек халқига қандай ғамхўрлик кўрсатса, ҳинд халқига ҳам шундай ғамхўрлик қилган. У ўзбек халқини қанчалик бахт-саодат билан таъмин этишга интиланган бўлса, араб халқини ҳам худди шу даражада бахтли ва саодатли бўлишини орзу этган, у хитой халқининг тилакларини қандай ифодалаган бўлса, эрон халқига ҳам шундай самимий, юксак инсоний муносабатда бўлган. Хуллас, барча халқларни бахт оғушида кўриш улуг инсоний қалб эгаси бўлган гуманист Навоийнинг энг асосий олижаноб орзуси, мақсади эди.

Навоий ўзбек Фарҳод ва эронлик Шопур, араб Лайли ва армани Ширин, грек Искандар ва ҳинд Фаррух каби ажойиб образларни яратади. Улар ўз халқларининг асл фарзандлари бўлиб, гоят юксак ҳамда гўзал инсоний фазилатларга эга ва содиқдирлар. Уларни Навоий дилдан беҳад севади ва ардоқлайди, шу орқали шоир уларнинг халқларига ҳам ўзининг самимий муҳаббат, хурмат ва садокатини ифодалайди, халқлар дўстлигини куйлайди. Навоий байналмилаллигининг яна бир муҳим томони борки, у ҳам бўлса қуйидагидан иборатдир.

Шоир самимий ва изчил ватанпарвар бўлган, ўз халқи ва ватанини чексиз севган, умр бўйи уни куйлаган, ардоқлаган ва унинг бахт-саодатини орзу қилган, шу учун курашган. Шоирнинг қуйидаги оловли сатрлари тасодифий бўлмай, тамомила қонунийдир:

Ғурбатда ҳариб шодмон бўлмас эмиш,

Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.

Олтун қафас ичра гар қизил гул битса,

Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш.

Навоийнинг ўз ватанига бўлган муҳаббати, дарҳақиқат, беҳад эди. Бу айни замонда шоирнинг халқпарварлиги, гуманизми ва озодпарварлиги билан узвий боғлиқдир.

Энг муҳими шундан иборатки, Навоийнинг ватанпарварлиги бир ёклама хусусият касб этмас эди. У ўз Ватанини севиш билан бирга, бу Ватанни, унинг манфаатини бошқа халқларга, уларнинг диёрларига қарши қўймаган эди. Аксинча, уларни ҳам севади, хурмат қилади, уларнинг ҳам осуда ва обод бўлишини орзу қилади. Шоирнинг вайрончи босқинчиларга бўлган чексиз нафрати шу би-

¹Аликулов.Х. Этические воззрения мкслителей Средней Азии и Хорасана XIV–XV вв. Т., “Фан”, 1992, с. 86.

лан ҳам изоҳ этилади, тақозо қилинади.

Навоий бир мамлакатни, бир халқни золим подшоҳ босиб олишини, бунинг натижасида у мамлакатнинг вайрон қилинишини, у ернинг халқининг тобе этилишини ғазаб билан қоралайди. Шоир фикрича, шоҳ билан халқ, давлат билан халқ бир бўлиши керак, шоҳ-давлат билан халқ орасида мутаносиблик бўлиши керак, шоҳ халққа, мамлакатга хизмат қилиши керак. Бу – Навоий орзусидир.

Навоий халқ жамият тўғрисида гапирар экан, бундан, у халқни ёппасига бир кўради, бир хил дейди, деган фикрга келиш нотўғридир. У тўғридан-тўғри айтадики:

“Ҳар киши олам элида хўб эмас,

Ҳар кишининг ҳар иши марғуб эмас”.

Маълумки, ўша вақтларда шоҳлик бўлишлик мерос тарзида наслдан-наслга ўтиши вожиб бўлган ва ўтадиган нарсадир, халқ ва мамлакат тақдирини у қандай хоҳласа, шундай ҳал қилишга ҳақлидир деган фикрлар ҳоким қонун-қоида кучига эга эди. Шу билан ва шундай йўл билан шоҳларнинг зулми, мамлакат ва халқни талон-тарож қилиш ҳаракатлари маълум гуруҳлар томонидан оқланар ва асосланар эди. Навоий эса бунга қарши чиқар эди, давлат бошлиғини, шоҳни халқнинг ўзи танласин ва бу бошлиқ, шоҳ халқдан ўзини юқори қўймасин, ўзбилармон бўлмасин, ўзини бошқалардан ажратиб манманлик қилмасин, қобилиятсиз ва шунинг учун мунофиқ ҳамда фитначи бўлганлардан ўзини сақласин, самимий дўстлар, ҳақиқий олимлар, фозиллар, донишмандлар билан бирга бўлиб, эртадан кечгача мамлакатни обод, халқни фаровон ҳамда осуда қилиш, золим, талончи, умуманб ярамасларни йўқотиш ишлари билан машғул бўлсин деган ғоят жиддий ва ўша давр учун улкан салмоққа эга фикрни ўртага ташлайди ва бу фикрни амалга ошириш учун курашади.

Навоий қарашларида шоҳ, давлат билан халқ, омманинг бирга бўлиши, уларнинг бир моҳиятга эга бўлишликлари, бир мақсадни кўзлашлари марказий ўрин эгаллайди.¹

Умуман олганда, Навоий давлатни оқилона, кенгашган ҳолда бошқариш, фуқароларга инсоний муносабатда бўлишни тарғиб этди, босқинчилик урушларини қоралади, тинчлик учун, адолатли ва мукамал жамият ўрнатиш учун барчани ҳамжихатликка, тотувликка, инсофга чорлади. Шу маънода, Навоий ижтимоий-фалсафий меросини ўрганиш, ҳамда унда ўз аксини топган илғор ғоялардан бугуннинг долзарб муаммоларини ҳал қилишдаги фалсафий ва методологик асос сифатида унумли фойдаланиш лозим.

Навоий ўзининг бетакрор ва ўлмас гуманистик ғоялари билан жаҳон фалсафаси тарихида салмоқли ўринга эга. Унинг ижтимоий-фалсафий қарашлари Шарқ ва Ғарб илмий-фалсафий мактабларида бетакрор хусусиятлари, услуби ва тили билан эътироф этилган бўлиб, ҳозирги кун ва келажакда ижтимоий-маънавий муаммоларнинг ечимини топишда беқиёс қимматга эга.

Алишер Навоий ижодий мероси ранг-баранг ва кўпқиррали бўлиб, унинг ижтимоий-фалсафий қарашларининг асосий умумлаштирувчи ва қолипловчи хусусияти инсонпарварлик ғояларидан иборат эканлигидир. Мутафаккир асарларида илгари сурилган ғояларда деярли инсон, унинг табиати, эрки, ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатлари устувор кадрият сифатида қўйилган. Инсонпарварлик демократиянинг умумэътироф этилган асосий тамойили ҳисобланади. Бу тамойил ҳозирги кунда бутун дунёда бўлгани каби, Ўзбекистонда олиб борилаётган барча ислохотларда ўз инъикосини топган бўлиб, «ислохотлар ислохот учун эмас, инсон учун, унинг манфаатлари учун» тамойили сифатида давлат сиёсатининг устувор йўналиши тарзида белгиланган.

**Комилов Рўзи Рабиевич (Самарқанд Давлат Чет тиллар институти,
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD))**

НИКОҲНИНГ АХЛОҚИЙ-ЭСТЕТИК МОҲИЯТИ, ТАСНИФИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Аннотация. Биз ушбу мақолада, аввало, никоҳ маросими, ўзбек халқи никоҳ муносабатлари тушунчалари, унинг бошқа турдош тушунчалар билан алоқасини қиёсий таҳлил қилишга, улар ўртасидаги боғлиқлик ва фарқларни очиб беришга ҳаракат қиламиз. Шу билан бирга, никоҳ маросимларининг ривожланишини ахлоқий-эстетик объект сифатида танлаб, унинг ижтимоий хусусиятлари ва никоҳ маросимларининг эстетик функциялари ҳамда эволюцияси жараёнини ёри-

¹ Ўзбекистонда ижтимоий-ахлоқий ва гуманистик фикрлар тарихининг муҳим босқичлари. Т., “Фан”, 2007, 187-бет.

тишига ҳаракат қиламиз.

Аннотация. В статье сделана попытка провести сравнительный анализ концепции брака, брачных отношений узбекского народа и их взаимосвязь с другими понятиями в целях выявления их связи и различий. Также в качестве объекта исследования были выбраны свадебные обряды, их социальные особенности, а также эстетические функции обрядов и их эволюция.

Annotation. In this article, we first try to make a comparative analysis of the concept of marriage, the relationship between the Uzbek people and their relationship with other related concepts, to reveal their relationship and differences. At the same time, we choose the development of wedding ceremonies as an ethical and aesthetic object, and seek to illuminate its social features and the aesthetic functions and evolution of marriage ceremonies.

Калит сўзлар: никоҳ, жамият, маросим, ахлоқ, эстетика, шарият, урф-одат, Авесто, қонун.

Ключевые слова: брак, общество, ритуал, этика, эстетика, шарият, традиция, Авеста, закон.

Key words: marriage, society, ritual, ethics, aesthetics, sharia, tradition, Avesto, law.

“Никоҳ” сўзининг ўзбек тилида икки хил луғавий маъноси бор. Никоҳ (араб. – уйланиш, эр-хотиннинг қовушиши) – эр-хотинликни шарият йўли билан расмийлаштириш маросими ва шу маросимда домудла томонидан ўқиладиган шартнома.¹ Яъни, эркак ва аёл турмуш қуришининг исломга хос диний шакли. Шарият оилавий муносабатларни тартибга солиди ва никоҳга, биринчи навбатда, икки томоннинг мажбурияти ва ҳуқуқларига асосланган шартнома сифатида қарайди.²

Ҳозирги вақтда никоҳ икки хил – дунёвий ва диний мазмунга эга. Дунёвий маъносига кўра, никоҳ – эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган оилавий иттифоқи, эр-хотинлик.³ Бошқача қилиб айтганда, дунёвий мазмунда никоҳ турмуш қураётган эркак ва аёлнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида (ФХДЁ) рўйхатдан ўтишини аниқлади. А.Фитратнинг таъкидлашича, никоҳ – бу ҳаётда дўст, бахт ва бахтсизликда шерик, ғам-қайғу вақтида ҳамдам, хушнуд дамларда бир-бирларига ёр бўлишни истаган эркак ва аёлнинг шахсий ва ижтимоий вазифаларини биргаликда бажаришлари лозим бўлган иттифоқдир.⁴

Никоҳ – эр-хотин ўртасидаги тенглик ва ўзаро хоҳиш асосида тузилган аҳду паймон битимидир, муҳаббат ва меҳр билан ҳаётда шерик бўлиш демакдир. Шу билан биргаликда, никоҳ жамият томондан тасдиқланган насл ва жинслар ўртасидаги муносабатлар шаклини ўзида ифода этади, яъни жинсий алоқа ва насл қолдиришни тартиблаштиради.⁵

Никоҳ инсониятнинг ижтимоий муносабатларга кириши бошлаганидан пайдо бўлган махсус урф-одат орқали оиланинг бардам ва мустаҳкам бўлишига қаратилган жамоатчилик томонидан нишонланиб, даставвал, одат, кейинчалик, ёзма тарзда қонунлаштирилган маросимдир.

Қадимги аждодларимиз турмуш тарзида оила ва никоҳ анъаналарининг алоҳида мезонлари кўҳна Шарқнинг буюк маънавий ёзма мероси “Авесто” китобида баён қилинган.⁶ “Авесто”да айтилишича, зардуштийлар жамоасида оила муқаддас саналгани боис кўп хотинлик қатъий ман қилинган ва айни пайтда, ҳаётни бўйдоқ ўтказиш ҳам қораланган. Бундан ташқари, ушбу манбада никоҳ ва талоқнинг ўзига хос мезонлари ҳам келтирилган.⁷ Зардуштийлик дини қоидаларига кўра, зардуштий эркак киши ўн етти ёшда уйланиш ҳуқуқига эга бўлади. Аммо уйланмаса, унда тамға босилиб, бадном қилиш мақсадида белига махсус занжир боғлаб юришга мажбур этилган.

Турон заминида қадимги никоҳ шартномаси тузиш анъанаси мавжуд бўлганлигини сўғдий ёзма манбалар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, Муғ тоғидан топилган сўғдий ҳужжатларда турк хонақони Ут тегиннинг сўғд аёли Дуғдгунча билан тузган никоҳ шартномаси баён қилинади.⁸ Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда расм бўлаётган никоҳ шартномаси тузишга оид қарашлар биз-

¹Никоҳ. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмалари. Таҳрир хайъати, Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ., Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илм. нашр., 2006, 38-бет.

²Никоҳ. Ислон. Справочник. Усмонов М.А. таҳрири остида. Тошкент, 1987, 2-нашри, 139–140-бетлар.

³Никоҳ. Ўзбек тилининг изоҳли луғати... 2006, 38-бет.

⁴Эргашева М. Фитрат меросида никоҳ ва оила масалалари. “Қонун ҳимоясида”, Т., 2003, 4 (88), 28-бет.

⁵Семья. Социально-психологические и этические проблемы... М., 2001, с. 12.

⁶Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Аскар Маҳкам таржимаси. Тошкент, “Шарқ”, 2001, 22-бет.

⁷Аширов А. “Авесто”дан мерос маросимлар. Т., 2001, 8, 24-бетлар.

⁸Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. Т., “Фан”, 1992, 41-бет.

нинг заминимизда бундан бир неча юз йиллар олдин, ўрта асрлардаёқ расм бўлган экан.

Шу маънода олиб қаралганда, “Никоҳ – икки жинс вакиллариининг ўзаро розилиги асосида тузилган иттифоқ”дир. Бу фақат жисмоний жуфтлашиш эмас, балки маънавий-руҳий муштараклик ҳамдир. Инсоннинг бошқа жонзотлардан фарқли жиҳати ҳам ана шу билан боғлиқ. Никоҳ ижтимоий ҳодиса бўлганлиги учун гувоҳлар иштирокида амалга оширилади. Сабаби, жамоатчиликка икки жинс вакилининг оила қураётганлигини ошкор қилиш ҳисобланади. Никоҳ тушунчасига таъриф беришда унинг ана шу жиҳатларини инобатга олиш муҳим ҳисобланади. Инсоннинг шахсий эҳтиёжлари тасниф қилинганда, унинг нозик туйғулари ва ижтимоийликнинг онтологик моҳиятини очиб берувчи никоҳ маросимининг алоҳида ўрни борлигини эътироф этиш керак. Никоҳ инсонни муносиб яшашга, ҳаётнинг маъносини англашига, жамият ривожланишининг маълум даврини институционаллаштиришга қаратилган этноижтимоий ҳодисадир. Никоҳ инсонга ҳаётда маълум тамойиллар асосида яшашга, ижтимоий муносабатларга тизимли, институционал ёндашишга олиб келган. Никоҳ маросимлари инсоннинг реал эҳтиёжларини куйидаги тамойиллар асосида тартибга келтирган ва муносиб яшаш маданиятини шакллантирган. Булар: 1) ўз-ўзини сақлаш эҳтиёжи; 2) ўз-ўзини кўпайтириш эҳтиёжи; 3) шахсни ривожлантиришни таъминлаш эҳтиёжи; 4) ўз мулкни кўпайтириш ва сақлаш эҳтиёжи; 5) ўз ҳиссиёти ва туйғуларини рўёбга чиқариш эҳтиёжи.

Мазкур эҳтиёжларни қондириш, манфаатлар кўплиги ва яшаш учун кураш жараёни инсонларни маълум қонун-қоидалар, таъқиқ ва табулар асосида яшашини такомиллаштиришга мажбур қилган. Никоҳ маросимлари жамиятнинг ҳуқуқий ривожланиши шароитларида ўз маъносини сақлаган ҳолда ривожланиб келган. Юқорида санаб ўтилган эҳтиёжларнинг хилма-хиллиги никоҳ маросимини турли ракурсларда ўрганишга асос бўлган.

Никоҳ маросимларига эстетик объект сифатида мурожат қилинмагани сабабли, бу борадаги тадқиқотлар фалсафий, ахлоқий қарашлар билан биргаликда учрайди. Бинобарин, тадқиқотда никоҳ маросимларини эстетик тадқиқот объекти ва мавзу предмети сифатида назарий асослашга ҳаракат қилинади.

Ўзбекистонда никоҳ тушунчаси, никоҳ маросимлари ва оилавий маросимларни этнологик ва этнографик нуқтаи-назардан ўрганишда фаоллик мавжуд. Ушбу тадқиқотларни ўрганиш шуни кўрсатдики, никоҳнинг келиб чиқиши, унинг турлари, замонавий жамиятдаги никоҳнинг кўринишлари, никоҳ маросимларининг миллий хусусиятлари демография, этномаданият, тарихшунослик усуллари орқали таҳлил қилинган.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан, никоҳ оила қуришга қаратилган юридик расмийлаштирилган эркак ва аёлнинг эркин ва хоҳиший иттифоқи сифатида талқин қилинади. Бунда шахсий ва мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар борлиги ўртага ташланади. Кўриниб турибдики, бундай ёндашувда масаланинг ҳуқуқий жиҳатларига алоҳида эътибор берилган. Жумладан, ҳар бир шахс учун никоҳ эркинлиги, мулкий масалалар ва мажбуриятназарда тугилади. Жамиятда никоҳ учун фалсафий ёндашувнинг ахлоқий нормалари асос бўлмай, балки ҳуқуқий меъёрларга, яъни никоҳдаги ҳуқуқий мажбуриятларга асосий эътибор қаратилади. Никоҳ тушунчасига қурилаётган оилани расмийлаштирилиш воситаси сифатида ва барчанинг бу никоҳни назорат қилиши ана шу жараёнларнинг ҳуқуқий меъёрлар билан ёритилиши сифатида ёндашилади.

Бундай ёндашувда оила ўзининг ижтимоий тартиботларига эга кичик жамият сифатида қаралади. Никоҳ эса ана шу бўлажак кичик жамиятнинг дастлабки ижтимоий шартномаси, икки жинс вакилининг келишуви сифатида илгари сурилади. Лекин никоҳдан мақсади икки жинс ўртасида нафақат ижтимоий иттифоқни шакллантириш, балки ўзаро ҳурмат ва севги, муҳаббатга асосланган муносабатлар масаласи очиқ қолади.

Фалсафий ёндашувда, аввало, ахлоқий нормалар масъулият, ишонч, ҳурмат ва эстетик нормалар, севги, вафо, муҳаббат марказий ўринга чиқади. Фалсафий қарашларга кўра, никоҳ ижтимоий моҳиятга эга бўлган ахлоқий-эстетик ҳодиса ҳисобланади. Никоҳда барча эҳтирослар ахлоқий меъёрларга эга бўлади. Ҳар қандай никоҳда ҳам табиий эҳтиёжни амалга ошириш муҳим саналади, унда ахлоқий қадриятлар ва эстетик қийматлар кейинги ўринга қўйилади. Шунингдек, никоҳ оила қуриш учун муқаддас саналиб, жамиятда юксак кадрланади. Агар ҳуқуқий нормаларга асосланган никоҳ қилинса, унда оила барбод бўлади. Шу боисдан никоҳ диний кўринишда ҳам, дунёвийликда ҳам бир-бирини тўлдириши керак. Кўпинча, эр ёки хотиннинг хиёнати туфайли айрим оилаларда ажримлар содир бўлади. Ўртада оила барбод бўлиб, эр-хотиннинг жамиятдаги мавқеи тушади ёки кўплаб муаммолар келиб чиқади. Умуман, никоҳни тегишли давлат органлари бекор қилиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир жамият ўзининг келажаги учун оилаларнинг ажралишини олдини

олишга интилади. Оилаларнинг тинч-тотув яшаши мавжуд жамиятнинг барқарор қилади.

Никоҳдан мақсад жамиятда оилали бўлиб, фарзанд тарбиялаш ҳисобланса, жамиятнинг энг муҳим ячейкаси ҳам оила саналади. Оила сўзининг ўзбек тилида беш хил луғавий маъноси мавжуд. Оила – бу жамиятда ота-она, фарзандлари ва барча яқин қариндошларидан (туғишганлари) иборат бўлган биргаликда яшовдиган хонадон. Унинг бир-бирига яқин бошқа маънолари ҳам мавжуд бўлиб, кўпроқ жамият, жамоа бирликлари, халқ, мамлакатлар ёки ўсимлик ва ҳайвонларда гуруҳларни, қардош тиллар гуруҳини айтиш мумкин. Ундан ташқари, луғатдаги оила сўзлашув тилида рафиқа, хотин маъноларини ҳам англатади.

Ислон энциклопедиясида никоҳ тушунчасига шарҳ келтирилган, оилага таъриф берилмаган. Айрим манбаларда оила – никоҳга ёки туғишганликка асосланган кичик гуруҳ. Унинг аъзолари рўзгорининг бирлиги, ўзаро ёрдами ва маънавий масъулияти билан бир-бирига боғланган бир тизим сифатида қарашлар мавжуд. Илмий манбаларда ҳам никоҳ ва оила тушунчаларини бир хил тушунувчилар ҳам учрайди.

Инсон жамиятда ахлоқий императивлар қуршовида яшар экан, аввало, оила, жамият талабларини сўзсиз адо этиб боради. Инсоннинг жуфтлашиш маросими никоҳ деб номланиб, оила деган институт билан мустаҳкамланади. У қанчалик ахлоқий воқелик бўлмасин, унда инсоннинг туйғусини, ҳиссиётини рўёбга чиқариш, ҳиссиётини жиловлаб, бир тизимга солиш (эстетиклаштириш – К.Р.) жараёни акс этиб туради. Никоҳдан ўтиш шартлари, аввало, ахлоқий мазмун касб этади, кейин ҳуқуқий мезонлар асосида эркак ва аёл ўртасидаги иттифоқ тузилади. Икки қарама-қарши жинс вакилининг узок муддатли бирлигини таъминловчи келишув ҳисобланади.

Юқоридаги таҳлилларни ҳисобга олиб, никоҳ тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: никоҳ – икки қарама-қарши жинс ёки кишилар ўртасида вужудга келадиган иттифоқ бўлиб, у ўзида ахлоқий императивлар, эстетик туйғулар ва ҳуқуқий меъёрларни жамлайдиган маросимлар мажмуасидир.

Умумэтироф этилган никоҳ қуриш тамойилларини қуйидагилар ташкил этиши мумкин:

– эркин никоҳ. Бунда никоҳ қурувчи томонларнинг никоҳга нисбатан ихтиёр эркинлиги, яъни эркин турмуш қуриш имконияти;

– томонларнинг тенглиги. Бунда никоҳланувчи томонларнинг ирқий, диний жиҳатдан чекланишига йўл қўймаслик;

– эр-хотинлик муносабатларининг умрбодлиги;

– ворисийлик. Фарзандлар дунёга келтириш ва тарбиялаш;

– никоҳни белгиланган ҳуқуқий нормалар асосида қуриш. Маълум ёш сензига амал қилиш.

Қонунда белгиланган идораларда расмий никоҳни расмийлаштириш.

Никоҳ барча даврларда ҳам ҳақиқий оиланинг такомиллашуви ва ривожланишига маънавий, ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган. Никоҳ янги қурилаётган оиланинг давлат, жамоат томонидан расмий равишда тан олиншидир. Шу сабабли ҳам, никоҳни қайд этиш давлат органларининг вазифаларидан бири бўлган, унинг меъёр ва мақсадлари қонунлар билан белгиланган. Барча диний таълимотларда никоҳнинг шакли ва мақсадлари масаласига бефарқ қаралмаган.

**Ахатов Лутфилло Караматиллоевич (Тошкент вилояти
Чирчиқ Давлат педагогика институти катта ўқитувчиси)**

МУТАФАККИРЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ

Аннотация. Мақолада жомий ва навоий илмий меросларини таҳлил қилиш ва шу орқали баркамол авлодни тарбиясига керак бўладиган маънавий потенциални шакллантириш масалалари ёритилган. Шунингдек, соф маънавий қадриятларни янада юксалтиришда мутафаккирлар илмий меросидан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган.

Аннотация. В статье анализируется научное наследие Джомии и Навоии и формирование духовного потенциала, необходимого для воспитания гармонично развитого поколения. Также раскрывается методика использования научного наследия мыслителей для совершенствования своих духовных ценностей.

Annotation. The article covers the issues of analysis of the Jomiy's and Navoi's scientific heritage and the formation of the spiritual potential through which the education of the harmonious generation will be needed. It also shows ways to use the scientific heritage of thinkers in further raising pure spiritual values.

Калим сўзлар: мутафаккир, Мовароуннаҳр, “Хамса”, “Ҳафт авранг”, “Ҳайрат ул-аброр”, “Тухфат ул-аҳрор”, илмий мерос, баркамол авлод, комил инсон.

Ключевые слова: мыслитель, Моваруннахр, “Хамса”, “Хафт авранг”, “Хайрат ул-аброр”, “Тухфат ул-аҳрор”, научное наследие, гармоничное поколение, совершенный человек.

Key words: thinker, Movarounnahr, “Khamsa”, “Khraft avrang”, “Khayrat ul-abror”, “Khakhfat ul-Ahror, scientific heritage, harmonious generation, perfect person.

Мутафаккирлар ва уларнинг илмий меросларини ўрганиш бугунги куннинг муҳим заруриятларидан бири, албатта. Инсоният яратган маънавий бойликлар орасида фалсафий мавқега эга бўлган ҳикматлар хазинаси, атоқли алломалар мероси, уларнинг асарлари муҳим ўрин эгаллайдиган хазинани бунёд этиш лозим.

XIV–XV асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда илм-фаннинг кўп соҳаларида юксалиш юз берганлигини кўришимиз мумкин. Бу даврда жаҳонга машҳур олимлар, табиатшунослар ва шоирлар етишиб чиққан. Тарих, адабиёт педагогика, жўғрофия, тиббиёт, риёзиёт, хандаса, фалсафа, мантиқ, ахлоқшунослик ва бошқа фанлар юксалган. Айниқса, мантиқ, табиий-илмий фанлар, шунингдек, фалакиёт, фалсафа ва ахлоқшуносликка катта эътибор берилган. Мантиқ илмининг йирик намояндаларидан бири Саъдиддин Тафтазоний (1322–1392) сабаб ва оқибат, ирода эркинлиги, билиш, онг, мантиқ фани ва унинг вазифалари ҳақида фикр билдирганлиги фикримизга мисол.

XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ҳирот маданий ва илмий марказга айланиб бўлган эди. Айниқса, Ҳусайн Бойқаро ҳукмдорлиги даврида бу ерда илм-фан, адабиёт соҳасида юксалиш юз берди. Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий каби жаҳонга машҳур мутафаккирлар етишиб чиқди.

Жомий ва Навоий ўрта аср (темурийлар) маданиятининг гуркираб боришига ўзларининг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашлари билан мукамал жамият, адолатли шоҳ тўғрисидаги орзумидларини илгари сурганлар, тенглик, эркинлик, инсоф ва диёнатга асосланган давлат тузими тўғрисида кўплаб асарлар ёзган.

Навоий ўзбек тилида биринчи “Хамса” ёзган шоир сифатида машҳур бўлса, Жомий “Хамса”чилик борасида бошқа мутафаккирлардан фаркли, беш дostonдан ибор бешлик эмас, балки етти дostonдан иборат бўлган еттиликни жамлаб, “Ҳафт авранг”ни ёзган. Навоийнинг “Хамса”даги беш дostonдан иборат жамланмасининг биринчи дostonи фалсафий-дидактик мазмундаги “Ҳайрат ул-аброр” деб ҳисобланади. Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида шахсан ўзи таъкидлаган “Ҳайрат ул-аброр” Шарқда биринчи бўлиб “Хамса” ёзган улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавийнинг (1141–1203) “Махзан ул-асрор” дostonига жавоб тарзида ёзилган. Бироқ шу типдаги дostonларни қиёсий ўрганиш шуни кўрсатадики, Навоийнинг бу асарини ёзишига Амир Хусрав Дехлавийнинг (1254–1305) “Матла ул-анвор”, Абдурахмон Жомийнинг (1414–1492) “Тухфат ул-аҳрор” каби дostonларининг ҳам таъсири катта ҳисобланади. Мисол учун, Навоийнинг “Хамса”си XIII бобида айтилишича, бевосита Жомийнинг “Тухфат ул-аҳрор” дostonини ўқиб, шундан таъсирланиб кўлига қалам олган ва илҳомланиб, ўз “Хамса”сининг ушбу дostonини ёзишга киришганлиги эътироф этилади.

Шу билан бирга, “Ҳайрат ул-аброр”нинг бошланиш қисми бир неча кириш боблари берилган. Бошқача қилиб айтганда, дostonнинг бошланиш қисмидаги бир неча боблар унинг кириш қисмини ташкил этади. Буларнинг мазкур биринчи бобида Навоий Ислоҳ динининг муқаддас китоби бўлган Куръони каримнинг бош жумласи – “Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим” (“Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман”)нинг поэтик шарҳи келтирилган. Бу жараёнда ушбу арабий жумладаги ҳар бир ёзувнинг ҳарфига катта маъно қаратилган. Мутафаккир фикрича, Аллоҳ ва унинг исми бутун коинот ва мавжудот билан чамбарчас жамланган (боғланиш)дир.

Тасаввуф вакиллари, Шарқ шеърияти тарафдорлари наздида, “мукамаллик касб этувчи асар” – шеъриятда ҳамда, тасаввуфда ҳарфларга маъно бериш баъзан махсус бир фалсафий йўналиш даражасига кўтарилган ва бу йўналиш тарафдорларини “хуруфийлар” деб аташганини ҳам бир мисол қилишимиз мумкин. Бундай жараёнларни Озарбайжон шоири Имодиддин Насимий ижодида сезиларли тарзда, яққол кўзга ташланади. Шу ўринда Навоий ҳарф санъатидан кўпроқ ўз диний-фалсафий қарашларини ёрқин ифодалашда бадиий восита сифатида фойдаланган деб айтишимиз мумкин. Мутафаккирлар илмий меросларини таҳлил қилар эканмиз, биргина Жомийнинг “Баҳористон” асари орқали давлатни бошқариш, адолатли тартибни ўрнатиш, маънавият ва маданият уйғунлигини акс эттириш учун муҳим масалаларни ёритиб берганлигини кўришимиз

мумкин.

“Ҳафт авранг”га кирган “Юсуф ва Зулайхо”, “Лайли ва Мажнун”, “Ҳирадномайи Искандарий” дostonларида ишқ ва муҳаббат, дўстлик ва биродарлик, меҳр-шафқат, ўзаро ёрдам, билимдонлик ва бошқа инсоний қадриятларни баён этган. Навоийнинг илмий меросининг шаклланишига ҳам айнан Жомий маслаҳати ва асарлари (илмий мерослари) беқиёс ўрин тутади. Навоийнинг Ислом ва унинг (диннинг) таълимотлари асосида асарлар яратишлигида ҳам Жомийнинг асари ўз “таъсири”ни ўтказган деб олишимиз мумкин. Мисол учун, Жомийнинг ижодида адабий асарлардан ташқари, дин ва тасаввуф таълимотига бағишланган мавзуларни ҳам кўришимиз мумкин. Давлат миқёсида маданиятни ривожлантириш учун ўз асарлари билан алоҳида ўрин тутган. Биргина “Нафоҳот ул-унс” асари олти юз ўн олти машҳур сўфийлар ҳаётига бағишланган бўлиб, бу асар сўфиларнинг фалсафий-ирфоний ва ахлоқий қарашларини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. “Ҳазрати зулжалолга ҳамиша ибодат билан машғул бўлишларига қарамай, вақтларини бекор ўтказмасдилар”,¹ деб баҳо беришлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Шунинг учун бўлса керак, Шарқ дostonчилигида ўрта асрларда барча асарлар Аллоҳнинг мадҳи билан бошланган. Маълум маънода, Навоий ҳам ўз дostonини, бутун ўсимликлар ва ҳайвонот оламини, кишилиқ жамиятини ўз юксак ақли, ҳар бир шу анъанага амал қилиш орқали Аллоҳга ҳамд билан бошлаб, бу масалага алоҳида боб бағишлаган. Ушбу ёритилган бобда шоир ҳамма нарсани яратган Аллоҳнинг осмон ва қуёшдан тортиб, ҳар бир заррани инсонга меҳри билан бошқариб, ҳаракатга келтириб, бир-бирига боғлаб, қовуштириб туришини “юксак мартаба”дан туриб тасвирлаган.

Жомий ва Навоий ижодидаги “чизғи-ёзув”лардан Аллоҳнинг шундай меҳрибончилиги учун оламдаги ҳамма нарса ҳар бир зарра унга миннатдорчилик билдириб, шукр келтириши, унга ҳамду сано ўқиганлигини кўришимиз мумкин.

Қисқа қилиб айтганда, Жомий ва Навоий асарлари ғояларини тарғибу ташвиқ қилишдан олдин уларнинг маъно-моҳиятини тўғри англаб олиш зарур. Унутмаслик керак, Жомий ва Навоийни ўқиш – бошқа, улар (Жомий ва Навоий)ни англай олиш – бошқа ҳисобланади. Шунинг учун Жомий ва Навоийни англайдиганлар кўпайсагина, жомийшунослик ва навоийшуносликда аҳвол кескин ўғаришига ишонишимиз мумкин.

Бугунги кундаги ҳолатимиз, хусусан, баркамол авлод ва унинг тарбиясига бўлган эътиборларни кимдир билиб, яна кимдир билмай, жамиятга бўлган ўзгаришларга “кўр-кўрона” ёндашишлари ташвишланарли ҳолдир. Истардикки, бугунги “баркамол авлод”ни мутафаккирлар имий мероси, мумтоз адабиётимиз чашмаларидан баҳраманд бўлишларини таъминлашимиз зарурати пайдо бўлишини олдини олсак, аниқ бир мақсадли йўналишни танлаган бўлар эдек. Бундай жараён (аҳвол) шу ҳолатда давом этадиган бўлса, яъни мутафаккирлар илмий меросисиз, яқин ўн-ўн беш йиллар мобайнида ўтмиш адабиётимизга эҳтиёж мутлақо сезмай қолади. Натижада кўр-кўрона сиратларга, айтайлик, санъат-ғўзаллик ҳисларидан маҳрумлик шаклланади. Моддийятдан иборат бўлган ўткинчи дунё ғам-ташвишидан ўзгасини тан олмайдиган ёш авлод вакиллари улғаяди. Бундай бутун жамият миқёсидаги бутун бир “авлод вакиллари”ни шаклланиб боришлигини ҳек қайси бир тарози палласида ўлчаб бўлмас ҳолатнинг вужудга келишини тасаввур қилишнинг ўзи аянчли ҳолдир.

Навоий “Садди исқандарий” дostonида бежиз бундай демаган:

*Топиб “Кимёйи саодат”қа йўл,
Фалак хонақоҳида Ғаззолий ул.²*

Бугун биз ёш авлодга басират сир-асрорларини етарли даражада тушунтиришиз керак. Шу орқали асл саодат йўлини топишларига, умуман, борлиққа саодат кўзи билан боқишни сингдирамиз. Пировардида “бугунги кун Ғаззолийлари” бўлиб камол топишларига ва мутафаккирлар илмий меросларининг асл моҳиятига назар ташлашни ўргатган бўламиз. Шу йўл билан мутафаккирларимиз илмий меросларини туб моҳияти ва ғўзаллик сирларини мушоҳада қилишда, ўзларини ожиз ҳисобамасликларига замин ҳозирлаймиз. Бу ҳаётда билмаган нарсани билгандай бўлиб кўриниш, маҳдудлик ва хабарсизликдан хотиржам тортишдан ортиқ гумроҳлик бўлмаса керак.

Навоий Жомий ҳақида ёзганда, Комил инсон тимсолини тасвирлайди:

Зарра қуёш туфайли машҳур бўлгандек, тоғ ортидан чиқиб келаётган қуёш нури, дастлаб,

¹ Ш.Роқумий. Тарихи томм. Т., “Маънавият”, 1998, 53 – 55-бетлар.

² А.Navoiy. Sadiy Iskandariy. G‘.G‘ulom nashriyoti., Т., 2006, 7-бет.

тупрок устига тушганидек, тупда ўсаётган гулнинг ҳамдами, дастлаб, тикан бўлганидек, Жомийдек бир куёшга, гулга заррадек, тупрокдек, тикандек факир Навоий ҳамнафас бўлганини шоир фахр билан қаламга олади. Зеро, “Хамса” яратишни бошлаган Навоий Жомийни ҳар жихатдан мукамал, мақоми юксак, қудратли бир сиймо деб тасаввур этарди:¹

*Гунбазийи хужрада зоти ниҳон,
Ўйлаки, кўк гунбази ичра жаҳон,
Қайси жаҳон олами кубро дегил,
Қудрати Аллоҳу таоло дегил.*²

Навоийнинг Жомийга берган тарифларини шарҳлар эканмиз, *Гунбазийи хужрада зоти ниҳон*, яъни бир гумбазли хужрада шундай зот (Инсон) бор – яшайдики, деб таъриф берилишида икки маъноли ҳикмат мужассам: биричи маъно бу *Гунбазийи хужрада* – тариқат пирлари хужраси (гўшанишинлик) бўлиб, бунда доимо (пирлар) тоат-ибодат ва илм-тасаввуф билан машғул бўлишлари учун бунёд этилган макон (бино) назарда тулса, иккинчи маънода *Гунбазийи хужрада* – бутун борлиқ назарда тугилади, яъни иккинчи мисрада ёритилган *кўк гунбази ичра*, деб айтилишидан мурод бу *кўк гунбаз* – Осмон остидаги куррайи замин назарда тугилмоқда. Бунда *зоти ниҳон*, деб шундай зот борки у (зот) тенгсиздир деб таърифланмоқда. Мисраларини таҳлил қилиб ажойиб маъно шакиллантирилганлигига гувоҳ бўламиз. *Гунбазийи хужрада*, яъни ўша (тенгсиз) зот яшаётган гумбазли хужра, *кўк гунбази ичра жаҳон*, дунё аҳли наздида ошкор, аммо бутун дунёга татигулик маърифат пишвосилиги яширин, ботиний оламда тенгсиз деб баҳоланмоқда. Бундай мақомни *Қайси жаҳон олами кубро дегил*, деб қайси олам (бунда икки олам, яъни яшаётган борлиқ билан ғайб олами назарда тугилаётганлигига ишора)да кўргансиз, деб сўрасалар, *Қудрати Аллоҳу таоло дегил* деб Аллоҳнинг наздида бача нарсалар осонлигига ишора, шу билан бирга, Аллоҳ ато этган илм эгаси (Жомий–Л.А) эканлигига ишора бўлса керак.

Ушбу сатрларни шарҳлар экан, Каромат Муллахўжаева ўзларининг “Хамса” муқаддимотларида Жомий сиймоси сарлавҳали мақолаларида кўйдаги таърифни берадилар:

Аллоҳ таолонинг қудрати! Бу таъриф Жомий учун берилган энг олий баҳо эди. Навоий наздида Жомий Аллоҳ қудратини намойиш этаётган бир сиймо! Жуда гўзал эътироф, мутаассир қиёс.³

Биз: хужра деб, бу хужрада шундай зот кирганки, у (Жомий–Л.А)нинг нуридан фақатгина хужра аҳли эмас, балки бутун жаҳон – олам аҳли жамланиб, ундан баҳраманд бўлмоқдалар, деб англадек. Дунё – жаҳон аҳлининг ҳаммаси (Илм аҳли–Л.А) Аллоҳнинг қудратини ўзига қурбат⁴ ҳосил қилиши орқали (Жомий–Л.А) бошқаларнинг ҳам ундан баҳраманд этмоқда.

Мутафаккирнинг ижод намуналарини ўрганишга рағбат, ул зотнинг куёшдек порлоқ шахсиятини севиш ва ижодига муҳаббат уйғотиш лозимлигини унутмаслик керак. Афсусланадиган томони ҳам борки, у ҳам бўлса, бугунги жамиятимиз, халқимиз орасида Жомий ва Навоий ижодисиз ҳам кўп нарсага ақлимиз етади, уни ўқиб-ўрганмасак-да, билиш керак бўлган ҳақиқатларни биламиз, деган ўй-хаёл билан ўзига баҳо берадиган кимсалар ҳам бор эканлигидадир.

Мутафаккирлар сабоқларига амал қилмасдан туриб, нодонлик, авомлик, мутелик ва ёвузлик, бир сўз билан айтганда жаҳолатнинг илдишларини купариб ташламасдан, соф эътикод ва маърифатни бунёд этиш мумкин эмас деб уйлайман. Мутафаккирлар сўзларини тўтидай куйлаш билан, мақсад ва ғояларини тушунмасдан, сўз ёки ғазал байтларни такрорлаш билан ортикча билафонликни даъво қилувчи ёшларни маърифатли инсонлар, деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун ёшларимиз онги ва тафаккурини ўзгартириш учун мутафаккирларимиз илмий меросларини кўпроқ таҳлил қилишга ундасак, маълум маънода бунга эришсак, “қисман” бўлса-да, мақсадли йўлимизни яратишга эришган бўламиз. Мамлакат иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларда жуда катта ютуқлар қўлга киритишлиги ҳам шу йўл, яъни мутафаккирлар илмий меросининг туп моҳиятини тушуниш ва маърифатли ёшларни тарбиялаш орқали амалга оширилади.

¹ Жомий ва ўзбек адабиёти. Халқаро илмий анжуман материаллари. “Ал-Худо” халқаро нашриёти ва “Мовароуннаҳр” нашриёти, Тошкент, 2005, 75-бет.

² Шу манба.

³ Шу манба.

⁴ Қурбат – “قوربت” – даража, қанчалик ўрганган (билган даражаси) назарга олинмоқда. Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш, тушуниш, англаш маъноларида.

Маткаримова Жамила (социология фанлари номзоди, доцент, Тошкент Темир йўл мухандислари
институтининг докторанти, Doctor of Science, e-mail: jamilahon_5@mail.ru)
**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ДЕМОКРАТИЯДА МАНФААТДОР ГУРУҲЛАР ТАЪСИРИ
ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ**

Аннотация. Янги концептуал уфқлар бизга жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилишнинг мавжуд ёндашувларини кўриб чиқиш ва уларни тизимли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар контекстида фалсафий таҳлил қилишга имкон беради. Шундай қилиб, ушбу мақола иккита мақсадни кўзлайди. Бир томондан, фуқаролик жамияти ва демократия ривожланишини изоҳлайдиган асосий ёндашувлар ва далилларни тавсифлаш ва уларнинг турли жамиятлардаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларни тавсифловчи тизим назариялари билан ўзаро муносабатларини намойиш этиш, бошқа томондан, илмий адабиётларни таҳлил қилиш ва тадқиқот истиқболларини намойиш этиш. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш фуқаролик жамияти тушунчаларининг ижтимоий жараёнларни тушуниш учун тушунтириш кучини намойиш этиш, шунингдек, ҳодисанинг ўзи ривожланишига таъсир этувчи омилларни аниқлашга имкон беради.

Аннотация. Новые концептуальные горизонты позволяют пересмотреть существующие подходы к анализу отношений между обществом и государством и проанализировать их в контексте системных социально-экономических и политических процессов. Таким образом, данная статья преследует две цели: с одной стороны, описать основные подходы и аргументы, объясняющие развитие гражданского общества и демократии, и показать их взаимосвязь с системными теориями, описывающими социально-экономические и политические процессы в различных обществах; с другой – проанализировать научную литературу и показать исследовательские перспективы. Решение этих задач позволит продемонстрировать объяснительную силу концепций гражданского общества для понимания общественных процессов, а также определить факторы, влияющие на развитие самого феномена.

Annotation. New conceptual horizons allow us to revise existing approaches to the analysis of relations between society and the state and analyze them in the context of systemic socio-economic and political processes. Thus, this article pursues two goals: on the one hand, to describe the main approaches and arguments explaining the development of civil society and democracy, and to show their relationship with system theories that describe socio-economic and political processes in various societies; on the other, to analyze the scientific literature and show research prospects. The solution of these problems will make it possible to demonstrate the explanatory power of the concepts of civil society for understanding social processes, as well as determine the factors that influence the development of the phenomenon itself.

Калит сўзлар: фуқаролик жамияти, фуқаролар уюшмалари, демократия, ишонч тушунчаси, ижтимоий капитал, жамоатчилик фаоллиги, элита, манфаатлар гуруҳи.

Ключевые слова: гражданское общество, гражданские объединения, демократия, концепция доверия, социальный капитал, общественная активность, элита, группа интересов.

Key words: civil society, civic associations, democracy, concept of trust, social capital, social activity, elite, group of interests.

Фуқаролик жамияти ҳақидаги тасаввурлар XVIII аср охирида бир вақтнинг ўзида шотланд ва континентал маърифатпарварлиги томонидан юзага келди. Томас Пейн ва Георг Гегель каби назарийчилар фуқаролик жамиятини давлатга яқин ва ундан ажралган соҳа сифатида талқин этдилар. Уларнинг фикрича, бундай жамиятда фуқаролар ўз хоҳишлари ва манфаатларига боғлиқ ҳолда бирлашадилар. Бу янги талқинларда иқтисодий воқеликларни ўзгаришлари ифодаланган эди. Хусусий мулк, бозор рақобати ва буржуазиянинг пайдо бўлиши. У эркинликка даъват этиш чақириқларидан пайдо бўлган эди. XIX асрнинг ўртасида файласуфлар саноат инқилобининг ижтимоий ва сиёсий оқибатларига кўпроқ эътибор қаратганлари сабабли фуқаролик жамияти тушунчаси истеъмолдан тушиб қолади. Фақат иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Антонио Грамши фуқаролик жамиятига тирания билан курашишнинг муҳим соҳаси ва мустақил ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг ўзига хос отланиш нуқтаси сифатида қараб, уни қайтадан тиклади ва бу жамият яна русумга кирди. Грамши ўнг оқим диктатурани тадқиқ этганлиги учун унинг ғоялари Шарқий Европа, шунингдек, Латин Америкасидаги диссидентлар ва ҳуқуқ ҳимоячиларига кучли таъсир қилди. Чех, венгр, поляк фаоллари доимо фуқаролик жамияти тушунчасига мурожаат этишар эди. Фуқа-

ролик жамияти тушунчасининг пайдо бўлиш контексти ва таърифига нисбатан ҳозирда турли туман қарашлар ва ёндашувлар юзага келганлигини кузатамиз.

Майкл Эдвардс ўз китобида таърифлашича, фуқаролик жамияти тушунчаси ўзининг кўп-функционаллиги, нафақат илмий муҳитда, балки сиёсий ва ижтимоий, оммавий соҳада фойдаланилганлиги туфайли кўп маротаба бузилишларга ва янги талқинларга дуч келган.¹ Ҳақиқатдан ҳам, ўзининг мавжудлиги даврида ушбу тушунча нафақат тадқиқотчи ва аналитиклар, балки сиёсатчилар, фаол фуқаролар учун ҳам жуда эътиборга молик бўлиб қолди. Фуқаролик жамиятининг дастлабки идеал-типик тушунчаси «зўравонликсиз, ўз-ўзини ташкил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш тенденцияси хос бўлган, бир-бири билан ҳамда давлат ҳокимияти институтлари билан доимий муаммоли муносабатларда бўлган нодавлат институтлари қонуни томонидан ҳимоя қилинадиган мураккаб динамик мажмуа» деб тасвирланган.² Аммо унинг кейинги ривожланиш масаласи эмпирик жиҳатдан кўпроқ асосланган тушунчанинг вужудга келишига олиб келди. Айниқса, Чарльз Тейлор томонидан фуқаролик жамияти тушунчасига анча кенг таъриф берилганлигини кузатамиз: «Фуқароларни умумий манфаатлар асосида бирлаштирадиган, автоном ва нисбатан давлат тасарруфидан мустақил бўлган ассоциациялар тармоғи. Бу каби ассоциацияларнинг мавжудлиги ва фаолияти оммавий сиёсатга таъсир ўтказиш имкониятини беради».³

Фуқаролик жамияти ва демократия ўртасидаги ўзаро алоқаси тўғрисидаги мунозарага кўшилган ҳиссалардан бири бу фуқаролар бирлашмалари ҳам уни ривожланишига ёрдам бериши, ҳам тўсқинлик қилиши мумкин, деган тезис ҳисобланади. Фуқаролар уюшмалари ҳар доим ҳам толерантлик ва жамоатчилик фаоллигига қўшилишни юзага келтирмаслигини, аммо қатағонли сценарийларни яратиш ва авторитар режимни қўллаб-қувватлаши ҳамда клиентелизм ва коррупцияни ривожлантириши мумкинлигини тан олиш фуқаролик жамияти назариясини меъёрий янграшни бартараф этиш учун қўйилган муҳим қадам бўлди.⁴ Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг у ёки бу сценарийси, Норд фикрича, бир қатор ташқи шароитларга боғлиқ. Умуман, тадқиқотчи учта омилни ажратади, уларнинг вариантлари XIX асрда Европада фуқаролик жамиятини ривожланиши учун узок муддатли оқибатларга эга эди:

1. Миллий давлат шаклланиши даврида қишлоқ аҳолисини шаҳар ҳаётига интеграцияси (Франция ва Буюк Британия ҳолатида бу ҳал қилувчи роль ўйнади).

2. Фуқаролар бирлашмаларини структуралаштиришда диний жамоалар ва черковларнинг роли (протестантизмнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишдаги ижобий роли Макс Вебер томонидан ёритилган, аммо фуқаролик амалиётини шакллантиришда бошқа конфессияларнинг аҳамияти ҳар доим ҳам бир хил эмас).

3. Либерал сайқал берилган жамоа ташабусларининг хусусияти ва уларнинг парламент институтлари билан ўзаро ҳаракатлари (аввало, сиёсий партиялар билан).⁵

Фуқаролик жамияти ҳодисаси фуқароларнинг фуқаролик, демократик сиёсий маданият қадриятларини тан олиши, қўшилиши ҳақидаги тасаввурлар билан чамбарчас боғлиқдир. Демократлаштириш ва фуқаролик сиёсий маданият мувофиқлиги тўғрисидаги мавжуд назарий маълумотларни муҳокама қилиб, Рональд Инглхарт ва Кристиан Вельцель, ушбу ҳодисалар (феноменлар) орасидаги ўзаро алоқанинг аниқ йўналиши ҳали охиригача аниқ эмаслигини тан олишади.⁶ Шу билан бирга, улар томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижалари бўйича, жамиятда устувор ўринни эгаллайдиган сиёсий маданият ва қадриятлар демократияга ўз таъсирини кўрсатади, бироқ улар, ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий шароитлар таъсирида шаклланади. Умумқабул қилинган далил шуки, “сиёсий маданият” категорияси комплекс ва мураккаб ўлчанадиган тушунча бўлиб,

¹ Edwards M. *Civil Society*. Cambridge: Polity Press. 2009, p. 37; Foley M., Edwards B. *The Paradox of Civil Society*, *Journal of Democracy*, 1996, Vol. 7, Issue 3, p. 38 – 15.

² Кин Дж. *Демократия и гражданское общество. О трудностях европейского социализма, перспективах демократии и проблеме контроля над социально-политической властью*. М., “Прогресс”, 2001, с. 18 – 20.

³ Hann C., Dunn E. *Civil Society: Challenging Western Models*, Hann C., Dunn E. (eds.). New York, Routledge, 1996, p. 28.

⁴ Cox T. *Democratization and State-Society Relations in East Central Europe. The Case of Hungary*, *Journal of Communist Studies and Transition Politics*. 2007, №2, p. 276 – 295.

⁵ Nord Ph. Introduction, in: Bermeo N., Nord Ph. (eds.), *Society before Democracy: Lessons from Nineteenth-Century Europe*, Oxford: Rowman & Littlefield Publishers. 2000.

⁶ Инглхарт Р., Вельцель К. *Модернизация, культурные изменения и демократия. Последовательность человеческого развития*. М., Библиотека фонда «Либеральная миссия», 2011, 231 с.

кўпинча, у қолдиқ категория сифатида ҳам қўлланилиб келган. Унинг жамият ривожланиши учун самарасини ўлчаш ва баҳолаш ҳам методологик жиҳатдан, ҳам назарий жиҳатдан ўта мураккабдир. Шунинг учун тадқиқотчилар кўпроқ анча тушунарли категория сифатида қадрият тушунчасига диққатини йўналтиришиб, уларнинг икки турини ажратиб кўрсатадилар. Тирик қолиш (омон қолиш) ва ўз-ўзини намоиш этиш қадриятлари. Фуқароларнинг сиёсий ривожланиш борасидаги қадриятлари ва умумий устуворликлари ўртасидаги ўзаро алоқаси ноаниқдир. Шунини таъкидлаш жоизки, ижтимоий капитал, сиёсий маданият ва демократия билан фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро муносабатларни неотоқвилиан аънанасига кўра тушуниш концепти, ҳам ғарбий, ҳам шарқий илмий адабиётида, фуқаролик жамияти ва НТТ (нодавлат нотижорат ташкилотлари)ларга нисбатан ҳукмронлик қилади. Назарий рефлексия ва эмпирик тадқиқотлар фуқаролик жамияти тушунчасининг замонавий талқинини шаклланишига ва унинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсирини тушунишга имкон берди.⁷ Ушбу далилларнинг таҳлили шуки, демократик бошқарув ва фуқаролар иштироки амалиёти билан мувофиқлаштириш тўғрисидаги тезисни танқидий қайта англаш учун сабаб бўлиб хизмат қилди.

Тэда Скочполнинг демократия шаклланишида фуқаролар ва ташкилотларнинг ролини ёритишдаги далиллари тарихий институционализмга қарашли, у уюшмаларни ижтимоий ишонч генератори эмас, балки жамоат босими манбаи сифатида кўриб чиқади.⁸ Америкалик тадқиқотчининг фикрича, демократик сиёсий тузум турли ижтимоий гуруҳлар ҳамда ҳокимият органлари билан жамият орасидаги низолар натижаси ҳисобланади.⁹ Мавжуд ижтимоий ва сиёсий келишмовчиликлар ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳукуматга таъсир ўтказиш мақсадида фуқароларни бирлаштиришга мажбур қилади.¹⁰ Элиталар, ўз навбатида, умумий мақсадлар сари бирлашган фуқароларни сиёсий босим ўтказиш учун сафарбар қилади. Фуқаролар жамияти институтлари ва ташкилотлари ҳокимиятга таъсир этадиган каналларни институтлаштирадilar, унча таниш бўлмаган гуруҳларга сиёсий қарорлар қабул этиш жараёнида иштирок этиш имкониятини берадилар ва чексиз давлат бошқарувига қарши туради.¹¹

Тэда Скочпол ва унинг ҳамкасблари таъкидлашчи, фақатгина фуқароларнинг индивидуал ҳаракатлари туфайли фуқаролар бирлашмалари ҳукуматдан ажралган алоҳида бир ташкилот ҳисобланмайди. Улар фикрича, XX асрнинг биринчи ярмида сиёсий партияларнинг оммавий тарзда шаклланиши фуқаролар уюшмаларининг ривожланиши даврига тўғри келди. Ҳукумат институтлари ва сиёсий партиялар, шубҳасиз, фуқаролар бирлашмаларининг турли-туманлиги, хулқ-атвор меъёрлари ва стратегиясига ўз таъсирини кўрсатди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Америка Қўшма Штатларида миллий сайловларга электорал сафарбар қилиш жараёни фуқароларни кўнгилилар бирлашмалари фаолиятига қўшилишга рағбатлантиради.¹² Фуқаролар ташкилотлари маълум шароитларда сиёсий ҳаракатлар ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятини амалга ошириш учун ўз аъзоларини фаоллаштиришга ёрдам беради.¹³ Бундай фаолиятнинг натижаси аъзолик рўйхатидан ўтиш ва фуқароларнинг кенг вакилларини ўз ичига олган ташкилотларнинг ўсишидан иборатдир. Тенг ва эркин сайловлар институти жамиятда мавжуд бўлган низо ва келишмовчиликларни тузилмалаштиришда муҳим йўлга айланди. Шундай қилиб, Скочпол талқини сиёсий элитанинг афзалликларига таяниб, фуқаролик жамиятининг сифат ўзгаришларини тушунтириш имкониятини беради. Скочпол мантиқига биноан, низолар фуқаролар фаоллигини вужудга келтиради, уларнинг фа-

⁷ Dekker P., Halman L. Volunteering and Values, in: Dekker P., Halman L. (eds.), The Values of Volunteering. Cross-cultural perspectives. New York: Kluwer Academic. 2003, p. 8.

⁸ Skocpol T., Fiorina M. Civic Engagement in American Democracy. Washington DC: Brooking Institution press and Russell Sage Foundation. 2004, p. 15 – 20.

⁹ Skocpol T., Fiorina M. Civic Engagement in American Democracy. Washington DC: Brooking Institution press and Russell Sage Foundation. 2004, p. 12 – 14.

¹⁰ Cox T. Democratization and State-Society Relations in East Central Europe: The Case of Hungary, Journal of Communist Studies and Transition Politics. 2007, №2, p. 276 – 284.

¹¹ Kubik J. How to Study Civil Society: the State of the Art and What to do Next?, East European Politics and Societies. 2005, №1, p. 105 – 109.

¹² Skocpol T., Fiorina M. Civic Engagement in American Democracy. Washington DC: Brooking Institution press and Russell Sage Foundation. 2004, p. 16 – 20.

¹³ Clemens E., Guthrie D. Introduction: Politics and Partnerships, in: Clemens E., Guthrie D. (eds.), Politics and Partnerships: the Role of Voluntary Associations in America's Political Past and Present. Chicago, Chicago University Press. 2010, p. 5 – 20.

олияти эса институтлар вужудга келишига сабаб бўлади, институтлар эса ушбу низоларни тузил-малаштиради ва тенгхуқуқликни ва манфаатлар ҳимоясини таъминлайди.

Нэнси Бермео ўз китобида 1970 йиллардан бошлаб фуқаролик жамияти нафақат демократик бошқарувнинг ижобий компоненти сифатида қараладиган бўлди, деб изоҳлайди. Манфаатдор гуруҳлар, синфий уюшмалар ва машҳур ташкилотлар концептларининг ривожланиши уларнинг ноаниқ ролини кўрсатди.¹⁴ Бунда, сиёсий режимларни ўзгаришини тадқиқ этувчи олим Хуан Линц ҳукмрон элиталар ва фуқароларнинг ташкилий гуруҳлари орасидаги яқин ўзаро муносабатларни муаммоли деб баҳолайди, чунки ўта фаол фуқаролик жамияти, кўпинча, демократик бошқариш даврини беқарор бўлишига олиб келади. Манфаатдор гуруҳлар ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳаракатларни ёритадиган нокорпоративизм назарияси, ижтимоий низоларни ҳал қилишда, диалоглар учун майдонлар ҳосил қилишда, баъзи жамоаларнинг ривожланишида давлатнинг роли асосийлардан бири эканлигини кўрсатган. Хусусан, Скандинавия мамлакатларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, иш берувчилар (бизнес уюшмалари) ва касаба уюшмалар ўртасидаги низоларни ҳал қилишда давлатнинг етакчи роли сиёсий йўналишни шакллантиришда ушбу иккита етакчи манфаатдор гуруҳларнинг фикрларини ҳисобга олиш ва келишувга эришиш эса жамият ривожланишида барқарорликка эришишга ёрдам беради.

Нокорпоративизм назариясининг етакчиларидан бири Филипп Шмиттер, буни ўзаро ҳаракат ва манфаатларни тақдим этиш тизими, қарорлар қабул қиладиган, фуқаролик жамиятининг ассоциатив ташкил этилган манфаатдор гуруҳлар билан ҳокимият органлари ўртасидаги алоқани таъминлайдиган махсус идеал-типик келишув сифатида аниқлайди.¹⁵ Бу ерда фуқаролик жамияти тушунчасига анча кенгрок таъриф берилади, бу жамиятдаги бирлашмаларнинг барчасидир, улар давлат тасаруфига кирмайди, шу аснода ўзини бизнес-тизимларга ва фуқаролик ташкилотларига киритади. Шмиттер нокорпоративизмни манфаатлар ўзаро фаолиятининг тизими сифатида тавсифлашни афзал кўради. Энг аввало, чунки у расмий уюшмаларнинг ўз аъзолари талабларини ифодалаш имкониятини гумон остига олади, чунки бу улар учун катта аҳамиятга эга вазифа бўлмаслиги мумкин деб ҳисоблайди.¹⁶

Манфаатдор гуруҳларни миллий даражада қарорлар қабул қилиш жараёнига тизимли равишда жалб этишни Шмиттер капиталистик жамият ривожланиши билан боғлайди.¹⁷ Тадқиқот объекти сифатида ўзаро фаолиятдаги ижтимоий-иқтисодий манфаатдор гуруҳларни афзалликларини кўриб чиқиш корпоративизм назариясининг методологияси ва асосий тамойилларига ўз изини қолдирди. Тадқиқотчиларнинг қизиқишлари доирасига бу ерда давлат жиддий қизиқишни намоён этадиган солиқ ва ижтимоий-иқтисодий сиёсат қиради. Бундан ташқари, ўзаро ҳаракат ёки фаолият агентлари – бу, кўпинча, йирик бизнес-тизимлар ва касаба уюшмалар бўлиб, уларда жиддий ресурслар мавжуд бўлади ва улар давлат аппаратига таъсир этиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўзини манфаатдор гуруҳлардек тута оладиган, умумий мақсадлар сари фуқароларни бирлаштира оладиган, маълум усулларни қўллаб, мавжуд сиёсий йўлга таъсирини ўтказадиган нотижорат ташкилотларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш зарурдир.

Хулоса қилиб, шуни айтиш лозимки, нокорпоративизм манфаатдор гуруҳлар ва давлат ўртасидаги махсус турдаги ўзаро муносабатларни тушунтиради, мавжуд ижтимоий низоларни ҳал қилиш ва барқарорлаштириш қобилиятига эга эканлигини намоён қилади. Бундай ўзаро муносабатлар доирасида сиёсий йўналишни шакллантиришда давлат ҳал қилувчи роль ўйнайди, бунда у манфаатдор гуруҳлар таъсирини фақат тан олинган ва аҳамиятли (унинг нуқтаи назари бўйича) бирлашмалар билан чегаралайди. Маълум бир шароитларда, давлат аралашувисиз келишувга эришиш мумкин бўлмаган пайтларда бу кейингисини манфаатларини ҳисобга олиш имконини беради. Шундай қилиб, нокорпоративизм шуни кўрсатадики, жамиятда асосий манфаатдор гуруҳларни қизиқишларини, манфаатларини ҳисобга оладиган сиёсий кун тартибини шакллантириш учун баъзи жамоалар учун давлатнинг етакчи ва тартибга солувчи роли зарурдир.

¹⁴ Bermeo N. Ordinary People in Extraordinary Times: The Citizenry and the Breakdown of Democracy. Princeton: Princeton University Press. 2003, p. 11.

¹⁵ Schmitter Ph. Still the Century of Corporatism?, in: Pike F., Stritch T. (eds.), The New Corporatism. Social-political Structures in the Iberian World. London: University of Notre Dame Press. 1974, p. 85 – 105.

¹⁶ Wilson F. Review: Interest Groups and Politics in Western Europe: the Neo-Corporatist Approach, Comparative Politics. 1983, №1, p. 105 – 107.

¹⁷ Schmitter Ph. Still the Century of Corporatism?, in: Pike F., Stritch T. (eds.), The New Corporatism. Social-political Structures in the Iberian World. London: University of Notre Dame Press. 1974, p. 85 – 108

Умуман олганда, манфаатдор гуруҳлар тадқиқотлари шуни намоён этадики, уларнинг махсус фаоллиги бозор ва давлатнинг самарали амал қилишига қарши туриши мумкин.¹⁸ Манфатдор гуруҳларнинг ҳукмронлик вакиллари билан шаффоф бўлмаган, рақобат бўлмаган характердаги ҳамкорлиги қайта тақсимланган иттифоқлар, коалициялар шаклланишига олиб келади, улар вужудга келган яқин ўзаро алоқалардан ўз манфаатларида фойдаланадилар, ўхшаш амалиётларни ислоҳ қилишга тўсқинлик қилади. Албатта, бу тарздаги ўзаро муносабатларни яратишда ижтимоий-сиёсий контекст муҳим роль ўйнайди.

Абдуғаниева Гулноза (ТТЙМИ Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси ассистенти)
ТЕХНИКА ФАЛСАФАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Аннотация. Мақолада муаллиф техника фалсафасининг шаклланиши ва ривожланиши босқичида техниканинг инсон ва жамиятга таъсири, унинг долзарб муаммолари, бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар тизими, техникадан фойдаланиши маданиятини шакллантириши сингари масалалар кўрсатиб ўтилган.

Аннотация. В статье автор рассматривает влияние технологий на человека и общество в становлении и развитии технической философии, ее актуальные проблемы, систему принимаемых мер и культуру использования технологий.

Annotation. In the article, the author discusses the impact of technology on the human and society in the formation and development of technical philosophy, its current problems, the system of measures taken, and the culture of technology use.

Калим сўзлар: техника фалсафаси, фалсафий йўналиши, тараққиёт босқичлари, салбий тенденциялар, инновацион ривожланиши, ижтимоий тафаккур.

Ключевые слова: философия техники, философское направление, этапы развития, негативные тенденции, инновационное мышление, социальное мышление.

Key words: philosophy of technology, philosophical direction, stages of development, negative trends, innovative development, social thought.

Инсон фикрловчи мавжудот сифатида пайдо бўлганидан бошлаб, ўз ҳаёти ва меҳнат фаолиятини энгиллаштириш учун қандайдир нарсалар, ихтиролар ва кашфиётлар қилишга интилиб келган. Натижада эса турли хил технологик кашфиёт ва ихтиролар инсон онгу таффақурида кескин ўзгариш ва эврилишларга сабаб бўлди. Сабаблар, ўз навбатида, турли ижтимоий оқибатларни вужудга келтириб, уни фалсафий жиҳатдан ўрганишни тақозо этмоқда. Инсоният бугун ўзи яратган ва кашф қилган техника ва технологиялар устидан ҳукмронлик қилиши билан бир вақтда, ўзи яратган техника ва технологияларга асир сифатида боғланиб қолиши ёхуд “техникага кул” бўлиб қолиш ҳолатларининг кузатилиши мазкур мавзу доирасида илмий тадқиқот ишларини олиб боришнинг долзарблигини кўрсатмоқда.

Айниқса, XX асрнинг иккинчи ярми техника ҳодисаси, унинг жамият ҳаётидаги ўзига хос ўрни, ривожланиш истикболлари билан боғлиқ масалаларни яна-да чуқурлаштирди, бу эса ҳаётдаги фалсафий муаммоларга айланди. Техника фалсафаси билимларнинг энг ёш соҳаларидан бири бўлиб, у ўзининг предметли тадқиқоти онтологик, эпистемологик, аксиологик, умуман, технология ва техник фаолиятнинг ғоявий муаммоларига эгаллиги билан ажралиб туришини эътиборга олсак, кундалик онгда фалсафа ва техника, кўпинча, қарама-қаршилиқлар сифатида қабул қилинади. Хусусан, фалсафа – дунёнинг назарий ривожланишининг рамзи, техника эса дунёнинг амалий ривожланишининг рамзи сифатида қараш лозимлигини кўрсатади. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, техника фалсафаси ибора сифатида замонавий цивилизация маданиятига хос бўлган кенг қамровли концепт сифатида технологик жараённинг ривожланиши ва тараққий этиши билан бевосита боғлиқ тарзда инсон феноменининг ўзига хос жиҳатларини очиб беришда намоён бўлмоқда.


Техника фалсафаси – технология ҳодисасини замонавий цивилизациянинг мураккаб, яхлит, динамик ва зиддиятли кўриниши сифатида бир бутун ҳолда тадқиқ этувчи фалсафий йўналиш ва мустақил тармоғи бўлиб, уни ўрганиш ва тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу, ўз навбатида техника, технология, муҳандислик-техника фаолияти, инсон ва техника, техника ва табиат муносабатлари, ахлоқий ва эстетик, замонавий техника ва технологиянинг глобал муаммолари синга-

¹⁸ Foley M., Edwards B. The Paradox of Civil Society, Journal of Democracy, Vol. 7, Issue 3, 1996, p. 38 – 45.

ри қараш ва таълимотлар сифатида ўрганилиб келинмоқда.

Техника фалсафаси техниканинг моҳияти, қонуниятлари, ривожланишининг асосий босқичлари, унинг инсон ҳаётидаги ўрни ва роли, жамият тараққиётига таъсири, маданият тизимидаги ўрни, ўзаро таъсир характери ва механизмини ўрганувчи махсус билим соҳаси сифатида ўрганилиб келмоқда. Техника фалсафаси том маънодаги фалсафий мактаблар, техникани инсон маданияти ва цивилизацияси орқали кўриб чиқадиган таълимотлар, айти пайтда, замонавий илмий ва технологик тараққиёт томонидан яратилган муаммолар, зиддиятларнинг мафкуравий ва методологик жиҳатларини ўрганиш демакдир. Шундай қилиб, техника фалсафаси технологиянинг кенгроқ, гуманитар кўринишини беради.

Технология ўз тараққиётида узоқ тарихий йўлни босиб ўтди, жумладан, 5 асосий босқич: воқита, ҳунар, машина, классик ва ахборот.



1-жадвал. Техниканинг тараққиёт босқичлари.

Техниканинг келиб чиқиш дастлабки босқичида инсон ҳали асбоб-ускуналар яшани билмаган ва тош ёки суякдан “пичоқ”, “болта”, “болға” сифатида фойдаланади. Бу жуда узоқ вақт давом этган тарихий “соғда қурол”лар даври ҳисобланиб, бу давр Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой, Миср каби қадимий цивилизациялар пайдо бўлиши билан якунланди.

Иккинчи босқич, яъни ҳунар босқичи минг йиллар давом этди ва тарихий жиҳатдан фақат янги асрнинг бошланиши билан якунланди, бу эса, ўз навбатида, машинасозликка асосланган ривожланишнинг учинчи босқичига – машинасозлик босқичига ўз ўрнини бўшатиб бердики, бу даврага келиб фан – назарий ва амалий, табиий фанлар ривожининг муҳандислик фаолият тараққиёти учун замин тайёрлади.

XX аср бошларида технология ўз тараққиётининг тўртинчи, яъни классик босқичига қадам қўйди. Бу босқичнинг ўзига хос хусусиятлари шунда намоён бўладики, бунда классик техника фанлари пайдо бўлишига замин яратди. Жумладан, механика ва машиналар назарияси, радиотехника ва радиоэлектроника, электротехника фанларининг назарий асослари, машинасозлик, авиация, иссиқлик электр станциялари қурилиши каби янги соҳа ва фаолият турлари пайдо бўлдики, бу инсоният тарихида мисли кўрилмаган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар билан бирга бугунги кундаги мавжуд глобал экологик муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Масалан, оламшумул машҳур Fox News телеканалининг маълумотига кўра, Орол денгизи ҳудудидаги Мўйноқ шаҳри дунёнинг энг мудҳиш жойлари сафига киритилиб, телеканал рейтингида шаҳар 11-ўринни эгаллаган қайд этилган.¹ Бу рейтингда кўриниб турибдики, бир вақтлар порт шаҳри ҳисобланган Мўйноқ, бугунги кунга келиб, техник тараққиёт ва антропоген омилларнинг таъсири уларақ оғир экологик аҳволдаги шаҳар кўринишига келиб қолди.

XX асрнинг иккинчи ярмида машинасозлик ўзининг бешинчи замонавий ахборот ривожланиш босқичига ўтиши билан, технология, яратилган сунъий интеллект туфайли илгари мисли кўрилмаган юксакликка кўтарилди, бу эса илмий ва технологик тараққиётни яна-да жадаллаштириш учун чексиз имкониятлар очиб берди. Техник билимларнинг янги соҳалари вужудга келди. Хусусан, компьютер технологиялари, тизимлар муҳандислиги, нанотехнология, роботехника, эргоиктисод, квант электроника, муҳандислик экологияси каби техник соҳалар пайдо бўлди ва ривожланди.² Натижада бугунги кунда техникада инновацион ғоялар асосида муқобил энергия воситаларини

¹ Муйнак назвали одним из самых страшных мест в мире – <https://repost.uz>

² Философия науки. Учеб. пос., под ред. З.В.Безвесельной. М., «Юриспруденция», 2009, с. 68.

излаб топиш, қайта тикланмайдиган табиий хомашё неъматларини асраш муаммоси долзарблашиб бормоқда.

Технологик тараққиёт жараёни туфайли ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, бир қатор салбий тенденциялар ҳолатлари ҳам ўзини намоён этмоқдаки, буни таълим сифатининг пасайиши, ўқувчиларнинг мураккаб муаммоларни ёдлашдаги қийинчиликлар, ўзлаштириш қобилиятининг пасайиши, клип санъатининг устунлиги, одамлар техник қурилмалар билан кўпроқ бўш вақт ўтказиши ва уларга қарам бўлиб қолиш ҳолатларнинг кузатилиши, маънавий ўсишга, ўз-ўзини ривожлантиришга, шахсий фазилатларни яхшилашга эътиборнинг камайиши, техника улар учун таълим ва тарбиянинг барча “камчиликлар”ини тузатувчи деб қараш каби негатив ҳолат ва вазиятларнинг кучайишига олиб келди. Натижада инсоният бугун техник ва технологик қарамлик гирдобидан тушиб қолмаслик учун нималарга эътибор қаратиш лозим, деган саволга жавоб топиш учун махсус фалсафий тадқиқотларга эҳтиёж кучаймоқдаки, бу эса, ўз навбатида, техника фалсафасининг моҳиятини яна-да теранроқ талқин этиш имкониятини бериши, шубҳасиз.

Зеро, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”.¹

Техник тараққиётни онтологик, гносеологик нуқтаи назардан тадқиқ этар эканмиз, бунда унинг таълим, тарбия, техник билимларни тарқатиш воситаси, шахс онги ва тафаккурини шакллантириш воситаси, инсоннинг техник ва технологик ижодкорлиги, янги ғояларни мақсадли ривожлантириш билан боғлиқ жараён сифатида қараш устунлиги кузатилади. Бунга мисол сифатида бугунги тараққиётга эришган Хитой, Сингапур, Жанубий Корея каби “Осиё йўлбарслари”нинг илмий ва технологик тараққиёти туфайли қўлга киритган натижаларида кўришимиз мумкин. Маълумки, Хитой Ғарбдаги “анъанавий” схема бўйича автомобиль сотиб олишни тўхтатиб, бутун иқтисодий, таълим ва технологик соҳани қайта қуришга ўтиши биланок, ўзининг мустақил техник-иқтисодий ўсиш суръатларига эришди.

Мутахассисларнинг фикрича, техник тараққиёт, ўз навбатида, инновацион тамойилларга амал қилишга нисбатан эҳтиёжни кучайтирдики, натижада инсон илмий-техникавий ижоднинг фаол субъекти сифатида ўзини намоён этиш имконини берди. Бу фаолият тури “silicon science”, “smart city” шаҳарларни пайдо бўлишига олиб келдики, бунда инсон ўзига хос виртуал олам орқали эшитиш, рақамли контентни истеъмол қилиш, деярли назоратсиз анархия (ҳокимиятсизлик)ни ҳосил қилиш маҳсули саналган интернет ижодкорлигига олиб келди.² Ушбу жараёнларнинг мазмун-моҳиятини теранроқ англаш, уларни ўрганиш, таҳлил қилиш – техника фалсафасининг муаммоси сифатида илмий баҳс ва мунозаларга сабаб бўлмоқда. Бизнинг фикримизча, илмий ва технологик тараққиётнинг салбий таъсиридан фақатгина билимли, ахлоқли, эркин фикрловчи инсонгина ўзини асраши мумкин. Шу боис илм-фанни ривожлантирувчи асосий восита сифатида таълим-тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратиб, ёш авлодга техникадан фойдаланиш маданиятини шакллантиришга эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун “мактабгача таълим муассасаси+умумий ўрта таълим+ўрта махсус таълим+олий таълим+олий таълимдан кейинги таълим+малака ошириш=техникадан фойдаланиш маданияти”ни шакллантирувчи бошланғич нуқтадан олий нуқтагача бўлган гипермураккаб жараёнга эътибор қаратувчи назарий моделни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Техника фалсафасининг долзарб муаммолари таҳлилидан келиб чиқадиган ҳулоса шундан иборатки, XXI аср кишиси нафақат ақлий, касбий, ижодий, балки инсонпарвар ва ахлоқий шахс бўлиши керак. Шахсни умумий декларациялар эмас, балки фаолият субъекти сифатида ривожлантириш ва жамиятни модернизациялашуви ва инновацион жараёнларнинг фаол иштирокчисига айлантириш зарур.³ Ишончимиз комилки, бу муаммо давлат+жамият+интеллектуал элита+хусусий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи”, 2017 йил 23 декабрь, №258 (6952).

² Кокошин А.А. Взаимодействие политики и военной стратегии: теоретические и прикладные вопросы. «Вопросы философии», 2014, №10, с. 3 –13.

³ Малькова Т.П. Техническое образование в информационном обществе. Методология в науке и образовании. Материалы Всероссийской конференции университетов и академических институтов Российской академии наук (г. Москва, 30–31 марта 2017 г.). Московский государственный технический университет им. Н.Э.Баумана. Федеральный исследовательский центр «Информатика и управление» Российской академии наук. М., изд-во МГТУ им. Н.Э.Баумана, 2017, с. 200 –203.

тадбиркорлик, яъни тараққиётдан манфаатдор шахсларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириб амалда ҳал этилиши лозим. Миллий маданият, таълим, фан, ижтимоий тафаккур ва инсоннинг маънавий дунёсини ривожлантиришни кўзда тутувчи миллий дастурларни яратишимиз лозим.

Абдурахмонов Акбар Абдухамидович
(Жиззах Давлат педагогика институти мустақил изланувчиси)
ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ
ҚУРИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

***Аннотация.** Ушбу мақолада фуқаролик жамияти қуриш шароитида устувор вазифалардан бири саналган фаол фуқаролик позициясининг жамият ҳаётидаги ўрни ва мамлакатимизда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ислохотлари таҳлил қилинади.*

***Аннотация.** В данной статье анализируется роль активной гражданской позиции в обществе и освещается реформирование формирования активной гражданской позиции в контексте построения гражданского общества.*

***Annotation.** In this article, the role of an active civil position, which is considered as one of the prior tasks in developing a civil society and the reforms of the formation of an active civil position in the context of developing a civil society were analyzed.*

***Калим сўзлар:** демократик ислохотлар, фуқаролик, фуқаролик позицияси, фуқаролик жамияти, фуқаролик маданияти, Ҳаракатлар стратегияси, умуминсоний қадриятлар, миллий қадриятлар, жамият бошқаруви.*

***Ключевые слова:** демократические реформы, гражданство, гражданская позиция, гражданское общество, гражданская культура, стратегия действий, универсальные ценности, национальные ценности, государственное управление.*

***Key words:** democratic reforms, citizenship, civil position, civil society, civil culture, strategy of action, universal values, national values, public administration.*

XXI асрга келиб, жаҳоннинг кўпгина давлатларида демократик ислохотларни жадаллаштиришда, шунингдек, умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлигига асосланган кучли фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришда фуқаролар фаоллигини белгиловчи асосий мезон фуқаролик позициясини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамият ва давлат бошқарувида фуқароларнинг бевосита ҳамда билвосита иштирокини таъминлаш, жамоатчилик назоратини ўрнатиш фуқаролик жамияти қуриш шароитида энг устувор вазифалардан бирига айланган. Жамият ҳаётида демократик қадриятларнинг қарор топиши, фуқароларда сиёсий жараёнларга нисбатан муносабатнинг шаклланиши, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида иштироки, фуқароларда дахлдорлик ҳиссининг шаклланиши, жамоатчилик назорати механизмларнинг кучайиши фуқароларда фаол фуқаролик позицияси шаклланишини кўрсатади. Бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти ҳам фуқаролар фаоллигини кучайтиришга қаратилган. Айниқса, давлат ва жамият бошқарувида замонавий ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини инобатга олган ҳолда, жамият ҳаётини доимий демократлаштириш орқали фаол фуқаролик позициясини шакллантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотчилар Т.А.Мирошина ва Т.Б.Игоина фуқаролик позициясини қуйидагича таъкидлайди: “Фуқаролик позицияси – фуқароларнинг давлат ва жамиятга, ижтимоий-сиёсий жараёнларга фуқаролик ҳулқ-атвори ва характери орқали ҳамда ижтимоий аҳамиятли воқеа-ҳодисаларда намоён бўладиган фуқаролар дунёқарашини акс эттирувчи муносабатлар тўплами, фуқароларнинг онгли фаолиятидир”.¹

Рус тадқиқотчиларидан яна бири Е.Р.Корниенко ва Н.И.Новиковларнинг фикрича, “фуқаролик позицияси мафқуравий ва ахлоқий жиҳатлар тизимини ўз ичига оладиган, асосан, меҳнат, ижтимоий фаолият, ижтимоий-сиёсий хатти-ҳаракатларда амалга ошириладиган ва инсон ҳаётининг барча жабҳаларидан намоён бўладиган яхлит ижтимоий-шахсий шаклланиш жараёнидир”.²

¹ Мирошина Т.А. Формирование гражданской позиции студентов ВУЗа как социально-педагогическая проблема. Т.А.Мирошина, Т.Б.Игоина. Вестник Кемеровского государственного университета. 2014, №2, с. 58.

² Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-т. Т., “Ўзбекистон”, 2017, 65-бет.

Демак, фаол фуқаролик позицияси – бу шахнинг жамиятдаги онгли иштироки, фуқароларнинг давлатга нисбатан сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ҳуқуқлари ва мажбуриятларини акс эттирувчи муносабатлар йиғиндиси ҳисобланади.

Фаол фуқаролик позициясининг таркибий қисмлари ижтимоий фаоллик, фуқароларнинг ўзи га хослиги ва фуқаролик фазилатлари ҳисобланиб, мазкур қисмлар орқали шахсда фуқаролик позицияси шаклланиб боради.

Фуқаролик позициясининг шаклланиши ва ривожланишидаги асосий йўналишлар – бу фуқароларда воқеликни оқилона англаш қобилиятининг ривожланиши, ижтимоий ҳодисалар, вазиятлар, жараёнларнинг ривожланиш тенденцияларини англаши ҳамда фуқаролик онгининг шаклланиши орқали ўз-ўзини англаши, давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга ошириши саналади.

Жамиятда фуқароларда фаол фуқаролик позициясининг шаклланиши натижасида ватанга муҳаббат, ижтимоий-сиёсий жараёнларда масъулият ҳисси, ташаббускорлик ғоялари ривожланиб боради.

Мамлакатимизда миллий мустақилликнинг қўлга киритилиши жамият ҳаётида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланишига ҳамда фуқаролик жамиятининг асоси бўлган умуминсоний ва миллий кадриятларнинг жамият ҳаётида намоён бўлишига имкон яратди.

Қисқа давр ичида мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари миллий қонунчилик орқали мустаҳкамланди, фуқаролар фаоллигини ифодаловчи жамоатчилик ташкилотлари фаолияти ривожлантирилди ҳамда фуқароларнинг фаоллиги ва қобилиятларни намоён қилишилари учун катта имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон Республикасида мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган ислохотларнинг туб моҳияти аҳоли турмуш тарзининг фаровонлигини ошириш, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти ва савиясини юқори даражага кўтариш, уларда аниқ фуқаролик позициясини шакллантиришда ўз ифодасини топади.

Давлатнинг тараққий этишида ва ундаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муносабатларнинг янги босқичга ўтишида мамлакат олдида турган вазифаларни турли йўналишларга тақсимлаган ҳолда, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Фуқаролик жамиятини барпо этиш, юртдошларимизнинг эркинлик ва ташаббусларини, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш келгусида ҳам Ўзбекистон сиёсий тизимини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши бўлиб қолади”.¹ Демак, фуқаролик жамиятини қарор топтириш учун давлат ва жамият бошқарувида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ҳамда сиёсий-ижтимоий жараёнларда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш лозим.

Ўзбекистон фуқаролари миллати, ирқи, жинси, касб-кори, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, фуқаро сифатида қонун олдида ҳуқуқан тенг ва бирдек масъулиятлидирлар. Шунинг учун ҳам мавжуд муаммоларни бартараф этишда фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини билиб олишлари ва улар ҳимоя қилишлари ҳамда бурчларини чуқур англаб етишлари учун уларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаб бориш долзарб вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Бу жараён фуқаролар учун маънавий камолот манбаи бўлиши билан бирга, уларнинг бу борадаги масъулиятини яна-да оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ана шунинг учун ҳам Ўзбекистонда демократик жамият қуриш кучли давлатдан, кучли фуқаролик жамиятга ўтиш концепцияси замирида инсон эркинликларини фуқаро, халқ манфаатларига мос ҳолда босқичма-босқич юзага чиқариш асосий вазифа сифатида белгиланган. Маълумки, қонунларнинг ҳар бир моддасида инсоннинг муайян йўналишдаги эркинликлари берилади. Лекин ёдда тутмоқ керакки, бундай тартиб, йўл-йўриқ ёки имконият фақат битта фуқаронинг эркинлигини юзага чиқариш учунгина жорий этилган эмас, балки бу ҳуқуқий меъёр барча учун тенг асосга эга. Ҳамонки шундай экан, барча, яъни бутун жамият аъзолари ана шу меъёр асосида ўз эркинликларини бир хил даражада амалга ошириши шарт.²

Шунингдек, бугун биз қураётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг

¹ Мусаев Ф. Эркинликнинг ҳуқуқий асоси. “Тафаккур” журнали, Тошкент, 2002, 2-сон, 44-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш бўйича 5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш тўғрисида” ўтказилган видеоселектр йиғилишидаги маърузасидан. “Халқ сўзи” газетаси, 2019 йил 20 март, 54 (7284)-сон, 1-бет.

маънавий биноси мустаҳкам бўлиши лозим. Бу эса, энг аввало, фуқароларни, айниқса, ёшларни чуқур билимли, теран фикрли, ўз ўтмиши дурдоналаридан ва маънавий кадриятларидан хабардор, ватанпарвар, ҳақиқатпарвар, фидойи қилиб тарбиялашни тақазо этади. Комил инсон шахсини тарбиялаш эса энг мураккаб ва қийин жараёнدير. Бу жараёни амалга ошириш улар онгига миллий кадриятларни сингдириш мақсадга мувофиқдир. Демак, бугунги ёш авлод ўз тарихини, маданиятини, миллий кадриятларини, тилини, динини ва урф-одатларини мукаммал билсагина, мустақилликнинг асл моҳиятини чуқурроқ англаб етадилар. Фуқаролик жамияти ҳам ана шу миллий кадриятларимизга асосланиб ривожлантирилиши бежиз эмас.

Инсонга ёшлигидан сингдирилган маданий-маънавий қарашлар, ахлоқий кадриятлар, анъаналар, диний-руҳий туйғулардан иборат. Бу бўғинда у оиласи, қариндош-уруғлари, маҳалласи, миллати, юрти билан бирлигини, унинг таркибий қисми эканлигини ҳис этади. Натижада унинг онги ва қалбида миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуси шаклланади. Бу жараёнда шахсда ҳақиқий фуқаролик позицияси шаклланади. Зеро, мамлакатимиздаги ҳар қандай ислохотнинг энг муҳим самараси, аввало, халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганлигини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади. Кўриниб турибдики, мамлакатимизда ёшларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини ошириш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан биридир.

Фуқаролик жамиятининг асосий мезонларидан бири бу фуқароларнинг юксак даражада онг ва маданиятга эга бўлишликлари ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, фуқаролик жамиятида фаол, ташаббускор, ғайратли, фақат яратувчанлик, ижодкорлик руҳи ва кайфияти билан яшовчи шахсларга эътибор ва эҳтиёж катта бўлади. Бундай юксак интеллектуал салоҳият тафаккур эркинлигининг қай даражада шаклланиши билан узвий боғлиқ. Жамиятнинг инсон учун яратган реал иқтисодий қулайликлари ва имкониятлари, юридик ҳақ-ҳуқуқлари, қарор топган ахлоқий ва маънавий муҳит унинг тафаккури эркин, илғор ва юксак идеалларни кўзлаши билан уйғунлашмоғи лозим. Олимларимизнинг кузатишича, фуқароларнинг ижтимоий воқеликка янгича, мустақил ва эркин тафаккур асосида ёндашиши юқори кўрсаткичга эга. Айни пайтда, психолог ва социологларнинг нуқтаи назарича, янги шаклланаётган фуқаролик жамияти ривожини кўп жиҳатдан шахс онги, характери ва дунёқарашини ривожланиб боришни талаб этмоқда.

Ҳозирга келиб, мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини яратиш, ислохотларга ҳамоҳанг тарзда фаол фуқаролик позициясига эга ёш авлодни тарбиялаш, шунингдек, ҳар бир ёш авлоднинг юксак маънавий салоҳиятини, фалсафий тафаккур тарзини янада шакллантириш вазифасини устувор вазифалардан саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини яна-да ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони-нинг қабул қилиниши мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Ҳаракатлар стратегиясида “Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” деб номланган алоҳида банд (4.5-банд)да акс эттирилди ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишларидан бирининг таркибига киритилди. Ҳаракатлар стратегиясида жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёш авлодни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш масалалари ўрин олган.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг баркамол бўлиб вояга етиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида бир қанча муҳим ҳужжатлар қабул қилинди, амалий ишлар йўлга қўйилди, муайян натижаларга эришилди. Шундай бўлса ҳам, бу борада бажариладиган ишлар ҳамиша кенг қўламли бўлиб долзарблигини сақлаб қолаверади. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз раҳбарлигида 2019 йил 19 мартда “Ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга кизиқишини ошириш бўйича 5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш тўғрисида” ўтказилган видеоселектр йиғилишида ёшлар маънавиятини юксалтириш бўйича 5 ташаббус илгари сурилди. Булар қуйидагилар:

- биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа тур-

ларига қизиқишларини ошириш бўйича;

- иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниктириш ва спорт соҳасида ўз қобилиятини намойиш қилишлари учун зарур шароитларни яратиб бериш масалалари бўйича;

- учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш масалалари бўйича;

- тўртинчи ташаббус аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, удар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш масалалари бўйича;

- бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш ишларини тизимли ташкил этиш масалалари бўйича.¹

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар асосида кучли фуқаролик жамияти асосларини мустақамлашда таянч бўлувчи фаол фуқаролик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук баркамол авлодни тарбиялаш ғояси энг устувор вазифалардан саналади. Умуман олганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида фаол фуқаролик позициясига эга, ўз иқтидори ва имкониятларини тўлиқ намойиш этаоладиган, дахлдорлик ва ватанпарвалик хисси билан уйғунлашган ёш авлодни тарбиялаш орқали кучли фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга эътибор қаратилган.

Рўзиев Анвар Жуманазарович (Жиззах Политехника институти

Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси, umrguzaronlik@mail.ru)

ТАРИХИЙ ДУНЁҚАРАШ – МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ МЕЗОНИ СИФАТИДА

***Аннотация.** Мақолада миллий ўзликни англаш, тарихий мерос, тафаккур ва бой маънавий мерос, шунингдек, айрим ғарб мутафаккирларининг миллий ўзликни англаш хусусидаги зояларининг мазмун моҳияти ёритилган. Бундан ташқари, маънавий хуружлар авж олган ҳозирги даврда миллий ўзликни англашнинг миллий моделини яратиш зарур эканлиги ҳақида фикр юритилган.*

***Аннотация.** Статья посвящена национальному самосознанию, историческому наследию, созерцанию и богатому духовному наследию, а также сущности представлений некоторых западных мыслителей о национальном самосознании. Кроме того, существует мнение, что необходимо создать национальную модель самосознания в нынешний период, в котором набирают обороты духовные суеверия.*

***Annotation.** The article covers the essence of the ideas of some Western thinkers on the issues of national self-awareness, historical heritage, contemplation and rich spiritual heritage, as well as the issues of national self-awareness. In addition, there is an opinion that it is necessary to create a national model of self-awareness in the current period, in which spiritual superstitions are gaining momentum.*

***Калим сўзлар:** тарих, миллий ўзликни англаш, ёшлар, тарихий дунёқараш, маънавий таҳдид, инсон онги ва қалби учун кураш, миллий тараққиёт йўли, аجدодлар мероси, жамият ва ҳ.к.*

***Ключевые слова:** история, национальное самосознание, молодежь, историческое мировоззрение, духовная угроза, борьба за сознание и душу человека, национальный путь развития, наследие предков, общество и др.г.*

***Key words:** history, national self-awareness, youth, historical worldview, spiritual threat, struggle for human consciousness and soul, national development path, ancestral heritage, society.*

Миллий ўзликни англаш бу ўзга миллат ва унинг маданиятини инкор этиш ҳисобига эмас, аксинча, уларга ҳурмат билан қараш, бошқа миллатларнинг маданияти ва маънавиятига таққослаш, қиёслаш асосида зарур хулосалар чиқариш, уларнинг илғор томонларидан ўрнак олиш ва ўзлаштириш, уларга интилиш ва шу билан бирга ўзига хослигини сақлаб қолиш ҳисобига бўлиши лозим. Акс ҳолда, миллат ўзининг чегараланган маданияти қобиғига ўралиб жаҳон интеграциясидан четда қолиб кетиши мумкин.

Ҳар қандай миллий маданият тизимининг таркибида ташқаридан келаётган ва маҳаллий маданиятга зид бўлган элементларни англаш, уларни танлаб олиш ва уларни “элакдан ўтказувчи филтёр” вазифасини бажарувчи шундай элементлар борки, улар бевосита миллий маданият учун ҳимоя вазифасини бажаради. Улар асрлар давомида синовдан ўтган ва авлоддан-авлодга ўтиб ке-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. www.prezident.uz

лаётган миллий маданият ва маънавий қадриятлардир. Улар ахлоқий, диний, илмий, эстетик, ҳуқуқий, иқтисодий ва сиёсий шаклларда мавжуд бўлиб, жамият ижтимоий онгининг шакллариغا мос тушади ва улар миллий ўзликни англашнинг асосий манбалари ҳисобланади. Миллий маданиятнинг ўзга таъсири қабул қила олиш билан бирга, ўзини ўзга маданиятнинг салбий таъсиридан ҳимоя эта олиш қобилияти муҳимдир. Чунки глобаллашув шароитида ўзини ҳимоя эта олмайдиган маҳаллий маданият унинг хоҳиш-иродасидан қатъий назар, унификация (бир хиллик) жараёнига тортилиб кетиши мумкин.

Бундай шароитда миллатнинг умуминсоний ва илғор замонавий қадриятларни ўз миллий маданияти ва қадриятлари билан уйғунлаштирган ҳолда ўзлаштира олиш қобилиятини сақлаб қолиши муҳим. Бундай синтезга асосланган қадриятлар миллий маънавий мерос ва юксак қадрият сифатида тарихий жараёнда доим ҳам мавжуд бўлади ва ҳеч қачон йўқолиб кетмайди, аксинча, ривожланади, ўзгаради ва янгиликлар ҳисобига бойиб боради.

Фалсафа тарихига назар солсак, мутафаккирлар ўзликни англаш масаласига жиддий эътибор берганлар. Янги даврга келиб эса миллий ўзликни ва миллий мансубликни англаш масаласига мутафаккирлар катта эътибор қаратганлар.

Жумладан, қадимги юнон файласуфи Сукрот билиш инсоннинг ўз-ўзини англашидан бошланиши ҳақида уқдириб ўтган. Буддавийлик, зардуштийлик, ислом таълимотларида ҳам мазкур масала кўтарилган, деб айтиш мумкин. “Авесто”да инсоннинг ўзлигини англаш унинг тупроғи, она Ватани, табиий муҳитини севиш ва асраш билан боғлиқликда тараннум этилади.¹ Ислом фалсафасига мурожаат этсак, жумладан, куйидаги ҳадисни кўрамиз: “Кимки ўзлигини таниса, у раббини танийди”.²

Ғаззолийнинг фалсафий меъросига мурожаат қилсак, мазкур масала бўйича унинг қимматли фикрларини англаймиз. У комил инсон масаласига катта эътибор бериб, комилликни бевосита ўз-ўзини англаш масаласи билан боғлайди. Ғаззолий “Кимёи саодат” асарида инсон ўзини, ўзлигини таниганда ҳамда ўзини камолга етказгандагина, ўзгани ва Худони танийди, деб уқдиради.³

Абу Наср Форобий ҳам ушбу масалага эътибор қаратган бўлиб, унинг илмий меросида миллий ўзликни англаш муаммоси кишиларнинг руҳи ва уларнинг бирлашиши натижасида кўпчиликнинг бирлашуви, унинг оқибатида эса авлодлар ўртасидаги боғлиқлик ва ворислик масалалари доирасида талкин этилади. Унинг фикрича, авлодларни бир-бири билан боғлаб турувчи ворислик, демак, авлодларни ҳурматлаш халқнинг бахт-саодатга эришиши учун манба бўлиб хизмат қилади ва фаровон ҳаёти учун шароит яратади.⁴

Миллий ўзликни англаш муаммолари бир қатор Ғарб мутафаккирлари Гегель, Карл Ясперс, Жан Поль Сартр, Альберт Камью, рус файласуфи Бердяев ва бошқалар томонидан ҳам ўрганилган. Миллий ўзликни англаш тарихий жараёнда муҳим ўрин эгаллаган ҳодисалардан бири бўлиб, ўзликни англашнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади ва миллат шаклланишининг асосий шартларидан бирини ташкил этади.

Тарихга назар солсак, миллий озодлик ҳаракатлари, турли инқилоблар, инқилобий тўнтарилар ва мустақилликни қўлга киритиш каби тарихнинг ижтимоий-сиёсий воқеаларга бой бўлган бурилиш даврларида миллий ўзликни англаш ҳодисаси миллатнинг миллий онгига ва келажак маънавий тараққиётига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан бирига айланган.

Ўзбекистонда ҳам ушбу масала давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг янгича маъно касб эта бошлади. Чунки мустақиллик туфайли миллий ва диний қадриятларимизнинг тикланиши, миллий маънавият, умуман, миллатимиз, миллийлик билан боғлиқ бўлган жуда кўп муаммоларга ёндашувнинг ўзи тубдан ўзгарди. Бундай ҳолат бошқа масалалар қатори миллий ўзликни англаш масаласига ҳам миллий мақсад ва манфаатларимиз, ҳамда келажак мустақил тараққиётимиз нуқтаи назаридан ёндаша олиш имконини яратди.

Миллий онгни ижтимоий онгнинг бошқа турлари билан ҳамда улар акс эттирувчи турли маданият ва қадриятлар билан мулоқот қила олиши унинг келажак тараққиёти учун кенг имкониятлар яратади. Бу борада миллий онгдан ўзгача маданият ва қадриятларни акс эттириш билангина

¹ Махмудов Т. ”Авесто” ҳақида. Т., “Шарк”, 2000, 5-бет.

² Носирулдин Рабғузий. Қиссаи Рабғузий. 1-китоб, Т., “Ёзувчи”, 1990, 106-бет.

³ Ғаззолий З., М. Кимёи саодат (“Дил ҳақиқати”). Т., “Камалак”, 1995, 76-бет.

⁴ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т., Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993, 164–165-бетлар.

чекланиб қолмасдан, улар билан мулоқот қила олиш потенциалига ҳам эга бўлиши талаб этилади.

Турли миллатларнинг маданиятлараро мулоқоти давомида маданият ўзини англайди, унда ўзини бошқа маданиятлар билан солиштириш, баҳолаш ва қайта баҳолаш имкони туғилади. Бундай мулоқот маҳаллий маданиятга ўзининг консерватив ва айрим догматик томонларини тушуниб етишга ва ўзига нисбатан танқидий ёндашишга ёрдам беради. Миллат ва миллий маданият идентификацияси маданиятлараро мулоқотсиз амалга ошмайди. Ҳар қандай маданият бундай сифатда яшай олиши, ўзининг моҳиятини ва хусусиятларини сақлаб қолиши ва тараққий эта олиши учун у, бир вақтнинг ўзида, турли маданиятлар чегарасида мавжуд бўлиши, улар билан мулоқотга кириши, қўйилган долзарб саволларга жавоб бера олиши ва шундай йўл билан ўзини намоён эта олиши зарур.¹

Акс ҳолда, бошқа маданиятларнинг таъсиридан ўзини ҳимоя қилиш мақсадида атрофига тўсиқ қўйиб, “беркиниб олишга” ҳаракат қилмоқчи бўлган миллат ва маданият замонавий интеграция жараёнларидан ва тараққиётдан орқада қолади. Ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларида глобаллашувнинг чуқурлашиб ва кенгайиб бориши, турли давлатлар ва миллатларнинг тобора бу жараёнга тортилиши унга акс таъсир сифатида миллийлик билан боғлиқ бўлган соҳаларни кескин ўзгартириб юборди. Миллатнинг глобаллашув жараёнига кириб бориши, бир томондан, интеграция, миллий интеграция, бошқа миллатлар ва уларнинг маданиятлари билан алоқадорлик чегараларининг кенгайиши каби глобаллашувнинг ижобий жиҳатларини олиб келади. Аммо, иккинчи томондан, глобаллашув ва миллийлик муносабатларида бу жараённинг салбий оқибатларидан ҳимояланиш ва зарур бўлганда, уларга қарши кураш масаласини ҳар бир миллат олдида долзарб масала сифатида қўяди. Мазкур масаланинг ечими, яъни миллатнинг ҳимояланиш усуллари ва механизмларини назарий ва амалий жиҳатдан ишлаб чиқиш билан боғлиқдир. Шу сабабли ҳам глобаллашув жараёнининг миллийликка таъсирини муҳим фалсафий масалалардан биридир.

Инсон ўзининг тарихий хотирасига эга бўлмасдан туриб, ҳаётида бўлаётган ижтимоий ўзгаришларнинг моҳиятини тушуниб ега олмайди. Ўз келажагини тасаввур қила олмайди. Тарихий хотирага биринчи марта юнон файласуфи Аристотель ўзининг “Хотира ва эсдаликлар ҳақида” асарида кенгайтирилган концепцияни илгари суради. Унинг фикрича хотира инсонга хос, фикрлай оладиганларга хос деб айтган эди.

Абу Наср Форобий тушунтиришича тарихий хотирани ҳар бир миллат, ҳар бир халқ яратган маънавий, бойликлар умуминсоний маданий мерос билан бирлашганда, умуминсоний маданий мерос хазинасига қўшилган пайтдагина содир бўлади. Унинг ёзишича, “Одамларнинг бир авлоди бўлиб кетгач, уларнинг жисмлари йўқ бўлиб кетади, аммо руҳлари вужуд (киёфаси)дан кутулиб саводатга эришадилар. Сўнг бошқалар уларнинг ўрнини эгаллаб, улар қилган ишларни қиладилар. Бу авлод одамлари ҳам дунёдан ўтгач, худди шундай йўл билан руҳлари аввалгиларнинг изларидан бориб, киёфалари (фёъл ва фазилатлари), қуввати ва сифати ўхшаш, яқин руҳлар билан қўшилишлари мумкин. Аммо бир қанча ўхшаш руҳлар бир-бирлари билан қўшилганларида ҳар қанча кабир (улкан) бўлсалар ҳам, (жисмсизлиги туфайли) макондан бир-бирини сиқиб чиқиб чиқара олмайдилар. Чунки улар ҳеч қачон маконни эгалламайдилар ва руҳларнинг қўшилувлари таналарининг қўшилувидай юз бермайди. Инсоният авлодларининг ўзаро алоқадорлиги натижасида вужудга келган қадриятлар. Яъни, аждодлар ва авлодларнинг руҳий-маънавий мероси умуминсоний маданий мерос хазинасига қўшилади ва аста-секин тарихий хотирага айланиб боради”.²

Бошқача айтганимизда, тарихий хотира инсониятнинг барча аждодлари руҳини, яъни уларнинг фикрлари ғоялари ва эътиқодлари, орзулари ва истакларини ўзида мужассамлаштиради.

Европа жамияти ҳаётида улкан силжишлар содир бўлаётган XVIII асрда машҳур француз маърифатчиси Жан Жак Руссо миллийлик, миллий характер ҳақида бундай деган эди: “Биз танишимиз керак бўлган биринчи тамойил – миллий характердир: ҳар бир халқ миллий характерга эга ёки эга бўлиши лозим; халқда у бўлмаган тақдирда, ишни унга бундай характерни беришдан бошлаш керак бўларди”. Бир қарашда, Руссонинг фикрида маълум бўрттириш бордек туюлади. Лекин унинг Ватани Франция тарихига назар ташланса, бу фикр тарихий асосга эга эканлиги маълум бўлади.

Дастлаб, қирол Генрих IV Франциянинг миллий давлат сифатидаги яхлитлигини тиклади.

¹ Библер О. От наукоучения к логике культуры: два философских введения в двадцать первый век. М., Политиздат, с. 285.

² Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Т., Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993, 185-бет.

Унинг ишини давом эттирган ва Францияни амалда бошқарган Людовик XIIIнинг биринчи министри – кардинал Ришелье “Ватан ва миллат манфаатлари барча нарсадан устун”, деган ғояни илгари сурди ва мамлакатдаги ички низоларга барҳам берди, сиёсий, ижтимоий, маданий ислохотларни амалга оширди. Жумладан, ўзи асос солган Француз Академиясига умумфранцуз адабий тили луғатини тузишни топширди, санъат ва адабиётга ҳомийлик қилиб, давлат яхлитлиги ва халқ бирлигини таъминлашга қаратилган ўзига хос миллий ғояни тарғиб этишга сафарбар этди.

“Манманлик, – деган эди машҳур маърифатпарвар Абдулла Авлоний жоҳилна кибру ғурдан пайдо бўладурган энг ёмон хулқларнинг биридурки, кишининг ҳар ерда маюс ва маҳжуб қилур”. Агар манманлик касалига миллат, халқ ёки бирон-бир дин вакиллари учраса, не оқибатларга олиб келади? Мисоллар талайгина. Биргина ўз халқи онгига “олий ирк”қа мансублик ғоясини сингдиришга уринган фашизмнинг бутун инсоният бошига ёғдирган балоларни ёки буюк давлатчилик шовинизми собиқ иттифоқда яшаган элат ва халқларга келтирган азоб-уқубатларни эслаш кифоя. Бугунги кунда ҳам диний, ирқий, миллий зиддиятларни авж олдиришга ҳаракат қилаётгани ва оқибат ўларок, дунёнинг турли чеккаларида уруш олови алангаланаётгани барчага маълум.

Демак, миллий ғоя ўзликни англаш, миллий ўзликни англаш ва умумбашарий ўзликни англашни узвий боғлиқликда кўришга даъват этиб, умуминсоний моҳият касб этади. Мустақиллик шарофати билан “аждоқларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят ўлкан, бебаҳо маънавий ва маданий мерос тиклана бошланди” ва “халқимиз ўзига хос маданиятининг соҳибига айланди”. Собиқ иттифоқ ҳудудидаги республикаларнинг сўнгги йиллар тарихи шуни кўрсатиб турибдики, сиёсий эркинликни анча тез ва қон тўкмасдан қўлга киритиш мумкин.

Қадриятлар шунинг учун ҳам қадриятки, улар юқорида санаб ўтилган хусусиятларига бинан бошқа қадриятларга ўрнини дарҳол бўшатиб бермайдилар. Улар мулоқот олиб боришга интиладилар. Бундай қадриятлар ўзаро муносабати томонларнинг бир-биридан фарқли, шу билан бирга, ўзига хос белгиларини англаб етиши, ўзга маданиятни тан ола билиши, кўпчилик томонидан этироф этилиши мумкин бўлган умуминсоний қадриятларни таклиф эта билиши ҳамда ўз манфаатларига мос равишда уларни ҳимоя қила олиши каби имкониятлар мавжуд бўлгандагина амалга ошириши мумкин.

Султонова Светлана Юриевна (Самарқанд Давлат чет тиллар институти)
ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТЕРРОРИЗМИ ГЛОБАЛ ХАВФ ВА ИЖТИМОЙ ХАВФ ОМИЛИ

***Аннотация.** Ушбу мақолада жамият ривожининг ҳозирги босқичида терроризмнинг ижтимоий хавф ва глобаллашувни келтириб чиқарган ҳодиса эканлиги ҳақида фикр юритилган. Мазкур мақолада ижтимоий-фалсафий фикрнинг бир қатор тадқиқотчилари томонидан терроризм хавфи замон ва макон нуқтаи назаридан жамиятнинг ҳаёт фаолияти ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши кучига эга эканлиги ва унинг оқибатлари чуқур ўрганилганлиги кўрсатилган.*

***Аннотация.** В данной статье рассматриваются социальные опасности международного терроризма и явления, вызывающие глобализацию на данном этапе развития общества. В статье ряд исследователей в области социального и философского мышления отмечают, что угроза терроризма с точки зрения времени и пространства оказывает мощное влияние на жизнеспособность и развитие общества.*

***Annotation.** This article is based on the view that at the present stage of development of society, terrorism is a phenomenon that caused social danger and globalization. In this article, a number of researches in the field of social and philosophical thinking have been noticed, that the threat of terrorism in terms of time and space has a powerful effect on the vitality and development of society.*

***Калим сўзлар:** террор, терроризм, глобаллашув, ижтимоий хавф, тармоқланган, аксилтеррор, трансмиллий, мультикультурализм, “бумеранг эффекти”.*

***Ключевые слова:** террор, терроризм, глобализация, социальная опасность, сеть, борьба с терроризмом, транснационализм, мультикультурализм, «эффект бумеранга».*

***Key words:** terror, terrorism, globalization, social danger, network, counterterrorism, transnational, multiculturalism, effect boomerang.*

Халқаро терроризм иллатининг сўнгги пайтларда тобора кучайиб бораётгани мазкур муаммонинг нақадар долзарб эканини кўрсатади.

Терроризм-инсониятга беқарорлик келтириб чиқарадиган глобал ҳамда ижтимоий хавфдир. Терроризм ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари, қўллаган кураш воситалари, ғоявий даъволари билан инсоният учун катта ижтимоий хавфга айланиш имкониятига эга бўлди ва маълум даврларда бундай имконият воқеликка айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Терроризм бутун дунёда тинчликни таъминлаш йўлидаги асосий ғов, тўсиқдир. XX асрнинг иккинчи ярмида халқаро миқёсда ўзини очиқ намоён этаётган хатарли воқеликлардан бири, турли шиорлар билан ниқобланган терроризм минтақалар ва мамлакатлар ҳаётида бирдек таҳдид солмоқда. Кенг кўлам ва хилма-хил кўринишлар касб этаётган ушбу иллатга қарши кураш бутун дунё учун долзарб муаммо бўлиб қолмоқда”.¹

XX–XXI аср бошларида барқарор жамият сифатида унинг қисмларида яхлит жамиятнинг шаклланиши кескин тезлашди ва сайёравий миқёсда ҳаракат қила бошлади. Илмий ва ижтимоий-сиёсий адабиётларда бу жараён глобаллашув деб аталди, унинг онтологик илдизлари ижтимоий ҳаётнинг моддий асосларини тубдан ўзгартиришга киришди.² Глобализация намоён бўлишининг бир нечта шакллари мавжуд, уларни тушуниш ижтимоий ўзгаришларнинг хавф туғдирувчи омилининг моҳиятини яхшироқ англашга имкон беради.

Ижтимоий-фалсафий фикрнинг бир қатор намоёндалари тадқиқотларида терроризм мавзу доирасида ўрганилаётган айрим масалаларга нисбатан ижтимоий-фалсафий нуқтаи назардан бир қанча ёндашувлар мавжуд. Рус тадқиқотчиси В.К.Левашов таъкидлаганидек, технологик тараққиёт, биринчи навбатда, фазода ва вақт ичида алоқа имкониятларини ўзгартирди. Мекансал-вақтинча зичлаш ахборот жамиятининг фуқароларини ажратадиган масофани камайтирди. Иккинчидан, ўзаро боғлиқлик кўлами ва замонавий жамиятда ўзаро боғлиқлик даражаси ошди. Бу ижтимоий жамоалар ва ҳаракатлар, мамлакатлар ва китъалар, транспорт корпорациялари ва ривожланаётган бозорлар ўртасида шу қадар жадал равишда рўй бердики, М.Кастельс ҳозирги жамиятни “тармоқланган” деб атади. Ташкилотларнинг тармоқ шакллари фирмалар, шахслар ва мамлакатлар учун мослашувчанликни таъминлайди. Глобаллашувнинг учинчи хусусияти турли маданиятларнинг ўзаро таъсиридир. Дунёни “глобал кишлоқ” моделига асос солган замонавий электрон алоқа воситалари масофавий таълим ва оммавий ахборот воситалари маданий намуналарини энг кенг миқёсда, батафсил ва катта тезликда алмашиш имкониятини яратди.³ Шу билан бирга, терроризм ва аксил-террор ҳаракатлар оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиб, бу чекланган ҳаракатларнинг асл моддий оқибатлари билан ҳеч қандай алоқада бўлмасдан, вайронагарчилик, қўрқув, қўрқитиш атмосферида мажбурлаш орқали одамларнинг онгини бузиш учун ишлатилади. Тўртинчидан, глобал ижтимоий муносабатларнинг жадал шаклланиши давлат сайёравий жамияти халқаро муносабатлар тизимини “давлатлаштириш” туфайли содир бўлди. Глобал ижтимоий жараён табиатининг ўзгариши муносабатлар субъектлари таркибининг ўзгариши, кўп сонли трансмиллий ташкилотларнинг қўшилиши натижасида юзага келди.⁴ Ушбу ҳодисалар ва ўзгаришлар контекстида терроризмнинг универсаллашуви ва глобаллашуви тенденцияси шаклланмоқда.

Кўплаб олимлар глобаллашувнинг фойдали таъсирдан умидвор бўлишган. Улар глобаллашув муҳим портловчи сиёсий куч мавжуд бўлган хавфларни тақсимлаш ва кўпайиш моделини ўз ичига олганлигини таъкидладилар (В.Бек); глобал келажакнинг янги муаммолари тўғрисида (Т.Иногучи); цивилизациялар тўқнашуви тўғрисида (С.Хантингтон); ривожланишнинг номуносабатлиги ва унинг йўналишидаги мумкин бўлган ўзгаришлар (Н.Уоллерсир); глобализация фақат ижтимоий ўзгаришларнинг янги жараёни бошланиши сифатида (М.Алброу); глобал ва маҳаллий узлуксизлик тўғрисида (Р.Робертсон); бой ва қамбағал, ривожланган ва ривожланмаган мамлакатлар ўртасидаги тафовут ва миллатларни камситувчи табақаланиши жиҳатидан унинг нотекислиги ва оғир оқибатлари (БМТ ҳисоботи); маданиятларнинг хилма-хиллигини тан олиш ва ҳурмат қилишдан ташқари, спецификациялаш йўналиши бўйича олиб бориладиган мультикультурализм сиёсати туфайли ўзига хосликни ва парчаланишни йўқотиш хавфи (К.О.Апел, З.Бауман, Ж.Скотт); гуманитар аралашув таҳдиди (Д.Варнер). В.Г.Федотова таъкидлаганидек, ушбу омиларнинг бар-

¹ 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Т., “Маънавият”, 2017, 216-бет.

² В.К.Левашов. Устойчивое развитие общества: парадигма, модели, стратегии. М., “Академия”, 2001, 20 с.

³ М.Кастельс, Киселёва Э. Россия и сетевое сообщество. «Мир России», 2000, №1, 26 с.

⁴ В.К.Левашов. Устойчивое развитие общества: парадигма, модели, стратегии. М., “Академия”, 2001, 21–22 с.

часини янги турдаги терроризмнинг умумий хонасига киритиш хавфи терроризм глобаллашуви-нинг дахшатли таъсиридан биридир.¹ Терроризм хавфи замон ва макон нуқтаи назаридан жамият-нинг ҳаёт фаолияти ва ривожланишига ўта салбий таъсир кўрсатиш кучига эга бўлиб келган.² Террористик ҳаракатлар асрлар давомида амалга оширилган, аммо бугунги кунда улар глобал миқёсда мутлақо бошқача ижтимоий ва сиёсий оқибатларга олиб келмоқда.

Замонавий хавф-хатарлар фанлараро бўлиб, улар хавфларни ҳисоблашнинг статистик талқинига тааллуқлидир. Улар тадбиркорларнинг даромадлари ва қарорларини қабул қилиш моделларини исботлайди ва хавфларнинг ижтимоий хусусиятларини муҳокама қилади. Хавф тушунчаси замонавий жамиятда ҳал қилиниши керак бўлган мураккаб вазиятларни англатади. Хавфлар социологияси асосий ижтимоий жараёнлар, ноаниқлик билан боғлиқ муаммолар, зарар етказиш, хавф ва таҳдидлар, жамият томонидан ишлаб чиқарилган ва унинг мавжудлигига таҳдид солувчи инкирозларни ўрганади. В.Бек, Е.Гидденс, Н.Луман, О.Яницкий каби муаллифлар сўнгги ўн йилликларда глобал хавф ва кўрқувнинг глобал омилларини исботладилар. Хавф масаласи ижтимоий динамика-нинг ажралмас элементиدير.³

Хавф муайян бир қарорга нисбатан эҳтимоллик ва йўқотишларнинг нисбати деган маънони англатади: “хавф хавфли воқеа, эҳтимол ва йўқотиш, йўқотишдаги воқеа ҳажмини бирлаштиради” (агар террор хуружи амалга оширилса, унинг катталигидан қатъи назар), оқибатлари, етказилган ижтимоий зарар).⁴ Баъзилар учун хавф, хавф билан боғлиқ ёки хавф ўлчови сифатида белги-ланган бўлса, бошқалар учун бу хавфсизлик тушунчасини тўлдирувчи тушунча. Масалан, К.Исаев хавфни жамиятнинг модернизация жараёни натижасида келиб чиқадиган ва юзага келадиган таҳ-дид ва хатарлар билан тизимли ўзаро таъсири сифатида белгилайди. Яъни, “хавф” атамаси, кўпин-ча, хавф, таҳдид, инкироз каби кўпроқ “ижтимоий” тушунчалар билан алмаштирилади ва “хавф” тушунчасининг бундай талқини бизга яқинроқдир. Кўпгина ҳолларда ушбу атамалардан фойдала-ниш табиатан контекстли бўлиб, жамиятнинг нормал, оғриқсиз ишлашида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар манбаини аниқлаш ва уларни бартараф этиш ва олдини олиш усулларини топиш учун суғлашади.⁵ Терроризм глобал хавф ва кўп ўлчовли ижтимоий хавф манбаи ҳисобланади. Кенгайтирилган хатарларнинг таксономиясида инсон ўзининг келажагига нисбатан янги позиция-ни эгаллайди, бу эса ижобий ва салбий оқибатларни қоплаб бўлмайдиган қарорларга боғлиқ. Хавф-ни англаш ва хавфга розилик беришда, одам хавфли вазиятларда “ихтиёрийми ёки йўқми”, муҳим-дир. Масалан, терроризм субъектлари хавфли вазиятларни онгли равишда танлайдилар ва хатар-ларни келтириб чиқарадилар; террорчилик қурбонлари, албатта, ўз ихтиёри билан ушбу гуруҳга кирганларга тегишли эмаслар.

Хатарни истеъмом қилишнинг якуний босқичи бир вақтнинг ўзида унинг массасининг тўп-ланишига ва ўсишига олиб келади, чунки истеъмом пайтида хавф тўпланади. Хатарларни концен-трацияси хавфнинг “бумеранг эффекти”га олиб келади, фикр-мулоҳазани келтириб чиқаради, хавфни истеъмом қилиш, бир вақтнинг ўзида, уни ишлаб чиқариш бошланганида, хавф тизими тар-кибий қисмларининг ўзаро боғлиқлиги, синф ва миллий чегараларни бузадиган хатарларнинг уни-версаллашиши ва глобаллашувига олиб келади. Инкироз жараёнлари улар юзага келтирадиган хавф-хатарлар, таҳдидлар бир-бири билан ўзаро таъсир қилиш асосида тавсифланади. Вақт ўтиши билан, улар ижтимоий муаммоларнинг ягона тўпига бирлашади: бири иккинчисига ҳисса қўшиб, вазиятни яна-да беқарорлаштиришда давом этиб, инкирозга мойил бўлган меъёрий конгломератлар қаторини ташкил этади. Бугунги кунда мавжуд хавф-хатарлар, таҳдидлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб келмоқда, кўпинча, битта таҳдид бошқаларини ҳам ўз занжирига олиб келади.

Рус тадқиқотчиси О.Н.Яницкий фикрига кўра, ижтимоий тартибни бузиш социологик хавф-ларнинг манбаи бўлиб, ижтимоий ўзгаришлар, айниқса, радикаллар, ижтимоий ва бошқа хавфлар-нинг кучли генераторидир. Аксинча, маълум бир ижтимоий тизим фаолияти давомида юзага кела-диган ва тўпланган хатарлар ижтимоий ўзгаришлар ва геосиёсий силжишларни келтириб чиқари-ши мумкин.

¹ В.Г.Федотова. Хорошее общество. М., “Прогресс-традиция”, 2005, 275–293 с.

² Н.Сафарова. Терроризм (тарихий-фалсафий таҳлил). Т., “NOSHIR”, 2009, 19-бет.

³ О.Н.Яницкий. Социология риска: ключевые идеи. “Мир России”, 2003, Т.ХІІ, №1, 5 с.

⁴ В.А.Владимиров., Ю.Л.Воробьев. Катастрофы и государство. М., Энергоатомиздат, 1997, 40 с.

⁵ К.А.Феофанов. Безопасность цивилизационного развития как социокультурный феномен: сущность зако-номерности, понятийный аппарат. Социально-гуманитарные знания. 2006, №3, 4 – 9 с.

Хуллас, бизнинг фикримизча, хатарлар терроризм ҳодисаси билан ўзаро сабаб механизмининг ўзаро боғлиқлигидир. Узайган шаклларни олиши билан хавф хавfli ҳудудларни шакллантиради, масалан, “Чеченистон ижтимоий парчаланиш энергиясининг улкан чиқиндиларини келтириб чиқаради (қўллаб-қувватлаш тизимини йўқ қилиш, оммавий ишдан чиқиш, ишсизлик ва жиноий тузилмаларни шакллантириш)”¹.

Хавф бу террористик ҳаракатларнинг доимий таркибий қисми: терроризм цивилизация хавфларидан фойдаланади, улар томонидан “тўлдирилади” ва бизнинг давримиз хавф-хатарларини акс эттирувчи мегаманба ҳисобланади. Тадқиқотчи олим В.Г.Федотованинг таъкидлашича, терроризм янги таҳдидларни келтириб чиқаради, кундалик хавф-хатар ва маҳаллий бахтсизликларнинг глобаллашуви ва бу, ўз навбатида, глобаллашувнинг ён таъсирларидан биридир.

Мутахассислар тинчликка раҳна солувчи омилларни турлича таърифлайдилар: давлатлар ўртасидаги низоли вазиятлар, фуқаролик урушлари, миллий ва этник низолар, табиий офатлар... Лекин бу омилларнинг ичида бугунги кунда энг хатарли ва ҳар қандай давлат тинчлиги, осойишталиги учун жиддий хавф солишга қодир бўлгани халқаро терроризм эканини ҳар бир соғлом фикрли инсон тан олмақда.

Кошанова Нилуфар Махсудовна (Тошкент вилояти

**Чирчиқ Давлат педагогика институти ўқитувчиси, электрон манзил: n.koshanova@cshi.uz)
АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ “ОИЛА ЁКИ ОИЛАНИ БОШҚАРИШ ТАРТИБЛАРИ”
АСАРИДА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАСИ**

Аннотация. Ушбу мақолада XX аср бошларида Туркистон жадиждилари эътиборини тортган миллий тарбиянинг долзарб ва оғриқли масалалари, исломда оила ва никоҳ масаласининг шариатда белгиланган меъёрлари, аёлларларга нисбатан маиший зўравонликка қарши фикрлар асосли равишда келтирилган.

Аннотация. В статье обосновываются текущие и болезненные проблемы национального образования, которые привлекли внимание Туркестанских джадидов в начале XX века, шариатские нормы вопроса семьи и брака в исламе, а также взгляды на насилие в отношении женщин в семье.

Annotation. This article substantiates the current and painful issues of national education, which attracted the attention of Turkestan jadids in the early XXth century, the sharia norms of the issue of family and marriage in Islam, and views against domestic violence against women.

Калим сўзлар: шариат, никоҳ шартлари, миллий тарбия, маиший зўравонлик, кўп хотинлик, маҳр.

Ключевые слова: шариат, условия брака, национальное воспитание, бытовое насилие, многоженство, маҳр.

Key words: Sharia, conditions of marriage, national upbringing, domestic violence, polygamy, mahr.

Инсоннинг тақдири, келажак ҳаётидаги ютуқлари ёки муваффақиятсизлиги, бахтли ёки бахтсизлиги, касб танлаши, ҳатто кайфияти унинг оилавий муҳити билан боғлиқ.

XXI асрда глобаллашув жараёни шиддат билан кечаётган даврда унинг зарарли таъсирдан ҳимояланишда, миллатнинг ўзлигини сақлаб қолишда оила маънавияти, миллий тарбиянинг аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Нуфузли халқаро институтларнинг эътироф эътишича, Ўзбекистон дунёнинг 125 та давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароит яратиш ва оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Жаҳон рейтингда мамлакатимиз ёш авлод саломатлигига энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган 10 та давлат сафидан жой олди.² Шу ўринда, оила хусусида фикр юритадиган бўлсак, оила, асли, арабча “аёлманд”, “ниёзманд” маъноларини англатувчи

¹ О.Н.Яницкий. Социология риска: ключевые идеи. “Мир России”, 2003, Т.ХІІ, №1, 19 с.

² 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий-услубий рисола. Тошкент, “Маънавият”, 2017, 177-бет.

оил сўзидан олинган.¹ Оила ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим кашфиётларидан бири сифатида эътироф қилинади.

Инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, асрлар давомида аёлларга нисбатан паст назар билан қараш юқори даражада бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. XX аср бошларида аёлларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларининг топталиши, улар зиммасидаги юмушларнинг ниҳоятда кўплиги, жаҳолатпараст эркакларнинг муттасил зулми остида яшаши, хотин-қизларимизга нисбатан паст назар билан қараш маърифатпарвар жадидчиларнинг эътиборини ушбу масаланинг оғрикли томонлари ҳақида мушоҳада қилишга ундайди. Шу жумладан, Туркистон жадидчилик ҳаракатининг улкан намояндларидан бири Абдурауф Фитрат ўзининг “Оила ёки оилани бошқариш тартиблари” асарида оилани қуриш заруриятидан тортиб, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, ота-она, фарзандларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, ҳатто гўдакларни тарбиялаш ва унда ёш оналарнинг ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақидаги масалаларгача чуқур ёритиб берган. Муаллиф ўз ёндашувларида ижтимоий омил сифатида оиланинг жамиятда тутган ўрни, болаларнинг ижтимоий, ахлоқий ва меҳнат тарбиясига алоҳида эътибор қаратади. Қуръони карим, шариатга асосланиб, Имом Ғаззолий каби буюк муҳаддисларнинг фикрларига таянган ҳолда оила маънавиятининг миллий ва диний асосларини келтиришга ҳаракат қилади. Маърифатпарвар жадидчимизнинг “Оила ёки оилани бошқариш тартиблари” асаридаги оила масаласидаги фикрлари ҳозирги даврда ҳам катта аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради.

Маълумки, исломда никоҳ кечиктириб бўлмайдиган уч ишдан бири ҳисобланади. Али розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллолоху алайҳи вассаллам у кишига: Эй Али, уч нарсани ортга сурмагин. Намоз вақти кирганда, жаноза ҳозир бўлганда ва эрсиз ўз тенгини топганида”, дедилар.²

Шу ўринда, Кайковус “Қобуснома” асарида ўғлига берган насиҳатида “...агар ўғлингни уйлантирмоқ ва қизингни эрга бермоқ тиласанг, зинҳор ўз қариндошларинг била беришиб-олишмагил. Бегонадан хотин олғил, нединким, ўз қариндошларинг била гўшт, қондек яқиндурлар. Бошқа қабиладан хотин олғил. Бу билан бир қабилани икки қабила қилмиш бўлғайсан, бегонани ўзингга қариндош қилғайсан, токи бир қувватинг икки бўлғай, икки тарафдин мададинг ва кўмагинг кўпайғай” дея қариндошлар ўртасидаги никоҳни қоралайди.³

Фитратнинг фикрича, йигит киши уйланиш учун 4 нарсага эътибор бериш лозим, яъни мол, насаб, хусн ва имону эътиқод, дейди. Агарда уйланиш орзусида бўлган эр билан хотиннинг бойлиги бир-бирларига тенг бўлмай, бири бой калонзода бўлса, иккинчи томонни фақирлик ва зоти пастликда айблаб, ҳаётини мудом азобга қўяди. Хусннинг аҳамияти ҳақида эса ҳаётда дўст, бахт ва бахтсизликда шерик, ғам-қайғу вақтида ҳамдам, хушнуд дамларида бир-бирларига ёр бўлишни истаган эркак ва аёл шахсий ва ижтимоий вазифаларни биргаликда бажаришлари керак. Уларнинг ўрталарида ана шу қалбий мойиллик ва муҳаббат бўлмаса, уйланиш ўз-ўзидан зарарга айланади. Бир-бирига мойиллик бўлиши учун келин-куёв бир-бирларини тўйдан олдин кўришлари лозим, дейди.⁴ Айнан Фитрат яшаган даврда келин-куёвлар бир-бирини чимилдикдагина кўришар эди.

Гўзаллик зоҳирий жамолдир. Агарда у ботиний жамол билан, яъни яхши хулқ билан боғлиқ бўлмаса, бир чақалик аҳамияти бўлмайди. Агар эр-хотин диёнатли иймон-эътиқодли бўлса, бир-бирларининг ҳаққига зулм ва хиёнатни раво кўрмайдилар. Мол ва насабни ташқаридан тадқиқ қилса бўлади. Аммо ахлоқ масаласида йигит ва қизнинг мулоқоти зарур. Ҳадису шариф никоҳдан олдин келин-куёвнинг мулоқоти жоизлигини очикдан-очик далолат беради. Абу Ҳурайра (р.а) ривоят қиладилар: “Бева то амр қилмаса ва розилик бермаса, никоҳ қилманглар”. Асҳоб сўрадилар: “Қиз ҳаёдан розилик бера олмайди, қизнинг розилиги қандайдир?” Ҳазрат буюрадиларки, “Қизнинг сукут сақлаши унинг розилигидир”.⁵ Оила қуриш учун ушбу шартларни бажариш Фитрат яшаган даврда мушкул ҳисобланган, аммо Фитрат оила саодати учун жоиз деб ҳисоблайди. Бу борада Фитратнинг қарашлари Имом Ғаззолий қарашлари билан ҳамоҳангдир. Ғаззолий оила қуришда эркак ва аёл қуйидаги шартларга амал қилиши лозим деб ҳисоблайди.

“Уйланишда эркак тўрт жихатдан аёлдан афзал бўлишида фойда бор:

¹ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Бахтиёр оила. Т., “Хилол-нашр”, 2018, 14-бет.

² Шу манба. 26–27-бетлар.

³ О.Сафаров, М. Маҳмудов. Оила маънавияти. Тошкент, “Маънавият”, 2009, 108-бет.

⁴ Кайковус. Қобуснома. Тошкент, 2018, “Ўқитувчи”, 23 – 24-бетлар.

⁵ Шу манба. 25-бет.

- 1) эркакнинг ёши аёлнинг ёшидан катта бўлиши;
- 2) эркакнинг бўйи аёлнинг бўйидан баланд бўлиши;
- 3) эр хотинидан бадавлатроқ бўлиши;
- 4) эрнинг мавқеи аёлникидан баландроқ бўлиши керак.

Хотин ҳам эрдан тўрт нарсада афзал бўлиши керак:

- 1) гўзалликда аёл эркакдан устун бўлиши;
- 2) назокатда ва зарофатда эркакдан нозикроқ ва маданиятлироқ бўлиши керак;
- 3) аёлнинг феъли эрининг феълидан юмшоқроқ бўлиши;
- 4) аёл эрдан кўра сабрлироқ бўлиши.

Ғаззолий аёлларга нисбатан зўравонликка қарши бўлиб, “Ёш қиз қари киши билан, қари киши ёш қиз билан турмуш қурмаслиги лозим. Ота-оналар фарзандларининг жуфт танлашлари устидан зулм қилмасликлари лозим. Уйланажак жуфтлар бир-бирини кўриб, қарор қабул қилишлари керак”, дейди.¹ Афсуски, ўша даврларда қизларимиз оила қуриш масаласида ўз хоҳишларини эркин баён қилиши ахлоқсизлик сифатида баҳоланган.

Фитрат тўй маросимларидаги исрофгарчиликларга қарши “Шундай одамлар борки, 10–12 йил давомида йиққан маблағини тўй сабаб нобуд қилиб, қарздор ва камбағал бўлиб қоладилар. Тўй кунлари сарпо кийган, еб-ичган одамлар тўй эгасининг аҳволини кўриб, масхара қиладилар ундан келиб ҳол ҳам сўрамайдилар, дейди. Бундай тўйлар ислом ва шариатда йўқ, чунки бу исрофгарчиликдир, исроф эса шариатда ҳаромдир. Ибн Маъсуд (р.а) ривоят қиладилар: ”Тўйда биринчи куннинг таоми ҳақ, иккинчи куннинг таоми суннатдир, лекин учинчи куннинг таоми риёдир”, дейилди.²

Фитрат ўзи яшаган даврдаги аёлларнинг доимий таҳқир ва жафоларга дучор бўлаётганлигини ачиниш билан ёзиб “...кўп ҳолатда ҳайвонлар ҳолига ачинамиз, аммо уларни (аёлларнинг) парижон ҳолларига мурувват қилмаймиз. Бизда хотинларни сўқиш фахр ва гурур саналади, уриб майиб қилишни эса эркакчиликнинг фазилати деб биламиз. Ичимиздаги бу эски қабиҳ одат уларда шижоат ва жасоратни батамом йўқ қилиб, унинг ўрнини заифлик эгаллаган. Муҳокама, тафаккурни батамом тарк қилиб, бир машинага ўхшаб эрларининг ишоратига тобе бўлиб қолганлар. Бахтсизлик ва қоқоқлигимизнинг энг муҳим сабаблари ҳам шундадир. Фитрат бола тарбиясида она маънавиятининг нақадар кучли аҳамиятга эга эканлиги ҳақида мушоҳада қилишга чақиради.

Маълумки, одам биринчи тарбияни онасининг бағрида олади. Шахс руҳияти, ахлоқ жавҳари болалигиданоқ шаклланади. Энди ўйлаб кўринг, биз бошланғич тарбияни оналаримиздан олар эканмиз, нега биз ҳам бу аҳволга тушмас эканмиз. Қўрқоқлик, бепарволик, сустлик қонимизга сингиб боради. Ким биздан заифроқ бўлса, унга ўйламасдан озор берамиз. Биздан кучли кишининг эса отининг туёғи нақшига сажда қиламиз. Шак-шубҳасиз, булар шундай оналар тарбияларининг натижасидир”, дейди. Фитрат ким ўз эрдан ҳурмат ва муҳаббат кўрмаса, унга муҳаббат ва кўнгил кўймайди. Бечора хотинларимизга одобсизлик ва ҳурматсизлик билан мурожаат қиламиз. Кўрганимизда аҳволини сўрамай дарров ҳақоратлаймиз. Яна улардан меҳр кутамаиз. XX аср бошларида аёл-қизларимизнинг кўпчилиги таълим олишдан бебахралиги Фитратни ташвишлантиради. Аёлларнинг таълим олиши масаласида “...илмлардан бирининг соясида бирор касбни ихтиёр этиб ҳаёт кечирамаиз. Демак, илм диний-дунёвий ишларни бажариш учун зарур экан, аёллар ҳам илм ўрганишлари шартдир. Хотин-қизларнинг таълим олишининг бир қанча ижобий томонларини далиллар билан исботлашга ҳаракат қилади. Фитрат “...фарзандларимизни яхши хулқ эгалари этиб тарбиялашимиз лозимки, улар имонли, фидокор, ғайратли бўлиб улғайиши лозим. Бунинг учун хотин қизларимиз миллат – оналари тарбия ва билим олишлари, ахлоқ ва билимларини камолга етказишлари зарур. Акс ҳолда, хотинларимиз ва қизларимиз эркаклардан кўрқоқроқ, заиф ва ғайратсиз бўлганларидан болаларимиз ҳам уларга ўхшаб қоладилар. Мана шу ояти карима ҳам шу маънога ишора қилади: “Покиза ердан тоза ва фойдали ўсимлик осон ўсади ва покиза бўлмаган ердан хор-хасдан бошқа нарса чиқмайди”.³ Фитрат агар аёлларимиз соғлиқни сақлаш, бола тарбияси ҳақида билимга эга бўлмаса, мамлакатимиздаги болаларнинг ярмидан кўпроғи нобуд бўлади, қолганлари ахлоққа ёмон ва ишқмас бўлиб вояга етади, дея қайғуради ва илмли, тарбияли аёл эрига бўлган муомаласи ва фарзанд тарбиясида ишларини ортиғи билан бажара олар экан, уларнинг илм олишини

¹ Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. Тошкент, “Маънавият”, 2000, 106-бетлар.

² Кайковус. Қобуснома. Тошкент, 2018, ”Ўқитувчи”, 33-бет.

³ Шу манба. 98-бет.

рағбатлантиришимиз лозим, дейди. Фитрат бола тарбияси ҳақида араб файласуфи, тарихчиси Ибн Халдуннинг куйидаги фикрлари асосли эканлигини таъкидлайди: "Таълим ва тарбия жараёнида сиз боланинг ҳаракатларини қатъий чегараламанг, уларга жаҳл ва зулм қилманг. Қайси шогирд зулм ва қаҳр билан тарбия топса, хотираси тарқоқ бўлиб, шодлиги ва сурури йўқолади, хотира па-ришонлиги ва ғамгин, ҳафсаласиз одам заиф, суст бўлади".¹

Эр-хотинликнинг энг буюк мақсади фарзанддир. Аёлнинг энг муҳим вазифаси бола тарбияси эканлигини алоҳида эътироф қилади. Фитрат тарбияни 3 қисмдан иборат деб ҳисоблайди. Булар: бадан тарбияси, ақлий тарбия ва ахлоқий тарбия. Лекин бу 3 қисмни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Улар бир-бирига шундай боғлиқ ва яқинки, бирига зарар тегса, бошқаларида ҳам нуқсон пайдо бўлади. Бирига фойда тегса, бошқалари ҳам ундан баҳраманд бўладилар. Ахлоқи бузуқ одам бада-нига ва фикрига зарар келтирадиган ишларга қўл уради. Бинобарин, унинг жисми ва фикри тезда ишдан чиқади.

Фитрат "Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва то-тувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўла-ди", деган эди. Шу ўринда машҳур адибларимиздан Абдулла Авлоний "Кишини кеча ва кундуз иш-латадурғон нарса Ватан ва бола-чақаларининг меҳру муҳаббати эмасму? деган эдилар. Инсон учун ватансиз оила, оиласиз ватан бўлмайди, жамиятдаги бу икки нарса бир-бири билан узвий боғлана-ди ва бири иккинчисини тўлдиради. Ҳар бир инсон, даставвал, оилада ўз ўрнини топади, оилада ўрнини топмаса, жамиятда ўрнини топиши қийин бўлади. Инсон оилада меҳрсиз улғаядиган бўлса, жамиятда ҳам бегоналардек яшайди. Оила маънавияти қанчалик бой бўлса, миллат ва жамият маъ-навияти шунчалик бой бўлади. Ҳозирги таҳликали даврда муносиб авлод тарбиялашда оила му-хити муҳим роль ўйнайди. Миллатимиз фарзандларини тарбиялаётган аёлларимизга эътибор бу келажак авлодга эътибор демакдир. Шундай экан, оила бирдамлиги сақлаш, бу борада миллий тар-бия анъаналарига риоя қилиш масаласида ҳар биримиз масъулдирмиз.

Сайдазимов Камол (ТошПТИ, фалсафа кафедраси ўқитувчиси) НОРМАТИВ БИЛИШ ВА ҲАҚИҚАТ МАСАЛАЛАРИДА НОРМАЛАРНИНГ ЎРНИ

Аннотация. Ушбу мақолада деонтик мантӣқ илмида нормаларнинг муҳим вазифалари, ке-лажакдаги ҳаракатларни бошқариш вазиятлари тўғрисида ҳамда деонтик гаплардаги аниқ ҳақи-қат шартлари, ҳолатлари ҳақида фикр юритилади.

Аннотация. В данной статье рассматриваются основные функции норм в деонтической ло-гике, а также условия истинности деонтических предложений, характеризующие будущие ситу-ации и альтернативы.

Annotation. This article discusses the basic functions of norms in the science of deontic logic and the truth conditions of deontic sentences characterizing future situations and alternatives.

Калим сўзлар: норма, билиш, ҳақиқат, мантӣқ, деонтик гаплар, концептуализм.

Ключевые слова: норма, знание, истина, логика, деонтические фразы, концептуализм.

Key words: norm, knowing, reality, logic, deontic sentences, conceptualism.

Маълумки, инсоният ривожланишининг энг асосий таянчларидан бири бу билишдир. Инсон ҳаётида билиш жараёни жуда улкан қурол бўлиб, дунё ҳақидаги турли ёлғон тасаввурлардан озод этишга ва оламни тўғри тушунишга ёрдам берадиган воситадир.

Билиш – оламнинг инсон онгида инъикос этиши жараёни. Инсон ўзини қуршаб турган ат-роф-муҳит тўғрисида билим ва тасаввурга эга бўлмай туриб, фаолиятнинг бирон-бир тури билан шуғуллана олмайди. Билишнинг маҳсули, натижаси билим бўлиб, ҳар қандай касбни эгаллаш фа-қат билим орқали рўй беради. Билиш фақат инсонгагина хос бўлган маънавий эҳтиёж, ҳаётий зару-риятдир.²

Бу жараён билмасликдан билишга, мукаммал бўлмаган билимларнинг мукаммаллашиб, тўла бўлмаган ёки чала билимларнинг тўла ва аниқ билимлар бўла боришини акс эттирувчи чексиз жа-раёндир. Ана шу жараёнда ҳақиқат муаммоси ўз мазмунига кўра, мутлақ ва нисбий шаклда намоён

¹ Шу манба. 94-бет.

² Фалсафа. Қомусий луғат. "Шарқ", Тошкент, 2004, 55-бет.

бўлади. Ҳақиқат деб инсоннинг объектив дунё тўғрисидаги тўла ва келгусида рад этилмайдиган билимларига айтилади.¹

Билиш жараёнидаги кўпгина ҳолатларда нисбий бўлган ҳақиқатларга дуч келамиз. Бунда деонтик мантиқнинг, яъни норматив мулоҳазаларнинг муносабатларини ва мантиқий структурасини кўриб чиқишимизга тўғри келади. Деонтик гаплар (deontic sentences) деганда норматив мулоҳазалар тушунилади.

Нормаларни татбиқ қилиш соҳаси ниҳоятда кенг бўлиб, улар қоидалар, қонунлар, техник нормалар, одатлар, ахлоқий принциплар каби кўришилларда бўлади. Нормалар баҳолашнинг хусусий кўринишидир.²

Нормалар шартлилик ёки тақиқ шаклида келиб қундалиқ тилда “шарт бўлган”, “тасдиқлаш мумкин бўлган” ёки “тақиқланган” каби императив мулоҳазалар билан ифодаланилади. Бу “шарт бўлган”, “тасдиқлаш мумкин бўлган” ёки “тақиқланган” каби терминлар умумий ҳаракатлар билан мос келиб, ўз навбатида, норматив гапларни шакллантиради.

Инсонлар хатти-ҳаракатини бошқариш – бу нормаларнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, келажакдаги ҳаракатларни бошқариш мумкинлиги, шубҳасиз, келажак билан нисбат олиниши эса нормаларнинг регулятив функцияси эканлигини белгилайди.³

Дарвоқе, нормалар ўтган замондаги хатти-ҳаракатларни баҳолаш ва унинг интерпретациясида қўлланилади. Ҳаракатларнинг бошқарув жараёнини эса кўриб чиқишига ҳаракат қиламиз. “Мен нима қилишим шарт?” каби амалий савол нормаларни регулятив вазифаси ёки деонтик гап тузилмаларининг жавобини ўз ичига қамраб олади. Шунга кўра эса деонтик гап тузилмаси орқали агент келажакдаги баъзи ҳолат ҳаракатни аниқ вазият юзасидан қарор қабул қилиш зарурияти пайдо бўлади. Чунки деонтик гап маълум масала ечимини топишдаги ориентир сифатида ифодаланиб келади. Ушбу ҳолатдаги вазиятни “амалий”, агентнинг ечимини эса “амалий ечим” деб ифодалади.

Амалий ечим камида иккита муқобил ҳаракатни ўз ичига олиши шарт. Чунки муқобиллар бўлмаса, ечимни қабул қилишнинг варианти ва имконияти бўлмай қолади.

Амалий саволга жавоб бериш учун деонтик гап шунчаки дескриптив эмас, балки норматив ёки амалий бўлиши зарур. Чунки ҳар қандай маълумот муайян норма ёки нормалар тизимига тегишли бўлган маълумотга мос келиши аниқдир. Ўз навбатида, айнан шу ҳаракат бошқа нормалар тизимига зид бўлиб қолиши эҳтимоли мавжуд. Қизиғи, айнан шу иккита маълумот чин кўринишида ҳам келиши мумкин. Шунини айтиш жоизки, бундай маълумотлар баъзида амалий ечимни ҳал этмай қолади. Чунки агентнинг ҳақиқатда нима қилиш кераклигини маълум қилмайди. Бунда эса ҳақиқат масаласи ечимини топишда фақат деонтик гап тузилмасигина зарур, муҳим ўринга эга.

Дарвоқе, ҳақиқат тушунчасига таърифга тўғраладиган бўлсак: Ҳақиқат – ўзининг предметига мос келувчи фикр, мулоҳаза. Мантиқ илмида ҳақиқат масаласи қуйидаги жиҳатлари билан муҳимдир:

- фикрларимизни чин, ёлғон деб баҳолаш учун асос бўлувчи воқелик, албатта, моддий реаллик бўлиши шарт эмас;
- идеаллаштирилган объектлар ёки бадий тўқимадаги реаллик ҳақидаги фикрлар ҳам мантиқий қийматга эга.
- мантиқ фикрларнинг чин ёки хатолигини аниқлаш шартлари билан шуғулланади. Айнан шу шартлар мантиқ илми учун фундаментал бўлган мантиқий хулоса ва мантиқий эргашиш тушунчаларини таърифлашга ёрдам беради.⁴

Чин деонтик гапга асосланган амалий ечим оқилона ва ҳақиқатга яқин бўлган ҳолатни ифодалайди. Табиийки, савол туғилади: Амалий, деонтик гаплар аниқ ҳақиқат шартларига эгами? Хўш, эга бўлса, қандай ҳолатларда улар чин бўлади?

Ушбу саволларнинг жавоби турлича бўлиб, қай бир фалсафий позициядан кўриб чиқилишига боғлиқ. Кенг маънода, иккита амалий фалсафанинг (этика, аксиология, ҳуқуқ фалсафаси) йўналишига мос келадиган иккита, яъни реализм ва концептуализм ёндашувига қараб жавобларни ажратса бўлади.

¹ Шу манба. 289-бет.

² Д.Файзихўжаева. Мантиқ. Изоҳли луғат. “Тамаддун”, Тошкент, 2015, 151-бет.

³ Thomason R.H. Deontic Logic as Founded on Tens Logic. New Studies in Deontic Logic.ed. R.Hilpinen. Dordrecht; Boston; London, 1981, p. 165 – 176.

⁴ Д.Файзихўжаева. Мантиқ. Изоҳли луғат. “Тамаддун”, Тошкент, 2015, 259-бет.

Реализм нуқтаи назардан, реал воқеиликнинг қисми бўлган баъзи фактларнинг мавжудлиги нормаларни чин бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай реалликдаги мосликда нормалар чин ёки ёлғондир. Ўз навбатида, белгиланган фактлар норматив ёки баҳоловчилик хусусиятига эга бўлади. Шу маънода, кадриятлар объектив, улар борлиқнинг бир қисми бўлиб, инсоннинг хатти-ҳаракати ва қизиқишларига боғлиб эмаслигини билдиради. Маълумки, инсонлар маълум нарсани кадрли бўлганлиги учун маъқуллайди, қизиқади. Чунки инсонларда айнан шу нарсани маъқуллаш, хоҳлаш ва қизиқиши учун сабаблар бўлганлиги учунгина баъзи нарсалар улар учун кадр сифатида намоён бўлади.

Концептуализм нуқтаи назардан эса кадриятлар реалликда мавжуд эмас, балки инсон фаолиятининг маҳсули бўлиб, у инсон томонидан шакллантирилади. Норматив ва баҳоловчи далилларнинг йўқлиги ва реаллик билан боғлиқ бўлмаганлиги сабаб нормаларда чин ва ҳақиқатга эга бўлган ифодаси бўлмайди. Биз фақатгина ташкиллаштирилган кадриятлар муносабатида ҳақиқат тўғрисида гапиришимиз мумкин. Шунинг учун деонтик гаплар маълум кадриятлар тизимида чин ёки ёлғон бўлади ва уларнинг чинлиги бу тизимлар билан мос келади. Норматив билиш ва деонтик ҳақиқатнинг мос бўлмаган концепциялари шундай кўринишлари мавжуд. Мақоланинг мақсади ҳам – ушбу концепциялар ўртасидаги фарқларни белгилаб берувчи омилларни аниқлашдан иборат.

Биз деонтик мантик изланувчилар ва уларнинг семантик интерпретациялари ҳақидаги тадқиқодларига эътибор беришга ҳаракат қиламиз. Улар деонтик мантиқнинг ҳақиқатлилиқ шартларига эътиборларини қаратганлар. Шуни айтиш жоизки, уларнинг изланишларида реализм ва концептуализм ўртасидаги фарқли томонлар моҳияти кам ўрганилган. Деонтик мантик бўйича олиб борилган тадқиқодларда: деонтик ҳақиқатни аниқлашда реаллик тушунчасини кенгайтириш лозимлиги; реалликка апелляция этиш етарли эмас, балки реаллик билан таққослаб туриб, мавжуд воқеиликка эътибор бериш зарурлигини кўрсатиб ўтилади.

Деонтик мантик нима? Деонтик мантик – норматив тилнинг мантикий тузилишини ўрганувчи мантик, норматив тушунчалар ҳақидаги таълимот. Деонтик мантик буйруқ формасидаги ифодаларни, нормаларни ўрганади. Нормаларни мантикий назария воситалари орқали моделлаштиришда нормалар ва унинг элементлари ўртасида ўрнатиладиган муносабатлар муҳим аҳамиятга эга.

Нормаларнинг структуравий элементлари қуйидагилардан иборат:

- 1) нормаларнинг характери – мажбур қилади, рухсат беради ёки тақиқлайди;
- 2) нормаларнинг мазмуни – бажарилиши мажбурий бўлган, мумкин бўлган, ман қилинган;
- 3) нормаларнинг қўлланиш шартлари;
- 4) нормаларнинг агенти ёки субъекти.¹

Дарвоқе, деонтик мантик нормалар мантигини ёритиб (қад. юнон тилидан *deon* бурч ва мантик; норматив мантик) норматив мулоҳазаларнинг муносабатларини ва мантикий структурасини ўрганадиган мантиқнинг бўлими ҳисобланади.

Реализм ва концептуализм ўртасидаги тафовут фақатгина назарий, амалиётда эса тасодифий реакцияга эга бўлган реалистик характерга эга. Яъни, бизнинг ташқи дунё ва кадриятларга бўлган муносабатимизда акс этишини тўғридан-тўғри ифодаланишини назарга олади.

Яна бир муҳим томони борки, бизнинг тилимиз ҳам реалистик характерга эгадир. Бироқ ушбу фактлар реализмнинг фалсафий назария эканлигига гувоҳлик бермайди. Чунки ушбу вазиятли саволни концептуализм фалсафий нуқтаи назардан кўриб чиқса, ўз навбатида, реализм ҳам назарий жиҳатдан ўзини тасдиқлашга ҳаракат қилади. Бу каби фалсафий келишмовчилик баръерини на эмпирик кузатув, на лингвистик ёки концептуал таҳлиллар орқали босиб ўтиш қийин, чунки бу каби усуллар маълум бир метафизик ёндашувни талаб этади.

Деонтик гапларда ҳақиқат шартлари кўриб чиқадиган бўлсак, зарурий, тақиқ этувчи ёки рухсат берувчи гапларни конкрет ҳолатларда чин ёки ёлғон бўлган гапларга ажратиш масаласига тўхталамиз. Амалий деонтик гапларда ҳақиқат белгилари учта асосий гуруҳга бўлиниб, қуйидаги факторларга боғлиқ бўлади:

1. Реал воқеиликдаги агент. Биз учун агентнинг келажакдаги ҳаракатларни қарор қабул қилишдаги тўлиқ воқеиликни ёритадиган реал тавсифи керак. Ушбу тавсиф ўтган ва ҳозирги фактларга тегишли реалистивистик маълумотларни ўзида акс эттиради. Агент томонидан содир этилган ҳаракатлар, унинг хоҳиш истаклари ҳамда бошқа агентга тегишли бўлган хатти-ҳаракатлар ва қў-

¹ Д.Файзихўжаева. Мантик. Изоҳли луғат. “Тамадун”, Тошкент, 2015, 53-бет.


йилган дастурларига, “табий” фактлар ёки воқеалар мисол бўла олади. Табийки, ушбу фактлар барчаси ҳам релевант бўлмаслиги мумкин. Буни аниқлаш учун эса кўриб чиқиладиган аниқ бир вақтдаги воқеилик фактлари тавсиф фактларнинг тўлиқ рўйхати билан таъминланиши шарт.

2. Келажакдаги воқеилик ва муқобил фактлар. Албатта, биз келажакда кечадиган имкониятларнинг натижаларини, яъни агент ишлаб чиқара оладиган ҳаракатлар имкониятлар натижаларини ҳамда келажакда ҳар бир вазиятда унга зарур бўлган барча муқобил ҳаракатларнинг очқилигини эътиборга олишимиз зарур.¹ Ушбу келажакдаги вазият ва ҳаракатларнинг ўзаро боғлиқлиги этикадаги консеквенционалистик ёндашувга боғлиқ эмас. Консеквенционализм – бу ахлоқий назарияларнинг гуруҳи бўлиб, хулқнинг натижаси (консеквенти) ахлоқий баҳолашнинг мезонлари ҳисобланади. Бу ерда эса муаммоли вазият пайдо бўлиш эҳтимоли бўлади.

Муаммоли вазият – билиш тараққиётининг турли босқич ва бўғинларида олам ҳамда уни билиш ҳақидаги мавжуд тасаввурларни, билиш методи ва воситаларини ўзгартиришнинг объектив заруриятини ифодоловчи ҳолат. Муаммоли вазият мавжуд илмий тасаввурлар билан қайд қилинган янги фактлар ўртасидаги зиддиятнинг пайдо бўлиши ёки ана шу илмий тасаввурлар етарли даражада тизимга солинмаганлиги, яхлит бир таълимот сифатида асосламаганлиги натижасида вужудга келади.²

Келажакдаги вазият ва муқобилликларни эса қуйидаги топологик диаграммада кўришимиз ҳам мумкин. Бу ерда турли вазиятлар айлана шаклида, муқобил ҳаракатлар эса чизик шаклида тасвирланган:

1-жадвал



Жадвалда келтирилган чизик биронта вазият, маълум бир вақт нуқтаси эса тарихий жараёни билдиради.³ Ушбу жадвалда учта кетма-кетликдаги вақт нуқталарини ўз ичига олган олти тарихий жараён ($h^1 - h^6$) келтирилган.⁴

3. Иерархик тарихий жараёнларни тартиби. Агентнинг ҳар бир вазиятдаги жараёнини аниқлашда, унинг ҳар бир тарихий жараёнлар иерархик тартибланишувини таъминлаш зарур. Бу жараён эса ҳар бир тарихий ҳолатга ўз нисбий қийматини белгилаб беришга имконият яратади. Умуман олганда, маълум бир ижтимоий вазият, ҳолат ҳар бир тарихий жараён билан таққосланади. Иерархия тарихий жараёнлар йиғиндиси икки кўриниши мавжуд: мақбул йиғинди ва йиғиндиларнинг четлашуви. Мақбул йиғинди бир ёки бир неча тарихий жараёнларни ўзида акс эттиради ва бошқаларини четлаштирилади. Бу бўлиниш бирламчи вазият ёки ҳолат билан таққосланилади: бир вазиятда четлаштирилган тарихий жараён, бошқа бир навбатдаги вазият ёки ҳолатда оптимал, мақбул бўлиши мумкин. Ушбу факт эса вазиятлар нуқтаи назаридан деонтик гапларда ҳақиқат нисбийлигини келтириб чиқаради. Шундай қилиб, зарур, таққик ёки рухсат этилган ҳаракатларнинг деонтик квалификацияси иерархия ёрдамида амалга оширилади.

Биз ушбу мақолада норматив билиш, ҳақиқат масалаларидаги деонтик гаплар билан боғлиқ масалаларнинг баъзи жиҳатларини таҳлил қилдик, холос. Бу масала билан боғлиқ кўпгина муаммолар ҳали ўз ечимини кутмоқда.

¹ Mackie J.L. Ethics. London, 1977, p. 35.

² Д.Файзихўжаева. Мантик. Изоҳли луғат. “Тамаддун”, Тошкент, 2015, 132-бет.

³ Aqvist L., Hoepelman J. Some Theorems about a Tree System of Deontic Tense Logic. New Studies in Deontic Logic, ed. R.Hilpinen. Dordrecht, 1981.

⁴ Альчуррон К., Булыгин Е. Нормативные системы. Пер. М.В.Антонова, под ред. Е.Н.Лисанюк, Е.В. Булыгина. «Нормативные системы» и другие работы по философии права и логике норм. СПб., изд-во СПбГУ, с. 307.

Мардиев Бегали (SamDU)

ИЗҲОРЛОВЧИ ҚИСМНИНГ СЕМАНТИК ТИПЛАРИ ВА ЛЕКСИК-СЕМАНТИК
ГУРУҲЛАРИ

Аннотация. Бу мақолада ўзбек тилидаги изҳорловчи предикатларнинг таснифига тўхталганмиз. Таҳлил жараёнида изҳорловчи предикатларнинг олтига лексик-семантик гуруҳи аниқланди. Мазкур гуруҳ предикатлари маълумотнинг типик лексик маъносига эга, қандайдир ҳолат тўғрисида маълумот етказиши вазифасини бажаради. Бу мақолада биз ахборот предикатларининг таҳлилига тўхталамиз. Агар бошқа семантик гуруҳларнинг изҳорловчи предикатлари. худди феъл каби, шунингдек, бошқа сўз туркумлари – равиш, сифат, от сингарилар билан ифодаланса, ахборот предикатлари фақат феъл билан ифодаланади.

Хабарнинг предмети ёки мазмуни қандайдир ҳодисанинг ўзи, унинг аниқ-процессуал кўриниши эмас, балки у ҳақидаги далил, у ҳақидаги билим ҳисобланади. Демак, изҳорли қурилманинг (ИК) тобе изҳорланувчи қисми бу гуруҳларнинг предикатларида (бошқа гуруҳларнинг предикатларидан фарқли равишда) фақат далил ҳосил қилувчи маънода келади. Ахборот предикатларининг барча типларининг бошқа гуруҳ предикатларидан фарқли равишда, яна бир муҳим семантик хусусияти уларнинг кўчирма гапли қурилмалар билан боғланишида, синонимликда эканлигидир.

Аннотация. Данная статья посвящена классификации изъяснительных предикатов на узбекском языке. Анализируя источники, были определены 6 лексико-семантических групп изъяснительных предикатов. Наиболее эффективными являются информативные предикаты. Предикаты данной группы обладают типовым лексическим значением сообщения, передачи информации о какой-либо ситуации. Если изъяснительные предикаты других семантических групп могут выражаться как глаголами, так и словами других частей речи – наречиями, прилагательными, существительными, то информативные предикаты выражаются только глаголами.

Содержанием или предметом сообщения может являться факт какого-либо события, знание о нем, а не само событие в его конкретно-процессуальном виде. Это значит, что зависимая изъясняющая часть ИК при предикатах данной группы (в отличие от предикатов ряда других групп) выступает только в фактообразующем значении. Еще одной важной семантической особенностью всех типов информативных предикатов в отличие от предикатов остальных групп, является их соотносительность или синонимичность с конструкциями прямой речи.

Annotation. This article is devoted to the classification of explanatory predicates in the Uzbek language. Analyzing the sources, six lexical-semantic groups of explanatory predicates were identified. The most effective are informative predicates. Predicates of this group have a typical lexical meaning of the message, transmitting information about a situation. If explanatory predicates of other semantic groups can be expressed both by verbs and by words of other parts of speech – adverbs, adjectives, nouns, then informative predicates are expressed only by verbs.

The content or subject of the message may be the fact of any event, knowledge of it, and not the event itself in its specific procedural form. This means that the dependent explanatory part of the IR under the predicates of this group (in contrast to the predicates of a number of other groups) appears only in the fact-forming value. Another important semantic feature of all types of informative predicates, in contrast to the predicates of other groups, is their correlation or synonymy with direct speech constructions.

Калим сўзлар: изҳорловчи предикатлар, семантика, ядро, объект, синтагма, ментал.

Ключевые слова: изъяснительные предикаты, семантика, ядро, объект, синтагма, ментал.

Key words: explanatory predicates, semantics, nuclear, object, syntagma, mental.

Объектив воқеликнинг хабар объектига айланадиган ҳар қандай вазияти, фикрий ёки ҳиссий ўзлаштириш, баҳолаш ва шу қабилар изҳорлаш мазмуни бўлиши мумкин. Шунинг учун тобе изҳорловчи қисм ҳаракат, жараён, ҳолат, сифат, борликда жойлашиш ўрни, самарадорлик, натижа ва далиллар мажмуаси ва уларнинг ўзаро алоқаси каби ҳар хил семантик типларни қамраб олган предикатлардан иборат бўлиши мумкин. Кўрсатилган предикатлар типларининг хилма-хиллиги, қачонки улар гапнинг мустақил асосий предикатив маркази ролини ўйнаса, тобе предикат вазифасида келувчи кичик типларни бирлаштириш мумкин. Н.Д.Арутюнова уларни икки типга: жараёнли

ва далил ҳосил қиладиган предикатларга бирлаштиришни таклиф қилади.¹

Н.Д.Арутюнованинг кўрсатилган ишида таҳлил қилинган нафақат баҳоловчи, балки изҳорли предикатларнинг барча типларига тўхталган. Таъкидлаш мумкинки, айнан шу гап изҳорловчи қурилма (ИҚ) асосида сўзловчининг изҳорлаш қисми мазмунида жараёнга ёки далил ҳосил қилувчи мазмунга нисбатан эътиборига қараб турли маънога эга бўлиши мумкин: *Асадбек қизидан хотир-жам эди, ўқиши яхши, ҳамма нарсага ақли етади, ақл-идроки зўр* (Т.Малик. Шайтанат). *Ўқишгани яхши, одам бўлишади, – деб қўйди Жалил* (Т.Малик. Шайтанат).

Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” романидан келтирилган мисолда умумбаҳоловчи “яхши” предикати тобе предикат “ўқимоқ” билан кўшилади. Биринчи мисолда тобе синтагма жараённи англади, иккинчисида далил ҳосил қилувчи маънони, биринчи ҳолатда ҳаракатнинг ўзи баҳоланмоқда, иккинчисида эса ҳаракат далили ижобий баҳоланмоқда ёки бошқача айтганда, биргина ҳаракатга субъектнинг аралашуви аспекти бу ҳаракатга малакасиз аралашуви унинг муваффақиятли-муваффақиятсиз тугашига олиб келиши ифодаланмоқда. Охиргисидан маълум бўляптики, ким ўқиса, яхши ўқиши шарт эмас, аммо уларнинг билимга қизиқиши “одам бўлиши”га хизмат қилади.

ИҚлардаги аналогик фарқлар ҳиссий идрокни билдирувчи предикатларда кузатилади:

Танчали уйда воқеаларни ҳайрат билан кузатиб турган Асадбек отасининг кириб келаётганини кўриб, йиғламоқчи бўлди, нега бундай қилаётганини ўзи ҳам билмади (Т.Малик. Шайтанат).

Бобомиз ўз фикрларини ҳар қандай одамга тушунтиришига моҳир бўлса-да, гаплари Оқподшога бориб етмаганини кўриб, қўл силкайди (Тоғай Мурод. Отамдан колган далалар).

Келтирилган мисолларнинг биринчиси – Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” романидан келтирилган парчада “кўрмоқ” предикати изҳор субъектнинг тобе синтагмада ифодаланган “йиғламоқ” ҳаракати ҳосиласини бевосита идрок қилишини юзага келтирган. Табиийки, изҳорланаётган қисм бу ерда жараён маъносида келмоқда. Умуман ҳиссий идрокни билдирувчи “кўрмоқ”, “эшитмоқ” каби феъллар, аввало, жараён, ҳолат кабиларни, синхрон амалга ошишини, “кўрмоқ”, “эшитмоқ”да ҳозир содир бўлаётган ва бевосита кузатишга асосланган ҳаракатни акс эттиради.

Аммо иккинчи мисолда – Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” романидан олинган парчада тобе синтагмада “муаммони тушуниш” ҳақида сўз юритилади. Аммо кимнингдир тушунишини бевосита кузатиш мумкин эмас, у ҳақда фаҳмлаш, ўз фикрлашлари асосида хулоса қилиш мумкин. Тафаккур фаолиятининг объекти атроф-воқеликда юз бераётган ҳодиса эмас, балки улар тўғрисидаги билим, далиллар ва шу кабилар. Бинобарин, иккинчи мисолдаги изҳорланаётган қисм далил ҳосил қилувчи маънода келмоқда.

Кейинги ҳолатга кўра, “кўрмоқ” изҳор предикати аниқ ўз маъносини ўзгартирган ва ҳиссий эмас, балки ментал идрокни ифодалаган: *“гаплари Оқподшога бориб етмаганини кўриб”* жумласи *“бобо қандайдир кўринарли белгиларга кўра унинг сўзлари етиб бормаётганини тушунди (англади)”* маъносини ифодаламоқда.

Келтирилган “кўрмоқ” предикатли мисоллар тобе қисмнинг умумсемантик типлари изҳорланаётган предикатнинг лексик-семантик мазмуни ўзгаришига таъсир қилишини кўрсатади.

Изҳорловчи предикатларнинг лексик-семантик гуруҳлари ҳаммаси бўлиб олтига. Биз уларни ажратишда аввало, “Грамматика современного русского литературного языка” китобидаги дастлабки беш гуруҳ *-ки* боғловчили изҳорловчи эргашган қўшма гаплар, предикатнинг семантик типлари сифатида ажратилганлиги тўғрисидаги ҳамда проф. Р.Р.Сайфуллаеванинг [WPm↔WPm] типик кўринишли қўшма гаплар хусусидаги қарашларига суяндиқ.² Аммо бу ажратишларни функционал-семантик асослашда, майда гуруҳларга ажратиш ва семантик изҳорлашнинг бошқа кўплаб масалаларида биз гоҳ мустақил, гоҳ келтирилган адабиётдаги масалалар талқинига суяндиқ. Бу мақолада биз ахборот предикатларининг таҳлилига тўхталамиз.

Мазкур гуруҳ предикатлари маълумотнинг типик лексик маъносига эга, қандайдир ҳолат тўғрисида маълумот етказиш вазифасини бажаради. Агар бошқа семантик гуруҳларнинг изҳорловчи предикатлари, худди феъл каби, шунингдек, бошқа сўз туркумлари – равиш, сифат, от сингарилар билан ифодаланса, ахборот предикатлари фақат феъл билан ифодаланади.

Хабарнинг предмети ёки мазмуни қандайдир ҳодисанинг ўзи, унинг аниқ-процессуал кўриниши эмас, балки у ҳақидаги далил, у ҳақдаги билим ҳисобланади. Демак, ИҚнинг тобе изҳорла-

¹Арутюнова Н.Д. Об объекте общей оценки. “Вопросы языкознания”, 1985, №3, с. 13.

²Грамматика современного русского литературного языка. М., 1970, с. 354; Сайфуллаева Р.Р. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма гапларнинг субстанционал (зотий) талқини. Тошкент, “Фан”, 2007.

нувчи қисми бу гуруҳларнинг предикатларида (бошқа гуруҳларнинг предикатларидан фарқли равишда) фақат далил ҳосил қилувчи маънода келади.

Ахборот предикатларининг барча типларининг бошқа гуруҳ предикатларидан фарқли равишда яна бир муҳим семантик хусусияти уларнинг кўчирма гапли қурилмалар билан боғланишда, синонимликда эканлигидир. Аниқ мазмуни, шунингдек, референтлик даражасига кўра кўчирма гапли қурилмалар ва ИҚ бир-бирига айнан ўхшаш, таққосланг: *Келаман, – деди. Келишини айтди.* Аммо бундай жумлалар ўзининг синтактик-грамматик маъносига кўра фарқланади.

Кўчирма нутқ қурилмаларини кўллашда хабарнинг мазмун томонини ажратиш таъкидланади, нутқ феълени ўз ичига олган синтагма ёрдамчи роль ўйнайди: у хабарнинг ўраб олган матн билан алоқасини таъминлаш учун хизмат қилади. ИҚларда мазмунан тенг бўлган жумла ва кўчирма нутқда хабарнинг мазмуни эмас, балки хабарнинг ўзи биринчи ўринда туради. Ахборот предикатлари гуруҳидаги айрим лексик-семантик хусусиятларга кўра, қуйидаги кичик гуруҳлар ажратилади:

Кичик гуруҳ: а): *демоқ, айтмоқ, сўйламоқ, ҳикоя қилмоқ, башорат бермоқ, шама қилмоқ, ишора қилмоқ, ваъда бермоқ, ишонтирмоқ, онт ичмоқ, ёлгонламоқ, дўқ қилмоқ.* Мисоллар: *Айгоқчи унга арғумоқлар пиқириб, бетоқат гижинлаганини, суворийларнинг елкасидаги ўқ-ёй, найзалар ярқираганини, махсус хизматкорлар-қушчилар қарчиғай, лочин каби ўргатилган ов қушларини қўлларига қўндириб олганини айтарди* (Х.Султонов. Бобурийнома).

Аланг-жаланг бўлади. – Нима бўлди?– дейди. Бобомиз билганимни айтаман, билмаганимни йўқ дейман, дейди (Т.Мурод. Отамдан қолган далалар).

Ўлим тўшагида ётган бобомга ўч олмайман, деб ваъда берганман (Т.Малик. Шайтанат).

Ўша овда жайроннинг Умаршайх мирзонинг таъқибидан қутилиши, она йўлбарснинг ўз боласини дунёга келтириши овга чиққан инсонларга яхши бир мужда келишидан башорат бердилар (Х.Султонов. Бобурийнома).

Бундай кичик гуруҳлар предикатлари маълумотнинг нутқий ифода, қандайдир вазият, ҳодисани қайд қилиш тарзида хабарни англатади. Бу ерга ва кучайтирмайдиган) маъноли феъллари, шунингдек, “сўзламоқ”, “айтмоқ” ҳамда нутқ ҳосил, аввало, нутқ ҳосил қилишнинг умумий (ўзига хос бўлмаган қилишнинг ўзига хос ва кучайтирувчи феълларининг қатта гуруҳи мансуб. Масалан, “ҳикоя қилмоқ” феълда интенсивлик шу билан характерланадики, бу нутқий ҳаракат “бир неча ёки кўплаб ҳодисалар ҳақида изчиллик билан сўзлаш”ни тақозо қилади; “олдидан айтиш” келажакни олдидан кўришни кучайтиришни тақозо қилади ва ҳ.к. “Шивирлаш”, “бақирмоқ” каби ўзига хос нутқий ҳаракатлар ҳам ўзига интенсивлик маъноларини қамраб олади.

Нутқ феъллари семантик таснифи доирасида “ўзига хос” ва “кучайтирувчи” феъллар турли синфларни ташкил қилиши керак, улар шундай семантик белгиларига кўра фарқланади: биринчиси – ҳаракатнинг юзага келишида нутқ субъектининг физиологик тиришишини кўрсатади, иккинчиси – субъектнинг адресатга маълумот етказиш билан унда хабарга муносабатни юзага келтириш (предикатив кичик гуруҳлардаги каби ҳаракат реакциясидан фарқли равишда) мақсадида таъсир этишга интилишини кўрсатади. Иккинчи ҳолатда биринчи ҳолатдаги каби физиологик эмас, балки изоҳлаш субъектининг иродали, ахлоқий, ақлий тиришиши акс этади. Изҳорлаш семантикаси предикатларининг функционал (коммуникатив) таснифи доирасида бу феълларни бир кичик гуруҳга бирлаштириш мумкин. Умумий характердаги нутқ феъллари (“сўзламоқ”, “айтмоқ”) ўз маъноларидан бирида мақол, ибора, матал, фикр билдиришда қўллашда ва маълум грамматик шаклларда семантик жиҳатдан қайта ҳосил бўлади ва маиший предикатлар гуруҳига ўтади, ўзининг бошқа маъноларида улар фикр актларини ифодалайди ва уларнинг семантикаси тафаккур предикатларига эга бўлиб, синонимлашади.

Кичик гуруҳ: б): *билдирмоқ, ахборот (хабар) бермоқ, маълум қилмоқ, маълумот бермоқ, баён қилмоқ (этноқ), огоҳ қилмоқ (этноқ), огоҳлантирмоқ, уқтирмоқ, ёзмоқ, изҳор этмоқ, таъкидламоқ.* Мисоллар: *Ботаётган қуёшнинг нилий гумбазлардаги ярқироқ жилолари вақт намозиомга яқинлашиганини билдирарди* (Х.Султонов. Бобурийнома).

Авалло, деди прокурор ўйланиб, устингдан шикоят тушганлигини маълум қилмоқчиман (Т.Малик. Шайтанат).

Анжаннинг қулоч етмас чинорлари, қайрағочлари сизга гувоҳлик берсинларки, улар кишилар мурдасидан мева қилганларми? (Ғ.Ғулом).

...соқчилар қушларнинг безовта чуғурлаши яқин орада ўша жонзотларнинг борлигидан огоҳлантираёттир, деб гапиришар эди (М.Булгаков. Касофат тухумлар).

Қирқ тўртинчи йилдан бери йиғилган дардимни сизга ёрилай, сўзимни бўлмай эшитинг (Т.Малик. Шайтанат).

Москвадаги бошлиқлар бу хабарни ошиғич совхоздагиларга етказиш лозимлигини таъкидлади (М.Булгаков. Касофат тухумлар).

Бу кичик гуруҳ предикатлари турли усуллар: нутқ, ёзув, белгилар каби турли усуллар восита-сида ифодаланган маълумот тўғрисидаги хабарни англатади. Дарҳақиқат, кўпчилик ҳолларда хабар нутқий асар шаклида берилади деб ўйланади. Аммо бундай бўлмаган ҳоллар ҳам мавжуд, жумладан, Х.Султоновнинг Бобурийнома асаридаги мисолларни қиёсланг (“Қуёшнинг жилolari хабар берди...”).

Аналогик ҳолда ва “гувоҳлик бермоқ”, “белги бермоқ”, “очмоқ (юрагини)” каби феъллар лексик-семантик мазмунида бу ҳаракатнинг нутқ шаклида амалга ошишига қатъий кўрсатма йўқ. Ўйлаш мумкинки, бундай феълларда нутқ семантик белгиларини қарама-қарши қўйишда нутқ ва нутқ семалари, табиийки, ихтиёрий равишда нейтраллашади. Бизнингча, бу қоида нафақат ўзбек тили, балки рус тили учун ҳам хосдир.

“Нутқий ифодалаш” семантик белгисининг мавжуд эмаслиги эмас, айнан факультативлик М. Булгаковнинг таржима асаридаги икки мисолни қиёслашда тилга киради.

Иккисида ҳам бўлғуси ҳодисотларни билвосита кўрсатиш тўғрисида сўз боради: биринчи ҳолатда – қуёшнинг ҳаракати белгиларига, иккинчисида кушларнинг чуғурлашига кўра. Аммо биринчи ҳолатда нутқ феъли қўлланилган, иккинчисида – умумахборот. Бу қиёслаш, феълларни танлаш характери, бизнингча, сўзловчига ва услубий вазифасига қараб мотивлашади: нутқ феъллари изохлаш субъектига тегишли хабарни сўзлар орқали аниқ ва қатъий тарзда етказиш; умумахборот феъллари буни алоҳида кўрсатмайди, сўз орқали шаклланиш бу ерда ноаниқ, нутқ субъектига (сўзловчига) тегишли бўлиши мумкин.

Информатив предикатларнинг бу кичик гуруҳларига идрок предикатларини ташкил қилувчи каузатив шаклдаги феъллар ҳам тегишли. Бу ерда *билдирмоқ* ва *уқдирмоқ* мисол келтирилган. “ахборот” ва “идрок қилмоқ” предикатларининг маълум шароитда ўзаро боғлиқликка киришиши уларнинг синонимик муносабатга киришишига имкон беради.

Кичик гуруҳ: в): *сўрамоқ, илтимос қилмоқ, илтижо қилмоқ, даъват этмоқ, ундамоқ, маслаҳат бермоқ, буюрмоқ, тайинламоқ, талаб этмоқ (қилмоқ), айнитмоқ, рози (этмоқ), қарши (этмоқ)*.

Мисоллар: *Борган замоним соғ-саломатлигим, имтиҳондан қандай ўтганлигим тўғрисида ёзиб юборишни сўрайдилар. Мен ҳам уларнинг хат ёзиб туришларини сўрайман* (Ғ.Ғулом. Ёдгор).

Оқподшо мулла Намознинг ўзини занжирбанд қилиб юборишни генерал Скобелевдан талаб этади (Т.Малик. Шайтанат).

Бобомиз Деновни макон этади. Кузи билан мардикорлик қилади. Қишда одам ёллайди – Фаргонадан бола-бақрасини янги даласига даъват этади (Т.Мурод. Отамдан қолган далалар).

Ҳатто у мени доктор бўлишдан айнитиб, авиация мактабига киришига ундай бошлади (Ғ.Ғулом. Ёдгор).

Отаси ҳамма гапга тушунса-да, энди ёлғиз ўғлига айланган Зоҳидни Москвага ўқишига юборишига рози бўлмади (Т.Малик. Шайтанат).

Ўғлим, ўқишига кетишингга қарши эмасман, деди ўйчан ҳолда отаси (Т.Малик. Шайтанат).

Бундай кичик гуруҳ предикатлари тобе синтагмада ифодаланган “программа”, хабар адресатини ҳаракатга келтириш мақсадида унга нутқий таъсирни акс эттиради: «...учун илтимос қилди, ...учун сўради» каби. “Сўради”, “таклиф қилди” типдаги феълларда “хабар” мазмуни бўлмаслиги мумкин, бу кўриб чиқилаётган I гуруҳдаги белгиловчи предикатлар ҳисобланади. Ваҳоланки, у бундай эмас, шунчаки мазкур семантик белги ёки сема маълум даражада сабабий алоқа маъносини босиб кетади. Буни исботлаш учун а, б ва в кичик гуруҳидаги предикатларни кўчирма нутқ қурилмалари билан ўхшаш ҳамда ИҚ билан боғлианишда эканлигини таҳлил қиламиз.

а) “Мен келаман”, – деди у. У келишни айтди;

б) “Мен келаман”, билдирди у. У келишни билдирди.

Кўчирма нутқ қурилмаларидаги кўриб чиқилаётган семантик кичик гуруҳлар предикатлари билан фақат ундов мазмунидаги гаплар билан уйғунлашади:

в) “Келинг”, – деди у. У бизнинг келишимизни сўради.

Кўчирма нутқ қурилмасидаги “сўради” феъли хабар мазмунига эга, уни “у ўз илтимосини айтди” перифразаси билан алмаштириш мумкин. Кўчирма нутқни қайта шакллантиришда гипотак-

тик курилмадаги “сўрамоқ” предикати изҳорлаш қисмида тарқалади, бу ундаги императивни индикативга алмаштиришга имкон беради; бунда ИҚдаги “сўрамоқ”да йўқолган тобе синтагмадаги императивлик биринчи режага чиқади ва ифодаланади.

Ўхшаш ҳолда бу кичик гуруҳда “сўрамоқ” феъли ва унинг синонимларини кўчирма нутқли курилмаларда у сўроқ гап билна боғланишига кўра изоҳлаш лозим: “Сиз келасизми?” – сўради у. ИҚда бу типдаги жумлаларнинг қайта ҳосил бўлишида савол мазмуни шахсий саволлар ҳисобига сақланиши мумкин:

Жалилдан гина қилишдан олдин хотинининг сўзлари қанчалик тўғри эканлигини ундан сўраб билмоқчи бўлди (Т.Малик. Шайтанат).

Мазкур кичик гуруҳлардаги феълли предикатлар кўрсатилган боғлиқликка кўра буйруқ майлидаги кўплаб нутқ феъллари (а кичик гуруҳи) билан синонимликда бўлади.

**Сатимова Дилафруз Нумонжонова (АнДУ, Инглиз тили грамматикаси
кафедраси ўқитувчиси, mrs.secret96@mail.ru)**

ТИЛНИНГ ИЖТИМОЙ ҚАТЛАМИДА СЛЕНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА НАЗАРИЯСИ

Аннотация. Мақолада тилшуносликнинг ижтимоий қатламида сленгнинг тараққиёти хусусида фикр юритилади ва мазкур масала устида иш олиб борган тилшуносларнинг қарашлари, шу билан бирга, сленг, жаргон, арго ва кент атамаларининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган.

Аннотация. В статье идет речь о развитии сленга в социальных слоях языкознания и рассматриваются теории лингвистов, проводивших исследования по этой проблеме, а также анализируются особенности терминов сленг, жаргон, арго и кент.

Annotation. The article deals with the development of slang in the social stratum of linguistics and the theories of linguists who carried out investigations on this problem, analyses the peculiarities of the terms slang, jargon, argot and cant.

Калим сўзлар: социоллингвистика, социолект, профессионал даража, сленг, жаргон, арго, кент, сектор, контекст, нутқни оригиналлаштириш, сўзларнинг эквиваленти, концептуал қарашлар, ижтимоий конвенция, терминлар рўйхати, агрессив, эмоционал туйғулар.

Ключевые слова: социоллингвистика, социолект, профессиональная степень, сленг, жаргон, арго, кент, сектор, контекст, сделать речь оригинальной, эквивалент слов, концептуальные взгляды, социальная конвенция, список терминов, агрессивный, эмоциональные чувства.

Key words: sociolinguistics, sociolect, professional degree, slang, jargon, argot, cant, sector, context, to make the speech original, the equivalent of words conceptual views, social convention, list of terms, aggressive, emotional feelings.

Сленг, жаргон, арго ва кент атамалари тилшуносликда кўп ишлатилиб, уларнинг ўртасидаги фарқларни англаш бир қанча изоҳларни талаб қилади. Жумладан, бу атамаларнинг асл маъноларига ва олимлар фикрига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Замонавий тилшуносликнинг социоллингвистика доирасида янги термин *социолект* пайдо бўлиб, *социо* “жамият”, *лект* “диалект” (грекча *dialectos*), яъни муайян ўзига хос маҳаллий жамиятнинг мулоқоти, тили, умумий тилнинг фойдаланишдаги турли хил ишлатилишини англатади. Ҳар бир миллатнинг ўзига хос ижтимоий диалекти бўлиб, бунда ижтимоий гуруҳларнинг аниқ тиллари тушунилади. Бунга касбга оид гуруҳлар, ёшлар ва қариялар гуруҳи ва қабилар қиради. Социолектнинг фаол ишлатилувчи терминлари *Арго* [француз. *argot*], *жаргон* [француз. *jargon*] ва *сленг* [англ. *slang*] ҳисобланади. Бу учала термин бир-бирига яқин бўлиб, тилшунослар уларни турли хил тадқиқ қилишган.

Сленг атамаси тилнинг турли хил шакллари тор чекланган доиралардан тортиб, профессионал даражагача тасвирлаш учун ишлатилиниб келинади. Асосан, сленглар инглиз тилидан тилшуносликка кириб келгани учун унинг таърифини инглиз тили луғатларида кўп учратишимиз мумкин. Масалан, “Macmillan English Dictionary” да сленгга мана шундай берилган: Ўта расмий ҳолатларга мос деб ҳисобланмайдиган жуда ҳам норасмий бўлган сўзлар ва иборалардир. Баъзи бир сленглар фақат маълум бир одамлар гуруҳи томонидан ишлатилади.¹

Сленгга “Merriam-Webster” луғати қуйидаги таърифни беради. Одатда, янги сўзлар яратилиши-

¹ Macmillan English Dictionary for Advanced Learners, New Edition 2007, London United Kingdom, p. 1401.

дан ҳосил бўлувчи, ўз хоҳишига кўра, ўзгартирилиб, кутилмаган вазиятларда ишлатилувчи, таъсир кучига эга бўлган, шунингдек, ҳазиломуз, тил адабий нормаларига хос бўлмаган норасмий сўз бойликдир.¹

Сленг устида иш олиб борган олим Эрик Патридж маълумотича, луғатшунос Н.W.Fowler сленгга юқоридаги таърифларни қисман тўлдирган ҳолда маълум бир даражада ўзгача таъриф берган: Нарса ва ҳаракатларни қайта номловчи жонли сўз ўйини бўлиб, ёшлар орасидаги энг сеvimли ўйин натижасидан келиб чиқувчи сўзлар танловидир. Шунингдек, баъзилар янги сўз кашф қилиш мақсадида ёки янгиликдан завқланиш учун эскирган сўзлардан воз кечиb, замонавий бўлиш учун ишлатилади.²

Бу таърифдан келиб чиққан ҳолда унга бироз ўзгартириш, яъни кўшимча қилиб шундай таъриф бериш мумкин. Сленг нафақат тор доира, профессионал ёки жиноий гуруҳларда чекланган бўлиб, балки нутқни етарли даражада умумлаштириб, шунингдек, тушунарли қилиб фойдаланиш учун, оддий нутқдан фарқли ўлароқ, ишлатиладиган сўз ёки сўз бирикмасидир, дейиш мумкин. Уларнинг келиб чиқиши, ҳақиқатда, аввало, кичкина доираларда яратилиб, аммо вақт ўтган сари, улар кенгрок контекстда ва жамиятнинг кенгрок секторида ишлатилганлиги кузатилиб, шундан сўнг улар сленг деб юритила бошлаган, дейишимиз мумкин. Бугунги кунда сленг миллатнинг ўғрилар тилида ишлатиладиган сўзлашувнинг бир қисми, норасмийлик ёки маданиятсизликни кўрсатувчи омилликдан чекланмайди.³ Бундан тушуниш мумкинки, сленглар ҳозирда мавжудлигининг яна бир бошланғич сабаби, шахснинг яратувчанлик қобилияти асосида тилда зукколик ва доноликни талаб этади. Сўзлашувга уддабурон ёшлар кундан-кунга янги сленглар яратишмоқда.

Сленг она тилининг ажралмас бир қисми. Бу фикрга тўлиқ қўшилиш мумкин, чунки сленгдан оғзаки нутқда ҳеч ҳам воз кечиb бўлмайди. Гарчи уни адабий тилга хос бўлмаган дейилса-да, гапирувчи томонидан нутқни оригиналлаштириш учун ишлатилинаверади. Стюарт Флекснер “Америка сленглари луғати”да сленгни эски ва янги пайдо бўлган сўзлар бўлиб, аниқланишича, зукколикни ёки ҳажвияни юзага чиқариш учун ишлатилади, деб баҳолайди. Бу тилнинг, одатда, турли хил грамматик қоидаларга амал қилувчи буёқдор, хаёлий ва кулгили шакли ҳисобланади, деб изоҳланган.⁴

Шунингдек, шуни айтиб ўтиш жоизки, сленглар оддий сўзлашув нутқидан фарқ қилиб, уларнинг ўз ишлатиш ўрнлари мавжуддир. Мисол қилиб шуни айтиш мумкинки, уларни расмий ёзма нутқда ишлатиб бўлмайди, ҳатто норасмий хатларда ишлатилган ҳолларда ҳам пунктуацион белгилар билан ажратилиб қўйилади. Оддий сўзлашув нутқи эса бундай ҳолатлардан мустаснодир. Демак, сленглар, асосан, дўстлар орасида ёки янги таниш орттирганда умумий қизиқишларни уйғотиш учун ва эркин мулоқот қилиш учун ҳам ишлатилади.

XVIII асрга қадар сленг инглизларда кент (cant), французларда эса аргот деб юритилиб келган бўлса, замонавий ўзбек тилшунослигига эса XXI асрда сленг атамаси кириб келди. Сленг сўзи Француз тилидан кириб келган дейилса, аммо баъзида инглиз тилидаги *thieves language* сўз бирикмасининг аралашмаси ва қисқартмасидан *thieve (s' lang) uage* дан олинган дейилади.⁵ Ўтмишда сленг атамаси инглизларда кўпол, шунинг билан бирга саводсиз, ўқимаган кишилар томонидан ишлатиладиган сўз воситаси деб таърифланган. “A Dictionary of Modern Cant, Slang and Vulgar words” китоби муаллифи Ж.С.Хоттен сленгга шундай таъриф берган; “бу сўзлар жамиятнинг энг паст ва хафли жиноятчилар, яъни куйи табақада ишлатиладиган куйи даражадаги сўзлардир”. Лекин Патридж бунга қарши фикр беради, яъни ҳозирда сленглар ҳамма табақада ишлатилиб, тилнинг ҳукмрон тенденцияси қисмига киритилган. Сленглар ҳар доим онгли равишда, маълум бир фикрнинг яратиш истаги билан ишлатилади.⁶

Сленг маданият ва жамиятда илдиз ортган. Шунинг учун таржимонлар социолингвистик муаммоларга дуч келиши мумкин. Маданиятнинг ўзаро ички ишлатиладиган сленглари ҳам бўлганлиги учун махсус гуруҳдаги сленглар таржимонлар учун сирли тушуниб бўлмас бўлиши мумкин. Сленглар доим ҳам ўрганилаётган тилдаги айнан маъно билдирувчи сўзларнинг эквиваленти бўла олмайди. Бундай ҳолатларда сленгларнинг сифати ва оригинал даражасига қараб баъзан ўрнини коп-

¹ Merriam-Webster Dictionary, Fogware Publishing Windows 2000, USA.

² Eric Patridge, Slang To Day an Yesterday. London. Routledge&Kegan Paul LTD, p. 5–6, 18.

³ Andersson and Trudgill, Bad Language, Penguin books; Language and Linguistic. USA. 1990, p. 77.

⁴ O'Donnel, W.R & Todd Loreto. Variety in Contemporary English. London; RoutledgePress, 1991, p. 64.

⁵ Source. The Daily telegraph, London, U.K., 1996, p. 19.


⁶ Andersson and Trudgill, Bad Language, Penguin books; Language and Linguistic. USA. 1990, p. 87.

ловчи сўзлардан ишлатилади. Тилшунослар Майкл Грегорий ва Сюзанна Карролл ўз китобларида сленг ҳақида шундай фикр берганлар: “Сленгни тилнинг фаркли хусусияти ҳисобланувчи жаргон ёки диалектлар билан аралаштириб бўлмайди. Диалектлар тилнинг характерловчи хусусияти бўлиб, у айнан географик турар жойга тегишлидир”.¹ Бундан шуни тушуниш мумкинки, диалект (шева) – бу чегараланган географик жойларда ишлатилувчи терминлардир. Аслини олганда, сленглар ҳам диалект каби географик турар жойгагина оид бўлиши мумкин, аммо унинг ажратиб турувчи хусусияти ижтимоий кичик гуруҳларга ёши, қизиқишлари ёки ижтимоий доираси бўйича фарқланади. Сленгдан, одатда, вақтинчалик фойдаланилади, яъни вақт ўтган сари янги сленглар пайдо бўлади, бироқ фойдаланувчиларнинг улар билан алоқаси вақтинча бўлишига қарамай, кўп сленг терминлари турғундир. Жаргон эса махсус касбларнинг сўз бирикмаси бўлиб ўзида тилнинг касбга оид қатламини ташкил этади.² Жаргон ҳам сленгга ўхшаб контекстда ишлатилса, тушунарли бўлади ва ноаниқликдан йироқ бўлади, шунингдек, у ҳам махсус сўз бирикмаларидан ташкил топган, аниқ гуруҳларга тегишли бўлган социолект ҳисобланади. Сленг, асосан, оғзаки ва таниш нутқ, жаргон эса расмий нутқ дейиш мумкин. Бу атамаларга нисбатан айрим негатив қарашлар ҳам мавжуд бўлиб, буни қуйидаги таърифда кўришимиз мумкин: сленг, кент, жаргон ва аргот баъзи бир-бирига концептуал қарашлар ила тилга қарши бўлган атамалардир ва уларнинг ишлатилиши фаол бўлмайди.³

Арготнинг асосисчиларидан бири David Maurer Аргот, одатда, фақатгина жиноий гуруҳлар томонидан ишлатилиб, махсус ва аниқ маъноларга эга деб айтган. Лекин Fred E. Jandt маълумотига кўра, Maurer арготни субгуруҳларда тўплаган, текширган ва тақдим қилганларнинг биринчисидир. Шунингдек, у аргот бегона одамларни алдаш учун ишлатиладиган сирли сўзлашув услуби эмас, балки гуруҳни аниқлашдаги энг муҳим жиҳат эди. Махсус гуруҳларларни тушуниш учун уларнинг лугатларини билиш зарур, акс ҳолда, сиз аниқ гуруҳ аъзоси бўла олмайсиз ва аргот гуруҳга нисбатан чегарани пайдо қилади, деб ёзган.⁴

Баъзи манбаларда арго ва кент бир хил атама сифатида берилиб, улар ташқи дунё томонидан жиноий гуруҳларга, хусусан, ўғрилар, лўлилар, дайди сайёҳлар тили учун атама сифатида фойдаланилади. Жаргон аргодан фаркли ўлароқ, махсус касб ва техник тил бўлиб, у ташқаридагиларга тушунилиши қийин бўлган ички гуруҳларнинг махсус терминларидир. Тилшуносликда уни *register*, яъни терминлар рўйхати деб баҳолаш мумкин. Бундан тушуниш мумкинки, кент ўғрилар ва тиланчи лўлиларнинг техник тили (касбга оид терминлар) бўлиб, кент, шунингдек, арголар ҳам, режалаштирилган мураккаб жиноятни амалга ошириш учун ишлатилади ва жаргоннинг рўйхатига киритилади.

Юқорида берилган таърифларни умумлаштирган ҳолда сленг, жаргон, арго ва кентни қуйидагича тасвирлаш мумкин:



Ушбу тасвирдан тушуниш мумкинки, бу 4 атама социолект, маҳаллий жамиятнинг мулоқот тили бўлиб, жуда кўп кишиларни бирлаштирувчи муҳит сифатида мавжудлиги маълум бўлди. Сленг атамаси ўзбек тилшунослигига яқин орада кириб келган бўлса-да, ҳозирда ундан фойдаланувчилар сони кўплиги, шу билан бир вақтда, оғзаки нутқ тил муҳити нормаларидан фарқлиги билан жамиятда норасмий нутқ шакли сифатида юритилади.

Чет тили ўрганувчилари учун ўрганилаётган тилда ўз она тилидек гапириш мураккаб ҳолат бўлиб, сўзлашув нутқида эркин гапира олиши учун чекловлар мавжуд. Бу ҳолатда чет тили ўрганувчилари бўёқдор тилдан ва сленглардан йироқ юришади, чунки улар ўзларини ўрганилаётган тилнинг маҳаллий сўзлашувчиси эмас деб билишади.⁵ Лекин бу фикрга нисбатан шундай дейиш муҳимки, ҳамма маҳаллий сўзлашувчилар ҳам сленгларни тушуна олишмайди. Бунинг учун улар ҳам сўзлашув нутқини англаб етиши ва тушунча ҳосил қилмоғи зарур.

¹ Gregory M. & Carroll, S. Language and Situation. London: Routledge & Kegan Paul, 1978, p. 12.

² Newmark P. Approaches to Translation, Oxford Pergamon Press, 1981, p. 131.

³ Juan Manual Hernandez, Sociolinguistic style, John Wiley & Sons, 2001, p. 42.

⁴ Fred E. Jandt, An introduction to Intercultural Communication: Identities in Global Community, Chapter 12, 2016, SAGE Publications, The USA, p. 12.

⁵ Mc Alpine, Janice and HaiXu, TESL Canada Journal, 26.1. 11-30, 2008, p. 11.

Сленглар изланувчиси Richard Spears (1981) сленглар тўғрисида бир нечта мезонлар тузган.¹ Унинг таъкидлашича, сўзлашув нутқи бу халқ ҳамда маданиятнинг сўз бойлигидир. Нутқда ишлатилган ифода ва ибораларни сленг ёки сленг эмаслигини билиш учун 10 та умумлаштирилган фикрлар мавжуд:

1. Сленг расмий ёки жиддий масалалар учун мос деб ҳисобланмайди.
2. Сленг атамалари, одатда, стандарт атамаларнинг синонимидир.
3. Сленг атамалари ва сленг нутқи ижтимоий конвенцияларга итоат этмаслигини англатади.
4. Сленг терминлари ёзма нутқга тегишли бўлмаган ишларда ҳаракатланади, сленг бу оғзаки ходиса.
5. Сленг ва одатий, яъни стандарт тил табиатан зиддир. Сленг адабий тилга нисбатан ҳурмат хиссини уйғотишга уринаётган жамиятнинг бўйсунмас ёш вакиллари томонидан ишлатилади.
6. Сленг стандарт бизнесда фаолиятини юритмайдиган ижтимоий гуруҳларга аъзолик ва яхлитликни билдириш учун ишлатилади.
7. Маъно ва шаклини ўзгартирувчи сленглар, асосан, ёшлар томонидан ишлатилади ва улар вақт ўтгани сари ўзгартириб турилади.
8. Сленг маълум гуруҳга янги қўшилганлар томонидан мойиллик, эмпатияни кўрсатиш учун ишлатилади.
9. Сленглар юқори мавқега эга бўлган инсонлар билан гаплашганда нутқдан йироқ бўлади.
10. Агрессив, қўпол, беҳаё, беадаб дея таснифланувчи сленг агрессияни йўналтириш, мартаба, даражани ўрнатиб сақлай билиш каби қўшимча вазифаларни, асосан, эркалар гуруҳида бажаради.

Richard Spearsнинг бу мезонларидан тушуниш мумкинки, ҳамма сленгизмлар сўзлашув услубига хосдир. Сленглар, асосан, мулоқотнинг замонавий ва оригинал тус берувчи қатлами сифатида оғзаки нутқни шакллантиришда асосий роллардан бирилигини тушуниш мумкин. Ҳозирда, асосан, ёшлар сленгга кўпроқ урғу бериб, кундан-кунга уларнинг сленг луғати бойиб бораётгани ҳаммага маълум. Бизнингча, ёшлар сленги қуйидаги умумий тавсифларга эга: нутқнинг аниқ адресга қаратилганлиги, яъни суҳбатдош фикрларини бошқалардан сир тутишни хоҳлаши, маълум жамоага қўшилиш, вақтни тежаш мақсадида сўзларни соддалаштириш, ўзининг бу соҳадаги билимларини намоён этиши; ўзини ёш қилиб кўрсатиш ёки, аксинча, ўзини ўз ёшидан катта кўрсатиш: атрофдаги кишиларнинг эътиборини қаратиш ҳамда замон билан ҳамнафас бўлиш. Бундан ташқари, сленглар ишлатилиши фаолияти тури, ижтимоий мавқеи, дини, миллати ва бошқа жиҳатлар билан ҳам боғлиқдир. Қуйидаги мисолларга эътибор қилинг:

- | | |
|---|--|
| 1. How was the party? | <i>Wicked!</i> |
| 2. What does that guy over there do? | <i>He's a cop.</i> |
| 3. He's getting <i>legless</i> . | Let's take him home. |
| 4. Keep a lookout for the <i>pigs</i> . | Sure. I'll keep my eyes <i>skinned</i> . |
| 5. Where's the <i>dough</i> ? | It's in a drawer, over here. |
| 6. Where's her <i>hubby</i> ? | He's in the <i>nick</i> . |

Яна бир сленглар устида тадқиқот қилган олим Эрик Патридж сленгларни “модник”, яъни “янгилик, замонавийлик” юритган бўлиб, ҳозирда сленглар адабий тилнинг бир қисмига айланиб бораётганини ва уларсиз оғзаки мулоқот ёрқин ифодаланмайдиган қатламга айланиб қолишини таъкидлаб ўтган. Патридж, шунингдек, мулоқотда нутқни етказиб беришда ишлатилувчи сленглар сабабларини қуйидагича изоҳлайди, гапирувчи ўзини ақллилигини кўрсатишда, ўзини замонавий татиқ этишда, эшитилаётган нутққа бепарволик ёки бепарқликни намоёиш этиш истаги, юмшатган ҳолда, аксинча, узатилаётган хабарнинг ёқимсиз таасуротини кучайтиришда, бўрттирган эмоционал туйғулар ила, одатий ва улуғвор иборалардан қочиш истагида, кўпроқ таниш оҳангга интилиш мақсадида сленгларнинг жамиятдаги ўрнини кўрсатиб беради.²

Яна бир сленг тадқиқотчиси В.Г.Вилюман сленгларни икки гуруҳга ажратади:

1) *умумий сленглар* ҳамма учун тушунарли булган оғзаки нутқни қизиқарли ва оригинал қилувчи, аммо адабий тилга кирмайдиган сленглардир. Бу сўз ва иборалар адабий тилдаги сўзларни синоними сифатидан ҳосил бўлган янгилик намоён қилувчи сленглардир.

Knackered-(tired) I am knackered, Loaded-(rich) He is loaded, Buddy-(friend) We have been buddies for years, Gobsnacked (surprised)They are gobsnacked. Loo-(lavatory) Can I use your loo, please?

¹ Spears Richard Slangs and Euphemisms. New American Library: New York, 1981, p. 25.

² Eric Patridge, Slang To Day an Yesterday. London. Routledge&Kegan Paul LTD, p. 5–6.

2) махсус сленглар, яъни айнан маълум бир гуруҳга, касб-хунар, ёшлар ёки бир туркумдаги маҳаллий аҳоли ўртасида ишлатилувчи сленглар. Шунингдек, у ўз ичига арго, кент, ижтимоий жаргонларни олади.¹

Полиция ходимлари учун ишлатиладиган сленглар: pigs, fuzz, cop (per)s, bill. Гиёҳванд моддалар учун ишлатиладиган сленглар: a fix, dope, grass, high, stoned, snow (heroin).

Бундан кўриниб турибдики, тилшуносликда сленглар устида олиб борилган тадқиқотлар ҳалигача муаммоли бўлиб келмоқда ва улар устида ҳалигача аниқ бир тўхтама келингани йўқ. Лекин изланишлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, сленг, жаргон, арго ва кент атамалари тилнинг социолект қатлами деб ижтимоий диалект категорияси остида бирлаштириладиган барча тил тузилмалари учун умумий бўлган хусусиятдир. Сленг, ўз навбатида, арго ва жаргонга хос бирликларни ҳамда уларнинг маъноларини метафорик жиҳатдан ўзгартириб ва кенгайтириб ўзлаштириши мумкин. Бунда сленглар адабий ва умумий нутққа беихтиёр тўғридан-тўғри кириб келиши ва бу ўз-ўзидан сўзга устамолликни, замонавийликни, нутқни бўёқдорлигини таъминлаб берувчи воситалигини намён қилади. Профессор Б.А.Илиш инглизча сленгнинг бойлиги ва ранг-баранглиги ҳақида тўхталиб ўтганлигига қўшилган ҳолда, тилнинг бу лексик қатлами қизиқарли ва тадқиқ қилишга арзирли, деган фикри сленг устида изланиш олиб бориш учун мақсадга мувофиқдир.²

**Мавлонова Мавлуда Давуровна (Мухаммад ал-Хоразмий номидаги
Тошкент Ахборот технологиялари университети Чет тиллар кафедраси катга ўқитувчиси)
ЎЗБЕК ТИЛИГА ЎЗЛАШГАН АКТ ТЕРМИНЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

***Аннотация.** Ушбу мақолада терминология, АКТ терминлари ва улардан ўзлашган сўзлар, уларнинг таржима қилиниши ва хусусиятлари хусусида батафсил ёритилган.*

***Аннотация.** В данной статье подробно описываются терминология, термины ИКТ и их словарный запас, их перевод и особенности.*

***Annotation.** This article describes in detail the terminology, ICT terms and their vocabulary, their translation and features*

***Калим сўзлар:** терминология, ўзлашган сўзлар, АКТ, компьютер, қўшма сўзлар, чет тил кiritмлари.*

***Ключевые слова:** терминология, освоенные слова, ИКТ, компьютер, сложные слова, ввод иностранного языка.*

***Key words:** terminology, borrowed words, ICT, computer, joint words, foreign language borrowed words.*

XX аср охири ва XXI аср бошларида тил маданияти соҳасидаги глобал ўзгаришлар ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий муаммолар таъсирида содир бўлди. Замонавий ўзбек тилининг лексик тизимининг шаклланишига таъсир қилувчи динамик жараёнлар орасида атамалар ва терминологик бирикмаларни глобал компьютер тармоқлари соҳасига жалб қилиш алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу турдаги лексик бириклар ўзининг ҳаракатчанлиги билан бошқа соҳалардаги лексик бириклардан ажралиб туради, бу уларнинг турли хил функционал услубларда кенг қўлланилишини белгилайди.

Замонавий тилшунослик адабиётида компьютер тилининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва унинг таркибий қисмларининг ишлаш хусусиятларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас.

Сўз ўзлаштириш ҳар қандай тилда содир бўладиган табиий жараёндир. Л.П.Крысин ўзлашмалар борасидаги саволларга тизимли ва батафсил жавоб берди. Унинг сўзларига кўра, нафақат янги сўз ўзлаштириш ҳақида, балки бу сўзларнинг ишлатиш интенсивлиги ҳақида сўз юритишимиз керак, чунки чет эл сўзларининг пайдо бўлиши сабабли махсус терминологиядан фойдаланиш ҳам кенгаймоқда.

Дастлаб, компьютер терминологияси фақат компьютер технологиялари ва информатика билан боғлиқ бўлган жуда ихтисослашган луғат сифатида мавжуд эди, кейинчалик эса у ўзининг дои-

¹ Вилломан В.Г. Функция и значения слов в сфере сленга. Первая межвузовская лингвистическая конференция, Фрунзе, 1966, с. 4 –6.

² Ильиш Б.А. История английского языка. Изд-во лит-ры на иноязыках. М., 1998, 224 с.

расини сезиларли даражада кенгайтирди ва кенг фойдаланилмоқда. Дастлаб ўзбек тилида компьютер терминлари соҳа вакиллари орасида пайдо бўлди, кейинчалик эса компьютер техникаси билан боғлиқ бўлган терминлар пайдо бўлди: дисплей, файл, интерфейс, принтер ва бошқалар.

Ўзбек тилига компьютер терминларини пайдо бўлиши ва шу тилга инглизча АКТ терминларини ўзлашиш жараёнини бошқа тилларда ҳам кузатиш мумкин. Бу жиҳатдан Л.П.Крисиннинг фикрига қўшилаемиз. Сўзларни бир тилдан бошқа тилга ўзлашиш жараёнида бир қатор сабаблар пайдо бўлади. Тадқиқотимизнинг кейинги бобида бу хусусида батафсил тўхталиб ўтамиз. Сўзларни ўзлашишига одатда экстра-лингвистик (нолисоний) ёки ижтимоий ва лингвистик (тилнинг ички хусусияти) сабаб бўлиши мумкин:

- 1) глобал компьютерлаштириш;
- 2) субъектнинг ижтимоий мавқеидаги ўзгаришни таъкидлаш зарурати;
- 3) асл ёки илгари ўзлаштирилган ёхуд маҳаллилаштирилган сўзга нисбатан хорижий сўзнинг обрўси;

- 4) инглиз тилини биладиган ва билишни истаганлар сонининг кўпайиши (мактабларда, университетларда инглиз тилини ўргатиш, турли компания ва муассасаларда инглиз тилини ўрганиш курсларини ўтказиш);

- 5) бошқа мамлакат маданиятини ўрганишни истаганлар сонининг кўпайиши (талабалар алмашинув дастурлари “Work and Travel USA, “Work and Study Canada” ва бошқалар).

Сўз ўзлаштиришнинг ички сабаблари қисман ташқи сабаблар билан боғлиқ. Тилнинг ички хусусиятларига кўра сабабларга қуйидагилар киради:

- 1) қабул қилувчиларнинг тилида янги киритилган мавзу ёки тушунча учун эквивалент сўзнинг йўқлиги, ушбу ҳодисаларни профессионал алоқа тилида ихтисослаштириш зарурати (компьютер, сканер, браузер, провайдер, нетбук, меилбокс);

- 2) номаълум ном ўрнига битта сўралган сўзни ишлатиш тенденцияси, яъни тил воситаларини тежашга мойиллик (кўчма компьютер ўрнига ноутбук);

- 3) чет эл стилистик синонимларининг пайдо бўлишига олиб келадиган экспрессивлик ва эвфемизмга мойиллик (Netiquette – Etiquette in Internet; botnet – robot network; netizen – citizen of the net);

- 4) бир-бирига ўхшаш элементлар билан бирлаштирилган кетма-кетликни ташкил этадиган бир хил турдаги сўзларни қабул қилувчи тилида кучайтириш, яъни морфемалар ва сўз ясовчи белгилар (Cyber-, Нурег- конфигурациялари) ўзлаштирилади.

Барча чет тил сўзлари деривацион усули бўйича классификация қилнади:

1. Тўғридан-тўғри ўзлаштириш. Одатда, сўзлар манба тилида ҳам, ўзлаштирилган тилда ҳам шакл ва маъно жиҳатидан бир хил бўлади. Тўғридан-тўғри ўзлашган сўзларни мослаштирилмаган (delete, escape, Edit) ва қабул қилувчи тилга мослаштирилган (курсор – cursor, интерфейс – interface, модем – modem, аутентификация – authentication, картридж – cartridge) каби гуруҳларга ажратиш мумкин. Шунингдек, тўғридан-тўғри ўзлашишда бошқа сўзларга нисбатан омоним бўлган АКТ терминларини ҳам учратиш мумкин: меню, программа, адрес. Бу сўзлар рус тили орқали ўзбек тилига ҳам кириб келган ва шу тилда кенг истеъмолдаги сўзлар ҳисобланади.

2. Калька усули. Бу усулни сўзларни таркибий ва семантик хусусиятларини ўрганиш жараёнида кузатиш мумкин. Компьютер технологиялари соҳасидаги ҳар хил ўзлаштира атамаларни ўрганиш бўйича олиб борилган изланишларга асосланиб шуни айтиш жоизки, калька усулида ўзлаштириб олинган сўзлар ўзлаштириб олинган тилнинг лексик тизимига онсонроқ сингдирилганлигини таъкидлаш мумкин, чунки бу усулда расмий мослашув босқичи йўқ. Калька усулида ўзлаштириб олинган атамаларнинг ассимиляция қилиш, синонимлар рақобатига шунингдек, бошқа усулда келиб чиқадиган ўзлаштира атамаларининг босқичма-босқич сиқиб чиқазиш жараёнини юзага келтиради. Қуйидаги сўзларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин: курсор (cursor), логин (login), браузер (browser), фрейм (frame), роутер (router “маршрутизатор”), микропроцессор (microprocessor). Бу усулдаги ўзлаштирмаларни, инглиз атамаларининг сўзма-сўз таржимаси бўлган бутун иборалар кўринишида ҳам кузатиш мумкин: масалан, стол компьютери (desktop computer).¹

3. Ярим калька усули билан ўзлаштириб олиш. Бу усул орқали сўзлар грамматик жиҳатдан

¹Ивина Л.В. Лингво-когнитивные основы анализа отраслевых терминосистем (на примере англоязычной терминологии венчурного финансирования). Учебно-методическое пособие, М., Академический проект, 2003, с. 75.

ўзлаштирилади, сўзлар ўзбек тили грамматикаси қоидаларига амал қилади, яъни бундай сўзларда ўзга ва маҳаллий морфемалар бирлашади. Масалан, утилитлар (utility – компьютер дастури таъминот тизимида ёрдамчи дастур).

Бир тилдан бошқа тилга ўзлаштира сўзларни тавсифлаш жараёнида Л.П.Крисин шунингдек экзотизимлар ва чет тили киритмаларининг хусусиятларини ҳам ажратиб кўрсатган.

4. Экзотизимлар – ўзбек тили ва ҳаётига хос бўлмаган, лекин бошқа халқлар, миллатлар маданияти ва ҳаётига хос бўлган сўзлардир. Масалан, компьютер, ксерокс, сканер, адаптер. Ўзлаштира сўзлар ва экзотизимлар ўртасидаги чегара тарихан ўзгариши мумкин. Предмет ва унинг номи ўзлаштирилиши биланоқ экзотизимлар шунчаки ўзлаштира сўзларга айланиб қоладилар. Юқоридаги мисоллар шундан далолат берадики, у ушбу сўзлар аллақачон махсус ихтисослаштирилган компьютер терминологиясидан стандарт ҳаммага маълум бўлган терминларга айланган.

5. Чет тил киритмалари ёзма ёки оғзаки равишда манба тилнинг график ёки фонетик воситалари орқали узатиладиган сўзлар ёки иборалар ҳисобланади. Уларнинг матинда ишлатилиши, кўпинча, номинатив қўшимча равишда, бадий ва стилистик вазифалар туфайли, ўқувчи эътиборини ижтимоий ёки иқтисодий ҳаётнинг янги ҳодисаларига жалб қилиш учун ишлатилади. Ушбу ўзлаштира сўзлар чет тил киритмалари сифатида маълум бир тил учун ўзлаштира сўзларнинг вазифасини бажаради. Ўзлаштира сўзларнинг ушбу турининг ўзига хос хусусияти бегона сўзлар аралашган тилдан ўтишидир. Масалан, вау (Wow!). XX асир 90-йилларнинг охирида бу аралашув ёшларнинг мулоқотида мустаҳкам ўрнашган. Ҳозирги вақтда бу сўз шу қадар оммалашиб кетганки, ҳатто ҳозирда ундан ясалган янги сўзлар ҳам пайдо бўлган. Вау-лаҳзалар – компьютер ўйинларини ишлаб чиқарувчилар ўйинчиларга, иложи борича, кўпроқ таассурот қолдириш мақсадида яратилган дақиқаларни шундай номлашади ва шу билан ўйинчиларни ўйини давом эттириш иштиёқларини оширади.¹

6. Композитлар. Иккита сўздан иборат қўшма сўзлардир, масалан тачпад (touchpad “сенсорли панел”), палмтоп (palmtop “чўнтак компютери”). Н.Н.Кашкарова рус тилидаги компютер соҳасига оид сўзларни шаклий семантик ўзига хосликлари ва инглиз тилидаги қисман ассимиляцияланган лексиканинг мослашувчанлик даражасини ўрганар экан, энг аввало, гибрид композитларни таҳлил қилиб чиқади. Бундай сўзлар дейилганда “хорижий сўз+русча сўз” тизимида ҳосил бўлган сўзларни таъкидлайди. Масалан, Excel-файл, Bluetooth-сетъ, Word-документ. Сўз ўзлаштириш жараёнидаги бундай ҳолатларни ўзбек тилида ҳам учратиш мумкин.

Ҳозирги кунда хорижий тилга мансуб ўзлашган лексика замонавий жамиятнинг барча жабҳаларида кенг қўлланилади. Л.П.Крисинанинг фикрича, “чет тилдаги сўзларнинг фаол ўзлаштириш ва фойдаланиш доирасини кенгайтириши инсон фаолиятининг кам ихтисослашган соҳаларида содир бўлади.

Ушбу атамалар билан белгиланган ҳодисалар бутун жамият учун долзарб бўлиб қолганлиги сабабли, юқори ихтисослашган атамалар профессионал муҳитдан ташқарига чиқиб, матбуотда, радио ва телевидение дастурларида, сиёсатчилар ва ишбилармонларнинг оммавий нутқларида қўлланила бошланди. Шунинг учун ҳозирги кунда бирор тилшунос компьютер лексикасини компьютер терминологиясининг ажралмас қисми сифатида ажрата олади. Ушбу пласт ичида, бир томондан, қурилма ва компьютернинг ишлаши билан боғлиқ атамаларни, иккинчи томондан, интернетда пайдо бўлган сўз бирикмаларини ажратиш мумкин. Веб-сайт, спам, файл, чат, браузер, маълумот, электрон бикинглар, интернет-провайдер, онлайн буюртма, офлайн, интернет-сервис, линк кабилар нутқда фаол равишда “жойлашади”. Англисизмларни чатларда (суҳбат хоналарида) ва турли форумларда, блогларда учратиш мумкин. Булар ёшлар тилида учрайдиган (Girl, Guy, Date, cool) ўзлаштирилган атамалар, компьютер жаргонлари, шунингдек, интернет алоқалари иштирокчиларининг таҳаллуслари: Cybergirl, NetRanger, softboy ва бошқалар. Саломлашиш ва хайрлашиш учун, кўпинча, инглиз тилидаги шакллардан фойдаланилади. Шундай қилиб, “re” маъносидagi қайтиб саломлашиш компьютер олимлари reply (жавоб) қисқартмаси сифатида пайдо бўлди. Бу жавоб хабарини билдиради, одатда, электрон почта хабарлари ёки турли сайтларнинг форумларидаги хабарларнинг бошида кўринади. Баъзи шаклларда маълум бир имло мавжуд: RYS (Read your screen – экранни ўқинг), sysadmin (system administrator “тизим маъмури”), PVP (player vs player – ўйинчи ўйинчига қарши, кўпинча, тармоқдаги ўйинчилар томонидан ишлатилади); RTFM (Read The Following Manual – қуйидаги кўрсатмаларни ўқинг). Ушбу қисқартиришларнинг яна ўнлаб турлари мавжуд бўлиб, улар ўз ифодасини сақлаб қолиш учун электрон тилга эҳтиёжни акс эттиради.

¹ Felber H. Terminology manual. Paris, UNESCO Infoterm, 1984, p. 174.

Ўз ўрнида “компьютер” атамаси пайдо бўлди, у бугунги кунда ҳам профессионал мулоқот доирасидан ташқарида ишлайди. ”80-йилларнинг охирларида С.И.Ожегова луғатида, шунингдек, энциклопедик луғатларда, компьютер атамалари монитор, клавиатура, сичқонча ва бошқалар аллақачон пайдо бўлган, бу сўзлар нокасбий алоқада тобора кўпроқ учрайди. Сўз ўзлаштириш сабабли компьютерга хос сўзлар вужудга келади. Бундай сўзлар, шунингдек, оддий халқ кундалик мулоқотида ҳам кенг қўлланила бошлайди. Жамиятнинг бугунги ривожланиш босқичида сўзларнинг четдан ўзлашуви – компьютер терминологиясининг сермахсул ва табиий ортиш тартиби бўлиб, шу билан бирга, сўзлашувимизда кечиши муқаррар бўлган ҳодисадир. Ўзбек тилидаги жами компьютер атамаларининг учдан бир қисмини рус тили орқали инглиз тилидан ўзлашган сўзлар ташкил этади. Булар орасида фойдаланувчи лексикаси ва Интернет-лексика, айниқса, фаол ўзлашмоқда. Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, махсус компьютер терминологияси омма онгига жадал суръатда ўзлашмоқда.

Маълумки, ўзбек тилининг луғат бойлиги аралаш ҳисобланади. Бунда араб, форс-тожик, рус тилларнинг лексик қатламлари хорижий тиллардан ўлашган сўзлар билан талай асрлар мобайнида мувофиқликда фойдаланиб келмоқда. Кўплаб тадқиқотчиларнинг изланишлари айнан ўзлаштирилиш жараёнини ўрганишга қаратилган бўлиб, уларда мазкур жараённинг турли жабҳалари кўриб чиқилади:

Инглиз тилидан ўзлашув. Инглиз тилидан ўзлашувчи сўзлар айнан илмий-техник терминология орқали кириб келади. Совет Иттифоқи парчаланганидан кейин бу жабҳа яна-да ривожланмоқда. Афтидан, бу ҳодисага муқобил топиш имконсиз. Ўзбек тилида компьютер терминологиясига инглиз тилидан рус тили орқали ўзлашув жуда кенг қўламли бўлиб, уни қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин:

а) ҳеч қандай ўзгаришларсиз ўзлашувчи сўзлар:

algorithm – алгоритм;

assembly – ассамблея;

bit – бит;

computer – компьютер, ЭҲМ;

disc – диск;

graph – граф;

modem – модем;

volt – вольт;

б) икки томонлама ўзлашув йўли билан кириб келган:

parametrical – параметрик;

с) ўзбек тилига мослашиш асносида ўзининг морфологик ёки фонологик тузилишини ўзгартирувчи сўзлар:

cassette – аудиотасма;

machine – машина;

Рус тилидан ўзлашув.

XIX аср ўрталарида Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинishi ва мазкур ҳудуд халқлари билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларнинг жадал ривожланиши кетидан рус тилининг ўрнашиб бориш жараёни бошланди. Рус тили ҳозирга қадар асосий илмий тил бўлиб қолмоқда. Совет Иттифоқи даврида, қолаверса, ҳозир ҳам компьютер фанлари ва информатикага оид адабиётларнинг аксарият қисми рус тилида чоп этилган. Агар тожик компьютер лексикасидаги рус тилидан ўзлашган сўзларни таснифланса, уларнинг кўпчилиги соф маҳаллий сўзлар эмаслиги ойдинлашади. Шундай ўзлашма сўзларга мисоллар:

channel – канал;

electronics – электроник;

function – функция (вазифа);

informatics – информатика;

trigonometries – тригонометрия;

parasite – паразит;

Аралаш атамалар.

Аралаш атамалар гибрид сўзлар ҳисобланиб, икки томонлама ибтидога эга: ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча, русча-ўзбекча. Бу атамалар шаклан содда (битта сўзли) атамалар ва ибора-атамаларга бўлинади. Қуйида эътиборингизга (юқорида айтилган ва шаклан очиқ-равшан кўри-

ниб турган турларга ажратмаган ҳолда) бир нечта мисоллар келтирамыз:

Hypergraph – гиперграф;

Supercomputer – суперкомпьютер;

Multigraph – мултиграф.

Ўзбек тилига АКТ терминларини ўзлашиш жараёнини ўрганар эканмиз, терминларнинг ўзлашишида, аввало, рус тили орқали инглиз тилидаги терминлар ўзбек тилига кириб келган. Шунингдек, баъзи терминлар гибрид сўзлар сифатида ҳам ўзлашган. Хулоса қилиб айтганда, АКТ терминлари, умуман терминологияларни ўрганиш бугунги кунда жуда долзарб масала ҳисобланади, айниқса, рақамли иқтисодиётга, электрон ҳукуматга ўтиш даврида ёш авлодга компьютерга оид атамаларни билиши тезда соҳасини осон ўрганишида қўл келади.

Tojiyeva Xolida Baxtiyorovna (SamDU o'qituvchisi, xolidatojiyeva.29gmail.com)
MATN TAHLILINING O'TMISH VA ZAMONAVIY IBRATI

***Annotatsiya.** Mazkur maqolada mumtoz adabiyot namunalarini o'qitishning tarixiy va zamonaviy usullari haqida so'z boradi. Maqolada badiiy matnlarni tahlil qilishda qo'llanilgan tafsir, sharh, ta'vil, zufaro, urafo, talqin, ilmi xilofiya, ilmi bayon, ilmi g'ariba, ilmi ma'niy, ilmi muzohirok kabi tarixiy usullar hozirda qo'llaniluvchi evristik, reproduktiv usullar bilan qiyoslanadi. O'qitishning bunday usullari umumta'lim maktablarining yuqori sinflari materiallari misolida tadqiq qilinadi.*

***Аннотация.** В статье речь идет об исторических и современных методах обучения чтению образцов классической литературы. В статье дается сравнительный анализ исторических методов зуфар, урафо, классификации, комментария, интерпретации, обзора, научного изложения, научной фантастики, научной беседы, эвристического метода с современными репродуктивными методами. применение таких методов описывается на примере обучения старшеклассников общеобразовательных школ.*

***Annotation.** This article describes the historical and modern ways of teaching classical literature. The article uses evangelical, reproducible, historical methods such as interpretation, scientific caliphate, science expression, strangeness, scientific knowledge, and science. methods. Such teaching methods are explored in the case of higher classes of school.*

***Kalit so'zlar:** tafsir, sharh, ta'vil, zufaro, ilmi bayon, ilmi g'ariba, ilmi ma'niy, ilmi muzohirok, evristik, reproduktiv.*

***Ключевые слова:** комментарий, интерпретация, zufar, научный рассказ, научная фантастика, научная беседа, эвристическая, репродуктивная.*

***Key words:** commentary, interpretation, zufar, science narrative, scientific narration, scientific talk, evangelical, reproductive.*

Maktab dasturiga kiritilgan mumtoz adabiyot namunalarini o'quvchilarga haqqoniy baholashga o'rnatish, ularni qaysi yo'l bilan tahlil va talqin qilishning yangi mezonlari, usullarini ishlab chiqish muhim ta'limiy ahamiyatga egadir.

Zero, ko'p asrlik adabiy merosimiz tafakkur durdonalari bo'lib zamonlar osha boqiy yashab kelmoqda. Eng muhimi, bu boqiy adabiy merosimiz ibrat va saboqlar xazinasi sifatida ham nihoyatda qadrli manbalardir. Aslida esa mumtoz adabiyotini o'rganish, to'g'rirog'i murakkab matndagi asarlarni to'g'ri va xolis talqin qilish masalasining ildizlari olis tarixga borib taqaladi.

Matnni chuqur o'rganishga bo'lgan qiziqishlar natijasida tafsir, sharh, ta'vil, zufaro, urafo, talqin, ilmi xilofiya, ilmi bayon, ilmi g'ariba, ilmi ma'niy, ilmi muzohirok, ilmi kalom kabi adabiyotshunoslik va uslubshunoslikka oid ishtibohlar maydonga kelgan. Bu ishtibohlar asosan Sharq adabiyotining o'ziga xos jihatlarni, har bir ijodkorning mahorat sirlarini o'rganishga qaratilgan. Shuningdek, badiiy matnni o'qish va uni anglash va mushohada qilishdan iborat.

Ma'lumki, har bir ijodkor o'zi yaratgan asarida ko'zda tutgan maqsadini, niyatini, qarashlarini, o'y-hayoli, o'z intilishlarini asar ruhiga singdirishga harakat qiladi. Ana shu yozuvchiga tegishli sir-asrorlarni anglash juda murakkab jarayon bo'lib, buning uchun zukko, sinchkov kitobxon bo'lmog'i lozim. Qachonki, kitobxon matnni mohiyatini anglasagina, iljodkorning asarni yaratishdan maqsadini tushunasagina matnni tahlil qilishda qiynalmaydi.

Badiiy matndan zavq olish, lazzatlanish tuyg'usini sezgan o'quvchi bora-bora Abdulhamid Cho'lpon ta'biri bilan aytganda: "...adabiyotdan bir lazzat olub oxir umriga qadar adabiyot o'qub eshitmakni

vazifayi milliyadan hisob qilur”.¹ Ammo bu masalani amalga oshirmoq uchun, kuchli targ‘ibotchi o‘qituvchining sa‘y-harakati muhim ahamiyatga egadir. Chunki mumtoz adabiyot namunalari, xususan, she‘riyat shoir ruhiyati bilan bog‘liq hodisadir. Bu ruhiyatni anglash va his qilish uchun yana ham aniqroq qilib aytganda, shoir yaratgan matnning tabiatiga kirib borishnitalab qiladi. Shoir yaratgan matn muallif haqida, asar yaratilgan davr haqida, shoirni o‘rab turgan muhit xususida ma‘lumot beruvchi asosiy manbadir. Masalan, Boborahim Mashrab she‘riyati o‘zining badiiy yuksakligi, his-tuyg‘ularni jo‘shqin ifodalashi bilan alohida ajralib turadi. Uning mashhur “O‘rtar” radifli g‘azali shoir qalbini, iztiroblarini bayon qiluvchi g‘azallardan biridir. G‘azalni o‘qigan har bir o‘quvchi “Mashrabni o‘rtagan ishqning” sababini bilishga intiladi. Chunki shoirning ishq, uning dardi nihoyatda iztirobli. U g‘azalning birinchi baytidayoq o‘z ishqiy dardini bayon etishdan boshlaydi va g‘azalning keying baytlarida shoir shaxsiyatiga tegishli so‘z va birikmalarni mahorat bilan qo‘llaydi: (men) nechun toqat qilay qilay, “mening” g‘amim (mening) yuragimni, “meni” bexonumon, “men” Nigoro deb noming aytsam, “men” bayon aylay, “mening” tilim lol, ko‘zim giryon, “mening” ohim, “menda” qolmadi toqat, “men” bu dard bilan xarob bo‘ldim, “mening” unim chiqsa, “men” oh ursam kabi jummalarda shoir shaxsiyati namoyon bo‘ladi. Yuqorida keltirilgan shoir shaxsiyati bilan bog‘liq ishoralar faqat shoir shaxsiyati bilan cheklanid qolmay, balki u yashagan davrning ham ma‘naviy-ruhiy holatini ko‘rsatib bergan. Demak, shoir hayoti va ijodiga oid ma‘lumotlar u yaratgan badiiy matn ruhini, mohiyatini ochib berishda muhim manba hisoblanadi. Badiiy matn ruhini ochish uchun esa kam so‘z bilan katta, keng ma‘nolarni aks ettiruvchi so‘zlarning ma‘nosini yuzaga chiqarish orqali erishiladi.

Adabiyotshunos olim Abdug‘afur Rasulov o‘zining “Ilmi g‘azribani qo‘msab” nomli risolasida – ilmi g‘aribani adabiyotshunoslikning bir qismi, alohida fan deb hisoblaydi.

“G‘arib (g‘ariba) – ajoyib, taajublanarli, hayron qoladigan narsa. Ilmi g‘ariba talqin fani bilan bevosita bog‘liq. Ilmi g‘ariba fanning teran nuqtalarini ich-ichidagi ma‘nolarini anglash san‘atidir. G‘ariba ilmi mavjud fanlarni sinchklab o‘rganish orqali kashfiyot darajasida xulosa chiqarishgacha yetish, ajoyibot nuqtasi qadar ko‘tarilishdir deya”,² deya ta‘riflaydi. Olim bu ta‘rif orqali asosiy e‘tiborni hozirgi o‘zbek tanqidchiligida tahlil va talqin masalalari va muammolarida qo‘llanilishi nuqtayi nazaridan e‘tirof etadi. Aslida, esa bu ilm mumtoz adabiyotga badiiylik, latofat va ta‘sirchanlik kuchini beradigan, ayni paytda o‘quvchini ham shunga o‘rgatadigan, uni idrok etishga yo‘naltiradigan alohida fandır. Ilmi g‘aribani iste‘dodli ijodkor mahorat bilan qo‘llaydi. Bu ilmdan unumli foydalangan ijodkor o‘z ijodida xoh nazm bo‘lsin, xoh nasr go‘zallik, ma‘noning teranligini asosiy mezon qilib oladi. Bu esa o‘z o‘quvchisida go‘zallik tuyg‘usini tarbiyalasa, ma‘nodagi taranlik esa fikr doirasi kengligiga undaydi. O‘zbek mumtoz adabiyotining iste‘dodli shoirlari ijodida har bir ishora, har bir ifoda zamirida katta ma‘no-mazmun yashiringan bo‘ladi.

“Shoir she‘rida tasvirlangan g‘oya, tuyg‘u, obraz, ruhiy manzaralarni o‘z nomi bilan aytishga erishish ular bag‘ridagi yashirin ma‘no va badiiy sirlarini tahlil tilida ifodalash haqiqatning bosh mezoni mana shudir”, deb yozadi adabiyotshunos olim Ibrohim Haqqul.³

Munaqqid e‘tirof etganidek, o‘quvchi matndagi chuqur ma‘noni anglagani sayin go‘zallik olamiga kirib borayotganligini his qiladi. Eng muhimi, tasavvuf tarixi din tarixi bilan, ma‘rifat, ma‘naviyat tarixi bilan uzviy bog‘liqdir. Bu nazariyani qalb bilan ko‘rish, anglash lozim.

Buning uchun asarni evristik usul bilan ya‘ni matnni boshdan oyoq qunt bilan o‘qish, reproduktiv usul bilan asarni xotirada tiklash va asosiy mazmunini idrok qilish uchun kitobxondan muayyan tayyorgarlik talab qilinadi.

Bugungi kun kitobxonlari adabiyot tarixiga oid asarlarni o‘z davri, dunyoqarashiga mos tarzda qabul qiladi. Agar o‘qilgan asar qaysi davrga tegishli bo‘lmasin kitobxonning qalbidan joy olsa, demak yangi zamonga, yangi avlodga xizmat qilgan bo‘ladi. Ayniqsa, mumtoz she‘riyat namunalari dagi ohang, misralar qatidagi teran ichki mazmun va hayajonni anglagan o‘quvchishe‘r muallifiga yaqinlasha boradi.

Umumta‘lim maktablarining yuqori sinflari uchun yaratilgan Adabiyot darslik-majmuasiga adabiyot tarixiga oid ko‘plab janr namunalari kiritilgan. Asosan, bu janrlarni undagi mutarodif (omonim), mutashobik (sinonim), ko‘p ma‘noli, ko‘chma ma‘noli so‘zlar tahlilisiz tasavvur qilib bo‘lmaydi. Tanlangan matnlar aynan shu mantiqqa asoslangan.

Adabiyotshunos olim Matyoqub Qo‘shjonov asar matnini tahlil qilishning muqobil usulidan foyda-

¹ Cho‘lpon. Adabiyot nadur. T., “Cho‘lpon”, 1993, 36-bet.

² A.Rasulov. Ilmi g‘aribani qo‘msab. T., “Ma‘naviyat”, 1998, 5-bet.

³ I.Haqqul. Tasavvuf va she‘riyat. T., Adabiyot va san‘at, 1991, 131-bet.

langanligini quyidagicha izohlaydi: "...matn ustida ishlashni o'zimga shart qilib qo'ydim. Shu maqsad-da asarni o'qib "asar" yaratishga urindim. Aksariyat hollarda biror hikoyani 1,2 marta o'qiymanda, kitobni yopib o'sha asarni qayta yozaman. Keyin asl bilan solishtiraman va yo'l qo'ygan kamchiliklarimni anglab olaman. Kamchiliklarimni hisobga olib ikkinchi marta yozishga o'tiraman va yana solishtiraman. Ko'nglim to'lguncha bu jarayon davom etadi. Shu yo'sinda matnga nisbatan muhabbat tuyg'usi shakllandi menda".¹

Olim matnga munaqqid sifatida diqqat qilgan bo'lsa-da, ammo uning matn ustida ishlash usuli umumta'lim maktablari, akademik litseylarning o'quv dasturlariga kiritilgan adabiy matnlarni tahlil qilishda ham foydalanilganda ijobiy natijalar berganiga guvoh bo'ldik. Shu o'rinda 11-sinf Adabiyot darslik-majmuasiga kiritilgan Boborahim Mashrabning "Na g'urbatlar chektim charxi bebunyod dastingdan" misrasi bilan moshlanuvchi muxammasi tahlilida ko'rdik. Dastlab, biz o'quvchilarga muxammasning ikkinchi besh misrasini murakkab so'zlarga izoh berilgan holda taqdim etiladi.

*Chamanning bulbuli **bebol-u parman** oshyonim yo'q,*

*Misoli **chug'zdek** vayronalarda ham makonim yo'q.*

Azizimdan judodirman, boshimda soyabonim yo'q,

Hama obod bo'ldi, bo'lmadim obod dastingdan,

Ki man har qayga borsam dod etarman dastingdan.

1. Bebol-u par – qanotsiz, parvozsiz.

2. Chug'zdek – boyqush, boyo'g'li.

Ko'rinib turibdiki matn u darajada murakkab bo'lmasa-da, o'quvchi uni o'qiganda Mashrabning taqdiri bilan bog'liq bir kichik lavhani tasavvur qiladi. Shu bois matnning ilk ta'sir kuchi o'quvchilarning ruhiyatiga ta'sir qilganligi ko'zga tashlanadi. Chunki o'quvchilar shoir tasvirlagan o'tmishdagi xalq hayotining kechmishini tasavvur qilishganini, shoir esa o'sha turmushning bir vakili ekanligini qalban his qilishdi. Mashrabning bu satrlari fojeaviy voqealardan iborat bo'lib, qalbi pok, beg'ubor, nozik, ta'sirchan bolalarda shoir taqdiriga achinish tuyg'usini paydo qiladi.

O'quvchilar matnni qayta-qayta o'qir ekan, satrlardagi mazmuni anglagan sayin shoirning o'ziga xos uslubini, so'zlardagi ma'nolarni o'xshatish (chamanning qanotsiz bulbuliga), (misoli boyqush, boyqushdek), ko'chma ma'nodagi so'zlarni (boshimda soyabonim yo'q), (vayronalarda makonim yo'q) kabi tashbehlarni tahlil qilishga urindilar. Muxammasdagi sinonim so'zlarning (oshyon, makon, soyabon) mohiyatini anglab oldilar.

Eng muhimi, muxammasdagi asosiy bosh g'oyab – shoirga ozor bergan shaxsga nisbatan bo'lgan nafrat tuyg'usini fikrning siqiq, qisqa ta'rifi hisoblanadi. Matnni tahlil qilish jarayonida sarlavhadagi sirli jumboq yechila boradi.

Mashrabning "Dastingdan" radifli muxammasi ham shoir ichki tuyg'ulariga, orzu-o'ylariga to'siq bo'lgan "allaqanday kimsaning" dastidan ozor chekkanligi satrma-satr ochila bordi. Mashrab muxammasda o'z shaxsiyati, hasbi holi xulosani adabiy taxallusini keltirish bilan ollogha iltijo tarzida:

Pohiy, sen yetur himmat yo'lig'a xasta Mashrabni,

Sharq she'riyatiga xos an'anaviy taxallus qo'llash usulini Mashrab ham mahorat bilan qo'llaydi. Mashg'ulot jarayonida, adabiy taxallusga doir nazariy ma'lumot Mashrab ijodi misolida tahlil qilindi. Shoir muxammasi tahliliga doir ma'lumotlar esa o'quvchilarga shoir ijodining o'zbek adabiyoti tarixida betakror, o'ziga xos tutgan o'rnini va ahamiyatini belgilab berdi.

**Сабирова Нодира Каримбаевна (филология фанлари номзоди, доцент, ЎзМУ (DSc) докторанти)
ГИПОНИМИЯНИНГ ЛЕКСИК ВА СЕМАНТИК МУНОСАБАТЛАРИ**

***Аннотация.** Мақола гипонимиянинг лексик ва синтактик муносабатларига бағишланган бў-иб, унда гиперо-гипонимик муносабатларнинг ўзига зос хусусиятлари таҳлил қилинган. Гипонимия ахборотни когнитив қайта ишлаш, сўз туркумлари туркумланишининг муҳим воситаси ва инсоннинг идрок этиш фаолиятидаги энг муҳим жараёнлардан биридир. Гипоним ва гипероним муосабатлар сўзларнинг маъносини ифодалаб, нутқдаги мантиқий боғланишни жорий қилишда жуда муҳим ҳисобланади.*

***Аннотация.** Статья посвящена лексико-синтаксическим отношениям гипонимии, в которой анализируются особенности гиперогипонимических отношений. Гипонимия – один из важней-*

¹ М.Қо'шjonov. XX asr mening taqdirimda. "Jahon adabiyoti", 2001, 1-son, 13–14-betlar.

ших процессов в когнитивной обработке информации, важный инструмент классификации лексики и функционирования восприятия человека. Гипонимические и гиперонимические отношения считаются очень важными при введении логической связи в речь, выражающей значение слова.

Annotation. The article is dedicated to the lexical and syntactic relations of hyponymy, which analyzes the features of hypo-hyponymic relations. Hyponymy is one of the most important processes in cognitive processing of information, an important tool for classifying vocabulary and functioning of human perception. Hyponymic and hypernymy relationships are considered very important when introducing a logical connection to speech that expresses the meaning of a word.

Калим сўзлар: гипонимия, гиперо-гипонимик муносабат, лексик ва семантик майдон, таксономик гипонимия, лексик бирлик, лексикон моделлари, парадигматик муносабат.

Ключевые слова: гипонимия, гиперо-гипонимическое отношение, лексико-семантическое поле, таксономическая гипонимия, лексическая единица, модели лексикона, парадигматическое отношение.

Key words: hyponymy, hypero-hyponymic relation, lexical-semantic field, taxonomic hyponymy, lexicon models, lexical unit, paradigmatic relation.

Гипонимия турли тизимли тилларда кам ўрганилган категория бўлиб, бир қатор тадқиқотчи-ларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган. Куйидаги олимларнинг ишларида гипонимия масаласининг тадқиқ этилганини кўриш мумкин. Жумаладан, Дяченко Л.Д. “Гипонимия в системе английского глагола”,¹ Lyons J. “Semantics (2 vols)”,² Katz J.J. “Semantic theory”,³ Lehrer A. “Semantic fields and lexical structure”,⁴ Murphy M.L. “Semantic relations and the lexicon”,⁵ Сафарова Р. “Гипонимия в узбекском языке (на материале общеупотребительных зоонимов)”,⁶ Джумабаева Ж.Ш. “Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ва стилистик градуонимия”⁷ деб номланган илмий ишларида ўрганганлар.

Д.А.Крузинг “Lexical semantics”,⁸ Дж.Лайонзнинг “Введение в теоретическую лингвистику” ҳамда Ж.Ш.Джумабаеванинг “Турли тизимли тилларда лексик ва стилистик градуонимия”⁹ кики-тобининг “Градуонимия ва гипонимия” номли бўлимида гипонимия ҳақида тўлиқ ва батафсил маълумотга эга бўлишимиз мумкин.

Рус тилшунослигида гипонимик ва гипо-гиперонимик муносабатлар ҳақидаги масала Е.Е. Котцова,¹⁰ И.Н.Гридиналарнинг илмий ишларида ҳам маълумотлар мавжуд.¹¹ Шунингдек, гипонимик муносабатлар В.Г.Гакнинг тадқиқотларида ёритилган.¹²

Гипонимия ахборотни когнитив қайта ишлаш, сўз туркумлари туркумланишининг муҳим воқеаси ва инсоннинг идрок этиш фаолиятидаги энг муҳим жараёнлардан биридир. Гипероним (жинс)нинг асосий вазифаси умумий маънога эга бўлган сўз, яъни умумлаштирувчи функция сифатида эътироф этилади. Гипоним (тур) эса контекстни ифодалашда умумий маънога эга сўзни алмаштириб, аниқ, ўзига хос қўшимча маълумот беришнинг металингвистик ва қайта номлашнинг стилистик функцияларини амалга оширади. Е.Е.Котцованинг илмий ишида ҳам бу ҳақда маълум

¹ Дяченко Л.Д. Гипонимия в системе английского глагола. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук, Москва, 1976, 30 с.

² Lyons J. Semantics (2 vols). Cambridge University Press, 1977.

³ Katz J.J. Semantic theory. New York. Harper and Row. 1972.

⁴ Lehrer A. Semantic fields and lexical structure. Amsterdam. North Holland. 1974.

⁵ Murphy M.L. Semantic relations and the lexicon. Cambridge University Press. 2003.

⁶ Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук, Ташкент, 1990, 13 с.

⁷ Джумабаева Ж.Ш. Турли тизимли тилларда лексик ва стилистик градуонимия. Т., “Мумтоз сўз”, 2017, 111 –115-бетлар.

⁸ Cruse D.A. Lexical Semantics. Cambridge University Press, 1986, p. 285 – 293.

⁹ Джумабаева Ж.Ш. Турли тизимли тилларда лексик ва стилистик градуонимия. Т., “Мумтоз сўз”, 2017, 111 – 115-бетлар.

¹⁰ Котцова Е.Е. Гипонимия в лексической системе русского языка: на материале глагола. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук, Архангельск, 2010, 15 с.

¹¹ Гридина И.Н. Гипо-гиперонимические отношения в ментальном лексиконе детей и взрослых. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук, Санкт-Петербург, 2010, 26 с.

¹² Гак В.Г. Сравнительная типология французского и русского языков. Л., “Просвещение”, 1977, 259 с.

мотлар мавжуд.¹


Л.М.Мёрфининг таърифига кўра, “*Hyponymy is the type of relation among lexical items; for example rose is a hyponym of flower in that roses are types of flowers. In other words, if X is a hyponym of Y, then the extension of X is a subset of the extension of Y. Thus, we can say that hyponymy is a relation of inclusion*”.² Яъни, гипонимия лексик бирликлар орасидаги ўзаро муносабатни ифодалайди ва ушбу термин гипероним ва гипонимларнинг ўзаро муносабатини англатади. Масалан, “атиргул” сўзи “гул”нинг гипоними бўлса, “атиргуллар” сўзи “гуллар”нинг гипонимидир.

Лексик майдонда гипонимия бир қанча сатҳларда ҳам намоён бўлиши мумкин, яъни гиперонимларда гипоним бўлса, гиперонимнинг ўзи яна бир поғона юқорида турувчи суперординат атамаси остида унинг гипоними ҳисобланиши мумкин. Мисол учун, *жонзотлар, қушлар, ҳашаротлар, ҳайвонлар*. Ушбу гипонимлар ўзлари гипероним сифатида гиперонимларига эга ҳамдирлар. Масалан, *ҳашаротлар – қурт, чумоли, папиша, чивин ва ҳоказолар*.³

Ўзаро муносабат лексик тузилиш назариясининг марказида бўлишига қарамасдан, унинг лексик муносабатлигига илмий мунозаралар ҳам мавжуд, яъни сўзлар орасидаги ўзаро муносабат лексик муносабат билан эмас, балки семантик муносабат орқали акс этади.⁴

Шунингдек, ўзаро муносабат сўзнинг лексик тузилиши назарияларидан бири зидликнинг асосий муносабатидир. Ушбу муносабатни ифодалашда иккита лексик бирлик ўртасига бурчакли қавс (>)дан фойдаланилади. Масалан, *гул >атиргул*.

Қуйидаги расмда гипонимик муносабатлар “мева” таксономияси деб аталган схема орқали ифодаланади.



1-расм. “Мева” лексик майдонидаги гипонимик муносабат.

Бу схемадаги лексик бирликлар гипонимик-таксонимик парадигманинг бўлаклари ҳисобланади. Дарахт структурасининг асимметрик ҳолатда бўлиш эҳтимолини эътиборга олсак, ҳар бир лексик бирликнинг кўп гипонимлари бўлиши мумкинлиги, аммо уларнинг ягона гиперонимга эга бўлиши кузатилади. Масалан, “апельсин” сўзининг “навел”, “валенсия”, “мандарин” каби гипонимлари бўлса, “апельсин” уларнинг ягона гиперонимидир. “Цитрус” сўзи эса “апельсин”нинг гипероними ҳисобланади. Дж.Лайонзнинг таърифига кўра, “*These cross-categorical relations quasi-hyponymy. But even in nominal taxonomies, we see some differences in syntactic categories at the highest levels*”.⁵ Сифатлар ҳам номинал гиперонимларга эга бўлиши мумкин, мисол учун, “ҳис-туйғу>бахтли, хафа, жажлдор”. Гипонимия парадигматик муносабат бўлиб, бу муносабатларда бир хил

¹ Котцова Е.Е. Гипонимия в лексической системе русского языка: на материале глагола. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук, Архангельск, 2010, 15 с.

² Murphy I. Hyponymy and hyperonymy (p. 446–448). ELL-Encyclopedia of Language & Linguistics, Handbound, Handbound, ISBN: 0-08-044299-4, p. 446.

³ Джумабаева Ж.Ш. Турли тизимли тилларда лексик ва стилистик градуонимия. Т., “Мумтоз сўз”, 2017, 111–113-бетлар.

⁴ Murphy M.L. Hyponymy and hyperonymy. Cambridge University Press, 2003, p. 446–448.

⁵ Lyons J. Semantics (2 vols). Cambridge University Press, 1977.

синтактик категория аъзолари орасида ўзаро муносабат ифодаланади. Категориялараро муносабат “квази гипонимия” деб аталади. Айрим ҳолатларда номинал таксонимияда синтактик категория фарқларининг юқори даражаси кузатилади. Мисол учун, юқорида келтирилган расмдаги “цитрус” сўзи от сўз туркуми бўлса ҳам, у “цитрус мева” сифат шаклида ишлатилади. Апельсин турлари “навел”, “мандарин” сўзлари эса энг куйи поғонада ифодаланган. Бошланғич поғонадаги “олма”, “нок” сўзлари саналадиган birlikдаги от бўлишига қарамасдан, “мева” сўзи саналмайдиган категориядаги от ҳисобланади.

Гипонимиянинг ўзаро тўғри муносабатлигига юқорида келтирилган мунозарали таксономик фактлар, махсус синтактик категорияларнинг парадигматик муносабати ва гипонимиянинг парадигматик хусусияти тадқиқотни тақозо этади.

Таксоним ва гиперонимлар иштирокидаги ўзаро мос келувчи гипонимиянинг прототип ҳодисасига кўра, уларнинг гиперонимлари орқали аниқ жумла ҳосил бўлади ва гипонимнинг ёрқин маъносини бериш учун гипоним ва гиперонимнинг ўзаро муносабатига ўзига хос қўшимча зарур бўлади. Прототип гипоним муносабатларининг бошқа хусусиятлари, ўзаро муносабат ва коммуникатив функциянинг денотатив бўлмаган аспектилари ўхшашлигидадир. Масалан, *ит* > *терьер* ўзаро тўғри муносабат бўлса, *хайвон* > *терьер*да хайвон сўзига зид муносабат, яъни чалғитувчи поғонанинг мавжудлигидир. *Кўптак* > *терьер* мисолидаги ёндашув суперординат муносабатини ифодалайди ва мазкур муносабат гипонимия тушунчасига мос мисол булади.

Агар $X < Y$, $Y < Z$, ва $X < Z$ бўлса, гипонимия ва таксонимия ўтимли ҳисобланади.¹ Ушбу таркибдаги муносабатлар классик силлогизмларда намоён бўлади. Мисол учун,

Терьер итнинг бир тури.

Ит хайвоннинг бир тури.

Терьер хайвоннинг бир тури.

Шунга қарамасдан баъзи birlikлар гипонимия учун “тур” диагностикасини ифодалайди, лекин силлогизмга мос мисол бўлолмайди.

Кўшимча ўйин дастури компьютернинг бир тури.

Компьютер офис жиҳозининг бир тури.

Кўшимча ўйин дастури офис жиҳозининг бир тури.

Келтирилган мисолларнинг иккита жумласида силлогизмга тўғри келмайдиган мунозаралар мавжуд. Биринчи гапдаги “компьютер” сўзи типик компьютерни ифодалаган тўғри жумладир. Иккинчи жумлада “компьютер”нинг турли функция ва критерияларини англаш мумкин. Шунингдек, 1- ва 2-мисолларнинг бошқа масаласини ҳам кузатиш мумкин, яъни улардаги ўзаро муносабат турлари бир-бирига эквивалент бўлолмайди. Биринчи гап қўшимча ўйин дастури нима эканлигини англатиб таксономик гипонимия ёки таксономияни ифодалаган бўлса, иккинчи жумла компьютернинг нима мақсадда ишлатилиши, яъни функционал гипонимия ҳодисаси содир бўлганлигини кўрсатади. Барча терминлар икки хил турдаги гиперонимларга эга бўлиши мумкин. Масалан, “*ит*” сўзи иккита гиперонимга эга бўлиб, таксонимия “*хайвон*” сўзи ва функционал гипонимия “*уй хайвони*” маъноларига эга бўлади. Силлогизмдаги ўзаро муносабат фақат таксономик гипонимларда кузатилади.

Лексикон моделлари кўпинча тармоқ моделлари ва семантик майдон назариясидаги каби семантик муносабат тузилмасини ўз ичига олади. Бу фикрни С.Фелбаум² ва А.Лэрернинг³ тадқиқотларида кўриш мумкин. Бундай моделларда лексик birlikларнинг асосий ташкилотчиси гипонимиядир. Бироқ улар сўзларнинг маънолари орасида ёки сўзлар тасвирлайдиган нарсалар орасидаги муносабатлар бўлса, бу муносабатлар ҳақиқатдан ҳам сўзлар орасидаги ўзаро муносабат бўлиши ва бунинг учун модуляр лексикон орқали ифодаланиши керакми деган саволни келтириб чиқаради. Чунки гипонимия ўзаро муносабатни ифодалайди, у сўзлар ва уларнинг маъноларини эмас, балки сўзларнинг ҳолати, вазиятини қамраб олади. Мёрфига кўра, “The necessity of representing hyponymy in the lexicon is called into question”.⁴ Яъни, гипонимиянинг семантик муносабати маъно гуруҳи ва унинг кенг қўламли муносабатининг лингвистик ифодасидир. Бундай ҳолда, лексик ва лингвистик маълумот каби маълумотларни ифодалаш ортикча, чунки ахборот аллақачон дунёвий билими-

¹ Murphy M.L. Hyponymy and hyperonymy. University of Sussex, Brighton, UK, p. 446.

² Fellbaum C. Wordnet: an electronic lexical database. Cambridge, MIT Press. 1998.

³ Lehrer A. Semantic fields and lexical structure. Amsterdam, North Holland. 1974.

⁴ Murphy M.L. Semantic relations and the lexicon. Cambridge University Press. 2003.

мизнинг бир қисми сифатида мавжуд бўлади. Д.А.Крузнинг¹ прототипга асосланган тадқиқотида юқоридаги лексик мунозаралар масалан, ўхшашлик ва семантик масалалар ёритилган. Бу гипонимияга энг яхши мисол каби металингвистик дискуссиялар учун фойдали, лекин лексиконда бево-сита ифода (репрезентация)ни талаб қилмайди, чунки ҳар қандай иккита сўз орасидаги муносабат прототип моделидан келиб чиқади. Гипонимик муносабатлар рақамли лексикон “Wordnet”да ҳам жуда самаралидир ва ушбу семантик муносабатлар лексиконнинг маъноли ифодаланишига туртки бўлиб, илмга асосланганлигини талқин қилади. Рақамли лексиконлар каби луғатлар ҳам гипонимияга жуда боғлиқ. “Жинс-тур” структурали луғатларда берилган сўзнинг гипероними (жинс) ва гипонимлари тўпламидан сўзнинг аниқ ифодаланишини ўз ичига олади. Масалан, “олма” сўзи “мева”, яъни жинснинг бир тури сифатида ифодаланади ва дарахтда ўсган олма оиласига кирув-чи, одатда, думалоқ, ширали, етилиб пишган оч қизил, сариқ ва яшил пўстли олма “тур” ҳисобланади. Ж.Ж.Катцнинг фикрича,² луғатлардаги семантик хусусиятлар ва компонентларнинг қўлланилишига олиб келадиган лексик маъно назариялари сўз гиперонимининг ифодасида қараганда, гипоним маъноларининг ифодаси аниқ маънони англатади. Мисол учун, “олма” сўзининг семантик ифодаси иерархик тизим ёки бевосита ифода, яъни “мева” сўзининг семантик ифодасидаги барча маълумотни англатади. Мухтасар қилиб айтганда “олма” сўзи ва унинг бошқа турларининг маъноси “мева” сўзининг маъносини беради. Аммо А.Вирцбика³ юқоридаги фикрга қўшилмайди, унга кўра “мева” сўзининг маъноси “олма”га қараганда мураккабдир ва “олма”сўздан фарқли ўлароқ, “мева” сўзи “нарсанинг тури” сифатида ифодаланмайди, аксинча, “нарсанинг ўхшаш бўлмаган тури” гуруҳидан ўрин олади. Шунинг учун “мева” сўзининг маъноси “олма”, “апельсин”, “банан” сўзларининг маъносини ифодалаши ва тескари ҳолат содир бўлмаслигини таъкидлайди. Шунингдек, ушбу муносабат Д.Болингернинг тадқиқотларида ҳам ёритилган.⁴

Хулоса қилиб айтганда, ўзаро муносабатлар туркум (категоризация) ва мулоҳаза каби когнитив жараённинг марказидадир. Гипоним ва гипероним муносабатлар сўзларнинг маъносини ифодалаб, нутқдаги мантиқий боғланишни жорий қилишда жуда муҳим ҳисобланади.

Гиперо-гипонимик муносабатнинг когнитив-семантик муносабатлигига қараганда, лингвистик-лексик муносабат эканлигига аниқ асос мавжуд эмас. Ҳозирги кунгача гипонимиянинг лексик муносабати кўпгина лексик семантик муносабат асосидаги тадқиқотлар марказида бўлмаган бўлса-да, “жинс-тур” муносабатларида кузатилади.

¹ Cruse D.A. Hyponymy and its varieties. In Green R, Bean C.A.& Myaeng S.H.(eds.) The semantics of relationships. Dordrecht, Kluwer, 202.

² Katz J.J. Semantic theory. New York. Harper and Row. 1972.

³ Wierzbicka A. Apples are not a “kind of fruit”. American Ethnologist 11. 1984, p. 313–328.

⁴ Bolinger D. About furniture and birds. Cognitive Linguistics 3. 1992, p. 111–117.

Абдуллаева Марғуба Дусмиратовна (филология фанлари номзоди,
Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети)
“ШАЖАРАЙИ ТАРОКИМА” ВА “ЎҒУЗНОМА”ДАГИ АЙРИМ ҲИКОЯТЛАРНИНГ
ЖАНРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи тарокима” асарида тасвирланган Ўғузхон ҳақидаги ҳикоятлар “Ўғузнома” асаридаги Ўғузхон образи тасвири билан қиёсий таҳлилга тортилган. Бадиий тасвирдаги ўзига хослик, умумийлик ва фарқли томонлари ўрганилган.

Аннотация. В данной статье сопоставляются и анализируются образы Огузхана в произведении Абулгази Бахадирхана «Шажарай тарокима» и Огузхана в произведении «Ўғузнома». Изучается своеобразие, общность и различность творческого описания.

Annotation. This article compared and analyzed the descriptions of Oguzkhan, which are illustrated in the work “Shajarai tarokima” by Abulghazi Bahadirkhan and Oguzkhan, which is described in the work “Oguznoma”. The peculiarity, generality and different sides in creative descriptions have been studied.

Калим сўзлар: адабий-тарихий асарлар, “Ўғузнома”, “Шажарайи тарокима”, Ўғузхон образи, тарихий шахс, қиёсий таҳлил, ўзига хослик, умумийлик, ҳикоят, жанрий хусусиятлар.

Ключевые слова: литературно-исторические произведения, «Огузнома», «Шаджарай Тарокима», образ Огузхана, историческая личность, сравнительный анализ, оригинальность, общность, история, жанровые особенности.

Key words: literary and historical works, Oguznoma, Shadzharay Tarokima, the image of Oguzkhan, historical personality, comparative analysis, originality, community, history, genre features.

Абулғозининг “Шажарайи тарокима” ва “Шажарайи турк” асарларидаги Ўғузхон ҳақидаги ҳикоятлар сюжети қадимий илдизга эга бўлса-да, уларни муаллиф ўз даврига мослаб, бадиий ишлаб баён қилади. Масалан, “Ўғузнома”да Ўғузхон Тангрига ёлворган бўлса, “Шажарайи тарокима”да Худойи таоло (Оллох)га ёлворган иймонли мусулмон сифатида кўрсатилади. Икки асарда уларнинг номи турлича (яъни ўз даврига) хос ўзгариши ҳикоятт сюжетига салбий таъсир ўтказмайди. Балки ҳар бир даврнинг ишонч-этикоди борасидаги илоҳий қарашлари кўзга ташланиб туради. Шу билан бирга, Абулғози Ўғузхоннинг қадимий образини, ундаги тасвир ва деталларни ўзгартирмай, ўз ҳолича беришга ҳаракат қилади.

Асарда Ўғузхоннинг кўркли, чиройли қиз билан эмас, балки Тангрига иймон келтирган мусулмон қизни севишида муаллиф яшаган даврнинг таъсири сезилади. “Ўғузнома”даги Ўғузхон Тангрининг ёрдамида илоҳий нур ичидаги қизга ошиқ бўлган бўлса, “Шажарайи тарокима”даги Ўғузхон Оллохга иймон келтирган қизга ошиқ бўлади. Бу ўринда икки тасвирда мувофиқлик бор. Демак, Абулғози асосда англашилган фикрни билдиришга эришган, яъни ҳар иккала ҳолат ҳам Тангри билан боғлиқ. Ҳикоят сўнгида ҳам Тангрига ишонган, ундан мадад сўраган Ўғузхон оз наваркари билан Қорахон устидан ғалаба қозонади. Тахтга ўтиради. Буларнинг барчаси тангрининг хоши-иродаси орқали юз беради.

“Шажарайи тарокима”даги иккинчи ҳикоят “Ўғузхоннинг хон бўлганининг зикри” деб номланган. Ҳикоятнинг мазмуни шундай: Ўғузхон элининг барчасини мусулмонликка даъват қилди. Мусулмон бўлганларини сийлади ва бўлмаганларини чопди. Ўзларини ўлдириб, ўғлонларини асир қилди. Ул вақтда Қорахонга таълуқ эллардан бошқа эллар кўп эди. Ҳар элнинг подшоҳи бор эди... Қорахоннинг мусулмон бўлган эллари Ўғузхонга қўшилди. Ўғузхон мўғул юртидаги барча элларни бирин-кетин босиб олди. Қочганлари татар хонига бориб сиғиндилар. Татар халқи ул вақт Чурчитга яқин ўлтурур эди. Чурчит деган бир улуғ юрт бор. Шаҳарлари ва кентлари кўп. Хитойнинг темир қозиқ тарафинда бўлур. Ҳинд ва тожик уни Чин-Мочин дерлар.¹ Шундан сўнг Ўғузхоннинг татар элини босгани ва кўп молу давлатни қўлга киритгани айтилади.

Абулғози мана шу ҳикоят давомида Қаникли, Қипчоқ элларининг келиб чиқиши тўғрисида

¹ Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи тарокима. 1071/1660. А.Н.Кононов тузган танқидий матн. Москва–Ленинград, 1958, 17–18-бетлар.

Ўғузхон билан боғлиқ воқеаларни баён этади. Ўғузхоннинг юришлари пайтида юз берган воқеалар асосида элларнинг келиб чиқиши ҳақида ҳикоят қилади. “Ўғуз бориб татарни чопди. Татар хони кўп черик билан келиб урушди. Ўғузхон лашкарини қириб, бости. Ўғузхон қўлига жуда кўп ўлжа, мол тушдики, уни юкламоққа кулик (юк ортиладиган ҳайвонлар назарда тутилган) озлик қилди. Бир яхши жобир киши бор эди. У фикр қилиб арава ясади. Ундан кўриб барчалари арава ясаб, ўлжаларини юклаб қайтдилар. Аравага қаниқ от қўйдилар. Юрганда “қаниқ-қаниқ” деб овоз чиқарар эди. Шунинг учун қаниқ, дедилар. Уни ясаган кишини қаниқли, дедилар. Барча қаниқли эли ул кишининг ўғлонларидир”¹.

Мана шу кичик воқеа тафсили “Ўғузнома”да ўзига хос тасвир этилган.

“...Кейин бир куни кўк тукли, кўк ёлли эркак бўри юрмасдан туриб қолди. Ўғуз хоқон (ҳам) тўхтади, кўшинни ҳам тушурди. Атроф чулу биёбон, теп-текис ер эди. Бу жойни Журжит (Татар) атардилар. Қудратли бир давлат эди, кўп халқи бор эди. Йилқилари кўп, хўкиз, бузоқлари кўп, олтин, қумушлари кўп, қимматбаҳо буюмлари кўп эди. Бу ерда Журжит хоқоннинг халқи Ўғуз хоқонга қарши турдилар. Уруш бошланди. Ўғуз хоқон ғалаба қилди. Журжит хоқонни тор-мор қилди, ўлдирди, бошини олди. Журжит элини ўзига бўйсундирди. Жангдан сўнг Ўғуз хоқоннинг қўшинига навкарларигаю халқига шундай катта ўлжа келдики, уларни юклашга, олиб кетишга от, хачир, хўкиз камлик қилди. Ўғуз хоқоннинг қўшинида чакқон, гавдали бир яхши одам бор эди. Унинг оти Бармоқлик Жусун Билиг эди. У чакқон одам бир қанға (арава) чопти. Қанға устига молу мулкларни юклади, қанға (арава) бошига тирик бойликларни юклади, жўнаб кетдилар. Навкарларнинг, халқнинг ҳаммаси буни кўрдилар, шошдилар. Қанғаларни яна чопдилар. Қанғалар юриб бораётиб, “қанға-қанға”, деб сўз айтиб борар эдилар. Шунинг учун уларга қанға деб от қўйдилар. Ўғуз хоқон қанғаларни кўрди, қулди. Яна айтдики, қанға, қанға билан бойликни эзгулик тортиб борсин. Қанғалук сенга от бўлганлигини “қанға” сўзи билдирсин, деб ўз йўлига кетди.”²

Икки асардаги “қаниғли” элининг келиб чиқиши ҳақидаги ҳикоят сюжет жиҳатидан деярли фарқ қилмайди. Бироқ баъзи тасвирларда маълум фарқлар сезилади. Абулғози ҳикоясида араванинг “қаниқ-қаниқ” деб овоз чиқариши айtilса, “Ўғузнома”да эса қанғалилар (аравалилар) юриб бораётганда “қанға-қанға” деб айтар эдилар”, деб тасвирланади.

Бизга маълумки, Қанғли туркий халқларнинг милоддан аввалги асрларда шаклланган қабилаларидан бири ҳисобланади. Бу элнинг келиб чиқиши ҳақида тарихда турли афсоналар мавжуд. Рашидиддиннинг “Жомеъ ут-таворих”, муаллифи номаълум “Нусратнома”, Ҳофиз Бухорийнинг “Абдулланнома” асарларида ҳам бу элнинг келиб чиқиши Ўғузхон билан боғланган. С.Е.Маловнинг таъкидлаганидек, “қан, қанли, қанғли” сўзлари “арава” деган маънони билдиради. Юқоридаги сўзлар ҳам шу ўзақдан келиб чиққани аниқ.

Шуни таъкидлаш жоизки, “Ўғузнома”да туркий қавмларга ном қўйиш ва элларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотлар дoston сюжетининг қадимий даврларда пайдо бўлганлигини кўрсатади. “Шажарайи тарокима” ва “Шажарайи турк” асарларидаги ҳикоятларда ҳам бу қадимий унсурлар тўлалигича сақланганлигини кузатиш мумкин.

Абулғози ҳикоятни давом эттириб, Ўғузхон етмиш уч йил бўлганда Мўғул ва Татар элини боқинтириб, мусулмон қилганини айтади. Ундан кейин Хитойни ва Чурчитни олди. Кейин Танқутни олди. Танқутни тожиклар Тибит дейди. Ундан кейин Қора Хитойни олди. У улуг юрт бўлиб, одамларининг чиройи хундудек қора бўлар. Ҳиндистон билан Хитойнинг орасида Мухит денгизининг ёқасида бўлур. Хитойнинг нари юзинда денгиз ёқасида берк тоғларнинг ичида кўп эллар бор эди. Унинг подшоҳининг оти Ит Бароқхон эди. Унинг устига отланиб борди, урушдилар. Ит Бароқхон ғолиб бўлди. Ўғузхон қочти. Урушган ернинг бир жойида оқиб турадиган икки улуг сув бор эди. Бу икки сувнинг орасида бир неча кун туриб қочган лашкарларини йиғди. Подшоҳларнинг одатлари бўлар, узоқ сафарга борганда кўчларин (хотинини) олиб бормоқ. Навкар халқнинг ҳам баъзилари олиб борурлар. Ўғузхоннинг бир беги кўчин олиб борган эди. Ўзи урушда ўлди. Хотини қутулуб, икки сувнинг орасидан хон кетидан етди. Юкли (ҳомиладор) эрди. Тўлғағи тутди. Кун совуқ эди. Кирмоққа эв (уй) йўқ, бир чирик ёғочнинг ичинда ўғлон туғди. Буни хонга маълум қилдилар. Хон айтди: “Бунинг отаси бизнинг олдимизда ўлди. Ғамхўри йўқ”, деб ўғул ўқунди. Отини Қипчоқ қўйди. Қадим турк тилида ичи қўш ёғочни қипчоқ дерлар. Шунинг учун бу ўғилни ёғоч ичида туғил-

¹ Шу манба. 18-бет.

² Бахтиёр Исабек. Ўғузнома. Т., 2010, 169–170-бетлар. <http://www.e-adabiyot.uz/uzbek/qadimiy/165-oguznoma.html>

ди, деб, отини Қипчоқ кўйдилар. Қора халқнинг тили келмаслигидан қофни чим ўқийдилар. Шул сабаб Қипчоқни Чипчоқ дейдилар. Бу ўғлонни хон ўз кўлида сақлади. Йигит бўлгандан сўнг Урус ва Ироқ ва Можар ва бошқирд элларига юборди. Қипчоққа кўп эл ва навқар бериб, Тин ва Итил сувининг ёқасига юборди. Уч юз йил Қипчоқ шу ерларда подшоҳлик қилди. Барча қипчоқ эли унинг насландир. Ўғузхон замонидан то Чингизхонгача Тин ва Итил ва Ёйиқ уч сувнинг ёқасида қипчоқдан ўзга эл йўқ эди. Тўрт минг йилгача бу ерларда ўлтирдилар. Шунинг учун бу ерларни Дашти Қипчоқ деб атайдилар.¹

Қипчоқ эли тўғрисидаги ҳикоят “Ўғузнома”да қисқа бир лавҳада баён этилади. “...Кейин кўшини билан Ўғуз хоқон Итил дарёсига келди. Итил катта бир дарёдир. Ўғуз хоқон уни кўрди, яна дедики, Итилнинг оқимидан қандай кечиб ўтамыз. Кўшинда бир яхши бек бор эди. Уни оти Улуғ Ўрда бек эди. Мулоҳазали, укувли бир йигит эди. Кўрдик, дарё қирғоғида кўп толлар, кўп дарахтлар бор эди. Бек ўша дарахтларни кесди. Ёғочларни ётқизиб, кечиб ўтди. Ўғуз хоқон хурсанд бўлиб, кетди, кулди, яна айтдики, эй Улуғ Ўрда, сен бу ерда бек бўлиб қолсан. Қипчоқ бек деган бек бўл”.²

Қипчоқ эли тўғрисидаги бу кичик ҳикоятда Ўғузхоннинг бекларидан бири Улуғ Ўрда ҳақида гап боради. Итил дарёсидан ўтиш учун Улуғ Ўрда ёғочдан кема (ёки қайиқ) ясаб дарёдан ўтадилар. Ўғуз бегига Қипчоқ деган от кўяди.

“Шажарайи тарокима”да эса Абулғози Қипчоқ элининг зикрини муфассал баён қилади. Янги бир одамнинг туғилиши билан бу элнинг бошланганини айтиб ўтади. Бироқ икки асарда ҳам композицион деталлар – дарахт, ёғоч билан боғлиқ. “Шажарайи тарокима”да Ўғузхоннинг навқари билан боғлиқ ҳикоят айтилса, “Ўғузнома”да унинг беги Улуғ Ўрда ҳақида гап боради. Ўғузхон навқари урушда ўлгандан кейин, унинг ўғлига ғамхўрлик қилиб, йигит бўлганида Тин ва Итил дарёлари ёқасига бориши баён этилган. “Ўғузнома”да ҳам бу тасвир бир хил, яъни Ўғузхон беги Улуғ Ўрдани Итил дарёси бўйларидаги ерларга бек этиб тайинлайди. Демак, қипчоқ эли Итил дарёси бўйларида яшаган қадимги халқлар бўлган.

“Ўғузхоннинг хон бўлганининг зикри” ҳикоятси сўнгида, –“Бали, бу дунё бир работга ўхшар. Одам фарзандлари карвонга ўхшарлар. Бири кўчар, бири кўнар. Ўғузхон Итбароқхонга бостурғондин ўн етти йил сўнг тақи отланиб бориб, Итбароқхон бирлан урушиб, босиб, Итбароқхонни ўлтуруб, юртини олиб, мусулмон бўлганларига тегмай кўюб, Тангрига иймон келтурмаганларини ўлтуруб, ўғлонларини асир қилиб эвигга тушди”,³ деган фалсафий мушоҳадаларга бой муаллиф қарашлари ифодасини топган.

“Шажарайи турк”да ҳам “Ўғузхоннинг хон бўлганининг зикри” ҳикоятси бор. Бироқ Абулғози ҳикоятни олдинги асарига нисбатан қисқароқ баён этган. “Шажарайи тарокима”даги иккинчи ҳикоятнинг охириги қисмлари “Шажарайи турк”да йўқ. Бундан англашиладики, Абулғози “Шажарайи тарокима”да Ўғузхон ҳақида кенг ва муфассал ҳикоят қилиб борган.

Ўғузхон ҳақидаги учинчи ҳикоят “Шажарайи тарокима”да “Ўғузхоннинг Турон ва Ҳиндустонга юрганининг зикри” деб номланган. Унинг мазмуни куйидагича:

Ўғузхон Мўғул ва Татар элининг лашкарларини жамлаб, Талош ва Сайрамга келди. Тошканд ва Самарқанд ва Бухоро подшоҳлари саф тортиб уруша билмадилар. Улуғ шаҳарларга ва маҳкам қалъаларга беркиндилар. Ўғузхон Сайрам ва Тошкандни ўзи қамаб олди. Туркистон билан Андижонга ўғилларини юборди. Улар олти ойда Туркистон билан Андижонни олиб, отаси хизматига келдилар. Ўғузхон бу айтилган вилоятларнинг барчасига дорийғалар кўюб, Самарқанд сари юрди. Кейин Самарқандни олиб, Бухорога борди. Бухорони олиб, Балхга борди. Ғури вилоятининг устига юрди. Қиш эди. Кунлар ёмон совуқ эди. Ғурнинг тоғларига қор кўп тушган эди. Хон ҳукм қилдики, “ҳеч ким мендин қолмасин”, деб. Бориб Ғурни олди. Ёз келди. Лашкарларин сонини олди. Бир неча киши кам келди. Уларни сўрди. Ҳеч ким билмади. Бир неча кунлардан сўнг у кишилар хон хизматига келдилар. Хон улардан аҳволини сўради. Улар айтадиларки, бир неча киши лашкарнинг кетидан келаётган эдик. Тоғ ичида бир кеча кўп қор ёғди. Биз юрабилмай, ўша ерда ётдик. Отларимиз ва туяларимиз барчаси ўлди. Баҳор келгандан сўнг пиёда келаётгирмиз, дедилар. Хон ҳукм

¹ Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи тарокима. 1071/1660. А.Н.Кононов тузган танқидий матн. Москва–Ленинград, 1958, 19–20-бетлар.

² Бахтиёр Исабек. Ўғузнома. Т., 2010, 169-бет. <http://www.e-adabiyot.uz/uzbek/qadimiy/165-oguznoma.html>

³ Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи тарокима. 1071/1660. А.Н.Кононов тузган танқидий матн. Москва–Ленинград, 1958, 22-бет.

килди ул жамоатга Қорлик десунлар, деб. Барча қорлик эли уларнинг наслиндандир”¹

Шундан сўнг Ўғузхоннинг Кобул ва Ғазнини олганини, Кашмир подшоҳи Яғмони енгиб, Бадахшон боргани, Бадахшон орқали Самарқандга келгани ва ўз уйига қайтгани айтилади.

“Ўғузнома”да қорлик элининг келиб чиқиши бундай тасвирланади. “...Тонг отганда Ўғуз хоқон кўрди: эркак бўри кўшиннинг олдида юриб боряпти. Ўғуз хоқон севинди, олдинга кетди. Ўғуз хоқон бир чубир отга минаётган эди. Йўлда ўша айғир от кўздан йўқолиб қочиб кетди. Бу ерда катта бир тоғ бор эди. Ўша тоғнинг устида музлик бор эди. Тоғнинг боши совуқдан оппоқ эди. Шунинг учун бу тоғнинг оти Муз тоғ эди. Ўғуз хоқоннинг оти Муз тоғи ичига қочиб кетди. Ўғуз хоқон бундан кўп вақт ғам чекиб юрди. Кўшинда бир жасур, мард бек бор эди. Ҳеч нарсдан кўркмас эди. Жангда ҳам, соқувда ҳам ҳеч нарсдан кўркмайдиган мард эди. Ўша бек тоғ ичига кирди, узоқ юрди. Тўққиз кундан сўнг Ўғуз хоқонга айғир отни келтирди. Муз тоғ кўп совуқ эканлигидан у бекнинг усти қор билан қопланган эди, оппоқ эди. Ўғуз хоқон хурсандлик билан кулди, айтдики, эй йигит, бундан кейин сен бекларга бўлгин бошлик, абадий сенга ном бўлсин Қорлик, деди. Кўп совғалар берди, олдинга кетди”²

“Шажарайи тарокима”да муаллиф қиш фаслида Ғур тоғининг манзарасини тасвирлаб, ўз лашкарларининг бу тоғда қор кўплигидан қолиб кетганини баён қилади. Баҳор келиб, қорлар эриганда, улар йўлга тушадилар ва ёз фаслида яна хон хизматига етиб келадилар. Хон уларнинг ахволини сўраб, бу воқеадан сўнг уларга Қорлик от кўйди.

“Шажарайи тарокима”даги ҳикоятда Ғур тоғи тилга олинса, “Ўғузнома”да Муз тоғи дейилади. “Ўғузнома”да Ўғуз хоқон жасур ва мард бегига Қорлик деб от кўйган бўлса, Абулғози эса Ўғузхоннинг Ғур тоғида қолиб кетган лашкарларига шундай от кўйганини айтади. “Ўғузнома”даги ҳикоятда Ўғузхоннинг сеvimли оти ҳақида гап боради. “Шажарайи тарокима”да фақат бир ўринда, Ғур тоғида қолган лашкарлар отлари ва туялари совуқдан ўлгани айтилади.

Эътибор билан қаралса, асарларда кичик-кичик сюжет йўналишига эга бўлган ҳикоятлар мавжуд. Бу кичик ҳикоятларда қаҳрамон образи билан бирга эпосларга хос кичик воқелик акс этганини кўрамыз. Юқоридаги туркий қавмларга ном (от) кўйиш тўғрисидаги ҳикоятларда шу хусусият мужассам. Бу хусусиятни бутун асар композицион қурилишида ҳам кузатиш мумкин. Англашиладики, адабий-тарихий асарларда уруғ ва қавм номлари билан боғлиқ ҳикоятларда бадий тасвир воситалари орқали бадий образлар ёрдамида маълум бир воқелик ҳақида ҳикоя қилиб берилади. Бундан ташқари, ҳикоят жанрида тарихий факт, асосли ва ишончли маълумотлар берилиши бу адабий жанрнинг ўзига хослигини белгилайди. Халқ оғзаки ижодидаги ривоят жанрининг ҳам баъзи жиҳатларини қамраб оладики, ҳикоятлар бир киши томонидан ривоя (ҳикоя) қилинади.

**Дехқонова Махсума Шавкатовна (ФВХТХҚТМОХМ Тилларни ўқитиш методикаси кафедраси
ўқитувчиси, ФДУ мустақил изланувчиси, e-mail: maxsumaxondexqonova@gmail.com)
ОЙБЕК НАСРИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ**

Аннотация. Мақолада Ойбекнинг “Навоий” ва “Қутлуг қон” романи хусусидаги ойбекиунос олимларнинг таҳлил ва талқинлари келтирилган. Ойбекнинг “Қутлуг қон” ҳамда “Навоий” романларини адабий жараёнда ҳолисона баҳолаган танқидчиларимиз М.Кўишжонов, Ҳомил Ёқубов, Бахтиёр Назаров, Наим Каримов талқинлари таҳлил этилган. Ойбекиуносларнинг чуқур таҳлиллари кейинги авлод учун ҳам манба бўлиб хизмат қилиши ёритилган.

Аннотация. В статье освещаются интерпретации учёных-айбековедов об особенностях романа “Навои”, “Священная кровь”. Анализируются мнения наших критиков Матякуба Кушжанова, Хамиля Якубова, Бахтияра Назарова и Наима Каримова, давших достойную оценку данным произведениям в литературном процессе. Углубленный анализ учёных-критиков айбековедов послужит источником для будущего поколения в изучении творчества Айбека.

Annotation. The article describes the analysis and interpretations of scientists who investigated Oybek’s novels as “Navoi” and “Sacrad blood”. The reflections of critics who objectively estimated the novels of Oybek under the hame “Navoi” and “Sacrad blood” in this literary process are analyzed. Deep analysis of the scientists who investigated Oybek’s works may serve as a source for the next generations.

¹ Юқоридаги манба. 22 – 23-бетлар.

² Бахтиёр Исабек. Ўғузнома. Т., 2010, 169-бет. <http://www.e-adabiyot.uz/uzbek/qadimiy/165-oguznoma.html>

Калим сўзлар: маҳорат, ойбекшунослик, роман, танқидчилик, Навоий шахси, инсонпарварлик, характер, ижтимоий муҳит.

Ключевые слова: мастерство, айбековедение, роман, критика, личность Навои, человечность, характер, социальная среда.

Key words: mastery, learning Oybek's works, novel, criticism, the personality of Navoi, humanity, character, social sphere.

Мусо Тошмухаммад ўгли Ойбек адабиётимизнинг улуғ ва забардаст адибларидан бири. У яратган асарлар эса адабиётимиз жавохирлари ичида ўз ўрнига эгалиги билан алоҳида ажралиб туради. Ойбек ижодини ўрганиш доимо танқидчиларни эътиборида бўлган. Йиллар давомида таҳлиллар микёси ортиб, ойбекшунослик мактабини яратди. Бу мактабнинг тамал тошини Матёқуб Қўшжонов ва Ҳомил Ёқубов яратди. Танқидчи Ҳомил Ёқубовнинг Ойбек ижодига бағишлаб ёзган барча китоблари ўзининг пухталиги, далилларга бойлиги, илмий хулосаларнинг ортиқлиги билан ажралиб турса, танқидчи Матёқуб Қўшжоновнинг китоблари ўзига хос услуги, характерларнинг синчковлик билан кузатилганлиги, шакл ва мазмун, методнинг бадиий маҳоратга боғлиқлигини очиб берган.

Машхур ойбекшунос олимлар Ҳомил Ёқубов ва Матёқуб Қўшжонов кўпроқ Ойбекнинг бадиий асарларини таҳлил қилувчи монографик тадқиқотлар яратдилар. Адиб ижоди мустақиллик даврида қайтадан ўрганилди десак, хато қилмаган бўламиз. Ойбек ижоди мустақиллик йиллари талаблари асосида ўрганилиб, Наим Каримов, Бахтиёр Назаров, Умарали Норматов, Озод Шарафидинов, Акбарали Сабирдинов, Улуғбек Ҳамдамлар томонидан бир қатор рисолалар, илмий мақолалар ва номзодлик диссертациялари тайёрланди.

Озод Шарафидиновнинг “Истеъдод жилolari” (1967) китобидаги “Сўз санъатига фидойи садоқат” деб номланган бўлим Ойбек адабий-танқидий қарашларини ўрганишга бағишланган илк ҳаракат бўлди.

Академик Бахтиёр Назаровнинг номзодлик диссертацияси Ойбек адабий-танқидий қарашларини ўрганишга бағишланган. «Бу сеҳрли дунё» (1980) номли китобида ҳам адибнинг шу йўналишдаги фаолияти ёритилди. Унинг “Ҳаётийлик – безавол мезон” (1985) китобининг бир қисми Ойбек ижодига бағишланган бўлиб, унинг 7 асосий қисмида Ойбек адабий-танқидий қарашлари, кўпроқ 30-йиллардаги фаолияти ҳақида фикр юритилади.

Н.Каримовнинг “Машхур кишилар ҳаёти” туркумидаги “Ойбек” эссесида буюк адибнинг танқидий ишлари ҳақида қисқа фикр билдириб ўтилган. Танқидчилар адиб асарларини танқид, таҳлил этиш жараёнида Ойбекнинг буюк маҳоратига доимо тан бердилар.

Ойбекшуносликнинг тамал тошини қўйган олимлардан бири Матёқуб Қўшжоновдир. Унинг “Навоий” ҳамда “Қутлуғ қон” романи ҳақидаги таҳлилларини ўқир эканмиз, ўз қарашларини дадил ифодалайди. Ойбекнинг “Навоий” романи ҳам “Қутлуғ қон” билан бир даврда ёзилган (яъни яқин), “Навоий” романини ҳам зимдан муаллифнинг урушга қарши нафратини илғаб олиш учун чинакам адабиётшуносга хос зукколик зарур”,¹ деган эди. Унинг фикрига кўра, ўша даврда шикастланган роман жанрининг ривожига ҳисса қўшиш бурчи Ойбекдек забардаст ёзувчининг зиммасида эди. Айни Иккинчи жаҳон уруши авж олган йилларда Ойбек “Навоий” романини ёзишга киришди. У ёзувчи романини ўз салмоғига хос тарзда ёзгани, романини ёзиш учун қўлғезмаларни синчиклаб текширганини кўп таъкидлайди. Бу роман Ойбекка юксак ва туганмас шуҳрат келтирди. Танқидчининг “Кўнгилда қолиб кетган гаплар” рисоласида Ойбекка шуҳрат келтирган бу роман ортидан 1937–38 йилларда етук маънавиятчиларнинг сургунлик қисмати 50-йилларда Ойбекка ҳам етиб келди. Айнан “Навоий” романининг танқид қилиниши, “Ойбекни ўтмишни улуғлаши”га нисбатан қораланиши авж олгани, бу тазйик забардаст ёзувчини бетоб бўлиб қолиши билан яқунлангани айтилади. Шунингдек, рисолада романини яратишда ёзувчининг асосий мақсади Алишер Навоийнинг инсонпарварлик ғояларини, Навоийнинг улуғ шахсини очиб беришдан иборат эканлиги айтилади. Ёзувчи бу вазифани адо этди. Романда Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг дўстлиги ва айрим ҳолатларда уларнинг орасидаги қарама-қаршиликларни ҳам ёритишга ҳаракат қилди. М.Қўшжонов ўз таҳлилларида навоийшунос Абдуқодир Ҳайитметовнинг фикрини ҳам келтириб ўтади. А.Ҳайитметов Навоий ва Ҳусайн Бойқаро дўстлиги ўта мустаҳкам бўлганлиги, оқ отга миндириши бунинг исботи эканлигини айтиб ўтган. Ойбекнинг айнан бу манзараларни асарга

¹ Қўшжонов М. Кўнгилда қолиб кетган гаплар. Т., “Маънавият”, 2006.

киритмаганлигини Қўшжонов ўша давр мафкура талаби, дея баҳолайди. Акс ҳолда, буюк ёзувчининг қисмати Сибирнинг совуқ ҳукмига ҳавола этиларди. Танқидчи биринчи котиб А.Ниёзовнинг куйидаги фикрини кетиради: “Ёзувчи Ойбек ҳам ўз ижодида ва мақолаларида жиддий идеологик бузилишларга йўл қўйди. Унинг “Навоий” романида феодал ўтмиш идеаллаштириб кўрсатилади... Умуман олганда, ўша даврда адабиёт ҳақида адабиётни тушунмаган инсонларнинг фикр беришининг ўзи қанчалик аянчли. Ўша давр аспиранти Б.Файзиев томонидан Ниёзов фикрларини ривожлантирадиган янги айбловлар қўйилди. Ойбек “Навоий” образини идеаллаштириб акс эттиргандир. Биз Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаро орасида жиддий ҳаёт конфликтини кўрмаймиз. Ойбек Навоийнинг халқпарварлик, ватанпарварлик фазилатларини ошириб юборган. Алишер Навоийни “йирик феодал” эканлиги тўла кўрсатиб берилмаган (“Ажабо!” дегингиз келади бу сўзларни ўқиб – М.Қ)”¹.

Менинг фикримча, Ойбекнинг Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатидаги қарама-қаршиликларни ифодалашини унинг реалистик ёзувчи эканининг яна бир исботидир. Табиийлик билан тасвирланган бу роман мустақкам муносабатларда ҳам баъзи зиддиятлар бўлишини тўлақонли очиб бера олган. Бу Ойбекнинг ҳақиқий реалистик услубини кўрсатади. М.Қўшжонов романи “Ўткан кунлар”, “Кеча ва кундуз”, “Сароб”лардан услуб жиҳатдан фарқ қилиши ва тўқималардан холи бўлган илмий роман, дея баҳолайди. Матёқуб Қўшжоновнинг “Қутлуғ қон” романи таҳлилларига назар соладиган бўлсак, асарни таҳлил қилар экан, реал баҳо беради, асар қаҳрамони Йўлчининг асарнинг тугунида пайдо бўлиши ва якунда содда Йўлчидан мураккаб инсонга айланиш жараёнини кўрсатиб ўтади. Мирзакаримбой образига баҳо берар экан, танқидчи асар бошидан унинг қариндошчилик туйғулари сўниб бўлганини таъкидлайди. Танқидчи Йўлчини революционер эмаслигини ва фикрлари ҳаётнинг машаққатли синовларида ривож топганлигини айтади. Менинг фикримча ҳам Йўлчининг асар якунидаги тасвири унинг ҳур фикрли эканида эмас, балки ёши Мирзакаримбой хонадонига келган пайтидан анча улғайганида эди. Матёқуб Қўшжонов ҳам Йўлчини асар давомида қуллик психологияси ўзгарган, дея баҳолайди. Танқидчининг фикрича, Ойбек ўз қаҳрамонини асосий йўлга аста-секинлик билан олиб чиққан. Бу йўлнинг сўнги Мирзакаримбойнинг Йўлчи кўнглида асраб юрган гулни узиши билан якун топтиради.

Роман ҳақида танқидчи таҳлилларини ўрганар эканмиз, уни кўпроқ қаҳрамонларнинг ҳаёти ва тақдирини ижтимоий муҳит билан чамбарчас эканлигини исботлашга уринган, деб айта оламиз. Асарни ўқиган китобхонни ёзувчи бошиданоқ камбағал деҳқон ҳаётининг фожиасига қадам-бақадам тайёрлаб боради. Танқидчилар таҳлилларини кузатар эканмиз, уларнинг назаридан четда қолган баъзи бир фикрлар мавжуд. Масалан, қаҳрамонимиз Йўлчининг журъатсизлиги, ҳар нарсага бойларни айбдор деб санаши, ҳаётга реал қарай олмагани, бу дунёда доимо бойларнинг қўли баланд келишини ҳар қандай мустақил фикрли инсоннинг онгида пайдо бўлиши табиий бўлган қарашдек қабул қилмаслигидир. Умуман олганда, Йўлчи ўзини оловга атай олиб бориб куйдирган инсон эканлигини танқидчиларимиз ёзишни жоиз, деб билмаганлар.

Ойбекшуносликнинг тараққиётига улкан ҳисса қўшган, Ойбек ижодининг етук тадқиқчиси Ҳомил Ёқубов ҳам ёзувчининг “Навоий” романи тўғрисида ўз таҳлилларини олиб борган. Ҳомил Ёқубов Ойбек бу романи яратгунга қадар жуда кўп илмий асарлар яратгани ва бу тинимсиз изланишлар натижаси “Навоий”дек улуг сиймо ғояларини тарғиб этувчи роман дунёга келганини айтади. Ҳомил Ёқубов романда Навоий шахсини ёритар экан, темурий шахзодаларнинг ўзаро урушларидан эзилган захматкаш халқ Навоий даҳосидан озукланиши, ёзувчи Навоий характерини очишда адибнинг донишмандлигини очишга интиганини таъкидлайди. Унинг талқинича, ёзувчи “Навоий гуманизмини ҳаёлилик билан йўғрилган ҳолда яратган, яъни Навоийнинг орзуларини XV аср шароитида амалга ошириб бўлмас эди. Навоий орзуларини ҳозир ҳам Ҳомил Ёқубов романдаги Навоий тимсоли поэзияни ҳеч иккиланмай “дунёни мукаммаллаштириш воситаси” деб атади. Ҳомил Ёқубов ўша даврдаги зиддиятларни романда ифодалашини таҳлил қилар экан, Навоий бошлиқ Султонмурод, Зайниддин каби инсонларнинг халқ ҳаётини яхшилашга, Мажидиддин бошлиқ Низомулмулк, Тўғонбек сингари разил кимсаларни илм-фан тараққиётига раҳна солувчи, салбий образларнинг бир-бирига қарама-қаршилиги ҳаққоний тасвири ёзувчининг маҳоратини акс эттирганини таъкидлайди. Шунинг учун Навоий ўз куч-қудратини поэзия ва давлат ҳокимиятига баравар сарфлайди. У Ойбек Навоийни темурийлар давлатининг танг ва инқирозга юз тутган пайтида давлатнинг бирлигини сақлаб қолиш йўлини излаган фидойи инсон қиёфасида тасвирлаган

¹ Қўшжонов М. Кўнглида қолиб кетган гаплар. Т., “Маънавият”, 2006.

дея баҳолайди. Ҳомил Ёқубовнинг “Қутлуғ қон” романи ҳақидаги таҳлиллари ҳам унинг ўз услубига хосдир. Унинг фикрича, Ойбекнинг бутун ижодий меҳнаткашлиги шу романда намоён бўлган. Танқидчи асарни халқ оммасининг кучини намоёиш эта олган, дейди. Шу билан биргаликда, ўша давр жамиятининг ички ҳолатлари яққол ифодаланган. Танқидчи Йўлчини тасвирлар экан, унинг онгини ёзувчи аста-секинлик билан ўстирганини айтади. Ушбу фикр танқидчи Матёқуб Қўшжоновнинг таҳлилларида ҳам айнан учрайди. Ҳомил Ёқубов Йўлчи ўша давр жафокаш меҳнаткашларининг бир вакили сифатида тасвирланган бўлса, бойлар дунёсини ҳаётини тўлақонли ва кенг ёритиш учун Мирзакаримбой, Абдушукур типлари яратилди, деган эди. Танқидчи романни социологик метод асосида таҳлил қилган десак, хато қилмаган бўламиз.

Бахтиёр Назаровнинг Ойбек ижоди бўйича филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган “Ўзбекистонда марксча-ленинча адабий-танқиднинг қарор топишида Ойбекнинг роли” номли диссертациясида ёзувчининг шеърӣ асарларидан йирик асарларигача таҳлил қилишга ҳаракат қилади. У тадқиқотда ойбекшунос олимлар ҳақида фикр юритиб, Ҳомил Ёқубовни Ойбек ижодининг барча қирраларини ёритган олим сифатида тилга олса, Матёқуб Қўшжоновни Ойбекнинг носир сифатидаги ижодини текширганлигини юқори баҳолаган.¹ Танқидчи тадқиқот хулосаларида “олим исботлайди, далиллайди, санъаткор эса ходиса, воқеаларни образларда кўрсатади, уларнинг фарқи шунда”, деган Белинскийнинг фикрларини келтирар экан, Ойбекни ҳам илмий ҳам бадиий тафаккурни бирлаштира олган олимлигини таъкидлаган.²

“Навоий” Ойбек ижодининг қалби³ дея баҳолаган, ойбекшуносликнинг таракқиётида ўз ўрнига эга бўлган, академик Наим Каримовнинг Ойбек асарлари бўйича таҳлиллари муҳимдир. Наим Каримов Ойбекни тарихчи деб атаганда, “Навоий” романининг муаллифи эканлигини назарда тутган. “Инсон барча маҳлуқотнинг тождир. У шарафли, соф, гўзал яшамоғи керак”.⁴ Бу сўзлар Навоийга тегишлидир. Аммо Ойбекнинг инсон ҳақидаги қарашлари ҳам Навоий ғоялари билан суғурилган. Романнинг асосий ғояси ҳам инсон шарафи эканлигини танқидчи бежиз айтмаган.

Наим Каримов Ойбекнинг ушбу романи ўзбек адабиётшунослигида навоийшунослик фанининг вужудга келишига пойдевор бўлганлигини, Навоийни халққа қайтариб берган ёзувчи эканлиги ва бу асар ўзбек адабиётида тарихий-биографик роман жанрига асос солганини айтади. Ушбу роман рус тилида нашр этилгандан сўнг юзлаб миннатдорчилик хатларини олган.

Наим Каримовнинг таъкидлашича, Ойбек Навоий мавзусига қўл урган пайтларда адабий меросга муносабат яхши бўлмаган. Ойбек худди шу даврда бошқалардан фарқли ўларок, Навоий ижодини ўргана бошлади. Ўз олдига улкан вазифа қўйган адиб “романни уруш йили, қиш фаслида, совуқ хонада, жинчирикнинг титроқ шулаъсида ёзганман” дея мақсадига етди. Танқидчи асар тилини ҳам юқори баҳолайди. Асар тили, услуби, бадиий қурилмаси Навоий ва ундаги ҳикматни очиб бера олган. Наим Каримовнинг “Қутлуғ қон” романи ҳақидаги таҳлилларида мустақиллик давридан кейинги сўз эркинлиги, асар ғоясини эркин таҳлил қилиш пайтларида ижод қилгани яққол сезилади. Танқидчи романни 20-аср бошларидаги Миллий уйғониш даврига бағишланган асар дейди. Ойбекнинг ушбу асари ғояларида Туркистондаги Миллий уйғониш ҳаракати бошчиларидан бири бўлган Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг шогирди эканлигининг таъсири борлигини сезиш мумкинлигини айтган. Танқидчи романни социологик ва биографик метод асосида таҳлил қилишга уринган ва унинг ўзидан аввалги ойбекшунослардан фарқи шу эдики, романни мустақиллик ва ҳурликка интилган умидга тўла халқ тасвири дея изохлашида эди. Наим Каримов ушбу романни таҳлил қилишда Ойбек домланинг иқтисодий билимларини жуда юқори баҳолайди. Асарнинг асосий ғояси Йўлчи ва Гулнор муҳаббатини тараннум этиш эмас, балки ночор халқни тасвирлаш орқали ўша даврда халқимиз тарихида икки ижтимоий қатламнинг иккига бўлинишини кўрсатиш мақсади биринчи масала эканини исботлашга уринади. Наим Каримов таҳлиллари ўзидан аввалги танқидчилардан бироз фарқ қилади. Албатта, танқидчининг мустақиллик йилларида ижод қилгани сезилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ойбекнинг “Қутлуғ қон” ҳамда “Навоий” романлари адабиётимизга мисли чакмоқдек кириб келди ва адабий жараёнда танқидчиларимиз томонида ҳолисона баҳоланмоқда. Мунаққидларнинг ҳар бири ўз талқинича, ёзувчининг асарларига муносабат билдирди.

¹ Назаров Б. Ўзбекистонда марксча-ленинча адабий-танқиднинг қарор топишида Ойбекнинг роли. Т., 1971.

² Шу манба.

³ Каримов Н. Ойбек гулшанидан шабадалар. Т., “Маънавият”, 2015.

⁴ Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. Т., “O‘zbekiston”, 2008.

Кимдир уни ўтмишни ёритган дея қораласа, кимдир ёзувчини инсонпарварлик ғояларини тарғиб эта олган олим сифатида эъзозлади. Адабиёт яшар экан, адиб асарларидан талқин ва таҳлиллар яралаверади. Юқоридаги фикрлардан кўринадики, ойбекшуносларнинг ҳар бири ўз таҳлиларини дунёқараши ва йўналишига қараб баҳолаганлар. Ойбекшуносларнинг чуқур таҳлиллари кейинги авлод учун ҳам манба бўлиб хизмат қилди.

**Раҳмонова Хуршида (Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат
Ўзбек тили ва адабиёти университети мустақил тадқиқотчиси)
АДАБИЁТШУНОСЛИҚДА НАСРИЙ АСАРЛАР ПОЭТИКАСИНИНГ ЎРГАНИЛИШ
ТАРИХИГА ДОИР**

***Аннотация.** Бадиий адабиётнинг муҳим воситаларидан бири – бу поэтикадир. Адабиётшунослиқда поэтика кенг қамровли тушунча ҳисобланади. Мақолада жаҳон, рус, ўзбек адабиётшуносларининг поэтикага оид назарий фикрлари, имкон қадар, ўрганилиб, шу асосда ёзувчи Хуршид Дустмуҳаммад ҳикоялари таҳлил қилинган. Адиб ҳикояларидаги образлар бадиияти, уларнинг умумий ва индивидуал хусусиятлари, насрнинг метафорик табиати тадқиқ этилган.*

***Аннотация.** Одно из важнейших средств в художественной литературе это поэтика. В литературоведении поэтика считается очень обширным понятием. В статье изучены теоретические мнения русских, узбекских и мировых учёных литературоведов по поводу поэтики и в связи с этим анализируются рассказы писателя Хуршида Дустмухаммада. Рассматривается художественность образов в рассказах, их общие и индивидуальные свойства, а также метафорическая природа рассказов.*

***Annotation.** Poetics is one of the significant means of belles-lettres fiction. The concept of poetics is considered as widely encircled notion in literary criticism. The article studies theoretical investigations on poetics by the world, Russian, Uzbek scientists in literature and basically analyses the stories by Khurshid Dustmuhammad. Particularly, the article deals with high artistic value of images, their general and special peculiarities, metaphoric features of prose in the stories.*

***Калим сўзлар:** назарий поэтика, илмий образ, бадиий образ, образлилик, образли тафаккур, бадиий умумлашма, индивидуаллик, анъанавий метафоралар, индивидуал метафоралар, эстетик идеал, қахрамон кечинмаси, бадиий асар ғояси.*

***Ключевые слова:** теорическая поэтика, научный образ, художественный образ, образность, образное мышление, художественное обобщение, индивидуальность, традиционные метафоры, эстетический идеал, переживания героя, идея художественного произведения.*

***Key words:** theoretical poetics, scientific image, artistic image, figurativeness, figurative thoughts, artistic generalisation, individualism, traditional metaphors, individual metaphors, aesthetic ideal, the feelings of character, the concept of fiction.*

Дунё адабиётшунослиги таракқиёти жараёнида поэтика атамаси турли даврларда бир неча маънода қўлланган. Антик давр адабиётшунослигида умумий адабиёт ҳақидаги фан поэтика термини билан юритилган. Бунга мисол қилиб Арастуниги «Поэтика» асарини келтириш мумкин. Бу асар бадиий асар ва унинг тилига оид назарий масалаларни ёритишда дастлабки манбалардан ҳисобланади. Асарда юнон адабиётидаги илк реализм назарияси ҳақида маълумот берилган. Буюк ватандошимиз Абу Наср Форобий ҳам ушбу асар таъсирида «Шоирлар санъати қонунлари ҳақидаги рисола»сини ёзган. Кейинчалик санъатнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари, унинг воқеликка бўлган муносабати каби масалалар билан фалсафанинг эстетика соҳаси шуғуллана бошлади. Ўрта асрларда, уйғониш ва классицизм даврларида поэтика шеършунослик ҳамда бадиий нутқни безаш воситаси ва усулларини текшириш билан шуғулланди.

Ҳозирги кунда поэтика (yun. Poietike – poetik san'at) – бадиий асарларда ифода воситалари тизими ҳақидаги фан. Кенг маънода поэтика адабиёт назарияси тушунчасига тўғри келади. Адабиёт назарияси сифатида поэтика адабий тур ва жанрлар хусусиятини, оқим ва йўналишлар, услуб ва методларни ўрганади ҳамда бадиийлик даражаси ўртасидаги ички боғланиш ва ўзаро муносабат қонуниятларини тадқиқ этади.¹ Бундан келиб чиқадики, поэтикани кенгроқ маънода адабиёт илмининг, яъни адабиёт назариясининг қоидаларини ўрганадиган соҳа деб қарашимиз мумкин.

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Биринчи жилд. Тошкент, 2000, 375-бет.

«Поэтика (юнунча: ижод санъати) кенг маънода адабиёт назарияси, тор ва ҳозирда кўпроқ қўлланаётган маънода адабиёт назариясининг таркибий қисми, адабий асар ҳақидаги таълимот».¹ Агар биз поэтикани адабиёт назариясининг таркибий қисми десак, биз илгари сурмоқчи бўлган қарашларга тўғри келади. Поэтика уч таркибий қисмдан иборат.

1. Назарий (умумий) поэтика.
2. Тавсифий (хусусий) поэтика.
3. Тарихий поэтика.

Назарий поэтик (умумий поэтика) ҳар қандай асарнинг бадиий воситалари ва қурилиш қонуниятларини, образлар тизими, сюжети, композицияси, мотивацияси, мисра ва бандлар қурилиши, жанрга, адабий тур ва жинсларга қараб муаллиф ниятининг мужассамланиш усулларини тадқиқ этади. Назарий поэтика термини фанга А.А.Потебня томонидан олиб кирилган. Унинг «Теорическая поэтика» асари фикримизнинг исботидир. Тавсифий поэтика айрим олинган муаллиф асарларининг ёки даврлар ва йўналишларнинг ўзига хос хусусиятини аниқлайди. Тарихий поэтика эса бадиий воситалар тараққиётини (образли ифодалар, шакллар, қофиялар) ва категорияларни (бадиий қилиб берилган замон, макон, ритм) ўрганади. Тарихий поэтика йўналишининг майдонга келишида А.Н.Веселовскийнинг алоҳида ўрни бор. Унинг бу ҳақдаги қарашлари «Историческая поэтика» (Тарихий поэтика) асарида ўз аксини топган.

Адабиётнинг ажралмас қисмларидан бири бўлган поэтика илми ва унинг ривожига Арасту, Ф.Гегел, Ю.Ц.Скалигер, Л.Кастельветро, Т.Тассо, Б.Жонсон, Ж.Шаплен, В.Белинский, П.Корнел, Н.Буало, А.Н.Веселовский, А.А.Потебня, В.Е.Холизев, Б.В.Томашевский, В.М.Жирмунский, М.Бахтин каби жаҳон назарийчи олимлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Файласуф олимлардан бири бўлган Арастунинг «Поэтика» (Нафис санъатлар ҳақида) ҳамда «Риторика» номли асарлари жаҳонда юзага келган энг биринчи адабиёт назариясидир. Ушбу китобда поэзия ҳозирги замон тушунчасидаги шеърят эмас, балки умуминсоний нафосат, санъат қонун-қоидалари баён қилинган адабиёт тушунчаси маъносида келган. Шу билан биргаликда, Арасту барча санъат турларини поэзия деб атаган. Поэзиянинг (адабиётнинг) драма, эпос, лирика каби турлари ва уларнинг қўринишларини тушунтирган, унинг фандан фарқини аниқлаган, трагедия жанрини, характер ва коллизия каби унсурларни тадқиқ этган. Файласуф Арасту шундай ёзди: «Шоир (ижодкор) ҳаётда қандай бўлса, шундай тасвирамабди, деган таънага эътироз билдириб, шуни айтиш мумкинки, шоир ҳаётда қандай бўлиши кераклигини ҳам тасвирайди: Софоклнинг айтишича, у одамларни қандай бўлиши керак бўлса, шундай тасвираган, Эврипидда эса қандай бўлса, ўшандай тасвираган».²

Немис файласуфи Фридрих Гегелнинг санъат ва бадиий ижод ҳақидаги фикрлари эса поэтика илмининг ривожига алоҳида ўрин тутди. Гегель ўзининг «Эстетика» номли китобида эпос, лирика, драматургияга баҳо беради. Унинг фикрича, символик шакл Шарқ образларига мансуб бўлиб, мумтоз шакл эса антик қадимги адабиётга, айниқса, Грецияга тааллуқли, деб тушунтиради. Гегелнинг фикрича, «ҳар қандай бадиий асар ўз даври, халқи, муҳитига дахлдор, ўзига хос алоҳида тарихий ва бошқа тасаввурлар, мақсадлар билан боғланган бўлади».³ Бадиий адабиётнинг пред-мети инсон ҳисобланар экан, у, аввало, ўзи яшаган жамият, табиат, борлиқ билан узвий алоқада ўрганилади. Ҳар бир давр адабиётида ўша замон жамиятининг онг даражаси акс этади. Шу билан бирга, бадиий адабиёт ўзи акс эттирган ғоялар билан кишилар қалбида, руҳига кучли таъсир ўт-казиб, уларда янги-янги қарашлар, фикрлар туғилишига, уларнинг маънавий жиҳатдан бойишига, онгнинг ўсишига хизмат қилади. Шу маънода, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Ғафур Ғулом, Одил Ёқубов, Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам миллий анъаналарни, ҳам жаҳон тажрибасидаги янгиликларни ўзлаштирган ҳолда маълум бир давр ҳақида ёзган, замондош образини яратаётган адиблардандир.

Бадиий асар асосини ташкил қиладиган образ тушунчаси қадимги даврдан то ҳозирга қадар поэтиканинг муҳим белгиси бўлиб келган. Зеро, бадиий образ барча санъат асарларининг ўзига хос хусусиятини белгиловчи воситадир. «Санъаткор бадиий образ воситасида дунёни англайди, ўзи англаган моҳиятни ва ўзининг англонаётган нарсага ҳиссий муносабатини ифодалайди. Шу маъ-

¹ Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. Т., Академнашр, 2013, 233-бет.

² Арасту. Ахлоқи кабир. Поэтика. Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2018, 65-бет.

³ Георг Вильгелм Фридрих Гегель. Эстетика. Санъат ва бадиий ижод фалсафаси. Тошкент, 2012.

нода образ адабиёт ва санъатнинг фикрлаш шакли, усули саналади».¹ Гегель айтганидек, санъат ва адабиёт образлар орқали фикрлаш демакдир. Гегель санъатнинг, айниқса, образнинг ўзига хослиги ҳақида тўхталар экан, шундай ёзади: «...у, биринчидан, қандайдир мазмун, чунончи, муайян хис-туйғу, вазият, воқеа, ҳатти-ҳаракат, индивидни; иккинчидан, шу мазмунни тасвирловчи усулни назарда тутати».² Бундан келиб чиқадики, ўзига хослик, хусусийлик белгилари образ ташийдиган мазмунда ва уни (ўзига хос) ифодалаш усулларида намоён бўлади.

Адабий-назарий қарашлар тарихида рус танқидчилари В.Белинский, А.И.Герцен, Н.Г.Чернышевский, Н.А.Добролюбов, М.Е.Салтиков-Шчёрдин алоҳида бир босқични ташкил этдилар. Улар санъатнинг халқчиллик, миллий ўзига хослик, оригиналлик, ғоявий-бадиий бир бутунлик, образлилик каби хусусиятларни атрофлича очиб бердилар. В.Г.Белинскийнинг назарий асарларида бадиий образ – бадиий эстетиканинг муҳим таркибий қисми саналади. Белинский бадиий образ ҳақида шундай деб ёзади: «Санъатдаги энг олий предмет инсон ҳисобланаркан, демак, «образ» атамаси инсонга (бадиий асардаги инсонга) нисбатан қўлланиши маъқулдир. Образ бадиий тўқима ёрдамида яратилган, эстетик қиймат касб этган инсон ҳаётининг умумлашма, айни чоғда, аниқ манзарасидир».³ Ҳозирги замон адабиётшунослигида эса образ деганда нафақат инсон, балки бошқа жонли ва жонсиз предметлар ҳам назарда тугилади. «Бадиий образ борлиқнинг (ундаги нарса, ходиса ва ҳ.к.) бадиий асардаги акси»⁴, дейди адабиётшунос Дилмурод Қуронов. Аммо олимнинг бадиий образларда умумийлик ва индивидуаллик каби қарашлари Белинский қарашларига ҳам оҳангдир. «Бадиий образнинг хусусиятлари ҳақида сўз кетганда, биринчи галда, унинг индивидуаллаштирилган умумлашма сифатида намоён бўлиши хусусида тўхталиш зарур. Маълумки, воқеликдаги ҳар бир нарса-ходисада турга хос умумий хусусиятлар билан бирга, унинг ўзигагина хос хусусиятлар мужассамдир».⁵ Адабий асарда тасвирланган бадиий образ умумлашма натижасигина бўлмай, айни чоғда, конкретлаштириш, индивидуаллаштириш маҳсули ҳамдир. «Шу маънода, конкретлилик – бадиий образнинг спетсифик хусусиятларидан бири саналади».⁶ Чунки ёзувчи бадиий образни индивидуал хусусиятлари билан кўрсатиш орқали конкретлаштиради, образга жонлилик, ҳаётчилик, табиийлик бахш этади. Китобхон ҳиссиётига таъсир қилади, уни ишонтиради.

Адиб Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам XX асрнинг биринчи ярми мудҳиш даврларда яшаб, азоб-уқубатларга бардош берган ўзбек халқининг мард ўғлонлари қиёфасини умумлаштириб, ватанпарвар образини яратди. Булар: «Қазо бўлган намоз» ҳикоясида Миркомилбой, «Тўхтасинбойнинг бойликлари» ҳикоясида Тўхтасинбой, «Умид гули» ҳикоясида Абдурауф Фитрат, «Ёлғиз» қиссасида Абдулла Қодирий каби ўз даврининг илғор фикрли, зиёли инсонларидир. Булар характерида, табиатида умумий белгилар бўлиши билан бир қаторда, ҳар бирининг фақат ўзигагина хос бўлган хусусиятлари, фикрлари, орзу-армонлари борки, бу нарса образнинг индивидуаллик табиатини намоён қилади. Белинский маълум бир халқ образини яратишда ўша халқнинг фикрлаш тарзи, дини, тили билан биргалликда, урф-одатлари ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаб: «Урф-одатлар халқнинг қиёфасидир, уларсиз халқ – қиёфасиз образдир, беҳуда ва амалга ошмайдиган ҳаёлдир»,⁷ ҳаёлдир»,⁷ деб ёзади. Хуршид Дўстмуҳаммад яратган образлар орасида ҳам урф-одатларни, анъаналарни қадрлайдиган образларни учратиш мумкин. Булар «Беозор қушнинг фарёди» ҳикоясида Қадриянинг онаси, «Шабада» ҳикоясида Мирсайид тоға, «Куза» қиссасида Умид образларидир. Бу инсонлар миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида яшайдиган, одамгарчиликни ҳар нарсадан устун деб билгувчи инсонлар образидир.

Бадиий сўзда дунё яшайди. Сўз оддий мулоқот қуролидан образга, образ эса образлар тизими, образлар тизими бадиий ҳақиқатга, бадиий ҳақиқат эса ижодкор концепциясига айланади. Сўз бадиий образга айланишида ўзида ҳам мазмуний, ҳам шаклий жиҳатдан катта эстетик юкни олади. «...оддий илмий образ билан бадиий образни фарқлаш лозим. Агар илмий образ аввал ақлга ва ақл орқали ҳисга таъсир кўрсатса (баъзан умуман ҳисга таъсир кўрсатмаслиги ҳам мумкин),

¹ Дилмурод Қуронов. Адабиётшуносликка кириш. Т., Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2004, 62-бет.

² Георг Вильгелм Фридрих Гегель. Эстетика. Санъат ва бадиий ижод фалсафаси. Тошкент, 2012, 29-бет.

³ Тимофеев.Л. Основы теории литературы. М., 1971, с. 62–63.

⁴ Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. Т., Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2004, 63-бет.

⁵ Шу манба. 63-бет.

⁶ Ўша китоб. 64-бет.

⁷ Белинский. В.Г. Адабий орзулар. Т., Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977, 7-бет.

бадий образ аввал ҳисга, ҳис орқали ақлга таъсир кўрсатади. Оддий аксиома сажиясидаги бу ҳақиқатни алоҳида таъкидлашдан мақсад – бадий адабиётнинг ҳам ўз миқёсида билишга алоқадор вазифаси мавжудлини эслатишдан иборатдир”.¹ Материал эстетика нуқтаи назаридан, “оромкурси” сўзи ҳаётдаги ўриндик, ўтириш, дам олиш учун мўлжалланган предмет, буюм маъносини англатади. Бу сўзни табиий ҳолда алоҳида эшитсак, унинг бизга ҳиссий таъсири деярли йўқдек туюлади. Аммо ана шу сўзни туйғулар, дардлар, аламлар билан тўйинтириб, ҳаётини вазиятга мослаб айтсак, у тўлақонли бадий образга айланади. Масалан, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Катта кўча” ҳикояси ҳамда “Оромкурси” кассасида “оромкурси” сўзи кишини ўйлантирувчи, инсон қайғу-аламларини ўзига сингдиргувчи дардкаш ҳамроҳ образи сифатида намоён бўлади. Ёзувчи ҳикоя қаҳрамони С.Алиевич ҳаётида оромкурсининг қанчалик аҳамияти борлигини ифодалаб берган. “...курси эса бурунгидек хизмат курсиси, оромкурсилик вазифасини арава-курсилик вазифасига алмаштириб, садоқатли хўжайинига яна-да мустаҳкам суянчиққа айланди. С.Алиевич икки-уч даъфа толиққаниданми, асаблари қақшаганиданми, кўз олди қоронғулашиб, гангиб қолаёзганида арава-курсига боши-елкаси аралаш суяниб нафас ростлади, ўзини ўнглаб олди”.²

Демак, оромкурси қаҳрамоннинг энг оғир, аламли пайтида унга суянчиқ бўлди. “Ҳар бир инсон ўзича қанчалар сир-синаотларни кони бўлса, у эгаллаб ўтирган курси ҳам шунчалар айтиб бўлмайдиган ажобтовур саргузаштларга тўлиб-тошиб ётибди”.³ Шунинг таъкидлаш керакки, оромкурси сўзи қаҳрамон кечинмалари билан мулоқотга киришгач, яхлит образга айланади. Чунки оддий табиий нарсанинг номини ифодаловчи сўз ижодкор ҳаёли, дарди, кечинмаси билан суғорилиб китобхон қалбига, ҳиссига таъсир қилувчи жонли образга айланади.

Бадий образнинг муҳим хусусиятларидан яна бири унинг метафориклиги саналади. Адабиётшунос Саримсоқов Баҳодир бу ҳақида шундай дейди: “Бадий кўчимлар ичида метафора (истори) жуда катта ўрин эгаллайди... Сўзнинг истиоравий кўчимига асосланган бадий тасвир ва ифода ўта даражада фавқулоддалик касб этади. Натижада вужудга келган образнинг таъсирчанлиги юксак бўлади”.⁴ Яна бир адабиётшунос Дилмурод Куронов эса: “метафориклик” деганда бадий образнинг бир нарса моҳиятини бошқа бир нарса орқали очишга интилиши, санъатга хос фикрлаш йўсини тушунилади”,⁵ деб таъриф беради. Ёзувчи воқеликдаги нарса-ҳодисанинг ҳаммага кўриниб турган ташқи ўхшашлигига эмас, балки одамлар назаридан яширин ички ўхшашлигига таянган ҳолда фикрлайди. Масалан, Чўлпон гўзал образи ва инсон эрки-озодлиги, Абдулла Қаҳҳор халқни алдаётган амин, пристав образлари билан ўғрилар, Абдулла Орипов тилла балиқча билан ўз қобиғига ўралиб яшаётган одамлар, Саид Аҳмад онгсиз йиртқич ҳайвон бўри билан ўз юртидан, элидан, иймон-этиқодидан мосуво бўлган Бўрибой образи ўртасида ўхшашликлар топади. Ўз навбатида, Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам “Жажман” ҳикоясида бозорга кирволиб, ҳамма озукани еб битираётган тўртоёқли ғалати махлуқ билан инсоннинг битмас-туганмас орзу-ҳаваслари, нафси ўртасидаги ўхшашликни кашф қилиши – метафорик фикрлаш натижасидир. Бундан келиб чиқадики, образни метафориклик, яъни мазмунни яширин асосида тасвирлаш китобхонни шу асарнинг мазмун-моҳиятини англаб етиш учун бироз ақлни чархлашига, асар ҳақида мантиқий фикрлашга ундайди.

Адабиётшунос Баҳодир Саримсоқов метафораларни яратилиш тарзига кўра иккига ажратади: 1. Анъанавий метафоралар. 2. Индивидуал метафоралар.

Анъанавий метафоралар аллақачонлар яратилиб, тил мулкига айланган ва ижодкорлар уларга тез-тез мурожаат қилиб турадилар.... Индивидуал метафоралар эса у ёки бу ижодкор томонидан илк бор яратилиб, унинг кўчма маъноси ҳам кўпчиликка у қадар маълум бўлмайди”.⁶ Демак, индивидуал метафораларда ижодкорнинг тафаккури, воқеликка бўлган муносабати, ҳислари, эстетик идеали мужассамлашган бўлади. Шунингдек, муайян бадий асар ғоясини, мазмунини баҳолаш ана шу индивидуал метафорик образлар моҳиятини, уларда жамланган ҳиссий қувватни тўғри англаш орқали амалга ошади. Адиб Хуршид Дўстмуҳаммад ҳикояларида ҳам индивидуал метафорик образларни учратишимиз мумкин. Фикримизни исботи сифатида адибнинг “Жажман” ҳи-

¹ Саримсоқов Б.И. Бадийлик асослари ва мезонлари. Т., 2004, 35-бет.

² Хуршид Дўстмуҳаммад. Қичқирик. Катта кўча ҳикояси. Т., 2014, 161-бет.

³ Шу манба. 159-бет.

⁴ Саримсоқов Баҳодир. Бадийлик асослари ва мезонлари. Т., 43-бет.

⁵ Куронов Дилмурод. Адабиётшуносликка кириш. Т., Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 2004, 66-бет.

⁶ Саримсоқов Баҳодир. Бадийлик асослари ва мезонлари. Т., 49-бет.

коюсида жажман, “Қоялардан баландда” хикоясида бургут, “Ўн биринчи эшик” хикоясида очилмайдиган эшик образларини мисол қилиб келтиришимиз мукин. Демак, асарнинг бадиийлигини таъминлашда оддий тил метафоралари билан бир қаторда индивидуал метафоралар ҳам фаол иштирок этади. Индивидуал метафоралар эса кўчим даражаси, хиссий чуқурлиги, фавқулодда образлилиги, бетакрорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Истиоранинг бу тури ижодкор учун юксак фалсафий-эстетик хулосалар қилишга кўплаб имкон беради.

Адабиётнинг асосий вазифаларидан бири воқеликни эстетик жиҳатдан ўзлаштириш ва китобхонга эстетик ҳиссиёт уйғотишдан иборатдир. Бу эса образ ва образли тафаккур асосида амалга ошади. Шу сабабдан бадиий образ қадимдан хозирга қадар турлича тасниф ва талкин қилинган назарий тушунча саналади. Бадиий образлар орқали ҳар бир ижодкорнинг дунёқараши, услуби, бадиий ғояси, мақсади унинг асарларида ўз ифодасини топади.

**Бекмурадова Зебинисо Эркиновна (Қарши Давлат университети
ўқитувчиси, e-mail: bekmuradovazebiniso4@gmail.com)
ВИКТОР ГЮГО – ФРАНЦУЗ РОМАНТИЗМИНИНГ МАНИФЕСТИ**

***Аннотация.** Ушбу мақолада буюк француз ёзувчиси Виктор Гюгонинг ижодий фаолияти, асарларининг бадиий қиммати ва ифода усуллари ҳақида гап боради. Француз адабиётида романтизм оқимининг пайдо бўлишида Виктор Гюгонинг сермахсул ижодига қатор таърифлар келтирилган.*

***Аннотация.** В статье исследуется творческая деятельность, художественная ценность и средства выразительности в творчестве великого французского писателя Виктора Гюго, приведен ряд примеров, обосновывающих плодотворность творчества Виктора Гюго в появлении романтического направления во французской литературе.*

***Annotation.** This article deals with the creative career of great French writer Victor Hugo and literary value of his works and implementation of stylistic device in them. Critical reviews are given to Victor Hugo's creative career as the founder of Romanticism in French Literature.*

***Калим сўзлар:** романтизм, романтика, романтик адабиёт, романтик услуб.*

***Ключевые слова:** романтизм, романтика, романтическая литература, романтический стиль.*

***Key words:** romanticism, romance, romantic literature, romantic style.*

XIX аср Фарбий Европа адабий жараёни умумжаҳон адабиёти тарихидаги мураккаб ҳодисалардан бири бўлган, зеро, бу давр жамиятида рўй берган йирик ижтимоий-сиёсий воқеалар (1789 – 94 йиллардаги француз демократик инқилоби, Париж коммунаси) адабиёт ва санъатга ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Мазкур давр адабий жараёни турли адабий оқимлар ва йўналишларнинг бирга, деярли бир пайтда мавжуд бўлиши билан ажралиб туради.

Аср боши Франция адабиётида турли адабий оқимлар ва йўналишлар, метод ва услубларни кузатиш мумкин. Жумладан, ҳали ҳам Франция маърифатпарварлик ғоялари билан яшар, мамлакатнинг маданий-маърифий ҳаётида Декарт, Дидро ва Вольтер ғоялари давом этар, шу билан бирга, театрда, драматургияда XVII асрдаги ҳукмрон метод – классицизм ўз ўрнини бўшатиб беришни истамасди.¹

Классицизмга илк зарбани Виктор Гюго (1802–1885) ва Стендаль (1783–1842) бердилар. Бу зарбалар деярли бир пайтнинг ўзида рўй берди – 1823 ва 1825 йилларда Стендалнинг “Расин ва Шекспир” трактатлари чоп этилди, 1827 йил эса Виктор Гюго ўзининг “Кромвель” трагедиясини эълон қилди. Ушбу тарихий драманинг муқаддимаси француз романтикасининг манифестига айланди.² Табиатда ва санъатда содир бўлаётган ҳаракат ва ривожланишни аниқ ҳис этган Гюго, инсоният турли асрларда бошдан кечириётганини, уларнинг ҳар бири ўзига хос санъат турига (лирик, эпик ва драматик) эга эканлигини таъкидлади. Классицизмга берилган зарба бўйича В.Гюгонинг “Кромвель” 5 пардадан иборат шеърий усулда ёзилган трагедияси алоҳида ўрин тутди. У ўзининг “Кромвель”га ёзган “Сўз боши”сида классицизм ўз умрини яшаб бўлганлигини, у энди бундан бу-

¹ Гюго В. Девяносто третий год. Собрание сочинений в 10-ти томах, том 10, М., изд. «Правда», 1972, с. 92.

² Л.Г.Андреев, Н.П.Козлова, Г.К.Косиков. История французской литературы. Москва, «Высшая школа», 1987, с. 302.

ён адабиёт, айниқса романтизм ривожланишига тўсқинлик қилишини баён қилган. Зеро, Гюго уч бирлик қоида (замон, макон ва ҳаракат бирлиги) каби классицизм қонунларига қарши чиқади. У ҳақли равишда “йигирма тўрт соат билан сунъий равишда чекланган ҳаракат дахлизда чекланган ҳаракат каби кулгили” деб ҳисоблайди. Шунингдек, адибларга тўсқинлик қилиши, уларнинг имкониятларини чеклаб қўйишини маълум қилди. Чиндан ҳам, бу қоидага асосан? саҳнага қўйилган асар бир маконда, яъни бир декорация билан ижро этилиши, ҳаракат узвий бўлиши ва воқеалар фақат бир кечаю бир кундуз ичида – йигирма тўрт соат давомида рўй бериши лозим эди.

В.Гюгонинг “Кромвель” трагедиясида баён қилинган воқеалар тарихий ҳақиқатга асосланган бўлиб, улар XVII асрда Англияда рўй берган. Кромвель 1599–1658 йилларда яшаган, дастлаб, Англия парламентининг депутаты, сўнг ҳарбий қўмондон. Французлар ва голландияликларга қарши курашларда қаҳрамонлик кўрсатган. Бироқ кейинги пайтларда қирол билан унинг ўртасида келишмовчилик рўй берган. Кромвель бошчилигида қиролга қарши кўтарилган сиёсий исён 27 (йигирма етти) соат давом этган. Гюгонинг саҳна учун ёзилган бу трагедияси шу сифат классицизмнинг уч бирлик қоидаларидан бирини – замон бирлигини бузган. Бу трагедия орқали театрда ҳам романтизм тамойиллари қўлланилишига йўл очилган.

XIX аср адабиётида Виктор Гюго ижоди алоҳида ўринга эга. Гюго, дастлаб, лирик шоир сифатида майдонга чиқди. Бироқ у бутун ҳаёти давомида турли жанрларда йирик асарлар яратганига қарамай, шеърятдан, асло, воз кечмади. У ўзининг илк “Ода ва балладалар” номи остида чиққан шеърый тўплами ҳар доим – йилдан-йилга тўлдирилиб, турли номлар остида ўн марталаб нашр эттирди. В.Гюгонинг замондоши Шарль-Огюстен Сент-Бёв ёзишчи, айтишга арзирли француз шоирлари Ронсан Матюрен Ренье ва Андре Шенье Лафонтен, анча илгари ўтган Эжен Потье ва Пьер Беранже лирик эмас, сиёсий курашчи шоирлар, Альфред де Мюссе, драматик ва лирик поэзияда эса Сент-Бёв замонида В.Гюгонинг ўзи француз шеърятининг ҳам ёрқин юлдузи бўлиб турган эди. Сент-Бёв ўз замондошларига, В.Гюго романлари ҳақида ёзганида икки жилддан иборат “Одалар ва балладалар” ини мақтаб ўтади.¹

В.Гюго поэзияда ҳам, драматургияда ҳам, прозада ҳам романтизм руҳида инсон кадр-қимматини, халқ манфаатларини ҳимоя қилиб, монархия вакиллари, роялистларининг жаҳолатга, разолатга ботганлигини, шафқатсизлигини кўрсатади. В.Гюгонинг романтизм ва реализм энг кучли уйғунлашган асарларидан бири тарихий мавзудаги “Тўқсон учинчи йил” романидир. Романда халқ озодлик кучлари – хаворанглар аёл-онани ва унинг уч норасида болаларини вандеячи – қиролпарастларнинг қамоғидан қутқариш учун Тург қасри минорасини қамал қиладилар. Романда эрини роялистлар отиб ўлдирган, ўзи ҳам отилиб, чалажон бўлиб қолган она образи – Ватан образи даражасида умумлаштирилган. Онанинг ҳали яхши-ёмонни билмайдиган уч ширинтой гўдаклари – Франция келажаги бўлиб, роман матнида турли оғир вазиятларни кўрсатган баён, диалог, лирик ва публицистик, фалсафий ўй-мулоҳазалар усулида берилади. Асарда монархиячи роялистларнинг етакчиси, бурбонлар оила аъзоси, маркиз Лантенак ўта ақлли, жасур саркарда бўлган. Лекин бу ёрқин, тўғриси, қоронғу шахс ўз куч-қудратини халқ бахти учун эмас, балки халқ тахтдан ағдарган золим монархни, қиролни қайта тиклаш учун сарфлайди. Ёши етмишдан ошиб, кексайиб қолса ҳам, маркиз Лантенак куч-ғайрати, пўлат иродаси, ўткир ақли, саркардалиқ маҳорати билан Вандея вилояти шаҳар ва қишлоқлардаги юз минглаб, миллионлаб деҳқонларни қироллик ҳимояси учун жангга сафарбар қила олади. У шафқатсизлик билан “Республикачиларни, жангда асирликка олиб ўтирмай, қириб ташланг!” деб фармон беради, кўнгли бўшлиқ қилганларни ўзи отиб ташлайди. В.Гюго маркиз Лантенакнинг нутқи ва фикрлашида қирол абсолютизми ёвузлигини равшан очиб беради.

Вандеяда денгиз соҳилларида монархиячи роялистлар республикачиларга қарши тарқоқ кучларни жангга солиш учун келган маркиз Лантенакни кутадилар. У келиб, бир зумда қўшинни тартибга солиб, жангга тайёрлайди. Булар монархияни тиклаш учун Англиядан ҳарбий ёрдам сўрайди. У қирол душманларидан кўра, хорижий душманлар яхши, деб ўйлайди. Англия денгиз қўшинлари соҳилга туша олмасин, деб, республикачилар армияси бошлиғи ёш, мохир саркарда Говен қўшин билан етиб келиб, соҳилни эгаллайди. Маркиз Лантенак Вандеяда республикачиларни қириб ташлаб, Англия кемаларига йўл очишга интилади. В.Гюго ўша йил (1793) Франция револю-

¹ Андре Моруа. Олимпио, или жизнь Виктора Гюго. Перевод с французского Н.Немченовой и М.Трескунова. Москва, «Радуга», 1983, с. 13.

² Роялистлар – монархия бошқарув шакли тарафдорлари ёки маълум бир монархни қўллаб-қувватловчилар.

цияси тақдири ўлим хавфи остида қолганини кўрсатади.

Даҳо санъаткор В.Гюго бу икки душман саркардаларни, маркиз Лантенакни ва ёш коммуна генерали Говенни ота-ўғил эканлигини кўрсатади. Фуқаролар уруши авж олиб, ота ҳам, ўғил ҳам бир-бирини қўлга тушса, отиб ташлашга фармон берадилар. Маркиз Лантенак Сомонлик қишлоғини ҳам, жангда ўзини мудофаа қилган ўғлининг жангчилари бўлган республикачиларни ҳам қуршаб, қамал қилиб, ёндириб юборади. Эртасига роман қаҳрамонларидан бири, гадо қиёфасида юрган Тельмарш ўрмонларда чангалзор оралаб, келиб, олисдан бурксиган тутунларни кўради. В.Гюго бу фожиа тасвирида тутун ҳақида лирик чекиниш қилади: “Тутун – агар оила ўчоғида қозон қайнатса, нақадар ширин. Тутун – агар уй-жойлар ва одамлар ёқиб ташланса, нақадар аччиқ. Мехмондўстлик ўчоғида ёнаётган олов бўлса биродарларни яқинлаштиради. Тутун агар одамларнинг бахту иқболини бир зумда йўқ қилиб, уй-жойлардан дарахтзорларга ўтса, нақадар дахшатли”.¹

Энди тонг оқараётганида бу ерга келган гадо қуёш шафағи акс этаётган ариқ-ариқ бўлиб оқётган қонни кўриб дахшатдан қотиб қолди. Сал ўтмай, йўқолган ва уларни кейин республикачилар боқиб олибди, ҳозир Сомонлик қишлоғида жангчилар орасида экан, деб эшитган она ҳам фарзандларини излаб келиб, гўдақлари ҳам ёниб битибди, деб, фиғони кўкка етади.

В.Гюго романда республикачи, коммуначи етакчилари Марат, Робеспьер, Дантон ва бошқалар ўртасида ҳам бирлик йўқлигини, ўзаро душманлик бошланганини, бу эса революцияни мағлубиятга учратиш мумкинлигини ўша даврнинг минглаб ҳужжатларини яхши ўрганган ҳолда, конвент мажлисларидаги баҳс-мунозараларда, аёвсиз, мурасасиз фармонларда, революция етакчиларининг оташин нутқларида акс эттирадики, бу ерда В.Гюго ижодида кучайган реализм ҳам француз романтизмнинг услубий тамойилларидан бири эканлигини кўрсатади.

Биз унинг “Кромвель” тарихий трагедияси ҳақида гапириб ўтдик. Умуман, Гюго драматургияси ва унинг театрда романтизмнинг қарор топишидаги аҳамияти бебаҳо бўлди. “Эрнани” пьесаси сахнага қўйилиши чоғида (1827 йил) театрда эскилик ва янгилик тарафдорлари ўртасида ҳақиқий тўс-тўпалон – қўл жанги бўлиб ўтди, театрга катта зарар етказилди. 30-йиллардаги Гюго драмалари монархияга қарши қаратилди.² Бу даврда адиб “Қиролнинг дилхуши”, “Рюи Блаз” каби драмаларини яратди.

В.Гюгонинг ижодида романтизм ва реализм услублари уйғунлашиб кетган. Бунга унинг қатор романлари – “Париж Биби Марям ибодатхонаси”, “Кулаётган киши”, “Бюг Жаргаль”, “Хўрланганлар” ва “Денгиз заҳматқашлари” мисол бўла олади.

Гюго “Париж Биби Марям ибодатхонаси” романида XV аср воқеаларига мурожаат этгани бежиз эмас. Чунки бу мамлакат ҳаётида туб бурилиш даври – ўрта асрлардан Уйғониш даврига ўтиш даври бўлган эди. Адиб тарихий воқеалар силсиласи орқали ўша кескин ва ўзгарувчан давр манзарасини акс эттирар экан, унда барча даврларга хос умуминсоний ғояларни, оддий инсон қисмати, унинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинлигини тараннум этади, ҳукмдор табақа вакиллари ва диндорларнинг ғайриинсоний қилмишларини фош этади, бир сўз билан айтганда, эзгулик ва ёвузлик қурашини юксак бадий маҳорат билан тасвирлайди.

“Инсоният олға силжиши учун ҳар доим ҳаётий муаммолар олдида мардонавор жасорат кўрсатмоғи керак. Тиришқоқлик, муваффақиятсизликка бўйсунмаслик, ўзига содиқ қолиш, кўркмаслик, хавф-хатарни қуролсизлантириш, катта ғалабага эришиш, қатъий туриш – булар одамларга керак бўлган сабоқлардир. Виктор Гюгонинг “Хўрланганлар” романи шундай ёзилган бўлиб, унда жасоратга даъват этувчи ғоялар ва келажакда ғалаба қозонишига бўлган ишонч билан дунё халқларига доимий мурожаатлари бу оловли чизиқларда жуда ёрқин акс этган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Гюгонинг қарийб барча асарларидаги ёрқин тасвирлари орқали ўқувчи оддий деҳқонлар, оддий ҳунармандлар, мағрур аристократлар, умуман, француз буржуа жамиятидаги чиркин ўйинлар билан бирга соф инсоний туйғулар тўғрисида кўп нарсаларни билиб олишлари мумкин.

¹ Гюго В. Десянесто третий год. Собрание сочинений в 10-ти томах, том 10, М., изд. «Правда», 1972, с. 92.

² Музаффар Аҳад. Озод Ватан – қисмати эди (Виктор Гюго ҳаёти ва ижоди). “Жаҳон адабиёти” журнали, 2013 йил, 2-сон (февраль). 181–182-бетлар.

G'ofurova Mahfuza Abbosovna (FarDU)

**BERILGAN MASALADAN YANGI MASALA HOSIL QILISH ORQALI O'QUVCHILARDA
MATEMATIK KOMPETENSIYANI SHAKLLANTIRISH**

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada boshlang'ich sinflarda masala tuzishga ijodiy yondashish usullari yoritilgan. Maqolada matn masalalarni tahlil qilish, ularni yechish yo'llari, shuningdek, masala yechishda ma'lum va noma'lum ongli idrok qilish usullari yoritildi. Maqolada, shuningdek, masalaning sharti bo'yicha tizimli ishlash, masalani yechishda solishtirib taqqoslashdan foydalanildi.*

***Аннотация.** В данной статье освещены способы творческих подходов к решению задач в начальной школе. В статье освещены способы анализа текстовых задач, их решения, а также способы их осознанного восприятия, известные и неизвестные при решении задач. В статье также раскрывается методика системной работы над условием задач, использование сравнений, сопоставлений в решении задач.*

***Annotation.** This article covers the ways of creative approaches to solving problems in primary school. In this article, the methods of analysis of text problems, their solutions, as well as ways of their conscious perception, known and unknown in solving problems were covered. The article also reveals the method of systematic work on the condition of problems, the use of comparisons in solving problems.*

***Калим сўзлар:** masala tuzish, masalaning qisqa yozuvi, masala sharti, matnli matematik masalalar, muammoli vazifa, muammoni hal etish.*

***Ключевые слова:** составление задач, краткая запись, задачи, вопросы задач, условие задач, текстовые математические проблемы, проблемные задачи, решение проблемы.*

***Key words:** forming a task, brief writing of task, condition of task, condition of task, text-based mathematical problems, problematic task, problem solving.*

Masalalar yechish matematika o'qitishning muhim tarkibiy qismidir. Masalalar yechmasdan matematikani o'zlashtirishni tasavvur qilib bo'lmaydi. Masalalarni har xil usullar bilan yechish o'quvchilarning mantiqiy tafakkurini rivojlantirish imkonini beradi, ularda masala yechishlarida uchraydigan qiyinchiliklarni yengish uchun qat'iylik va matonatlikni tarbiyalaydi.

O'quvchilar, imkoni boricha, mustaqil ravishda qonuniyat va munosabatlarni ochishni, layoqati yetadigan darajada umumlashtirishlar qilishni o'rganishlari, shuningdek, og'zaki va yozma xulosalar qilishni o'rganishlari kerak. Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish xuddi shunga yo'naltiriladi hamda o'qitishda nazariy saviyani oshirish ochiq oydin ifodalangan, nazariyani amaliyot bilan uzviy bog'lash muhim ahamiyatga egadir.

Matematik kompetensiya – bu kundalik holatlarda vujudga keladigan muammolarni hal etish uchun matematik mushohada yurita olish va uni qo'llay olish qobiliyatiga ega bo'lish. Hisob-kitoblarni amalga oshirishning rivojlangan ko'nikmalariga tayangan holda asosiy urg'u tafakkur yuritish, bilim va malakalarga beriladi.

Matematik kompetensiya – turli darajada matematik mushohada yurita olish hamda ma'lumotlarni taqdim etish usullarini puxta egallash va qo'llashni o'z ichiga oladi. Kompetensiyaviy yondashuv asosida ta'lim berish sharoitida o'qituvchilarning o'z faoliyatiga yondashuvi ham o'zgarishi kerak. Hozirgi davrda o'qituvchi darslik bilan birgalikda o'quvchilarga “obyektiv bilimlarni” yetkazuvchisi bo'lib qolmay, balki o'qituvchining asosiy vazifasi o'quvchilarda tashabbuskorlik va mustaqillilik hissini hosil qilish, ularning har biri uchun o'zining iqtidori va qiziqishini amalga oshira oladigan rivojlantiruvchi muhitni yaratishdan iborat.

Bir masalani bir nechta har xil yechimini topishni o'quvchilar bilan individual ishlashning samarali usullaridan biri deb qarash mumkin. Haqiqatdan ham, masalaning turli xil yechilish usullarini topishga doir topshiriqni bajarish har bir o'quvchiga o'z qobiliyatini ko'rsatish imkonini beradi. Ba'zi o'quvchilar masala yechishning bir usulini, ba'zi o'quvchilar ikki usulini, ba'zi o'quvchilar esa ko'p sondagi yechish usullarini topadilar. Biz bolalarga bitta masalani bir necha xil usullar bilan yechishni o'rgatsak, ularning fikrlash doiralari, bilish qobiliyatlarini, masalaga bo'lgan qiziqishlarini yanada orttirgan bo'lamiz. O'quvchilarda masala yechish bilan bir qatorda, masala tuzish malakasini hosil qilish kerak. Berilgan masala asosida yangi masala tuzishga doir topshiriq orqali o'quvchilarda o'z-o'zini rivojlantirish, mustaqil qaror

qabul qilish, fikrlash qobiliyatlarini o‘stirish kabi natijalarga erishish mumkin.¹

Hozirgi davr talabiga ko‘ra o‘quvchilarni faqatgina tayyor masalani yechibgina qolmay, balki o‘quvchilar o‘z oldiga muammolar qo‘yishi, bu muammolarni hal etish uchun masalalar tuzishlari hamda ularni hal qilish yo‘llarini izlashi zarur. Shunda o‘quvchilarning matematik kompetensiya elementlarini shakllantiriladi va rivojlantiriladi. Biz quyida o‘quvchilarni dastlab masala tuzishga o‘rgatishimiz kerak. Shu usullardan ba‘zilarini ko‘rsatib o‘tamiz.

1. Masalaning shartini o‘zgartirish. Masalan, “Oralaridagi masofa mana shuncha kilometr bo‘lgan ikki shahardan bir-birlariga qarab ikki avtomobil bir vaqtda yo‘lga chiqdi. Avtomobillarning tezliklarini aniqlang”. Bu masalani yechgandan keyin o‘quvchilarga masofani topish talab qilinadigan masalani yoki vaqtni topish talab qilinadigan masalani tavsiya qilish mumkin.

1-masala. Velosipedchi 3 soat yo‘l yurganidan keyin, yana 48 km yo‘l yurishi kerak. Agar hamma yo‘l 84 km bo‘lsa, u qanday tezlik bilan yurgan?

Yechish:

$$84-48=36 \text{ km} \quad 36:3=12 \text{ km/s} \quad \text{Javob: } 12 \text{ km/s tezlik bilan harakatlangan.}$$

Bu masalani yechgandan keyin o‘quvchilarga masofani topish talab qilinadigan masalani yoki vaqtni topish talab qilinadigan masalani tavsiya qilish mumkin.

1) velosipedchi manzilga yetish uchun 12 km/s tezlik bilan 3 soat harakatlandi. Agar u manzilga yetish uchun yana 48 km yo‘lni bosib o‘tishi kerak bo‘lsa, jami yo‘l necha kilometr?

$$\text{Yechish: } 12 \cdot 3=36 \text{ km} \quad 36+48=84 \text{ km} \quad \text{Javob: jami yo‘l } 84 \text{ km.}$$

2) velosipedchi manzilga yetish uchun 12 km/s tezlik bilan avval 36 km, keyin 48 km yo‘lni bosib o‘tdi. Velosipedchi butun yo‘lga qancha vaqt sarflagan?

$$\text{Yechish: } 36+48=84 \text{ km} \quad 84:12=7 \text{ s} \quad \text{Javob: } 7 \text{ soat sarflagan}$$

2-masala (4-sinf, 67-bet, 298-masala).

Tuya 4 kunda 80 km yo‘l yurdi. Tuya qanday tezlik bilan yurgan?

$$80:4=20 \quad \text{Javob: } 20 \text{ km/s}$$

Bu masalani yechgandan keyin o‘quvchilarga masofani topish talab qilinadigan masalani yoki vaqtni topish talab qilinadigan masalani tavsiya qilish mumkin.

1) tuya 20 km/s tezlik bilan 4 kun yurdi. Tuya necha km yo‘l yurgan?

$$20 \cdot 4=80 \quad \text{Javob: } 80 \text{ km.}$$

2) tuya 20 km/s tezlik bilan 80 km yo‘l yurdi. Tuya necha kun yurgan?

$$80:20=4 \quad \text{Javob: } 4 \text{ kun yo‘l yurgan.}$$

3-masala (2-sinf, 155-bet, 2-masala).

49 kg meva bor edi. Murabbo tayyorlash uchun 20 kg, sharbat tayyorlash uchun 19 kg meva ishlatildi. Necha kilogramm meva ortib qoldi?

$$20+19=39 \quad 49-39=10 \quad \text{Javob: } 10 \text{ kg meva ortib qoldi.}$$

Bu masalani yechgandan keyin o‘quvchilarga jami mevaning massasini topish talab qilinadigan masalani yoki ishlatilgan mevalarning massasini topish talab qilinadigan masalani tavsiya qilish mumkin.

1) 49 kg meva bor edi. Mevalardan murabbo va sharbat tayyorlandi. Murabbo tayyorlash uchun 20 kg ishlatildi va 10 kg meva ortib qoldi. Sharbat tayyorlash uchun necha kg meva ishlatilgan?

$$20+10=30 \quad 49-30=19 \quad \text{Javob: } 19 \text{ kg meva ishlatilgan.}$$

2) oshxonada bir necha kilogramm meva bor edi. Uning 20 kilogrammidan murabbo va 19 kilogrammidan sharbat tayyorlandi. So‘ngra 10 kg meva ortib qoldi. Oshxonada necha kilogramm meva bo‘lgan?

$$19+20+10=49 \quad \text{Javob: } 49 \text{ kg meva bo‘lgan.}$$

2. Berilgan savol bo‘yicha masala shartini tuzish. Masalan, o‘qituvchi o‘quvchilarga “Ikkala omborda necha tonna don bor?” degan savoldan iborat bo‘lgan masala tuzish topshirig‘ini beradi. O‘quvchilar shartlari turlicha bo‘lgan masalalarni tuzadilar, noma‘lumni topish uchun qanday ma‘lumotlar berilgan bo‘lishligini aniqlaydilar. Ular tuzilgan har bir masalani mustaqil yechadilar.²

1. O‘qituvchi o‘quvchilarga “Jami necha kilogramm olma terishgan?” degan savol bo‘yicha masala tuzish topshirig‘ini beradi. o‘quvchilar shartlari turlicha bo‘lgan masalalar tuzadilar.

¹ Jumayev M.E, Tadjiyeva Z.G. Boshlang‘ich sinflarda matematika o‘qitish metodikasi (darslik). Toshkent, “Fan va texnologiya”, 2005, 83-bet.

² N.U.Bikbayeva, R.I.Sidelnikova, G.A.Adambekova. Boshlang‘ich sinflarda matematika o‘qitish metodikasi (metodik qo‘llanma). Toshkent, “O‘qituvchi”, 1996, 14-bet.

1-masala.

1) Nodir o'rtog'lar bilan ta'til kunlari bobosiga ko'maklashish maqsadida boqqa bordi. Ular birgalikda birinchi kuni 46 kg olma terishdi. Ikkinchi kuni Nodir bobosi bilan birinchi kundagidan 18 kg kam olma terishdi. Jami necha kilogramm olma terishgan?

Yechish:

1-kuni 46 kg

2-kuni $46-18=28$ kg

Jami $46+28=74$ kg

Javob: jami 74 kg olma terishgan.

2) bog'dan o'quvchilar har biri 6 kg bo'lgan 4 ta chelakda olma terishdi. Jami necha kilogramm olma terishgan?

Yechish:

$6 \cdot 4=24$

Javob: 24 kg olma terishgan.

3) maktab bog'ida o'quvchilar meva terishga ko'maklashishdi. O'g'il bolalar 38 kg, qizlar esa ulardan 11 kg kam meva terishdi. O'quvchilar jami necha kilogramm olma terishgan?

Yechish:

O'g'il bolalar—38 kg

Qizlar— $38-11=27$ kg

Jami— $38+27=65$ kg

3. Son ma'lumotlarni yoki ularning o'zgarishini tanlash. Bunday hollarda o'quvchilarga son ma'lumotlar tushirib qoldirilgan masalalarning to'la matni beriladi. O'quvchilar qanday ma'lumotlarni birdaniga, qaysilarini esa hisoblash yo'li bilan qo'yish mumkinligini aniqlaydilar. Ayniqsa, masalani boshqacha usul bilan yechish mumkin bo'lgan ba'zi son ma'lumotlarni almashtirishga doir mashqlar o'quvchilarda katta qiziqish uyg'otadi.¹

1-masala. 1) har qaysi likopchada 2 tadan nok qo'yildi. 10 ta nok nechta likopchaga qo'yildi?

Ortib qolgan nok bormi?



$10:2=5$

Javob: 5 ta likopchaga qo'yildi.

2) yuqoridagi masalada 10 sonini 7,8,9 sonlari bilan almashtiring va rasmdan foydalanib, o'zingiz yangi masala tuzib yeching.²

Har qaysi likopchaga 2 tadan nok qo'yildi. 7 ta nok nechta likopchaga qo'yilgan? Ortib qolgan noklar soni nechta?

$7:2=3$ 1 qoldiq

Javob: 3 ta likopchaga qo'yilgan bitta nok ortib qolgan.

Har qaysi likopchaga 2 tadan nok qo'yildi. 8 ta nok nechta likopchaga qo'yilgan? Ortib qolgan noklar soni nechta?

$8:2=4$

Javob: 4 ta likopchaga qo'yilgan.

Har qaysi likopchaga 2 tadan nok qo'yildi. 9 ta nok nechta likopchaga qo'yilgan? Ortib qolgan noklar soni nechta?

$9:2=4$ 1 qoldiq

Javob: 4 ta likopchaga solingan bitta nok ortib qolgan.

Endi o'quvchilarga son ma'lumotlari tushirib qoldirilgan masala beriladi.

2-masala. Sevara birinchi kitobni ... soatda, ikkinchisini ...soatda o'qib chiqdi. Agar birinchi kitob ikkinchisiga qaraganda ... bet ko'p bo'lsa, Sevara bir soatda necha bet o'qigan?

Bu matndan foydalanib o'quvchilar quyidagicha masal tuzishlari mumkin:

1-masala. Sevara birinchi kitobni 8 soatda, ikkinchisini 6 soatda o'qib chiqdi. Agar birinchi kitob ikkinchisiga qaraganda 56 bet ko'p bo'lsa, Sevara bir soatda necha bet o'qigan?

Yechish:

$8-6=2$

$56:2=28$

Javob: 28 bet kitob o'qigan.

2-masala. Sevara birinchi kitobni 5 soatda, ikkinchisini 2 soatda o'qib chiqdi. Agar birinchi kitob ikkinchisiga qaraganda 30 bet ko'p bo'lsa, Sevara bir soatda necha bet o'qigan?

Yechish:

¹N.U.Bikbayeva, R.I.Sidelnikova, G.A.Adambekova. Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasi (metodik qo'llanma). Toshkent, "O'qituvchi", 1996, 234-bet.

² N.Abdurahmonova, L.O'rinboyeva. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 2-sinfi uchun darslik. «Yangi yo'l Poligraf Serviz», Toshkent, 2018, 114-bet.

$$5-2=3 \quad 30:3=10 \quad \text{Javob: 10 bet o'qigan.}$$

3-masala. Sevara birinchi kitobni 9 soatda, ikkinchisini 7 soatda o'qib chiqdi. Agar birinchi kitob ikkinchisiga qaraganda 50 bet ko'p bo'lsa, Sevara bir soatda necha bet o'qigan?

Yechish:

$$9-7=2 \quad 50:2=25 \quad \text{Javob: 25 bet o'qigan.}$$

4. Analogiya bo'yicha masalalar tuzish. O'quvchilar berilgan tayyor masalani yechganlaridan keyin nafaqat masalaning mazmuni, balki kattaliklar (masalan, masofa, vaqt, tezlik) ham o'zgaradigan masalalar tuzishga kirishadilar.¹

1) tikuvchilik firmasida 7 ta kostum tikish uchun 28 m mato sarflandi. 39 ta shunday kostum tikish uchun necha metr mato kerak bo'ladi?

$$\text{Yechish: } 28:7=4 \quad 39:4=156 \quad \text{Javob: 156 metr.}$$

2) tikuvchilik firmasida 184 m mato bor. Agar bitta kostyum uchun 4m mato sarflansa, berilgan matodan nechta kostyum tikish mumkin?

$$\text{Yechish: } 184:4=46 \quad \text{Javob 46 ta}$$

3) tikuvchilar 7 ta kostyum tikish uchun 28 m mato sarflandi va yana 39 ta shunday kostyum tikildi. Hammasi bo'lib qancha mato sarflangan?

$$\text{Yechilishi: } 28:7=4 \quad 39:4=156$$

5. Teskari masalalar tuzish. O'quvchilar masalada berilgan miqdorlar bilan noma'lum miqdorlarning o'rinlarini almashtirib (xuddi teskari teoremani ifodalashga o'xshatib), yangi masala matnini ifoda qiladilar va uni yechish yo'llarini izlaydilar.

1-masala. 64 dona olxo'ri 4 ta likopchaga teng taqsimlab qo'yildi. Likopchalarga nechtadan olxo'ri qo'yilgan?

$$\text{Yechilishi: } 64:4=16 \quad \text{Javob: 16 ta olxo'ri.}$$

Endi o'quvchilar masalada berilgan miqdorlar bilan noma'lum miqdorlarning o'rinlarini almashtirib, yangi masala matnini ifoda qiladilar va uni yechadilar.

64 dona olxo'ri likopchalarga 16 tadan qo'yib chiqildi. Olxo'ri nechta likopchalarga qo'yilgan?

$$\text{Yechilishi: } 64:16=4 \quad \text{Javob:4 ta likopcha}$$

2-masala. 72 ta daftar sinf o'quvchilariga 2 tadan tarqatildi. Sinfda nechta o'quvchi bo'lgan?

$$\text{Yechilishi: } 72:2=36 \quad \text{Javob: 36 nafar o'quvchi.}$$

O'quvchilar masalada berilgan miqdorlar bilan noma'lum miqdorlarning o'rinlarini almashtirib, teskari masala tuzadilar:

72 ta daftar 36 nafar o'quvchilarga tarqatildi. Har bir o'quvchiga nechtadan daftar tarqatildi.

$$\text{Yechilishi: } 72:36=2 \quad \text{Javob: 2 tadan daftar.}$$

3-masala. Haydovchi tirkamali yuk mashinasida 12 tonna g'alla keltirdi. Tirkamada 8 tonna g'alla bor edi. Yuk mashinasining o'zida qancha g'alla bo'lgan?

$$12-8=4 \quad \text{Javob: 4 tonna g'alla bo'lgan.}$$

O'quvchilar masalada berilgan miqdorlar bilan noma'lum miqdorlarning o'rinlarini almashtirib, quyidagi teskari masalalarni tuzishlari mumkin bo'ladi.

1) yuk mashinasida 4 tonna g'alla bo'lgan. Tirkamada esa 8 tonna g'alla bor edi. Haydovchi tirkamali yuk mashinasida necha tonna g'alla keltirgan?


$$8+4=12 \quad \text{Javob: 12 tonna g'alla keltirilgan.}$$

2) haydovchi tirkamali yuk mashinasida 12 tonna g'alla keltirdi. Yuk mashinasida 4 t g'alla bor edi. Tirkamaning o'zida necha tonna yuk bo'lgan?

$$12-4=8 \quad \text{Javob: 8 tonna yuk bo'lgan.}$$

6. Rasm va chizma asosida masala tuzish. O'quvchilar oldindan tayyorlab qo'yilgan har xil ko'rinishdagi tasvirlar (jadval, graf-sxema va shunga o'xshashlar)ga asoslanib, masalalarning matnlarini ifoda qiladilar va ularni yechishga kirishadilar.

1-masala. Rasm asosida masala tuzing va uni yeching.



1) 4 ta likopchanning har birida 3 tadan olma bor. Likopchalardagi jami olmalar nechta?

¹N.U.Bikbayeva, E.Yangabayeva, K.M.Girfanova. To'rtinchi sinf matematika darsligi. Toshkent, "O'qituvchi", 2017, 3-bet.

Yechilishi: $3 \cdot 4 = 12$ Javob: 12 ta olma.

2) 12 ta olma 4 ta likopchaga teng qo'yildi. Har bir likopchada nechtdan olma bor?


Yechilishi: $12 : 4 = 3$ Javob: 3 tadan olma.

3) 12 ta olma likopchalarga 3 tadan qo'yildi. Olmalar nechta likopchaga qo'yilgan?

4) yechilishi: $12 : 3 = 4$ Javob: 4 ta likopcha.

“Rasmga qarab masala tuzing” degan misollarni yechishda ulardan “yangi masalalar hosil” qilishda axborot texnologiyalardan qanday qilib foydalanish yo'llarini ko'rib chiqish maqsadida quyidagi masalani olaylik:

6-masala (4-sinf).



O'quvchi har biri 150 so'mdan 5 ta rasm daftari va 6 ta daftari sotib oldi. Hammasiga 900 so'm to'ladi. Bitta daftari necha so'm turadi.

Yechish:

1) 5 ta rasm daftari necha so'm?

$$150 \cdot 5 = 750 \text{ so'm};$$

2) oltita daftari necha so'm?

$$900 - 750 = 150 \text{ so'm};$$

3) Bitta daftari necha so'm?


$$150 : 6 = 25 \text{ so'm}$$

Javob: 25 so'm

Masalaning sonli ifodasi $(900 - 150 \cdot 5) : 6$.

Shundan so'ng videopreoeaktor orqali ekranda yuqoridagi masalani quyidagi shakli ko'rinadi:

Bu masala shartini o'zgartirib quyidagi masalalarni hosil qilish mumkin:



1-masala. O'quvchi har biri 25 so'mdan 6 ta daftari va 5 ta rasm daftari sotib olib, hammasiga 900 so'm to'ladi. Bitta rasm daftari qancha turadi.

Yechish:

1) oltita daftari necha so'm turadi?

$$25 \cdot 6 = 150 \text{ so'm}$$

2) beshta rasm daftari necha so'm turadi?

$$900 - 150 = 750 \text{ so'm}$$

3) bitta rasm daftari necha so'm turadi?


$$750 : 5 = 150 \text{ so'm}$$

Javob: 150 so'm

Masalaning sonli ifodasi $(900 - 25 \cdot 6) : 5 = 150$.

2-masala

Hammasi necha so'm turadi?



O'quvchi har biri 150 so'mdan beshta rasm daftar va har biri 25 so'mdan oltita daftar sotib oldi. O'quvchi hammasi bo'lib necha so'm to'ladi?

Yechish:

1) beshta rasm daftar necha so'm turadi?

$$150 * 5 = 750 \text{ so'm};$$

2) oltita daftar necha so'm turadi?

$$25 * 6 = 150 \text{ so'm};$$

3) o'quvchi hammasi bo'lib necha so'm to'ladi?

$$750 + 150 = 900 \text{ so'm}$$

Javob: 900 so'm

Masalaning sonli ifodasi: $150 * 5 + 25 * 6 = 900$.

Shu yo'l bilan bitta masaladan turli yangi masala hosil qilinadi. Shundan so'ng o'quvchilar shu hildagi masalalarni yecha oladilar.

Natijada o'quvchilar:

a) rasmga qarab masala tuza oladilar.

Berilgan masaladan bir necha shartlar asosida yangi masala hosil qilish mumkin.

Masala. Farg'ona va Guliston shaharlari orasidagi masofa 360 km. Poyezda 6 soatda Gulistonga yetib bordi. Poyezd qanday tezlik bilan yurgan?

$$\text{Yechish: } 360:6=60 \quad \text{Javovob : } 60 \text{ km}$$

Teskari masala. Gulistondan Farg'onaga kelishi uchun poyezdda 360 km masofa bosib o'tishi kerak edi. Poyezd 60 km/s tezlik bilan yursa, Karim Farg'onaga qancha vaqtda yetib keladi?

$$\text{Yechish: } 360:60 =6 \quad \text{Javob: } 6 \text{ soat}$$

Son ma'lumotlarini o'zgartirish

Karim 90 km/s tezlik bilan harakatlanayotgan poyezdda Farg'onadan Gulistonga 5 soatda yetib bordi. Farg'ona va Guliston o'rtasidagi masofa qancha?

$$\text{Yechish: } 90*5=450 \quad \text{Javob: } 450 \text{ km/s}$$

Masalani asosiy shartini o'zgartirish

Karim 60 km/s tezlik bilan harakatlanadigan poyezdda Farg'onadan Gulistonga 6 soatda yetib keldi. Agar u qaytishda 90 km/s tezlik bilan harakatlanadigan tez yurar poyezdda qaytsa, Farg'onaga qancha vaqtda yetib boradi?

Yechish:

$$60*6=360 \quad \text{Javob: } 4 \text{ soat.}$$

$$360:9=4$$

Savol bo'yicha masala tuzish. Agar poyezd belgilangan joyga belgilangan muddatda yetib borgan bo'lsa, poyezd qanday tezlik bilan harakatlangan?

Содиқов Ҳамид Махмудович (Жиззах Давлат педагогика институти

Умумий педагогика кафедраси катта ўқитувчиси)

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ-НУТҚ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ТЕХНОЛОГИЯЛАР

***Аннотация.** Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириши технологияларини ишлаб чиқиши ва уни талабалар билан ишлашда текшириши, бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришининг юқори даражаларига таъсир кўрсатувчи шароитларни аниқлаш ҳақида гап боради.*

***Аннотация.** В данной статье речь пойдет о разработке технологии развития коммуникативно-речевой культуры будущих учителей и ее изучение в работе со студентами, об определении*

обстоятельств, влияющих на высокий уровень развития коммуникативно-речевой культуры будущих учителей.

Annotation. This article is focused on the development of technology for the development of communicative and speech culture of future teachers and its study in working with students, on determining the circumstances that affect the high level of development of communicative and speech culture of future teachers.

Калим сўзлар: ўқитувчи, нутқ маданияти, таълим технологиялари, фаолият, билим, кўникма, малака, мулоқот, фикр.

Ключевые слова: учитель, культура речи, образовательные технологии, деятельность, знания, навыки, общение, мнение.

Key words: teacher, speech culture, educational technologies, activity, knowledge, skill, qualification, communication, opinion.

Коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришда, айниқса, сўнгги йилларда ёрқин намоён бўлган технологияларнинг алмашиши, шунингдек, янги технологиялар тарғиботи муаммонинг долзарблигини оширади.

Агар технологияларни қўллаш амалиётидан келиб чиқсак, унда коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган оптимал технологияларни аниқлаш асосли ҳисобланади. Агар умумпедагогик принциплардан келиб чиқилса, унда технологияларни мазмун илмийлиги, уларнинг объективлиги даражаси ва самаралилигига боғлиқ бўлган принциплар ҳолатларнинг бирлиги билан боғлиқ бўлган методик усуллар тизими сифатида таърифлаш асосли ҳисобланади. Таълим технологияларини танлашда ўзаро бир-бири билан боғлиқ катталиклар сифатида таълим мақсадлари ва шароитларининг муносабатидан келиб чиқиш керак: таълим шароитлари мақсадни танлашни тартибга солади, таълим мақсади эса ўқитишнинг тегишли шароитларини яратишни талаб этади. Бу диалектик бирликнинг асосий бўғини ҳисобланади.¹

Таълим жараёнини жадаллаштириш ва талабаларни тайёрлашни такомиллаштириш ҳамда уларнинг касбий тайёргарликлари муаммоси қатор вазифаларни ҳал этишни кўзда тутаяди. Коммуникатив-нутқий фаолият кўникма ва малакаларига талаблар талабаларнинг коммуникатив-нутқий ривожлантириш оптимал моделлари ва технологияларидан фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий таълимнинг шахсга йўналганлиги мутахассисларни тайёрлашда инсоний, инсонпарварлик омилининг устуворлиги билан боғлиқ. Бундан таълимни инсонпарварлаштиришнинг мақсади – шакллантириладиган шахс ўз-ўзини кузатиш, ўз ҳаётий муҳитини моделлаштириш қобилияти, шахсий ҳаётий мазмунли вазифаларни ҳал этишга ёрдамлашиш кўламини кенгайтиришдан келиб чиқаяди.²

Педагогик таълим тизимини ривожлантиришда замонавий тенденциялар педагогик кадрларни тайёрлашга концептуал ва техник ёндашувларни қайта кўриб чиқишни талаб этади, чунки ҳозирги вақтда касбий тайёргарликда бўлажак педагогнинг анъанавий мактабга мослашиши ғояси устунлик қилади. Таълим муассасалари амалиёти эса ўзгача талабларни қўяди – кўп вариантли таълимий муҳитда касбий фаолиятнинг индивидуал моделини куриш, шахсий педагогик имиджини яратиш қобилиятини талаб этади.

Ўқув фаолиятини коммуникатив таъминлаш ишончлилиги ва психологик қулайлик муҳитини яратаяди. Мулоқот педагогик фаолият дидактик вазифаларни ҳал этишда аҳамиятли роль ўйнайди.

Таълим жараёни тузилишида икки тизим остини белгилаш мумкин: дидактик (мазмунли) ва коммуникатив (шакл ҳосил қилувчи), бундай ажратиш фақатгина мавҳумлаштириш мумкин, ҳақиқатда ушбу тизим остилар ягона яхлитни акс эттирадилар. Дидактик мазмунли тизимости бевосита коммуникатив-шакл ҳосил қилувчи, дидактик компонентлар орқали амалга оширилади. Ўқув фаолияти самарали бўлиши учун материал, ўқитиш методларининг ўзи етарли эмас. Ҳар бир дидактик таъсир кўрсатиш коммуникатив таъминлашга эга бўлиши керак.³

Бўлажак педагогнинг коммуникатив-нутқ маданиятини амалга ошириш мақсадида ўқув маш-

¹ Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. Тошкент, ТГПУ, 2003.

² Джураев Р.Х. Таълимда интерфаол технологиялар. Тошкент, 2010.

³ Жаббаков В.Е. Педагогическое мастерство учителя физической культуры. Учебное пособие, Челябинск, изд-во Южно-Уральского ГПУ, 2016.

ғулотлари тизимида етакчи метод сифатида ўқув мунозара қўлланилиб, у педагог ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларини умуман ўзгача даражасини назарда тутаяди, янги билимларни эгаллашга, маълум муаммо бўйича фикрлар алмашишга, шахсий фикрини мустаҳкамлашга қўмаклашади.

Коммуникатив ёндашув ўқув жараёнининг ўзгача технологик усулларини ташкил этишни талаб этади, уларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Талаба – ахборот манбаи. Мазкур усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда талаба ўқув машғулотлари тизимида ўрганилаётган муаммо бўйича манба сифатида ифодаланади. Коммуникация кўникмаси турли шакллар ва вариантларда ўқув ахборотларини алмашилиш асосда ривожланади, улардан баъзиларини келтириб ўтамиз:

– ўрганилаётган муаммо бўйича мустақил иш жараёнида талабалар қатор тезисларни билдирадидилар, бу эса кейинги диалогнинг манбаи ҳисобланади;

– диалог режимида билдирилган тезислар бўйича масалалар муҳокама этилади, бу билан барчани ўзаро муносабатларга ундайдилар;

– муҳокама этилаётган муаммонинг ижобий томонларини асосли исботлайдилар, оппонентларни ўз нуқтаи назарининг ҳақлигига ишонтирадидилар;

– ўз фикрларини мантикий изчилликда ифодалайдилар.

Мазкур усулни амалга ошириш билишга оид мустақилликни фаоллаштиришга, ўқиш ва нутқий фаолият мотивациясини оширишга ёрдам беради. Бунинг натижасида талабаларда мулоқотчанлик даражаси ошади, баҳс олиб бориш кўникмаларини эгаллайдилар, фикрлаш фаолиятини бошқаришни ўрганадилар.

Мулоқот жараёнида талаба бўлажак касбий фаолиятида мулоқот субъекти сифатида ўзини, шахсий сифатларини англайди. Талабага қатор саволларга жавоб бериш таклиф этилади:

Нимани тушунди? Мулоқот жараёнида нима қизиқиш уйғотди? Нима ёқди? Бошқалар билан ўзаро муносабат жараёнида ўз шахсида нималарни кашф этди?

Мазкур усул орқали ўқитувчи ва талабалар ўртасида қайта алоқа ўрнатилади ва бу ўқитувчига ҳар бир талабанинг индивидуал фаолиятини тартибга солишга ёрдам беради.¹

Нутқ – бу ўзаро боғлиқ коммуникациянинг асосий компоненти. Нутққа қўйилган талаблар ва уларни баҳолаш мезонлари мавжуд. Улар қуйидагилар: нутқни ижро этиш тавсифи; нотик методининг табиийлиги; вазияти қандай; имо-ишоралари ўринлими; у ўзига ишонадими.

1. Нутқнинг ифодалилиги қуйидагича изоҳланади:

1. Овози етарли янграйдими? 2. Гавда ҳолати табиийми? 3. Аудитория билан алоқа ўрнатганми? 4. Материал эса сақлаш учун яхши ўзлаштирилганми?

Шу тариқа, ОТМ ўқув-тарбиявий жараёнида бўлажак ўқитувчининг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётда текширишдир. Қуйидагилар биз учун бошланғич қоидалар ҳисобланди:

– касбий шаклланиш жараёнида талабаларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш технологияси барча мутахассисликдаги бўлажак ўқитувчилар учун мақбул бўлиши керак;

– бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш узлуксиз ва узвий бўлиши керак.

Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш жараёни умумтаълим ва касбий мактаб узлуксизлиги тизимларига риоя этиш асосида қурилади. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш жараёнини такомиллаштириш ОТМ ўқитувчилари коммуникатив-нутқ маданиятининг юқори даражасини белгилайди. Педагог фаолияти объекти сифатида педагогик жараён тўғрисидаги назарий қоидалардан келиб чиқиб, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ривожланишлари жараёнида талабаларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш жараёнида бўлажак фаолият объектига эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришда қуйидаги вазифаларни ҳал этишимиз лозим.

• Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишлари мазмуни ва тузилишини аниқлаш; бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш технологияларини ишлаб чиқиш ва уни талабалар билан иш-

¹ Халиков А.А. Педагогик маҳорат. Дарслик, “Iqtisod-moliya”, Тошкент, 2011.

лашда текшириш; бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришнинг юқори даражаларига таъсир кўрсатувчи шароитларни аниқлаш; тажриба-синов ишларининг барча босқичларида талабаларда коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш жараёни динамикасини аниқлаб, ушбу жараёни таърифлаш.

ОТМ ўқитувчилари мазкур босқичда бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятилари компонентларини ривожлантириш учун ўқув фанлари имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш учун талабалар билан ишларни мақсадга мувофиқ равишда куришлари, уларнинг индивидуал хусусиятларини ўрганишлари лозим. Биринчи босқич доирасидаги бутун ўқув-тарбиявий жараён педагогик фаолиятга ижобий муносабатни шакллантиришга йўналтирилиши керак.¹

Талабаларни нафақат ўқитилаётган фанни чуқур ўрганишга мақсадга мувофиқ равишда йўналтириш, балки бўлажак ўқитувчиларни ўқувчи шахсини ривожлантириш мақсадида мактаб педагогик жараёнининг энг кенг имкониятларидан фойдаланиб, ўқув шахси билан ишлашга йўналтириш ҳам зарур. Бунинг учун эътиборни «ўқитувчи-ўқувчи» тизимида хайрихоҳлик, инсонпарварлик, демократик ўзаро муносабатларга қаратиш зарур.

Шундай қилиб, биринчи босқич бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш учун дастлабки шартларини яратишга имкон беради. Мазкур босқич талабаларнинг ОТМдаги биринчи ўқув йилларига тўғри келади ва кейинги босқичлар учун асос ҳисобланади.

Иккинчи (“назарий”) босқичда талабалар ижтимоий, психологик-педагогик, маданий, махсус фанларни ўрганиш давомида, фаолият ва шахс тўғрисида назарий билимлар тизимини, илмий билиш методологиясини, яхлит педагогик жараён назариясини эгаллайдилар, касбий-педагогик фаолият маданиятини, ўзининг бўлажак касбий фаолиятини таҳлил қилиш методикасини эгаллайдилар. Мазкур босқичда талабаларнинг қобилиятлари ривожланади, мустақил педагогик фаолиятга эҳтиёж, «ўқитувчи-ўқувчи» тизимида инсонпарварлик, демократик, конструктив ўзаро муносабат методи шаклланади ва ўқув-тарбиявий фаолиятда ундан фойдаланиш бўйича билим, кўникма ва малакалар эгалланади.

Учинчи босқич (“интеграцияловчи”) фикримизча, яхлит педагогик жараён назарияси бўйича билимлар тизимини шакллантириш ва такомиллаштиришга, аввалги босқичларда тўпланган назарий билимларни амалий қўллаш бўйича кўникмаларни ишлаб чиқишга қаратилиши лозим. Бўлажак ўқитувчи ўз фаолиятини ва бутун педагогик жараёни таҳлил қилиши лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, таълим жараёнини жадаллаштириш ва талабаларни тайёрлашни такомиллаштириш ҳамда уларнинг касбий тайёргарликлари муаммоси қатор вазифаларни ҳал этишни кўзда тутади. Коммуникатив-нутқий фаолият кўникма ва малакаларига талабалар талабаларнинг коммуникатив-нутқий ривожлантириш оптимал моделлари ва технологияларидан фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади.

Анаркулова Гўзал (Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети
Инглиз тили интеграллашган курси 1-кафедраси ўқитувчиси)

ЧЕТ ТИЛ ТАЪЛИМИДА БАҲОЛАШ ЖАРАЁНИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Аннотация. Ушбу мақолада чет тилларни ўқитишда баҳолаш жараёнини самарали ташкил этиш ва баҳолаш индикаторларини шакллантириш масаласи таҳлил қилинган. Муаллиф таълим жараёнини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари масаласига бағишланган олим-тадқиқодчиларнинг тадқиқот ишлари ва фикрларини таҳлил қилиб, уларни ушбу мақолада акс эттирган.

Аннотация. В данной статье анализируется эффективность процесса оценки при обучении иностранным языкам и формирование показателей оценки. Автор анализирует результаты исследований и мнения исследователей о показателях и критериях оценки образовательного процесса и представляет их в данной статье.

Annotation. This article analyzes the effectiveness of the assessment process in the teaching of foreign languages and the formation of assessment indicators. The author analyzes research findings and opinions of researchers on the indicators and criteria for evaluating the educational process and presents them in this article.

Калим сўзлар: чет тил таълими, баҳолаш, таълим сифати, баҳолаш кўрсаткичлари, ме-

¹ Халиков А.А. Педагогик маҳорат. Дарслик, “Iqtisod-moliya”, Тошкент, 2011.

зонлари.

Ключевые слова: обучение иностранным языкам, оценка, качество образования, показатели оценки, критерии.

Key words: foreign language education, assessment, quality of education, assessment indicators, criteria.

Юртимизда таълим самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларида таълим олаётган бўлгуси мутахассисларнинг билим даражаси, касбий компитентлигини ривожлантириш, касбга бўлган эътибор ва уларни меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассислар бўлиб етишишлари учун зарурий шарт-шароитлар яратиш муҳим масалалардан бири бўлмоқда ва шунинг баробарида кадрлар билимини баҳолаш, таълим муассасаларининг ўқитиш фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш ҳам долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Жумладан, етишиб чиқаётган кадрлар фаолияти самарадорлиги ва рақобатбардошлилиги уларнинг хорижий тилларни мукамал эгаллаши ва ўз фаолияти давомида узвий фойдаланиши билан боғлиқдир. Бугунги кунда юртимизда рўй бераётган тезкор ўзгаришлар, ривожланиш даврида ҳар бир олий таълим муассасасини битираётган ёш мутахассис ўз фаолиятини хоҳ тадбиркор, тадқиқотчи олим, тиббиёт ходими ёки ўқитувчи-мураббий бўлсин, хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва улар билан мулоқот фаолиятини олиб бормасдан, ривожлантириш мушкул эканлигини яхши англайди.

Шундай экан, биз тайёрлаётган мутахассислар шунчаки битирувчи эмас, етук мутахассис бўлмоғи зарурлигини ҳис этишимиз, таълим самарадорлигини ошириш борасида зарурий чора-тадбирлар кўрмоғимиз лозим. Шу ўринда, юртимизда чет тил таълими ва унинг самарадорлигини ошириш борасида мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданок мунтазам эътибор берилаётгани, қатор қарорлар ва фармонлар қабул қилинаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жамиятда фаровон турмуш қуриш, инсон зотиға муносиб гўзал ҳаёт барпо этиш, аввало, шу жамият аъзолари бўлган комил одамларға, келажак баркамол авлодға боғлиқдир. “Агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт – жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият-марифат ва сиёсий онг етуклиги унинг руҳи, ақли ва жонидир.

Чет тилни эгаллашға бўлган иштиёқ қуйидаги жиҳатлар орқали кўриб чиқилиши мумкин: тилни оғзаки ўрганишға бўлган иштиёқ яъни, дунёнисаёҳат қилиш, бошқа мамалакатлар урф-одатлари, яшаш тарзи ёки тарихини ўрганиш мақсадида тил ўрганиш ва таълим мақсади. Масалан, чет тилни ўрганилаётганда оғзаки нутқ таълим мақсади сифатида алоқа воситаси ҳисобланади. Оғзаки нутқдан фойдаланиш жараёни чет тили ўрганилаётганини англади ва бу эса таълим олувчиларда чет тилда берилган мавзуга қизиқиш ва у билан шуғулланишда муайян малакаға эришаётганини англашиға келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 август, 610-сонли “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, узлуксиз таълим тизимининг барча босқичларида ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларига ўқитиш сифатини таъминлаш, чет тилларида эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, ушбу йўналишдаги ўқув дастурларининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш, чет тилларини билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизимини ривожлантириш асосида малака сертификатига эга бўлган ўқувчилар, талабалар ва педагогларға имтиёзлар бериш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қатор чора-тадбирлар белгилаб берилди.¹

Олий таълим тизимида баҳолаш масаласи бугунги кунда долзарб аҳамиятға эга экан, ушбу жараён ҳам дунё олимлари эътиборидан четда қолган эмас. Улардан (М.П.Афанасев, ИК.Кейман, А.И.Севрук, А.И.Субетто, В.А.Селезнева, Ю.П.Адлер, В.Качалов, А.М.Новиков, Д.А.Новиков, Т.В.Терентева, М.Н.Кулакова ва бошқалар) ва хорижий олимлар (П.Якобсон, Л.Харвей, Д.Тиммерман, Е.В.Балатский, Ж.Болтон, Ф.Букстеин ва бошқалар)нинг кўплаб асарлари² ўзига хослиги билан

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 август, 610-сонли “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. 2017 йил 11 август, 610-сон.

² Афанасьева М.П., Кейман И.С., Севрук А.И. Управление качеством в образовательном учреждении. Стандарты и мониторинг в образовании. 1999, №1, с. 35–38; Качалов В.А. Стандарты ИСО 9000 и пробле-

ажралиб туради. Уларнинг ҳар бири таълимни баҳолаш, бир-бирини тўлдиришга ўз нуктаи назари-ни таклиф қилади.

К.П.Моҳананнинг таъкидалашича, олий таълимда ўқитиш қуйидаги хусусиятларни ўзида на-моён қилади: ўқитиш – бу талабаларга дарс бериш фаолияти, таълим – бу таълим олувчиларга би-лимларни узатиш фаолияти ва ўқитиш – ўқувчиларга нимадир ўргатиш. Ўқитиш жараёни ва би-лимларни узатиш жараёни ўқув жараёнининг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади. Бироқ ўқи-тиш фаолияти ўрганишга олиб келмаса, ҳеч қандай таълим берилмаган ҳисобланади. Худди шун-дай, агар таълим сифатли бўлмаса, таълим муваффақиятсизликка учрайди.¹

Таълимнинг самарадорлиги энг аввало бўлажак мутахассисларга чет тилни ўргатаётган му-аллимларнинг педагогик маҳорати ва касбий билимларига бевосита боғлиқ бўлгани ҳолда, чет тил таълими сифатини баҳолашда таълим берувчиларнинг:

–ишлаш кўрсаткичлари;

–услубий ресурслари;

–жамоавий фаоллиги;

–талабалар билимини ўқув йили давомида баҳолаш босқичлари (оралиқ, якуний баҳолаш) жараёнида ўзаро ҳамжиҳатлиги, кафедра масъулларининг адолатлилиги ва очиклиги, баҳолашнинг объективлиги;

–малака ошириш курсларидан мунтазам ўтганлиги кабилар билан боғлиқ бўлади.

Шунингдек, таълим олувчиларнинг дарслик ва ўқув материаллари билан таъминланганлиги, кутубхона фонди, сертификатлар, дарсдан бўш вақтларида қўшимча тил тўғрақларига жалб қи-линганлиги ҳам ушбу жараённинг муҳим омили ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шунни айтиш мумкинки, тил ўргатиш жараёни ва уни баҳолаш шунчаки амал-га ошириладиган оддий фаоллият эмас, жиддий қаралмоғи ва юзага келган масалаларни ечими то-пилмоғи зарур бўлган ишдир. Жараёни баҳолаш баробарида юртимиз келажаги учун зарур бўл-ган малакали кадрларни етиштириш ва жаҳон айвонида муносиб ўрин эгаллашимиз ва ўзимизни мустаҳкам тутиб туришимиз мумкин, зеро, баҳолаш бизга таълим жараёнининг изчиллиги, фаол-лиги ва ўзига яраша натижаларини таҳлил қилиш имконини беради.

Қурбонов Жасурбек Акмалжонович (Қўқон Давлат педагогика институти)

ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ-ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида олий таълим соҳаси-даги ислохотлар ва ушбу соҳага кириб келаётган инновациялар, уларнинг мазмуни, йўналиши ва функциялари, ушбу жараёнда талабаларда ижодкорлик, интеллектуал фаолият билан боғлиқ кў-никма ва малакаларни шакллантириш зарурияти, унга хизмат қиладиган педагогик омиллар тад-қиқ қилинган.

Аннотация. В статье исследованы реформы в сфере высшего образования на новом этапе развития Узбекистана и инновации, входящие в эту сферу, их содержание, направленность и функции, креативность студентов в этом процессе, необходимость формирования умений и навыков, связанных с образовательной деятельностью, педагогические факторы, служащие ей.

Annotation. In the article, reforms in the field of higher education at a new stage of development of Uzbekistan and innovations entering this sphere, their content, direction and functions, creativity of students in this process, the need to form skills and skills related to educational activities, pedagogical factors that serve it, were investigated.

Калим сўзлар: олий таълим, инновация, талаба, замонавий мутахассис, интеллектуал фа-олият, инновацион гоя, педагогик омил.

Ключевые слова: высшее образование, инновация, студент, современный специалист, со-циальная активность, инновационная идея, педагогический фактор.

мы управления качеством в вузах (записки Менеджера качества). В.А.Качалов. М., ИздАТ, 2001, с.128; Как оценивать качество образования? А.М.Новиков, Д.А.Новиков (электронный ресурс). Режим доступа. URL: http://www.anovikov.ru/artikle/kacth_obr.htm

¹Mohanan, K.P. Assessing quality of teaching in higher education. Centre for Development of Teaching & Learning, 1–4. Retrieved on April 18, 2006.

Key words: *higher education, innovation, student, modern specialist, social activity, innovational idea, pedagogical factor.*

Таълим жамият барқарорлигини ва ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечимини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу жараённинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, биринчидан, талаба ёшларнинг маънавий ва ахлоқий камолотида устувор таъсирга эгаллиги, иккинчидан, жамиятнинг янги тараққиёт босқичида, яъни унинг барқарор ривожланиши малакали кадрлар корпуси фаолиятига боғлиқлиги билан муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирги даврда жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ишлари кўзланган ижтимоий-иқтисодий марраларни кўлга киритиш, баркамол шахс камолотини таъминлаш, ёшларни атроф-муҳитда содир бўлаётган салбий жараёнлардан асраш каби масалалар билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу муаммолар қаторида экологик бўҳронлар, ёшларга салбий таъсир этадиган оммавий маданият ва салбий ахборот хуружидан асрай оладиган иммунитетни шакллантириш, юксалтириш зарурияти асосий вазифалардан ҳисобланади. Шу билан бирга, содир бўлаётган жараёнларга бутун жамият аъзолари, унинг таркибида мавжуд бўлган алоҳида институтлар, айниқса, ёшлар ва бўлажак мутахассисларнинг адаптациясини таъминлаш зарурияти вужудга келади. Бундай вазифалар ечимида олий таълим муҳим аҳамиятга эгадир, чунки олий таълим жараёни ижтимоий ҳаётга кириб келаётган янги кадрлар корпусини тарбиялайди, мутахассис сифатида тайёрлайди ва унинг жамиятга ижтимоийлашуви асосларини шакллантиради. Олий таълим бўлажак мутахассисларда касбий кўникмаларини яратади, уларнинг миллий ва умуминсоний кадриятларга ижобий муносабатини юксалтиради.

Таъкидлаш лозимки, фақат таълим, унинг муҳим бўлаги ҳисобланган олий таълим жамиятнинг турли ривожланиш босқичларига шахснинг мослашувчанлик имкониятларини таъминлайди. Янги авлодни ўқитиш ва тарбиялаш натижасида ёшларнинг, бўлажак мутахассисларнинг дунёқарашини, маданиятини, касбий билимларини шакллантиради ва ижтимоий ривожланишга оид йўналишлар вужудга келади. Ушбу омиллар олий таълимни янги тараққиёт босқичида жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминловчи фактор сифатида илмий фалсафий жиҳатдан чуқур ўрганишни, тадқиқ этишни тақозо қилади.

Янги ривожланиш босқичида олий таълимнинг замонавий педагогик хусусиятларини аниқлаш, яъни унинг бўлажак мутахассисларга мавжуд миллий менталитетда, ёшлар дунёқарашида ва маданиятидаги ўзгаришлардан самарали фойдаланган ҳолда уларнинг мослашиш имкониятларини содир бўлаётган глобал муаммолар нуқтаи назаридан илмий асослаш зарурдир. Янги даврда жамиятнинг барқарор ривожланиши, биринчи навбатда, ижтимоий муносабатларнинг такомиллаштирилиши ва жамиятда мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг яқин келажақдаги тараққиётига боғлиқдир. Ўзбекистон шароитида жамиятнинг барқарор ривожини нафақат инновацион асосдаги иқтисодий ривожланишни, балки ижтимоий ҳаётдаги, маънавий маданиятдаги, ташқи маданий алоқалардаги туб ўзгаришларга хос бўлган кўрсаткичларни ҳам ўз ичига олади.

Олий таълимнинг ижтимоий аҳамияти фақат прагматик, яъни ўтган даврларга хос бўлган билимларни бўлажак мутахассисларга ўргатиш, уларда интеллектуал ва инновацион кўникмаларини ривожлантириш билан чегараланмасдан, ҳозирги замон мутахассисларига хос бўлган юқори интеллект, дунёқараш, жавобгарлик ҳисси, фаоллик, ижодий фаолият олиб бориш каби шахсий хусусиятларни шакллантириш ҳисобланади.

Олий ўқув юртлигини тамомлаган мутахассисларнинг юқори малакага эга бўлиш зарурияти давлат таълим стандартларида алоҳида қайд этилган ва янги даврда олий таълимни модернизациялашнинг устувор вазифаларидан биридир. Малакали мутахассислар тайёрлашга бундай янги, инновацион ёндашув Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясидаги муҳим йўналишлардан ҳисобланади.¹ Ушбу муаммонинг ечимига илмий асосланган, малакали ёндашув лозим. Олий таълим жараёнида эркин фикрлайдиган, гуманизм, адолат асосида фаолият юрита оладиган, кўп қиррали кўникмаларга эга бўлган шахсни тарбиялаш асосий мақсаддир. Юқоридаги хусусиятларга эга бўлган мутахассислар кундалик ҳаётда учраётган ижтимоий мазмундаги ва касбий вазифаларни ҳал қилиш, ечиш имкониятига

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.09.2018 й., 06/18/5544/1951-сон.

эгадир. Олий таълимга инновацион ёндашув мутахассислар тайёрлашда шу давргача устувор бўлиб келган режа асосида билим олиш усулидан тубдан фарқ қилади. Мутахассислар интеллектуал ва инновацион кўникмаларини шакллантиришга, яъни унинг мазмуни, технологиялари, усулларига замонавий ёндашув янгиланаётган олий таълимни такомиллаштириш омили ва янги даврга мос бакалавр ва магистрларни тарбиялаш усулидир. Ушбу жараёнда олий таълим ўзининг бўлажак мутахассисларда гуманистик, маънавий, ахлоқий сифатларини шакллантириш вазифасини бажариши зарур. Таъкидлаш лозимки, бу жараён тезлашаётган ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, инсон меҳнат шароитининг ўзгариши каби омиллар билан чамбарчас боғлиқдир.

Қайд этиш лозимки, тадқиқотчи С.Н.Кройторнинг фикрича, “инновация билимдан технологик, рақобатбардошлик ва етакчиликни таъминлаш учун фойдаланиш жараёнидир”.¹ Инновациялар мазмуни, моҳиятига доир илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу терминни олий таълимга нисбатан қўлланилиши педагогик жараённинг такомиллашуви, таълим хизматларининг янгиланиши, таълим маҳсулотларига янги технологиялар, илм фан ютуқларининг жорий этилиши, олий таълим жараёнининг объектив жараён сифатида мукамаллашувидир.

Олий таълимнинг ҳозирги ривожланишида назарий асосланган, маълум мақсадга йўналтирилган, амалиётда қўллаш мумкин бўлган педагогик инновациялар муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичида педагогик йўналишдаги инновациялар олий таълимнинг барча жабҳаларига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, ҳар бир олий ўқув юртининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, ундаги ўқув, услубий ва илмий тадқиқот, тарбиявий ишлар мазмунида ижобий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Мисол учун, юртимизда “Сўнгги икки йилда 1551 та илмий иш ҳимоя қилинди ва илмий салоҳият 36,7%га етказилди (2017 йилда 32,7%)”, “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали 2019 йилда хорижда малака ошириш, стажировка, магистратура ва докторантурага 517 нафар профессор-ўқитувчилар ва ходимлар саралаб олиниб, бугунги кун ҳолатига 218 нафари хорижга юборилди”.² Инновациялар олий таълим муассасаларида ўқитилаётган фанлар мазмунида, янги ташкил этилаётган, ўқув жараёнига татбиқ қилинаётган педагогик технологиялар, бўлажак мутахассисларни тайёрлаш жараёнидаги замонавий шакл ва усулларда ҳам ўз ифодасини топапти. Қайд этиш лозимки, инновациялар инсон интеллекти қўлга киритган ютуқларни ижтимоий-иқтисодий жабҳаларга жорий қилишга ёрдам беради, кўрсатилаётган хизмат турлари кенгайди, уларнинг сифати яхшиланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, олий таълим таркибида инновацияларнинг тўпланиши ижтимоий-иқтисодий ҳаётда янги тизимларнинг вужудга келиши, бўлажак мутахассисларга замонавий таълим бериш имкониятлари кенгайишига сабаб бўлади. Албатта, бу жараён инсон омилига боғлиқ бўлиб, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизимларида рўй бераётган ижобий ўзгаришларда ўз ифодасини топади. Инновациялар инсон фаолияти туфайли олий таълим жараёнида янгиликнинг вужудга келиши, амалиётда қўлланилиши, таълим хизматлари бозори талабаларининг тўлиқ қондирилиши, шу пайтгача мавжуд бўлган янгиликларга нисбатан уларнинг афзаллиги, мураккаблиги ва ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Олий таълим муассасаларида инновацияларнинг асосий вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин: биринчидан, инновациялар профессор-ўқитувчилар томонидан олиб бориладиган илмий ишлар натижаси бўлиб, улар фаолиятнинг интеллектуаллашувини амалга оширади, ўтказилаётган маърузалар, амалий машғулотларнинг илмийлигини, амалиёт билан боғланиши имкониятларини кучайтиради. Талабаларнинг бўлажак мутахассислигини эгаллашига қизиқишини орттиради; иккинчидан, инновациялар илмий тадқиқот ишлари натижасида хўжалик шартномалари, профессор-ўқитувчилар, докторантлар ва мустақил тадқиқотчилар иштирокида бажарилаётган илмий, амалий ва фунаментал характерга эга бўлган лойиҳаларнинг сифатли бажарилишига замин яратади; учинчидан, инновациялар таълим хизматларини тизимли такомиллашувида муҳим омил ролини бажаради. Шунингдек, инновациялар туфайли профессор-ўқитувчилар томонидан нашрга тайёрланган монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар, илмий мақолалар мазмунига сўнгги янгиликлар киритилади.

Олий таълимда рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш жараёни маънавий-маърифий, тар-

¹ Кройтор С.Н. Инновации в образовании: Социологический анализ (на примере системы высшего образования Республики Беларусь). Дисс. ...канд. социал. н. Минск, 2009 (электронный ресурс). Дата обновления 01.10.2010.-URL: <http://vivakadry/15.htm> (дата обращения: 01.10.2013).

² Олий таълим 2019 йилда: ОТМларда илмий салоҳиятнинг ўсиши. 2019 йил 31 декабрь. Edu.uz

биявий ишларнинг юқори савияда ўтказилишига, ушбу жараёнга татбиқ этилаётган инновацияларга ёхуд инновацион ёндашувларга бевосита боғлиқдир. Талабалар орасида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирларнинг муҳимлиги шундаки, улар илмий асосланганлиги, мазмуни, ўтказилиш тартибининг ҳозирги давр руҳига мослиги, иштирокчилар нутқидаги янгиликлар, мантиқий кетма-кетлик, ифода этилган инновацион фикрлар, илгари сурилаётган ғоялар, кутилаётган натижалар, инновацион характерга эга бўлган таклифлар ва хулосалар эканлиги билан муҳим тарбиявий аҳамият касб этади.

Янги тараққиёт босқичида тарбиявий ишлар олий мактабда олиб борилаётган ўқув, илмий ишларнинг бевосита давоми сифатида, ўқув жараёни мазмуни билан узвий боғлиқдир. Талабалар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг мазмуни бўлажак мутахассисда лидерлик хусусиятларини тарбиялаш, шакллантиришга, унинг маънавий, ахлоқий маданияти юксалишига қаратилган бўлиши лозим. Инновацион мазмундаги тарбиявий жараён талабада ҳозирги даврнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар мақсадининг инсон манфаатларига қаратилганлиги, жамиятда содир бўлаётган ижтимоий воқеалар, вазифалар ечими кўп жиҳатдан бўлажак мутахассисларнинг юқори малакаси, касбий, илмий тайёргарлиги, сиёсий жараёнлар ва иқтисодий ҳаётдаги ривожланиш тенденцияларини ўз пайтида англаш имкониятларига доир кўникмалар шаклланишини талаб қилади

Жамиятнинг янги тараққиёт босқичида инновацион ривожланиш ва талабаларни интеллектуал фаолиятга тайёрлаш муаммосини ўрганиш натижасида шундай хулосага келиш мумкин:

Биринчидан, олий таълимдаги инновациялар меҳнат бозорида зарур бўлган мутахассисларнинг малакасини ошириш; юқори малакали илмий педагогик кадрларнинг аттестациясини ўтказиш; фундаментал ва амалий йўналишдаги тадқиқот ишларини олиб бориш; талабалар, магистрантлар, докторант ва тадқиқотчилар, илмий ходимлар, ўқитувчиларнинг илмий тадқиқот ишларидаги иштироки; инновацияларга оид билимларнинг талабалар орасида кенг тарғиб қилиниши кабилардир.

Иккинчидан, талабалар ишлаб чиқариш корхоналарида, таълим муассасаларида амалиёт ўташлари давомида ўзининг бўлажак мутахассислигига доир инновацион билимга эга бўлади, ўқитувчилар ўзларининг таълимдаги фаолиятини илмий ишлар, яъни инновациялар билан узвий боғлайди. Шунинг учун мутахассислик кафедраларининг етакчи ишлаб чиқариш корхоналари, кўшма корхоналар, технопарклар билан ижодий алоқаларини такомиллаштириш зарур. Битирувчи талабаларга мўлжалланган амалиёт ўташда муҳим йўлланма ҳисобланган ишлаб чиқариш амалиёти дастурини хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш асосида шакллантириш зарур. Ушбу жараён олий ўқув юртларининг ижтимоий-иқтисодий тармоқлар билан ўзаро алоқасини кучайтиради. Бундай жараён, ўз навбатида, университетлар атрофида инновацион муҳитни шакллантиради.

Учинчидан, олий таълимда инновацияларнинг ривожланишида унинг малакали мутахассислар тайёрлаш билан боғлиқ бўлган бўғинларга, яъни кафедралар, факультетлар, ахборот-ресурс марказлари фаолиятига чуқур кириб боришида компьютер техникаси, янги педагогик технологиялар муҳим роль ўйнайди ва олий таълим такомиллашаётган, тобора ахборотлашув асосида ривожланаётган жамиятда устувор вазифаларни бажаришида муҳим восита вазифасини бажаради.

Тўртинчидан, олий таълим соҳаси жамиятдаги ўзига хос ривожланиш хусусиятига эга бўлган инновацион йўналишлардан биридир ва бўлажак рақобатбардош мутахассислар тайёрлашда асосий тармоқ ҳисобланади. Бу тизим жамиятнинг ривожланиш жараёнида содир бўлаётган янгиликлар мазмуни ва йўналишларини мунтазам илмий асосда таҳлил қилиш, тизимли ўрганиш вазифасини вужудга келтиради.

Бешинчидан, олий таълимнинг мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари билан узвий алоқадорлигини кучайтириш орқали олий таълим муассасаларига иқтидорли талабаларни жалб этишни кенгайтиради ва фанга, илмий тадқиқот институтларига келажакда илмий тадқиқотлар олиб бора оладиган бўлажак докторантлар, илмий ходимларни жалб этиш имкониятини туғдиради.

Олий таълим муассасалари кафедралари қошида фаолият юритадиган илмий ва ижодий тўгараклар ишига, яъни улар асосида ташкил этиладиган талабалар конференциялари, кафедралар негизида уюштириладиган илмий муҳокамаларга ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари, етакчи олимларнинг иштирокини таъминлаш лозим.

**Ashurbayeva Ruqiya Qahhorovna (Buxoro davlat tibbiyot instituti
O‘zbek tili va adabiyoti kafedrası assistenti)
INTEGRATSIYAVIY TA‘LIMNING O‘ZIGA XOSLIGI**

***Annotatsiya.** Mazkur maqolada integratsiyaning ta‘lim bosqichlarida qo‘llanilishini ahamiyati, integrativ ta‘limning o‘ziga xosligi, integratsiya asosida tashkil qilingan ta‘lim tizimining ijobiy va salbiy jihatlarni yuzaga keltiruvchi omillar xususida so‘z yuritiladi.*

***Аннотация.** В статье обсуждается важность интеграции в образовании, особенности интегративного образования, а также факторы, которые способствуют плюсам и минусам интегрированной системы образования.*

***Annotation.** This article discusses the importance of integration in education, features of integrative education, as well as factors that contribute to the plus and minus of the integrated education system.*

***Kalit so‘zlar:** integratsiya, fanlararo aloqadorlik, ta‘lim tizimi, integratsiya rivojlanish bosqichlari, jahon pedagogikasi, tadqiqotlar.*

***Ключевые слова:** интеграция, междисциплинарное общение, система образования, этапы развития интеграции, мировая педагогика, исследование.*

***Key words:** integration, interdisciplinary communication, education system, stages of integration development, world pedagogy, research.*

Necha asrlar oldin insoniyat – aynan tafakkur insonning dunyodagi eng oliy va jamiki maxluqotlardan farqli belgisi ekanligini anglab yetganligi sir emas. Buyuk Navoiyning birgina baytida bu fikr o‘zining go‘zal ifodasini topgan:

*Insonni so‘z ayladi judo hayvondin,
Bilkim, guhari sharifroq yo‘q ondin.*

Eng yuqori darajada intellektning rivojlanishida, turli voqeliklarning globallashuv jarayonida tafakkur benihoya zarurdir. Inson tafakkurini rivojlantiruvchi muhim omillarni ijtimoiy hayot, atrof-muhit, fanlararo bog‘liq deb belgilash mumkin.

Insoniyat tafakkur taraqqiyot bosqichlariga nazar solar ekanmiz, buyuk daholarning tafakkur darajalari birgina fan doirasida chegaralanib qolmaganini ko‘ramiz. Yuqorida baytlari misol keltirilgan Navoiy ham adabiyot, musiqa, she‘riyat, lingvistika, tasavvuf, tarix, arxitektura kabi sohalar bilan qiziqib, shu sohalarida ko‘zga ko‘rinarli yutuqlarga erishganligi ko‘pgina manbalarda ta‘kidlangan. Buyuk tibbiyot sultoni Abu Ali ibn Sino ham nafaqat tibbiyot sohasi, balki, musiqa, adabiyot, falsafa fanlariga qiziqqan. Yevropada Leonardo do Vinchi, Eynshteyn, Tomas Edison kabi buyuk ilm-fan namoyandalarning serqirra ijod vakillari ekanligi e‘tirof etilgan. Savol tug‘ilishi, tabiiy, buyuk daholar tomonidan nega turli sohalarni chuqur bilishga qiziqish bo‘lgan? Axir bir soha doirasida yetarlicha izlanish olib borilsa, kifoya emas edimi? Sivilizatsiya uchun birgina fan – yutuqlar cho‘qqisiga olib chiqilsa, yetarli emasmi? Mashhur olim va ixtirochi Tomas Edison shunday degan ekan: “Sivilizatsiyaning buyuk vazifasi odamni fikrlashga o‘rgatishdir”.¹ O‘rgatishning esa asosiy mas‘uliyati bevosita ta‘lim tizimi va ta‘lim tizimida faoliyat yuritayotgan pedagoglar zimmasiga tushadi. Inson salohiyati eng faol, eng bunyodkor omil bo‘lib, u mamlakatning islohotlar va tub o‘zgarishlar yo‘lidan tinimsiz ilgarilab borishini ta‘minlab beradi.² Shu nuqtayi nazardan, salohiyat rivojlanishida, tafakkur olamining boyishida bevosita fanlararo aloqadorlikning roli beqiyosdir. Buni to‘g‘ri anglagan Alisher Navoiy, Abu Ali ibn Sino, Leonardo do Vinchi, Eynshteyn, Tomas Edison kabi buyuk daholar intellect, ya‘ni tafakkurning rivojlanishida, olam voqeligidan to‘g‘ri xulosa chiqarilishida uzviylikning ta‘minlanishi, barcha elementlar birlashuvidan butunlik hosil bo‘lishini tushunib yetganlar.

Fanda bu kabi tushunchalar integratsiyaga asoslanadi. Ma‘lumki, fan va texnika jadal sur‘atlar bilan rivojlanayotgan bugungi kunda ko‘plab ilmiy bilimlar, tushuncha va tasavvurlar hajmi keskin ortib bormoqda. Bu bir tomondan, fan-texnikaning yangi soha va bo‘limlarining taraqqiy etishi tufayli differensiallashuvini ta‘minlayotgan bo‘lsa, ikkinchi tomondan, fanlar orasida integratsiya jarayonini vujudga keltirmoqda.³ Integratsiya alohida elementlarning sifat va miqdor jihatidan birikib, vujudga kelgan butun-

¹ Hamroyev M. Tafakkur ehtiyoji. “O‘zbek adabiyoti va san‘ati” gazetasining 2007-yil 3-soni.

² Egamberdiyeva N., Xodjayev B. Pedagogikaning ayrim dolzarb muammolari: mohiyat, talqin va yechim. T., «Fan va texnologiya», 2013, 5-6et.

³ www.ziyouz.com kutubxonasi Navoiy Alisher. Lison ut-tayr (nasriy bayoni/nasriy bayonni Sharafiddin Sharipov tayyorlagan).

likdir. Integratsiya tushunchasining tub mohiyatiga to'xtalar ekanmiz, lotincha so'z bo'lib, "tiklash" yoki "to'ldirish" ma'nosini anglatadi. Amalda esa uning quyidagi yo'nalishlari mavjuddir:

- turli qismlarni birlashtirib, bir tizimni tiklash;
- turli qismlar orasidagi aloqalarni yo'lga qo'yish;
- turli qismlarning bir infrastrukturaga birlashtirilishi.

Тилшунос олим С.И.Ожегов яхши нутқ ҳақида гапирар экан, “Юқори даражадаги нутқ, юқори нутқ маданияти – бу ўз фикрини тил воситалари орқали тўғри, аниқ ва таъсирчан қилиб ифода қилаётган қобилиятидир”, дейди.³

Юқорида келтирилган фикрларимизнинг ҳаммаси нутқнинг мукамаллигини таъминловчи муҳим омиллар эди. Лекин ОАВ дискурсида нутқнинг яна бир хусусияти борки, бусиз биз нутқимизни тўлақонли, дея олмаймиз. Бу нутқ одобидир. Бизнинг нутқимиз адабий тил меъёрларига риоя этилган тарзда тузилган ва таъсирли бўлса-да, уни кимга, қай пайтда, қандай усулда етказиб беришни билмасак, кўзлаган мақсадга эриша олмаслигимиз мумкин. Бунинг учун ҳар бир халқнинг, ҳар бир эллатнинг қадриятлари, урф-одатлари, муомала маданиятини эътиборга олиш лозим бўлади. Ҳатто нутқнинг мукамаллигини таъминловчи нолисоний (паралингвистик) воситалардан турли хил халқ вакиллари турли даражада фойдаланадилар: европаликларда қўл ҳаракатларидан унумли фойдаланиш оддий ҳол бўлса, Шарқ мамлакатлари халқларида ҳадеб қўлни қимирлатиб нутқ сўзлаши одобсизлик саналади. Ҳар қандай етук журналист нимани, қаерда, қандай қилиб гапиришни билмаса, у муваффақиятга эриша олмайди. Улар суҳбатдошнинг ёши, билим даражаси, имкониятлари, ҳатто жинсини эътиборга олган ҳолада мулоқотга киришишлари керак. Суҳбатдошнинг шахсиятига, нафсониятига тегадиган гапларни гапириш тўғри эмас. Одоб-ахлоқ нормаларига зид келадиган сўз ва сўз бирикмаларини ишлатиш ҳам сўзловчига хос фазилат саналмайди.

Икки муаммо – нутқ ахлоқийлиги ва тингловчи позицияси, бир қарашда, бошқа-бошқа тусунча бўлса-да, аслида, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Инсон бирор руҳий ҳолада бўлса, масалан, агрессив ёки тушкун ёки депрессия ҳолатига тушиб қолиши атрофдаги одамларнинг ҳаракатлари ва нутқлари билан боғлиқ. Бунда инсон атрофдагиларга нисбатан тажовузкор ҳаракат қилишни хоҳлайди. Муайян вазиятда “ўз ғазабидан бўғиладиган” одам бўлмаса керак. Бирок ижтимоий, ахлоқий ва шахсий чекловлар мавжуд. Ҳар бир ҳаракат амалга ошавермайди, уларнинг аксарияти ҳаракатнинг бошланғич даражасида ўлади. Бу дегани инсон онгида муайян вазиятларда айрим ҳаракатларни амалга оширишга имкон берадиган, баъзиларига йўл қўмайдиган нарсалар мавжуд. Бу инсоний шахснинг ахлоқий тўсиғидир.⁴

Нутқ одоби инсоннинг маънавиятини, маърифатини белгиловчи асосий мезондир. Оммавий ахборот дискурсида нутқ одоби нутқнинг мукамаллигини таъминловчи омил сифатида ўз аҳами-

¹ Шерба Л.В. Восточно-лужское наречие. Петербург, 1915, 4 с.

² Кайковус. Қобуснома. Т., “Фан”, 1968, 29-бет.

³ Расулов Р., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти. Ўқув қўлланма, Т., “Ўқитувчи”, 2004, 18-бет.

⁴ Зарецкая Е. Н. Риторика. Теория и практика речевой коммуникации. 4-е изд., М., “Дело”, 2002, 480 с.

ятини топмоқда.

Кишининг одоби, энг аввало, унинг нутқида кўринади. Нутқ одоби нима? Нутқ одоби деганда, айтилиши зарур бўлган хабарларни, тингловчини ҳурмат қилган ҳолда, унинг кўнглига мос ҳолда адабий нормадаги ифодалар билан етказиш тушунилади. Ҳар қандай хунук хабарни тингловчига беозор етказиш мумкин. Бунинг учун сўзловчи тилни, адабий тил маромларини мукаммал билиши лозим. Мулойим, ёқимли, одобли сўзлаш ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унга ёшлиқдан онгли машқлар қилиш, тилнинг луғат бойлигини эгаллаш, бу борада нутқи ибратли кишиларга тақлид қилиш, улардан ўрганиш орқали эришилади.

Бугунги кунда ОАВ дискурсида лисоний одоб-ахлоқ нутқий фаолиятни баҳолаш мезони сифатида кўрилмоқда. Ҳар бир сўзловчи нутқ жараёнида тил воситаларини танлаб, уларни ўз ўрнида қўллар экан, улар орқали тингловчига ва ёритаётган мавзуга муносабатини ҳам бериб боради. Бу борада муаллифдан тил воситалари ҳақида мукаммал назарий билим ва амалий кўникма талаб этилади.

Шахобиддинова Шохида Ҳошимовна (Андижон Давлат университети профессори,
филология фанлари доктори, e-mail: Shohidas@ Rambler.ru)
САВОДХОНЛИККА ДОИР ТЕЗИСЛАР

Аннотация. Ушбу мақола саводхонлик муаммоларига бағишланган. Жамиятнинг ривожланиб бориши билан саводхонлик даражасининг пасайиб бориши нафақат тилшунослик, балки социология, психология, педагогика ва бошқа қатор фанларнинг ҳам долзарб муаммосидир. Мақолада ушбу муаммони ҳал қилиши йўлидаги дастлабки тавсиялар берилган.

Аннотация. Статья посвящена проблемам грамотности. С развитием общества происходит снижение грамотности, что является проблемой не только лингвистики, но и социологии, психологии, педагогики и ряда других наук. В статье приведены некоторые первоначальные рекомендации о том, как решить данную проблему.

Annotation. This article is about literacy issues. Literacy decline with the development of society is also a problem not only of linguistics, but also of sociology, psychology, pedagogy and a number of other types of science. The article provides some initial recommendations on how to solve this problem.

Калим сўзлар: оммавий саводхонлик, лисоний саводхонлик, мулоқот, жамият, инсон.

Ключевые слова: всеобщая грамотность, лингвистическая грамотность, общество, общество, человек.

Key words: global literacy, linguistic literacy, communication, society, people.

Ўзбек назарий тилшунослиги жуда катта ютуқларни қўлга киритди. Бироқ оммавий саводхонлик ва мулоқот маданиятининг шаклланишида бу натижалардан фойдаланилмапти. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, оммавий саводхонлик (трансаводхонлик) жаҳон ҳамжамияти диққатини ҳам тортиб келмоқда. ЮНЕСКО “Саводлилик – озодлик” (Literacy as Freedom) шиорини ўртага ташлагани ҳам фикримиз далилидир. Ярим асрдан зиёд даврдан бери шу ташкилот ташаббуси билан ҳар йили 8 сентябрда муайян шиор остида халқаро саводхонлик куни нишонланади (хусусан, ўтган йили “Ўтмишни ўқиб келажакни ёзамиз” шиори ўртага ташланган). ЮНЕСКО қарашларига кўра, саводлилик инсоннинг ҳуқуқи... Саводлилик қашшоқликни йўқотишга, болалар ўлими даражасини камайтиришга, аҳоли нуфузи ўсиши тезлигини барқарорлаштиришга, гендер тенгликка, барқарор тараққиёт, тинчлик ва демократияни таъминлашга хизмат қилади.

Жаҳонда тараққиёт жиҳатидан турли даражада турган мамлакатларнинг мавжудлиги саводхонлик тушунчасига турлича муносабат шаклланишига олиб келди. Савод, саводлилик, саводсизлик каби тушунчалар тил бирлиги сифатида қандай мазмунга эга? “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” бу саволга қуйидагича жавоб беради:

САВОД (а. – қоралик; қоралама ёзув; ўқиш-ёзишни билиш). 1. Ўқиш-ёзишдан хабардорлик; хат-савод. *Анвар «тахта»дан ўқиш бошлади, зеҳнининг тишиқлигидан бўлса керак, ўн бир ёшида саводи чиқаёзди.* А.Қодирий. Мехробдан чаён. *Мана, 3-синф саводимиз бор, ўқиш-ёзишни биламиз.* «Ёшлик».

2. Бирор соҳа бўйича энг зарурий билим, маълумот. *Ҳуқуқий саводнинг мукамаллиги давр талабидир.* Газетадан.

3. Умуман, билим, тушунча, тажриба. –*Саводингизни анча чиқариб қўйишибдими? –Ким? – Билмасам. Домлангиз. Домлаларингиз. –Менинг домлам йўқ, домлам – икки кўзим.* А.Қаҳҳор. Қўшчинор чироклари.

САВОДЛИ 1. Ўқиш-ёзишни биладиган, саводи бор. *Ҳамза болаларнинггина эмас, катталарнинг ҳам саводли бўлишини истарди.* Н.Сафаров, Оловли излар. *Мен сизни ўқитиб, саводингизни чиқариб қўяман. Сиз юртингизга саводли бўлиб борасиз.* П.Турсун. Ўқитувчи.

2. Билимли, маълумотли; кўп ўқиган, мустақил фикрловчи. *Онам диний-дунёвий китобларни ўқиган, саводли, ниҳоятда сабрли, меҳру оқибатли аёл бўлган.* Шукрулло, Жавоҳирлар сандиғи. *Саводли ўз ҳақини таниган бўлади, бинобарин, уни алдаш осон бўлмайди.* К.Яшин, Ҳамза.

САВОДЛИЛИК 1. Аҳоли маданий савияси кўрсаткичларидан бири: оддий матнларни ўқий олиш ёки уларни ўқиш ва ёза олиш кўникмасига эғалик.

2. Одамнинг адабий тил меъёрларига мувофиқ келадиган оғзаки ва ёзма нутқ малакаларига эғалиги.

3. Муайян соҳа бўйича етарли билимга эгалик. *Техник саводлилик. Ҳуқуқий саводлилик. Тиббий саводлилик.*

САВОДСИЗ 1 Ўқиш-ёзишни билмайдиган, саводи йўқ. –*Ахир улар саводсиз-ку, газетани нима қилишади?* – кулди *Каримбой*. К.Яшин. Ҳамза.

2 Етарли билими, маълумоти йўқ. *Ўзи билмайдиган, менга ўргатганига куяман! Сенга ўхшаган саводсизлар «бўса-бўмаса» дейди.* А. Қаҳҳор, Санъаткор.

САВОДСИЗЛИК Саводга эга эмаслик, саводи йўқлик. *Санъаткор тажанг эди: ..бир тракторист уни саводсизликда айблади.* А.Қаҳҳор. Санъаткор. *Саводсизлик курсин, болам бечора хат ҳам ёзолмайди.* Ҳ.Ғулом. Машғал.

САВОДХОН (савод+ф. – ўрганувчи, ўқувчи). **1.** Ўқиш-ёзишни билмайдиган, хат-саводли. *Саводхон одам.*

2. айн. **саводли** **2.** *Асарда Ҳасан овчининг опаси сифатида гавдаланадиган бу отин ўша даврдаги тақводор, анчайин саводхон, тўй-маъракаларни бошқарадиган аёллар типининг умумлашма образидир.* «ЎТА».

САВОДХОНЛИК қ. **саводлилик.** *Аслида, саводхонлик ҳар бир босқичда такомиллаштириб борилиши лозим.* Газетадан.

Турлича қарашларни қиёсий ўрганиш натижасида, лисоний саводхонликнинг куйидагича даражаларини ажратиш мумкин (лисоний маданият ушбу даражаларнинг барчасини қамраб олади) деган хулосага келдик:

1. Ўқиш, ёзишни билиш. Нуткий малакага эга бўлиш (маълумот узатиш, қабул қилиш). Бизнинг мамлакатимиз учун саводхонликнинг ушбу даражасини таъминлаш борасида муаммолар мавжуд эмас. Саводхонликнинг бу даражасини таъминловчи методлар ишлаб чиқилган (ушбу методлардан қай даражада фойдаланилаётганлиги бошқа масала). Бироқ дунё миқёсида бу катта муаммо ҳисобланиб, 2002–2012 йилларда БМТ томонидан саводхонликни тарқатиш бўйича олиб борилган ўнйилликдан сўнг ҳам дунёда 800000000 га яқин саводсизлар мавжуд. Бизнинг мамлакатимизда ушбу муаммонинг мавжуд эмаслиги саводхонлик борасида кейинги босқичларда йирик планда иш олиб боришни шарт қилиб қўяди.

2. Ўқиш, ёзиш ва мулоқотда замонавий воситалардан фойдалана олиш. ХХI аср саводхонликнинг ушбу янги кўринишини ўта долзарб қилиб қўйди. Жаҳон халқлари олдида глобал ахборот ҳудудида мулоқот қилиш ва ушбу мулоқот жараёнида лисоний саводхонликни сақлаб қолишдек аввал мисли кўрилмаган вазифа пайдо бўлди. Бу жараёнда лисоний саводхонлик нималарни назарда тутуди? Бизнингча:

1) одатда, юзма юз бўлмаган ва шахсни яшириш ёки турлича интерпретация қилиш имконияти кенг тарқалган ахборот алмашиш жараёнида мулоқот одобини сақлаш;

2) орфографик ва каллиграфик (ҳарфларни алмаштирмаслик, ҳарфлар ўрнига шартли белгилар қўлланмаслик (масалан, ўзбек лотин графикасида ch ўрнида 4 рақами, o ўрнида 6 рақами, sh ўрнида w ҳарфини қўллаш, бош ҳарфларни фарқланмаслиги кабилар) меъёрларга риоя қилиш. Бу борада мамлакатимизда муаммонинг қўйилиши даражасида муайян лавҳалар пайдо бўла бошлади (асосан, публицистик нуктаи назардан). Бироқ бу даражадаги саводхонликни таъминлаш борасида илмий ишлар олиб борилмаяпти;

3) ахборотни саралай билиш. Инсоннинг ахборотни йиғиш, сақлаш ва узатишида, бу соҳада турлича белгилар тизимидан фойдаланиш ахборот билан ишлашнинг янги воситалари (телевидение, радио, интернет) туфайли анча фаоллашган бўлса-да, асосий восита бўлиб қолаётган тил айнан ахборотни саралашда муайян кўникмаларни сақлай олиши билан бошқа воситаларга нисбатан етакчидир. Бироқ тилда шундай имкониятнинг мавжудлиги кўпчилик тилшунослар томонидан тан олинса-да, ушбу қобилиятни тарбиялаш ва кучайтиришга доир методлар ишлаб чиқилмаган.

3. Лисоний саводхонликнинг энг юқори даражаси инсоннинг ўз онгида миллати ва ижтимоий даражасига муносиб оламнинг лисоний манзарасини шакллантиришидир. Оламнинг лисоний манзараси кейинги давр жаҳон тилшунослигида энг кўп эътибор жалб қилаётган мавзу бўлса-да, нафақат тилшунослар, балки кўплаб фан ва касб вакиллари (психологлар, социологлар, антропологлар, сиёсатчилар, пиарчилар, тижоратчилар ва ҳ.к.) бу масалага алоҳида қизиқиш билдираётган бўлса-да, бу мавзу янгилик мавқеини сақлаб турган ўзбек тилшунослигигина эмас, жаҳон тилшунослигининг энг етакчи намоёндалари ҳам бу борада ҳаммага мақбул, илмий асосланган таърифларни тавсия этган эмас. Тўғри, кейинги бир неча йилда оламнинг лисоний манзараси ва у билан боғлиқ бошқа тушунчалар борасида айрим қарашлар юзага кела бошлади. Бироқ ўзбек учун олам-

нинг лисоний манзараси қандай? Турли ижтимоий табақага мансуб инсонларнинг оламга лисоний қараши ва шу орқали унинг ижтимоий ўрни ҳам қандай шакллантирилиши, ишлов берилиши мумкин? Тилшуносликнинг назарий ютуқлари омма учун қандай аҳамиятга эга. Бошқача қилиб айтганда, тилшунослик қандай иқтисодий-ижтимоий самара бера олади? Оммавий лисоний маданиятни, яъни лисоний маданиятли оммани қандай тарбиялаш мумкин? Бу саволлар устида бугунги кунда махсус тадқиқотлар олиб борилмаяпти. Олиб борилаётган айрим тадқиқотлар муаммони қўйиш даражасидан нари ўтмай, хорижий тилшуносликларнинг бу борадаги натижаларини тавсифлаш даражасида қолиб кетмоқда. Ҳолбуки, инсон онгига унинг тили орқали таъсир қилиш борасида жуда катта тажриба тўплаган айрим йўналиш ва гуруҳлар мавжудки, уларнинг барчаси ҳам ижобий таъсир кучига эга деб бўлмайди. Ижтимоий тармоқларда кенг илдиз ёйган бу хил таъсир кучлари жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Лисоний маданиятнинг бу энг юқори босқичини эгаллаган шахс маънавий-мавқуравий иммунитетни мустақамлиги билан бир қаторда, тил орқали таъсир ўтказиш кўникмасини ҳам эгаллайди.

Саводхонлик даражасининг пасайиб боришининг ўзига хос омиллари борлиги, шубҳасиз. Аммо бу омиллар тавсифи тўлиқ амалга оширилмади. Бизнингча, саводсизлик ривожланишида, тўғрироғи, саводлилик маданияти даражасининг пасайиб боришида мавжуд омилларнинг қуйидагилари етакчилик қилмоқда:

1. Мулоқотнинг тезкорлашгани.
2. Мулоқотнинг глобаллашгани.
3. Мулоқотда саводхонлик даражасидан бошқа мезонларнинг етакчилик қила бошлагани (масалан, креоллаш).
4. Мулоқотда анонимлик кучайиши.
5. Мулоқотни назорат қилиш кучсизлашгани.
6. Саводхонлик хос хусусият (престиж) бўлмай қолгани.

Санаб ўтилганлар асло тўлиқ рўйхатни ташкилламайди. Аммо шуларнинг ўзи ҳам бу борада анчагина муаммо борлигини кўрсатади.

Бу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, хорижда ҳам ушбу муаммоларнинг қўйилиши анча кенг қамров касб этган бўлса-да (хусусан, Калифорния Санта-Барбара университети профессори Алан Луи, Буюк Британия Де Монфор университетида Сью Томас бошчилигида ишлаётган “Transliteracy Research Group” тадқиқотларини кўрсатиш мумкин), мақбул ечим – метод, методологияни қамраб олган тизим – шакллантирилди, дейишга ҳали эрта.

Лисоний маданиятга эга бўлган шахснинг маънавий ҳамда мафқуравий иммунитетни юксак бўлиши, шубҳасиз.

Гегель таълимда хусусийликларгагина асосланиш болани ҳамма нарсага писандсизлик билан қарашга ўргатади деб ҳисоблаган. Шунинг учун таълимда мавҳумотларга асосланиш болани кейинги ҳаёт йўлида мустақил яшаб кетиши учун имкон беради. Болага энг яқин мавҳумот эса тилдир. “Тил уни билиш бола руҳини хусусийликлар ва яқаликлардан умумийликка томон, онгга томон кўтариб борадиган ўша ҳаво янглиқ ҳиссий-ноҳиссий ҳилқатдир”.¹ Болада айнан ўша – унда мавжуд бўлган она тилига хос генетик ва ижтимоий-маиший тажрибалардан фойдаланиб туриб, умуман, ҳар қандай тажрибавий кўникмаларни умумлаштириш – назарий билимларга айлантириш, малакасини шакллантириш мумкин. Бошқа соҳалардаги маиший кўникма ҳамда тажрибалар болада назарий билимларни шакллантириш учун асос бўладиган даражада кўп эмас. Тўғри, бола она тилида мулоқот қила билади. Аммо бу мулоқот кўникмаси ижтимоий талаблар даражасида шаклланмаган, унинг ўз кичик муҳити доирасига мослашгандир. Бу кўникмани малака даражасига кўтариш, сайқаллаш эса таълим жараёнида амалга ошади. Она тили таълими бугунги шакли қатъий тахрирга муҳтож. Дарҳақиқат, ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида замон билан ҳамнафас қадам ташлашга ҳаракат қилинаётган экан, таълим жараёни ҳам бундан мустасно қолиши мумкин эмас. “Она тили фани бўйича узлуксиз таълим учун давлат таълим стандарти”нинг 2014 йилда ишлаб чиқилган лойиҳасига кўра, “Она тили таълими олдида қўйилган ижтимоий буюртма ўқувчи шахсини фикрлашга, ўзгалар фикрини англашга ва шу фикр маҳсулини оғзаки ва ёзма шаклда саводли баён қила олишга, яъни коммуникатив (саводхонлик) компетенцияни ривожлантиришдан иборат. Шундан келиб чиққан ҳолда, она тили таълими олдида ижтимоий жиҳатдан мукамал шаклланган, мустақил фикрлай оладиган, нутқ ва мулоқот маданияти ривожланган саводхон шахс-

¹ Гегель. Философия духа. Гегель. Сочинения. т. III, М., 1956, с. 93.

ни камол топтириш мақсади қўйилади”.¹ Ушбу мақсадга эришиш учун ўқувчида муайян компетенциялар шакллантирилиши лозим. Ана шу компетенциялар сирасида биринчи турган коммуникатив компетенция қуйидагиларни назарда тутиши “Она тили фани бўйича узлуксиз таълим учун давлат таълим стандарти” лойиҳасида кўрсатилган:

–жамиятда ўзаро мулоқотга киришиш учун она тили ва бирорта хорижий тилни мукаммал ўзлаштириш ҳамда мулоқотда самарали фойдалана олиш;

–ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда аниқ ва тушунарли баён қила олиш, мавзудан келиб чиқиб, саволларни мантиқан тўғри қўя олиш ва жавоб бериш;

–ижтимоий мослашувчанлик, ўзаро мулоқотда муомала маданиятига амал қилиш, жамоавий ҳамкорликда ишлаш олиш;

–мулоқотда суҳбатдош фикрини ҳурмат қилган ҳолда, ўз позициясини ҳимоя қила билиш, уни ишонтира билиш;

–турли зиддиятли вазиятларда ўз эҳтиросларини бошқариш, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал этишда зарур (конструктив) бўлган қарорларни қабул қила олиш.²

Кўринадики, қўлга киритилиши лозим бўлган малакалар ўта зарурий ва ҳаётийдир. Аммо мактаб таълими шакли ушбу малакаларни шакллантириш учун етарлича имкониятга эга эмас. Аввало, мактабда она тили таълимнинг бугунги ҳолати “ижтимоий жиҳатдан мукаммал шаклланган, мустақил фикрлай оладиган, нутқ ва мулоқот маданияти ривожланган саводхон шахс”ни етиштириб бериш учун ожизлик қилмоқда. Мактабда она тили таълими ўқитувчиларида ижодкорлик, она тили таълими олдида қўйилган вазифаларни тўлиқ англаб етиш шаклланмаган. Бугунги мактаб ўқувчилари ҳам ота-оналари каби, маъруза тинглаб, машқ ечиб, қоида ёдлаб вақт ўтказмоқдалар. Дарсликда берилган назарий муаммоларни ўқувчи учун мос ўзанга буриш учун эркин ва ижодий шакллар зарур.

Ўқувчи она тилидан таълим олиш жараёнида қўлга киритилиши лозим бўлган “турли зиддиятли вазиятларда ўз эҳтиросларини бошқариш, муаммо ва келишмовчиликларни ҳал этишда зарур бўлган қарорларни қабул қила олиш” малакаси борасига тўхталсак. Бугунги мактаб таълимида ана шу малакани болага беришнинг қандай шакллари мавжуд? Айтиш лозимки, ҳеч қандай. Албатта, бу борада муайян тажрибалар бордир. Аммо улар индивидуал ҳамда тарқоқ. Шу билан бирга, она тилимиз таълими тарихида бу борада мукаммал тажрибалар ҳам мавжуд бўлган. Доцент М.Турсунова тадқиқотларига кўра, қадим мадрасаларда қуйидаги филологик билимлар берилган экан:

1. Усули ҳижоия (савтия) – бўғинга бўлиб ўқиш.
2. Илми шарҳ – тафсир.
3. Илми таҳлил – таҳлил, шарҳ, тавсиф масаласи.
4. Илми мунозара – мунозара, баҳс, муносабат ифодаси.
5. Илми қироат – оҳанг ва сўз талаффузи орқали қироат.
6. Илми фасоҳат (илми балоға) – чиройли, ўринли сўзларни қўллаш.
7. Илми баён – нозик маъноларни баён қилиш (риторика).
8. Илми ғариба (ғариб) – кам сўз билан кенг маънони ифодалаш, акс эттириш.
9. Илми маоний – баён этиш, бирор нарса ёки ҳодисанинг моҳияти, мазмунини ечиб берувчи илм.
10. Илми наср ва иншо – ёзма иш тури, услуби, мактуб, ёзув саводхонлиги.
11. Илми муҳозирот – латифагўйлик, хозиржавоблик, зукколик.
12. Илми муаммо – бадий санъат тури бўлиб, шеърятдаги масала ва рамзларни ечиш усули.
13. Илми мантиқ – сўз маъноларидаги боғланиш.
14. Илми калом – нақлий масалани ақлий далиллаш, исбот қилиш.³

Зиддиятли вазиятлардан чиқиш, тезкор қарорлар қабул қилиш, таъсир ўтказишнинг нутқий воситаларидан фойдаланиш малакаси айнан мактабда берилиши лозим. Бизнингча, инсон ҳаёти мобайнида ҳар куни дуч келадиган муаммоларини ечишда она тили асосий ва, кези келса, ягона

¹ Она тили фани бўйича узлуксиз мажбурий таълим тизимида битирувчиларнинг тайёргарлик даражаси ва унга қўйиладиган талаблар. Ўзбекистон Республикаси узлуксиз мажбурий таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари – Ўзбекистон давлат стандарти, 2014, 4-бет.

² Шу манба. 5–6-бетлар.

³Турсунова М. Қадим мадрасаларда таълим тизими. “Жаҳон адабиёти”, 2016, 4-сон, 138-бет.

қурол эканлигини ўқувчи билиб олиши керак. Юқоридаги сирага назар ташланг, барчаси нутқ орқали таъсир ўтказиш борасида билим беришга йўналган.

Мулоқот эҳтиёжи инсоннинг нафас олиш, егулик, кийим-кечак ҳамда турар-жойга бўлган эҳтиёжлари каби муҳимдир. Инсон жамиятда яшайди ва ўзи кабилар билан мулоқотга доимо эҳтиёж сезади. Унинг бу эҳтиёжини қондириш санаб ўтилган ҳаётий эҳтиёжларини қондириш каби муҳимдир. Аммо инсоният тарихига назар ташлаш шуни кўрсатадики, фақат энг тараққий этган маданиятларгина ушбу эҳтиёжни таъминлай оладилар. Бугун бизнинг жамиятимиз шундай тараққиётга эришдики, инсоннинг мулоқот эҳтиёжини қондириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу йилнинг “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб номланиши ҳар бир тилшунос олимни ҳаяжонга солди. Мулоқот ва манфаат тушунчаларининг бундай боғланиши бу чуқур фалсафий, илмий муаммонинг оммабоп ечимини топишга давлат сиёсатининг устувор бўғини сифатида қаралаётганини кўрсатади. Тилшунослик фани олдида турган энг катта муаммолардан бири манфаатли мулоқотни таъминловчи лисоний қоидаларни ишлаб чиқишдир. Мулоқотнинг манфаатли бўлишини қуйидаги бир неча омиллар белгилайди:

1. Мулоқотда саводхонлик: тўғри сўз танлаш, тўғри талаффуз, тўғри гап қурилиши кабилар.
2. Ўзаро ҳурмат ва мулоқот мавзуси ва мулоқотдан қутилган натижани аниқ билиш.
3. Мулоқот жараёнида миллий, жинсий ва ижтимоий белгиларни ҳисобга олиш.

Албатта, бу мулоқот маданиятини таъминловчи омилларнинг энг кичик қисми. Галдаги вазифа эса жамиятимизнинг барча аъзоларига манфаатли мулоқот малакасини сингдиришдир. Бу малаканинг пойдевори оилада қўйилса, шубҳасиз, мактаб уни шакллантиради. Бунга биров эътироз билдирмайди, аниқ. Аммо қандай шакллантиради, деган саволга жавоб бериш осон эмас.

Жаҳон тажрибаси, унитилаёзган аждодларимиз тажрибасини ўрганиб, сайқаллаштириб она тили таълимини бутунлай янги – замонавий ўзанга буриш даври келди.

XX аср якуни ва XXI аср боши ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга бой бўлди. Инсонларнинг фикрлаш тарзи, шу билан боғлиқ тарзда мулоқот атворига бу ўзгаришларнинг таъсири мислсиз бўлди. Узоқ йиллар сиқик муҳитда яшаган ва бошқача мулоқот усуллари билан тўқнашмаган тил ташувчилари бу қадар глобал ўзгаришлар олдида доим ҳам саралаш ва объектив баҳолаш йўлидан бормоқда, дейиш қийин. XXI аср мулоқотнинг бу пайтгача кўрилмаган усули – интернет орқали мулоқотнинг ниҳоятда оммалашуви билан характерланади. Хўш, мулоқот шакллариининг бу қадар революцион тараққиётига она тили таълими қандай жавоб бермоқда? Ҳеч қандай. Дарс шакллари ва мазмуни XX аср ўргаларидан бери деярли ўзгармади. Ёшлар бир неча ўн йил муқаддам тасаввур ҳам қилинмаган мулоқот уммонида ўз ҳолича сузиб юришибди.

Мулоқотда саводхонликни таъминлашнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш бугунги тилшуносликнинг долзарб муаммосидир.

Исанова Гулбахор Тахировна

(ЎзМУ Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқ таълими кафедраси катта ўқитувчиси)

САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИДА “ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР” ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада сиёсий жараёнларда жамоатчилик билан алоқалар технологияларидан фойдаланиш вазифалари ва асосий тамойиллари таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада сайлов кампаниясида технологик усуллари қўллаш, сайловолди кураш тактикаси ва йўналишлари бўйича хулосалар берилган.

Аннотация. В данной статье анализируются задачи и основные принципы использования технологий связей с общественностью в политических процессах. В статье также приводятся выводы об использовании технологических приемов в избирательной кампании, тактика и направления избирательной кампании.

Annotation. This article analyzes the tasks and basic principles of using public relations technologies in political processes. The article also provides conclusions on the use of technological methods in the election campaign, tactics and directions of the election campaign.

Калим сўзлар: сайлов, сайлов жараёнлари, жамоатчилик билан алоқалар, сайловолди кураш, реклама, сиёсий реклама, қора технологиялар.

Ключевые слова: выборы, избирательные процессы, связи с общественностью, избирательная борьба, реклама, политическая реклама, черные технологии.

Key words: *elections, electoral processes, public relations, election struggle, advertising, political advertising, black technology.*

Ўзбекистан Республикаси Конституциясининг 29-моддасида “Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир”, деб эътироф этилган.¹ Бу ҳуқуқдан тўлақонли фойдаланиш учун фуқаролар ва давлат ўртасидаги мулоқотни тартибга солиш зарурати тушади. Бу вазифани бажаришнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, ахборот етказишнинг янги, замонавий технологияларини қўллаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланган. Ана шулардан бири – “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларидир.

Яқин вақтгача “Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари – “Public relations” (PR) иқтисодий муносабатларнинг ажралмас таркибий: қисми сифатида маълум эди. Бугунги кунга келиб, “Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари давлат бошқарувини самарали ташкил этишда ҳам кенг қўлланилмоқда. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятлари ўз фаолиятида “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларини қўллаши бунинг ёрқин далилидир.

“Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари ташкилот, корхона, давлат муассасалари ҳақида кишиларда ижобий тасаввур уйғотиш, уларнинг фаолиятини самарали ташкил қилиш мақсадида жамоатчилик фикрини шакллантиришга хизмат қилади. Бу вазифа турли йўллар билан, асосан, оммавий ахборот воситалари ёрдамида амалга оширилади. «Жамоатчилик билан алоқалар» технологиялари жамият манфаатлари йўлида давлат бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўртасида мулоқот ўрнатиш санъатидир.

«Жамоатчилик билан алоқалар» технологиялари қар қандай тузилмадан чиқаётган коммуникатив оқимлар, ахборотларни назорат қилишга йўналтирилади. Ушбу назифани амалга оширишдан мақсад мазкур тузилма на жамоатчилик ўртасида ижобий муносабатни шакллантиришдир. Бу эса коммуникатив оқимларга, жамоатчиликка етказиладиган ахборот мазмунига боғлиқ. Шундай қилиб, ҳар қандай тузилма самарали фаолият юритиши учун ўз ходимлари билан бир қаторда, жамоатчиликнинг ҳам бу тузилмага муносабатларини, фикрларини эътиборга олиши лозим бўлади. Яъни, «Жамоатчилик билан алоқалар» технологияларининг вазифаларидан бири жамоатчиликка етказиладиган ахборотлар тизимини зарурий ўзанга йўналтиришдир.

“Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари ахборот технологияларининг ўзига хос тури бўлиб, бирор сиёсий мақсадни амалга оширишда реципиентам ҳурмат қилган ҳолда ахборот-таҳлилий фаолият юритишни назарда тутди. Бу технологиялар ёлғонга асосланмайди ҳамда коммуникатор билан рецидиент ўртасидаги муносабатларни яхшилашга хизмат қилади. “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларининг ҳақиқатга асосланиши мавжуд муаммоларни кенг жамоатчилик ўртасида эркин муҳокама қилиш имкониятини беради ва фуқароларда сиёсий тушунчаларни қабул қилувчи марказ ҳақида ижобий тасаввур эшитади. Бундай фаолият кишиларнинг сиёсат субъектига бўлган ишончини орттиради, уларни онгли ҳаракат қилишга ундайди. Натижада ҳокимият билан ҳал ўртасидаги тўсиқ олиб ташланади, фуқаролар сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнига кенг жалб қилинади.

“Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари такомиллашиб бориши натижасида қандай мақсадга йўналтирилганига кўра туркумланади. Масалан, бу технологиялардан коммуникаторнинг давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқаларини яхшилашда (public affairs), шахснинг исталган қиёфасини яратишда (image making), оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни мустаҳкамлашда (media relations), ахборот етказиш ва уни аудитория томонидан қабул қилинишини бошқаришда (message management), ахборот марказларидаги кадрлар билан ишлашда (employee communications), жамоатчилик томонидан ўтказиладиган текширувларда (public involvement), ҳомийлар билан яқин алоқаларни таъминлашда (investor relations), кўргазмалар, таништирувчи тадбирлар ўтказишда (special events), инкирозли вазиятларни бошқаришда (crisis management) ва бошқа пайтларда фойдаланиш мумкин. “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларининг мазкур йўналишлари ўзига хос вазифани бажаради. Бундай йўналишларга ажратиш, ахборот бериш жараёнини бошқариш, ҳар бир инфорацион лойиҳанинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш, стандартлаштирил-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2018, 11-бет.

ган вазифаларни амалга оширишда ижодий ёндашиш имконини беради. Умуман, “Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари ахборот етказувчининг мақсадини ўзида ифода этса-да, бу ахборотларни кишилар онгига тикиштирамайди, балки янги ғоялар билан кишилар эътиборини ўзига жалб қилади, уларнинг манфаатлари билан ҳисоблашади.¹

Давлат бошқарувида “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларининг қўлланиши куйидаги вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади:

– давлат фаолияти тўғрисида фуқароларга ахборот ўтказиш;

– сиёсий жараёнларда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

– сиёсатчилар ва давлат дастурларини фуқаролар томонидан қўллаб-қувватланишига эришиш;

– давлат тузилмаларининг ижобий қиёфасини яратиш.²

Шундай қилиб, “Жамоатчилик билан алоқалар” бошқарувнинг алоҳида вазифаси бўлиб, турли муаммоларни ҳал қилиш жараёнида давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни таъминлаш негизида ўзаро ҳамкорлик муҳитини яратиш; жамоатчиликнинг мавжуд муаммога нисбатан фикрини ўрганиш ва шу асосда амалий ҳаракатларни амалга ошириш; бошқарувчиларнинг жамият манфаатларига хизмат қилишига эътибор қаратиш; амалга оширилаётган ислохотларга жамоатчиликни сарфбар қилиш, жамиятда вужудга келадиган нохуш ҳолатлардан огоҳ қилиш орқали уларнинг олдини олишга хизмат қилади. “Жамоатчилик билан алоқалар” қонуний, ошқора, самимий, ахлоқий меъёрларга мос келадиган мулоқотлар негизида амалга оширилади.

Сайлов кампаниясида технологик усулларни қўллаш сайловолди кураш тактикасига боғлиқ бўлади. Тактиканинг мақсади сайловчиларга керакли ахборотлар етказиш йўли билан уларнинг номзодни қўллаб-қувватлашларига, номзод ҳақида яхши фикрлар уйғонишига ва охир-оқибат унга овоз беришларига эришишдир. Сайловолди курашининг стратегияси «Нима қилмоқ керак?» саволига жавоб берса, унинг тактикаси мақсадга эришиш учун «Қандай чоралар кўрмоқ керак?» саволига жавоб бериши лозим.

Тактикани белгилаш сайлов кампаниясининг ташкилотчилардан ўз ишига ижодий ёндашувни талаб этади. Чунки ҳар бир сайлов кампанияси сайловчиларнинг овозини олиш учун номзодларни янгича воситалар қўллашга мажбур қилади. Сайлов кампаниясини самарали ташкил қилиш учун асосий йўналишларни белгилаб олиш зарур.

Шундай асосий йўналишлардан бири шиорлар яратиш ҳисобланади. Бу шиорлар бутун сайлов кампанияси давомида барча реклама роликларида, плакатларда такорланади, номзод ҳақида кишиларга эслатиб туради. Шиорларда қисқа ибораларнинг ишлатиши сайловчига партия ёки номзодни, унинг дастурий мақсадини эслаб қолишга имкон беради. Шу боис бу иборалар барча реклама мурожаатларида қайтарилади. Чунки бу билан сайловчи номзодни эслабгина қолмай, балки уни бошқа номзодлардан осон ажратиб олади. Демак, шиорда қўлланилган ибора номзоднинг дастуридаги асосий ғояни билдириш билан бирга, эса қоладиган, лўнда бўлиши ҳам лозим.

Иккинчи асосий йўналиш – номзод ҳақида ахборот етказиш учун баҳона, сабаб топишдир. Ҳозирги вақтда, жамоатчиликка ҳар кун янги ва янги ахборотлар етказилади. Натижада янги ахборотлар эскиларини кишилар онгидан «сиқиб чиқаради». Номзодлар сайловчиларнинг эсидан чиқиб кетмаслик учун ҳаракат қилишлари, телевидение, радио, газеталарида ахборот сифатида доимий ёритилиб бориш учун амалий ишлар қилишлари керак бўлади. Учинчи асосий йўналиш сифатида сиёсий реклама тайёрлаш ва уни тарқатишни кўрсатиш мумкин. Кўпинча, кишилар сайлов кампанияси иштирокчиларининг барча ҳаракатларини сиёсий реклама деб баҳолайдилар. Бироқ фақат номзодга овоз беришни тарғиб қилувчи нашрларни, телевидение ва радиога тайёрланган маҳсулотларнигина сиёсий реклама деб аташ мумкин. Бу видеороликлар, радиороликлар, плакатлар, интернетдаги, газета ва журналлардаги рекламалардир. Сайлов кампаниясининг ташкилотчилари ўзлари яратаётган рекламанинг кишиларга қай даражада таъсир кўрсатаётганлигини доимо назорат қилиб турадилар. Энг аввало, ҳар қандай реклама номзоднинг асосий стратегик ғояларининг моҳиятини очиб бериши лозим. Реклама полиграфик ва сифат жиҳатидан кўзга ташланарли бўлиши билан бирга, номзоднинг имижига ҳам мос келиши шарт. Иккинчидан, реклама эътиборни

¹ Мазилкина Е.И. Основы рекламы. Учебное пособие, Е.И.Мазилкина, Г.Г.Паничкина, Л.А.Ольхова. М., «Альфа-М», 2012, с. 240.

² Емельянов С.М. Теория и практика связей с общественностью. Учебное пособие для академического бакалавриата, 2-е изд., испр. и доп., М., издательство «Юрайт», 2018, 231 с.

жалб қилиши зарур. Чунки одамлар биллбордни синчиклаб кўришлари, варақани охиригача ўқиб чиқишлари, видеороликни зерикмай томоша қилишлари лозим. Учинчидан, реклама кишиларни бирор ҳаракатга ундаши ҳам муҳим ўрин тутати. Тўртинчидан, реклама қилинаётган номзод кишиларнинг эсида узоқ вақт сақланиб қолиши, уларда яхши таассурот уйғотиши керак. Шундагина реклама сайловчиларнинг электорал феъл-атворларига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Рекламанинг самарадорлигини оширишда унинг тайёрланишига ҳам эътибор берилади. Масалан, плакатни тайёрлашда унинг ҳажми, ранги, қоғозининг сифати, ҳарфларнинг катталиги, номзод портретининг жойлаштирилиши, партия эмблемасининг йириклигини инобатга олиш катта аҳамият касб этади. Реклама роликларини тайёрлашда ҳаракатчанлик, фондаги тасвирлар ва мусиқани эътибордан четда қолдириш мумкин эмас.

Сайловолди кампаниясининг тўртинчи асосий йўналиши – номзоднинг сайловчилар олдида нутқ сўзлаши ҳисобланади. Бу каби учрашувларни тўғри ташкил қилиш яхши самара беради. Чунки номзод сайловчилар билан учрашганида улар билан юзма-юз бўлиб, мулоқотга киришади ва бу билан электоратнинг ишончини қозониши мумкин. Аммо бу каби учрашувлар нафақат номзоддан етакчилик маҳоратларини талаб этади, балки унинг жамоасини ҳам анча-мунча тер тўқишга мажбур қилади. Улар учрашувдан аввал кишиларнинг кайфиятларни, муаммоларини ўрганадилар, жавоб беришга қулай савол берадиган кишиларни олдиндан тайёрлаб қўядилар. Бу учрашувлардан кишилар яхши таассуротлар билан чиқишлари учун уларга руҳий таъсир кўрсатилади.

Сайловолди кампаниясини ташкил этишда бир қатор ишлар амалга оширилганлиги учун уни доимо тартибга солиб туриш лозим. Номзоднинг жамоаси қилинадиган вазифаларни олдиндан режалаштириб, ўзаро келишиб олишлари кампанияни пала-партишликдан сақлайди.

Замонавий жамиятларда сайловолди кампаниялари кескин рақобат руҳида ўтади. Бу рақобат уч йўналишда амалга оширилади:

- номзоднинг ижобий имижини яратиш;
- рақибларни танқид қилиш ва уларнинг камчиликларини фош қилиш;
- номзоднинг заиф жиҳатларини рақиблар тажовузидан ҳимоя қилиш.¹

Бу уч йўналишнинг қай бирини танлаш номзод ва унинг командасига боғлиқ. Одатда, биринчи йўналишни амалий ишлари билан сайловчиларга таниш бўлган номзодлар, ҳокимият тепасида турган партиялар танлайдилар. Иккинчи йўналиш эса кўпроқ муҳолифатдаги партияларга ва номзодларга хос. Агар номзод сайловолди кампаниясининг учинчи йўналишини танласа, бу унинг заифлигини кўрсатади. Учтинчи йўналишни тутган номзод мағлубиятга маҳкум. Чунки кишилар тафаккурида «ўзини оқлаётими, демек, айбдор» қабилидаги стереотип шаклланган. Кўп ҳолларда номзодларнинг бир-бирини танқид қилишлари очикдан-очик «обрўсизлантириш жанги»га айланиб кетади. Номзодлар ўз рақибларига турли айблар қўядилар. Бу билан уларнинг руҳий мувозанатини бузишга эришмоқчи бўладилар. Натижада рақиблар хатога йўл қўйиб, ўзларини оқлай бошлайдилар, ҳиссиётларга берилдилар ва охир-оқибат сайловда енгилдилар. Шу сабабли сайлов кампаниясининг ташкилотчилари ўзларининг хатоларини яхши билишлари, рақибни синчиклаб ўрганишлари лозим.

Сайлов кампаниялари чоғида рақибларнинг обрўсини тўқувчи ахборотлар тарқатилиши ҳозирги кунда янгилик эмас. Бунинг учун олдиндан тайёргарлик кўрилиб, рақибнинг таржимаи ҳоли синчиклаб ўрганилади. Унинг шубҳали кишилар билан алоқалари, йўл қўйган хато-камчиликлари аниқланади ва ошкор қилинади. Рақибга ҳамла қилишда вақтни эътиборга олиш муҳим. Агар айбномалар сайловдан анча илгари эълон қилинса, вақт ўтиши билан одамларнинг эсларидан чиқиб кетиши мумкин. Шу боис бу каби обрўсизлантириш ишлари сайловга оз кун қолганида амалга оширилади, шунда рақиб ўзини ўнглаб олгунича сайлов куни етиб келади. Агар рақибнинг обрўсини тўқишга етарли далиллар топилмаса, у ҳолда унинг гапираётганида тутилиб қолганлиги, дудқланганлиги, эснаётгани ёзилган кадрларни топиб халққа кўрсатиш мумкин.

Афсуски, кўпинча, сайловолди кампанияларида «қора технологиялар» ҳам қўлланилади, яъни рақибнинг обрўсини тўқувчи далиллар йиғилмай, балки унга очикдан-очик тухмат қилинади. Сайловчиларни сотиб олиш, рақибнинг фамилиядошларни топиб, шу орқали уни обрўсизлантириш, тарғибот тақиқланган кунларда рақиб номидан варақалар тарқатиш ҳам «қора технологиялар»га мисол бўла олади.

¹ Емельянов С.М. Теория и практика связей с общественностью. Учебное пособие для академического бакалавриата. 2-е изд., испр. и доп., М., издательство «Юрайт», 2018, 231 с.

Ривожланган демократик мамлакатларнинг қонунчилигида контрреклама маън қилинмаган фаолият ҳисобланади. Лекин рақиблар бир-бирларини танқид қилишлари учун тегишли чегара ўрнатилган, яъни асосланмаган тухматлар билан сайловчиларни чалғитиш, мумкин эмас. Фақат йўл қўйилган хатолар учунгина танқид қилиш мумкин.

Шундай қилиб, сайлов технологиялари – сиёсий мақсадга йўналтирилган сайлов кампаниясини самарали ўтказишнинг турли усуллари йиғиндисидир. Бу кампаниянинг самарали ташкил қилиниши, аввало, ташкилотчилар мавжуд вазиятни қанчалик чуқур ўрганганликларига, иккинчидан, улар сайловчиларга таъсир кўрсатишнинг қандай янги усулларида фойдаланганликларига ва кишиларнинг муаммоларига қай даражада эътибор берганликларига боғлиқ.

Хуллас, “Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари давлат бошқаруви тизимининг ажралмас қисми, жамият аъзоларининг, турли ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг қарашлари, фикрлари, қадриятлари ва манфаатларини ўзида акс эттиради ҳамда улар ўртасида уйғунликни таъминлашга, ҳамкорлик муҳитини ўргатишга хизмат қилади. Сиёсий маконда “Жамоатчилик билан алоқалар” технологиялари муайян ғояларни ўзида акс эттириш ва етакчилар билан таништириш имконини берадиган ўзига хос механизмдир. Шунингдек, бу технологиялар давлат билан жамият, ҳокимият идоралари билан фуқаролар ўртасидаги ихтилофли ижобий ҳал қилишга хизмат қўшади.

Санакулов Зайниддин Ибодулласевич (ЎЗМУ таянч докторанти)
НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ СЎЗ ЯСАЛИШИДА «МАҲСУЛЛИ-МАҲСУЛСИЗЛИК»
ЛИСОНИЙ ҲОДИСАНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

***Аннотация.** Ушбу мақола немис ва ўзбек тиллари сўз ясаши сатҳи тадқиқига бағишланган бўлиб, унда маҳсуллик ва маҳсулсизлик ҳодисаси икки тил доирасида қиёсан ўрганилган.*

***Аннотация.** Данная статья посвящена изучению уровня словообразований в немецком и узбекском языках, в котором изучается феномен продуктивности и непродуктивности в двух языках.*

***Annotation.** This article is dedicated to the study of the level of word formation in the German and Uzbek languages, which studies the phenomenon of productivity and unproductivity in two languages.*

***Калим сўзлар:** маҳсулли, маҳсулсиз, сермахсул, каммахсул, унумли, унумсиз, сўз ясашиши, сўз ясаши қолипи/моделли, сўз ясашиши типи, сўз ясашиши маъноси, аффикс, аффиксация.*

***Ключевые слова:** продуктивное, непродуктивное, словообразование, словообразовательная форма/модель, словообразовательный тип, словообразовательное значение, аффикс, аффиксация.*

***Key words:** productive, unproductive, word formation, word formation form/model, word formation type, word formation value, affix, affixation.*

Сўз ясаши қолиплари мавжуд ясама сўзлар – лексемалар ёрдамида умумлашади ҳамда шунга асосланиб таҳлил этилади. У ёки бу сўз ясаши қолипи асосида янги сўз ясашишида ҳар қандай бирлик қолипга мувофиқдек кўринса-да, сўз ясаши асоси ёки ясовчи бўлиб хизмат қила олмайди. Масалан, немис тилида *fehl (негиз)+-ung* сўз ясаши қолипи мавжуд бўлса-да, *zeigen, hören, aufstehen* каби феъллардан *Zeig/ung, Hör/ung, Aufsteh/ung* каби лексемалар ясалмайди, улар грамматик қодаларга номувофиқ саналади. Шу сабабли сўз ясаши қолипларининг сўз ясашиши имкониятларини чегаралайдиган маълум чекловлар мавжуд. Бу каби чекловлар, асосан, аффиксация ҳамда конверсия усулда сўз ясашишида учрайди, композицион усулда сўз ясашишида кам кузатилади. Бунга сабаб бўлувчи омиллардан яна бири – бу луғат бойлигини камраб олган лексикографик манбалар, яъни луғатлардир.

Маҳсуллик сўз ясаши қолипларининг маълум даражаланган хусусиятидир. Қисқароқ қилиб айтганда, бунда гап сермахсул сўз ясаши қолипларига кирадиган аффикслар ҳақида боради.¹

Немис тилшунослигида сўз ясаши қолиплари (ўта) сермахсул ёки бутунлай маҳсулсиз бўлиши, лекин бу иккала микдор орасида яна бир қанча даражаларни келтириши мумкин бўлади.

Агар сўз ясаши моделлари сўз ясаши бирликларининг фонологик, морфологик, синтактик ва семантик хусусиятларига нисбатан фақатгина жуда кам чекловларни намоён этса (сифатий критерия) ҳамда кўп микдорда янги сўз ясашишларда қўлланаётган бўлса (микдорий критерия), у ҳолда,

¹ Polenz, P.v. Wortbildung. In: Althaus, H.P./Henne, H./Wiegand, H.E. (Hg.) Lexikon der germanistischen Linguistik. Tübingen, 1980, p. 175.

ушбу модуллар ўта сермахсул («massenhaft produktiv», яъни «оммавий унумли», саналади; буларга ҳозирги немис тилидаги феълдан сифат ясовчи *-bar* (*hör|bar, mach|bar, lies|bar, annehm|bar* ва б.), феълдан от ясовчи *-er* (*Lehr|er, Fahr|er, Les|er, Spiel|er* ва б.) ва феълларнинг конверсия орқали отга айланиши (*Lesen, Hören, Leben* ва б.) мисол бўла олади. Каммахсул («gelegentlich produktiv», яъни «окказионал унумли» деганда ҳозирда жуда кам миқдордаги сўз ясалишига асос бўлаётган сўз яшаш моделлари киради; *erz-* (*Erz-gegner*; PDW¹ 2005; *Erz-Wiedersacher*; PDW 2006) от ясовчи префикси, *-el(n)/-l(n)* (*mensch|eln, kris|eln*) феъл ясовчи суффикслари ва отдан сифат ясовчи *-en* (*papier|en*) суффикси шулар жумласидандир. Махсулсиз моделлар асосида деярли янги сўзлар ясалмайди, аммо окказионал ясамалар учраши мумкин.

Немис тилида бўлгани каби ўзбек тилида ҳам терминлар қўлланишида турли хил қарашлар учраб туради. Жумладан, Ҳ.Неъматов, Р.Расулов сўз яшаш қолиплар унумли ва унумсиз турларга ва унумли қолиплар, ўз навбатида, унумли сермахсул ва унумли каммахсул сўз яшаш қолипларига бўлинишини қайд этади.² Муаллифлар унумли сўз яшаш қолипи ҳақда шундай сўз юритади: «сўз яшаш қолипи уч қисмдан: (1) сўз яшашга асос бўлувчи луғавий морфема – лексема, (2) лексеманинг маъносини ўзгартирувчи қўшимча – ясовчи қўшимча, (3) бириктиш ҳосиласининг табиати, моҳиятидан иборат бўлади. Қолипнинг ҳар учала қисмидаги чекланиш муайян қоида (қонуният) билан белгиланиши ва тасодифийликлардан холи бўлиши керак. Бу фикр, аниқса, 1 ва 3 қисмларга оиддир».³ Унумли сўз яшаш қолиплари ўз қисмлари доирасида сўз ясалишда учрайдиган умумий тур, хил ёки миқдор билан чекловлар даражасига қараб улар унумли сермахсул, яъни қолип ҳеч қандай ёки қисман чекланишга эга бўлади (*саноқ сон*)+[*инчи*] = (*тартиб сон*) қолип ҳеч қандай чекланишни билмайди) ва унумли каммахсул [*иккидан бигача миқдор номи*]+[*ов*] = (*жамловчи сон*) қолип атига тўртта лексемани ўз ичига олади, яъни чекловга эга) сўз яшаш қолипларига бўлинади. Муаллиф шуни таъкидлайдики: «Ўзбек тилининг сўз яшаш тизими, умуман, ўрганилган эмас. Шу сабабдан биз бу ўринда аниқ далиллар келтира олмаймиз. Унумли сермахсул ва унумли камахсул қолиплар ҳақидаги тафсилотларни аниқлашни келажакка қолдириб, ...».

Унумсиз сўз яшаш қолипи («тарихий сўз яшаш қолипи» деб ҳам қўлланган) мисолида [*феъл*]+[*-гин*] = (*от ёки сифат*) қолипи қайд этилган бўлиб, бу қолип асосида тарихда *-гин* алломорфемаси қўшилиб ясалган 29 та от ва сифат (*тиз|гин, кес|кин, ёл|қин, тўл|қин, ёр|қин, итир|қин, тис|қин, бос|қин* ...) берилган. Маълум бўлишича, ушбу қолип ҳосилалари маъно жиҳатдан ранг-баранг бўлиб, маълум қонуниятларга бўйсунмайди. Чунки қолип тил унумлигини йўқотгач, унинг тил бирлиги сифатида таъсир кучи қолмаслиги, натижада унинг ҳосилалари *мустақил лексемалар* сифатида ривожланиб, турлича маъноларни кашф этиши ҳамда улар фақатгина луғатлар билан белгиланиши айтиб ўтилади. Ажабланарлиси шуки, бугунги кунда бу каби мустақил лексемаларга айланган тил бирликларининг миқдори ўзақлардан ва туб сўзлардан 4–5 маротаба кўпдир.⁴

Шуни таъкидлашимиз жоизки, ўзбек тилшунослигида ушбу муаммо, яъни сўз яшаш қолипи, унумли-унумсизлик, махсулли-махсулсизлик терминларининг қўлланиши, мунозарали мавзулардан биридир. Чунки ўзбек тили сўз ясалиши тизимини тадқиқ этган етук намоёндалардан бири – А. Ҳожиёв (2007: 34–35) юқорида берилган Ҳ.Неъматов, Р.Расуловнинг хулосаларига қўшилмайди, бундан ташқари, терминлар борасида ҳам ўзгача хулосалар беради. Жумладан, «қолип» («модель», «конструкция») тил бирлиги бўла олмаслиги, «сўз яшаш қолипи» асосида иш кўриш кутилган натижани бермаслиги, аксинча, нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкинлигини далиллар келтириб, аниқ тасаввур уйғотади. «...сўз ясалиш модели (қолипи) борлигини тан олган тақдирда ҳам, сўз ясалишининг {[от, сифат, сон, олмош, сифатдош...]+[ники]}=...; {[от, сифат, сон, олмош, сифатдош...]+[даги]}=... каби қолиплари борлиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас ва буни исботлаб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ (Сон, олмош туркумларида сўз ясалиш ҳодисаси йўқлиги лингвистик адабиётларда исботланган.⁵ Сифатдошдан сифат ясалиши эса кулгили гапдан бошқа нарса эмас). Шунингдек, *-ники* ва *-даги* қўшимчаларининг сўз ясовчи эмаслиги ўзбек тилшунослигида қайд этилган ва исботланган. Бу қўшимчаларнинг от, сифат, сон, олмош, сифатдошга қўшилини тан

¹ PDW = Projekt Deutscher Wortschatz: <http://www.wortschatz.uni-leipzig.de>

² Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1995, 38 – 43-бетлар.

³ Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўша асар. 40-бет.

⁴ Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўша асар. 43-бет.

⁵ Ҳожиёв А., Нурмонов А., Маҳмудов Н. Спорные вопросы в системе словообразования тюркских языков. «Советская тюркология», 1989, №2.

олишнинг ўзиёқ уларнинг сўз ясовчи эмаслигини тан олишга мажбур этади. Чунки сўз ясовчиларнинг сўз шаклига қўшилмаслиги (сўз шаклидан сўз ясамаслиги), сўз шаклини ясовчиларгина сўзга, сўз шаклига қўшилиши ва бу нарса қонуний экани ўзбек тилигунослигида исботланган ва барча томонидан тан олинган факт. Шунинг учун ҳам *қизники, қизларники, қизларимизники; биздаги, қишлоғимиздаги* сўзларининг ясама сўз эмаслиги исботталаб нарса эмас ва буни исботлаш учун «лисоний қолип»ларнинг кераги ҳам йўқ».¹ Муаллиф маҳсулли ва маҳсулсиз (унумли-унумсиз) терминлари ҳозирги кунда сўз ясовчи, сўз яшаш усули, ҳатто сўз яшаш қолипларига нисбатан ноўрин қўлланилаётганини танқид қилиб, бу терминларни фақатгина сўз яшаш типларига нисбатан қўллаш борасида далиллар келтиради.² Муаллифнинг фикрига кўра, «маҳсулли-маҳсулсизлик» («унумли-унумсизлик») терминларини қўллашда улар асосида (1) *янги сўз ясалиши ёки ясамаслиги* ҳамда (2) *кам миқдорда ёки кўп миқдорда сўз ясалиши* дикқат марказимизда туриши керак. Биринчи ҳодисанинг моҳиятини «маҳсулли-маҳсулсизлик» термини тўғри ва аниқ ақс эттиради. Яъни, янги сўз ясалаётган (ҳосил қилинаётган) бўлса, маҳсулли (маҳсули бор), янги сўз ясалиши йўқ бўлса, маҳсулсиз (маҳсули йўқ) бўлади. Иккинчи ҳодисанинг моҳиятига эса «каммаҳсул-сермаҳсуллик» термини мос келади. Яъни кам миқдорда сўз ясалса, каммаҳсул, кўп миқдорда сўз ясалса, сермаҳсул бўлади. Ана шу икки терминдан бошқасини қўллашга эҳтиёж йўқ.³ Шунингдек, сўз ясовчиларнинг каммаҳсулли ёки кўпмаҳсуллилиги фақатгина ўша ясовчининг ўзига эмас, балки сўз ясалишига асос бўладиган лексик-семантик гуруҳнинг ҳолатига боғлиқ, яъни шу лексик-семантик гуруҳга кирадиган янги-янги сўз пайдо бўлиб (юзага келиб) турса, шу типга оид сўзлар ясалиши давом этади ва сўз ясовчи ҳам, сўз ясалиши типи ҳам маҳсулли бўлади. Ақс ҳолда, яъни сўз ясалишига асос бўладиган янги сўзлар юзага келмаса, семантик жиҳатдан бир турдаги сўзлар гуруҳида ҳеч қандай янгиланиш (бойиш) бўлмаса, сўз ясовчи шу типдаги янги сўз ясамайди ва сўз ясовчи ҳам, сўз ясалиш типи ҳам маҳсулсизга айланади. Масалан, сифат+ай типиди сўз ясалиши (*кенгай, торай, зўрай* каби) ҳозирда йўқ. Демак, сўз ясовчи –ай ҳам, сўз ясалиши типи ҳам маҳсулсиз ҳисобланади. Демак, «сўз ясалиш типининг маҳсулсизлиги» деганда, ясама сўзлар гуруҳининг янги ясама сўзлар билан бойимаслиги, аксинча, «сўз ясалиш типининг маҳсуллилиги» деганда, ясама сўзлар гуруҳининг янги ясама сўзлар билан тўлиб, кенгайиб бораётганлиги назарда тутилади.⁴ Бундан ташқари, айнан бир сўз ясовчи баъзи сўз ясалиши типларида маҳсулли, баъзиларида эса маҳсулсиз бўлиши ҳам кузатилади. Буни феъл ясовчи -ла ёрдамида ҳосил қилинган сўзлар миқсолидаёқ аниқ кўриш мумкин. Масалан, унинг ёрдамида ясалган *мойламоқ, зираламоқ, никелламоқ ва дасталамоқ, гарамламоқ, рулонламоқ* каби феъллар (феъл ясалишининг икки типи) маҳсулли типлар; *баландламоқ, настламоқ, ичкариламоқ ва иссиқламоқ, салқинламоқ, томошаламоқ* типиди феъл ясалиши маҳсулсиз сўз ясалиши типлари ҳисобланади.⁵ Ушбу терминлар қайси лисоний лисоний ҳодисага нисбатан қўлланиши кераклиги борасида «маҳсулли-маҳсулсизлик ва каммаҳсул-сермаҳсуллик ҳам сўз ясалиши қолипига эмас, балки сўз ясалиш типи (типлари)га оид. Бу ҳодисанинг таҳлилида ҳам «қолип» сўзини («сўз ясалиш қолипи» бирикмасини) қўллашга эҳтиёж йўқ» дея ху-лоса берилган.⁶

Биз юқорида мунозарали ҳодиса дея таърифлаган «маҳсулли-маҳсулсизлик» «унумли-унумсизлик» терминларининг маъноси ҳамда қўлланиши борасидаги ушбу фикрлардан хулоса чиқаришимиз мумкинки, сўз яшаш бирликларига нисбатан маҳсулли (сермаҳсул ва каммаҳсул) ва маҳсулсиз терминларини қўллаш лисоний меъёрларга тўғри келади, шу билан бирга, муаммонинг моҳиятини тўғри ва аниқ ёритиб бера олади. Ушбу фактга таянган ҳолда, биз тадқиқотларда шу терминлардан унумли фойдаланиш тавсия этилади. Лекин шуни ҳам қайд этишимиз жоизки, немис ва ўзбек тиллари лисоний ҳодисаларини чоғиштирма аспектда таҳлил этишда, жумладан, сўз ясалиши қонструкциялари ҳақида гап борганда, модель ҳамда қолип терминларидан тўлиқ синонимлар сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг сабаби, қиёсланаётган тил доирасида ушбу лисоний ҳодиса, уни ифодаловчи терминлар муҳим аҳамиятга касб этади.

¹ Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиш тизими. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёи, 2007, 35-бет.

² Ҳожиёв А. Ўша асар. 44–50-бетлар.

³ Ўша асар. 165-бет.

⁴ Ўша асар. 167-бет.

⁵ Ўша асар. 46-бет.

⁶ Ўша асар. 50-бет.

Сапаева Дилфуза Нарбаевна, Шомуратова Бибихон Ўктамовна, Садуллаева Нилуфар Азимовна
(ф.ф.н., доцент, Тошкент Тиббиёт академияси Урганч филиали)
**TIBBIYOT TERMINOLOGIYASI: INGLIZ TILIDA TIBBIY ATAMALARNING PAYDO
BO‘LISH USULLARI**

Annotatsiya. Ushbu maqola tibbiy terminologiyani o‘rganish natijalarini taqdim etadi, “terminologiya” tushunchasining rivojlanish bosqichlarini tarixiy jihatdan ko‘rib chiqadi, ushbu konsepsiyaning rivojlanishiga ta’sir ko‘rsatadigan omillarni, xususan, ekstralingvistik va lingvistik xususiyatlarni aniqlaydi va tavsiflaydi.

Аннотация. В настоящей статье представлены результаты изучения медицинской терминологии, рассмотрены этапы развития понятия “терминология” в историческом аспекте, выявлены и охарактеризованы факторы, оказывающее влияние на развитие этого понятия, а именно: экстралингвистические и лингвистические.

Annotation. This article presents the results of the study of medical terminology, considers the stages of the development of the concept of “terminology” in the historical aspect, identifies and characterizes the factors that influence the development of this concept, namely: extralinguistic and linguistic.

Kalit so‘zlar: diagnostika, terminologiya, sonografiya, mamografiya, laparoskop, endoskop, kolonoskop, magnit-rezonans, dermatovenerologiya.

Ключевые слова: диагностика, терминология, сонография, мамография, лапароскоп, эндоскоп, колоноскоп, магнит-резонанс, дерматовенерология.

Key words: diagnostics, terminology, sonography, mammography, laparoscope, endoscope, colonoscope, magnet resonance, dermatovenerology.

O‘tgan asrda tibbiyot ko‘plab yangi sohalarga kirib bordi. Bularning barchasi fan va texnologiyalar rivojlanishi tufayli ro‘y berdi. Diagnostika bo‘yicha yangi vositalar va usullar paydo bo‘ldi, masalan, kompyuter tomografiyasi, sonografiya, mamografiya, laparoskop, endoskop, kolonoskop, magnit-rezonans tomografiya (MRT) va boshqalar. Shuningdek, OITS, yirik shoxli spongiform ensefalopatiya (jinni kasallik), parranda grippi (H5N1 virusi), cho‘chqa grippi (H1N1 virusi) kabi yangi kasalliklar paydo bo‘ldi. Ushbu yangi hodisalarning barchasini nomlash, hujjatlashtirish, olimlar va xalq orasida tarqatish kerak edi. Shunday qilib, yangi so‘zlar ya‘ni tibbiy atamalar shakllanib keldi.

Tibbiyotning har bir sohasida yangi atamalarni shakllantirish e‘tiborga loyiqdir, chunki atamalar asta-sekin umumiy maqsadlar uchun mo‘ljallangan tilning bir qismiga aylanib bormoqda. Umumiy (kodlangan) til va fan tili o‘rtasida juda yaqin aloqa mavjud. Ilmiy til umumiy yozma va bosma materiallarning to‘rtidan uch qismini tashkil qiladi. Har bir inson umumiy tilni ishlatsa-da, fan tili ma‘lum darajada ilmiy ma‘lumotni talab qiladi, chunki atamalar, ma‘lum tushunchalarning nomi bo‘lib, faqat ularning ma‘nosini anglatadi. Faqat mutaxassislargina bu atamalar nimani anglatishini aniq bilishadi.

Bugungi kunda tibbiyotda ishlatiladigan anatomik va klinik atamalarning aksariyati lotincha yoki lotinlashtirilgan yunoncha so‘zlar bo‘lib, ularning kelib chiqishi miloddan avvalgi V asrga borib taqaladi. Tibbiy atamalar samarali ishlashi va tushunarli bo‘lishi uchun atamalar to‘g‘ri shakllantirilishi, qabul qilinishi va to‘g‘ri talaffuz qilinishi kerak. So‘zlarni shakllantirish va so‘zlarni tahlil qilish bo‘yicha asosiy ma‘lumotlar talabalarga tibbiy terminologiyadan yanada samarali foydalanishga imkon beradi. Talabalar atamalar ro‘yxatini yodlashdan ko‘ra, atamalarning ma‘nosini osongina o‘rganishlari mumkin.¹

Tibbiyot terminologiyasida yangi so‘z yasalishi ikkita hodisa asosida kuzatish mumkin: juda aniq ishlab chiqilgan, standartlashtirilgan xalqaro anatomik terminologiya va barcha tibbiy sohalarda tez rivojlanayotgan klinik terminologiya. Ushbu hodisaning asosiy sababi ilmiy bilimlarning jadal rivojlanishi va yangi asboblari, kasalliklar, alomatlar va boshqalarni tezda nomlash zarurati hisoblanadi. Klinik tibbiy terminologiyani xalqaro miqyosda birlashtirishga bo‘lgan barcha urinishlar, umuman olganda, hozirgi kunga qadar muvaffaqiyat qozonmadi. Kasalliklarning yagona xalqaro tasnifini yaratishga birinchi urinish 19-asrda qilingan edi. Ushbu tasnifda yagona qoidalar yo‘q edi va bugungi kunda Xalqaro Kasalliklar tasnifi (ICD) kabi statistik maqsadlarda ishlatiladigan texnik vositadir. Umumiy tibbiy terminologiyaning yo‘qligi, ayniqsa, hozirda kompyuterlar tibbiyotga kirganligi va benuqson xalqaro aloqalar talab etilayotganligi ayon bo‘ldi.

Lingvistik nuqtayi nazardan, klinik terminologiyani o‘rganish uning o‘zgaruvchanligi va rang-ba-

¹ Chabner D.E. The Language of Medicine. New York, W.B.Saunders Company, 1996, 1036 p.

rangligi tufayli yanada qiziqarlidir. Ushbu maqoladagi ko'plab misollar dermatavenerologiyadan olingan, chunki u tibbiyotning nisbatan yosh sohasi. Ushbu fan terminologiyasi hozirgi kunda rivojlanish jarayonida, shu sababli ko'plab qiziqarli hodisalarni kuzatish mumkin.

Tibbiy atamalarni odatda bitta so'zdan yoki bir nechta so'zlarni o'z ichiga olgan atamalarga bo'lish mumkin. Bitta so'zli atamalar oddiy (lotin bo'lmagan) so'zlar, lotin so'zlar, lotin birikmalar va aralash so'zlar bo'lishi mumkin.

Qoida tariqasida, yangi lug'at uchta sababga ko'ra shakllantiriladi:

1. Yangi ismlarning paydo bo'lishi.
2. Yangi ma'no shakllanishi.
3. Boshqa tillardan so'zlarni o'zlashtirish.

Ba'zi tilshunoslar yangi atamalarni shakllantirish usullarini guruhlariga ajratadilar:

- 1) so'zlarni frazalashning morfologik usuli, qisqartirish;
- 2) bir nechta so'zlardan iboralar va iboralarni shakllantirish orqali sintaktik;
- 3) semantik – tez-tez ishlatiladigan so'zlarning ma'nosini toraytirish (aniqlashtirish); oldingi ma'noning metaforik va metonimik ravishda uzatilishi;
- 4) so'zlarni boshqa tillardan olish.¹

Atamalarni shakllantirishning eng samarali usuli bu so'z ishlab chiqarishdir. Olingan tibbiy atamalar quyidagi misollarda keltirilgan prefiks, bitta yoki ikkita ildiz so'z va turli birikmalardagi qo'shimchadan iborat bo'lishi mumkin:

- myocardium=myo-(prefiks)+card (ium) (o'zak);
- endocarditis=endo-(prefiks)+card (o'zak)+-tis (suffiks);
- cytology=cyt(o) (o'zak)+-logy (suffiks);
- gastroenterology=gastr(o) (o'zak)+enter(o) (o'zak)+-logy (suffiks);
- adenoma=aden(o) (o'zak)+orna (suffiks).

Terminlarni shakllantirishning ikkinchi eng samarali turi – bu frazalash. Murakkab so'z ikki yoki undan ortiq asoslardan iborat turg'un iboradir, masalan, human (odam), blood donor (donor qoni), Black Death (vabo).²

Ingliz tilida aralash so'zlarni osongina tanib olish mumkin, chunki ular har doim birgalikda yozilgan, ingliz tilida aralash so'zlarning imlosi har xil bo'ladi. Ifodalar yozilishi mumkin:

1. Ikki yoki uch so'zdan iborat ibora: blood pressure (qon bosimi), blood group (qon guruhi), heart attack (yurak huruji), sleep walker (oyparast), central nervous system (markaziy asab tizimi).
2. Chiziqcha orqali: life-span (hayot davomiyligi), collar-bone (ключица).
3. Bir so'z sifatida: gallstone (o't qopi toshi), haemophilia (gemofiliya), leucocytopenia (leykositopeniya), pseudopolycytomia (pseudopolisitemiya).

Murakkab so'zlarni yozish uchun qat'iy qoidalar yo'q. Ba'zida atamalar yozilish holatlarida o'zgarishlar bo'lib turadi. Bazida chiziqcha bilan ajratilib yozilsa, boshqa holatda bitta so'z kabi qo'shib yoziladi. Masalan, life span – life-span; gall bladder – gallbladder.

Mustaqil so'zlardan yasalgan so'z yasovchi affiksalar yordamida so'z yasash murakkab so'zlarni tuzish diaxronik nuqtai nazardan so'z yasashga qaraganda ancha eskiroq ko'rinadi. Bugungi kunda shunga o'xshash jarayonni prefiksiyalar (soxta prefiksalar) va suffiksoidlar (soxta suffiksalar) jarayonida ko'rish mumkin, masalan, myo-, arthro-, haemo-lhaemato-, adipo-, hepato, onco-, patho-; -aemia, -logy, -tomy, -pathy, -cyte, -algia, -ectomy, -scope va boshqalar.³

Ushbu soxta affikslarning har biri ma'lum ma'noga ega, ammo ular mustaqil so'zlar sifatida ishlatilmaydi. Ular yunon va lotin so'zlarining ildizlaridan ilmiy maqsadlarda - yangi tushunchalarga nom berish uchun shakllantirilgan.

Yuqorida tilga olingan ikkala tur ham morfologik hisoblanadi, chunki ular ma'lum morfologik jarayonlardan o'tadi. Garchi so'z yasash va taqsimlash, asosan, o'tmishda lotin va yunon tilidan kelib chiqishi va so'zlarining ildizi va affikslaridan foydalanish tufayli ustun bo'lgan bo'lsa-da, hozirgi vaqtda bir

¹ World Health Organization. International statistical classification of diseases and related health problems (электронный ресурс). URL: www.who.int/classifications/apps/icd/icd10online (дата обращения 20.12.16).

² Druganova B. English Medical terminology – different ways of forming medical terms. JAHR. 2013. Vol. 4, №7, p. 55 – 69.

³ Andrews E. A History of Scientific English: The Story of Its Evolution Based on a Study of Biomedical Terminology. E.Andrews, A.B.Luckhardt. NY: Richard R. Smith. 2012, 352 p.

nechta soʻzlardan iboralar yigʻish, yaʼni sintaktik usul ustunlik qilmoqda. Masalan: Acquired Immune Deficiency Syndrome (Immunitet tanqisligi sindromi), Severe Acute Respiratory Syndrome (ўtkir naʼfas olish sindromi), Irritable Bowel Syndrome (йўфон ичак яллиғланиши синдроми).

Keyinchalik, ular qisqartirish jarayoniga duch keladilar, chunki ular juda uzun soʻz hisoblanib, talaffuz qilish jarayonida qiyinchilikka duch kelinadi. Koʻpgina inglizcha qisqartmalar xalqaro miqyosda shunchalik taniqli boʻlib qolganki, koʻpchilik oddiy odamlar ushbu terminlarni toʻliq shakllarini bilmasliklari mumkin (AIDS – OITS, HIV – OIV, BSE – BFB, SARS – , И IBS – CPTK).

Soʻz shakllanishining toʻrtinchi turi bu (abrivasiya). Abbreviatura bu soʻz yoki iboraning qisqartirilgan shakli. Qisqartirishning koʻplab usullari mavjud. Odatda, lekin har doim emas, ular harf yoki soʻz yoki iboradan olingan harflar guruhidan iborat. Qisqartmalar yozma tilda yuzaga keladi va ularning soʻzlashuv turlari faqat grafik (g – gram, h – hour), ham grafik, ham fonetik (G.P. – general practitioner – umumiy amaliyot shifokori) yoki qisqartirilgan, masalan [eidz] – boʻlishi mumkin. AIDS – OITS. Akronimlar qisqartmalar HIV (Human Immunodeficiency Virus – OIV kabi alohida soʻzlar sifatida talaffuz qilinadi. Baʼzan qisqartma soʻzlarning qismlaridan, masalan Ameslan (American Sign Language – американий язык жестов).

Qoida tariqasida, qisqartmalar va qisqartmalar qisqartirishning kichik guruhlarini (qisqartmalar) sifatida qabul qilinadi. Baʼzi tilshunolar qisqartmalar va boshlangʻich qisqartmalar oʻrtasida katta farq borligini tan olishmaydi va ular ikkala termin uchun ham oxirgi atamani ishlatadilar.

Boshlangʻich qisqartirishlar qisqartirilgan uzoq tavsiflash muddatlari uchun yozma ingliz tilida juda mashhur. Masalan, биохимические термины, такие как: deoxyribonucleic acid – DNA (дезоксирибонуклеиновая кислота – ДНК), ribonucleic acid – RNA (рибонуклеиновая кислота – РНК), adenosine triphosphate – ATP (аденозинтрифосфат – АТФ); термины клинической медицины: acute lymphocytic leukaemia – ALL (острый лимфобластный лейкоз – ОЛЛ), chronic lymphocytic leukaemia – CLL (хронический лимфолейкоз – ХЛЛ), thrombotic thrombocytopenic purpura – ТТП (тромбоцитопеническая тромбгемолитическая пурпура – ТТП), autoimmune thrombocytopenia – АИТ (аутоиммунная тромбоцитопения – АТ), idiopathic thrombocytopenia – ИТ (идиопатическая тромбоцитопения – ИТ) va boshqalar.

Boshlangʻich qisqartmalar shunchalik keng tarqalganki, siz avval iborani toʻliq kiritishingiz kerak, soʻngra tushunmovchilikni bartaraf etish uchun uning qisqartmasi, masalan, CML boshlangʻich qisqartmasi – chronic myeloid leukaemia (хронический миелолейкоз) yoki chronic monocyte leukaemia (хронический моноцитарный лейкоз) degan maʼnoni anglatadi.

Soʻz shakllanishining asosiy turlaridan tashqari, konversiya, teskari soʻz hosil qilish va kesish kabi kichik turlar uchun etarli joy mavjud.

Morfologik vositalarni ishlatmasdan soʻzni oʻzgartirganda, ushbu soʻz bir soʻz turkumidan boshqa bir soʻz turkumiga oʻtadi. Ushbu jarayon soʻzga yangi maʼno qoʻyish uchun semantik ehtiyoj asosida ishlab chiqilgan. Shu tarzda feʼllar ot va sifatlardan yoki boshqa soʻz turkumlaridan shakllanadi.

Masalan, position – to position (holat – joylamoq, joylashtirmoq), lecture – to lecture (maʼruza – maʼruza oʻqimoq), blind – to blind (koʻr – koʻr boʻlib qolmoq), to check – check-up (tekshirmoq – tekshiruv).

Baʼzan talabalar yangi qoʻshimchali qoʻshimchalarni oʻrganish oʻrniga, konversiyani notoʻgʻri qoʻllashadi, yaʼni boshqa otning oldiga ot qoʻshimchasini qoʻshishadi, shunday qilib u sifatlarni vazifasini bajaradi, masalan, connection tissues вместо connective tissue (соединительная ткань), skeletal muscles вместо skeletal muscles (скелетные мышцы), nerve system вместо nervous system (нервная система).

Terminlarni shakllantirish koʻp odamlar uchun rasmiy va qiziq boʻlmagan boʻlib koʻrinishi mumkin boʻlsa-da, soʻz shakllanishining aniq, pragmatik, tarkibiy shakllaridan tashqari, butun hikoyani nomlarida yashiradigan atamalarni shakllantirishning koʻplab oraliq usullari mavjud. Baʼzan chet tili oʻqituvchisi ular toʻgʻrisida maʼlumot toʻplash, oʻrganish, umumlashtirish, hatto yozishga harakat qilganda mumammoga duch kelishi mumkin, ammo tibbiyot talabalari va talabalar bilan atamalarning kelib chiqishini muhokama qilish tibbiyot tarixini chuqurroq tushinishga imkon beradi va ular turli xil atamalarni koʻrib chiqish imkoniyatiga ega. qarashlar. Yana bir muhim masala shundaki, tibbiyotni oʻqitish va uni hayotga tatbiq etishda biz foydalanadigan atamalarning maʼnosiga mutlaqo va soʻzsiz ishonishimiz kerak. Muhim tibbiy atamalarni tahlil qilish bizni ularning aniq maʼnosi haqida oʻylashga va mumkin boʻlgan noaniqliklardan xabardor boʻlishga majbur qiladi. “Tibbiy atamalar individual jumboqlarga juda oʻxshash. Ular har bir soʻzni noyob qiladigan mayda boʻlaklardan qurilgan, ammo bu qismlarni boshqa soʻzlar bilan har

xil birikmalarda ham ishlatish mumkin”.

Зайрова Қаншайым (Қорақалпоқ Давлат университети)

ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХОТИН-ҚИЗЛАР КОНЦЕПТИГА БОҒЛИҚ КИЙИМЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Ушбу мақолада қорақалпоқ тилида хотин-қизларнинг концептига боғлиқ кийимларга лингвомаданий изоҳ берилди. Маданиятимизнинг асосий белгиларидан бири кийиниш одоби қадим даврлардан келаётган таълим-тарбиянинг аҳамияти бир қисми эканлиги, халқимизнинг кийиниш маданияти, уларнинг урф-одат дастурларимизга оид бошқа халқлардан ажралиб турадиган хусусиятлари мавжудлиги баён қилинади. Миллий кийим ҳисобланган «кўк кўйлак»даги нақшларнинг ранг-баранглиги ва унинг маъновий характери очиқ берилди.

Аннотация. В статье сделан лингвокультурологический анализ наименований предметов женской одежды в каракалпакском языке. В ней говорится об одной из главных составляющих культуры и воспитания каракалпакского народа, о культуре одевания, о ее отличительных признаках от культуры одевания других народов. Статья раскрывает разнообразие и значение узоров каракалпакского национального «синего платья».

Annotation. This article deals with linguo-cultural analysis of clothes which are connected with women's concept in Karakalpak language. It has been narrated that dress etiquette is one of the important part of early period education, which is one of the basic symbol of our culture and culture of dressing of our nation, and existence of specific peculiarity of their customs and traditions. Clorfullness of ornaments on the «Kok koylek» as the national cloth and its semantic charater have been discovered.

Калим сўзлар: лингвомаданиятшунослик, лингвистика, этимология, этномаданий стереотип, урф-одат, дастур, кийиниш маданияти, таълим-тарбия, кийим номлари: киймешек, тақья, айдыллы, орайпек, турме, шалгыш, жегде, жаўлық, орамал, көк көйлек.

Ключевые слова: лингвокультурология, лингвистика, этимология, этнокультурный стереотип, обычай и традиции, культура одевания, воспитание, наименования одежды: кимешек, тюбетейка, айдыллы, орайпек, турме, шалгыш, жегде, жаулык, платок, синее платье.

Key words: linguo-culture, linguistics, ethymology, ethnocultural stereotype, tradition, dressing culture, education, names of clothes: kiymeshek, takhiya, aydilli (shawl), oraypek, turme (hayr plaet), shalgish, jegde, jawliq, shawl, kok koylek (green dress).

Тилшуносликда лингвомаданиятшунослик – лингвистика билан маданиятшунослик боғлиқлигидан пайдо бўлган янги илм. Лингвомаданиятшуносликнинг асосий вазифаси тил билан маданият орасидаги, яъни маданиятга боғлиқ тушунчаларнинг тилда ифодаланишини ўрганиш, тил ва халқнинг менталитети орасидаги ўзаро муносабатларини тасвирлаб кўрсатишдан иборат. Тил маданиятнинг бир қисми бўлиб, унда фақатгина инсониятни қуршаб олган реал борлиқ, унинг реал яшаш шароитлари эмас, халқнинг ўз-ўзини англаши, унинг менталитети, миллий характери, ҳаёт йўли, урф-одат дастурлари, таълим-тарбиянинг умумий йиғиндиси ва дунёқараши тасвирланади. Маданиятимизнинг асосий белгиларининг бири – бу кийиниш одоби. Кийиниш маданияти қадим даврлардан келаётган таълим-тарбиянинг аҳамиятли бир қисми. Бизга маълум, инсоният боласи ўй-фикрининг ривожланиши билан ўзларининг очиқ таналарини яширишнинг турли йўлларини ўйлаб топган ва даврлар ўтган сари «тана яшириш» одамларнинг танасига гўзаллик берувчи шаклига айланган. Миллатлар шаклланиши билан ҳар хил шаклдаги кийимларнинг яратилишига сабабчи бўлган. Шундай қилиб, ҳар бир миллат, ҳар бир халқ фақат тилдагина эмас, кийиниш маданияти жиҳатидан ҳам бошқа миллатлардан ажралиб турадиган хусусиятларига эга.

Қорақалпоқ халқининг ҳам, ўзига хос миллий хусусиятларига эга кийимлари бор. Хотин-қизлар эркак кишиларга қараганда узун ва кенг кўйлақларни кийган ва бошларига қия ёпиб жаўлық, жегде ёпинган. Қорақалпоқ хотин-қизларининг кийим кийиш улгисига қараб уларнинг ким эканлигини танитиб турадиган тарбиявий аҳамияти яққол кўринади. Масалан, *Бет-элпетин бийге көрсетиўге ийбе етип, жегдесин көзине сэл түсириңкиредиде, эсте гана сөйлеп, болган ҳадийсениң ушлығын баян қылды...*¹...*Мәўлен сары аяқларын дүрсилдетип, жөтелип өзинен белги берип кирди. Гүлзийба айнаға қарап шаашларын тарап сөйленип отыр еди, басына жаўлығын бүркенди*

¹Қайыпбергенов Т. Қарақалпақ дәстаны. II том, Бахытсызлар. III том. Түсиниксизлер. Нөкис, 1979, 168-бет.

де, ор-ныннан түргелди.¹

Қорақалпоқ хотин-қызларининг энг асосий ва мураккаб миллий кийимларининг бири киймешек бұлган. Киймешек, кўпинча, бұлажак келинлар томонидан узоқ йиллар давомида кашталанган ва ўз тўйларида кийган. Келинлар ўзи учун ҳам, қайнонаси учун ҳам киймешек тайёрлаган. Қорақалпоқ қызлари киймешек тикишни жуда эрта олти, етти ёшидан бошлаган деган маълумотлар бор. Шу боис ҳам халқ орасида киймешекни «6 ёшда бошласанг, оширарсан, 7 ёшда бошласанг, етказасан» деган сўзлар сақланиб қолган.² Қорақалпоқ хотин-қызлари ўзларининг кашталашдаги барча маҳорат хунарини зийраклик билан энг олдиндан ўша киймешекда кўрсатадиган бұлган. Киймешекнинг савлати алоҳида бир эстетикага бой. Олима Ш.Алланиязова ўз ишида: «Киймешек сўзини Л.Будаговнинг луғатида учрайди. Унда киймешек Урал татарларининг бош кийими деб кўрсатилган. Шунга қараб киймешекка ўхшаш бош кийимнинг бошқа халқларда ҳам бұлганлигини билемиз», деб келтириб ўтади.³ Киймешек бош кийими қозоқ халқида ҳам учрайди. Лекин ҳар бир халқнинг ўзининг миллийлигини кўрсатадиган алоҳида намуналари, унинг маданиятини кўрсатиб турадиган белгилари билан ажралиб туради. Халқимиз киймешекнинг пайдо бўлишини ислом дини билан боғлайди. Чунки диний тушунча бўйича хотин-қызлар эркаклар олдида сочини кўрсатиб юриши «гуноҳ» деб ҳисобланган. Кийим кийишнинг намунаси сифатида рўмол тортиш фақат ислом динига тегишли эмас экан. Диншуносларнинг фикрига суянадиган бўлсак, бу дастур христиан, еврей динлари билан корейс, япон халқларининг эски маданият намуналарида учрашган. Иудаизм динида аёлларнинг рўмолсиз юриши уларнинг кийимсиз юриши билан тенг саналган. Рўмол торتماган аёлнинг йўқчиликка олиб келадиганлигини, рўмол тақиш аёлнинг обрўси билан ижтимоий аҳволини билдирадиганлиги ҳақида айтилган.

Қорақалпоқ хотин-қызларининг ёшига, уларнинг турмушга чиққан ва чиқмаганлигига қараб уларнинг кийинишида бир қанча хусусиятлари бұлган. Қизларнинг кийган дўпписидан пўпақлари чап томонга қўйилган ва маржон мунчоқлар билан безатилган, ёш келинчақларнинг эса дўппиларининг пўпаги ўнг томонга қўйилган. Ёш қиз-келинчақлар ёшига хос кийимлари, кўпинча, қизил рангда бұлган. Масалан, *Усы пайытта қара үйдиң ергенеге салдыр етип ашылып кетти де, алды бурын майдалап өрилген бурымлар ҳам қызыл тақыя,соңынан тобыққа түсетуғын қызыл көйлек көринди.*⁴ Қорақалпоқ аёлларининг ҳайвон кашлаб, бош ўраши халқимизнинг миллийлигининг асл кўриниши бўлиб, айдыллы, түрме, орайпек, шалғышларни маромига келтириб ўраган. Масалан, *Бий енди бәйбишесин шақырды. Басына бес кулаш айдынлы менен түрмени дөңгелетип орап, бир ушын бөкесине жиберип, бешпент кийген сары ҳаял аяғындағы бийик өкше геўишиниң ушынан басып келди.*⁵ Ёш келинчақлар бошларига қизил киймешек, қырмызы жегде кийган бўлса, катта ёшдаги оналар оқ киймешек, оқ жегде, оқ жаўлик ёпиб юрган. Масалан, *Жупыны гана кийинген, басына жамылған ақ жаўлығының сәўлеси қара торы жүзине түсип турған, көзлери адамға аналық мийрим менен бағатуғын бул ҳаялды Патма деп таныстырды.*⁶

Халқимизнинг кийимларни ёшига мос кийиниши, улардаги рангларга диққат қаратиши, бунда оқ ранг ақл фаросатнинг, анойиликнинг белгисини билдирса, қизил ранг ёшликнинг гуллаган даврини тушундириб, бу халқнинг ахлоқий, эстетик ва жамоатлик ишларининг кўриниши бўлиб ҳисобланади. Қорақалпоқ хотин-қызлари жегденинги ўнг томонини юзига тортиб юзини яшириб, ҳеч кимга тик назар билан қарамаган. Бу тарбиявий аҳамиятнинг бир кўриниши бўлиб, кийиниш маданиятимизнинг эрта даврлардан келадиган энг асосий намунаси ҳисобланади. Масалан, *Қызыл жегдесин қыя жамылып Қумар сулыў шықты хәм Айдостың атының алдыңғы аяқларына манлайын тийгизип, аттан түсиўин өтинди.*⁷

Қорақалпоқ хотин-қызлари учун бошига рўмол тортиш қадимдан келадиган урф-одат дастурларимизнинг бири бўлиб ҳисобланади. Қорақалпоқ тилида рўмол-шаршининг бир қанша атамалари бўлиб, уларнинг ҳар бирининг номланишида ўзига хос хусусиятларга эга. *Айдыллы*– рўмолнинг номи бўлиб, унинг нақшида ярим ой тасвири бұлган. Номи ой тасвирига доир шундай номланган.

¹ Шу манба. 269-бет.

² Пирназарова А. И.В.Савицкий атындағы Мәмлекетлик көркем өнер музейиниң хызметкери. «Қарақалпақ халқының кийимлери».

³ Алланиязова Ш. Қарақалпақ тилиниң қол өнер лексикасы. Нөкис, 1997, 18-бет.

⁴ Каримов К. Ағабий. I,II,III,IV. Тарийхый роман. Үргениш, «Хорезм», 2016, Нөкис, 2017, 136-бет.

⁵ Султанов К. «Әжинияз» романы. Нөкис, 2019, 98-бет.

⁶ Каримов К. Ағабий. I,II,III,IV. Тарийхый роман. Үргениш, «Хорезм», 2016, Нөкис, 2017, 19-бет.

⁷ Қайыпбергенов Т. Қарақалпақ дәстаны. II том, Бахытсызлар. III том, Түсиниксизлер. Нөкис, 1979, 115-бет.

Турме – киз-келинчаклар бошига ўрайдиган ипакдан тўқилган газлама. *Шалғыш* – хотин-қизларнинг бошига тортадиган тўрт бурчакли рўмол, шарши. *Орайнек* – бошга тортадиган гулли катта рўмол шаршы. *Бир тартар* – бир тортгулик кичкина рўмол. *Жупқа* – юпка газламадан тўқилган рўмол. *Ғыжым* – мақпалнинг бир тури бўлиб, *ғыжым орамал* матосига қараб шундай номланган. *Жун орамал* – эчки, қўй ва ҳайвон жунларидан тўқилган қишда тақадиган иссиқ рўмол. *Гежи* – ипак рўмолнинг бир тури. Уларнинг *қара гежи*, *ақ гежи* турлари учрашади. Қорақалпоқ аёллари йирик гуллар билан безалган ипак рўмолларни бошига чиройли қилиб тортган. Халқимиз орасида ҳазил сифатида «*орамасам өлгеймен*» деб номланган рўмолнинг атамаси ҳам шундан келиб чиққан.

Қорақалпоқ хотин-қизларининг кийимлари эркак кишиларнинг кийимларига солиштирганда, ранг-баранглиги, нақш безакларнинг кўплиги билан ажралиб турган. Дастурий кийим-кечаклар ва тақинчоқлар мажмуаси гўзалликни ўзида акс эттирган. Масалан, *...көк көйлек кийген, көкирегиндеги ҳэйкел қоңыраўшалары менен шашбаўдағы гүмис теңгелердің шыңғырлысы қулақлардың қурышыын қандыратуғын сазға мегзеп, айдай жүзи адамды ақылдан аздыратуғын дәрежеде гөззал...*¹ Ҳақиқатан ҳам, қорақалпоқ хотин-қизлари тўйларга миллий кийимларни кийиб, тақинчоқларни тақиб борганда, чексиз гўзалликни ўзида жамлаган. Қорақалпоқ халқининг энг хурматга сазовор ва кадрдон кийими бўлган кўк кўйлақда халқнинг азалий хусусияти, маънавияти мужассамланган. Кўк кўйлақ қорақалпоқ қизларининг тўйга бағишлаб киядиган кўйлаги бўлган. Масалан, *Қоңсы қыз арқалы Сәлменге хабар жеткизген Нәзийпа қашыўға таярлана берди. Тойға деп тиктирген көк көйлегин кийип, өзине ара берип, керегениң басына орнатқан айнаға қарап, айдыллысын жамылып, жалпақ түймесиниң қасын тамашалайды, өз еркин ҳеш кимге бермеў шешимине бекинген қарақалпақтың өжет қызы сонда он алты жасын толтырган еди.*² Кўк кўйлақ – кўк газламага олди тўлиқ нақшлар билан безалиб кўлдан тўқилган. Этнографларнинг фикрига қараганда нақшларнинг умумий номи совут нақш дейилган. А.Алламуратов «кўк кўйлақдаги нақшларнинг бундай номланиши «Қирқ қиз» достонида таърифланган қахрамон қизларнинг ҳарбий кийимларидаги қадимги безак дастурлари ўша кўк кўйлақ нақшларида муҳрланган. Шунингдек, кўк кўйлақка ўхшаш кийим яқин ва қардош халқларда учрамаслини таъкидлаган.³ Агар А.Пирназарованинги фикрини келтирадиган бўлсак, «Бу кўйлақнинг нақшлари жуда мураккаб ва катта маънога эга. Кўк рангнинг ўзи осмон ранги бўлиб, тирикчиликнинг негизи деган маънони беради, олдига солинган шохалари ҳар томонга чўзилган йирик дарахт қомаги онанинги, ҳаётнинг асосчиси эканлигини кўрсатади. Бундан ташқари, бу нақшларнинг иккинчи бир маъноси эрта даврларга бориб тақалади. Матриархат даврида халқини ҳимоя қилган опаларимиз совут кийиб, ўқ-ёйлар отган. Ўша даврнинг сақланиб қолган белгиси сифатида кўк кўйлақнинг олдидаги туташ нақшни «саўйт нағыс» деб ҳам атайди. Совут инсон танасига ўқни ўтказмаса, кўк кўйлақдаги нақшлар келинчакнинг қомагига суқланиб қараган ёмон нигоҳлардан сақлаган. Кўк кўйлақ онасидан қизига, сўнгра неварани қизларига авлоддан-авлодга эсдалик сифатида ўтказилган кадрдон кийим ҳисобланган».⁴ Қорақалпоқ хотин-қизларининг кийимларидаги қўлланиладиган ранглар тимсоли ҳақиқатан ҳам, ўзига хос кенг тушунчага эга. Кўк кўйлақдаги кўк рангги ёшликнинг белгиси сифатида тушунтирилса, ундаги нақшларнинг шохаларининг юқорига қараб тўқилиши «униб-ўсиш» маъноларини англатган.

Кийим – инсонларнинг усти кийимларининг барча турлари. Кийим-кечак – кийимга кирадиган нарсаларнинг йиғилган умумий номи, липас//либос – ҳар хил баҳоли кийим-кечак деб изоҳланган.⁵ Липас атамаси ҳозирги тилимизда кенг ишлатилмайди, фақатгина фольклор асарларда, шунингдек, бадиий адабий асарлар тилида учратамиз. Масалан, *Кийген либасының бәри алтын-зер, Зия-зулты екен мүшки әнүәрий* (Әжинияз). *Адамлар ең жақсы липасларын кийип, көшелерди толтырып, кеўилли сейил қылып жүр.*⁶ Кийим//липас – сўзининг маъновий тарихий ривожланиши борасида фонетик жиҳатдан ўзгаришига учрагани билан, у ҳозирги маъносида қўлланилган. Ўрхун-

¹ Каримов К. Ағабий. I,II,III,IV. Тарихий роман. Үргениш, «Хорезм», 2016, Нөкис, 2017, 265-бет.

² Шу манба. 30-бет.

³ Қарлыбаев М.А., Қурбанова З.И. Қарақалпақ кийими. Нөкис, 2014, 12-бет.

⁴ Пирназарова А. И.В.Савицкий атындағы Мәмлекетлик көркем өнер музейиниң хызметкери. «Қарақалпақ халқының кийимлери».

⁵ Қарақалпақ тилиниң түсіндірме сөзлиги. III том, Нөкис, 1988, 3, 427-бет.

⁶ Қайыпбергенов Т. Қарақалпақ дәстаны. II том, Бахытсызлар. III том, Түсиниксизлер. Нөкис, 1979, 3, 81-бет. бет.

Енисей эски ёзма эсдаликлардан бошлаб XIII–XV асрларгача *kādim//kāzim, kādzy//kāzzy* кийиладиган либас маъносида ҳар хил маъновий кўринишларда учрайди.¹ М.Кошғарийнинг «ДЛТ» асарида *кэззү* – кийиладиган ҳар бир нарса.² Кийим – кийиниш//кийиш маъносидан келиб чиққан. Либос–сўзи арабча сўз бўлиб, Ш.Рахматуллаевнинг ишида келтирилишича, «бу арабча *libās (un)* ўзбек тилига *â* ингичка товуш *â* товушига алмашиб қабул қилинган: *libās→libâs* (либос) *кийинди* маъносини англатувчи *labisa* феълидан «кийим-кечак» маъносини англатади».³

Кўйлак – номи ҳам қадимдан келаётган туркий сўз бўлиб, бир қанча фонетик вариантларда қўлланилган. М.Кошғарийнинг «ДЛТ» асарида эр кўнлăклăнді – адам кўйлек кийди.⁴

М.Асомиддинова кўйлак атамасининг этимологиясига тўхталиб: «қадимда *кōн* – хом тери деган маънони билдирган, бу теридан тикилган ёки тайёрланган *конглак* – либас сўз ясовчи ла+к морфемалари орқали тери кийимни англатган. Қадимда тўқимачилик пайдо бўлмаган вақтларда туркий халқларнинг кўчманчи ота-боболари кийимларни теридан тикиб кийган. Бу археологик қазилмалардан маълум».⁵ Л.С.Ливитскаянинг ишида *кўйлек* атамасининг туркий тилларда ҳар хил вариантларда ишлатилганлигини кўрсатиб: «1. Кўйнек, 2. Кўйлек, 3. Көңлек, 4. Көгилек, 5. Көмлек – рубашка, платье, одежда деб, озарбайжон тилида кўйнăк, түрк диалектларида-кўйнăк//гөйнăк, ўзбек тилида кўйлăк//куйнак, татар тили диалектида кўйлăк, кумык тилинде гүлек. Унинг этимологиясини: *көңлек//көңнек* шундан *көглек, кўйлек, көгнек, кўйнăк, көнек, көнек. Көңлек* – асоси «көң» ҳис (чувств) сўзи асосида пайдо бўлган (*гөңул//көңул//кеул*) сўзига -лек аффиксининг синоними -лик бўлиб ясалган».⁶ Ш.Рахматуллаевнинг ишида: «кўйлак эски туркий тилда кōнлăк бўлиб ишлатилгани, ўзбек тилида *ң* ундоши *й* ундошига алмашгани, *ō* ингичка унли *й*ўқойб, *о* унлисига ўтган *кōнлăк> кōйлăк>кōйлăк*».⁷ Е.Н.Жанпейсов ишида «кўйлак сўзи туркий тилида кōнлăк//кōннăк//кōннōк//кōннăк//кōйнăк//кōйнăк//кōйнăк бўлиб қўлланиладиганлиги, яъни кўйлак кōн//кōн//кōй//кōй//кōй – кожа (тери) сўзига сўз ясовчи *лăк/нăк/нăк/нōк* варианты -лык//лик аффиксининг қўшилиши орқали ясалган».⁸ Туркий тилларда бирдек маънода ишлатиладиган *кўйлек* атамасининг «көң//көн-тери» маъносини билдирадиган сўздан келиб чиққани ҳақиқатга яқин келади.

Ҳозирги кунда хотин-қизларнинг кийим кийиш намунасига қараб улардаги ўзига хосликни, ёшига доир бўлган фарқларни ажратиб бўлмаганлиги билан турмушга чиқмаган қизларнинг рўмол тортмаслиги, келинларнинг бошлари яланг бош юрмаслиги, ёши катта оналаримизнинг бошларига катта оқ рўмол тортиб юришлари маданий урф-одатларимизнинг давом этиши бўлиб ҳисобланади. Шунга доир миллий маданиятимизнинг стереотипларини ҳам учратишимиз мумкин. Ҳозирги кунда миллий дастурларнинг қайта тикланиши, қорақалпоқ халқининг унутилиб бораётган дастурларининг кундаликли турмушимизга қайта ислоҳ қилиниши, қизларимизнинг узатилаётган вақтларда миллий кийимларни, айниқса, бошига сəўкеле, киймешек, устига миллий нақшлар билан тўқилган кўк кўйлакни кийиб, миллий тақинчоқ буюмларини тақиб безанишлари учрамоқда. Стереотип этноснинг коммуникативлик бирлиги сифатида танилган, инсонларнинг ўй-фикрида шаклланган маънони оча оладиган ўша мазмунга эга қадимги кундаликли қўлланишда кенгдан танилган, ўша нарса ёки жараённинг шаблони. Этномаданий стереотиплар қайсидир халққа хос бўлган умумий белгиларни тушунтиради. Кийиниш маданиятимизнинг намунаси сифатида рўмол тортиш, узун кўйлак кийиш ислом дини билан боғлиқ бўлиб, ислом дини хотин-қизларга кўпинча очик кийинмасликни, бош яланг юрмасликни буюрган, чунки бунда ёмон кўзлардан, ёмон ниятлардан ҳимоя қилиш назарда тутилган. Хотин-қизлар эркак кишиларга қараганда жуда нозиклиги, мулойимлиги билан ажралиб туради. Аёлларнинг оналик меҳри ва эрига бўлган ҳурмат-иззати билан ҳам кадрли ҳисобланади. Уларнинг бошига рўмол тақини ўзига хос кўрк бағишласа, узун кўйлақларни

¹ Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. Тошкент, 1981, 16-бет.

² Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I том, Тошкент, 1960, I том, Тошкент, 1963, 405-бет.

³ Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. I (туркий сўзлар). Тошкент, 2000; Ўзбек тилининг этимологик луғати, II (Араб сўзлар ва улар билан ҳосилалар). Тошкент, 2003, 211-бет.

⁴ Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. I (туркий сўзлар). Тошкент, 2000; Ўзбек тилининг этимологик луғати. II (араб сўзлар ва улар билан ҳосилалар). Тошкент, 2003, 3, 418-бет.

⁵ Асомиддинова М. Кийим-кечак номлари. Тошкент, 1981, 26-бет.

⁶ Этимологический словарь тюркских языков. Под редакцией Левитская Л.С., Дыбо А.В., Рассадин В.И. Москва, 1989; 1997, 89–90-бетлар.

⁷ Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. I (туркий сўзлар). Тошкент, 2000, Ўзбек тилининг этимологик луғати. II (араб сўзлар ва улар билан ҳосилалар). Тошкент, 2003, I. 223-бет.

⁸ Жанпейсов Е.Н. Этнокультурная лексика казахского языка. Алма-ата, 1989, 17–18-бетлар.

кийиши унинг бошқа аёллардан ўзига хос тарбияси билан ажратиб турадиган белгисидир.

Хулоса қилиб айтганда, кийиниш одоби миллий маданиятимизнинг бир кўриниши бўлиб, кийим кийиш намуналаридан халқимизнинг ўтмиши, тарихи, уларда тарбиявий аҳамиятнинг белгиси кўриниб туради. Халқимизнинг миллий кийимларида учрайдиган нақшлар, ундаги ранглар ҳар бири ўзининг маъновий характериға эға бўлса, хотин-қизларнинг ёшиға мос кийиниши ақл-фаросатнинг белгиси бўлиб ҳисобланади. Кийим кийишда ҳар бир инсоннинг таълим тарбияси сезилиб туради, яъни ташқи кўринишға эътибор бериш орқали ички гўзалликни кўрсата олиш мумкин. Жамият, давр ўзгариши билан дастурий кийимларда ўзгариб янгилашиши мумкин, бироқ эски маданият, цивилизация йўқ бўлиб кетмайди, аксинча, маданий мерос сифатида сақланиб қолади. Маданиятликнинг асосий белгиларининг бири кийиниш одоби бўлиб, менталитетимизға хос бўлган миллий кадриятларимизни бугунги кунда сақлай олиш аҳамиятли вазифаларнинг бири ҳисобланади.

**Ержанова Дильфуза Кадирбаевна (PhD) докторант,
Каракалпакский государственный университет, e.dilfuza@karsu.uz
IBROYIM YUSUPOVNING “GILAMDO‘Z AYOL HAQIDA HAQIQAT” POEMASINING
LEKSIK O‘ZIGA XOSLIGI**

Аннотация. Мақолада қорақалпоқ халқ шоири И.Юсуповнинг «Гиламдўз аёл ҳақидаги ҳақиқат» поэмасининг лексик ўзига хослиги, шоирнинг тилдаги лексик воситалардан (синонимлар, антонимлар, архаизм ва неологизмлар, ўзлаштирма сўзлардан) моҳирона фойдаланиши, унинг ҳозирги қорақалпоқ адабий тилининг ривожланишидаги ўрни ўрганилган.

Аннотация. В статье рассматриваются лексические особенности поэма «Правда о ковровщице» каракалпакского народного поэта И.Юсупова, его мастерство в использовании лексических средств языка (синонимов, антонимов, архаизмов и неологизмов, заимствованных слов, фразеологических единиц), роль поэта в развитии современного каракалпакского литературного языка.

Annotation. The article is about the great Karakalpak poet I.Yusupov's skills of using lexical cohesion in language (synonyms, antonyms, archaisms and neologisms, borrowed words) and the role of his poem “The truth about carpet-maker woman” (“Gilemshī hayal haqqida haqiqat-liq”) in the development of Karakalpak literal language.

Калим сўзлар: қорақалпоқ тили, поэма, И.Юсупов, синоним, антоним, эскирган сўзлар ва неологизмлар, бошқа тиллардан кириб келган сўзлар, эмоционал-экспрессив сўзлар ва фразеологизмлар.

Ключевые слова: каракалпакский язык, И.Юсупов, поэма, синонимы, антонимы, омонимы, архаизмы и неологизмы, заимствованные слова, эмоционально-экспрессивные слова и фразеологизмы.

Key words: Karakalpak language, I.Yusupov, poem, synonym, antonym, omonym, obsolete words and neologisms, words borrowed from other languages, emotional-expressive words and phraseologisms.

Кўпгина асарларнинг муаллифи, бадий сўз усталаридан бири, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсуповнинг (1929–2008) халқона лирикаси, образли фалсафий асарлари шеърият мухлислари томонидан юксак баҳоланди.

Бунинг ёркин далили сифатида давлатимиз раҳбарининг кўрсатмасига биноан, Нукус шаҳрида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Ибройим Юсупов номидаги иқтидорли болалар мактаб-интернати барпо этилди. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузасида тақидлаб ўтганидек, барча соҳа ва тармоқлар қатори маданият ва саънат, адабиёт, оммавий ахборат воситалари раўнақини янги босқичға кўтаришни ҳар биримиз ўз олдимизға мақсад қилиб олишимиз ва ўнға ҳиссамизни қўшишимиз кераклигин кўрсатиб ўтди. Шу ўринда адабиётимизнинг буюк намояндаларига бағишлаб ёдгорлик мажмуалари ўрнатилгани, шунингдек, Нукус шаҳрида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Ибройим Юсуповнинг хотираларини абадийлаштириш ишлари олиб борилаётганини кўрсатиб ўтди.

И.Юсупов ҳозирги қорақалпоқ поэзиясининг ривожланишиға ва унинг янги чўккиларға қўтарилишиға катта ҳисса қўшди. Айниқса, унинг қорақалпоқ шеъриятида поэма жанрини ривож-

лантиришдаги хизматлари эътиборга лойик. Шоирнинг «Йўлдош муаллим», «Актрисанинг икболи», «Акация гуллаган жойда», «Дала армонлари», «Тўмарис», «Гиламдўз аёл ҳақида ҳақиқат» ва шу каби ажойиб поэмалари китобхонлар ўртасида яхши таниш. И.Юсуповнинг мазкур асарларини мутолаа қилганимизда ёркин образлар, теран ғояни дилдан ҳис қиламиз. У ҳар бир асарида тасвирланган воқеани, жараённи китобхон тасавурида муҳрлаш учун образли фикрлайди ва кечинмаларни катта маҳорат билан тасвирлайди.

Шоирнинг «Гиламдўз аёл ҳақида ҳақиқат» поэмасида туркман хотин-қизларининг мард, чеvar, сабрли эканликларини очиб беришда халқ тилидаги сўз маржонларини саралай туриб, ўз достонини, имкон қадар, бадий тасвирлашга уринган. Ҳар қандай асар тили, биринчи навбатда, унинг бадийлигини очиб беради. Шу боис ҳам шоир асарларининг тил хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиш тилшуносликда алоҳида аҳамият касб этади.

Туркман аёл-қизларининг оғир тақдирини тасвирлаб, қўли гул, хунарманд ажойиб инсонларнинг қайғули ҳаётини тасвирловчи ушбу поэмада италиялик машхур rassom ва сайёҳларнинг номларини келтириб ўтади. Масалан:

Ёш туркман, сеҳрли расм чевари, <i>Леонардо да Винчийи</i> Шарқнинг. <i>Марко Поло</i> билиб фахр этган.	Жас туркмен, сырлы сўрет шебери, <i>Леонардо да Винчийи</i> Шығыстың. <i>Марко Поло</i> билип мақтаныш еткен.
--	---

Бунда муаллиф Марко Полонинг туркманларнинг гилам тўқишдаги маҳоратига жуда юқори баҳо берганлигини таъкидлайди. Шу каби машхур инсон номларини И.Юсупов ўз поэмасида образли тарзда қўллаган.

Поэманинг лексик-семантик хусусиятларини аниқлашда биз синоним, антоним, омоним, эскирган сўзлар, фразеологизмлар ва уларнинг маъновий турларини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Шоирнинг синоним сўзлардан фойдаланишдаги маҳоратини ўрганишда, асосан, икки жиҳатни эътиборга олиш керак. Улардан бири шоирнинг икки ёки ундан ортиқ синоним сўздан энг маъкулини танлаши, иккинчиси бир асарнинг ичида икки ёки ундан ортиқ синонимик бирликларни бадий тасвирлаш мақсадида қўлланиши. Синонимлар ҳақида бир қатор назарий адабиётларда ҳар хил таърифлар берилади. Масалан, А.Болғанбаев: «Синонимлар ҳар хил бўлиб айтилгани билан, маъноси яқин, лекин ҳар бирининг ўзига хос маъновий ва услубий хиссиётида бироз хусусиятлари бор, бир сўз туркумидан бўлган сўзларга айтилади».¹

Қорақалпоқ тилида синонимларни махсус тадқиқ қилган М.Қалендеров: «Маънолари бир-бирига яқин бўлган сўзлар синоним бўлавермайди. Синоним бўлиш учун ҳам муайян меъёр бўлиши керак. Синоним бўлишдаги асосий белгилар, биринчидан синонимлар биргина тушунчани англатади, иккинчидан, бир турдаги сўз туркумидан ҳосил бўлади, учинчидан, бир хил грамматик шаклда бўлади, тўртинчидан, ўй-фикрни баён қилишда уларни бир-бирининг ўрнига алмаштириб қўллавериш мумкин бўлади».²

Мен кўп йил <i>зиндон</i> кўрдим тошқамал, Шу <i>қамалдан</i> чиқди фақат жисмим, Тор <i>қафасдан</i> чиққан вақт ташқарига биз.	Мен талай жыл <i>зиндан</i> көрдим тасқамал, Сол <i>қамалдан</i> шықты текте хүрейим, Тар <i>қәпестен</i> шыққан ўақта сыртқа биз.
---	--

Ушбу мисолда *қамал*, *қафас*, *зиндон* сўзларини кетма-кет қўллаб, синоним сифатида фойдаланган. Иккинчидан шеърий сатрлардаги такрорийликни ҳосил қилмай, эстетик завқ бериб турибди.

Менинг <i>онам</i> бўлди гилам чевари. Хунар учун жафо чеккан <i>мамангининг</i> .	Мениң <i>анам</i> болды гилем шебери. Өнер ушын жапа шеккен <i>мамаңның</i> .
---	--

Бу сатрларда оғзаки нутқ тилига мос *мама* сўзини *она* сўзининг ўрнида фойдаланган.

<i>Гилам</i> шуҳрати эртак бўлиб таради, Юрт мақтади, шундай сеҳрли <i>галини</i> .	<i>Гилем</i> даңқы ертек болып тарады, Журт мақтады, сөйтип сырлы <i>галыны</i> .
--	--

Бу мисолда шоир *гилем* ва *гали* сўзларини синоним сифатида қўллаган. Поэманинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда шу даврдаги туркман аёл-қизининг образини яратишда туркманча *халы* сўзини синоним сифатида киргизган. Бу сўз орқали шоир фикрнинг теранлигини оширган.

<i>Қўш</i> эғнидан тушган қўш ўрими, Қора уйда <i>икки</i> бешик тебраниб,	<i>Қос</i> ыйықтан қулаған қос бурымы, Қара үйде <i>еки</i> бесик тербелип,
---	--

¹ Болғанбаев Ә. Қазақ тіліндегі синонимдер... Алматы, Ғалым, 1970, 23–32-бетлар.

² Қалендеров М. Қарақалпақ тили синонимлерининг қысқаша сөзлиги. Нөкис, “Қарақалпақстан”, 1990, 5-6.

Ингалайди қиз ва бола – <i>эгизак</i> .	Ингалайды қыз ҳам бала – <i>егизек</i> .
---	--

Бу қаторларда ҳам шоир жуфт маънони англатиш учун юқоридагидек сўзларни синоним сифатида келтирган.

Антонимларнинг услубий хизмати жудаям кучли. Қарама-қарши жараёнларни таққослашда, уларни бир-бири билан мос қўйиб тенглаштиришда ва у орқали фикрни таъсирли ва аниқ тушунтиришда антонимлар алоҳида вазифани бажаради. Бу масалага бағишланган А.Бекбергеновнинг «Синонимлар ва антонимлар»¹ мақоласини, Ш.Хожановнинг «Қорақалпоқ тилида антонимларнинг семантикаси, морфемик таркиби, услубий хизматлари»² номли мавзуда монографияси, М.Қудайбергенов ва Т.Башировнинг «Қорақалпоқ тили антонимларининг қисқача луғати»³ китобини айтиш мумкин.

Антонимлар тилда, айниқса, бадиий адабиётда катта вазифа бажаради. Юқорида номи кўрсатилган ишларда антонимларнинг услубий қўлланилиш хусусиятлари бўйича бир қатор қимматли фикрлар айтилган.

Шоир антонимлардан турли воқеа-ҳодиса ва нарсаларнинг хусусиятларини очиб беришда, лирик қахрамоннинг характерли хусусиятларини, унинг ички ҳиссиётларини ва қахрамоннинг факт ва воқеаларга бўлган боғлиқлигини тасвирлашда лексик-семантик қуроллардан бири сифатида, услубий мақсадларда фойдаланган. Масалан:

Таъмаси йўқ <i>шухрат</i> , машҳур номдан, Бироқ унинг <i>оддий</i> ҳақиқатлиги. <i>Қишда қотиб, ёзда ёниб</i> ишлади.	Дәмеси жоқ <i>даңқ</i> , атаклы сүреннен, Бирақ оның <i>қарапайым</i> шынлығы. <i>Қыста қатып, жазда жанып</i> иследеи.
--	---

Ўзбек тилшунослигида А.Абдуазизов: «Омонимларнинг келиб чиқиши сўзларнинг кўп маъноли хусусиятларининг камайиши билан ҳам аниқлаш мумкин»,⁴ дейди. Бу ҳақида Е.Бердимуратов: «Тилдаги фактларга эътибор берсак, омонимлар, умуман олганда, турли сўз туркумларининг ичида кўринадиганлигини пайқаймиз», дея таъкидлайди.⁵ И.Юсупов ўз асарларида омоним сўзлардан ҳам услубий мақсадда жуда ўринли ва кенг фойдаланган.

Гидам питган йили <i>ошиқ</i> ўйнади... Чопди жонивор <i>ошиқтириб</i> улоғин.	Гилем питкен жылы <i>асық</i> үледеи... Шапты жанўар <i>асықтырып</i> ылағын.
---	--

Бу мисолда шоир *ошиқ* сўзини омоним сифатида қўлланиб, биринчи сатрда ўйнайдиган «ошиқ» маъносида, иккинчи сатрда феъл маъносида қўлланган.

Сонда да алдыңнан өтейин <i>сыннан</i> . <i>Синди</i> тўлмай ёш ҳаётнинг косаси.	Сонда да алдыңнан өтейин <i>сыннан</i> . <i>Сынды</i> толмай жас өмирдин кесеси.
---	---

Бунда биринчи мисолда от сўз туркуми синов маъносида, иккинчи мисолда феъл яъни иш-ҳаракат маъносида ишлатилган.

О, Баҳордан қизи, осмонда <i>ойим</i> . Баҳор <i>ойини</i> излайди у даладан.	О, Бәхәрден қызы, аспанда <i>айым</i> . Бәхәр <i>айын</i> излейди ол даладан.
--	--

Келтирилган мисолларда биринчи мисолларда осмон сайёраси бўлган Ой кўзда тутилади, иккинчи мисолда «йил ойи» маъносида қўлланилган.

И.Юсупов бу поэмада эскирган сўзлардан тарихий воқеа, ҳодисаларни реал, аниқ тасвирлаш қуроли сифатида фойдаланган. Шунингдек, поэмаларда тасвирланаётган давр колоритини аниқ тасвирлаш, асарнинг тарихий руҳини шакллантиришда тарихий сўзлардан ўринли ва унумли қўлланган. Масалан,

<i>Ясовулар</i> чопди туркман ерига. Тўқиди у <i>байбишенин</i> г гиламини.	<i>Жасаўыллар</i> шапты түркмен жерине. Тоқыды ол <i>байбишениң</i> гилемин.
--	---

Шоир ўзининг поэмасида воқеани тасвирлашда, қахрамоннинг ҳаёти ва ички кечинмаларини тасвирлашда халқ тилидан олинган фразеологизмларни жуда ўринли қўлланган.

<i>Уқди барини</i> , нимани кўрса уяда. <i>Мос келмасдай ақлига</i> инсоннинг. Икки гўзал <i>тиним топмай тебранар</i> .	<i>Уқты бәрин</i> , нени көрсе уяда. <i>Сай келместей ақылына</i> адамның. Еки гөззал <i>тыным таппай тырбанар</i> .
--	--

¹ Бекбергенов А. Синонимлер ҳам антонимлер. Қарақалпақ тили бойынша изертлеулер. Нөкис, 1971, 115-132-бетлер.

² Хожанов Ш. Қарақалпақ тилинде антонимия кубылысы. Нөкис, 2016.

³ Қудайбергенов М., Баширов Т. Қарақалпақ тили антонимлериниң қысқаша сөзлиги. Нөкис, 1995.

⁴ Абдуазизов А. Ўзбек тили морфологияси ва фонетикаси, Тошкент, «Фан», 1992.

⁵ Бердимуратов Е. Ҳазирги қарақалпақ тили. Лексикология. Нөкис, 1994, 38-бет.

<i>Күз очиб юмгунча сен етти йўла.</i>	<i>Көз ашып жумганиша сен жети жола.</i>
--	--

Қахрамоннинг маънавий аҳволини очиб беришда И.Юсупов фразеологизмлардан кенг фойдаланган. Бир вақтнинг ўзида, воқеани тасвирлашда шу каби бирликларни кетма-кет қўллаш орқали қахрамоннинг портретини чизиб бергандай қилиб, воқеалар кўз олдимишга келгандек бўлади.

<i>Деди-ю хон кўз олайтган аёлга, Қовогидан қор ёвардай қарайди...</i>	<i>Деди де хан көз алартқан ҳаялға, Қабагынан қар жаўардай түксийди...</i>
--	--

Нақл-мақолларда фикрни қисқа ва образли тасвирлаб, нутқнинг аниқлиги ва таъсирчанлигини орттириб келади. Шоир поэмаларида нақл-мақоллар ўзининг ажойиб, эмоционал-экспрессивлик намуналарини фойдалана олган. И.Юсупов баъзи жойларда халқ нақл-мақолларини ўзгартирмасдан, шу тахлитда фойдаланган, бу хикматли бирликларнинг тўғридан-тўғри халқ донолиги эканлигини айтиб, бунга алоҳида тўхтаб тушундириб ўтган. Бундай ҳолатда *дейди, деп, дейди ата-бабалар* каби сўз шакллари ва сўз бирикмаларидан фойдаланади. Масалан,

<i>«Хунарли жон ўлмас»</i> деган бор нақл.	<i>«Өнерли жан өлмес»</i> деген бар нақыл.
--	--

Шоирнинг бу поэмасининг бошқа поэмаларидан яна бир хусусияти, бунда туркманча сўзларни жуда маҳорат билан қўллаган. Шу боис туркман аёлининг образи ўқувчининг кўз олдида тасвирланади.

1. Хотин-қизларнинг кийиниш маданиятига боғлиқ сўзлар:

<i>Кетен қўйлак кийган қиз бўлиб чикди. Кумуш дўппингга губба бўлайин. Яшмақ тутиб айби бор жондай.</i>	<i>Кетен көйлек кийген қиз болып шықты. Гүмис тақияңа губба болайын. Яшмақ тутып айыбы бар жан кусап.</i>
---	---

2. Эл-халқ, уруғ-аймоқ, туғишганлик атамаларига боғлиқ сўзлар:

<i>Фақат, синглим, қардошлик кўнглимни уқсанг. Кўра олмади ўз обасын, шешесин. Теке кўрса бу «ақалтекен» дер, Яўмыт кўрса, «буни тўкиган дилбар, Бизнинг қонимиздан бўлган экан» дер: «Бизнинг гул» деб оғар көклен аңсары, «Бизнинг улги» дейди шаўдыр шод бўлиб, «Бизнинг қизнинг хунари» дер ерсары... «Ҳай яш оғлан, бери долан, доғаным». «Долой қалым!» деб ёзибди-ей четига.</i>	<i>Тек, сиңлим, қардашлық кеўлимди уқсаң. Көре алмады өз обасын, шешесин. Теке көрсе мынаў «ақалтекен» дер, Яўмыт көрсе, «буны тоқыған дилбар, Бизиң қанымыздан болған екен» дер: «Бизиң гүл» деп аўар көклен аңсары, «Бизиң үлги» дейди шаўдыр шад болып, «Бизиң қыздың өнери» дер ерсары... «Ҳай яш оғлан, бери долан, доғаным». «Долой қалым!» деп жазыпты-аў шетине.</i>
---	--

И.Юсуповнинг бу поэмасида синоним, антоним, омоним, эскирган сўзлар, фразеологизмлар, бошқа тиллардан кирган сўзлар (айниқса туркман тилидан) кўплаб учрайди. Улар шоир томонидан белгили бир услубий мақсадлар учун қўлланилган.

Абдуллаева Шахнозахон Ҳабибулло қизи (талаба, Андижон Давлат университети) ГЕНДЕР ФАРҚЛАРНИНГ МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИДА НАМОЁН БЎЛИШИ

Аннотация. Ушбу мақолада мулоқот жараёнида юзага чиқувчи гендер хусусиятларнинг айримлари таҳлил қилинган. Замонавий тилишуносликнинг янги йўналиши бўлган интернет лингвистикаси доирасида ҳам гендер жиҳатлар борасида фикр билдирилган.

Аннотация. В данной статье проанализированы некоторые гендерные особенности выявляющиеся в процессе общения. Высказаны мысли о гендерных свойствах в новом направлении современного языкознания интернетной лингвистики.

Annotation. In this article some gender features that appear in the process of communication are analyzed. There are thoughts about gender properties in the new direction of modern linguistics of Internet linguistics.

Калим сўзлар: *жинс, гендер, стереотип, она тили, тил эгаси.*

Ключевые слова: *пол, гендер, стереотип, родной язык, носитель языка.*

Key words: *gender, gender, stereotype, mother tongue, native speaker.*

Жинс ва гендер фарқлари кейинги давр тилшунослик фанида алоҳида эътиборга молик бўлиб келмоқда. Жинс, асосан, антропологик-физиологик белгиларни назарда тутса, гендер социологик, психологик, маданий ва ҳоказо фарқларни назарда туттади. Аёллар ва эркакларнинг нутқида

хар икки жихатдан фарқлар кузатилади. Бундай фарқларни ўрганиш тилшуносликда анча узок анъанага эга.¹ Кундалик фаолиятимизда гендер/жинс стереотиплар етакчилик қиладиган ҳолатлар жуда кўп учрайди ва биз уларни одатдаги қўлланишларида деярли фарқламаймиз. Аммо улардан четлашиш дарҳол кўзга ташланади. Масалан, аёллар учун ўтирганда тиззаларни жуфтлаш, эркаклар учун ёйиб ўтириш хос. Бунинг акси кузатилганда, дарҳол эътиборни жалб қиладди: тиззаларини ёйиб ўтирган аёл ҳам, йиғиб ўтирган эркак ҳам ижобий баҳоланмайди. Нутқий стереотиплар ҳам шундай анъанавий шаклларга эга бўлиб, уларнинг мавжудлиги аниқ, бироқ дефиницияси осон эмас. Тил эгаси ўз она тилисида яратилган матннинг гендер характеристикасида, одатда, адашмайди. Масалан, куйидаги матнда бола онаси билан суҳбатлашмоқдами, отаси биланми, деган саволга деярли барча ҳолатларда аниқ жавоб олиш мумкин:

“Алҳамду, дегинчи, – дерди...”

– Алҳамду..., – дердим мен.

– Лиллаҳи...

– Лиллаҳи... бу нима дегани, – дердим, нима деяётганимни тушунмай.

– Бу ҳамма билиши керак бўлган калима. Пайғамбаримиз ғорда ўтирганларида, фаришта Жаброил “Ўқи” деб буйруқ берган... Фаришта ҳар бир одамнинг елкасида бўлади. Ким уришса, сўкишса, сингилларини туртиб ўтирса, чап елкасидаги фаришта, ким катталарни кўрганида “салом” берса, молга хашак солса, мактабдан “беш” олиб келса, ўнг елкасидаги фаришта ёзиб ўтиради. Ким яхши бола бўлса, дордан ўтиб кетади... Қани энди “Алҳамду” дегинчи!

– Алҳамду...”²

Матнни ўқиган ҳар бир инсон бу ўринда бола билан она суҳбатлашаётганлигини аниқ биледи. Тилшунос Х.Самигова бу ўринда “Ўзбек аёллари ўз нутқларида ривоят ва ҳадислардан олинган мисоллар келтириш орқали суҳбатдошга таъсир қиладилар” деб гендер стереотиплардан бирини кўрсатиб ўтади. Х.Самигова гендер/жинс стереотипларни инглиз ва ўзбек аёллари нутқида кузатиб, шундай хулосага келади: “Хулоса қилиб айтиш мумкинки, диалогик риторикада инглиз ва ўзбек аёллари нутқи ўхшаш ҳамда фарқли жихатларга эгаллиги билан характерланади. Умумийлик жихатлари шундаки, ҳар икки миллат аёллари вазиятни пойлаб, ҳис-ҳаяжонни юқори даражага кўтариб, айёрлик ва удабуронлик каби ҳислатларни қўллаш, йиғлаш, жилмайиш каби нолисоний воситалардан ўринли фойдаланиш орқали суҳбатдошни нутқ мақсади сари чорлайдилар. Инглиз аёлларидан фарқли ўлароқ, ўзбек аёллари дуо қилиш, насиҳат қилиш, диний соҳага оид лисоний воситалардан ўринли фойдаланадилар. Инглиззабон аёллар нутқида макташ, қўллаб-қувватлаш маъносига эга лисоний воситалар кенг қўлланилади. Аксарият ҳолларда, инглиз аёллари нутқида сўкишга доир, ўзбек аёллари нутқида эса қарғишга оид лисоний воситалар кузатилади”³. Шунингдек, олима ўзбек ва инглиз эркаклари риторикасидаги куйидаги жихатларни белгилаб ўтади: “... диалогик риторикада инглиз ва ўзбек эркаклари нутқи ўхшаш ва фарқли жихатларга эгаллиги билан характерланади. Бунда ҳар икки халқ эркаклари иқтисодий жихатдан қўллаб-қувватлашга оид жумлалардан ўринли фойдаланиш, нутқда аниқ фактлар келтириш, васият қилиш, фикрни айёрликсиз тўғридан-тўғри баён қилиш орқали суҳбатдошларни нутқ мақсади сари чорлайдилар. Ўзбек эркаклари фарқли равишда, инглиз эркаклари аёл ва эркак муносабатларида шеър ва кўшиқлар айтиш, ялиниш орқали, ўзбек эркаклари эса эркаклар характериға хос бўлган мардлик, жасурлик каби ҳислатларни суҳбатдошга эслатиб ўтиш орқали нутқий таъсирчанликка эришадилар. Қолаверса, диний мавзуларда сўзлаш, дуо ва насиҳат қилиш, эл-юртнинг фикрини эслатиб ўтиш аксарият ҳолларда ўзбек эркаклари нутқида кузатилади”⁴.

Жинсий жихатдан аёллар ва эркаклар нутқида фарқлар анчагина: овоз тембри, нутқнинг давомлилиги кабилар. Одатда, нутқнинг социологик фарқланиш омиллари жинсий фарқланиш омиллари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Бироқ социал-психологик омиллар етакчилик қиладиган ҳолатлар анча кўп учрайди. Замонавий мулоқот шакллари билан бўлган ижтимоий тармоқлардаги мулоқотда гендер реляция учун айнан кейинги факторлар муҳимдир. Ижтимоий тармоқларда мулоқот-

¹ Клецина И.С. Гендерная социализация. Санкт-Петербург, издательство РГПУ им. А.И.Герцена, 1998.

² Исмоил Мухаммад. Баҳорнинг энг сўнгги лоласи. Т., “O‘zbekiston”, 2006, 158-бет.

³ Самигова Х.Б. Инглиз ва ўзбек нутқ маданияти риторик аспектининг чоғиштирма тадқиқи (10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик). Филология фанлари доктори (Doctor of Science) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация, Тошкент, 2017, 136-бет.

⁴ Ўша асар, 146-бет.

нинг бир қатор ўзига хос жиҳатлари мавжуддир.¹ Булардан энг кўп эътиборни жалб қилувчи жиҳат анонимликдир. Ижтимоий тармоқда мулоқот қилар экан, инсон ўз шахсини истаганча интерпретация қила олади. Хусусан, жинсини алмаштириб кўрсатиши ҳам мумкин. Аммо гендер учун релятив бўлган жиҳатларни доим ҳам яшириш имкони мавжуд эмас. Шу билан бирга, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ижтимоий тармоқларда мулоқот қилиш нафақат ўзбеклар, балки барча миллатлар учун ҳам янгиликдир. Мулоқотнинг унганча бўлган анъанавий шаклларида жинсий ва гендер фарклар яққол намоён бўлган. Юзма-юз мулоқотда аёлларга хос бўлган жинсий белгилар: овоз тембри, кўл ва гавда ҳаракатларининг чекланиши кабилар ҳамда гендер белгилик вербал ва новербал воситалар(хусусан, ўзбек аёллари учун характерли бўлган суҳбатдошга тик қарамаслик, суҳбатда эркак ва ёши катталар етакчилигини тан олиш, паст овозда гапириш, эмоционал таъсирланувларни, имкон қадар, яшириш...) яққол намоён бўлади.

Ўзбек эркаклари анъанавий нутқида етакчилик қилишга интилишнинг вербал ва новербал воситалари жинсий белгилар билан синтез ҳолда юзага чиқади. Масалан, “Ўзбекда ахир ҳар бир эркак ўз хотинини – ўз ҳалол жуфтини кизи ё ўғлининг номи билан атаб чақиради. Ўз хотинининг исмини айтиб чақириш ярамайди. Хотинининг исми Марям, қизининг исми Хадича бўлса, мўмин-мусулмон – шарму ҳаё юзасидан бўлсамикан? – хотинини “Хадича” деб чақиради. Аксар она-бола баравар “лаббай!” дейди, шундайда оиланинг ҳақиқий эгаси бўлган ота: “каттангни айтаман, каттангни!” дейди. Ҳатто шунда ҳам “Марямни” демайди...”² Келтирилган мисоллар тарихий асарлардан олинган бўлиб, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт аёллар ва эркаклар нутқида муайян коррекциялар киритган. Замонавий аёллар ва эркакларнинг ижтимоий ҳаётдаги нутқи стереотиплараро фарқлар тобора сийқалашиб бормоқда. Аммо маиший мулоқот шаклларида гендер/жинсий фарқлар ҳамон эркаклар ва аёллар нутқи реляцияси учун етакчилик қилиб келмоқда. Юқорида эътибор қаратганимиз ижтимоий тармоқлардаги мулоқот асосан маиший даражада олиб борилса-да, мулоқотнинг ушбу шакли учун хос бўлган айрим жиҳатлар гендер/жинсий фарқларни кузатишда муайян қийинчиликлар туғдиради: “... интернет мулоқоти аноним қолишнинг фавқулодда имкониятларига эга. Интернетда мулоқотга киришилар экан, мулоқотчилар ўз шахсларини хоҳлаган даражада сир тутишлари ёки умуман ҳақиқатдан йироқ киёфада намоён бўлишлари мумкин: аёллар ўзларини эркак сифатида, аксинча, эркаклар аёл сифатида танитишлари мумкин. Худди шундай манипуляциялар ёш, ижтимоий даража, антропологик кўрсаткичларга нисбатан ҳам амалга оширилиши мумкин ва бу ҳолат, табиийки, матн таҳлилини қийинлаштиради”.

Ижтимоий тармоқларда олиб борилган мулоқотлардан олинган аниқ парча таҳлиliga эътибор қаратсак:

1-номер: Мен ҳозир кўчадаман. Ҳалироқ гаплашамиз.

Онам жаннатим: Кутаман, албатта, тел.қилинг-а. Ухламай ўтираман, хўп. Гапим бор эди-да.

Биринчи суҳбатдош эркак, иккинчи суҳбатдош эса аёл жинсига мансублигини аниқлаш қийин эмас. Буни ҳар қандай тил эгаси айта олади. Аёллар ва эркаклар нутқида хос бўлган клишелар тил эгалари онгостида сақланади. Аммо таҳлил қилиб, исботлаб бериш осон эмас. Аваламбор, суҳбатдошлар ўзлари учун танлаган никларга эътибор қаратиш лозим.

Биринчи суҳбатдош ники (1-номер) ўзига берилган юқори баҳо ва шундай мавқега интилишдан дарак беради. Бу эса ўзбек эркакларига хос хусусиятдир. Иккинчи суҳбатдош танлаган ник (Онам жаннатим) оилада она билан кўпроқ яқинлик, ўз мавқеини шу даражада кўриш билан боғлиқ бўлиб, бу эса қизларга хосдир. Суҳбат матнига эътибор қилсак:

1-номер: Мен ҳозир кўчадаман. Ҳалироқ гаплашамиз.

Маскулинли (эркакка хослик) гапда кириш ва модал сўзларнинг йўқлиги, бирдан маълумот берилиши, мақсад аниқ ифодаланиши, суҳбатда етакчиликка интилиш (дарак гапларни қўллаш ва гапда энг зарурий бўлакларни ифодалаш) орқали ифодаланмоқда.

Онам жаннатим: Кутаман, албатта, телефон қилинг-а. Ухламай ўтираман, хўп. Гапим бор эди-да.

Феминийлик (аёлга хослик) гапда кириш, юкламалар ва модал сўзларнинг фаол қўлланиши, истак мазмунидаги гапларнинг қўлланиши, дарак гаплардаги хабар мазмунининг юклама орқали

¹ Шаҳобиддинова Ш., Юлдашева Ш. Интернет мулоқот ва унинг тадқиқига доир айрим мулоҳазалар. АДУ Илмий хабарномаси, 2018, 2-сон, 85–88-бетлар.

² Чўлпон. Кеча ва кундуз. Яна олдим созимни. Т., Ғафур Ғуллом..., 1991, 27-бет.

юмшатилишида кўринади.

Ёшлар нутқида фаол қўлланилувчи айрим никларга эътибор қилсак:

Ўғил болалар никлари: *миллионер, подшоҳ, панда, мафия, буюк қирол, бандит.*

Қиз болалар никлари: *танҳо юлдуз, дадасининг эркаси, асалка, жонимнинг ягонасиман, жонингизман-ку.*

Кўриниб турибдики, ник танлашда гендер стереотиплар яққол намоён бўлади: ўғил болалар учун моддий бойлик ва ҳукмронликка интилиш қанчалик хос бўлса, қиз болалар учун кимнингдир ҳимоясида бўлиш, ташқи гўзалликка интилиш шунчалик хосдир.

Нутқ одатида гендерга хос жиҳатларни ўрганиш замонавий амалий тилшунослик олдида турган вазифалардан бири бўлиб, бу борада олиб борилган изланишлар маданиятлараро ва жинслараро мулоқотлар тадқиқини янги босқичга кўтариши, шубҳасиз.

Сафаров Одилжон (ЎЗМУ)

НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИНИНГ ИККИ НЕМИСЧА ТАРЖИМАСИ

Аннотация. *Мазкур мақолада Ўзбекистон мустақиллиги йилларида Навоий ғазалларининг Й.Парда ва Х.Раҳимов томонидан амалга оширилган икки немисча таржимаси ҳамда уларнинг ўзларига хос жиҳатлари ҳақида мулоҳаза юритилади.*

Аннотация. *В данной статье речь идёт о двух немецких переводах газелей Навои на немецкий язык, осуществлённых Й.Пардой и Х.Рахимовым в годы независимости Узбекистана, а также их своеобразных особенностях.*

Annotation. *This article deals with two German translations of the Navoi gazelles into German done by J.Parda and Kh.Rakhimov during the years of independence of Uzbekistan, as well as their peculiar features.*

Калим сўзлар: *аслият, таржима, сўзма-сўз таржима, сатрма-сатр таржима, бевосита таржима, билвосита таржима, насрий таржима, назмий таржима, табдил, мазмун, шакл.*

Ключевые слова: *оригинал, перевод, подстрочный перевод, непосредственный перевод, посредственный перевод, прозаический перевод, поэтический перевод, внутриязыковой перевод, содержание, форма.*

Key words: *original, translation, interlinear translation, direct translation, mediocre translation, prosaic translation, poetic translation, intralingual translation, content, form.*

Сир эмаски, XX асрнинг иккинчи ярмидан жаҳоннинг кўп мамлакатлари қаторида Ўзбекистонда ҳам таржима ишларини илмий асосга кўчириш бўйича катта ишлар қилинган бўлса-да, аксарият таржималар билвосита (рус тили орқали) амалга ошириб келинган. Табиийки, бу ҳол юртимизнинг халқаро адабий алоқалардаги имкониятларини анча чеклаган, таржима ишларининг сифатига муайян даражада салбий таъсир килиб келган.

Юртимиз мустақиллиги арафасида ва мустақиллик йилларида бевосита таржималар билан боғлиқ масалалар ҳам жиддий ўрганилмай қолди. Шу боис бу даврдаги кўп муҳим таржима ишларига муносабатлар деярли билдирилган эмас. Марҳум Йўлдош Парда амалга оширган Навоий ғазалларининг немисча таржимаси ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Энди эса Навоий ғазалларининг Хуррам Раҳимов тайёрлаган таржималари анча баҳс ва тортишувларни пайдо қиляптики, бундай ҳолда уларни илмий асосда тадқиқ қилишга эҳтиёж пайдо бўляпти. Номи юқорида қайд этилган мавзудаги иш худди шу нуқтаи назардан долзарб аҳамиятга эга.

Ундан мақсад – Навоий (1441–1501) ғазалларининг Й.Парда ва Х.Раҳимов амалга оширган таржималарини қиёсий ўрганиш ва уларга тегишли муносабатлар билдириш, тарихий назмий асарларнинг хорижий тилларга таржималарини яхшилашга оид таклиф ва мулоҳазалар билдириш.

1989 йилнинг 21 октябрида ўзбек тили Давлат тили мақомига эга бўлиши, таржимачилигимиз учун ҳам янги имконлар очиб берди. 2000 йилда “Шарк” нашриёт матбаа концерни бош таҳририятида “Уммондан дурлар” (немисча “Die Perlen aus dem Ozean”, инглизча “Pearls from the Ocean”) китобчаси 10000 нусхада чоп этилгани шу имкониятлар натижаси эди. Унинг тузувчиси ва сўз боши муаллифи, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасидаги “Таржима маркази”нинг Ғарб мамлакатлари билан адабий алоқалар бўлими мудир марҳум Йўлдош Парда бўлган.

Аслида, бу китобчага иккита сўз боши илова қилинган: бири ярим бетдан кўпроқ, “Қизил, сариғ, яшил”, деб номланган иккинчиси олти бет.

Дастлабки сўз бошида Й.Парда Навоий ижодини мазмунан ва шаклан уммонга қиёслаб, шундай ёзади: “Ушбу китобчада ана шу уммондан терилган дурларни эътиборимингизга ҳавола этмоқдамиз. Бунда сиз шоирнинг энг сара йигирма битта ғазали, асарларидан териб олинган ҳикматли сўзлари ва баъзи рубоийлари билан танишасиз”.¹

“Қизил, сориғ, яшил” сарлавҳали сўз бошида Й.Парда А.Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида атрофлича маълумот бериши билан бирга, ғазал ҳақида ҳам қуйидагиларни қайд этади:

“Ғазал Шарқда кенг тарқалган шеър турларидан биридир. У, асосан, 12–14 қатордан иборат бўлиб, а-а, б-а, в-а, г-а шаклида қофияланади. Ғазалнинг ҳар жуфт мисраси битта тўлиқ маънога эга бўлади. Агар ғазалнинг биринчи мисраси, мисол учун, 12 та очиқ ва ёпиқ бўғинлардан иборат бўлса, (очиқ бўғин унли товуш билан ва ёпиқ бўғин ундош товуш билан тугалланади), қолган мисралар ҳам худди шундай кўринишда бўлиши лозим”.²

Энди “Уммондан дурлар”нинг тузилиши ҳақида мулоҳаза юритадиган бўлсак, унда, дастлаб, немисча матнлар, кейин тегишли кетма-кетликда уларнинг немисча таржималари, ундан кейин эса ўша матнларнинг инглизча таржималари берилган.

Немисча барча таржималар (сўз боши, ғазаллар, ҳикматли сўзлар ҳамда олтига рубоий), асосан, Й.Парда томонидан амалга оширилгани қайд этилган. Фақат ғазаллар таржимасини Й.Парда германиялик ҳамкори Нора Пфеффер билан амалга оширгани ҳам ўша матнлар охирида ўз ифодасини топган. Шуниси қизиқки, уларнинг иккаласи тенг ҳуқуқли таржимон сифатида қуйидагича қайд этилган:

“Übersetzung von Juldash Parda,
Nachdichtungen von Nora Pfeffer”.³

(Йўлдош Парда таржимаси.

Нора Пфеффернинг эркин шеърӣ таржимаси).

Бироқ айнан қайси ғазалларнинг таржималари Й.Пардага, қайсилари Пфеффер хонимга тегишли эканлиги ҳақида маълумот йўқ.

Инглизча таржималарда сўз боши, ҳикматлар, рубоийлар таржимони К.Маъмуров, ғазаллар таржимони Л.Кметюк эканлиги аниқ қайд этилган.

Албатта, Навоий ғазаллари таржимасидек ишга қўл урган Пфеффер хоним ва жаноб Кметюк ўзбекчани қай даражада билганликлари ҳақида савол пайдо бўлиши табиий ва бу ҳол улар ўша таржималарни, ҳақиқатан ҳам, ўзлари амалга оширганликларига гумон пайдо қилиши мумкин.

Ҳар ҳолда таниқли рус адаби ва таржимони В.А.Жуковский (1783–1859) ўз давридаёқ бирор таржима тагламадан амалга ошириладиган бўлса, унда унинг муаллифининг номи ҳам қайд этилиши кераклигини таъкидлаган. Қолаверса, унинг ўзи ҳам юнончани билмаган ҳолда, Ҳомернинг “Илиада” асарини юнончадан немисчага қилинган сатрма-сатр таржима орқали амалга оширгани ва ўша таржима кимники эканлигини алоҳида қайд этган. Немис тилида таглама таржима Rohübersetzung, interlineare Übersetzung ёки Interlinearversion деб аталади. Тегишли манбаларда таржима шу даражада турлича талқин қилинганки, аслида, гап қандай таржима ҳақида кетаётганини тушуниш осон эмас. Масалан, Н.Комилов, – “Ижодий таржима сўзма-сўз таржимага ҳам, ўзгартирувчи эркин таржимага ҳам зид тушунчадир”,⁴ дея таъкидлайди.

Ҳар ҳолда таржима илмида сўзма-сўз таржима сатрма-сатр таржимадан фарқланади. Сатрма-сатр таржимани Ғ.Саломов таглама (таглама таржима) тарзида қўллашни таклиф қилган.

Аслида бу турдаги таржима масалалари ушбу таржимашунос олимни анча ташвишлантирган. Шу боис у қуйидагиларни бот-бот уқдиради:

“Маълумки, ғарб адабиёти, жумладан, инглиз, немис, француз, испан, итальян ва бошқа адабиётлар асарлари бевосита ўша тилларнинг ўзларидан эмас, балки русчадан таржима қилинади. Бу адабиётлардан ўзбек тилига анча кўп асарлар ўгирилади. Воситали таржималарнинг хусусиятларини ўрганиш, шу тариқа, мазкур таржима усулига муносабат билдириш лозим”.⁵

Ғ.Саломов шу матн давомида қайд этишича, “таржима истилоҳининг замирида “икки тил”,

¹ Парда Й. Сўз боши. Уммондан дурлар Т., “Шарқ” нашриёт матбаа концерни бош таҳририяти, 2000, 3-бет.

² Шу манба. 5 – 6-бетлар.

³ Шу китоб, 77-бет.

⁴ Комилов, Н. Қадимий санъат. Таржима санъати (мақолалар тўплами, 3-китоб). Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976, 76-бет.

⁵ Саломов Ғ. Бадиий таржимада услуб. Таржима назарияси асослари. Т., “Ўқитувчи”, 1983, 75–76-бетлар.

“тилдан-тилга ўгириш” тушунчалари ётади”¹

Албатта, бу билан Ғ.Саломов том маънодаги таржима бир тилдан иккинчисига бевосита қилинадиган таржима эканлигига ишора қилган.

А.В.Фёдоров эса бу ҳақда шундай ёзади: “Таржима қилиш бир тил воситалари орқали бошқа тил воситалари билан ифодаланган мазмун ва шаклни, бир-биридан ажратмаган ҳолда, аниқ ва тўла ифодалашдир (Берилиши аниқ ва тўлиқ бўлиши, ҳақиқий таржимани қайта ишлаш, баён ёки қисқа ифодалаш, “адаптациялар” деб аталувчи ҳар хил турлардан фарқлайдиган жиҳатидир)”²

Ҳар ҳолда, замонлар зайли билан сўнгги ўнйилликларда таржималарнинг сифати ва самарадорлигини ошишига, замонлар зайли билан мустақилликка эришган мамлакатларда бевосита таржима ишларини йўлга қўйишга жиддий эътибор берилди бошладик, республикамиз ёзувчилари уюшмаси ташаббуси билан бундан 4–5 йил аввал А.Навоийнинг икки юзта ғазалини жаҳоннинг ўн тўртта забардаст тилига таржима қилиш лойиҳаси ишлаб чиқилгани ҳам шу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар билан бевосита боғлиқ.

Ўшанда ушбу ғазалларнинг немисчага таржимаси ҳақида гап кетганида, бундай масъулиятли вазифани ўз зиммасига олишга ҳеч ким журъат этмаган. Натижада бу иш немис тили билимдони, таржимон, олмон-ўзбек илмий жамияти раиси, профессор Хуррам Раҳимовга ишониб топширилган.

Кейинчалик, Х.Раҳимов сўзма-сўз ва тағлама таржима сифатида тақдим этган таржима, бундай таржимадан анча фарқ қилади. Ундаги сўз бошида қайд этилишича, таржимон ғазалларни немисларга муносиб тарзда тақдим этиш учун турли манбаларга, навоийшунос ва адабиётшуносларга, немис тили она тили бўлган мутахассисларга кўп марта мурожаат этган ҳолда, Навоий ғазалларини, имкони борича, чуқур тушунишга ҳаракат қилган.

Энди ғазал моҳиятига эътибор қаратайлик: “ҒАЗАЛ (араб. – аёлни севиш, унга ошиқона муносабатда бўлиш) – 1) Шарқ адабиётида энг кенг тарқалган лирик жанр. “Ғ” атамаси, дастлаб, 6–7 а.ларда араб шеъриятида пайдо бўлган. Сўнг Ўрта Осиё ва Шарқ халқлари адабиётларига ўтиб, 13–14-асрларда тўла шаклланган. Ҳажми 3 байтдан 19 байтгача қилиб белгиланган. Лекин 21, ҳатто 27 байтли намунаси ҳам учрайди. Аа, ба, ва, га, да ва ҳ.к. тарзда қофияланади, бошдан охир бир хил вазнда ёзилади”³

Х.Раҳимов ўз таржимасида ғазалга хос шу жиҳатларни сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Бироқ ундаги айрим сўзлар анча баҳс ва мунозаралар келиб чиқарди. Масалан, ф.ф.н., доцент, Турон Фанлар академиясининг фахрий аъзоси Ровияжон Абдуллаева *Geliebte* сўзига ҳам эътироз билдириб, у немис тилида ўйнаш, жазман, деган маъноларга эгаллигини таъкидлайди.

Лекин Й.Парда Н.Пфеффер билан амалга оширган таржималарда ҳам шу сўз учрайди. Таркибида қуйидаги байт бўлган ғазал таржимасида эса, улар *Geliebte* сўзини, ҳатто уч марта, *ёр, жонон, султон* сўзларини немисча ифодалашда қўллашган:

*Бўлса юз минг жоним ол, эй ҳажр, лекин қилмагил,
Ёрни мендин жудо, ёхуд мени ондин жудо”*⁴

Й.Парда ва Н.Пфеффер таржимасида у шундай берилган:

*“Hätte ich Tausende Seelen, so gäbe ich alle sie her,
Wär mir nur immer die Nähe der holden Geliebten vergönnt!”*⁵

Кўриниб турибдики, таржимада мазмун ҳам, шакл буткул ўзгарган. тиниш белгилари нотўғри қўлланган. Биргина байт таржимасида шунча хато бўлса, беш ёки ўн байтда қанча хато бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

¹ Шу китоб. 67-бет.

² Фёдоров А.В. Понятие перевода как формы творческой деятельности в области языка. Введение в теорию перевода. М., издательство литературы на иностранных языках, 1953, с. 7 (Бу мулоҳаза А.В.Фёдоров китобининг 1958, 1968, 1983 йиллардаги нашрларида ҳам мавжуд. Бироқ китобнинг 1953, 1958 йиллардан кейинги нашрларида “точно” (аниқ) ўрнига “верно” (тўғри) сўзи қўлланган. Шунга ўхшаш фикр немис мутафаккири Ф.Шлайермахернинг (1768–1834), рус маърифатпарвари В.Белинскийнинг (1811–1848), айрим XX аср таржимашунослари қаторида, Ғ.Саломовнинг ҳам ишларида учрайди.

³ Азизхўжаев А. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-жилд, Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2005, 214-бет.

⁴ Парда Й. Сўз боши. Уммондан дурлар. Т., “Шарқ”, 2000, 26-бет.

⁵ Шу китоб, 75-бет.

“Langenscheidt”да Geliebte сўзи шундай изоҳланган: “Ge-lieb-te *der/die; -n, -n.* 1. jemand, zu dem man eine sexuelle Beziehung hat (oft neben einer bestehenden Ehe) <einen Geliebten/eine Geliebte haben; *der/die Geliebte von jemandem sein*>2. *veraltend*; verwendet als Anrede für den Mann/die Frau, den/die man liebt”.¹ Демак, бу сўз немисчада фақат ўйнаш ёки жазман эмас, балки ошиқ, маъшук, маъшуқа деган маъноларга ҳам эга. Фақат унинг иккинчи маъноси эскирган (*veraltend*), яъни архаик сўзлиги қайд этилган. “Архаик сўзлар, В.Г.Белинскийнинг таъбири билан айтганда, “ҳақиқий бебаҳо хазинадир”. Чунки улар воситасида луғатнинг кўп маънолилиқ хусусияти ошади ҳамда махсус шеърий маъно ва лисоний муҳит яратиш учун катта имконият юзага келади”.²

Таржима, айниқса, назмий таржима, аслият мазмуни ва шаклига, имкони борича, яқин бўлиши муҳим. Қолаверса, мазмун бузилиши шакл бузилишига, шакл бузилиши мазмун бузилишига олиб келиши, табиий. Шу нуқтаи назардан, Навоий ғазалларидан биридаги ушбу байтлар ва уларнинг таржималарини қиёсий ўрганишимиз мақсадга мувофиқ:

*“Вою юз минг войким, тарки муҳаббат қилди ёр.
Билмайин қолдим мену, қилмай хабар айрилди ёр.*

*Борди ўқдек тезу ёдек қоматим ёт этмади,
Ишқ аро гўё менинг эгрилигимни билди ёр.*

Й.Парда ва Н.Пфеффер таржимаси:

*“Es hat **die Geliebte** mich schmäählich verlassen, verletzt.
Sie hat an die Luft das Gefühl meines Herzens gesetzt.
Entfernte sich fliehend, als wäre sie ein blitzender Pfeil.
Obwohl ich mich kümmerte zum Bogen für sie bis zuletzt.*

Х.Раҳимов таржимаси:

*Hunderttausendmal ächze ich, verlassen hat mich **der Geliebte**.
Wortlos hat er sich von mir getrennt, vergessen hat mich **der Geliebte**.*

*Er ging schnell, wie ein Pfeil, vergaß mein kummervoll gebeugtes Dasein
Er habe meine Untreue erfahren, verdächtigte mich **der Geliebte**.*

Демак, бу байтлар таржимасида Й.Парда ва Н.Пфеффер Geliebte сўзини бир марта қўллаб, уни женский родда, die Geliebte тарзида ифодалашган. Бирок у қофиядош сўз сифатида қўлланмаган.

Х.Раҳимов мазкур байтларда шу сўзни уч марта ва қофиядош тарзда қўллаган. Бирок у ўша сўзни мужской родда, der Geliebte тарзида ифодалаб, ғазалда бу сўз Худо маъносида ифодалангани шундай изоҳлаган: “Der usbekische Begriff „yor“ (hier in der Übersetzung – der Geliebte) wird in der orientalischen Poesie im Sinne einer Gottheit, einer Geliebten, eines Freundes, auch im Sinne eines Knaben als sexuelles Objekt gebraucht. Dabei ist die Liebe zum Gott die höchste Stufe der menschlichen Liebe eines Moslems”.

Ўзбекча “ёр” тушунчаси (бу таржимада – der Geliebte) Шарқ шеъриятида Худо, маъшуқа, дўст, шунингдек фахш объекти сифатидаги бачча маъносида қўлланади. Ундаги Худога муҳаббат муслимга хос инсоний муҳаббатнинг энг юкори босқичидир.

Бу изоҳ илмий манбалардаги (“Алишер Навоий тилининг изоҳли луғати”, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” ва ҳ.к.) изоҳлардан анча фарқ қилади. Ундаги таржимон фикри ҳам аниқ эмас.

Умуман олганда, Х.Раҳимов ўз таржимасида Навоий ғазаллари руҳини, имкони борича, аслиятга яқин беришга ҳаракат қилган. Шундай бўлса-да, таржима матнларида йўқ унсурлар учрайди. Масалан, немисча таржимада ғазалларнинг ҳар бирига сарлавҳалар қўйилган. Ҳолбуки, ғазалнависликда бундай ҳол учрамайди.

Ғазалларнинг таржима китоби эса “Қаро кўзум” иборали ғазалга ишора қилинган ҳолда, “Schwarzäugige”, деб аталган. Аммо бу қаро кўзум (қора кўзим) эмас, қаро кўзли, демакдир. Уни қаро кўзум (қора кўзим, қора кўзлигим) тарзида тўғри ифодалаш, ўша сўз олдида эгалик олмоши-

¹ Götz Dieter usw. Großwörterbuch Deutsch als Fremdsprache. Berlin und München: Langenscheidt KG, 2008, s. 444.

² Саломов Ғ. Таржима ва қиёсий услубиёт. Таржима ташвишлари. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 31-бет.

ни қўллашни тақозо қилади. Шунда сарлавҳа “Meine Schwarzäugige” ёки “Mein schwarzes Auge” тарзида ифодаланган бўлади.

Тўғри, ғазалларни таржима қилиш, айниқса, биз яшаётган даврдан беш асрдан ҳам илгари битилган бундай асарларни таржима қилиш, таржима қилганда ҳам, Европа тилига таржима қилиш, осон эмас. Буни Х.Раҳимовнинг ўзи шундай эътироф этади: “Навоий ғазалларини таржима қилиб бўлмас экан. Энг яхши йўл, бу ғазалларнинг насрий баёнларини таржима қилиб, уларнинг хорижий таржимасини чет эллик навоийшунос ва шоирларга ҳавола қилмоқ лозим.”

Ғ.Саломов эса қарийб эллик йил аввал бу ҳақда шундай ёзган: “Бизнингча, Навоий асарларининг хорижий ва қардош халқлар тилларига қилинган қадимий ва замонавий таржималарини узил-кесил аниқлаш, уларни таснифлаш ҳамда илмий асосда ўрганиш, бу соҳада тўпланган бой тажрибани умумлаштиришга киришиш вақти етди. Шоирнинг асарларини, аввало, таъбир жоиз бўлса, ҳозирги ўзбек тилининг ўзига бир қарра “таржима” қилиш, тўғрироғи, уларнинг насрий баёнларини яратиш ва нашр этиш иши катта аҳамиятга эга”¹.

Хуллас, гап бу ерда табдил ҳақида кетяпти. Табдил эса моҳиятига кўра, таржимага жуда яқин, яъни таржима одатда икки тил доирасидаги фаолият бўлса, табдил – бир тил доирасидаги фаолият. Гап Навоий ғазаллари табдили ҳақида кетадиган бўлса, хорижий тилларга таржималар учун, ҳатто уларнинг насрий эмас, назмий табдиллари бўлганида, бу ғазалларнинг юқорида қайд этилган икки таржимасида учрайдиган кўпдан кўп хато ва камчиликларнинг олдини олиш имкони бўларди.

Mavlanova Gulnigor Baxriddin qizi (TerDU o'qituvchisi, e-mail: mavlanova.gulnigor@bk.ru)
ADABIYOTSHUNOSLIKDA “AYOL” OBRAZINING O'RGANILISHI VA UNING BADIY
TAHLILI

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada o'zbek adabiyotida yaratilgan ayollar obrazini badiiy jihatdan o'rganish hamda tahlil qilish orqali har bir davrda yaratilgan asarlarda o'ziga xos milliy-madaniy ruh ufu-rib turganini yaqqol ko'rsatib berdik. Shuningdek, til uslubiyati badiiy matnning jozibadorligi, bo'yoq-dorligi, ta'sirchanligi, obrazlilik jonli tilga ega bo'lishi uchun ahamiyati kattaligini izohlab berdik.*

***Аннотация.** Художественное изучение и анализ изображений женщин в узбекской литературе показывает, что каждое из этих произведений имеет свой особый национальный и культурный дух. Мы также объяснили важность языковых стилей для привлекательности, цвета, от-зывчивости и фактуры литературного текста.*

***Annotation.** The artistic study and analysis of the images of women in Uzbek literature shows that each of these works has its own distinct national and cultural spirit. We also explained the importance of language styles for the texture to be attractive, colorful, responsive, and figurative.*

***Kalit so'zlar:** badiiy obraz, portret, muallif xarakteristikasi, tasvir va ifoda, badiiy psixologizm, personaj nutqi, epik va lirik asar, milliy kolorit.*

***Ключевые слова:** художественная литература, портрет, авторская характеристика, образ и выражение, художественная психология, характерная беседа, эпическое и лирическое произведение, национальный колорит.*

***Key words:** fiction, portrait, author's characteristic, image and expression, artistic psychology, character's talk, epic and lyrical work, national colorite.*

Adabiyotda klassisizm, marifatchilik, romantizm va realism kabi turli oqimlar ruhida yaratilgan asarlarni kuzatganda ayol qalbi kechinmalarini tahlil etish muammosi hech qachon o'z dolzarbligini yo'qotmagan. Bugungi kun adabiyotining ushbu xususiyati adabiyot va san'atda borliqning hamma jihatlari o'z aksini topadi, faqat ular bitta shartga bo'ysunadilar, ya'ni ular inson harakteri va ruhiy holatining u yoki bu qirrasini ochishga xizmat qilishlari bilan izohlanadi. Adabiyotshunoslikda asliyat, usluban yetuk va aftobiografik manba adabiy-tarixiy meros namunasidir. O'zbek xalqlarining xazinalaridan biri bo'lgan milliy-madaniy qadriyatlar, urf-odatlarini aks ettirgan xususiyatlarni tadqiq etish muhim masalalardan biridir.

Adabiyotshunoslikda “badiiy obraz” atamasi ham keng, ham tor ma'nolarda ishlatiladi. Keng ma'

¹ Саломов Ғ. Таржима ва киёсий услубиёт. Таржима ташвишлари. Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 96-бет.

noda “badiiy obraz” deganda borliqning san’atkor ko’zi bilan ko’rilgan va ijodiy qayta ishlangan har qanday aksi; jonivorlar, narsa-buyumlar, hodisalar, tabiat obrazlari nazarda tutilsa, tor ma’noda badiiy asardagi inson obrazi tushuniladi. Borliqni badiiy idrok etishni maqsad qilgan badiiy adabiyotning asosida inson obrazi turadi, chunki borliqning o’zida inson shu xil mavqe egallaydi. Shunday ekan, borliqni badiiy idrok etishni maqsad qilgan badiiy adabiyotning bu yo’ldagi asosiy vositasi inson obrazi bo’lishi tabiiy hamdir. Mazkur fikrni obrazlar tizimidagi darajalanish yaqqol ko’zga tashlanadigan katta epik asarlar misolida tushunish va tushuntirish qulayroq. Bu xil asarlarda boshqa (narsa-buyumlar, jonivorlar, hodisalar va h.k.) obrazlarning bari inson obrazini yorqinroq tasvirlashga, chuqurroq ochib berishga xizmat qiladi.¹ To’g’ri, ayrim asarlar borki, ularda inson obrazi yaratilgan emas: masallar, hayvonlar haqidagi ertaklar yoki asarlar, peyzaj lirikasi va h.k. Biroq ularda ham yo’l majoziy ravishda inson, inson hayoti haqida so’z boradi, yo inson qalbi suratlanadi. Badiiy adabiyotda inson obrazini to’laqonli yaratish, uni o’quvchi ko’z oldida konkret jonlantirish uchun xizmat qiladigan qator vositalar mavjud. Bularga muallif xarakteristikasi, portret, badiiy psixologizm, personaj nutqi kabi badiiy unsurlar kiradi. Obrazga bevosita yozuvchining o’zi tomonidan berilgan ta’rif “muallif xarakteristikasi” deb yuritiladi. Muallif xarakteristikasida obrazning fe’l-atvoriga xos asosiy xususiyatlar bayon qilinadi. Odatda, muallif xarakteristikasi asarning boshlanish qismlarida yoxud konkret obraz asarga kirib kelgan o’rinlarda beriladi. Muallif xarakteristikasi o’quvchida personaj haqida yaxlit tasavvur hosil qilib, uning keyingi xatti-harakatlarini, gap-so’zlarini anglashida muhim ahamiyat kasb etadi.

XX asrning boshlaridagi nasriy asarlarda ayol obrazi tom ma’nodagi teng huquqli asosiy qahramon darajasiga yetishdi. Buning yorqin misoli sifatida birinchi o’zbek romani hisoblanmish Abdulla Qodiriyning “O’tgan kunlar” romanidagi Kumush obrazini keltirish mumkin. O’zbek adabiyotida ayol obrazi bu romanga qadar bunchalar yorqin va samimiy yaratilmaganligini uni o’qigan har bir kitobxonning o’zi amin bo’lishi tabiiy.

Adabiyotda “milliy o’ziga xoslik” degan tushuncha bor. Bunday o’ziga xoslik, dastavval, o’zbek adabiyotida ayol obrazini yaratishda ularning uyat, andisha, birovga bo’lgan muhabbatini oshkora ayta olmaslik, uning dilida kechayotgan tuyg’ularini faqat ishoralar orqali berish kabi tasvirlarda ko’rinadi. Buni ulug’ adibimiz Abdulla Qodiriy “O’tkan kunlar” asarida ayollarimizning ham ijobiy ham salbiy obrazlarini o’zining so’z qo’llash mahorati orqali jonli tasvirda mohirona isbotlab berdi. Otabekning onasi O’zbek oyim obrazi o’ziga xos bir murakkab xarakterni tashkil etadi. U ham mehribon, sodda ona, ham uncha-munchani hisob qilmaydigan boyvuchcha, ham eri Yusufbek Hojini aytganiga ko’ndira oladigan hokima, ham ba’zi nozik harakatlarning oqibatini o’ylab ko’rmaydigan kaltabin ayol.

Kumushning onasi O’ktob oyim esa O’zbek oyimga nisbatan ko’proq mulohazali va muhokamali ayol, u aksariyat holda erining ko’ngliga qarab ish ko’radi. O’zining iboliligi, andishaliligi, vazmin tabiati bilan ajralib turadi. Xushro’ybibi ichi qoralik va shumlikning, battollik va yomonlikning, behayolik va urushqoqlikning, o’jarlik va xudbinlikning timsolidir. Xushro’ybibi ota-ona hurmatini ham, ajdodlar an’anasini ham, odamlar orasida odat tusiga aylanib qolgan axloq-odob qoidalarini ham chaqa pulga olmaydi. Xushro’ybibi hamma narsadan o’zining faqat o’zining shaxsini ustun qo’yadi. Zaynab feodal urf-odatlarining qurboni bo’ladi. Birinchi qarashda, Zaynab romandagi hamma ko’ngilsiz voqealarning, fojialarning sababchisidek ko’rinadi va ashaddiy salbiy obrazlardek tuyuladi. Chunki Zaynab insoniylik va nafosat ramzi bo’lgan Kumushbibini o’ldiradi, uning chaqalog’i Yodgorbegimni yetim qoldirib, Otabekning totuv oilasini barbod qiladi. Aslida, Zaynab yovuz niyatli salbiy obraz emas, balki Otabek va Kumushlar yashagan adolatsiz tuzumning va reaksiyon urf-odatlarining qurbonidir. Zaynab kundoshlik rashkida yongan, eski urf-odatlar bo’yunturug’ini uloqtirib tashlay olmagan, yaxshilik yo’lini topa bilmagan, butunlay yomonlik yo’lini ham hazm qilib olmagan baxtsiz bechora juvon obrazidir. Shuning uchun Zaynab ham achinarli ham nafratlanarli tip bo’lib chiqqan. Romandagi Jannat kampir yosumonlik qilib, Kumushga o’zini xolis xizmat qiluvchi bir ayol sifatida ko’rsatadi va uni aldab chuqur qayg’uga soladi. Bundan shum kampirning o’zi rohatlanib kuladi. Jannat kampir makkor yosuman kampirni har qancha eslatmasin, baribir, u o’zbek adabiyotida original tip sifatida paydo bo’lgan.

Yirik rus filolog olimi G.Vinokur “Badiiy asar tili nima?” degan savolga jo’ngina qilib: “Badiiy til deganda badiiy asarlar yozishda ishlatiladigan til tushuniladi” deb javob bergan edilar.² Badiiy tilning tasviriyligi nasriy asarlarda yanada yorqinroq namoyon bo’ladi. Lirik asarlarda tasvirlangan tashqi manzara lirik qahramon ichki olamiga olib kiruvchi vosita, ya’ni unda voqelikning shu maqsadga yetish uchun za-

¹ Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. Toshkent, Akademya nashri, 2006, 67-bet.

² Винокур Г.О. О языке художественной литературы. М., 1991, 25-bet.

rur fragmentlarigina qalamga olinadigan bo'lsa, epik asarlarda tasvirlangan badiiy voqelik o'zicha mustaqil, obyektivlashgan manzaradir. Shu bois ham epik asarlarda tasvirlangan ijodkor ko'zi bilan ko'rilgan voqelik o'quvchi xayolida ham jonlanadi. O'quvchi asar voqealari yuz berayotgan joy, qahramonlarning xatti-harakatlarini go'yo ko'rib turadi. Lirik asar tilining emotsionalligi ko'proq lirik qahramonning konkret paytdagi kayfiyati, holati, kechinmalari bilan bog'liq bo'lsa, epik asarda emotsionallikning namoyon bo'lishi o'zgacharoq tarzda kechadi. Bunday emotsionallik birinchi galda tasvirlanayotgan predmet mohiyati bilan bog'liqdir. Epik asarda tasvirlanayotgan narsa, voqeaning o'zgarishi barobari emotsionallik ham o'zgarib boradi.¹

Buni jonliroq tasavvur qilish uchun "O'tkan kunlar" dan olingan bir necha parchaga diqqat qilaylik: "...qora zulfi par yostiqling turli tomonig'a tartibsizsuartda to'zg'ib, quyuq jingilla kiprak ostidag'i timqora ko'zlari bir nuqtaga tikilganda, nimadir bir narsani ko'rgani kabi... Qop-qora kamon, o'tib ketgan nafis, qiyiq qoshlari chimirilgan-da, nimadir bir narsadan chochigan kabi... To'lg'an oydek g'uborsiz oq yuzi bir oz qizilliqg'a aylangan-da, kimdandir uyalg'an kabi... shu payt ko'rpani qayirib ushlagan oq nozik qo'llari bilan latif burning o'ng tomonida, tabiatning nihoyatda usta qo'li bilan qo'ndirilgan qora xolini qashidi va boshini yostiqlan olib o'turdi. Sariq rupoh ko'ynakning ustidan uning o'ratacha ko'kragi biroz ko'tarilib turmoqda edi. Turib o'turgach boshini bir silkitdi-da, ijirg'anib qo'ydi. Silkinish orqasida uning yuzini to'zg'itgan soch tolalari o'rab olib jomsiz bir suratka kirgizdi. Bu qiz suratida ko'ringan malak Qutidorning qizi Kumushbibi edi".² Abdulla Qodiriy Kumushbibidagi o'zbekning aslzoda qizlariga xos yuksak darajada har tomonlama tarbiyali ekanligini namoyon qilish uchun arabcha "iffat" (poklik, nomus, hayo) so'zidan foydalanadi. Ana shu so'zga forscha "parda" so'zini biriktirgan holda tengsiz islomiy tarbiyani ko'rsatuvchi lug'aviy ifoda yaratgan. Mazkur fikrni davom ettirgan holda Kumushbibini yanada ko'klarga ko'tarib "afifa" (arabcha pokiza, toza, iffatli ayol) kalomi bilan ulug'laydi. Aslida bu so'zning o'zagi "afif" bo'lib, insonning har tomonlama ozodaligini tasdiqlaydi: ruhning tozaligi, qalb tozaligi, jism tozaligi. Bu yozuvchining buyuk kashfiyotidir.³ Ko'rinadiki, til vositasida yaratilgan tasvirda bo'rtib turgan hissiy munosabat yozuvchiga o'quvchining qahramonlariga o'zi istagandek munosabatda bo'lishini, asarining o'zi istagandek tushunilishini ta'minlash imkonini beradi. Demak, epik asarda emotsional tonallik muttasil o'zgarib, tovlanib turadiki, bu narsa mazmunning ifodalanishida ham, asarning qabul qilinishida ham muhim ahamiyatga ega. Epik asardagi emotsionallikning ikkinchi xili undagi sahna-epizodlar, dialoglar bilan bog'liqdir. Epik asar tarkibidagi sahna-epizodlar o'quvchi xayolida jonlanishi, qahramonlarning gap ohangi "eshitilshi" zarur. Masalan: "...kechagi kirgan savdogarlardan qudalarining bir kun aniq kirish xabarlarini bilgan edilar. Nariroqdan kuzatib kirish uchun hasanali yo'l ustiga ketkan, Yusufbek hojining o'zi ish boshida turib, Oybodoqqa tashqari havlini tozalatar edi. Ichkarida bo'lsa O'zbek oyim qo'shni xotinlardan bir nechasini hasharga aytib, hammani joy joyiga qo'ydirg'an, hovli yuzini ham yog' tushsa yalag'undek holga kelturg'an edi... qudalarning ziyofati uchun kerak bo'lg'an hamma narsani hozirlatg'an, ular kelib tushdi deguncha, bo'g'izlatish uchun, deb bir g'onon qo'yni og'ilning ustuniga qanattirib qo'yg'an edi. Kumush bilan Zaynabka atalib oling'an xon atlaslarga ko'gli to'lmay "har nuchukda tegi nozik, bu bo'lsa endi ko'p kiydi, atlasning yoniga yana bir xitoyi latta olingiz" deb marg'ilonliqning ko'ynagini bir qo'sha qildirg'an, bitta xitoy jujim mursakni kam ko'rib, yonig'a o'zining qiymatbaho zarrin mursagini va ikkita ro'molga ham qoniqmay, o'zining kelinligidan qolgan qalmoqi sallachasini qo'shqan edi. ...".⁴

Adabiy tilda kam qo'llaniluvchi dialektizmlar badiiy asarda joy koloritini berish uchun qo'l keladi. Aytaylik, o'zbek tilida so'zlashuvchilar tarqalgan hududlarda umummilliy xususiyatlar bilan bir qatorda, o'sha hudud kishilarigagina xos bo'lgan jihatlar (urf-odatlar, tasavvurlar, aqidalar, narsa-buyumlar va h.k.) ham mavjudki, bular birinchi galda sheva tilida o'z aksini topadi. Shunday ekan, asarda tasvirlanayotgan hududga xos bo'yoqlarni berish, unda harakatlanayotgan personaj xarakterini to'laqonli badiiy talqin etish uchun dialektizmlardan foydalanish zarurati yuzaga keladi. Masalan, "...bu o'rinda ikkisi ham jim bo'ldilar. Oybodoq darichaga kelgan edi:

–tushlik osh vaqti bo'ldimi, nima tomoq qilsamikin?

Kumush Zaynabka qaradi:

–nima tomoq buyuramiz?

¹ Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. Toshkent, Akademiya nashri, 2006, 121-bet.

² A.Qodiriy. O'tkan kunlar. Toshkent, 2018, 40-bet.

³ U.Lafasov. Abdulla Qodiriy kashfiyoti va so'z qo'llash mahorati. www.journal.fledu.uz. (5 – 6-betlar).

⁴ A.Qodiriy. O'tkan kunlar. Toshkent, 2018, 447-bet.

–sizdan so‘rayapti....

–Zaynabnissa yaxshi ko‘rgan tomoqni qilingiz, –dedi Kumush

–lag‘mon qilaymi? deb Oybodoq Zaynabka qaradi.

–tomoqqa ishtihom yo‘q, o‘zingiz bilganingizcha qilabering.....”¹

Badiiy psixologizm personaj ruhiyatining ochib berilishi, uning xatti-harakatlari, gap-so‘zlarining psixologik jihatdan asoslanadi va u mazkur vazifalarni amalga oshirishga xizmat qiluvchi qator usul, vositalarni o‘z ichiga oladi. Yozuvchi personaj bevosita yoki bilvosita tasvirlab berishi mumkin. Personaj o‘y-kechinmalari, his-tuyg‘ularining “ichki monolog”, “ong oqimi” tarzida yoki muallif tilidan bayon qilinishi psixologik tasvirning bevosita shakli hisoblanadi.² Asarda personaj ruhiyatining uning xatti-harakatlari, gap-so‘zlari, yuz-ko‘z ifodalari, undagi fiziologik o‘zgarishlarni ko‘rsatish orqali ochib berilishi bilvosita psixologik tasvirdir. Ruhiiy tasvirning bu ikki ko‘rinishi bir-birini to‘ldiradi, shu bois ham muayyan personaj ruhiyatini tasvirlashda yozuvchi bularning har ikkisidan ham o‘rni bilan unumli foydalanadi. Shuningdek, personaj ruhiyatini ochishda yozuvchi tabiat tasviridan yoki boshqa biror narsa obrazidan foydalanishi mumkin bo‘ladi: “...Xotin yo‘lakka burildi. Kumush ayvon tomong‘a qaytar ekan oshiqib xatni ochti. Xat kichikroq qog‘ozda o‘lchavlik so‘zlardan iborat edi. ...ul bu maktubni o‘zining so‘ng tomchi kuchi bilan o‘qub tamo qildi-da, jonso‘z bir tovush ila “uyatsiz!” deb qichqirdi va yerga yiqilib o‘zidan ketdi....Yiqilishda qo‘lidan chiqqan qog‘oz parchasi shamol bilan uchib borib boshi yonig‘a tushdi. Yo‘lak panasidan mudhish bashara chiqib, bir ikki qayta unga kulib qarag‘ach, yo‘qoldi...”³

Adabiy asarda xarakter ruhiyatini ochish, umuman, inson obrazini yaratishning muhim vositalaridan yana biri personaj nutqidir. Zamonaviy nasrda dialog salmog‘ining ortishi barobari personaj nutqining obraz yaratishdagi mavqeyi ham kuchaydi. Mohir yozuvchi personaj nutqini individuallashtirish orqali uning shaxsiyati, dunyoqarashi, muayyan hayotiy holatdagi ruhiyati haqida o‘quvchiga ko‘p narsalarni yetkaza oladi. Aytish kerakki, dialoglarda personaj nutqi muallifning qisqa, lo‘nda sharhlari bilan ta‘minlanadi. Yuqorida aytganimiz personajning yuz-ko‘z ifodasi, mimikasi, undagi fiziologik o‘zgarishlar haqida ma‘lumot beruvchi detallar dialogda juda katta ahamiyat kasb etadi. Ular personaj nutqini “eshitish” va uning xatti-harakatini “ko‘rib turish” imkonini – sahnaviylik effektini yaratadi, ya‘ni inson obrazining to‘laonli, jonli chiqishini ta‘minlaydi.

Kitobxonni titratib yuboradigan yana bir yorqin milliy lavhani tahlil qilsak. Kumush zaharlanib o‘lim to‘shagida yotibdi. Qaynotasi Yusufbek Hoji Kumushning boshiga kelib o‘tirdi. Kelinning ko‘zi yumiq, sochlari yuzi ustida parishon. Hoji kelinning sochlarini tuzatib, manglayiga qo‘lini bosdi, “oyim... oyim” deb murojaat etadi. Bunaqa tig‘iz holatda yoshi ulug‘ odam, qaynotaning kelin yoniga kelib parishon sochlarini tuzatishi, manglayiga qo‘lini qo‘yib hol-ahvol so‘rashi, tabiiy bir hol. Shunga qaramay, Kumush ko‘zini ochib besaranjom unga nazar tashlaydi va tanib qo‘zg‘olmoqchi bo‘ldi. Qarangki, behush yotgan kelin bir dam o‘ziga kelib qaynotasini tanib, uning oldida aftodhol hijolat chekib, o‘sha nochor holatda ham odob bilan qo‘zg‘olmoqchi, o‘rnidan turmoqchi bo‘ldi. Tan olish kerakki, ushbu sahna orqali o‘zbek ayoliga xos bo‘lgan milliy kolorit ufurib turibdi va albatta yozuvchining badiiy tasvir va ifoda mahoratiga qoyil qolmaslikning iloji yo‘q.

Hayot – ko‘p qirrali. Tarix ham shunaqa ko‘p qirrali. Bizga aksariyat bir tomonni, bir qirrasini ko‘rishni va ko‘rsatishni o‘rgatishdi. Hayot-sinfiiy kurash jarayonidan iborat, deyildi. Vaholanki, sinfiy kurash, g‘oyaviy kurash qay darajada bo‘lmasin, jamiyatdagi umumiy jarayon davom etaveradi. Kapitalist ishchini qanchalik qismasin, ezib suvini ichmasin, ishchi unga qarshi kurashmasin, ular bir-biri bilan bog‘liq. Jamiyatdan tashqariga chiqib ketolmaydi. Jamiyat ham oyog‘i osmonda bo‘lib to‘ntarilib ketmaydi, faqat u doimo o‘zgarib turadi.⁴

Shu o‘rinda, bir faktni aytib o‘tishni joiz deb bildim, Qodiriy “O‘tkan kunlar” asarini yozish uchun material yig‘ib, kitoblar ko‘rib, rejalar tuzib yurgan kezlari xonadoniga otasi Qodir boboning eski qaddoni-tanish qariya mehmon bo‘lib keladi, adib otasi va uning do‘sti gurungida ishtirok etib, bir voqeadan xabardor bo‘ladi. Mehmon bir vaqtlar yoshlik chog‘ida savdo ishlari bilan Andijonga borib, u yerda uylangan bola-chaqali bo‘lgan ekan. Shu voqea turtki bo‘lib, yozuvchi o‘y-hayolida yurgan romanning sujet chizig‘i tug‘iladi.⁵ “O‘tkan kunlar” also o‘sha qariyaning oilaviy tarixi emas, lekin butun boshli asar su-

¹ Shu manba. 489-bet.

² Ziyoz.uz.kutubxonasi

³ A.Qodiriy. O‘tkan kunlar. Toshkent, 2018, 247-bet.

⁴ N.Rahimjonov. Badiiy asar biografiyasi. Toshkent, 2008, 219-bet.

⁵ H.Qodiriy. Otam haqida. G‘.G‘ulom. 1974, 64 – 65-betlar.

jetining tug'ilishida shu xildagi arzimas voqea ham turtki-ochqich bo'lishi mumkin ekan.¹

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, o'zbek adabiyotida ayol obrazi o'zining qadimiy tarixiy ildizlariga ega bo'lgan obrazlar sirasiga kiradi. Ma'lum bo'ladiki, badiiy adabiyotdagi ayol obrazi o'z ishtiroki bilan ijtimoiy-ma'naviy hayotning eng muhim masalalarini yuzaga chiqarishda, badiiy g'oya asosini belgilab berishda muhim obrazlar sirasiga kirishi bilan e'tiborlidir. Badiiy asar tili hamda til uslubi adabiyotshunoslikning asosiy negizi hisoblanib, har qanday badiiy matn tahlilini yoritib berishda bosh omil bo'lib xizmat qiladi.

Атаджанов Хожибой (Нукус ДПИ ахборот технологиялари бўлими бошлиғи,
информатика ўқитиш методикаси ўқитувчиси, xadji@list.ru, atadjanov@ndpi.uz)

WEB 2.0 ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ИНФОРМАТИКА ДАРСЛАРИНИ BLENDED LEARNING ШАКЛДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Аннотация. Мақола талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиши хусусиятларига бағишланган. Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил қилишида ахборот-коммуникация технологиялари воситалари ёрдамида тақдим этилган имкониятлардан фойдаланиш усуллари ва технологиялари айтиб ўтилган. Мустақил таълимни Web 2.0 орқали бажариш таҳлил ва кўрсатмалар берилган.

Аннотация. В статье рассматриваются особенности организации самостоятельной работы студентов. Описаны методы и технологии использования возможностей, предоставляемых средствами информационно-коммуникационных технологий для организации самостоятельной работы студентов. Проанализировано и рекомендовано руководство для самостоятельного обучения через Web 2.0.

Annotation. The article discusses the features of the organization of independent work of students. Methods and technologies of using the opportunities provided by means of information and communication technologies for organizing students' independent work are described. Analysis and recommendations of carrying out independent work through Web 2.0 have been offered.

Калим сўзлар: мустақил иш, ахборот технологиялари, Web 2.0 тизимлари, булутли технологиялар, Blended Learning.

Ключевые слова: самостоятельная работа, информационные технологии, системы Web 2.0, облачные технологии, Blended Learning.

Key words: independent work, information technologies, Web 2.0 systems, cloud technologies, Blended Learning.

Қириш. Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясида тизим олдида ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммо ва камчиликлар бартарф қилиш белгиланган бўлиб, буларга:

– талабаларда танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари шакллантирилмаганлиги;

– таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш;

– мустақил таълим соатлари улушини ошириш, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш, каби бир қанча муаммо ва камчиликлар кўрсатилиб ўтилган.²

Аудиториядан ташқари таълим, талабанинг ўқув дастурда белгиланган кўникма ва амалий малакаларини шакллантирадиган жараён ҳисобланади. Ўқув дастурларида умумий соатлардан мустақил таълим учун 50 фоиз атрофини ташкил қилади. Таълим сифатини белгилайдиган ушбу жараён, олий таълим тизими самарадорлигини оширишнинг асосий таянчи ҳисобланади.³

Концепцияга мувофиқ, олий таълим “Университет 3.0” тизимига ўтиш белгиланган. Университет 3.0 тизимининг туб моҳияти тизимдаги таълим ва илмий тадқиқот вазифасига яна битта, билим ва технологияларни тижоратлаштириш вазифа қўшилади.

¹ U.Normatov. Qodiriyning so'nggi iltijosi. Toshkent, 2014, 24-bet.

² Ш.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси. 2019 йил 8 октябрь, ПФ-5847-сон.

³ Интернет жаҳон ахборот тармоғида Миллий контентни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. ЎЗР ВМ қарори, 2019 йил 21 октябрь, 888-сон.

Информатика ўқитувчисининг касбий фаолияти таълимни ахборотлаштириш билан узвий боғлиқ. Ушбу жараёнга талабаларни кенг жалб қилиш, етук мутахассис қилиб тарбиялашда шахсий қобилиятини ривожлантириш, ўз устида ишлайдиган, мустақил қарор қабул қиладиган шахслар тарбиялашда мустақил таълим шаклини ташкиллаштириш ва унинг самарали олиб борилиш жараёни муҳим ҳисобланади.¹

Методлар. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини имкониятларидан фойдаланиш ва талабаларнинг ўз саҳосида етук кадр бўлиши, албатта, ўқув жараёнидаги мотивация ва ёндашишга боғлиқ. Тадқиқот методларимизнинг самарасини ва ёндошунинг тўғрилигини педагогика институтнинг гуманитар ва табиий фанлар йўналишларида таълимда ахборот технологиялари фанида олиб борилган лаборатория, кузатув, сўровнома, таҳлиллар натижалари асосида ўрганилди. Ушбу таҳлиллар натижасига кўра дарсларда аралаш-Blended Learning усулидан фойдаланиш самарали эканлиги ўз тасдиғини топди. Тадқиқот ишининг электрон таълим майдони сифатида <http://informatika.uz> платформаси ишлаб чиқилиб, унда масофали таълим ресурслари жойлаштирилган. Ушбу тизим орқали фанни бошланган вақтда кириш учун талабаларга логин берилади, ҳар бир мавзу бўйича индивидуал топшириқлар берилади.

✉ atadjanov@informatika.uz | Информатика ўқитувчилари учун ресурслар

Тезкор хавола ▼



Информатика фанидан таълим ресурслари

предметлар ва фанлар бўйича ресурслар

Сайт бўйича излаш...

Поиск

Асосий

Умумий маълумот ▼

Талабалар учун ▼

Янгиликлар

НукусДПИ

Асосий

Информатика ўқитиш методикаси кафедраси

Ватанимизнинг мустақилликка эришиши халқ таълими тизимида ва таълим тарбия жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, таълимни компютерлаштириш муаммоларига катта таъсир қилди. Шунинг учун Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти илмий кенгашининг қарори билан 1996 йилнинг 13 декабрида «Математика-информатика» факултети базасида «Информатика ва ҳисоблаш техникаси» кафедраси номи билан очилди ва у 2015 йилдан бошлаб Информатика ўқитиш методикаси бўлиб қайта тузилди.

Кафедрада 22 штат бирлик бўлиб, унда 6 доцент (А.Абдуллаев, М.Алламбергенова, М.Аламинов, М.Ешанов, Ж.Алланазаров, А.Турениязова), 3 катта ўқитувчи (З.Илясова, Ж.Жугинисова, П.Калхановлар), 16 нафар ассистент ва 1 нафар фан кабинет мудир ишлайди.

Янгиликлар

» 11

Саҳифалар

- » Асосий
- » Илмий грантлар
- » Кафедра аъзолари
- » Кафедра тарихи

Ўрганганлик даражаси. Таълимда АКТ технологияларини жорий этиш бўйича тадқиқотлар А.А.Абдуқодиров, А.Х.Абдуллаев, М.Арипов, У.Бегимкулов, Ш.С.Ахраров, Б.Бегалов, Ф.Закирова, Н.А.Муслимов, М.Лутфуллаев, С.Раҳмонқулова, Н.И.Тайлақов, С.С.Фулломов, Р.Ҳ.Ҳамдамов, У.Юлдашевлар томонидан олиб борилган. Таълим жаранёнида АКТ қўллаш усул ва воситалари дидактик томонидан Л.И.Долинер, А.А.Кузнецов, Д.Ш. Матрос, И.В.Роберт, Б.Е. Стариченко каби олимларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган. Таълимда мустақил таълим бўйича Ю.К.Бабанский, С.И.Архангельский, Л.Г.Вяткина, П.И.Пидкасистий А.В.Усова, А.В.Козлова, В.В.Грек ва бошқаларнинг ишларида кўрилган. Ахборот коммуникация технологияларини мустақил таълим жараёнида фойдаланишни маҳаллий олимларимиздан ҳали етарлича тадқиқ қилинмаган.


Натижа. Таълим олувчилар сўнгги ўн йилликда ахборот-коммуникация саҳосида жуда катта билим ва имкониятларга эга бўлди. Талабаларни АКТ имкониятларидан фойдаланган ҳолда, масофадан туриб таълим олиш ва мустақил топшириқларни бажариш имконини берадиган интернет ресурслар майдонини яратиш самарали усуллардан бирига айланмоқда. Таълимда ахборот технологиялари фанидан Web 2.0 технологияларидан фойдаланиш, бўлажак ўқитувчиларга фақатгина мавжуд электрон ахборот ресурслардан фойдаланишни ўргатиш билан чекланмай, балки уларнинг янги кўринишларини яратиш усуллари, йўллари ва воситаларини ўрганади.²

¹ Х.Атаджанов. «Электронное образование» и подготовка студентов к самостоятельной научно-образовательной деятельности в условиях «электронного обучения». (DOI: 10.33065/2307-1052-2019-2-97-103). Поволжский педагогический поиск. Научный журнал, №2 (28), 2019.

² Козлова А.В. Педагогические условия использования web 2.0-технологий в организации самостоятельной работы студентов Вестник Челябинского ГПУ. 2011, №12, с. 105 – 114.

Ўқув жараёнини ташкиллаштиришда ахборот технологияларини фойдаланиш ўқитишнинг янги инновацион усул бири ҳисобланади. Масофадан туриб таълим олиш ва мустақил турда топшириқларни бажариш имконини берадиган интернет ресурслар майдонини яратиш орқали амалга оширилади. Таълимда ахборот технологиялари фанидан таълим Web 2.0 технологияларидан фойдаланиш яхши самара беради. Таълимни мазмунан такомиллаштиришнинг йўналишларидан бири ушбу усул ҳозирги кунга келиб муҳим воситаларига кира бошлади. Бўлажак ўқитувчиларга фақатгина тайёр электрон ахборот ресурслардан фойдаланишни ўргатиш билан чекланмай, балки уларнинг янги кўринишларини яратиш усуллари, йўллари ва воситаларини ўргатиш муҳим жараёнга айланиб бормоқда.¹

Ўқув жараёнида Web 2.0 технологияларини информатика дарсларида аралаш ўқув – Blended Learning шаклда фойдаланиш усуллари кўриб чиқамиз. Ушбу ишимиз олиб борилаётган илмий тадқиқот иш доирасига киради. Ўқув-билиш жараёнини Blended Learning билан электрон таълимни модернизация қилиш Деймс Салмон томонидан таклиф қилинган бешта поғонали модель асосида амалга оширилиб келинди. Бунда талабалар ижтимоий ҳамкорлик (тармоқ ҳамжамияти) муҳитига сингиб, гуруҳ билан баҳсли ва муаммоларни ечишда қатнашади.²



Ўқув жараёнига мослашадиган Web 2.0 сервисларига қўйидагилар киради:

–блог ва микроблоглар (Blog, Blogs.ziyonet.uz, Twitter) – Блог («тармоқ журнали ёки кундалик воқеалар ёзишмаси») интернет орқали фойдаланувчи (блоггер) ўз блогида турли файлларни (текст, аудио, видео, расм) жойлаштириб тармоқ мулоқот майдонини яратади;

–ижтимоий тармоқлар (Facebook, Davta.uz) – катта ҳажмдаги ахборотларни жойлаштириш ва мулоқот қилиш майдони;

–Вики тизимлари (Wikipedia, Wiki-верситет, Wiki-дарслик); Wiki тизимлари ўзига хос веб-сайт бўлиб, маълум бир маълумотни бир-бирига алоқадорсиз бўлмаган шахслар киритиши ва ўзгартириш имконини берувчи ускуналардан иборат веб-сайт ҳисобланади. Ўзбек тилидаги энциклопедия Wikiда ҳозирда 133 мингдан ортиқ мақола жойлаштирилган. Инглизчада 6 млн.га яқин мақола, русчада 1,5 млн.дан ортиқ мақола киритилган;

–медиа сақлагичлар (Utube, YouTube) – медиафайлларни сақлаш ва таҳрирлаш имконини берувчи интернет хизматлари;

–график сақлагичлар: graphing.ru, Img.uz, Photos.Google;

–ҳужжат сақлаш Google Drive;

–тақдимот сақлаш: SlideShare, Prezi;

–ментал карталар: Mind24, Mindomo;

¹ Шу манба.

² Mohd Hafiz Zakaria. E-learning 2.0 experiences within higher education: theorizing students' and teachers' experiences in web 2.0 Learning.

–инфографика: Mindthegraphtagul, Canva, Wordart.

Санаб ўтилган ижтимоий тармоқ хизматларини файлларни сақлаш, янги файллар яратиш ўқув жараёнида хизмат қиладиган ва фойдаланиладиган манбалар бўлиб хизмат қилади. Кўрсатилган тизимлар орқали бажариладиган амаллар ўқув жараёнида мустақил таълим жараёни учун вазифа сифатида берилади. Ушбу жараёнида биргаликда ишлаш, ўқув материалларини жамовий ҳам-корликда таҳрирлаш, изоҳ қолдириш, лойиҳларни бирга тайёрлаш мумкин.

Педагогик кўз қарашдан ушбу интернет сервисларда ўқув материалларини ҳамда ижодий ишларни тайёрлаш, таълим порталларига жойлаштириш орқали амалга оширилади.

Web 2.0 хизматларининг таълим саҳосидаги афвзалликларини Zakaria Mohd Hafiz, И.В. Кречетникова, Д.В.Могланлар фикрига кўра, интерфаоллик ва узлуксизлик, очиқлик, гуруҳнинг бир йўналишда ҳаракати, инновация, толерантлик хусусиятлари белгилаб беради. Таълимда ахборот технологиялари фанидан саотларнинг тақсимланганлиги қўйидагича:

Жами саотлар	Маъруза	Амалий	Лаборатория	Мустақил таълим
270	42	36	70	122

Кўриниб турганидек, 45 фоиз мустақил таълим учун ажратилган. Таълимда ахборот технологиялари (информатика) дарсларида бериладиган мусатқил топшириқларнинг турлари таққослама шаклда берамиз.

Мавзу	Бажариш учун йўриқнома
Ахборотнинг фан учун аҳамияти	Ахборотнинг 4 хил шаклидан тайёрлаш ва тизимга юбориш
Ҳисоблаш техникасида ахборотни қайта ишлашнинг арифметик асослари	Санок тизимларидан мисоллар бериш ва уларни бир бирига ўтказиш
Алогиртм турлари, берилиш усуллари	https://www.draw.io тизими орқали $ax^2+bx+c=0$ квадрат тенглама ечиш алгоритми чизиб юборинг
Аппарат таъминоти.	Қурилмалар ишлаш сеҳмасини Smart схема ёрдамида чизинг.
Опратион тизимлар.	Операцион тизимлар кўчириб олиш учун уларнинг силтамасини жўнатиш
Windows операцион тизимини компьютерга ўрнатиш	Windows 7 операцион тизимини компьютерга ўрнатиш кетма-кетлигини текст редакторида ёзиб юборинг
Android, BlackBerry, iOS мобил операцион тизимлари	Мобил операцион тизимлар бўйича свод таҳлил қилиш (https://app.creately.com)
Веб-саҳифа яратиш.	Онлайн тизим орқали zn.uz ёки https://www.blogger.com орқали ўзининг сайтини яратиш.
Ўзбек тилидаги Wiki да бирон-бир энлоклопедик маълумотни киритиш	https://uz.wikipedia.org сайтида мақола яратиш ва силтамасини юбориш

Ушбу берилган топшириқлар мустақил таълимнинг мавзуларининг 30% фоизини ташкил қилади. Топшириқлар мураккаблигига қараб кейс усулда гуруҳларда ишлаш учун ҳам берилади. Ушбу топшириқларни бажариб бўлгандан сўнг, тизимга уларнинг файлини ёки мурожаатномасини юборади. Баҳолаш тизими эса кириш, мавзу бўйича, кейсда қатнашиш улуши, лойиҳани бажариш, якуний назорат қилиш турларига бўлинади. Ижобий натижа 55 баллдан юқори бўлган ҳисобланади. Ушбу умумий баллга қўшилади.

Педагогик жиҳатдан Web 2.0 моделини татбиқ қилишнинг муваффақиятли амалга оширишнинг шартлари қўйидагилардан иборат:

– мустақил таълимни ўзини англаш ва мустақил билим кўникмаларни эгаллашга йўналтириш;

– таълим олувчиларда биргаликда фаолият ва алоқаларни амалга ошириш учун усуллар, шакллар, воситаларни тақдим этувчи таълимий Web 2.0 интернет-хизматини яратиш. Шунингдек, ушбу жараён комплекс яхлит бир бутун тизим ташкил қилиб, касбий компонентли ва рақобатбардош мутахассис бўлишида ёрдам беради.

Муҳамедов Азизбек Холмурат ўғли (А.Қодирий номидаги ЖДПИ, email: azizbek-uzb@mail.ru)
ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИДА “ЭКВИВАЛЕНТЛИК” ТУШУНЧАСИ

Аннотация. Мақолада таржима назариясида эквивалентлик тушунчаси хусусида сўз юригилади ва ушбу атаманинг жаҳон таржимашунослигида таърифи таҳлил этилади, Г.-Г.Гадамер, Ж.Холмс, В.Н.Комиссаров ва Ю.Найда каби олимларнинг эквивалентликка оид қарашлари ёритилади.

Аннотация. В статье обсуждается понятие эквивалентности в переводоведении и анализируется определение данного термина в мировом переводоведении. Анализируются взгляды Г.-Г. Гадамера, Ж.Холмса, В.Н.Комиссарова и Ю.Найды на проблему эквивалентности.

Annotation. The article discusses and analyzes the concept of equivalence in translation theory and the definition of the term in world translation studies. The evaluative attitudes towards the problem of equivalence of such scholars as G.Gadamer, J.Holmes, V.N.Komissarov and E.Nida are analyzed.

Калим сўзлар: эквивалентлик, таржима, таржимашунослик, машина таржимаси, формал эквивалентлик, динамик эквивалентлик, герменевтика, семиотика, бадиий таржима.

Ключевые слова: эквивалентность, перевод, переводоведение, машинный перевод, формальная эквивалентность, динамическая эквивалентность, герменевтика, интерпретация, семиотика, литературный перевод.

Key words: equivalence, translation, translation studies, machine translation, formal equivalence, dynamical equivalence, hermeneutics, interpretation, semiotics, literary translation.

“Эквивалентлик” тушунчаси таржимашуносликка қай тарзда кириб келганлиги ҳақида турли фикрлар мавжуд. В.Вильс бу тушунча математика фанидан ўзлаштирилган бўлса керак, деб тахмин қилади. Г.Егер фикрича эса бу атама мантиқ фанидан олинган. Б.Илекнинг гувоҳлик беришича, “эквивалент” тушунчасини таржимага татбиқан илк бор А.Федоров, ундан сўнг эса Ж.Кэтфорд қўллаган. Демак, бу атама лингвистикадан кириб келган.¹ Бироқ В.Вильснинг қайд этишича, инглиз тилидаги илмий адабиётларда бу тушунча илгаритдан бор эди. Зотан, “эквивалентлик” (equivalence) кундалик лексикага мансуб ва ҳар доим ҳам атама сифатида қўлланилмаслиги мумкин.

“Эквивалентлик”ни 1961 йили, дастлаб, қўллаган Р.В.Юмпельт ҳам бу атамани немисча “Gleichwertigkeit” (тенг қимматлилик) сўзи билан биргаликда қўллаган. Француз таржимашунослигига бу сўз, бир томондан, Ж.-П.Вине ва Ж. Дарбельненинг “Қиёсий стилистика” асари, бошқа томондан, инглиз сўзлашув тили орқали истемолга кириб келган ва бир-биридан фарқли маъноларда қўллана бошлаган.

М.Снелл-Хорнби “эквивалентлик” турли тилларда турлича маънолар англатишини таъкидлайди. Бироқ шуни қатъий айтиш мумкинки, таржимашуносликда илк бор “эквивалент” атамаси машина таржимасига нисбатан қўлланилган. “Инсон” таржимасига эса уни илк бор Р.Якобсон “Таржиманинг лингвистик аспекти”² мақоласида татбиқ этган. Хуллас, 1980-йилларда барча мамлакатларда “эквивалент” атамаси таржима таҳлилида энг муҳим лингвистик истилоҳга айланди.

“Эквивалент” таржима жараёнининг илк нуктасини (аслият) сўнгги нуктаси (таржима) ёки матний терминология доирасида айтилса, “узатувчи тилдаги матн”ни “қабул қилувчи тилдаги матн” билан ўзаро боғлайди. Шу тариқа, “эквивалент” тушунчаси таржимага жараён сифатида қа-

¹ Топер П.М. Перевод в системе сравнительного литературоведения. М., “Наследие”, 2000, с. 254.

² “Эквивалент” атамаси ҳақида куйидаги олимлар ўз фикрларини билдиришган: Wilss W.Ü. Übersetzungswissenschaft. Probleme und Methoden. Stuttgart, 1977, s. 156; Koller W. Einführung in die Übersetzungswissenschaft. 3. Aufl. Heidelberg, 1987, s 186; Snell-Hornby M. Übersetzungswissenschaft – Eine Neuorientierung, Tübingen, s. 13.

рашга имкон туғдиради. Кўплаб асарларда таъкидланишича, бу тушунчасиз “таржима” билан “баён”, “реферат” билан (А.Попович терминологиясидан фойдаланиб айтилса) бошқа “метаматн”лар ўртасига аниқ чегара қўйишнинг сира иложи йўқ. Бадиий таржима доирасида эса таржиманинг ўзи билан адабий таъсирнинг “қайта ишлаш”, “адаптация”, “тақлид”, “мотивлари асосида” сингари асрлар бўйи қарор топган шакллари ўртасига ана шундай чегара қўйиб бўлмайди. Айни чоқда, “эквивалентлик” баъзи муаллифлар талқинида “қатъийроқ”, бошқалари талқинида “юмшоқроқ” бўлса-да, ҳар икки вазиятда ҳам узатувчи тил элементи (матни)ни қабул қилувчи тилнинг унга мувофиқ элементи (матни) билан ўзаро боғлайди. Бунинг оқибатида юзага келиши мумкин бўлган зиддият олдини олиш учун Ю.Найда 1947 йилдаёқ тил элементларининг формал мувофиқлигини англатувчи “формал эквивалентлик”дан фарқли ўлароқ, функционал мувофиқлигини англатувчи “динамик эквивалентлик” тушунчасини таклиф этди. Бироқ Ю.Найдани ўша заҳотиёқ кўплаб муаллифлар танқид остига олиб, олимни “таржима” тушунчасини аниқ чегараларидан маҳрум қилишда айблашди. Орадан ўттиз йил ўтгач, Ю.Найда ўз ёндашувини изоҳлаб бериш учун “FIT”нинг Монреалдаги VIII конгрессида “Таржимада динамик эквивалентликнинг табиати ҳақида” деган мавзуда нутқ сўзлади.¹ Ўтган бир неча ўн йилда Ю.Найда таклиф этган оппозиция (“динамик” – “формал”) бир қатор олимларнинг тадқиқотида бошқа атамалар ёрдамида ифодаланди. “Эквивалентлик” тушунчаси маъноси яна-да аниқлаштирилди ва дифференциялаштирилди, бу тушунчанинг ўзи эса, чорак аср аввал бутун, яхлит бўлган бўлса, эндиликда бир неча “тур”, “сатҳ”, “босқич” ва ҳоказоларга бўлиниб кетди. Р.Якобсоннинг машҳур иборасини қўлласак, “эквивалентлик принципида “танлов” ўқидан “бирикиш” ўқи томон силжиш” юз берди.

Турли асарларда “эквивалентлик” термини аниқлаштирувчи сифатлар эвазига “кенгайиб борди”. Булар – “экспрессив”, “функционал”, “мазмуний”, “нолга тенг”, “коммуникатив”, “прагматик”, “стилистик”, “денотатив”, “коннотатив”, “матний-меъёрий”, “тотал” (оммавий), “факультатив” (ихтиёрий) ва ҳоказолардир. М.Снелл-Хорнби, биргина немис тилида чоп этилган асарларнинг ўзида 58 та эквивалент типини санагани ҳақида ёзади.² Аниқликлар киритишнинг бундай мураккаблашиши таржимани, унинг кўпгина амалий турларига мос равишда “эквивалентлик” тушунчаси орқали меъёрга солишга бетиним ҳаракат қилингани оқибатидир. Турли ёндашувларнинг бундай хуружи сабаб мазкур атама зарур бўлмай қолди, унинг баҳоловчи имконияти кўлдан бой берилди, тушунча таназули аниқ тус олди.

Ю.Найда бу ҳақда қуйидагича ёзади: “Кўпдан-кўп омилларни эътиборга олмай туриб, бирон бир таржимани яхши ёки ёмон деб қарор чиқармаслик керак. Ўша кўпдан-кўп омилларни эса, ўз навбатида, турли позицияларда туриб, турли натижани қўлга киритган ҳолда баҳолаш мумкин. Шунинг учун бу таржима яхшими ёки ёмонми, деган саволга ҳар доим бир неча асосли жавоб топса бўлади”.³

Хуллас, таржимага “эквивалентлик” тушунчаси татбиқ этилганда, икки тилдаги икки қиёсланувчи бирликдан ташқари яна бир – учинчи бирликни ҳам киритишга зарурат пайдо бўлди. Чунки шу кейинги бирлик орқали аввалги икки бирлик ўзаро таққосланади. Турли тиллар тизимида мансуб бу икки бирликни тўғридан-тўғри солиштириш имконсиз. Ушбу муаммога анча илгари И. Резвин ва В.Розенцвейг ҳам “Умумий ва машина таржимаси” китобида диққатни жалб этган эди. Бироқ улар машина таржимаси учун махсус яратилган алгоритм, яъни сунъий тилдан шу мақсадда фойдаланишни таклиф қилганди. Мантикнинг бу қатъий талаби, афсуски, ёддан чиқарилди, зарурий “*tertium comparationis*” ўрнида семантик уйғунлик, бир хил элементлар “маъно”си қабул этилди. Аммо бу ишни ҳар бир фикр маъзини чакмай, унинг маъносини англамай бажариб бўлмайди.

Таржима назарияси айни шу нуқтада Г.-Г.Гадамер ва унинг издошлари асос солган герменевтика билан юзма-юз келди. Герменевтика ўз асоси бўлмиш дунёнинг фалсафий концепцияси учун “матн” тушунчасини асосий хомашё қилиб олди. Бироқ унинг мазкур тушунчага ёндашуви структурализм ва семиотика ёндашувидан тубдан фарқ қилар, кўп ҳолларда, улар билан кескин баҳсга киришарди.

Дунёнинг “диалогик” манзарасини яратишни орзу қилган Гадамер фикрича, “тушуниш” ва “талқин”га (*Verständigung*, *Auslegung*-герменевтиканинг асосий тушунчалари бўлиб, уларни Гада-

¹ Nida E. The Nature of Dynamic Equivalence in Translation. La traduction, une profession: actes du VIIIe Congrès mondial de la Fédération internationale des traducteurs (FIT), Montréal, 1977, p. 491.

² Snell-Hornby M. Übersetzungswissenschaft – Eine Neuorientierung, Tübingen, 1986, s. 15.

³ Вопросы теории перевода в зарубежной лингвистике. М., 1978, с. 126.

мер ўз бош асари “Ҳақиқат ва усул” (1960)да ишлаб чиққан эди) тил ва “суҳбат” – “сўзлашув” орқали эришилади. “Тил – универсал восита бўлиб, у орқали тушунишга эришилади. Тушуниш усули эса – бу талқиндир”.¹ Шу тариқа, таржима ва унга алоқадор бўлган барча ҳодисалар универсал маъно касб этди. Гадамер, герменевтика бежизга илоҳлар муждасини инсонларга элтувчи тилмоч – Гермес номидан олинган эмас, деб ёзади.² Маълум маънода, герменевтика, худди семиотика каби, таржимадан тажриба майдони сифатида, ўз мақсадига эришиш учун модель сифатида фойдаланишга интилди.

Гадамер фикрича, “тушуниш” – таржима учун бошланғич нуктадир. Зеро, кимки ўзга тилни билса, таржимонга зарурат сезмайди. Демак, тилни билмаслик таржимонга мурожаат этишга эҳтиёж туғдиради. Мазкур ҳол “герменевтик жараён бўлмиш суҳбатни икки ҳиссага оширади, зеро, аввал таржимон ўзга тил эгаси (муаллиф) билан суҳбат қурса, сўнг эса таржимон ўз тили эгаси (ўқувчи) билан суҳбат қуради”. “Нутқни тушуниш дегани ҳар бир сўз маъносини ўзаро қўшиб чиқиш эмас, балки суҳбатнинг бир бутун маъносини англашдир ва, одатда, бу маъно тилга олинган сўзлардан ташқарида жойлашган бўлади”.³

Гадамер асарларида мутаржимлик фаолиятига тўғридан-тўғри алоқадор талай формула ва тавсифлар мавжуд (“таржима –бу ҳар доим ҳам талқиндир”; “таржимон кўп ҳолларда аслиятдан чекиниш зарурлигини алам билан ҳис этади”; “таржима – бу “суҳбатнинг бир тури, суҳбат нима билан яқунланади, буни ҳеч ким олдиндан айтолмайди” ва ҳоказо). “Диалог” ўрнатишнинг, “тушуниш”га эришишнинг, “соқовлик”ни енгишнинг қийинлигига доимо эътибор қаратган герменевтика таржимага ҳос ички зиддият ва драматизмни, орзудаги натижага эришиб бўлмаслигини англашдан юзага келувчи таранглик ва ҳатто фожиавийликни, яъни мутаржимлик санъатининг семиотика камраб олишга қодир бўлмаган “нариги тарафи”ни ҳам кўришга имкон берди.

Гадамер ҳар қандай таржимонлик фаолиятининг бош дилеммасини батафсил тушунтириб берди. Бу ҳақда у, чунончи, шундай деб ёзади: “Таржима учун энг катта қийинчилик шуки, бир тилда ифодаланган орзу-истакни бошқа тилда худди шу гап бўлаклари орқали етказиб бўлмайди. Шу сабабдан таржима китоблар, одатда, алланечук ғалати кўринади: улар жони суғуриб олинган ўлик ҳарфларга айланиб қолади. Тилнинг таржимада бой берилувчи ноёб фазилати шуки, унда ҳар бир сўз бошқасини туғдиради – ҳар бир сўз ўзга сўзлар таъсирида жонлангани ҳолда ўзи ҳам янги сўзларга жон бахш этади ва нутқ оқимига йўл очади. Аслиятдаги жумла билан унинг таржимаси, агар моҳир мутаржим уни биз фарқлай олмас даражада мукамал ўгирмаган бўлса, бирор ҳудуд билан унинг харитадаги чизмасидек гапдир. Сўз нафақат система ёхуд контекстда маънога эга бўлади, балки унинг система ёхуд контекстда бўлишиёқ, гарчи булар унга биргина маъно бағишлаб турган бўлса ҳам, сўз ўзи эга бўлган кўп маънолиликдан ҳеч қачон айирмаслигини назарда тутати. Бирор нутқий ҳодисада муайян сўзнинг маъноси шу тобда ва шу ўринда юзага чиқаётган биргина маъно билан кифояланиб қолмайди. Шу тобда ва шу ўринда юзага чиқаётган биргина маънога яна бошқа кўплаб маънолар ҳамроҳлик қилишида нутқ учун ҳос бўлган ўша жон бағишловчи куч ўзини намоеън этади”.⁴

Таржимашуносликда эквивалентликни қатъий тушунилишига қаршилик кўрсатган олимлар дарҳол герменевтикага эътиборни қаратди ва шу йўналиш илгари сурган ғоя ва далиллардан фойдалана бошлади. Улар орасида энг муҳими, лисоний фарқлар сабаб “тушуниш”да “узилиш” бўлганда, таржимага “тушуниш”ни қайта тиклаш сифатида функционал ёндашиш эди (И.Левийнинг “Таржима санъати” китоби, В.Шадевальдт тадқиқотлари, Х.Фридрихнинг “Таржима санъати масалаларига доир”, Р.Клөпфернинг “Адабий таржима назарияси”, Р.Р. Вутеноунинг “Ўзганинг санъат асари” ва бошқа китоблар).

Аммо бу жараён фақат бадий таржима доирасида кечдики, айни таржима турининг эса табиийки, ўз қонуниятлари мавжуд эди. Зеро, Гадамернинг ўзи ёзганидек, “Ҳақиқат ва усул” асариданок унинг тафаккури фақат санъат, адабиёт тажрибасига таянган эди. Дарҳақиқат, Гадамер ғоялари тўғридан-тўғри бадий таржима учун аҳамиятлидир. Чунки олам ўз маъно-моҳиятига кўра, хилма-хил, уни талқин қилиш зарур деган герменевтик қараш формаллаштиришга қаршилик кўрсатади (бу ҳақда Гадамер шундай деб ёзади: “Маънонинг тилда поэтик гавдаланиши дегани, мана,

¹ Gadamer H. G. Wahrheit und Methode. Grundzuge einer philosophischen Hermeneutic. Tubingen, 1960, s. 357.

² Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. М., 1991, с. 160.

³ Ўша манба, с. 260; 430.

⁴ Гадамер Г.Г. Ўша манба, с. 59.

бундай: тил ўзини дискурсив алоқаларнинг ва мантикий боғлиқликнинг биргина ўлчами билан чеклаб қўймайди, балки у кўпвалентлилик, Паул Целан ибораси билан айтганда, “Vielseitigkeit” орқали – ҳар бир сўз шеърга гўё учинчи ўлчамни бахш этади”.¹

1960–1970 йиллар мобайнида “эквивалент” тушунчасига ишончсизлик тобора ортиб борди ва унга қарши эътирозлар ҳам тобора кўпайди. Бу тушунчага кескин қарши чиққанлардан бири таржимашунос олим Жеймс Холмс бўлди. У “Таржима назариясининг янги ютуқлари” мавзусида бўлиб ўтган Москва конференциясида (1978) бундай деган эди: “Азал-азалдан таржима табиатига ва, умуман, таржимага доир тушунчалар биринчи галда адабиётшунослар ва баъзи жонсарақ илоҳиётшунослар томонидан шаклланиб келган (...). Кейинги 25 йилда эса таржима назарияси бўйича, асосан, назарий ва амалий лингвистика мутахассислари тадқиқотлар олиб борди. Улар аксар ҳолларда тамом ўзга йўлдан бордики, бу йўл охири боши берк бўлиб чиқди. Ўзини структур ёхуд трансформацион лингвистика доирасида маҳдудлаштириб қўйган бу тадқиқотчилар ўз куч-қувватини аслият тили контекстидан узиб олиб қаралувчи сўз, сўзлар гуруҳи ёхуд (энг йириги) гапга нисбатан қўлланган “эквивалент” глосса деб аталувчи мезонни қидириб топишга йўналтирди (...). Таржиманинг илгариги назариётчилари оригинал ва таржима матнлар ўртасидаги муносабатни идентлик (айният) орқали аниқлаган эди. Таржима, айниқса, “яхши” таржима аслиятнинг “худди ўзидек” деб тасаввур қилинар ёхуд тасаввур қилиниши зарур, деб ҳисобланарди. Бу мезоннинг асоссизлиги, пучлиги маълум бўла бошлагач, уни “эквивалентлик” тушунчаси билан алмаштиришди ва бугун деярли барча тадқиқотларда “эквивалентлик”, “эквивалент” тушунчалари асосий атамаларга айланди. Улар билан баъзан “синонимия” (“маънодошлик”) тушунчаси ҳам рақобат қилмоқда, ваҳоланки, бу атаманинг ўзи ҳам ниҳоятда баҳслидир”.²

Ҳозир таржима назариясида “эквивалентлик” тушунчаси бирмунча баҳсли бўлиб турибди. Зеро, бугун илмий мунозараларда у ёки бу олимнинг муносабатини аниқлашда худди шу тушунча лакмус қоғози вазифасини ўтаётир. Албатта, бу фикрлар кўпроқ бадиий таржимага тааллуқли ва шундай бўлиши мулақо табиий ҳамдир. Шу нуқтаи назардан “Адабиёт ва таржима: назария муаммолари” халқаро учрашуви (Москва, 1991) материаллари диққатга лойиқ. Учрашув қатнашчиларига ўзи бугун таржимашуносликда қайси муаммони долзарб деб ҳисобласа, шу мавзу бўйича сўзга чиқиш ҳуқуқи берилди. Шунда сўзга чиқувчиларнинг аксарияти “эквивалентлик” тушунчасини, умуман, тилга олишмаган. Айрим чиқишларда эквивалентлик муаммоси “барча турдаги таржималар учун долзарб”лиги таъкидланди, холос.

В.Н.Комиссаров фикрича, “бу муаммо ечими топиб бўлинган десак, муболаға қилган бўла-миз, аммо уни ечиш йўллари, ҳартугул, кўзга анча яққол ташланиб қолди”.³

**Норчаев Равшан Тоштемирович (Камолиддин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти қатта ўқитувчиси)
ПЕРСПЕКТИВА ҚОНУНИ**

***Аннотация.** Мазкур мақолада перспектива қонунларига амал қилиш ва шу тариқа воқеликнинг ҳақиқий ва тўғри тасвири, тасвирий санъат ва меъморчиликда перспектива назариясининг амалий аҳамияти тўғрисида сўз борган.*

***Аннотация.** В статье обсуждаются проблемы соблюдения законов перспективы и, следовательно, истинная и точная картина реальности, практическая значимость теории перспективы в изобразительном искусстве и архитектуре.*

***Annotation.** In this article, the speech goes on about following the laws of perspective and practical role of the theory of perspective in correct description of reality, fine arts and architecture.*

***Калим сўзлар:** перспектива қонунлари, тўғри тасвир, тасвирий санъат, меъморчилик, перспектива назарияси, суръат текислиги, буюм текислиги, кўриш нуқтаси, уфқ чизиги, фазовий перспектива, ёруғлик, соя.*

***Ключевые слова:** законы перспективы, правильное изображение, изобразительное искусство, архитектура, теория перспективы, плоскость вещи, точка зрения, линия горизонта, прос-*

¹ Гадамер Г.Г. Ўша манба, с. 7; 142.

² Холмс Дж. С. Будущее теории перевода. Несколько тезисов. Художественный перевод. Вопросы теории и практики. Ереван, 1982, с. 222–223.

³ Комиссаров В.Н. Естественность художественного перевода. Литература и перевод: проблемы теории. М., 1993, с. 104.


транзитивная перспектива, свет, тень.

Key words: laws of perspective, correct image, art, architecture, perspective theory, plane things, point of view, skyline, spatial perspective, shine, shadow.



Тасвирланаётган буюмлар, мазкур буюмнинг қайси томонидан кўринишидан қатъий назар, узокдан, яқиндан, йирокдан, пастдан, тўғридан ёки кўриш нуқтадаги чизмасида ифодаланади.

Нарсалар ва буюмларни текисликда ҳақиқий тасвирланиши, кўзни у ёки бу тарафдан жойлашиши, буруннинг текис юзада қанақа тасвирлашда бўлажак ижодкор перспектива қонунига, сўзсиз, мурожаат қилади. Бу қонунни шундай таърифлаш мумкин: “Табиатдаги ҳамма буюмлар қандай шаклда эга бўлишидан қатъий назар, перспектива қонун ва қоидаларига амал қилади”.

Перспектива қонунларини мукамал ўрганиб олиб, ҳар қандай буюмнинг кўринмас ҳолатларини тасвирлаш мумкин. Тасвирланаётган буюмлар қандай ҳажм ва шаклда бўлмасин, тасвирловчидан узоклашган сари ва текисликда қай ҳолатда жойлашганига қараб перспектива тарзда қисқаради.



Уфқ чизиғи



Бурчак перспективаси.

Перспектива қонуни ҳаққоний расм ишлашнинг “алифбо”ларидан ҳисобланмиш “Сурат текислиги”, “Буюм текислиги”, “Кўриниш нуқтаси”, “Уфқ чизиғи” сингари қонуниятлар билан узвий боғлиқ.


Сурат текислиги деб, чизилаётган натюрморт, портрет ва манзара билан рассом ўртасидаги масофага айтилади. Сунъий ёруғлик тасвирланаётган буюмга тушиб, чизувчига унинг шакли кўринади. Сўнгра рассом уни онгида идрок этади ва тасвирлай бошлайди. Демак, сурат текислиги рассом билан натура ўртасида восита сифатида хизмат қилади.

Буюм текислиги деб чизилаётган буюмнинг жойлашган текислигига айтилади. Буюм текислиги вазифаси курси, пол ҳамда чизиш учун мўлжалланган бошқа мослама бўлиши мумкин.

Кўриш нуқтаси деб бу тасвирловчининг чизаётган буюмни кўриш вақтида қамраб олинган майдонга айтилади. Рассом чизаётган буюм объектдан қанчалик узоклашиб борса унинг майдони ҳам кенгайиб боради. Натижада чизилаётган буюмларнинг ҳамма қисмларини аниқ кўриш ва тасвирлашга шароит яратади.

Объектдан қанча катта мусофада туриб, унинг ҳамма қисмларини ва ҳажмларини тўлиғича тасвирлаш қийинлашади. Бироқ чизилаётган объектга яқин масофада туриб, мазкур объектдаги барча қисмларини кўз ёрдамида илғаш қийин. Шу сабабдан бирорта буюм тасвирлаётганда ёш рассом чамалаш ёрдамида масофани тўғри танлай олиши, кўриш майдонини аниқ ва тўғри белгилаш учун ундан катта маҳоратни талаб қилади. Масалан, инсон қоматини аниқ, тўлиқ тасвирлаш учун

ижодкор натурадан 5–5,5 метр оралиқни сақлаш лозим.



Чизиқли перспектива олдинга ва тескари перспектива.

Уфқ чизиғи деб, кўзимиздан баландда ўтадиган нурга айтилади. Буни аниқлаш учун қаламни олиб, уни горизонтал тарзда кўзимиз даражасигача кўтариб, уфқ чизиғини аниқлашимиз мумкин. Буюм тасвирловчига уч ҳолатда кўринади:

- 1) уфқ чизиғидан юқорида;
- 2) уфқ чизиғидан пастда;
- 3) кўзимиз нури бадандлигида (яъни уфқ чизиғи баландлиги даражасида).

Демак, уфқ чизиғи доим кўзимиз нури баландлигидан ўтади. Мабодо, биз юқорига кўтарилсак, у биз билан кўтарилади, пастга тушишимиз билан уфқ чизиғи ҳам пастга тушади.

Фазовий перспектива бу буюмларнинг фазо, ҳаво бўшлиғи таъсирида ўзгариб (қисқариб) кўринишидир. Фазо тиниқ муҳитни ташкил қилади. Лекин унинг тиниқлиги табиатнинг ҳар хил ҳодисалари таъсирида ўзгариб туради.

Фазо перспективаси объект куннинг қайси вақтида чизилишига (эрталаб, кундузги, кечки) ёки йил фасллари (қиш, баҳор, ёз, куз), шунингдек, атмосфера ўзгариши (куёш ёки булут)га қараб ҳам ўзгаради.

Фазовий перспективанинг қонун-қоидаларига амал қилиш талаба учун муҳимдир. Юқорида кўрсатиб ўтилган қоидалар унинг қандай вазифа бажаришидан қатъий назар (портрет, натюрморт, манзара), кузатилиши мумкин.

Буюмларни тасвирлашда ёруғ ва соялар катта ўрин эгаллайди. Масалан, ёруғлик қанча тик тушса, уларнинг тасвири шунчалик аниқ ва яққол кўринади. Агар четдан тушаётган ёруғлик буюмга умумий тарзда тушиб турса, ишланаётган тасвир хирарок кўринади. Ёки ёруғлик урилиб (синиб) бир буюмдан иккинчиси ва учинчисига тушиши мумкин. Бу тасвирланаётган буюмлардаги ёруғлик ва сояларнинг умуммажмуасини ташкил этади. Улар қуйидагича кўринишга эга:

- а) ёруғлик;
- б) соя;
- в) тушувчи соя;
- г) акс ёруғлик;
- д) ялтироқлик.

Ёруғлик деб буюм юзасига тик тушувчи куёш ёки сунъий ёритқичнинг буюм юзасида ташкил этган нурга айтилади.

Соя – буюмларнинг ёритилган қисмининг орқасига ёруғлик тушмаган қисмига айтилади. Бундай соялар хусусий соялар дейилади. Тасвирларни ишлашда тушувчи соялар ҳам кузатилади. Ушбу соялар буюмларнинг бири иккинчиси тўсиб қўйиши натижасида ҳосил бўлади. Мазкур соялар буюм текислигига (курси, пол, ер ва бошқалар) тасвирланаётган буюмнинг биридан иккинчисига ҳам тушиши мумкин. Тасвирланаётган буюмга қияроқ (хирарок) тарзда тушувчи ёруғлик хусусий соялар оралиғида ҳосил бўлади. Шунинг учун уриниш сабабли тушувчи ёруғликлар акс ёруғлик, яъни (рефлекс)ни ҳосил қилади. Акс ёруғликлар буюмларнинг бир-биридан қанчалик масофада жойлашганлигига қараб кучли ёки кучсиз бўлиши мумкин. Бироқ акс ёруғлик кучи ҳеч қачон буюмларга тик тушувчи ёруғликка нисбатан кучли бўлмайди.

Буюмларга ёруғлик тик тушиши натижасида ялтироқлик пайдо бўлади. Ялтироқ – шиша, темир, чинни, сирли сопол ва ёруғлик қайтарадиган хусусиятга кучли буюмларда кузатиш мумкин.

Шуни алоҳида айтиш мумкинки, оддий қалам ёрдамида ҳажмли асосда буюмни тиклаш чизилаётган буюмларни ҳажмли бўлишига ёрдам беради. Ҳар томонга нотўғри чизик тортиш қутилган натижа бермайди.

Буюмларнинг ҳажмли бажариш учун чизикларнинг тортиш кетма-кетлигига амал қилиш керак. Оқ қоғоз юзасида қаламни бир хил кучда босиш билан чизиклар орасига масофани бир хил бўлишини таъминлаш чизилаётган буюмни тўғри бажарилиши катта аҳамиятга эга. Доиравий (сферик) ҳажми бўлган буюмни таъкидлаб ўтилган чизик тортиш эллипс шаклида ишланиб, унинг экваторига яқинлашганда тўқ тусга киради.

Чизикли конструктив тузилиши. Тасвирлаш учун буюмлар содда ёки мураккаб тузилишига эга бўлади. Конструктив сўзи лотинча “тузилиш” (қурилиш) маъносини англатиб, рассом буюмни чизишда мазкур қонунга амал қилади. Буюмни қонуний қилиб чизиш учун унинг тузилишини чизикли конструктив асосда эканлигига аътибор бериш шарт, чунки чизикли конструктив қуриш ҳар қандай топшириқни чизишда зарур бўлади.

Буюмнинг конструктив тузилишини аниқлаш учун махсус ёрдамни чизиклар ўтказиш ёрдами билан бажарилади. Чизикли конструктив тузилиш орқали буюмни тўғри тасвирлаш вақтида перспектива қонун-қоидаларига тўлиқ бўйсунуш зарур. Юқорида кўрсатилган расм гипс вазани ҳажмини тўғри амалга ошириш жараёнида кўзанинг асоси, экватори, бўкизи ва юқори қисмлари айланаларининг буюм текислигидаги ҳолатига асосан, перспектив қисқариш кўринади. Демак, чизикли конструктив кўра олиш буюмнинг чекка қирралари контур чизиклардан ташкил топган мураккаб тизимга эга (бир қанча майда бўлақлардан иборат). Буюмларда мазкур бўлақларнинг енгил бирлашиб яхлит бир бутунликни ҳосил қилишдан иборатдир.

Буюмларнинг ўз ҳажмига эга бўлишдан қатъий назар, уларнинг нисбатлари (баландлиги ва энига) бўлади. Булар эса *буюмларнинг нисбати* дейилади. Бир нечта буюмлардан тўпланган қўйилмаларнинг ўз нисбатларидан ташқари, ўзаро катта кичик нисбатлари ҳам мавжуд. Буюмлар ўз ҳажмига эга бўлишдан ташқари нисбатларга ҳаққоний тасвирлашда буюмлар нисбатини тўғри аниқлаш катта аҳамият касб этади. Буюм нисбатларини тўғри аниқлаш ва тасвирлаш куйидагича амалга оширади. Масалан, ганч розеткасини олиб кўрайлик. Розетканинг баландлиги ва энига нисбатан катталигини аниқлаш учун қаламни қўлда тўлиқ узатган ҳолда, розетканинг кичик томони энининг ўлчамини қаламда бош бармоқ билан белгилаб, розетка баландлигига қўйиб таққослаймиз. Сўнгра ушбу топилган нисбатни қоғозга тушираемиз. Шу усулда битта ва бир нечта буюмлардан иборат натюрморт ёки бошқа қуйилмалардаги буюмларнинг ўзини ва ўзаро нисбатларини тўғри тасвирлаш мумкин.

Ҳажмлар. Ҳар бир буюм ўзининг ҳажмига эга унинг ҳажми қирралари, юзаси ва бошқалар билан белгиланади. Тўғри чизиклардан иборат буюмларнинг ҳажми ҳам текис юзадан иборатдир. Эгри чизиклардан ҳосил бўлган. Буюмлар (шар, конус, цилиндр ва бошқа) анчагина ҳажмдор бўлади. Юқорида санаб ўтилган машқларни тўғри бажариш контур чизиклар ёрдамида амалга оширилади. Контур чизикларнинг буюм шаклини намоён этишдаги аҳамияти бениҳоя катта. Буюмнинг тузилиши, ҳаракати ва нисбатларини тасвирий ифодалашда рассом контур чизиклардан фойдаланади.

Буюмнинг контурлари тўғри чизиклардан иборат бўлиб (у куб, пирамида, призма ва бошқалар), унинг ҳажмларини билдиради ва уларни бажариш тўғри чизиклар воситасида амалга оширилади. Шунингдек, унинг контурини эгри чизиклардан иборат бўлса (шар, конус, цилиндр ва бошқа), ҳажмлилиқ, эллипс, айлана, шакллар орқали бажарилади. Буюмнинг кўринишини ҳажмдор тарзда тасвирлаш унинг шаклига қараб, тўғри туслаш орқали ишланади. Қиррали буюмларни, масалан, куб ҳажмини тўғри чизишда талабалар, кўп ҳолларда, хатоликка йўл қўядилар.

Кубнинг ҳажмини ёруғ соялар билан ёрдамида бажариш жараёнида уни яна-да юқорироқ акс эттириш учун унинг қирраларини контур чизик билан алоҳида бўрттириб кўрсатишга интиладилар. Бу мутлақо нотўғри. Табиатдаги қиррали буюмлар юзаларининг биридан тус жиҳатидан оч ва тўқлиги билан белгиланади. Фақат (куб ёки бошқа қирралари буюмларда) соя қисмидаги юзага яқинроқ ерига тус жиҳатидан кучлироқ эканлиги билан характерланади.

Сферик шаклдаги буюмларнинг ҳажмлари эллипс, ярим айлана чизиклар орқали бажарилади. Тасвирлашда думалоқ ҳажмга эга буюмларнинг экватор қисми тус жиҳатидан кучлироқдир. Қиррали буюмларда бўлгани каби, шарсимон буюмларни тасвирлашда ҳам, унинг четларига қуюқ контур чизик билан амалга оширилмайди. Натура ҳолатига қараб ёруғ ва орқа фондаги соялар чегараси мавжуд. Бу қонунларнинг тўғри амал қилиши рангтасвирда ишлашда катта ёрдам беради.

Маджидова Раъно Уришевна (к.ф.н., доцент УзГУМЯ)
АКСИОЛОГИЧЕСКАЯ ОППОЗИЦИЯ АНТРОПОЦЕНТРИЧЕСКИХ ПОСЛОВИЦ
УЗБЕКСКОГО И РУССКОГО ЯЗЫКОВ

***Аннотация.** Мақолада ўзбек ва рус тилларидаги антропоцентрик мақолларда акс этган халқнинг миллий-маданий қадриятлар тизимига “яхши” ва “ёмон” аксиологик категориянинг ўз-аро муносабати таҳлил қилинган. Яна шуни айтиши жоизки, “яхши” ва “ёмон” категориясининг икки томонлама эканлиги аксиологик майдонда намоён бўлади.*

***Аннотация.** В статье рассматривается аксиологическая категория «хорошо» и «плохо», которая служит в антропоцентрических пословицах узбекского и русского языков для соотнесения характеристики человека с системой ценностей национально-этнической культуры народа. Следует отметить, что наличие биполярности в категориях «хорошо» и «плохо» находят своё отражение в аксиологической шкале.*

***Annotation.** The article deals with the problem of axiological category “good” and “bad”. That category in anthropocentric proverb is used for correlation of description of a man with value system of national and ethnic culture of nation. It should be noted that bipolarity in category “good” and “bad” is reflected in axiological scale.*

***Калим сўзлар:** аксиология, зидлик, антропоцентрик мақоллар, биполярлик, баҳолаш ўлчови, аксиологик статус, ижобий баҳо, салбий баҳо.*

***Ключевые слова:** аксиология, оппозиция, антропоцентрические пословицы, биполярность, оценочная шкала, аксиологический статус, положительная оценка, отрицательная оценка.*

***Key words:** axiology, opposition, anthropocentric proverbs, bipolarity, rating scale axiological status, positive rating, negative rating.*

В антропоцентрических пословицах узбекского и русского языков заложен огромный оценочный потенциал, раскрытие которого позволит определить систему ценностей узбекского и русского народов как различных лингвокультурных общностей.

Оценочный потенциал не только антропоцентрических пословиц узбекского и русского языков, но и пословичных изречений всех существующих языков мира предопределяется тем, что пословица как особая паремиологическая единица в отличие от слова выполняет функцию не только номинации предметов и явлений действительности, а прежде всего жизненной ситуации, при этом номинация ситуации также выражает оценочное отношение данной ситуации и конкретные предписания действовать согласно общепринятым нормам. Отсюда следует, что пословицы, как и все паремии, есть «особые номинативные единицы, существующие в языке для выражения ценностного отношения, которое реализуется через категории «нужное», «должное», «хорошее», «плохое». Народные изречения являются частью той системы, которая целиком и полностью зависит от человека, от его выбора, ценностных предпочтений, от того, что человек считает нормой»¹. Естественно, что только ценностное отношение человека к жизненным ситуациям и объективной действительности в целом формируется под воздействием системы ценностей общества.

Аксиологический статус выражаемого объекта в антропоцентрических пословицах узбекского и русского языков: человека, его внешности, характера, поведения, привычек, пристрастий, образа жизни и т.п. и биполярности в них оценки.

Оценка как познавательная деятельность человека осуществляется путем соотнесения характеристик объекта изучения или описания с его эталонным шаблоном, зафиксированном в сознании индивида и социума в целом. В основе оценки всегда лежит сравнение объекта с эталоном. Сравнение характеристик объекта с эталоном производится посредством оценочных категорий, которые представлены инвариантными оппозициями *хорошо* и *плохо*.

Аксиологические категории *хорошо* или *плохо* выделяются на фоне категории *нейтрально* и служат в антропоцентрических пословицах для соотнесения характеристики человека с системой ценностей национально-этнической культуры народа. Аксиологическую категорию нейтральности А.В.Белобородова называет категорией *безразлично* и определяет как альтернативу хорошему и плохому. По мнению автора, любой объект может быть признан хорошим, безразличным или пло-

¹ Хайруллина Д.Д., Хузина Е.А. Этическая оценка в пословицах и поговорках (на материале английского, русского и татарского языков). В мире научных открытий. Красноярск, 2013, №5–3 (41), с. 180.


хим. Исключения составляют объекты, находящиеся вне сферы оценок.¹ Иначе говоря, вне сферы оценок находятся такие объекты реальной или воображаемой действительности, которые не побуждают говорящего или слушающего к выражению оценочного значения.

В связи с тем, что антропоцентрические пословицы изначально носят назидательный характер, воздействующая сила которого базируется на оценочности поведения человека, с одной стороны, и что, с другой стороны, «безразличие имеет расплывчатые, нечеткие границы. Оценочной шкале свойственна асимметрия и нестабильность. Проявление безразличия в большинстве случаев как норма не рассматривается, а так как мы определили, что норма занимает положительную часть шкалы, следовательно, безразличие не закрепляется за зоной «+»». ² Оценочные значения пословицы, на наш взгляд, целесообразно рассматривать в аспекте аксиологической оппозиции *хорошо/плохо*.

Наличие биполярности в категориях *хорошо* и *плохо* находит свое отражение в аксиологической шкале,³ где ось оценочных значений языковых единиц со знаком «+» в силу своей положительности признается обществом как норма, а оценочные значения со знаком «-» вбирают в себя и оценку безразлично (см. схему 1). Положительная оценка, таким образом, есть норма как для социума в целом, так и для отдельно взятой личности, а отрицательная оценка, в том числе и *безразличие*, – отклонение от нормы.

Схема 1

Аксиологическая шкала и место в ней нормы и безразличия



Мы придерживаемся мнения А.В. Белобородовой, которая утверждает, что аксиологической шкале из-за отсутствия четких делений свойственна асимметрия оценки и движение по оценочной шкале «благодаря стереотипным представлениям о ценностной картине мира и таких свойств оценки, как антропоцентричность и субъективность», положительный и отрицательный знаки оценки предопределяются картиной мира социума, в результате чего «оценочная шкала находится в дисбалансе, который вызывается постоянным движением, смещением ее компонентов (составляющих), что, в конечном счете, приводит к асимметрии, когда норма и среднее значение не совпадают». ⁴ Отсюда вытекает, что оценка нейтральности «стирается» и воспринимается как отрицательная, поскольку не соотносится с нормой – положительной оценкой.

Таким образом, аксиологическая оппозиция категорий *хорошо/плохо* реализуется в положительности или отрицательности оценки описываемого объекта речи, что свойственно и антропоцентрическим пословицам узбекского и русского языков.

Объектом оценки в антропоцентрических пословицах узбекского и русского языков выступает человек, его характеристики по различным параметрам, поведение и деятельность в целом. Положительная/отрицательная оценка человека формирует его аксиологический статус.

Аксиологический статус вербализируемого объекта в антропоцентрических пословицах анализируемых языков может быть: а) абсолютным; б) относительным.

Абсолютный аксиологический статус какого-либо объекта – это такой статус объекта, который выражается категориями «хорошо», «плохо» и «безразлично», а относительный-сравнительными категориями «лучше», «хуже» и «равноценно».⁵ Антропоцентрические пословицы узбек-

¹ Белобородова А.В. Позиция безразличия на аксиологической шкале среди оценочных понятий хорошо/плохо (на примере русских и английских фразеологизмов, репрезентирующих концепт «Безразличие»). // Вестник Челябинского государственного педагогического университета. Челябинск, 2010, №7, с. 264.

² Там же. С. 269.

³ Васильченко А.О. Структурно-семантические характеристики зевгматических конструкций и их положение на оценочной шкале. Дисс. ...канд. филол. наук, Белгород, 2004, 142 с.

⁴ Там же. С. 268.

⁵ Там же. С. 264.

ского и русского языков обладают как абсолютным, так и относительным аксиологическим статусом. Например, абсолютный аксиологический статус присущ пословицам узбекского языка типа *Урса ҳам, эл яхши, Сўкса ҳам, эл яхши. Бахши бор жойда яхши бор. Ёмон хотин – дардсиз касал. Ёндашмагин ёмонга, Рангинг ўхшар сомонга*; русского языка типа *Вместе хорошо и недруга бить. Хорошо тому жить, кому не о чем тужить. Плохой зеваает, резвый на ходу хватает. У плохого мастера всегда инструмент виноват.*

В антропоцентрических же пословицах узбекского языка типа *Қолоқдан чўлоқ яхши. Гапиргандан гапирмаган яхшироқ, Гапирувдим тегди бошимга таёқ. Кўпнинг ҳақи етимнинг ҳақидан ёмон. Ғараз мараздан ёмон* и в пословицах русского языка типа *Нет лучше дружка, чем родимая матушка. Сердце матери лучше солнца греет. Недоученный хуже неученого. Ленивый сын хуже петли на шее* проявляется их относительный аксиологический статус.

Антропоцентрические пословицы узбекского и русского языков с точки зрения представленных в них оценок человека по критерию положительности/отрицательности оценки описываемого объекта можно классифицировать в три большие группы:

1) антропоцентрические пословицы **с положительной оценкой** человека. Например, в узбекском языке: *Одам одамнинг дардини олар. Интилганга толе ер. Тўғри сўзлаган одам тушиганиндан афзал*; в русском языке: *Покуда жив человек, голодную смертью помирать не станет. Пока и мы человеки – счастье не пропало. Русский человек хлеб-соль водит*;

2) антропоцентрические пословицы **с отрицательной оценкой** человека. Например, в узбекском языке: *Безоридан ҳамма безор. Бекорчидан безиб қоч, чақимчидан – кўчиб. Беқўнимга қўним йўқ, ёмон одамга – ўлим. Дили қоранинг қилмиши – қийиқлик*; в русском языке: *Плохая арба – дороге беда, плохой человек – семье горе. Грех сладок, человек падок. Человек сам себе убийца. От живого человека добра не жди, а от мёртвого подавно*;

3) антропоцентрические пословицы **с противопоставлением** положительной и отрицательной оценок человека. Например, в узбекском языке: *Ёмон фарзанд ота-онани ерга қаратар, яхши фарзанд ота-онани элга оралатар. Ёмон – ўз гамида, яхши – эл гамида. Емоннинг яхшиси бўлгунча, яхшининг ёмони бўл*; в русском языке: *Старый друг лучше новых двух. Лучше быть мертвым героем, чем живым трусом. Лучше с умным в аду, чем с глупым в раю.*

Таким образом, в результате анализа аксиологической шкалы, где выявляется аксиологическая оппозиция антропоцентрических пословиц узбекского и русского языков, можно сказать, что оценочные значения узбекских и русских антропоцентрических пословиц являются биполярными по признаку положительности/отрицательности. Как видим из представленной классификации следует следующее: в пословице может содержаться или положительная оценка человеку, его характеру, поведению и действиям, или отрицательная оценка, или же положительная оценка противопоставляется отрицательной.

**Султонова Шоҳиста Мухаммаджонова (ЎзДЖТУ доценти, PhD)
МИЛЛИЙ ТИЛ – ХАЛҚ ДИНИЙ ТАСАВВУРИ ИНЪИКОСИ СИФАТИДА**

Аннотация. Мақолада оламнинг лисоний манзарасини ташиқил қилувчилардан бири сифатида диннинг халқ ҳаётидаги ўрни хусусида сўз боради. Дин туфайли халқ онгида шаклланган туншунчалар ва уларнинг миллий тилда ифодаланиши қисқача таҳлил қилинади.

Аннотация. В статье рассматривается роль религии в жизни народа как одного из составляющих языковой картины мира. Кратко проанализированы концепции, сформировавшиеся в сознании людей благодаря религии, и их выражение в национальном языке.

Annotation. The article discusses the role of religion in the life of the people as one of the components of the linguistic picture of the world. The concepts that have formed in the minds of people through religion and their expression in the national language are briefly analyzed.

Калим сўзлар: оламнинг лисоний манзараси, дин, тил, маданият, этиқод, ўзбек халқи, ислом дини, маросимлар, яшаи тарзи.

Ключевые слова: языковая картина мира, религия, язык, культура, вера, узбекский народ, ислам, обряды, образ жизни.

Key words: linguistic picture of the world, religion, language, culture, faith, Uzbek people, Islam, ceremonies, way of life.

Оламнинг лисоний манзараси халқ дунёқарашини акс эттирувчи кўп қиррали умумий тушунча ҳисобланади. Халқ лисоний олам манзараси хусусиятларини тадқиқ қилишда уни ташкил қилувчи барча қисмларни ўрганиб чиқиш зарурати келиб чиқади. Шундай қисмлардан бири сифатида динни эътироф этиш мумкин. Тилда акс этувчи халқнинг дунёқараши дин кўринишида ёрқин ифодасини топади, зеро, ер юзидаги барча халқларнинг дин ҳақидаги эътиқодларига асосланган ўз қарашлари мавжуд.

Дин – бу “оламни идрок қилиш, “ўзга” ғайритабиий олам ва борликнинг барча моддий ва руҳий шаклларини онгли равишда яратган мавжудотлар – руҳлар, худолар ёки Худо мавжудлигига ишонч билан шартланган маънавий меъёрлар ва хатти-ҳаракат турлари йиғиндиси, шунингдек, инсоннинг нариги дунёга хос кучлар билан алоқасини таъминловчи мўъжизавий иш-ҳаракатлар мажмуаси ҳамда тегишли (диний) ташкилотлар ва эътиқод қилувчилар бирлашмаси”.¹

Мазкур таърифдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мавжуд диний тасаввурлар инсон ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олиши мумкин. Модомики, бир инсон учун дин – бу маълум диний амалларни англаб олиш, бошқа инсон учун – яшаш тарзи, ҳаётининг мазмуни бўлиши мумкин. Маълум халқ асрлар давомида бирор динга эътиқод қилиши натижасида унинг диний турмуш тарзи ҳамда унга хос амаллар, одатлар овқатланиш ва кийиниш маданиятида, оила ва жамиятдаги муносабатда, мувофиқ тарзда тилда ҳам ўз аксини топади.

Таъкидлаш лозимки, диний тасаввурлар ранг-баранглиги диалектал хусусиятлар ҳисобига ҳам бойиб боради. Натижада қарашлар ва тасаввурлар йиғиндиси, эътиқодлар ва урф, маросимлар тизими уларга амал қилувчи кишиларни ягона умумийликка бирлаштиради. Ушбу умумийлик, хусусан, халқнинг адабий тилида халқ маънавий эҳтиёжини қониқтиришнинг турли шакллари сифатида ўз ифодасини топади. Тил ва маданиятнинг алоқаси кўплаб тадқиқотларнинг долзарб мавзуси бўлиб қолмоқда. Тил умуман миллий маданиятнинг ва қисман диний маданиятнинг ифодаловчиси ва тарқатувчиси ҳисобланади. Тил тилшунослар, файласуфлар томонидан “маданият имкониятларининг битмас-туганмас хазинаси”, “миллатнинг руҳи акс этадиган энг қудратли маданият қуроли” сифатида талқин қилинади.²

Юқорида таъкидланганидек, диннинг асосий белгиси ғайритабиийликка ишониш ҳисобланади. Динга эътиқод қилувчи киши илоҳий кучга сиғинади ва ўз ҳаётини ушбу кучнинг талаблари билан мувофиқлаштиришга ҳаракат қилади. “Худога ишониш” тушунчаси ўта чуқур мазмунга эга эканлигини ҳисобга олиб, диннинг қуйидаги унсурларини ажратамиз:

- эътиқоднинг ўзи, яъни маълум тушунча ва фактларнинг исботларсиз қабул қилиниши;
- маросимлар – рамзий аҳамиятга эга бўлган, диний тасаввурлар билан боғлиқ тарзда бажариладиган стереотип характердаги иш-ҳаракатлар йиғиндиси;
- яшаш тарзи – жамиятдаги маънавий кадриятлар ва хулқ-атвор меъёрлари.

Қайд этилганларнинг барчаси ўз лисоний ифодасига эга, яъни улар тил материалида ўз аксини топади. Маълум тарихий жараёнлар туфайли тилдаги диний лексика ХХ асрда ўз долзарблигини йўқотган ҳолда тилнинг нофаол қатламидан ўрин олди.³ Бироқ ХХ аср охири ва ХХI бошида “тилшуносликда пайдо бўлган йўналиш тилни шунчаки мулоқот ва идрок қуроли эмас, балки миллатнинг маданий коди сифатида ўргана бошлади”.⁴ Бинобарин, сўнгги йилларда диний лексиканинг кундалик лексикага қайтиб қираётгани нафақат динга бўлган муносабатнинг ўзгариши, балки демократия ва глобализация даврида лисоний шахснинг шаклланишидаги янги қирралар пайдо бўлиши билан боғлиқ.

Маълумки, ўзбек халқи ислом динига эътиқод қилгани ҳолда, мамлакат ҳудудида бошқа динлар вакиллари, жумладан, христианлар билан доимий мулоқотда бўлади. Модомики, ушбу икки дин ўзаро доимий алоқада бўлар экан, ўзбек халқининг мусулмонлик маданияти акс этувчи ўзбек тилига христиан дини лексикасининг таъсири бўлиши, табиий.

Ислом динининг халқ ҳаётида намоён бўлиши, ўзбек тилида диний маданиятнинг акс эти-

¹ Новая философская энциклопедия: В 4-х т. Ин-т философии РАН, Нац. общ-научн. фонд; Научно-ред. совет: предс. В.Степин. заместители предс.: А.А.Гусейнов, Г.Ю.Семигин уч.секр. А.П.Огурцов. Т. III, М., “Мысль”, 2010, с. 436 – 437.

² Булгаков С.Н. Размышления о национальности. Соч.: в 2 т. Т. 2. Избранные статьи. М., «Наука», 1993, с. 451.

³ Zamaletdinov R.R., Nurmukhametova R.S., Sattarova M.R. The vocabulary of Tatar literary language (the first half of the XX century). Life Science Journal. 2014, 11(10), p. 673.

⁴ Замалетдинов Р.Р., Замалетдинова Г.Ф. Язык – культурный код нации и ключ к культуре всего человечества. Филология и культура. Philology and culture. 2012, № 2 (28), с. 49.

шини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

– мусулмонлик билан боғлиқ ҳолда ўзбекларда бошқа мусулмон халқлардан фарқ қиладиган ўзига хос дунёқараш пайдо бўлди. Бизнингча, бунда миллийлик ҳам муҳим роль ўйнаган. Диний тасаввурлар одатда қонунийлаштирилган бўлади, шунга кўра айтиш мумкинки, ислом жамиятдаги маълум ҳодисаларнинг расмийлаштирилишига омил бўлади. Бу жараён маҳаллий колоритга ҳам боғлиқ. Масалан, ўзбек халқида *худойи, хатми қуръон, мавлуд, ис чиқариши* ва бошқа маросимлар мавжуд бўлиб, маҳаллий характерга эга бўлса-да, расмийлаштирилган ҳисобланади.

– айнан ислом туфайли ўзбекларда ҳаётнинг ҳам маънавий, ҳам моддий томонларини қамраб олувчи маълум турмуш тартиби шаклланди. Ўзбекларнинг маънавий-руҳий хулқ-атвори оиладаги, таниш ва нотаниш кишилар доирасидаги муносабатлар хусусиятларида акс этади: *ирим-сирим қилмоқ, воиз, хатиб, муқаддаслик, имонга чақирмоқ* ва ҳ.к.

Ҳаётнинг моддий томони эса бу овқатланиш, кийиниш маданияти, моддий манфаатга, бойликка ва б. муносабатдан иборат. Умуман, ушбу ҳолатни инсон ўй-хаёллари, интилишлари ва фаолиятини тартибга солиш дея аташ мумкин. Шундай қилиб, ислом инсонларнинг жамиятдаги ҳатти-ҳаракатини бошқаришда муҳим роль ўйнайди.

Мусулмон бўлган ўзбекларнинг овқатланиш маданиятига хос тартиб-қоидаларни яна-да батафсил таҳлил қилиш ушбу халқ учун *ҳалол* тушунчаси (арабчадан – рухсат этилган) ва, аксинча, тановул қилиш рухсат этилмаган – *ҳаром* (маън қилинган) тушунчаси жуда муҳим аҳамият касб этишини тасвирлаш имконини беради.¹ Шунингдек, ўзбек халқи овқатланиши тавсифида *рўза* (рамазон ойида овқатдан тийилиш) тушунчасини алоҳида таъкидлаш лозим.

Кийиниш маданиятига келсак, ҳам эркаклар, ҳам аёллар томонидан танани зарурий тарзда ёпиб турувчи кийимлар кийилади. Бу нафақат диний тасаввурлар, ахлоқий тарбия, балки иқлим шароитлари билан боғлиқ. Ҳозирги кун глобаллаштириш шароитларида дин билан боғлиқ баъзи кийим-кечак турларининг номлари оммавийликни йўқотган бўлса, баъзиларининг номлари эса, умуман, қўлланилмайди. Яна шундай кийимлар ёки кийим деталлари борки, уларни фақат диний уламолар кийиб юришади. Масалан, *паранжи, ҳижоб, рўмол* сўзлари ўзбеклар тушунчасида ислом давлатларида ўрнатилган махсус кийим эмас, балки ислом қоидаларига кўра, аёллар тана қисмларини, хусусан, соч, бўйинни ёпиб туриши учун қабул қилинган кийим тури сифатида англашилади. Бундай кўринишдаги лексика турли маданиятлар алоқаси кузатиладиган Ўзбекистон ҳудудида ўзбек халқи ва тили хусусиятларига доир бой материал бўла олади.

Мусулмонликда бойликка бўлган муносабат ўзгача намоён бўлади, яъни бойлик муносиб ҳаёт қилиш, савоб ишларни амалга ошириш учун зарурлиги уқдирилади: *гашир бериш* (даромадининг ўндан бирини бериш); *закот бериш* (шариат томонидан ўрнатилган ҳолда камбағалларга хайр-садақа бериш); *садақа бериш* (эхсон бериш) ва ҳ.к. Ушбу сўзлар билан боғлиқ мақол, матал ва иборалар шаклланган бўлиб, баъзида улар бойликка нисбатан салбий маънони ҳам ифодалаши мумкин: Бойлик, бойлик туби ўғирлик; Бой топса, босиб ер, Ботир топса, барча ер; Бойнинг молини бахил қизғанар; Камбағалнинг тўйи тўкин бўлар; Бойнинг тўйи юпун бўлар; Тоғ белгиси тош билан, Бой белгиси ош билан.

Тараққий этган жамиятнинг муҳим кўрсаткичи сифатида кишиларнинг ўз соғлигига, яқинлари ва атрофидаги кишилар соғлигига муносабатини кўрсатиш мумкин. Тил материалига асосланган ҳолда, диннинг вазифалари ўртасидаги ўзаро алоқани, сакрал тушунчалар ўртасидаги мантикий боғлиқликни тушуниш қийин эмас. Соғлиқка бўлган муносабат, яъни диннинг терапевтик жиҳати ҳам маънавий, ҳам моддий маданиятларга асосланади. Бунда диний тушунчаларнинг психологик томони муҳим аҳамиятга эга. Улар стрессдан халос қилиш, тинчлантириш, руҳий завқ олдиришга йўналтирилган. Масалан: *ғусл қилиши, ибодат қилиши, дуо қилиши, зикр айтиши, Қуръон тиловат қилиши, намоз ўқиши, нафл рўза тутуши, сажда қилиши, тавба қилиши, тасбеҳ ўгириши, таҳорат олиши, рўза тутуши, ҳаж қилиши* ва ҳ.к. Юқорида зикр қилинган тушунчаларнинг барчаси инсоннинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий-руҳий соғайишига хизмат қиладди.

Ислом ўзбеклар жамияти ривожига ўта муҳим ўрин тутган ҳисобланади, зеро, ушбу дин маърифатнинг ҳам анча тараққий этишига таъсир қилган. Исломнинг дунё миқёсидаги дин сифа-

¹ Нурмухаметова Р.С., Саттарова М.Р. Отражение в языке духовной и материальной культуры татар (на материале лексики, связанной с культурой питания). Наука и образование в XXI веке: сборник научных трудов по материалам Международной научно-практической конференции 30 сентября 2013 г., в 34 частях. Часть 11. М-во образования и науки РФ, Тамбов, изд-во ТРОО «Бизнес-Наука-Общество», 2013, с. 121.

тида оммалашишидан олдинроқ туркий халқлар ўз ёзувига эга бўлганлигига қарамай, уларнинг табиатан билим олишга интилувчанлиги муқаддас китоб бўлмиш Қуръонни хатосиз ўқиш зарурати туфайли кўпчилик ўзбеклар арабчани тушунмаса-да, алфавитини билган, ўқий олган. Бу анъана бугунги кунда ҳам катта ёшлар орасида сақланиб қолган. Бу халқимизнинг нафақат ислом динига, араб тилига ва ёзувига бўлган ихлосини, балки ёш ўтган пайтда ҳам ақлни, хотирани чархлаб бориш эвазига замон талаби даражасидаги жамият аъзоси бўлиб қолишга интилишини ҳам намоён қилади. Ҳозиргача қўлланиб келинаётган “алифни кўрсатсанг таёқ дейди”, “лом-мим демади”, “Хитойга бориб бўлса ҳам билим ол” (ҳадисдан) каби иборалар ислом, қолаверса, араб тили ва араб ёзувининг илм-фан тараққиётида муҳим ўрин тутганлигини кўрсатади. Яна шуни айтиш лозимки, юқоридаги анъаналар туфайли ёзув, китоб нашр қилиш, санъатни сақлаб қолиш ва ривожлантириш таъминланган.

Юқорида амалга оширилган лексик-фразеологик материалнинг қисқача таҳлили куйидагича хулоса қилиш имконини беради:

- ислом туфайли мусулмон ўзбеклар онгида ўзига хос дунёқараш, маданият ва тегишли тушунчаларни ифодаловчи лексик-фразеологик материал шаклланди;
- таҳлил қилинган ва шулар каби диний тушунчалар халқ ҳам моддий, ҳам маънавий маданиятининг ривожланиш тарихини акс эттирган ҳолда, улар ўзбек халқи онгига чуқур кириб бориб, тил эгалари лисоний олам манзарасининг бетакрор колоритини яратдилар;
- диний лексиканинг ўрганилиши ўзбек тили луғат фонди ривожланишининг ҳозирги кундаги ҳолатини, унда маънавий ва моддий ҳолатнинг акс этиши, глобализациянинг алоҳида халқ маданиятига таъсирини баҳолаш имконини беради.

**Нишонов Сарвар Жасур ўғли (Ўзбекистон Миллий университети магистранти, Alek-lag@yandex.ru)
ЖАЛОЛИДДИН ДАВОНИЙ ҚАРАШЛАРИДА ДАВЛАТНИ ОДИЛОНА БОШҚАРИШ ВА
БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ**

***Аннотация.** Инсоният томонидан ўрганилаётган барча тадқиқотлар марказида инсон ва унинг моҳияти мазмунини англаш масаласи ётади. Инсон тафаккури, ҳаёти мазмуни учун кескин кураш кетаётган бугунги глобализация жараёнида инсон масалаларини таҳлил этиши долзарб аҳамият касб этади. Шунингдек, маънавий маданиятнинг магзини инсон муаммосини муайян даражада ёритилишини таъкил этади. Шу маънода инсон борлигини тўғри англаш долзарб бўлиб келади.*

***Аннотация.** В центральной части всех исследований человека лежит человек и осознание его сущности. Жизненно актуально анализировать проблемы человека. Более того, представление человеческих проблем в определенном смысле является ядром нравственной культуры. Так что верное осознание существования человека было и остается актуальным во все времена.*

***Annotation.** The issue of a person and mastering the content of his essence lies in the central part of all the researches studied by humanity. It is vitally actual to analyze the problems of a person in today's globalization process during which sharp battle is going on for human's thought and content of his life. Moreover the presentation of human problems in a certain sense is the core of moral culture. Therefore, correctly knowing the existence of human turns up actual.*

***Калим сўзлар:** “Ахлоқи Жалолӣ”, Узун Ҳасан, давлат, В.Ф.Томпсон, Кошифӣ.*

***Ключевые слова:** “Ахлоқи Жалолӣ”, Узун Ҳасан, государство, В.Ф.Томпсон, Кошифӣ.*

***Key words:** Ahloki Jaloly”, Uzun Hassan, state, V.F.Thompson, Kashifiy.*

Давонийнинг давлат ва адолат хусусидаги қарашларини ўрганар эканмиз, аввало, унинг жамият ва унинг пайдо бўлиш сабаблари тўғрисидаги фикрларини келтириб ўтаемиз. Давонийнинг жамият ва унинг пайдо бўлиш сабаблари ҳақидаги қарашлари унинг ўтмишдошлари Ибн Мискавайх, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Насриддин Тусий, Ибн Халдун ва бошқаларнинг ижтимоий-сиёсий фикрларига асосланади. Аллома ўз қарашларида, аввало, жамиятнинг пайдо бўлиши, давлатни одилонга бошқариш, ижтимоий тенглик, ҳамда адолат ва баркамол авлоднинг ахлоқи масалалари ҳақида сўз юритади. Давоний жамиятни, шартли равишда, унсурларга бўлади ва унинг тўрт туркумини келтириб ўтади, яъни унинг фикрича инсон қайси тоифага мансуб бўлишидан қатъий назар, унсурлардан ташкил топади. Ҳамма унсурлар жамият ва табиат тараққиётининг асосий омили ҳисобланади. Бу унсурлар инсоннинг ҳаёти давомида унинг меҳнат фаолиятига ёр-

дам беради. Улар меҳнат куруллари, ўсимлик, озиқ-овқат ва инсон танасининг таркибий қисми-дир. Ушбу унсурлар инсон учун керакли моддий ҳаракатларга асос бўлади. Аввало, ҳаво нафас олиш учун керак, у инсоннинг танаси ва руҳига дам беради. Сув ва олов иситиш ва совутишга, ҳаёт учун озуқа тайёрлашга хизмат қилади. Тупроқ эса уруғ сочиш, ҳосил олиш инсоннинг ҳаётига зарур бўлган неъматларни олиш учун керак, дейди аллома.¹ Алломанинг фикрича, инсонлар ҳеч қачон яққа ҳолда ҳаёт кечира олмайдилар, уларнинг бахт-саодатга эришиши учун, инсонлар жамоаси керак эканлигини айтади. Давонийнинг бу фикрлари Форобий қарашларининг моҳиятан давоми эканлигини тасдиқлайди. Бир инсон бир неча касб-соҳиби бўлиши мушкул. Шунинг учун ҳам инсонлар ўзаро бирлашиб, ҳамжихатликда юксакликка эришиши мумкин.

Давоний жамиятнинг яралиши ҳақидаги таълимотни табиатнинг ички ривожланиш қонуни-ятидан ахтаради. У табиат ва жамият тушунчаларини ўзаро тенглаштирмади, лекин жамиятнинг пайдо бўлишини таҳлил қилишда мураккаб табиат қонунларини қўллади. Унинг фикрича, бу дунёдаги барча нарсалар ўзаро боғланган ва узвий алоқада бўлади. Мутафаккир ўз даврининг ижтимоий-сиёсий қарашларини таҳлил қилар экан, бевосита инсонларнинг жамиятга таъсир этувчи, ижобий ҳамда салбий фазилатларини келтириб ўтади. Хусусан, аллома жамиятга моддий ҳамда маънавий зарар келтирувчи ёмон инсонларни қаттиқ қоралайди. Улар жабр, зулм, зўравонлик, тажовузкорлик орқали жамиятга улкан хавф туғдириб халқ фаровонлигига путур етказишини айтади. Давонийнинг ушбу фикрлари замондоши А.Навоийнинг фикрлари билан уйғунлашиб кетган бўлиб, иккисининг ҳам жамият ва унинг равнақи хусусидаги қарашлари шундай. Жамият тўлақонли адолатга асослангандагина, инсонлар чинакам бахт-саодатга эришиши мумкин дейилган. Бу ҳақда Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” асарида шундай дейилади;

Халқ ишига гар бу намудор эрур,

Бир киши топмоқ иши душвор эрур.

Бир киши андоқ киши ким бир киши,

Тузгай анинг бирла маваддат иши ².

Давоний инсонларнинг ҳамжихатлигида меҳнатнинг ўрни катта эканлигини, инсон мукалликка эришиши учун, бирор касб-ҳунарга эга бўлиши керак дейди. Инсонлар турли хил феъл-атвор эга. Улар ўз характер-хусусиятларига кўра, жамиятда маълум бир ўринга эга бўлади ва ҳунар эгаллайди. Агар улар бир хил феъл-атворга эга бўлганларида эди, ҳамма бир соҳага интилиб, бошқа ҳунар эгалламаган бўлар эди. Тўғри бу ҳозирги замон ўқувчиси учун жуда содда фикрдек туюлиши мумкин, бироқ шуниси эътиборлики, Давоний ўз давридаги ижтимоий вазиятларни ютуқ ва камчиликларини кўра олди ва бунга ечим топиб, уни ўқувчига оддий тилда етказа олди. Давоний жамият асосининг пайдо бўлиши ҳақидаги қарашларининг аҳамиятли жиҳати шундаки, биринчидан, у жамиятнинг табиий йўл билан пайдо бўлганлигини эътироф этади, иккинчидан, инсонларнинг моддий, ҳаётий эҳтиёжлари туфайли жамият барпо бўлганини, учинчидан, ушбу жамиятда инсоний туйғулар, яъни адолат, меҳр, инсонпарварлик каби комиллик хислатлари фаровон турмушга асос бўлишини таъкидлайди. Давонийнинг энг йирик асари “Ахлоқи Жалолий” дир. Ушбу асар 1470–1478 йиллар орасида ёзилган бўлиб, Фарбий Эрон ҳокими, Оқ кўйиндилар сулоласи вакили Узун Ҳасанга бағишланади.

Ушбу китоб 1839 йилда В.Ф.Томпсон томонидан инглиз тилига таржима қилинган. Ушбу асар форс тилида ёзилган бўлиб, унинг қўлёзмаси дунёнинг жуда кўплаб музей ва кутубхоналарида мавжуд. Асар 1911 йилда Калькуттада чоп этилган Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида ушбу асарнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари сақланмоқда. Мазкур асар 1948 йилда Эшонхўжа Муҳаммадхўжа томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. Рус шарқшуноси А.А.Семёнов Ръе ва Браунларга асосланиб, Давонийнинг ушбу рисоласини мусулмон шарқида машҳур китоблар сирасига қўшади.³ Давоний ўзининг “Ахлоқи Жалолий” асарида давлат тўғрисидаги ҳаёлий орзусини тасвирлайди.

Давоний қарашларини ўрганар эканмиз, ушбу асарда аллома нафақат ўз замонаси учун, балки бугунги замонамиз учун ҳам илғор фикрларни ўртага ташлаганини гувоҳи бўламиз. “Ахлоқи Жалолий” асарида илғари сурилган одилонга давлат ва уни бошқариш усуллари адолатли жамият, оқил ҳукмдор сифатлари бугунги замонамиз ёшларининг келажакда етук марраларни забт

¹ Х.Аликулов. Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида. “Адолат”, 1995, 25-бет.

² А.Навоий. Ҳайрат ул-аброр. Асарлар, 6-том, 101-бет.

³ М.Хайруллаев. Маънавий юлдузлари. Т., Абдула Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2001, 240-бет.

этишида, донолик, сабр-қаноат, шижоат, ҳалоллик ва адолатлилик хислатларини ўзида мужассам этишига хизмат қилади.

Давоний ўтмиш мутафаккирлари сингари, давлатни фозил ва жоҳилга бўлади. У фозил шаҳарни шундай таърифлайди. “Бу шундай шаҳарки, унинг қонидаси бахт-саодатга эришувдан иборат. Бахтсизликка олиб борадиган ҳодисаларни бартараф қилишдан иборат”,¹ дейди. Фозил шаҳарни ақлли, доно, адолатли, инсонлар бошқармоғи лозим. Ушбу шаҳар аҳолиси, қайси тоифага мансуб бўлишидан қаятий назар, давлатда ўрнатилган маълум тартиб қоидаларга бўйсунмоғи лозим. Жоҳил шаҳар аҳолиси эса, аксинча, бахтсизлик ва жаҳолоат йўлига кирган бўлиб, бундай давлатнинг бошқарувчиси жоҳил бўлиб улар ўз манфаатини ўйлаб, халқ ғами ҳақида қайғурмайдилар. Давоний жоҳил шаҳар аҳолисини давлат учун энг хавфли кишилар, деб ҳисоблайди. Улар жамиятдаги қонун қоидаларга бўйсунмайдилар, инсонларни тўғри йўлдан оздирадилар. Давонийнинг айтишича, фозил шаҳарда ҳамиша тенглик осойишталик ҳукм суради чунки у ерда адолат ҳукмрон. Жоҳил шаҳарда эса бахтсизлик ва адолатсизлик қашшоқлик ҳукм суради, дейди аллома. Адолат – бу инсонларни ижтимоий тенглигига ва жамият равнақига хизмат қилишини айтиб, Давоний адолат ўрnatувчи, яъни ҳукмдорни Худонинг ердаги вакили деб ҳисоблайди ҳамда давлат ва унинг бошқаруви ҳақида қимматли фикрларини келтириб ўтган. Унинг фикрича, давлат бошқарувчиси, яъни ҳоким одил бўлиши керак. У эҳтиросларини жиловлай олиши, бойликка ружу қўймаслиги, қонун-қоидаларга тўлиқ риоя қилиши, ақлли ва адолатли бўлмоғи лозим дея, Кошифий сингари подшоҳни табибга қиёслади. Агар табиб беморнинг арзу-додига қулоқ солмаса, унинг ҳолидан огоҳ бўлмаса, уни даволай олмайди.

Шоҳ ҳам худди шундай, яъни ўз фуқароларининг аҳволидан бохабар бўлиши, унинг муаммолари билан ўртоқлашиб, унга ёрдам бериши керак.

“Агар давлатни бошқариш одил подшоҳ қўлида бўлса, дейди Давоний, ҳамма адолатли бўлишга ва эзгу фазилатларни эгаллашга интилади, акс холда, халқ таъмагирлик, очкўзлик, ғаразгўйлик ва бошқа номақбул ишларга берилади”.² Давонийнинг ижтимоий-сиёсий қарашларининг энг эътиборлиси шундаки, давлат бошлиқларининг барчага тенг ва бир хил муносабатда бўлиши, давлатда тинчлик ва фаровонлик ҳукм суришининг гарови, дейди аллома.

Хусусан, Форобий қарашларида ҳар бир инсон ўз табиатига кўра, кишилар жамоасига эҳтиёж сезади, деган ғоя илгари сурилса, Давонийнинг фикрига кўра, жамиятда, маълум ижтимоий муҳитда, бошқалар билан алоқада шаклланиб, тарбия топган инсон ўзи яшаган жамиятда адолат ҳукмрон бўлса, унда бахт-саодатга эришиш мумкин дейилади. Шунинг учун у “Ахлоқи Жалолӣ” асарида жамиятни адолатли – фозил шаҳарга ва жоҳил шаҳарларга бўлади. Давоний фозил шаҳар бошқарувчисида ўнта энг яхши фазилат мужассамланган бўлиши керак, дейди. Булар; биринчиси– ҳукмдорлар одамларни эъзозлаши, уларга нисбатан доимо ҳурматда бўлиши; иккинчиси– давлат ишларини адолатли ижро этиши; учинчиси – ҳирс ва эҳтиросга берилмаслиги; тўртинчиси – ҳукмдорликда шошма-шошарлик ва ғазабга йўл қўймаслиги, балки шафқат ва муруватга асосланиши; бешинчиси– халқнинг эҳтиёжини қондиришга доир ишларни бажаришга ҳаракат қилиши; еттинчиси– халққа нисбатан одил бўлиши; саккизинчиси – ҳар бир ишни маслаҳатлашиб, кенгашиб ҳал этиши; тўққизинчиси – ҳар бир кишини унинг қобилятига монанд лавозимга тайинлаши, ўнинчиси – адолатли фармонлар чиқаришидир Давоний жамиятнинг пайдо бўлиши, давлат ва уни бошқариш масалалари, адолатли ва адолатсиз ҳукмдорлар, илм-фан тараққиётининг жамиятда тутган ўрни, ақлий ва ахлоқий тарбия, масалаларига алоҳида эътибор қаратган. Унинг қарашларида инсон ижтимоий мавжудот сифатида қаралган ҳамда инсон фақат жамиятда кишилар орасида шаклланади, деган фикр илгари сурилган.

Шунингдек, давлат манфаатларига бўйсунадиган, кишилик жамиятига хизмат қиладиган инсон фаолиятини шижоат, деб атайди.

Давоний жамиятни хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Давонийнинг илм-маърифат, таълим тарбия ва ахлоқ тўғрисидаги фикрлари бугунги кунда баркамол авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Давоний юксак ахлоқий фазилатларни тараннум этади, инсонларнинг бахт-саодатли бўлиши учун тавсиялар ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

⁴ Давоний. Ахлоқи Жалолӣ. Т., “Шарқ”, 1998, 52-бет.

⁵ Шу манба, 160-бет.

Камбаров Абдумутал Ахаджонович (Фарғона Давлат университети доценти,
фалсафа фанлари номзоди)

МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ ДАВРИДА ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада Мирзо Улуғбек мамлакат ободончилиги, юрт тинчлиги, илм-фан ва маърифат равнақиға эътибор берганлиги, илм ва санъат аҳллари, хусусан, ўша даврнинг йирик олимларидан Тафтазоний, Мавлоно Аҳмад, Қозизода Румий, Гиёсиддин Жамшид, Мавлоно Нафис, Журжоний, Лутфий, Саккокий, Али Қушчи сингари улуғ олим ва мутафаккирларни йиққанлиги, уларнинг қизгин илмий-ижодий фаолият билан шугулланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб берганлиги апрофлича ёритилади.

Аннотация. В данной статье всесторонне освещается тот факт, что Мирзо Улуғбек уделял большое внимание миру в стране и её благоустроенности, процветанию и развитию науки, просвещению государства, также говорится о том, как он собирал вокруг себя людей науки и искусства, особенно, из ученых и мыслителей того времени таких, как Тафтазони, Мавлоно Ахмад, Козизода Руми, Гиёсиддин Жамшид, Мавлоно Нафис, Журжони, Лутфи, Саккоки, Али Кушчи и т.д., о том, как создавались благоприятные условия для занятий активной научной деятельностью.

Annotation. In this article, there was thoroughly illustrated that Mirzo Ulug'bek payed a great attention to progressing state, science and art, collected great and famous scientists of his time like Taftazoni, Mavloni Akhmad, Kozizoda Rumiy, Ghiyosiddin Jamshid, Mavloni Nafis, Jurjoni, Lutfi, Sakkoki, Ali Kushchi, created a suitable condition to them for carrying out interesting scientific-creative activities.

Калим сўзлар: илм-фан, маданият, маънавият, бунёдкорлик, яратувчанлик, тинчлик, тотувлик, ақл-идрок, ободончилик, юрт тинчлиги, мадраса, тарих, адабиёт, санъат, тасвирий санъат, мусиқа, муддарис, астрономия мактаби.

Ключевые слова: наука, культура, духовность, творчество, изобретательность, мир созидание, улучшение, благоустройство, спокойствие страны, медресе, история, литература, искусство, изобразительное искусство муддарис, школа астрономии.

Key words: science, culture, spirit, creation, peace, harmony, knowledge, prosperity, peace of country, madrasa, history, literature, art, music, scholar, astronomy school.

Ўрта Осиёдаги ўрта аср илм-фан ва маданиятининг йирик намояндаси, астрономия ривожига катта ҳисса қўшган, юксак билим соҳиби, улуғ мутафаккир Мирзо Улуғбек маркази Самарқанд шаҳри бўлган Мовароуннаҳр давлатининг ҳукмдори сифатида ўз замонасининг илғор, ўқимишли кишиси сифатида олим ва ижодкорларга ҳомийлик қилади, шунингдек, маданий-илмий муассасаларни қуриш ишларига катта эътибор беради. Шу билан бирга, қарийб қирқ йил мобайнида Мовароуннаҳр диёрининг донишманд ҳукмдори сифатида Мирзо Улуғбек тинчлик, тотувлик, илм-фан ва маданиятни тараққий топтириш йўлида улкан шижоат ва матонат кўрсатди.

Мирзо Улуғбекнинг одил шоҳ ва буюк олим бўлиб етишишида бобоси Амир Темурнинг илм-фанга берган юксак эътибори ҳам катта роль ўйнади. Темурнинг ҳаётда амал қилган тартиб эътиқодларидан бири – бу китоб битиклар кутубхонасини ташкил этиш эди. Чунки узоқ Бурса шаҳридан Самарқандга яхлит бир кутубхонани қучириб келиш фақат Темур маънавиятига хос тафаккур эди. Темурнинг фикрича, “китоб барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асоси, ҳаётни ўрнатувчи мураббийдир”. Гарчи бу сатрлар Темур номидан халқ тилида айтилган ривоятларда келтирилган бўлса-да, у Темур маънавиятига тамоман мос келади. Чунки унинг ўғитларида “ёзилган нарса авлодлар хотирасида қоладиган ишлардан ҳам узоқроқ яшайди”, деган ҳикматли сатрлар мавжуд эди.¹

Мирзо Улуғбек ўзининг 40 йилдан зиёдроқ салтанати даврида мамлакат ободончилиги, юрт тинчлиги, илм-фан ва маърифат равнақиға кўпроқ эътибор берди. Илм ва санъат аҳллари, хусусан, Қозизода Румий, Али Қушчи сингари улуғ математик ва астрономларни йиғди, уларнинг қизгин илмий-ижодий фаолият билан шугулланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратди ва уларнинг илмий ишларига бевосита раҳбарлик қилади. У давлат ишларидан ортиб, мадрасаларда таҳсил олаётган талабаларга астрономия ва математика сингари фанлардан маърузалар ўқиди. Шу-

¹ Амир Темур ўғитлари. Т., “Ўзбекистон”, 2007, 19-бет.

нингдек, зукко ҳамда илмли талабалар билан турли мавзуларда илмий анжуман ва баҳс-мунозаралар ташкил этади.

Мирзо Улуғбекнинг бевосита раҳбарлигида Самарқанднинг шимоли-шарқий қисмида қурилган обсерватория ҳажми, жиҳозланиши ва ўзининг улуғворлиги, қулайлиги жиҳатидан ўрта аср фанининг талабларига тўла жавоб берадиган, ўша давр Шарқ ва Европа мамлакатларидаги обсерваториялар ичида биринчи ўринда турган. Шу билан бирга, бу обсерваториядаги асбоб ва ускуналарнинг ўз аниқлиги билан XV асрда ер юзидаги бошқа обсерваториялардан устун турганини қайд этиш лозим.

Самарқанд Улуғбек даврида Шарқнинг маданий марказларидан бирига айланди, бу ерда фан, санъат адабиёт ривожланди. 1417 йилда Самарқандда Улуғбекнинг ташаббуси билан бошланган мадраса қурилиши уч йил деганда битади. Тарихий манбаларга кўра, мазкур мадраса икки қаватли, тўрт бурчаги салобатли тўрт гумбазли, тўрт минорали ва ҳар бир хонаси иккига ажратилган бўлиб, унда юздан ортиқ талаба таълим олган. Бу мадрасада ўша даврнинг йирик олимларидан Тафтазоний, мавлоно Аҳмад, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид, Мавлоно Нафис, Журжоний, Лутфий, Саккокий ва бошқалар иш олиб борадилар. Шунингдек, Улуғбек мамлакатни ривожлантириш учун бошқа шаҳарлардан ҳам олим, шоирларни Самарқандга чақиртириб, уларнинг илмий ва адабий фаолиятлари учун кенг имкониятлар яратиб беради. Мовароуннахрнинг турли шаҳарлари ва Хурондан тўпланган фаннинг турли соҳаларида ижод қилиб келаётган олимлар сони 100 дан ошиб кетади. Улар орасида адиблар, муаррихлар, хаттотлар, мусаввирлар, меъморлар, мусикашунослар ва бошқа фан вакиллари бўлган.

Жаҳон фани тарихида Мирзо Улуғбек фаолияти камдан-кам учрайдиган ҳодиса бўлганлиги эндиликда кенг миқёсда тан олинмоқда. У фақат табиий қобилиятлари билангина эмас, шу билан бирга, илм-фанга ниҳоятда меҳр-муҳаббат қўйган ва прогрессив ғояларга қаттиқ ишонганлиги, ҳориб-толмаслиги ва серқирра ҳаётининг барча жаҳаларини бир зайлда олиб борганлиги туфайли шундай даражада эришганди.

Мирзо Улуғбек замонида Мовароуннахрда дунёвий фанлардан ташқари, тарих, адабиёт ва санъат, айниқса, тасвирий санъат тараққий этганди. Улуғбекнинг укаси Бойсунқур билан ўзаро ёзишмаларида ҳам илмий адабиёт мавзуларида мубоҳаса боргани маълум. Улуғбек шеърятда озарбайжон шоири буюк Низомий Ганжавий услуги ва мактабини устун деб исботламоқчи бўлса, Мирзо Бойсунқур гениал шоир ва мутафаккир Амир Хусрав Дехлавий ижодиётининг ҳақиқий маҳсули сифатида баҳс қиларди. Улуғбек ўз она тили (ўша даврда чигтой-туркий тили)дан ташқари, араб ва форс тилларини мукамал билар эди. Муҳаммад Ҳайдар ўзининг машҳур “Тарихи Рашидий” асарида Мирзо Улуғбек “тарихнавис донишманд эди ва “Тўрт улус” тарихини ҳам ёзиб қолдирган эди”, деб ёзади. Бу асар Улуғбекнинг “Тарихи арбаъ улус” китоби бўлиб, унда бир вақтлар Чингизхон босиб олган мамлакатларнинг XIII аср – XIV асрнинг биринчи ярмидаги сиёсий ҳаёти акс эттирилган эди.¹

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, буюк олим ва жамоат арбоби Мирзо Улуғбек даврида Самарқандда фақат Ўрта Осиёдагина эмас, балки Шарқда маълуму машҳур бўлган созандалар, бастакорлар, хонандалар ва раққосалар ижод этардилар. Улуғбекнинг ўзи ана шу истеъдод эгаларининг биринчи мухлиси ва ҳомийси ҳам эди. Тарихчи Ғиёсиддин Али кундаликларининг далолат беришича, Самарқандга келган чет эллик элчилар ҳам сарой қабул маросимларида қатнашиб, бу ерда мусика тинглар ва тасвирий санъат асарларини томоша қилардилар.

Буюк Алишер Навоийнинг таърифига кўра, Улуғбек ажойиб шоир ҳам бўлган. “Тухфату сурур” китоби эса унинг буюк мусика билимдони эканлигидан далолатдир. “Муҳит аттафвиқ” китобида Улуғбекнинг “Билужий”, “Шодиёна”(бу асарлар бизгача етиб келган), “Ахлоқий”, “Табризий”, “Усули равон”, “Усули баҳрий” сингари катта мусика асарларини ижод этганлиги кўрсатилган.

Улуғбек ҳомийлигида Самарқандда Дарвеш Аҳмад Самарқандий, Султон Аҳмад Нойи, Ҳосими Абувафо, Муҳаммад Али Ғарибий, Юсуф Бурхон Наққорачи (Навоийнинг амакиси), Мавлоно Соҳиб Балхий, Абул Барака ва бошқа санъаткорлар ижод билан банд бўлганлар. Шунингдек, Улуғбек мадрасасининг кўзга кўринган мударрислари – қомусий олимлар Мавлоно Муҳаммад Ҳавофий, Саид Имомиддин, машҳур тиб олими Ҳожа Бурхониддин Нафис, йирик адабиётшунос ва тилшунос олим Ҳожа Фазлуллоҳ ҳамда Абулқосим Самарқандий замонасининг пешқадам олим-

¹ Аҳмедов Б. Улуғбек. Эссе. Т., “Ёш гвардия”, 1989, 30-бет.

лари сифатида донг таратдилар.

Айрим манбаларга кўра, Улуғбек табобат соҳасида ҳам анчагина мукамал билимга эга бўлган. У тиб илмига оид “Нафис” номли рисола ёзиб, у соҳада тўпланган билимларни унда ифодалаган. Ёзувчи Тоҳир Малик халқ оғзаки ижодига асосланиб, Улуғбекни Самарқандда “Дор ушшифо” – шифохона қурдиришга ҳам жазм қилганлиги ҳақида ёзади.

Афсуски, Улуғбек қисқа умр кўрди. Унинг илғор тадбирлари ва илмий фаолияти реакцион муслмон-рухонийлари томонидан қаттиқ қаршиликка учради. Шариат пешволари ва ватан хоинлари раҳнамо бўлган фитна натижасида Улуғбек 1449 йил 25 октябрда ваҳшийларча ўлдирилди.

Биз Улуғбек ҳақида фикр юритар эканмиз, у нималар қилишга улгуролмагани хусусида эмас, балки нималарни рўёбга чиқарганлиги учун олимни фахрланиб эслаймиз ва унинг ўчмас хотирасини эъзозлаймиз. Академик В.В.Бартольд таъбири билан айтганда, муслмон оламида унингдек заҳматкаш одил подшоҳ бўлмаган.

Улуғбек барпо этган Самарқанд мадрасаси ва илмий тўғараги Шарқ маданияти ва тарихида ноҳоятда улкан аҳамият касб этди, мамлакат равнақига, шунингдек, кўпгина халқларнинг маданий ривожланишига катта таъсир кўрсатди.¹

Самарқанд олимлари, асосан, астрономия фанига аҳамият берган ва уни энг муҳим илмий йўналиш деб билганлар ва уларнинг энг катта ютуғи узоқ йиллар давомида олиб борган кузатишларнинг натажасида дунёга келган Улуғбекнинг “Зиж”и бўлди. Бу асар сайёралар, Қуёш ва Ой ҳаракатларини талқин қилиш, юлдузлар каталоги ва унда қўлланилган математик усулларнинг мукамаллиги билан олимларнинг диққатини жалб қилган. Унинг раҳбарлигида тузилган астрономик жадвалда 1018 та юлдузнинг ҳолати ўрганилди. Бу – юлдузларнинг илмий аниқлик билан тузилган мукамал жадвали эди. Бугунги кунда бу “Зиж”нинг 120 га яқин форсий ва 15 дан зиёд арабий нусхаси мавжуд. Улуғбек “Зиж”и тарих давомида муслмон мамлакатларида кенг тарқалиб шарҳланган.² Шунингдек, ушбу асарнинг ўрта асрларда лотин тилига таржима қилиниб, Европа олимлари орасида кенг тарқалганлиги ва уларнинг илмий тадқиқот ишларида фундаментал асар бўлиб хизмат қилганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Мирзо Улуғбек ўзининг “Зижи жадиди Курагоний” номли асарида ўз илмий-фалсафий қарашларини ёрқин баён этади. Илмий ҳақиқатларни билшда мантикий усулларга таянади. Айниқса, кузатиш методи, математик қоидалар илмий тавсифига алоҳида эътибор беради. Шунингдек, у ўз асарларида Шарқнинг илғор ижтимоий-фалсафий ғояларини яна-да ривожлантиради.

Мирзо Улуғбек табиий соҳасида эмас, балки тарихшунослик, мусиқа илмида ҳам ажойиб асарлар яратган. Унинг “Тарихи арбаъ усул” асари фикримизнинг далилидир. Бу асар туркий халқларнинг аجدодлари, Чингизхон вафотидан кейин ташкил топган Улуғ юрт, Жўчи, Чигатой ва Элхонийлар улуси тарихи ҳақида маълумот беради. Мусиқа соҳасида “Ўн икки мақом баёни” ҳамда унинг “Рисола дар илми мусиқа” асарида ўз ифодасини топган.

Буюк олимнинг илмий меросини асрлар ғуборидан тозалаб, маданиятимиз тарихининг улкан ва ёрқин бир саҳифасини кўзимиз олдига келтирган зотларни ҳам эсламай иложимиз йўқ. Биз юқорида уларни қисман эслаб ўтдик. Улар орасида Улуғбек илмий ва тарихий муҳитига ҳаммадан кўра кенг ёндашиб чуқур кириб борган, Улуғбек бошлиқ астрономлар мактаби меросини кенг кўламда ёритиб берган забардаст олимлар борки, Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий ва Бўрибой Аҳмедовлардир. Агар Қори-Ниёзий бизга Улуғбекнинг ўзини кашф қилиб берган бўлса, Бўрибой Аҳмедовнинг тадқиқотлари ушбу кашфиётга узукка қўйилган кўздек ажойиб чирой бахш этди.

1928 йилда Ўзбекистонда астрономик кенглик станцияси – обсерватория ташкил қилиниб, унга Улуғбек номи берилди. Қазиб топилган Улуғбек расадхонаси қошида 1964 йили Улуғбек музейи очилди. 1966 йили Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси қошида Астрономия институти ташкил қилинди. Ўша йили Самарқандда меъморчилик-қурилиш институти очилиб, унга ҳам Мирзо Улуғбек номи берилди. Зотан, Улуғбек бобомизнинг ўзи таърифлаганидек, подшоликлар емирилиб, ўтмиш дунё ўтиб кетмоқда, аммо олимларнинг иши абадул-абад қолажак. Буюк аллома Мирзо Улуғбек абадияти ҳам ҳамиша шундай барҳаётдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Улуғбек Ўрта Осиё халқлари илм-фани ва маданиятини ўрта аср шароитида дунё фанининг энг юқори поғонасига олиб чиқди. Унинг қилган энг буюк ишларидан бири – Самарқанд илмий мактабини яратганлигидадир. Бу илмий мактабда 200 дан

¹ Буюк истеъдод соҳиблари. Т., “Адолат”, 2002, 47-бет.

² Ашраф Аҳмедов. Улуғбек. Т., 1991, 61-бет.

ортиқ олимлар ўзларининг илмий фаолиятларини олиб борганликларини ҳисобга оладиган бўлсак, мамлакатимиз ўтмиши ҳам буюк давлат бўлганлигидан далолат беради. Шунингдек, Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва илмий фаолияти халқимиз маънавиятининг мустаҳкам пойдеворига қўйилган тамал тошларидан бири бўлиб қолади.

**Муинов Алишер Мусинович (Чирчиқ ОТҚМБЮ
Гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, islommullaionov@gmail.com)
ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

***Аннотация.** Мақолада оиланинг дунё миқёсидаги аҳамияти соғлом турмуш тарзини татибиқ этиши, соғлом турмуш тарзининг яратилиш принциплари ҳамда уларнинг ҳарбий хизматчилар оиласидаги ўзаро муносабатлари кўрсатилган.*

***Аннотация.** В статье подчеркивается важность семьи в мире, внедрение здорового образа жизни, принципы формирования здорового образа жизни и их взаимоотношения в семьях военнослужащих.*

***Annotatsion.** The article emphasizes the importance of the family in the world, the introduction of a healthy lifestyle, the principles of the formation of a healthy lifestyle and their relationship in the families of military personnel.*

***Калим сўзлар:** оила, кадрият, гоя, ҳарбий хизматчи, ҳуқуқ, соғлом турмуш, саломатлик.*

***Ключевые слова:** семья, ценности, идеи, военная служба, закон, здоровый образ жизни, здоровье.*

***Key words:** family, values, ideas, military service, law, healthy living, health.*

Оила – жамиятнинг ажралмас бўлаги. Бирор бир халқ, миллат ёки жамият йўқки, у ўзининг ривожланиш тарихида ва таракқиёт истиқболини белгилашда оила ва унинг атрофидаги муаммоларни, кадриятларини инобатга олмаган бўлса. Ҳар қандай истиқбол оиланинг манфаатларидан айро тасаввур қилинмайди. Зеро, ҳар бир инсон учун оила – бу умрнинг бошланиши, барча нарсаларнинг муқаддимасидир. Қолаверса, ҳар бир инсон ўз бахти ва саодатини, энг аввало, оиласи билан боғлайди, яъни ўз уйи, оиласида бахтли бўлган инсонгина ўзини тўлақонли бахтиёр ҳис этади.

Дарҳақиқат, оила – ҳар бир шахсда болалигидан бошлаб шаклланидиган инсоний фазилятлар, эзгу-истаклар, кадриятлар такомиллашадиган, минг йиллар давомида шаклланган ўзбек халқининг кадриятлари ва маънавий мероси равнақини таъминловчи тарбия масканидир. Бола шаклланишининг илк мактаби эса ота-онанинг ўзаро муносабатлари мажмуи ҳисобланади. Ота-она муносабатларида намоён бўлувчи ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик каби олий тоифадаги кадриятлар оилада ўзаро муносабатлар маромини вужудга келтиради. Оиладаги ушбу ижтимоий жараён ёш авлоднинг моддий олам, ижтимоий турмуш ҳақидаги тасаввурлари, нуқтаи назарлари, тушунчалари, дунёқарашлари ва шарқона одоб-ахлоқ қоидалари ва уларга амалиётда риоя этишнинг тўғри йўл-йўриқларини кўрсатади. Ёш авлоднинг маънавий қиёфаси, уларнинг хатти-ҳаракати, хулқ-атвори, дастлаб, оилавий муносабат маданиятида шаклланади.

Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган глобаллашув даврига келиб ҳам Ўзбекистон ўз истиқболи ва келажагини оилани ривожлантириш, уни эъзозлашда, деб билаётгани юқоридаги анъанавий кадриятларимизни янада бойитган ҳолда замонавий, намунали ва фаровон оилани барпо этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланганида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Юртимизда оила ва унинг шаклланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас, албатта.

Оила никоҳ асосида вужудга келадиган фароғат маскани бўлмоғи даркор. Уни юритишда илоҳий таълимотларга амал қилинадиган бўлса, у ҳақиқатда мустаҳкам ва бардавом бўлади. Бу йўлда ота-оналар томонидан қанчадан-қанча яхши ниятлар, хатти-ҳаракатлар бўлади.

Зеро, халқ оғзаки ижоди ва диний ғоялар XX аср Туркистон жадидчилигининг улкан намояндаларидан бири Абдурауф Фитрат «Оила» номли асарида фарзандлар тарбияси, қизлар ҳам илм олиш кераклиги ва бу соҳада ота-онанинг вазифалари, уйланиш ва уйланмаслик, уйланишда қандай хотин танлаш лозим, бўлажак эр-хотин, биринчи навбатда, нималарга эътибор бериши лозимлиги, эр-хотиннинг қандай яшамоклари хусусида оиланинг маишати ва идораси, эр хотинга хос сифат ва фазилятлар тўғрисида ҳаётий маълумотларга таяниб илғор ғояларни илгари суради. У «мил-

лат тақдири ана шу миллат вакиллари яшаган оиланинг ҳолатига боғлиқдир, каерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади», деб ёзди.

Шу ўринда, ҳар қанча аччиқ бўлмасин, очиқ айтиш керак, тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, кейинги пайтларда халқимизга хос бўлмаган айрим иллатлар – оилавий ажрашишлар, турли низоли вазиятлар, ишсизлик, оиладаги носоғлом муҳит, маънавий тушкунлик, эҳтиёжмандлик, жиноятга қўл уриш ҳолатлари каби омиллар нотинч, ноқобил, кемтик оилалар ва қатор ижтимоий-маънавий муаммоларни пайдо қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, соғлом оилагина ҳар томонлама камол топган фарзандларни дунёга соғ ва саломат келтириб, тўғри тарбия бериши мумкин. Боланинг саломатлиги, ақли, иқтидори, маданий савияси, касбий ва ҳарбий маҳоратидан энг аввало жамият, ўз навбатида, ота-она ҳам теппа-тенг манфаатдор. Ушбу манфаатдорликни ҳис қилган ота-онагина оиласида соғлом муҳитнинг барқарорлиги учун қайғуради. Чунки оиладаги соғлом маънавий муҳит, ота-онадаги соғлом турмуш тарзи кўникмалари боланинг соғлом бўлиб камол топиши ва тарбияланганлик даражасига таъсир кўрсатувчи жуда кучли омил ҳисобланади. Биз барча шарт-шароитларга эга бўлган лицейда ёки касб-ҳунар коллежида болага мукамал билим берсак, аммо у уйда ота-она ёки бошқа қариндош-уруғлари ўртасидаги келишмовчиликларнинг ёки носоғлом, зарарли одатларга ружу қўйган ота ёки она хатти-ҳаракатларининг гувоҳи бўлаверса, унинг қалбида, руҳиятида шундай ўзгариш келиб чиқиши мумкинки, бу уларнинг таълим муассасасида ўзлаштирган билимларини йўққа чиқариши, ҳамиша тушкун кайфиятда юришига сабаб бўлиб, охир-оқибат соғлиғининг ёмонлашиб кетишига асос бўлади. Чунки у руҳан эзилади, ҳимоя излайди, дардини кимга бориб айтишни билмай, эртаси куни яна мактабга келади, кайфияти ёмонлигидан бошига билим ҳам кирмайди. Нар и борса, истикболда отаси ёки онасининг саъй-ҳаракатларини қайтаради. Носоғлом турмуш кечиришни ўзига одат қилади, ичувчи, чекувчи бўлиб кетиши мумкин.

Шу маънода, ҳарбийлар оиласи ва ундаги маънавий қадриятларнинг ўзига хослиги ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Ҳар қандай оила инсоний муносабатлар мажмуи, ҳар қандай никоҳ икки инсон – эркак ва аёлнинг онгли қарорига асосланса-да, касб-кор ва яшаш тарзидаги ўзига хослик боис ҳарбийлар оиласининг бошқа турли оилалардан тафовутланувчи жиҳатлари мавжуд.

Биринчидан, ҳарбий хизматчилар оиласининг доимий, муқим яшаш жойлари бўлиши камдан-кам ҳолат бўлганлиги боис, уларнинг яшаш тарзи, оилавий қадриятларида ҳам доимийлик бўлмайди.

Иккинчидан, ҳарбий хизматчилар оиласида вояга етаётган болаларнинг тенгқурлари гуруҳи, устоз-мураббийлар гуруҳи ҳам тез-тез алмашиб турганлиги боис, уларнинг психологиясида ҳам муайян ўзгаришлар кузатилади.

Учинчидан, болаларнинг ва аёлларнинг ҳарбий гарнизонларда яратилган шарт-шароитларга мослашиши муаммоси ҳам мавжуд. Аслида, шароитлар яхши ва етарли бўлгани билан айнан шу икки тоифага маҳалла аҳли ва жамоасининг етишмаслиги уларнинг хулқ-атворида намоён бўлади.

Тўртинчидан, чегара ҳудудларида истиқомат қилаётган ҳарбий хизматчилар оиласининг ҳам ўзига хос муаммолари бор. Ушбу ҳудудларда туб аҳоли билан мулоқот қилиш баъзан чекланиши ҳарбийлар оиласи аъзоларида мулоқот тақчиллигини келтириб чиқаради.

Бешинчидан, ҳарбий хизматчилар оиласига қатор имтиёз ва қулайликлар берилгани боис, уларнинг ҳаёт тарзида ўзига хослик мавжудки, бу, ўз навбатида, ҳарбийлар оиласининг репродуктив, тиббий, ҳуқуқий маданиятининг бошқа тоифа оилаларидан афзаллигини кўрсатади.¹

Шу ўринда таъкидлаш керакки, гарнизонларда, ҳарбийлар шаҳарчаларида ёшларнинг соғ ва саломат вояга етиб, никоҳга киришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ёшлар ўсмирлик ва илк ўспиринлик даврларидаёқ тиббий кўрикдан ўтиш ва ўз саломатлигини учун қайғуришга ўрганишади. Чунки ҳарбийларнинг ўз поликлиникалари, профилактик тиббий масканлари бор ва ҳарбийлар белгиланган режа асосида мунтазам тиббий кўрикдан ўтказилади. Табиийки, тиббий саводи яхши бўлган ҳарбий ота-оналар бу борада фарзандлари билан ўз вақтида тушунтириш ишлари олиб боришади, айниқса, қизларининг саломатлигига алоҳида эътибор беришади. Чунки ҳарбийларнинг насл-насаби маълум – авлод наслан тоза ва саломат бўлиши кераклиги барчага аён. Бу борада ҳарбийлар оила қурганларида, биринчи навбатда, никоҳ олди тиббий кўрикдан ўтиш тўғри-

¹М.Эргешов. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилавий муносабатларнинг психодиагностикаси. Ўқув қўлланма, Чирчик, 2017.

сидаги низом ва бу ҳақдаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори мазмунини олдиндан билишлари ва тиббий кўриқдан ўтишлари шарт. Никоҳгача тиббий кўриқдан ўтганлар, диспансеризация кўригидан ўтиб, ўз соғлиғи тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлганлар никоҳга кирсалар, уларнинг оиласи ҳам келгусида, албатта, мустаҳкам бўлади. Айнан шу масалада ҳарбий хизматчилар оиласи бошқаларга ўрнак бўлмоғи лозим.

Хулоса қилиб оиланинг туб моҳияти ҳақида қуйидаги фикрларни келтириш мумкин. Оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор. Оила – авлодлар давомийлиги, қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналарни, қолаверса, халқимиз маънавий меросининг авлоддан-авлодга ўтишини таъминлавчи омилдир. Шу туфайли оилани қўллаб-қувватлаш масаласи давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида турибди.

Омонтурдиева Шоира (ТерДУ докторанти) МАТННИНГ ФОНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. *Мазкур мақолада ўзбек диний матнларнинг лингвистик ва экстралингвистик ҳамда фонетик хусусиятлари ҳақида илмий фикр юритилган. Диний матнларнинг оғзаки кўринишлари тасниф этилиб, улардан асосийси фоностилистик таҳлил этилган. Оғзаки диний матннинг айрим просодик воситалари махсус экспериментал кузатуvidан ўтказилган. Бу орқали унинг фонетик ва фоностилистик хусусиятлари очилган. Айни жиҳатлар диний матнларнинг услубий белгиларини аниқлашда муҳимдир.*

Аннотация. *В данной статье приведены научные мнения о лингвистических, экстралингвистических и фонетических свойствах узбекского религиозного текста. Классифицируется устная форма религиозного текста, основная часть из них анализируется фоностилистическим способом. Отдельные просодические средства устного религиозного текста специально проанализированы экспериментальным наблюдением. В результате выявлены фонетические и фоностилистические свойства религиозного текста. Такие свойства играют особую роль в уточнении методологических признаков религиозного текста.*

Annotation. *There has been given scientific opinion about linguistic and extralinguistic as well as phonetic features of Uzbek religious texts in this article. Verbal appearances of religious texts are classified, the main ones of them are phonostylistic appearances. Some prosodic means of verbal religious text have been undergone special experimental observation. Its phonetic and phonostylistic features were revealed by this way. Existent aspects are important in determining the methodological features of religious texts.*

Калим сўзлар: *диний матн, фоностилистика, экстралингвистика, интонация, частота, ургу, герц, намоз, имом, амру маъруф.*

Ключевые слова: *религиозный текст, фоностилистика, экстралингвистика, интонация, частота, ударение, герц, намаз, имам, амр-у маъруф (проповедь).*

Key words: *religious text, phonostylistics, extralinguistics, intonation, frequency, accent, hertz, namaz, imam, amru maruf.*

Ўзбек тилининг барча функционал услублари тизимида диний услуб аломатлари ҳам мавжуд. Бу унинг алоҳида лингвистик ва экстралингвистик хусусиятларга эга эканлиги билан изоҳланади. Тилнинг лингвистик ярусларидаги воситалар бу услубга дахлдор матнларда ҳам ўзининг умумий ва фарқлиб турувчи жиҳатлари билан иштирок этади ва бунга, маълум маънода услубнинг шаклланишидаги экстралингвистик омиллар сабаб бўлади. Ушбу фикрлар оғзаки диний матнларнинг фонетик структурасига ҳам тегишли. Диний услубда ёзилган матнларнинг диахроник ва синхроник таҳлили уларнинг ёзма шаклида ҳамиша давр адабий тили меъёрларига амал қилиб келинганлигини кўрсатади. Ушбу матнларнинг оғзаки шакли эса стилистик жиҳатдан кузатишларга лойиқ. Ҳар қандай оғзаки нутқни юзага келтиришдан мақсад тингловчига муайян таъсир кўрсатиш билан боғлиқ экан, жараёни нутқнинг услубий товланишларидан ташқарида таҳлил этиб бўлмайди.

Диний матннинг оғзаки кўриниши намоён бўладиган энг оммабоп аудитория – бу намоз, айниқса, жума ва жаноза намозларига тўпланган жамоадир. Одатда, бундай йиғинларда амри маъруф



қилинади. Бу амри маъруфлар матни фонетикасига илмий ёндашув кузатувчига нима бериши мумкин? Биз бу саволга диний нутқда мавжуд бўлган алоҳида лингвистик хусусиятлар ҳақидаги тасаввуримизни бойитади, тушунчамизни кенгайтиради, нутқнинг ушбу кўриниши қандай бўлиши лозимлиги ҳақида назарий хулосалар ва амалий тавсиялар беришга кўмаклашади, деб жавоб берамиз. Диний нутқнинг ушбу турида уламоларнинг адабий тил меъёрларига риоя қилишга интилиши яққол сезилиб туради. Мана шу жиҳатларига кўра, бу нутқ услуби расмий, илмий ва публицистик матнлар услуби билан муштараклик касб этади.

Фикримизнинг исботи учун 2018 йилнинг 14 сентябрь куни «Рухобод» масжидида жума намози олдидан қилинган амри маъруф фонетик таҳлил қилинди. Бунда «Мулоқот жараёнида просодик воситаларнинг лингвопрагматик хусусиятлари» мавзусида тадқиқот ишлари олиб борган филология фанлари бўйича фалсафа доктори М.Газиеванинг экспериментал дастуридан ва ёрдамидан фойдаланилди.¹

М.Газиева таъкидлаганидек, «Нутқий мулоқотда мелодика асосий овоз тони частотаси ўзгаришидаги кўтарилувчи, пасаювчи ва текис тонлар кесимида герцга асосланган акустик параметрлар орқали гапнинг коммуникатив типларини шакллантиради, бундан ташқари, урғунинг дицебал миқдорига асосланган интенсив ҳаракати ҳам нормал, секин ва эмоционал (меъёрдан ортиқ) нутқ каби ифода типларини фарқлайди».²

Дарҳақиқат, маъруза муаллифи нутқ жараёнида талаффуз меъёрларига жиддий эътибор берганлиги кузатилди. Ҳар битта сўзни дона-дона қилиб, шошмасдан айтиши, кераклисига махсус урғу бериши, керакли ўринда оҳангни пасайтириб, зарур бўлганда, кучайтириб боришида унинг нотиклик маҳорати яққол намоён бўлганлиги кузатилди. Шу ўринда, Ҳ.Жамолхоновнинг «Нутқда овознинг (тоннинг) баланд-паст тарзда тўлқинланиши мелодикани юзага келтиради» деган фикрини эслаш жоиз. Чунки «мелодика... гапнинг ифода мақсадига ёки эмоционалликка кўра турларини белгилашда, синтагмаларни, кириш сўз ёки киритма гапларни ифодалашда муҳим восита саналади».³



Нутқ фонетик манзарасининг компьютер ёрдамида олинган диаграмм кўриниши қуйидагича:
Бу банд ким эди, Аллоҳим!



¹ Газиева М.М. Мулоқот жараёнида просодик воситаларнинг лингвопрагматик хусусиятлари. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф., Тошкент, 2018.


² Газиева М.М. Шу манба. 23-бет.

³ Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. Тошкент, «Фан», 2009, 81–82-бетлар.




Диаграммадан маълум бўладики, *ким* сўзи 199 гц. мелодик чўкки билан талаффуз қилинган ва урғунинг интенсив ҳаракати *Аллоҳ* сўзига келганида 75,28 дБ.га тушган. Бу нутқнинг таъсирли бўлиши учун энг керакли ва муҳим ҳисобланган сўзга урғу берилганлигидан, нутқ муаллифи гапдаги айнан *ким* ва *Аллоҳ* сўзларини ана шундай бирликлар сифатида таъкидлаганлигидан далолат беради.


Навбатдаги мисол ҳам фикримизни тасдиқлайди:




Диаграммада *Аллоҳ*, *Парвардигори олам*, *бу бир азиз банданинг*, *ўзинг яратган бир азиз инсоннинг боши экан* экан гапининг акустикаси акс этган. Унда сўзларнинг амплитудасини куйидаги график асосида изохлаш мумкин:



Мана бу диаграммадан эса товуш тебраниши амплитудасининг апогейида турган сўз – *бу* нинг талаффузи 86,18 дб. бўлганлиги акс этади.



Унинг график кўриниши эса қуйидагича:



Гапдаги *Парвардигори олам* жумласининг талаффуз перигейи 9,412 дб.га тушиб кетган. Аслида, у матнда ундалма вазифасида келган *Аллоҳ* сўзи билан бир хил қийматга эга, яъни у ҳам ундалма. Иккаласи биргаликда қаватланган ундалмани ташкил этмоқда. Шундай экан, уларнинг талаффуз частотаси ҳам бир хил бўлиши лозим эди. Одатда, биз ҳам унинг ёзувдаги ифодасини шундай қабул қиламиз.

Аммо компьютер ёрдамида амалга оширилган фоноакустик кузатишлар бу фикрни тасдиқламапти. Бу икки ундалма бир хил даражада талаффуз этилмаганлигини кўрсатмоқда. Биринчи ундалма юқори, иккинчиси ундан паст даражада айтилиб, ифодада нутқ темпининг тушиб кетганлигини тасдиқламоқда. «Нега бундай бўлди?» деган саволга фақат фоностилистик таҳлилгина жавоб бера олади. Кузатишлардан маълум бўладики, мазмунан ва лексик-грамматик жиҳатдан бир хил қийматга эга бўлган бу ундалмалар фақатгина эшитиш ва ҳис қилиш¹ жараёнида сезилиши мумкин бўлган муайян стилистик фарқларга эга. Нутқ муаллифи *Аллоҳ* сўзини кучли ҳаяжон билан айтган,

¹ Буни Ҳ.Жамолхонов «перцептив аспект» деб атаган; Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. Тошкент, «Фан», 2009, 81–90-бетлар.

Парвардигори олам жумласига келганда, оний тезликда вазият ўзгарган – талаффуз темпининг пайишида ҳам ҳаяжоннинг давомлилиги, ҳам юзага келган руҳий изтироб ифодаланган. *Аллоҳим ва Парвардигори олам* дан кейинги пауза нутқ муаллифининг ҳолатини аниқ акс эттирувчи далиллар ҳисобланади. Уларнинг талаффузидаги фарқ бизнинг ана шундай фикрга келишимизга имкон берди. Мана шу тарздаги экспериментал кузатишлар ва аудиоёзувни эшитиш ёрдамида имом Т.Амиров нутқининг айрим просодик жиҳатлари ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин бўлади.

Бунда, албатта, экстралингвистик омил – аудиторияни эътиборга олишга тўғри келади. Чунки аудитория диний эътиқод жиҳатдан бирлашган, аммо дунёқараши ва ёши жиҳатдан турлича бўлган кишилар жамоасидан иборат. Мана шунга кўра, амри маъруф қиладиган уламнинг олдида барча учун тушунарли нутқ сўзлаш талаби қўйилади. Аммо бунга ҳамма вақт ҳам эришиш осон кечмайди. Айтайлик, Куръони карим ёки Ҳадиснинг араб тилидаги матнини аниқ ва раво талаффуз этиш, давомида эса ўзбекчага ўгириш ҳамда унинг изоҳини бериш нотикдан чуқур билим ва маҳоратни талаб этади. Маърузада бу талабларга жиддий эътибор қилинганлик сезилиб туради. Бу, биринчи навбатда, сўзларни шошилмасдан, дона-дона қилиб талаффуз қилишда, сўзга урғу беришга ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндашилганликда кўринади. А.Ғуломовнинг ўзбек тилида логик урғу, бошқа кўпгина тиллардаги каби фикрий жиҳатдан аҳамиятли бўлган элементни ажратиш учун хизмат этади. Бу ажратиш, умуман, ўша элементнинг кучли айтилиши биландир. Бу кучайиш ўша элементнинг сўнгги бўғинида ўзининг энг юксак нуқтасига этади, деган фикрларининг¹ амалдаги исботи ана шу нутқда кўринади. Мана бу *Жума намози бу мискинларнинг ҳажжи деб айтганлар Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам). Ҳажжа боролмагандим, соғлигим бўлмайди, деганларнинг ҳажжи, пулим бўлмади, пулим бўлганда борардим деганларнинг ҳажжи бу, имкониятим бўлмади, имкониятим бўлганда бораман деганларнинг ҳажжи бу* парчасидаги мискинларнинг, деганларнинг сўзлари ана шу мантиқий урғу олган элементлардир.

Ҳар қандай оғзаки матн ижросида мантиқий урғу билан биргаликда эмоционал урғу ҳам иштирок этиши табиий бир ҳолдир. Чунки ҳар қандай нотик ўз нутқининг адресат томонидан тўлалигича ўзлаштириб олишини истайди ва бунинг учун, нутқий таъсирчанликнинг ўзи билган барча воситаларини ишга солади. Қуйидаги *Ўзингиз билмайсиз, биродарлар! Бугун ихлос билан, муҳаббат билан жума намозингизни ўқисангиз, шундай ўрнингиздан турганингизда, ёинки мана шу даргоҳнинг эшигидан чиққанингизда, ёинки жойнамозингиздан шундай қимирлаб турганингизда Аллоҳнинг фаришталари намои аъмолингизни очади* жумласининг бошланишига эътиборимизни қаратамиз. Муаллиф иккинчи гапга адресатнинг диққатини тортиш учун эмоционал урғу, яъни эмфатик урғуни биринчи гапга – *Ўзингиз билмайсиз, биродарлар* га, ундаги *билмайсиз* сўзига берган. Матнда урғуни *билмайсиз*га тушириш билан нотик намозхонларнинг диққатини ўзига жалб қила олган, уларда, айтайлик, *нимани билмас эканмиз*, деган савол пайдо қила олган. А.Ғуломов айтганидай, «... урғунинг охирдан кўчирилиши эмоционаллик оттенкаси билан боғланган».²

Фонологик таълимот асосчиларидан бири Н.С.Трубецкой нутқда сўзловчига тавсиф беришга хизмат қиладиган барча воситалар экспрессивликка ҳам хизмат қилишлигини ва бу воситалар турли-туман бўлиши мумкинлигини айтган. Ана шу воситалар тизимида суперсегмент элементлар иштирокида юзага келадиган гап мазмунининг, ундаги эмоционал-экспрессив жиҳатларнинг ифодаланишида муҳим роль ўйнайдиган оҳангнинг роли катта бўлади.

Маърузада оҳанг ана шундай аҳамият касб этганлигини ярим соатлик маърузада 20 марта қўлланган ундалма – *биродар* сўзининг фонетик таҳлили орқали кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Биринчи навбатда, шунча микдордаги гап таркибида сўзнинг қўлланиш амплитудаси бир хил бўлмаганлигини пайқаймиз. Унга ёки ёнидаги сўзга тушган урғу бу бирликнинг талаффуз оҳангини ўзгартиради – унинг юқорилаб ёки пасайиб туришига олиб келади. С.Каримов таъкидлаганидек, «Мелодик кўтарилиш ва пасайиб туришлар табиий нутқ, яъни сўзлашув нутқига хос хусусият саналади. Унинг монотон бўлиши кийин. Бу вазиятга сўзловчининг индивидуал манераси ҳам, нутқий вазият ҳам таъсир кўрсатиши мумкин».³ Бу, ўз навбатида, ифода мазмуни ва экспрессиясига таъсир кўрсатади. Масалан, *Мухтарам азизлар, мўмин-мусулмон, ака-ука, ёру биродарлар!* гапида *азизлар, мўмин-мусулмонлар, ака-укалар, ёру биродарлар* элементлари нафақат грамматик, балки

¹ Жамолхонов Х. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. Тошкент, «Фан», 2009, 30-бет.

² Ғуломов А. Ўзбек тилида урғу. Айюб Ғуломовнинг илмий мероси. 5-китоб, Тошкент, ЎзМУ нашри, 2009, 6-бет.

³ Каримов С. Ўзбек тилининг фонетик стилистикаси. Самарқанд, 2016, 32-бет.

фонетик жиҳатдан бир хил қийматга эга. Уларнинг ўзаро уюшиб келиши бир хил оҳангда талаффуз этилишини тақозо этади.

Гарчи, шаклан транспозицияси бир-бирига ўхшаш бўлса-да, қуйидаги *Бугун мана сизга Исо алайҳиссалом воқеасини айтиб турибмиз, ҳеч нарса адабий эмаслигини албатта фикр қилайлик, биродарлар!* гапи таркибидаги *биродарлар*нинг оҳанги мутлақо фарқ қилади. Ўзидан олдинги *қилайлик* сўзидаги *-лик* қўшимчасининг даъват оттенкаси *биродарлар*нинг фоностилистик ролини кучайтиради. Асосий диққат *қилайликка* эмас, *биродарларга* кўчирилади.

Мана шу ўринда Ҳ.Жамолхоновнинг «интонация оғзаки нутқнинг мажбурий фонетик компонентидир, усиз гап ёки нутқ шакланмайди ва ифодаланмайди», деган фикрини эслаш жоиз бўлади.¹ М.Миртожиевнинг «интонациянинг эмоционал асоси гап мазмуни билан боғли бўлиши шарт эмас. Мана шунда эмоционалликни юзага чиқариш вазифаси фақат интонацияда қолади»,² деган фикри эса муҳим просодик элемент сифатида оҳангнинг фоностилистик аҳамиятини янада ойдин ифода этади. Зеро, юқоридаги маъруза нафақат мазмун, балки просодик жиҳатдан ҳам юксак диний-маърифий нутқ намунаси бўла олади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, кейинги йилларда жаҳон тилшунослиги (Н.С.Трубецкой, К.О.Сапарова) ва ўзбек тилшунослигида А.Ғуломов, А.Абдуазизов, Н.А.Баскаков, А.С.Содиқов, А.Нурмонов, Э.Бегматов, Ҳ.Жамолхонов, Н.Маҳмудовлар амалга оширилган тадқиқотлар туфайли ўзбек фонетикаси ва фонологияси назарий асосга қўйилди, Э.Қиличев, С.Каримов, Г.Яхшиева, А.Ҳайдаровлар тадқиқотлари билан унинг фоностилистика соҳаси ривожлантирилди. М.Ҳакимов ва В.Жабборовлар нутқ товушлари стилистикасини статистик метод асосида ўрганишган бўлса,³ фоностилистик тадқиқотларда экспериментал фонетика ёрдамида олинган натижалар биринчи планга қўйилган М.Миртожиев ва М.Ғазиеваларнинг тадқиқотлари ўзбек тилшунослигида мутлақо янгилик сифатида эътироф этилди. Диний матнлар таҳлиliga фоностилистик ёндашув ўзбек тилида диний услуб мавжудлиги ҳақидаги қарашнинг илмий асосга, ҳар қандай диний матн, жумладан, амри маъруфлар ҳам ушбу услубга хос умумий белгиларга, айни пайтда, унинг нутқ муаллифига боғлиқ бўлган индивидуал хусусиятларга эғалигини ҳам кўрсатди.

Агзамова Дилдора Баҳодиржоновна (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Қиёсий тилшунослик кафедраси доценти, филология фанлари номзоди, draimjomova@mail.ru)
ХОТИРА ФЕНОМЕНИНИНГ КОГНИТИВ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада хотира феномени ҳамда унинг когнитив жиҳатлари ўрганилади. Жаҳон олимларининг хотира билан боғлиқ қарашлари таҳлил қилинган. Хусусан, когнитология, психология, тилшунослик ва бошқа фанлар диққат марказида хотира талқини ҳамда унинг турлари борасидаги илмий қарашлар туради.

Аннотация. В статье исследуется понятие памяти и ее когнитивные аспекты. Проанализированы научные взгляды на память мировых ученых. В частности, научное внимание к интерпретации памяти и ее типам в когнитологии, психологии, лингвистике и других науках находится в центре исследований.

Annotation. The article deals with the concept of memory and its cognitive aspects. There have been done analysis of the problems of memory by world scientists. In particular, the scientific attention to the interpretation of memory and its types in cognitive science, psychology, linguistics and other subjects is at the center of research.

Калим сўзлар: хотира, хотира назарияси, хотира фаолияти, маданий хотира.

Ключевые слова: память, теория памяти, деятельность памяти, культурная память.

Key words: memory, memory theory, memory activity, cultural memory.

Хотира бу ўтган воқеаларни қайд этиш ва қайта тиклашдир. Хотиранинг физиологик асоси бўлиб асаб тизимининг ўзида ташқи муҳит воқеалари организмнинг бунга бўлган реакцияси ҳақидаги ахборотни йиғиб, сақлаши ва уни бир неча бор қўллаш ҳисобланади.⁴

¹ Жамолхонов Ҳ. Ўзбек тилининг назарий фонетикаси. Тошкент, «Фан», 2009, 170-бет.

² Миртожиев М. Ўзбек тили фонетикаси. Тошкент, «Фан», 2013, 351-бет.

³ Ҳакимов М., Жабборов В. Поэтик нутқда товушларнинг хосланишига доир. «Ўзбек тили ва адабиёти», 2006, 4-сон.

⁴ Новейший энциклопедический словарь. Москва, «Астрель», 2006, 1424 с.

Фалсафий энциклопедик луғатда берилган таърифга кўра, хотира идрок қилиш ва тасаввурларни бошдан кечирилгандан сўнг сақлаб қолиш қобилиятидир. Хотира, шунингдек, ахборот сақланадиган жой маъносида ҳам қўлланилади. Ўйлай оладиган мавжудот учун тасаввурдан кейинги ўринда хотира туради. Хотиранинг роли шунчалик муҳимки, у иштирок этмаган жойда қолган барча инсоний қобилиятлар фойдасиз бўлиб қолади. Тасаввур жараёнида, хулоса чиқариш ва билиш жараёнларини хотирасиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Хотира назариясига биноан, ҳар бир кечинма мия яримшарларида «из» қолдириб, хотира факатгина шу «излар» ва янги кечинмалар ўртасида боғлиқлик бўлгандагина фаоллашади.¹

Хотира кўпжihatли тушунча ҳисобланиб, онтологик мавқеи бўйича онг ва кўнгил хусусиятлари, семиотик мавқеи бўйича «концептуал хотира»,² мантикий асосда ахборотни сақлаш, психологик мавқеи жиҳатидан эса дунёни идрок қилиш қобилияти сифатида талқин қилинадиган ҳолатдир.

Хотира ҳодисаси нафақат фалсафа, психологияда, балки нейробиология ва физиология каби тиббиёт соҳаларида ҳам у кенг ўрганилади. Физиология соҳасида мия фаолиятини ўрганишда хотирани чеклаб ўтиб бўлмайди.

Хотира фаолиятининг бузилиши ҳақидаги тасаввурлар фанда азалдан маълум бўлиб, бу бузилишларни ўрганиш назарияси ва методлари тиббиётда XIX асрдан юзага кела бошлади. Бугунги кунга келиб, буларга қуйидагича умумий таъриф бериш мумкин: хотирани йўқотиш мия фаолияти билан боғлиқ бўлса ҳам, миянинг органик шикастланишисиз ҳам юзага келиши мумкин ва ҳар доим ҳам аклизайфлик билан кечавермайди.

З.Фрейднинг тажрибалари шуни кўрсатдики, ҳақиқатда ҳам, хотирани йўқотиш ўта таъсирчанлик натижасида келиб чиқади.³

Л.Г.Воронин ва бошқа олимларнинг фикрига кўра, хотира эслаб қолиш ва таассурот қолдирган нарсани эса сақлаш, қайта эсга тушириш ва олдин тажрибамиздан маълум бўлган нарсаларни қайта эшлаш ҳамда инсон ҳаётидаги баъзи бир керак бўладиган ҳолатларни эсдан чиқариш каби жараёнларда юзага чиқади.⁴

Когнитология фанининг нуқтаи назаридан «хотира» тушунчаси билиш тушунчалари қаторига киритилади. Е.С.Кубрякова ва бошқаларнинг «Краткий словарь когнитивных терминов» луғатида *хотира* (memo; Gedachtniss) борлиқ ва ўзи ҳақидаги ахборотни сақлаб қолишнинг когнитив қобилиятидир. Бунда тажриба ва билимларни аниқ «излар» (энграммалар) сифатида сақлашни, яъни инсонга турли йўллар билан қабул қилинган ахборотни ягона системага жамлаб, бу билимлардан фойдаланишни енгиллаштириш демакдир. Хотира инсон тафаккури ва онгининг асосий қисми ҳисобланиб, инсон ҳаётида керак вақтда ундаги эшитилган ва кўрилган, ҳис этилган ва фикр қилинган воқеаларни хотирлашдир: “Память” – когнитивная способность удерживать в голове информацию о мире и о самом себе, сохранять накопленный опыт и знания в виде определенных “следов” (энграмм) – когнитивных и ментальных репрезентаций как определенных структур представления знаний и оценок, упорядочивать весь этот массив знаний, чтобы облегчить легкий доступ к нему, “складировать” и систематизировать все сведения, пришедшие к человеку по разным каналам и в известной мере интегрировать их в единую систему для простоты оперирования и манипулирования имеющейся информацией”.⁵

Ўтган асрнинг 60-йиллари охирида когнитив фаннинг оёққа тураётган даврида иккиламчи ҳолат юзага келди: бир томондан, хотира ҳақида деярли ҳамма нарса маълум эди, бошқа томондан эса хотира тўғрисида ахборотнинг кўплиги ва уни тушунишда қўлланилган ёндашувлар ва унинг талқинлари хилма-хиллиги сабабли хотира ҳақидаги ягона систематик назарий қарашни ташкил қилиб бўлмади.

Е.С.Кубрякова таъкидлаб ўтганидек, кўпгина олимлар хотира турлари кўплигини кўрсатиб ўтишган. Шу сабабли хотирани ўрганиш турли ёндашувлар билан амалга оширилади. Ч.Осгуд марказий асаб системасининг асосий механизмларини кўрсатиб ўтар экан, лексикон, оператор, буфер

¹ Философский энциклопедический словарь. М., “Инфра”, М., 1999, 330 с.

² Степанов Ю.С. Константы. Словарь русской культуры. Опыт исследования. М., “Языки русской культуры”, 1997, 699 с.

³ Тот же. 824 с.

⁴ Воронин Л.Г. и др. Физиология высшей нервной деятельности и психология. 3-е издание, перераб. М., “Просвещение”, 1984, 140 с.

⁵ Кубрякова Е.С., Панкратц Ю.Г., Демьянков В.З. Краткий словарь когнитивных терминов. М., 1996, с. 114.

билан бир қаторда, хотирани кўрсатади, аммо у шу ўринда бу механизмларнинг барчасини хотиранинг турлари, деб ҳисоблайди.¹

Е.С.Кубрякованинг «Краткий словарь когнитивных терминов» луғатида келтирилган таъриф бўйича «Хотира борлиқ ва ўзлик ҳақидаги ахборотни мияда сақлаш сифатидаги когнитив қобилият бўлиб, билим ва баҳоларнинг структуравий тасаввурини когнитив ҳамда ментал репрезентациялар сифатида сақлаш, турли манбалардан қабул қилинадиган ахборотни кўллаш қобилиятидир. Хотира термини аввалги таассуротлар ва билимларни нутқ орқали ифода этиш ва эслаб қолиш деган маънони билдиради».²

1969 йилда когнитив фани эндигина вужудга кела бошлаган даврда, Дж.Миллер хотиранинг олти хил модели мавжудлигини ва улар психология ва психоллингвистикада ўрганилиши зарур эканлигини таъкидлаб ўтган.³ А.А.Леонтьев эса хотирага шундай таъриф берган: «Хотира ҳақидаги бор билимларни жамлашнинг имкони йўқ, чунки бунинг икки сабаби бор, яъни материалнинг хаддан ташқари кўплиги ва хотира назарий талқинларининг хилма-хиллигидир».⁴

Ўзбек психологи Э.Ф.Ғозиевнинг таърифича, «Хотира атроф-муҳитдаги воқеликни бевосита ва билвосита, ихтиёрсиз ва ихтиёрий равишда, пассив ва актив ҳолда, репродуктив ва продуктив тарзда, вербал ва невербал шаклда, мантиқий ва механик йўл билан акс эттирувчи эса олиб қолиш, эса сақлаш, қайтадан эса тушириш, унутиш ҳамда таниш, эслашдан иборат рухий жараён, алоҳида ва умумийлик намоён қилувчи ижтимоий ҳодиса, барча таъсиротларни ижодий қайта ишлашга йўналтирилган мнемик фаолиятдир».⁵

Хотира тилшунослик ва маданият соҳасида марказий тушунча ҳисобланиб, турли хил фан соҳаларида изланишлар олиб борувчи олимларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда. «Тарихий хотира» асари муаллифи, тадқиқотчи П.Норанинг фикрича, хотирага бўлган бугунги кундаги қизиқишнинг асосий сабаби вақтнинг шиддатли ўтиб бориши туфайли инсонларнинг ташвишга тушаётганидир.⁶

Ян Ассман эса маданий хотира тушунчасини муҳокама қилар экан, у уч омилни ажратиб кўрсатади:

а) сохта хотиранинг вужудга келиши, яъни ташқи ахборотни ўзида сақловчи янги электрон мосламаларнинг ихтиро қилиниши маданий революция даврига қадам қўйганлигимиздан далолат беради;

б) оғир жиноят ва ҳалокатлар гувоҳлари ҳаётдан ўтиб кетмоқда, шу билан бирга, жамият хотираси йўқолиб бориш арафасида, шунинг учун ўтмиш ҳақидаги маданий хотира шакллари долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.⁷

XX асрга келиб фотография, кино, овоз ёзиш каби ўтмиш ҳақидаги фрагментларни визуал ва акустик тарзда сақлаш воситалари яратилди. Биология соҳасидаги кашфиётлар ва компьютер технологиялари борасидаги ривожланишлар ахборот алмашиш ва уни эса сақлашнинг янги шакллари яратди. Хотира тарихчи, файласуф ва социологларнинг таҳлил доирасига киритилди.

Ҳозирда хотира термин ёки унинг таркибий қисми сифатида турли хил кашфиётлар соҳасига киритилган. Хотирани социолог, антрополог, тарихчи, семиотик, файласуф, биолог, адабиётшунос, ҳатто компьютердан фойдаланувчилар қўллашади. Хотира терминининг бирикмалари миқдори ҳам кўпайиб бормоқда: жамоат хотираси, компьютер хотираси, сўз хотираси, тил хотираси, тарихий хотира; хотира – ижтимоий институт сифатида, хотиранинг институционал функцияси ва ҳ.к.

Тилшуносликда ҳам хотира тушунчаси алоҳида ўз ўрнига эга. Унда хотиранинг семантикаси ва концептуализация усуллари кенг ўрин эгаллаган. Тилшуносликда хотира маълум миқдорда фразеологизмларда ва метафорик ибораларда акс этган. «Хотира» концепти нафақат идиомалар, балки масал-маталлар, мақоллар ва афоризмлар таркибида қўлланади ва унинг бу жиҳати паремиология-

¹ Шу манба. 158-бет.

² Шу манба. 115-бет.

³ Miller G.A. The organization of lexical memory: Are word associations sufficient? The pathology of Memory. New York, 1969, p. 223 –236.

⁴ Леонтьев А.А. Психоллингвистические единицы и порождение речевого высказывания. М., «Наука», 1969, с. 177.

⁵ Ғозиев Э.Ф. Хотира психологияси. Т., «Университет», 1994, 3-бет.

⁶ Nora P. Les Lieux de memoire. <https://tspace.library.utoronto.ca/citd/holtorf/2.6.html>.

⁷ Ассман Ян. Культурная память. Письмо, память о прошлом и политическая идентичность в высоких культурах древности. Москва, «Языки славянской культуры», 2004, 368 с.

да ўрганилади.

С.С.Магазовнинг «Когнитивные процессы и модели» монографиясида таърифланишича, хотиранинг уч асосий тури мавжуд – образли, мантикий-концептуал (сўз-мантик) ва мотор хотира. Бундай фаркланишни ҳамма олимлар ҳам қўллаб-қувватламайди, шунинг учун ҳам бу гипотезанинг ягона экспериментал далиллари йўқ.¹

Э.Ғ.Ғозиев хотиранинг қуйидаги турларини фарқлайди:

1. Руҳий фаолиятнинг фаоллигига кўра, хотира қуйидаги турларга бўлинади;

А) ҳаракат ёки мотор ҳаракатлар хотираси;

Б) образли хотира;

В) ҳис-туйғу ёки ҳиссиёт хотираси;

Г) сўз-мантик хотираси.

2. Руҳий фаолиятнинг мақсадига биноан:

А) ихтиёрсиз;

Б) ихтиёрий;

В) механик.

3. Руҳий фаолиятнинг давомийлигига кўра:

А) қисқа муддатли;

Б) узок муддатли;

В) оператив (тезкор) хотира.

4. Руҳий фаолият қўзғалувчисининг сифатига кўра:

А) мусикий;

Б) эшитиш хотираси.

5. Руҳий фаолиятнинг инсон йўналишига кўра:

А) феноменал;

Б) касбий.²

Ҳаракат хотираси тури деб турли ҳаракатлар ва уларнинг бажарилиши тартиби, тезлиги, суръати, изчиллиги ва бошқаларни эсда қолдириш, мустаҳкамлаш, эсга туширишдан иборат хотира турига айтилади. Бу хотира тури инсонларда энг кўп учрайди. Жисмоний чакқонлик, меҳнатдаги маҳорат, зийрак кўзлар, эгилувчанлик ва кузатувчанликка барқарорлик ҳаракат хотираси мавжудлигининг аломати ҳисобланади. Тафаккурда бу тур хотиранинг намоён бўлиши шакллари таҳлил қилинади, А.Н.Леонтьев «инсонларда ҳаракат таъсири кўриш туйғуси орқали кодланади» – деган фикрни берган.³

Ҳис-туйғу хотираси руҳий кечинмалар, ҳиссиётлар қандай қондирилаётгани, атрофдаги нарса ва ҳодисалар хусусиятини инсон қай тарзда англаётганидан доимо хабар бериб туриш имкониятига эга. Борлиқдаги воқеа ва ҳодисалар инсоннинг муносабатидан келиб чиқадиган ёқимли ҳамда ёқимсиз кечинмаларни эсда қолдириш, эсга туширишдан иборат хотира тури ҳиссий хотира туридир.

Ҳиссий хотира ўзининг вужудга келиши хусусияти, тезлиги, динамикаси, давомийлиги билан хотиранинг бошқа турларидан фарқ қилади. Ижобий ва салбий ҳис-туйғулар изсиз йўқолмайди, балки аниқ бир шароитларда эсда қолади ва қайта эсга тушади. Назарий психологияда қарама-қарши фикрлар мавжуд бўлиб, инсоннинг ҳиссиётларидан қай бири кўпроқ эсда қолиши ҳалигача ечилмаган муаммо бўлиб келмоқда. З.Фрейд концепциясига биноан, ижобий ҳис-туйғулар эсда қолиб, салбийлари хотирадан ўчирилган экан.⁴ С.П.Рубинштейннинг фикрича эса ҳиссиётнинг даражасига кўра кучлироқ ҳиссиётлар яхшироқ эсда қолади, ёқимли ёки ёқимсиз ҳис-туйғулар аниқ бир вазиятда муҳимлиги даражасига қараб эсда қолади.⁵

Образли хотира эса тасаввурлар ва турмуш манзаралари, шунинг билан бирга, товушлар, таъмлар, ранглар, шакллар билан боғлиқ бўлган хотира туридир.

Психология фанида образли хотиранинг изчил образлар, эйдетик образлар, тасаввур образи турлари фарқланади.

¹ Магазов С.С. Когнитивные процессы и модели. М., ЛКИ, 2007, 27 с.

² Ғозиев Э.Ғ. Хотира психологияси. Т., «Университет», 1994, 39-бет.

³ Леонтьев А.Н. Лекции по общей психологии. М., «Смысл», 2000, 303 с.

⁴ Фрейд З. Психология бессознательного. М., «Просвещение», 1989, 448 с.

⁵ Рубинштейн С.П. Основы общей психологии. Спб., ЗАО, изд-во «Питер», 1999, с. 108–109.

Хотиранинг яна бир тури сўз-мантиқ хотирасидир. Сўз-мантиқ хотираси мазмунини фикр ва мулоҳазалар, аниқ ҳукм ҳамда ҳулоса чиқаришлар ташкил этади. Инсон фикр ва мулоҳазаларини турлича ифодалагани сабабли шу ўзлаштирилаётган материалнинг асосий маъносини изоҳлаш, уни сўзма-сўз ифодалаб бериш мумкин. Сўз-мантиқ хотираси фақатгина инсонларга хос бўлиб, ўзининг содда шакллари билан ҳайвонларга ҳам тааллуқли бўлган ҳаракат, ҳис-туйғу ва образли хотиралардан ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатдан кескин фарқ қилади.

Рухий фаолиятнинг давомийлигига кўра, хотира қисқа муддатли, узоқ муддатли, оператив (тезкор) хотира турларига бўлинади.

Ҳулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, хотирасиз миллат тарихи ҳам келажаги ҳам барҳаёт давом эта олмайди, чунки хотира ҳодисаси барча мавжудотларга хос бўлиб, умри давомида хотирасиз яшай олмайди. Хотиранинг ўрнини деярли барча фан соҳаларида ўрганилиши кўлами билан ўлчасак, бу тадқиқот майдонининг қанчалик кенглигига гувоҳ бўлиш мумкин.

**Хўжамов Хайитбой Худойбердиевич (Самарқанд Давлат
Архитектура-қурилиш институти Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси)
СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ – ОЗОДЛИК ВА МУСТАҚИЛЛИК
ЯЛОВБАРДОРИ**

***Аннотация.** Мақолада бугунги кунда баркамол авлод тарбиясида аждодлар ҳаёт тажрибаси, билим ва тафаккури, яратган моддий ва маънавий бойликлари миллат ва жамият тараққиёти учун ишончли ва мустаҳкам таянч эканлигини – она-Ватан озодлиги ва ҳурлиги учун курашган саркарда Султон Жалолiddин Мангубердининг заковати, мардлиги, жасорати, ватанпарварлиги мисолида таҳлилий қарашлар баён қилинган.*

***Аннотация.** В статье освещается мысль, что опыт, знания и мышление предков, материальное и духовное богатство, созданное старшим поколением, являются надежной и прочной основой для развития нации и общества. Приводятся аналитические взгляды на примере борьбы полководца султана Джалолiddина Мангуберди, его интеллекта, смелости.*

***Annotation.** In the article, analytical views on the life experience, knowledge and thinking of the ancestors, the material and spiritual wealth created by them, which are a reliable and solid foundation for the development of the nation and society, have been narrated on the example of the intelligence, courage and patriotism of Sultan Jaloliddin Manguberdi.*

***Калим сўзлар:** аждодлар ҳаёт тажрибаси, Султон Жалолiddин Мангуберди, озодлик, ватанпарварлик, хоразмшоҳлар давлати, баркамол авлод тарбияси.*

***Ключевые слова:** жизненный опыт поколений, Султан Джалолiddин Мангуберди, свобода, патриотизм, Хорезмское государство, воспитание гармонично развитого поколения.*

***Key words:** generic life experience. Sultan Jaloliddin Manguberdi, freedom, patriotism, Khorezm state, education of a harmoniously developed generation.*

Ўзлигини англашга бел боғлаган ҳар бир халқ ва миллат, аввало, буюк аждодлари, сиёсий, ҳарбий арбоблари ва улуғ алломаларининг мамлакат, қолаверса, жаҳон тарихида тутган ўрни, хизматларини эъзозлашни ўрнига қўяди.

Ана шундай кишилардан бири бу Султон Жалолiddин Мангуберди Хоразмшоҳ бўлиб, унинг заковати, мардлиги, жасорати, ватанпарварлиги, топқирлиги, илм-фан ҳомийси эканлиги, темир иродавий хусусиятлари биз, ёш авлодлар учун ибрат, ҳаёт мактаби, Ватанга хизмат қилиш намунаси бўлиб қолиши лозим.

Ануштегинлар сулоласининг сўнгги вакили ҳисобланган Жалолiddин ибн Аловуддин Муҳаммад 1198–1231 йилларда яшаб ўтган. Хоразмшоҳлардан Аловуддин Муҳаммад ибн Такашнинг катта ўғли. Отаси уни Ғазна, Бомиён, Ғур, Буст, Такинобод, Заминдовар ва Ҳиндистон ҳудудларига бўлган ерларга ҳоким бўлган. Хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги ҳукмдори сифатида 1220–31 йилларда ҳукмдорлик қилган. Маълумки, Султон Такаш тахтни мустаҳкамлаш учун қипчоқ хони Жонкиши билан иттифоқ тузади ва унинг қизи Туркон хотунга уйланган. Катта миқдорда ҳарбий ёрдам олади. Шу вақтдан бошлаб хоразмшоҳлар давлатида қипчоқлар таъсири кучаяди, юқори даражадаги ҳарбий лавозимлар қипчоқ саркардалари томонидан эгалланади. Охир-оқибатда Тур-

кон хотун билан бирга келган қипчоқлар, кейинчалик, мамлакат таназзулига сабаб бўлган.¹

Султон Такаш вафотидан кейин тахт вориси Аловуддин Муҳаммад тахт-тож эгасига айланганидан бошлаб маҳаллий халқ орасидан етишиб чиққан сарой амалдорлари билан кўчманчи Дашти Қипчоқ қабила ва уруғ сардорлари ўртасидаги зиддиятларнинг кучайиб, келгинди қабилалар фойдасига ҳал бўлиши буюк салтанатни ҳалокат чоҳига улоқтирилишига сабаб бўлди. Бу зиддиятлар мўғуллар босқини рўй бериши муқаррар бўлаётган хатарли дамларда энг юқори паллага етган эди.

Масалан, саройда Туркон хотун ва қипчоқ амирларининг таъсири катта бўлганлигини, 2015 йилда отаси томонидан тахт вориси этиб тайинлаган Жалолоддин Мангубердининг ўрнига Султон Такашнинг хотини Туркон хотун ва қипчоқ амирларининг қатъий норозилиги сабабли Қутбиддин Ўзлокшоҳ фойдасига ворисликдан маҳрум этилганлигин, бунга сабаб сифатида Қутбиддин Ўзлокшоҳнинг онаси қипчоқ қабиласидан, Жалолоддин Мангубердини онаси – Ойчечак туркман канизаклардан бўлганлиги келтиришимиз керак.

Чингизхон бошчилигидаги мўғул қўшинлари Мовароуннаҳрга бостириб кириб бирин-кетин шаҳарларни эгаллаб, Самарқандга яқинлашганларида хоразмшоҳ Муҳаммад Каспий денгизи бўйида жойлашган Обескун шаҳри яқинидаги Ашур оролидан паноҳ топган. Оғир бемор бўлган хоразмшоҳ Муҳаммад ўғилларини ёнига чорлаб, сўнгги дамда Жалолоддин Мангубердини ўз ўрнига хоразмшоҳ этиб тайинлаган.

Султон Такаш ўз вориси Муҳаммад Хоразмшоҳга (1200–20) марказлашган мустаҳкам давлат ва ташкилий жиҳатдан қудратли қўшинни мерос қолдирган бўлса, унинг ўз сўзлари билан айтганда, ўғли Жалолоддин Мангуберди (1220–31)га пароканда салтанатни мерос қилиб қолдирди.

Жалолоддин Мангубердининг айна йигитлик вақти Чингизхон бошчилигидаги мўғул қўшинлари Мовароуннаҳрга ҳудудларига истилочилик даврига тўғри келган.

Шуни таъкидлашимиз лозимки, Чингизхон катта қўшин тўплаб Жалолоддин Мангубердига қарши шахсан ўзи отланган. Фардиз қалъаси яқинида Жалолоддин Мангуберди Чингизхон қўшинининг илғорини тор-мор келтиради ва кучи озлиги сабабли Синд (Ҳинд) дарёси томон чекинади. Чингизхон қўшини Жалолоддин Мангубердини дарёдан ўтишига имкон бермай қуршаб олади. 1221 йил 25 ноябрда бўлган тенгсиз жангда мағлубиятга учраган Жалолоддин Мангуберди 4000 жангчиси билан Синднинг ўнг соҳилига сузиб ўтиб, чўл ичкарасига кириб кетди (Бу чўл ҳозирда ҳам Чўли Жалолий деб аталади). Чингизхон Жалолоддин Мангубердининг бу жасоратидан ҳайратда қолиб, ўз ўғилларига қараб: «Ота ўғил мана шундай бўлиши лозим!» деган гаплари тарихдан маълум.²

Жалолоддин Мангуберди буюк халоскор! 1223 йил 31 май куни Калька дарёси бўйида Чингизхон бошлиқ Дашти Қипчоқ ва Русь князларининг қўшинлари ўртасида бўлган саваш мўғулларнинг тўла ғалабаси билан тугайди. Русь қўшинлари ва унинг иттифоқчилари тор-мор этилади. Чингизхон ярадорларни битта жойга тўплаб, устларига кигиз тушаб, унга тахтга чиққандай ўлтирар, Ғалаба гаштини сураётган он чопар келиб, Жалолоддин Мангуберди Ҳиндистондан қайтиб, Эронда ўз ҳукмдорлигини ўрнатганлиги ҳақида хабар беради.

Чингизхоннинг шашти сўниб, бутун борлиғида ғазаб алангаси ловуллайти. Негаки, унга Руснинг шаҳар ва қишлоқларини хоҳлаганича талаш эшиклари ланг очилган эди. Жалолоддин Мангуберди Эрон томон юришни бошлаб, Русни Чингизхон босқини ва хароб қилинишидан асраб қолди. Руснинг халоскори бўлди. Бу тарих учун чинакам жаҳоншумул ҳодисадир.³

Қисқа умри давомида Жалолоддин Мангубердига қарши ғанимлар иттифоқи, хиёнат ва сотқинликлар, фитналар охири-оқибат ҳалокатга олиб келди.

Дарҳақиқат, она-Ватан озодлиги ва ҳурлигини ҳар нарсадан аъло билган марду майдон кишилар ҳар қандай мушкул ҳолатларга, мураккаб, жиддий вазиятларга дуч келмасинлар, бироқ улар охирги томчи қонлари қолгунча ўз аҳду паймонларига, эътиқодларига содиқ қола билдилар.

Хоразмшоҳ унвони тақдири! 1231 йилда Жалолоддин Мангуберди вафоти билан хоразмшоҳ унвони ҳамда салтанатни бошқарган сулолалар ҳам яқун топади.

¹Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. Солнома–Тўйтепа. Таҳрир хайъати А.Азизхўжаев, М.Аминов, Т.Даминов ва б. Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2004, 234-бет.

²Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. Гидрофилия–Зебралар. Таҳрир хайъати: М.Аминов, [Б.Аҳмедов] ва б. Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2002, 537-бет.

³Раҳимов Жумабой. Ватаннинг шерюрак баҳодири (Жалолоддин Мангуберди): тарихий-публицистик адабиёт. Т., “Талкин“ нашриёти, 2015, 9-бет.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ўғли Султон Шохруҳнинг Хоразмдаги ноиб амир Шохмалик (1413–26) умрининг охиригача Хоразмшоҳ унвонини ўзида сақлаган.¹ Шунингдек, унинг ўғли Насриддин Султон Иброҳимга ҳам мерос тариқасида хоразмшоҳ унвони ўтган. У шайбоний Абулхайрхон томонидан Хоразмдан қувилганига қадар хоразмшоҳ деб аталган. Бундан кейинги Хоразм хукмдорларидан ҳеч бири бу унвонга эга бўлмаган.

Буюк саркарда Жалолоддин Мангуберди ва унинг қасосга ташна баҳодир жангчиларининг Ватан озодлиги дея борлигидан кечиб, охирги нафас, сўнги имкониятларга қадар кураши ибрат мактаби бўлиб, келажак авлодларга сабоқдир. Уларнинг бундай сўнмас ва шон-шуҳратга тўла кураш йўли мустақил Ватан кудратини турли соҳаларда оширишга бел боғлаган инсонларни фидоийликка, фаолликка ундайверади. Кучни шу йўлда сарфлаш учун ҳаётнинг турли жабҳалари мавжуд ва етарлидир. Жалолоддин Мангуберди ва унинг лашкари кўрсатган бемисл мардликларни фақат давлатимизнинг бугунги кундаги чегара посбонларимиз кўрсатиши керак, деган тушунчадан йироқмиз. Огоҳлик, ҳушёрлик ва Ватан талаб этганида жасоратга қўл уриш, уни ҳар бир фуқаро имкони ва касбий хусусиятлари даражасида амалга ошириши мумкин.²

Хулоса қилиб айтганда, барча сазй-ҳаракатларимиз таълим-тарбиявий фаолиятимиз ягона мақсад – обод ва озод Ватанда шу юрт, шу эл ва халқ фарзанди эканлигидан фахр ва ғурур туйғусини ҳис этувчи, эркин ва хур фикрловчи баркамол авлод тарбияси сари йўналтирилмоғи лозим. Токи фарзандларимиз оқу қорани танийдиган, ҳақиқатга тик қарайдиган, кечаги кунимиздан сабоқ чиқариб, эртанги кунга ишонч билан қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсинлар.

Тарих сабоқлари асосида бунёд этилаётган бугунги кунимиз келажак тараққиётимиз учун замин вазифасини ўтайди. Шу боис ўзлигини тикламоққа азм қилган ҳар бир миллат бу йўлда ўзига хосликни, мустақил ривожланиш йўлини танлайди. Бу йўлда аждодлар ҳаёт тажрибаси, билим ва тафаккури, яратган моддий ва маънавий бойликлари миллат ва жамият тараққиёти учун ишончли ва мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилади.

Султонқулова Феруза Бобоназаровна (ТерДУ ўзбек адабиётшунослиги
кафедраси эркин тадқиқотчиси, e: f_sulton@mail.ru)
УСМОН АЗИМ ШЕЪРИЯТИДА МЕТАФОРИК ОБРАЗЛАР

Аннотация. Мақолада халқимизнинг сеvimли шоири Усмон Азим шеъриятида қўлланилган метафорик образлар моҳияти таҳлил этилади. Шоирнинг образ яратиши маҳорати илмий ўрганилади.

Аннотация. В статье анализируются метафорические образы, использованные в поэзии любимого поэта нашей страны У.Азима. С научной точки зрения изучается способность поэта создавать образы в лирических произведениях.

Annotation. In this article, we have analyzed some symbolic phrases of the poems written by one of the outstanding Uzbek poet Usman Azim and his ability to create these metaphoric notions in a scientific way.

Калим сўзлар: образ (тимсол), метафориклик, метафорик образ, поэтик маҳорат, барг образи, инсон умри, қизгалдоқ образи.

Ключевые слова: образ, метафора, метафоричность, метафорический образ, поэтическое мастерство, образы листьев, человеческая жизнь, образы маков.

Key words: symbol, metaphor, metaphoric symbol, poetic ability, "Leaf" symbol, lifetime, "Poppy" style.

Жаҳон адабиётшунослигида, хусусан, ғарб шеъриятида метафорик образ алоҳида ҳодиса сифатида тан олинган. Антик даврда Аристотель поэзия масаласига тўхталганда “ўхшатиш гармония ва ритм сингари қадимданок одамларнинг табиатига хос хусусиятдир”,³ деб белгилайди. Зеро, ҳар қайси ижодкор инсон ҳаёти ва унинг руҳиятига мос борлиқ ҳодисотларидан ўхшашликлар топади, янгича поэтик образлар яратишда метафорага мурожаат қилади. Мунаққид таъкидлаганидек:

¹ *Изоҳ:* Мамлакат ичида шоҳлик: буни Соҳибқирон Амир Темур ва темурийларнинг хоразмшоҳлар сулоласига, хусусан, саркарда Жалолоддин Мангуберди шахсиятига хурмат маъноси деб тушуномоқ мумкин (таъкид –Ҳ.Н.).

² Шу манба.

³ Арасту. Поэтика. Тошкент, Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.

“Метафора шеъриятда образли тафаккур натижаси бўлиб яралади. Метафора тил ходисаси бўлса ҳам, ўзининг бу хусусиятини поэтик нуткдагина тўла намоён этади”.¹

Демак, метафоранинг бугунги кунда функциялари кенгайган, унга фақат кўчим тури сифатида қараш ноўрин. Метафорада “чинакам санъаткор нигоҳи моҳиятга қаратилган бўлиб, у воқеликдаги нарса-ходисаларнинг барчамизга кўриниб турган ташқи ўхшашлиги эмас, бизнинг нигоҳимиздан яширин ички ўхшашлигига тааянган ҳолда фикрлайди”.²

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим шеъриятда метафорага асосланган бадиий тасвир ва ифода воситаси муҳим ўрин тутлади. Шоирнинг нафосатга йўғрилган, ранг-баранг шакллarga эга, асосийси, бетакрор ва ҳеч ким томонидан қўлланилмаган метафоралари бугунги ўзбек шеъриятда етакчилик қилади. Шоир энг кўп қўллаган метафорик образлар табиат унсурлари билан боғлиқ. Жумладан, йил фасллари Куз (хазон, барг, кузак, боғ, дарахт, мезон, ёмғир, турналар), Баҳор (майса, булут, қизғалдоқ, бойчечак), Ёз (ариқ, сув, август, саратон), Қиш (қор, туман); шамол, тоғ, дашт, осмон жисмлари (юлдуз, қуёш) каби. Биргина *барг* тимсоли шоир шеъриятда ўзига хос метафориклик касб этади:

*Бир барг ҳаёт жимгина битди,
Мангу кетди бир мўъжаз наво.
Оллоҳ мени бунча титратди,
Барг учганда уйғонган ҳаво.*

Инсон умрининг якуни – фожиавийлик дарахт шохидан бевақт узилиб тушган япроқ қисмати унинг оддий, аммо аниқ ўхшатишидир. “Бир мўъжаз наво” нинг “мангу” куйланмаслигини англаган қахрамон “барг учганда”ги “ҳаво”дан титрайди. “Ҳаво” йўқлик демакдир: баргнинг йўқликка қоришиб кетишидан умрининг нечоғ ғаниматлиги, жоннинг омонатлиги, шу омонат жон ғанимат дамларини беҳуда ўтказмадим, деган саволлар кўнгил тубидаги оғриқларни қўзғайди. Инсон умри сўнгидаги фожиавийликни шоир ана шу митти мўъжаз “барг”нинг узилиши мисолида кўрсатади.

*Ногоҳон новдадан учди бир япроқ –
Бу баргга тупроққа қўнмоқ чексиздир.*

“Новдадан учган япроқ”нинг ҳар кузақда тупроққа жо бўлишидан (“Наҳотки, барглар ҳам қайтмас дунёга!”) инсоннинг ҳам боқийликдан фано сари кетишида қайтмоқликнинг йўли йўқ. Шунинг учун шоир ёзади:

*Мен бир баргнинг ҳасратин ёзиб,
Довруқ солсам бўлар оламга.*

Инсон руҳияти билан боғлиқ метафориклик барг рамзи орқали ифодаланган бўлса, *қизғалдоқ* метафорик образи шоирнинг яна бир бадиий мақсадини акс эттиради. Ўзбек шеъриятда қизғалдоқ образи шоирларимиз томонидан кенг қўлланган бадиий образлардандир. Соф табиат лирикаси ифодаланган “Қизғалдоқзор”³ шеърида бу образнинг метафорик табиати диққатга сазовор. Сарлавҳадаги “Қизғалдоқ” сўзи бирор ўринда қўлланилмай, унинг тасвири расом мўйқаламида чизилгандай таассурот уйғотади:

*Тунда пари ўрмонда чопди,
Тиканларда товони қонаб.
Паризодам, қай чақмоқ чопди –
Даштда қонинг донаю дона.*

Маълумки, пари образи теометафорик образ. Шарқ шеъриятда бу образ орқали гўзал аёл сиймоси акс эттирилади. Қиёс қилинмаган ўхшатиш воситаларсиз шоир тунда “пари”нинг ўрмонда “чоп”иши, “тиканларда товони қонаши”и, “чақмоқ чоп”иши каби ассоциативлик орқали баҳор манзарасини яратаса, “дашт”даги “донаю дона” “қон” – метафорик тасвирида қизғалдоқ суратини кўз олдимишга жонлантиради. Дунё яралмишидан яратилмиш мавжудотлар қисмати аён; қарама-қаршилик асосида яратилган Ҳаёт, борлик ва йўқлик орасидаги мавжудотнинг яшаш умидидаги кескин қурашлари, умри сўнгида эса ҳар нарсанинг заволи муқаррарлиги шеърнинг кейинги бандларида уқдирилади:

*О, қонингда ари – болрежа!
О, капалак! – ўғри – гулпараст!*

¹ Каримов О. Метафора – поэтик тафаккур асоси. «Жаҳон адабиёти», 2014 йил, 8-сон.

² Куронов Д. Адабиёт назарияси асослари. Тошкент, 2018, 94-бет.

³ Азим У. Куз. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001, 155-бет.

*Паризодим, ачин ўзингга,
Дунё учун қон тўкмоқ бекор.
Умрнинг бунча гўзал тўзинган
Наҳот сени ўлдирар баҳор.*

Визуал метафорик тасвирга асосланган мазкур шеърда қизғалдоққа боларининг ошиқлиги бол умиди, капалакнинг ошуфталиги “ўғри гулпарастлиги” метафорик кўринишида инсон фаолияти мезонларининг сўз ифодаси намоён бўлади. “Умрнинг бунча гўзал тўзинган” тасвирида қизғалдоқ гул барглари мисолида – инсон умрининг ҳам ўткинчилиги акс эттирилади. Демак, бир нафаслик умрнинг дамларида “дунё учун қон тўкмоқ” – инсоннинг нафси аъмолига берилмоқлиги бекордир. Шеърдаги “пари” “паризод” теометафорик образи яширин ўхшатишга асос бўлиб, кўз олдимизда жонланган “қизғалдоқ” – инсон; “ари” ва “капалак” образида унинг яшаш илинжидаги курашлари, шеърнинг ҳеч бир бандида қўлланилмаган “Қизғалдоқзор” образида Ҳаёт сурати акс этади. Шеърдаги метафорик образлар шоирнинг инсон, унинг умри ҳамда Ҳаёт ҳақидаги қарашларини ифодалашга хизмат қилади.

*Шоирнинг “Ям-яшил танини шамол супурди” деб бошланувчи шеърдаги
Кимнингдир бағридан доғини юлиб,
Қизғалдоқ қизарди даштнинг четида –*

мисраларидаги ташхис санъати асосидаги метафорик тасвирда ҳам табиатнинг инсон ҳаёти билан уйғунлиги акс этади. Шоир юқоридаги шеърларида қизғалдоқ образидан табиат тасвири орқали инсон умри қиёсини келтиришда фойдаланган бўлса, “Йигирма бешинчи йил”¹ деб номланган шеърда мазкур бадиий образнинг ижтимоий аҳамият касб этиши кузатилади.

*Қизғалдоқзор қонли дарёсин
Айланади отлар шатирлаб.*

Шеър номланишидаёқ ўтмиш манзаралари, аниқроғи, XX асрнинг биринчи чорагида “босмачилар ҳаракати” деб ном олган ўз юртига эга чиққан русларга қарши кураш олиб бориб, “босмачи” деб тамғаланган юрт фидойиларининг шонли курашларига бағишланади. Тарихда қолган бу қонли курашнинг қирғинбарот бўлганлиги “Қизғалдоқзор қонли дарёси...” метафорик образида умумлаштирилади, шеърнинг бадиий таъсирини кучайтиради. Шеърда биз билишимиз керак бўлган муҳим хусусият эса юртимиз тарихини ҳолис ўрганмоқлик, юрт фидойиларини унутмаслик ва бугун авлодлар эришган Истиқлолни кўз қорачиғидай асрай билмоқликдир. Шоир бу мақсадларни кейинги мисраларда ифодалайди:

*Биздан кейин ўзбек боласи,
Озод юртини кўрсин ботирлар.*

Шоирнинг энг нафис инжа туйғуларини камол топтирган аслида табиат, унинг ҳар бир унсури, сервиқор тоғларидан тортиб эшилиб оқаётган азим дарёлар, ҳатто кўз илғамас хасу хазонлар, ранг-баранг гуллар муҳим поэтик тасвир воситаси вазифасини бажариш билан бирга муаллифнинг бадиий-эстетик концепциясини ёритишга хизмат қилади.

*“Хайр-хўш йўқ” жўнайман бехос,
Согинчнинг ҳур сўзига кўниб.
Бойсун менга чиқади пешвоз,
Оқдовонда бойчечак бўлиб.”²*

Лирик қахрамон қалбидаги соғинч туйғуси бўрттириб ифодаланган мазкур шеърда “кишнинг ҳасрати”ни “бир бошдан сўзлаган” “митти чечак” – бойчечак метафорик образи етакчилик қилиб, у муаллифнинг ҳам туғилган юртига муҳаббатини шу билан бирга, “илдизнинг кули” бўлган “гул” – ўз она шахрини севган оддий инсонлар тимсолини ёритишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, Усмон Азим шеърлятидаги метафорик образларнинг қўлланилиши шоирнинг бадиий мақсади, ифода таъсирчанлиги ва поэтик маҳоратини намоён эттиради. Албатта, шоир ижодидаги метафорик образлар табиатини кенг аспектда ўрганиш, уларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Азим У. Куз. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2001, 268-бет.

² Азимов У. Уйғониш азоби: Шеърлар ва тарихий драматик қисса. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, 15-бет.

Faleeva Anastasiya Vadimovna (Master SamSIFL, e-mail faleevanastya97@mail.ru)
**THE IMPORTANCE OF COLLOQUIAL SPEECH IN MODERN SOCIETY AND ITS
EXTRALINGUISTIC CHARACTERISTICS**

Аннотация. *Maqolada notiqlik muammosi va uning ekstralingvistik omillari tasvirlangan. Og‘zaki, dialogik va norasmiy, hissiyotliliigi va ta’sirchanligi, nutqning o‘z-o‘zidan paydo bo‘lishi kabi ekstralingvistik omillarga alohida e’tibor qaratiladi.*

Аннотация. *В статье описывается проблема коллоквиальной речи и её экстралингвистических факторов. Особое внимание уделяется таким экстралингвистическим факторам, как: устный, диалогический и неофициальный характер, эмоциональность и аффективность, спонтанность в разговорной речи.*

Annotation. *The article describes the problem of colloquial speech and its extra linguistic characteristics. The particular attention is paid on such extra linguistic factors as the oral, dialogical and nonofficial character, the emotionality or the affectivity, the spontaneity in colloquial speech.*

Калит сўзлар: *so‘zlashuv nutqi, so‘zlashuv tabiati, nutq dialogik tabiati, hissiy, lingvistik va ekstralingvistik xususiyatlar, dialog, monolog, so‘z qatori, klishе, norasmiy nutq.*

Ключевые слова: *разговорная речь, коллоквиализмы, диалогический характер речи, эмоциональность, лингвистические и экстралингвистические характеристики, диалог, монолог, порядок слов, клише, спонтанность, неформальное общение.*

Key words: *colloquial speech, colloquialisms, dialogical character of speech, emotionality, linguistic and extra linguistic characteristics, dialogue, monolog, word order, cliché, spontaneity, informal communication.*

At the present stage of scientific development the investigation of colloquial speech becomes an actual theme of discussions. Colloquialisms are on the border between standard and non-standard vocabulary. Some linguists attribute them to more non-standard vocabulary. For example, E.Partridge characterizes colloquialisms lower than standard vocabulary, but higher than slang.

There appear many opinions about what linguistic and nonlinguistic characteristics describe the colloquialisms. The actuality of the topic is represented by the constant replenishment of the vocabulary of the English language with the help of the colloquial words and expressions. The annual growth of the spoken language is replenished by various spheres of human activity (socio-cultural, economic, political, etc.)

In this case, linguists often simply do not have enough time to analyze all the features of meanings and the usage of colloquialisms in a particular area of knowledge. As a result, there is a need for careful collection, sorting and analysis of data of this issue for further study.

On the one hand, the importance of the investigation of particularities of English colloquialisms is represented by the role of English in learning process of different countries. Here English become a lingua franca, which helps to communicate, find information.

The development of a spoken language is heterogeneous phenomenon and depends on many factors, including non-linguistic (i.e. culture, climate, geographical position of the country, etc.). So, even in English speaking countries the colloquialism with the same meaning and structure can include specific word that will be more appropriate for this country or territory.

Spoken language is already being considered at a new level, not only as a substandard vocabulary, but also as a unit of modern language with a special emotional coloring. In this case, it becomes necessary to consider the problem not only in terms of its lexical, but also syntactic, phraseological, derivational and other features.

For example: face – facer. Colloquialism face means person, guy. There appears new colloquialism facer by adding **-er** to the face. Facer is informal word that means a sudden difficulty or obstacle.

We can observe the interconnection between these two types of English and how they influence on the derivational process of both variants of English language. The examples from texts and dictionaries help us to understand that colloquial speech penetrate with high speed in our speech.

It is interesting that the British now often speak in the Canadian manner not **yes**, but **yap**, and not **no**, but **nope**. The American English also influenced the functioning of proper names. In the present century, the tradition of using derivatives of full names as independent names continued to develop. Name derivatives in modern English are used not only at the private level of communication (among relatives,

friends and acquaintances), but also in an official setting. An example of this is the names of some US presidents: James Earl Carter was reduced to Jimmy Carter, William Jefferson Clinton to Bill Clinton.

Moreover, the importance of the research includes further investigations in the sphere of language of Mass Media that are important especially in our country, because Uzbekistan became the centre of The Great Silk Way. Let's enumerate some examples of colloquialisms that are frequently used in the text of Mass Media.

1) Gadget – noun, used in informal speech, representing a small mechanical device or tool. For example:

The kitchen is so full of gadgets you can hardly move.

Hand me that gadget.

2) Google – verb, used in informal speech. It means to use an Internet search engine, particularly Google.com. For example:

She spent the afternoon googling aimlessly.

This word is also used in order to search for the name of (someone) on the Internet to find out information about them. For example:

You meet someone, swap numbers, fix a date, then Google them through 1,346,966,000 Web pages¹.

We should understand that language is “alive organism” that doesn't stand on one point. It develops each day. The phrases and words that were colloquial words can be included in dictionaries as literal one after several years, because they can lose their expressive meaning.

In this case, the investigation of colloquialisms should be provided by complex analyses. The researchers should find reasons why this or that word changed its status, what new functions of colloquial words we can find in informal speech, literature, films, business, etc.

Many scientists as R.W.Bailey and J.L.Robinson, A.R.Moon, P.Bennett, S.C.Dik, L.Gerber and others tried to formulate the definition for colloquialisms. However, their points of view differ from each other.

For example, R.W.Bailey and J.L.Robinson tried to concretize the object of investigation in the sphere of informal speech. According to their formulation they tried to analyze language opposite to the bookish one in such way that this words and expressions should be used in ordinary conversation that is lack of formal atmosphere. Here we understand such situations as conversation between friends or people, who are close to each other. In this case, people don't try to make special expressions or cliché. This speech is not under “control”.

As a rule, it is low colloquial or strictly colloquial word connected with underlined informal pattern of relationship between subject of speech and addressee. Antonym of word «colloquial» is «bookish».

Webster mentioned that colloquialisms are irrelevant in official correspondence and are allowed only in informal one.

In the dictionary of T.F.Efremova the colloquialism is described as word or expression, characterizing the colloquial speech.

There are many definitions of colloquial speech that describe different characteristics of its features. P.V.Glagolev defined colloquial speech as a spoken emotionally rich, spontaneous and stipulated by situation type of communication that is meant for participation of interlocutor.

Y.M.Screbnev paid his attention on other characteristics of colloquial speech that follows from informal communication. He said that the colloquial speech is a language of communication; the main feature of it is a minor role of stylistic requirements for language consciousness of its participants. The communication, in which the language behavior of speaker, is characterized by inattention to the questions of language form. In other words, it is a speech, produced in conditions of full or partial absence of conscious requirements to its form.

The Oxford Dictionary notes the polysemantic nature of this term (slang sometimes means “jargon”, “colloquial language”, “new words”, and “old words in new meanings”).

Two types of speech are differentiated: the speech of dialog and monolog. The quick replacement of replicas of participants, brevity, syntactically dependent character and distinctive composition of the sentence are peculiar to a dialogue. Sentences of monologue are more independent than dialogical

¹ Informal (En-Ru) (к версии АБВУ LingvoX3) Новый англо-русский словарь современной разговорной лексики. «Русский язык-Медиа», 2003.

replicas. As usual, the situational dependence is less than in the dialogue.

The colloquial speech is differentiated from other forms of language reality and has both linguistic and extra linguistic character. Spontaneous, linear character and immediate character of speech act are distinctive features of colloquial speech.

English language is analytical language as opposed to Russian. There is no inflection. The order of words is fixed. The order of words in the colloquial language is freer than in literal speech. Russian language hasn't strict order of words.

As a rule, coordination consists of subordination and such junctions as **and, or, but, also** that are in frequent usage. On the other hand, it is quite typical and, as a rule, has chain of sentences without any junction words. The order of words is freer than in written style. There is the tendency of usage of direct word order in questions. The grammatical meaning of such sentences is understood according to speech situation and intonation.

There are many classifications that consider the extra linguistic side of language. One of them is the classification of A.A. Hudyakov, another is the classification of Yu.M. Skrebnev. They have similar character. We will analyze the first classification.

The first characteristic of colloquial language is oral character of speech:

1. Oral character of speech.

This feature has the important significance, because it is connected with the row of other characteristics of colloquial speech. It cannot be exhaustive, because not all oral speech is colloquial. The segments of colloquial speech can be represented in written form. A.A. Skrebnev named this characteristic in other way – the oral character of speech producing.

2. Dialogical character of speech.

This character has also sizeable importance, but it has some limitations. First of all, the colloquial character can have not only speech of dialogs, but also the speech of monologues. We can understand it by analyzing the literature, where we can meet a big amount of examples of monologues of heroes, in which the colloquial speech is represented. Secondly, not every dialogue can be characterized as colloquial. For example, the interview of examiner with examinee, the questioning of witness in courtroom is not constructed as colloquial speech.

For example: Dialogue between friends. The yeah – American informal adverb of agreement and ya – American informal pronoun of formal form of you is used in the dialogue:

– Ya wanta? (formal: Do you want?)

– Yeah (formal: yes)

3. The everyday subject matter.

The colloquial speech is usually characterized by everyday subject matter. For example:

a) The characteristics of people behavior (the colloquial meaning of egg is used in order to characterize person. The meaning depend on adjective that is used before the word egg):

Egg: She's a real bad egg. You're not such a bad egg after all. That dumb egg has put his foot in it again. He's a swell egg. He was really a tough egg terrible to get along with.

Wolf: Then this wolf comes up to me and starts holding my hand. This guy is a wolf of the neighborhood.

A cut above: She considers herself a cut above other people. He's a cut above the others. Your work is a cut above his.

b) Relationships between people, how close they are:

buddy I noun

1) informal: He's my buddy. We're buddies.

2) AmE informal: He's my buddy so you just leave him alone. Be a buddy, okay?

3) slang especially in AmE: Get out of my way, buddy. Sure, buddy. Hey, buddy, what's your job?

Look, buddy, I gotta a little problem maybe you can help me with.

II vi slang especially AmE: They buddy together.

c) meal, drinks:

Vile: This food is vile! The colloquialism in this example expresses awful taste, etc.

Mickey: 1) Sometimes the kids roast mickies in the gutter fires; 2) He took a swig out of a mickey he carries in his hip pocket; 3) He just wants to get a mickey to help with his wineache;

4) experience, age:

He's no chicken (He is experienced person);

5) games:

chicken – informal, a game in which the first person to lose nerve and withdraw from a dangerous situation is the loser;

6) Job, work, learning process:

A job of work: You can be sure my brother will do a job of work for the money you pay him. He didn't mind doing a job of work. You'll have a job of work getting all this stuff out of here.

Workaholic: She's not exactly a workaholic. He sure is a workaholic¹.

4. Phonetic reduced features of colloquial speech.

It contains "blurriness" of the pronunciation. However, colloquial speech cannot be always obligatory phonetically reduced.

5. Clichéd speech.

Clichéd speech is also common feature of colloquial speech. However, we also have cliché of newspapers and cliché of conversation.

6. The role of dependence of situation in speech.

By this we mean the attachment of speech act to situation of communication (any speech has situational character, speech doesn't exist without situation). The meaning of some colloquialisms can change in the context. So, listener, reader should be very attentive to details during the conversation or reading. Even gesture, intonation can change the message in various situations. For example: "He is grade-grubler." If we are talking about man, who is always learning something, the meaning will be direct (someone, who always learning something word by word). We will understand that this person learns too much. This colloquialism has negative emotional coloring. However, if somebody will say "He is "grade-grubler", but we know that the described person is lazy, we can understand that the speaker wanted just laugh or make an ironical effect in this situation.

Moreover, elliptical character is "scrappy". We cannot always understand here about what object we are talking about.

7. Emotionality or affectivity of speech.

The affect is understood as a sharply expressed, rapidly developing emotion, characterized by the rapidity of flow and the stormy of the appearance. This is an emotional reaction that is superficially observed more easily.

The terms affective intonation, affective vocabulary, affective stress, etc. are widely used in linguistics.

A special category consists of swear words, used to express negative emotions: irritation, perturbation, indignation, contempt, rage.

In terms of enhancing the emotional reaction of the speaker and in terms of the characteristics of the emotional attitude to the expressed as contemptuous in its various shades – colloquial vocabulary implements emotional expression.

Emotionality or affectivity of speech cannot be relevant only to colloquial speech, because we also use signs of emotionality in written speech. For example, emotionality in colloquial speech:

1) Curse, insult, roughness, neglect:

You whoreson!

high muck-a-muck;

2) delight,

My God, what a babe!

I'm sorry, babe, I didn't mean it.

What a peach of a car!

3) irony: Does your mother know yo're out? ≈ he is still green; he is wet behind the ears";

4) joking: (so) that accounts for the milk in the coco (a) nut ["Now everything is clear"] and others.

8. The spontaneous character of speech.

It is connected with all previously mentioned features. Unpreparedness, not checked form of utterance, insufficiently considered of expressions are characterizing the spontaneous way of speech.

The lack of time is a reason of it. The result is represented by imperfect character of produced speech product.

¹ LingvoUniversal (En-Ru) (к версии АБВУУ Lingvo x3) Англо-русский словарь общей лексики. © АБВУУ, 2008.

The spontaneity is a very essential trait of colloquial speech. However, it is not exclusive trait. For example, there are people, who can construct sentences without preparation and with a glance of limited time.

9. Complementarity of not speech activity.

It means that the colloquial speech as a rule accompany some types of not speech activity, realized simultaneously with it. However, it can accompany any activity (telephone conversation, internet).

10. Nonofficial or informal character of speech.

Many specialists of the colloquial field consider this feature as the leading one in characterization of colloquial speech. However, not only colloquial speech can have nonofficial character (letter to a friend).

So, colloquial speech is used in order to express our thoughts more emotionally. Of course, the longevity of slangisms depends on the degree of emotional charge of the slang and the duration of its preservation.

In the case of the loss of their emotional properties by colloquial words, these words disappear, or pass into a literary language. Here they act as neologisms, sometimes emotionally colored.

The status of the colloquial speech is differently interpreted linguistically: as “colloquial style”, “spoken language”, “sublanguage” (sublingual), “system”, “functional subsystem”, “oral-spoken type of literary language”, “uncodified spheres of literary language”, etc.

We can conclude that colloquial speech has specific extra linguistic factors that can also in some degree exist in formal speech. The oral character of speech, the dialogical character of speech, the everyday subject matter, the phonetic reduced features of colloquial speech, cliched speech, the role of dependence of situation in speech, the emotionality or the affectivity of speech, the spontaneous character of speech, complementarity of non speech activity, nonofficial or informal character of speech represents some extra linguistic characteristics of English colloquial speech.

60 ЁШИНГИЗ МУБОРАК, УСТОЗ!



Чўпонов Отаназар Отажонович 1960 йил 5 августда Хоразм вилояти Урганч туманининг Ғойбу кишлоғида зиёли оиласида туғилган.

Отаси, Чўпонов Отажон (1936–1997), кишлоқ хўжалиги соҳасида раҳбар лавозимларида ишлаган, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор” унвонига сазовор бўлган.

Онаси, Отажонова Авазжон (1939–2019), жамоа хўжалигида оддий ишчи бўлиб ишлаган.

О.О.Чўпонов оилада тўнғич фарзанд, 5 нафар синглиси бор, уларнинг барчаси олий маълумотли бўлиб, ўқитувчилик касбини улуғлаб келаётир.

Отаназар Отажонович Чўпонов 1977 йил кишлоқдаги 3-сон умумий ўрта таълим мактабини аъло баҳоларга тугатиб, шу йили Хоразм Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга киради ва 1982 йили уни “Рус тили ва адабиёти; тарбиявий ишлар методисти” мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тугатади.

Кадрдон мактабига ишга жойлашган ёш мутахассисни шу йилнинг ўзидаёқ Хоразм Давлат педагогика институти (ҳозирги Урганч Давлат университети) маъмурияти “Факультетлараро рус тили” кафедрасига ишга чакириб олади. Шу кундан эътиборан, О.О.Чўпоновнинг бутун ҳаёт йўли, илмий-педагогик фаолияти шу муқаддас илм даргоҳи билан боғлиқ. У ўзи иш бошлаган “Факультетлараро рус тили”, “Рус тили ва адабиёти” кафедралари мудири, бирлашган касаба уюш-ма кўмитаси раиси, тарбиявий ишлар проректори, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи, маъ-навият ва маърифат ишлари бўйича 1-проректор, филология факультети декани, АРМ директори лавозимларида фаолият олиб борган.

2013 йил декабрь ойидан филология, кейинчалик, хорижий филология факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари ва ўриндошлик асосида рус тили ва адабиёти ҳамда инглиз тили ва адабиёти кафедралари доценти лавозимларида ишлаб келмоқда.

1990 йил О.О. Чўпонов Москва Давлат педагогика университети профессори Ю.П.Солодуб раҳбарлигида “Образное выражение идеи жизни и смерти во фразеологии современного русского языка (опыт комплексного анализа)» мавзусида филология фанлари номзоди диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган. Тадқиқотда ҳаёт-мамот тушунчасини англатувчи фразеологик бирликларнинг маъно систематикаси ва уларда мужассамлашган образлар тизими ономасиологик нуқтаи назардан таҳлил қилинган ҳамда ҳамма замонларда ҳам муҳим аҳамият касб этган фалсафий ғоянинг рус ва ўзбек ибораларида қандай эврилишлар ҳосил қилганлиги ўрганилган диссертация Ўзбекистон ва собиқ иттифоқ етакчи фразеологлари Ш.Р.Раҳматуллаев, М.М.Копиленко, Р.Н.Поповлар томонидан эътирофга сазовор бўлди.

О.О.Чўпонов 1993 йил доцент илмий унвонини олган. Филология фанининг долзарб масалалари бўйича элликка яқин илмий мақола ва тезислар, 1 монография, 1 ўқув-услубий қўлланма ҳамда 2 та рисола муаллифи, мунтазам равишда ўтказиб келинаётган олий таълим муассасаси, республика ва халқаро миқёсдаги илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларда сермазмун маърузалари билан иштирок қилиб келмоқда. Жумладан, 2018 йилда Россиянинг Кемерово шаҳрида гуманитар фанлар бўйича ўтказилган “Человекознание” XXVIII халқаро илмий конференцияда қилган маърузаси III даражали дипломга лойиқ деб топилган.

О.О.Чўпонов томонидан 2019 йил Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд Давлат чет тиллар институти, Андижон Давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 26.04.2018.Fil.01.10 рақамли илмий кенгашда “Язык посольских книг по связям России с Хивой и Бухарой XVII века” мавзусидаги филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ҳимоя қилинган диссертация иши нафақат Ўзбекистон, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг Ш.С.Сафаров, А.Г.Шереметьева, Қ.Ш.Омонов, И.Г.Добродомов, А.М. Камчатнов, В.Д.Нарожная, Н.М.Рогожин каби етакчи тилшунос ва тарихчи олимлари томонидан юксак баҳоланди. Бунинг боиси шундаки, бир неча йиллар давомидаги изланишлар натижаси ўлароқ Москва шаҳридаги Россия давлат кўхна актлар архивидан олинган XVII аср Россиянинг Хива ва Бухоро

билан алоқаларига доир илгари чоп қилинмаган элчилик китобларининг лингвистик таҳлиliga бағишланган ушбу илмий тадқиқотда илк мартаба уларни нашрга тайёрлаш ва илмий муомалага киритиш, лингвистик манбашунослик нуқтаи назаридан аҳамиятлилигини кўрсатиш мақсадида рус тезёзув матнларини ҳозирги рус ҳарфлари билан бериш, най шаклидаги ҳужжатлар қўл-ёзма-ларининг график, орфографик ва пунктуацион хусусиятларини сақлаб қолиш каби янги қоидалар ишлаб чиқилган.

XVII аср Хива ва Бухоро элчилик китобларининг катта ҳажмдаги матни материали асосида рус расмий ёзма ёдгорликларининг фонетик ҳодисаларини акс эттирувчи дублет, сатр усти ва сатр-даги ҳарфларнинг қўлланилиши ҳамда рус тилидаги урғунинг ўзига хослигини тавсифлайдиган график умумийлиги аниқланган.

Чўпонов Отаназар Отажонович фаолиятининг натижадорлиги ҳар ўқув йилида эълон қилинаётган рисола ва илмий мақолалари, 3–4 нафар бакалавр, 1 ёки 2 нафар магистрантнинг битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияларига илмий раҳбарлик қилиб, муваффақиятли химоя қилинишида кўринади.

Жумладан, О.О.Чўпонов 1-проректор лавозимида ишлаган пайтларида (2001–2006 йиллар) кўплаб республика миқёсидаги маънавий-маърифий тадбирларнинг ташкилотчиси бўлди. Унинг раҳбарлигида ташкил қилинган театр-студия республика ОТМлари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда ғолиб бўлган (2002 йил).

Филология факультетининг декани сифатида (2006–2011 йиллар) унинг саъй-ҳаракатлари натижасида Миср Араб Республикаси элчихонаси қошидаги маданий марказ билан ҳамкорликда “Араб тили ва маданиятини ўрганиш” маркази очилди, шу даврдан бошлаб факультетда университет АРМ филиали иш бошлади ва 2007 йилда факультетда “Филологик тадқиқотлар” лабораторияси ташкил қилиниб, у бугунги кунда ҳам ўз фаолиятини давом қилдирмоқда. Шу кунгача бу ерда 50 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланма ва илмий-амалий рисолалар нашрга тайёрланди. Мисол тариқасида 2010 йилда янги ўзбек имлосига табдил қилинган Мунис ва Огаҳийнинг “Фирдавс ул-иқбол” асарини келтириш мумкин. Бундан ташқари, шу йиллар мобайнида Паҳлавон Маҳмуд, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Эрнийезбек ўғли Огаҳий, А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой, Н.В.Гоголь каби машҳур ёзувчи ва шоирлар меросини ўрганиш бўйича халқаро, республика ва университет миқёсида илмий анжуманлар ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнларига раҳбарлик қилди.

Чўпонов Отаназар Отажонович томонидан факультет деканининг ўқув ва илмий ишлар бўйича ўринбосари сифатида жамоадаги ўқув ва илмий ишлар жараёнининг ташкил қилиниши борасидаги фидоийлиги шу соҳа ишларини университет миқёсида доимий тарзда намуна қилиб кўрсатилишига асос бўлмоқда.

О.О.Чўпонов ўз касбининг моҳир устаси. Унинг янги педагогик технологиялар асосида ташкил қилинган маъруза, семинар ҳамда амалий машғулотлари талабалар ва университет раҳбарияти томонидан доимо эътироф қилиб келинмоқда. Бунинг исботи сифатида 2016 йил Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси” кўрик-танловининг университет босқичида фахрли 2-ўринни эгаллаганлигини келтириш мумкин.

О.О.Чўпонов Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси, дастлабки даврларда жойларда партия ячейкаларини тузишда жонбозлик кўрсатган, кўп йиллар шу сиёсий ташкилотнинг Урганч шаҳар ижроия кенгаши раиси лавозимида фаолият юритган. 1999–2004 йилларда халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгаши депутати этиб сайланган.

Чўпонов Отаназар Отажонович бу йил муборак 60 ёшга тўлади. Ўзининг 40 йилга яқин маънавий-маърифий, илмий-педагогик фаолияти давомида афкор омма, илмий жамоатчилик ва шоғирдлари ўртасида ҳурмат, эҳтиром қозонди. У чинакам маънодаги иймони бут, илм-маърифатли ин-сон бўлиб етишди. Биз у кишини таваллуд саналари билан қутлаш баробарида, муҳтарам устозга узок умр, оилваий тинчлик-тотувлик, янгидан-янги илмий-ижодий ютуқлар тилаб қоламиз.

Ойбек ҚАЛАНДАРОВ,
филология фанлари соҳасида фалсафа доктори

MUNDARIJA

MATEMATIKA

Xudayberganov G‘ayrat Quranboevich. Matematikadan fanlararo tatbiqiy masalalar yechish metodikasi...3
Babadjanova Aygul Kamiljanovna, Atanazarova Shoira Erkinovna. Integration of the Discrete Matrix Modified Kdv Equation with a Self-consistent Source via Inverse Scattering Method.....6

FALSAFA

Хайтметов Раимберди Кудратуллоевич. Иммануил Кант фалсафасида инсон ва ахлоқ масаласи.....13
Юсубов Жалолиддин Кадамович. Абу Наср Форобий меросида дин масаласининг фалсафий талқини.....15
Хўжаев Даврон Нуриддинович. Алишер Навоийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида “Одил шоҳ ва адолатли жамият” тушунчаларининг намоён бўлиш хусусиятлари.....18
Комилов Рўзи Рабиевич. Никоҳнинг ахлоқий-эстетик моҳияти, таснифи ва вазифалари.....21
Ахатов Лутфилло Караматиллоевич. Мутафаккирлар илмий мероси ва баркамол авлод тарбияси...24
Маткаримова Жамила. Фуқаролик жамияти ва демократияда манфаатдор гуруҳлар таъсири ва унинг фалсафий таҳлили.....28
Абдуғаниева Гулноза. Техника фалсафасининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари.....32
Абдурахмонов Акбар Абдуҳамидович. Фаол фуқаролик позициясини шакллантириш – фуқаролик жамияти куришнинг муҳим шарти.....35
Рўзиев Анвар Жуманазарович. Тарихий дунёқараш – миллий ўзликни англаш мезони сифатида.....38
Султонова Светлана Юриевна. Ҳозирги замон терроризми глобал хавф ва ижтимоий хавф омили.....41
Кошанова Нилуфар Махсудовна. Абдурауф Фитратнинг “Оила ёки оилани бошқариш тартиблари” асарида миллий тарбия масаласи.....44
Сайдазимов Камол. Норматив билиш ва ҳақиқат масалаларида нормаларнинг ўрни.....47

TILSHUNOSLIK

Мардиев Бегали. Изҳорловчи қисмининг семантик типлари ва лексик-семантик гуруҳлари.....51
Сатимова Дилафруз Нумонжонова. Тилнинг ижтимоий қатламида сленг тараққиёти ва назарияси.....55
Мавлонова Мавлуда Давуровна. Ўзбек тилига ўзлашган акт терминлари таҳлили.....59
Tojiyeva Xolida Vaxtiyorgovna. Matn tahlilining o‘tmish va zamonaviy ibratlari.....63
Сабинова Нодира Каримбаевна. Гипонимиянинг лексик ва семантик муносабатлари.....65

ADABIYOTSHUNOSLIK

Абдуллаева Марғуба Дусмиратовна. “Шажарайи тароқима” ва “Ўғузнома”даги айрим ҳикоятларнинг жанрий хусусиятлари.....70
Дехқонова Махсума Шавкатовна. Ойбек насрий асарларининг ўрганилиши.....73
Раҳмонова Хуршида. Адабиётшуносликда насрий асарлар поэтикасининг ўрганилиш тарихига доир.....77
Бекмуродова Зебинисо Эркиновна. Виктор Гюго – француз романтизмнинг манифести.....81

PEDAGOGIKA

G‘ofurova Mahfuza Abbosovna. Berilgan masaladan yangi masala hosil qilish orqali o‘quvchilarda matematik kompetensiyani shakllantirish.....84
Содиқов Ҳамид Махмудович. Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантиришга оид технологиялар.....89
Анарқулова Гўзал. Чет тил таълимида баҳолаш жараёнини самарали ташкил этиш.....92
Қурбонов Жасурбек Акмалжонович. Инновацион ривожланиш жараёнида талабаларни интеллектуал фаолиятга тайёрлашнинг замонавий-педагогик омиллари.....94
Ashurbayeva Ruqiya Qahhorovna. Integratsiyaviy ta’limning o‘ziga xosligi.....98
Jumayev Sherali Utkirovich. Talabalarning fazoviy tasavvurini rivojlantirishda qiziqarli masalalardan foydalanish.....100

Бабаджанова Татьяна Болтабоевна. Приём провокации как эффективное средство развития речи на занятиях русского языка в национальных группах.....104

Абдуллаева Гульчехры Мирджалиевны. Некоторые особенности обучения студентов национальных групп технического вуза иноязычному чтению в компьютерных телекоммуникационных сетях.....108

Jumaniyazova Nasiba Odilbekovna, Bekmonova Sayyora Shokirjonovna. The Effectiveness of Asking Hotslots Questions in the Efl Classroom for Improving Productive Skills.....110

Yusupova Shoira Batirovna. Lexical Approach to Teaching Vocabulary.....113

JURNALISTIKA

Шамаксудова Саодат Хидоятовна. ОАВ дискурси ва унда лисоний одоб-ахлоқ нуткий фаолиятни баҳолаш мезони сифатида.....119

ILMIY AXBOROT

Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна. Саводхонликка доир тезислар.....124

Исанова Гулбахор Тахировна. Сайлов жараёнида “Жамоатчилик билан алоқалар” технологияларининг вазибалари ва асосий тамойиллари.....128

Санакулов Зайниддин Ибодуллаевич. Немис ва ўзбек тиллари сўз ясалишида «Маҳсулли-маҳсулсизлик» лисоний ҳодисанинг қиёсий таҳлили.....132

Сапаева Дилфуза Нарбаевна, Шомуратова Бибиҳон Ўктамовна, Садуллаева Нилуфар Азимовна. Tibbiyot terminologiyasi: ingliz tilida tibbiy atamalarning paydo bo‘lish usullari.....135

Зайрова Қаншайым. Қорақалпоқ тилида хотин-қизлар концептига боғлиқ кийимларнинг лингвомаданий таҳлили.....138

Ержанова Дильфуза Кадирбаевна. Ibroyim Yusupovning “Gilamdo‘z ayol haqida haqiqat” poemasining leksik o‘ziga xosligi.....142

Абдуллаева Шахнозахон Ҳабибулло қизи. Гендер фарқларнинг мулоқот жараёнида намоён бўлиши.....145

Сафаров Одилжон. Навоий ғазалларининг икки немисча таржимаси.....148

Mavlanova Gulnigor Baxriddin qizi. Adabiyotshunoslikda “Ayol” obrazining o‘rganilishi va uning badiiy tahlili.....152

Атаджанов Ҳожибой Web 2.0 технологияларидан фойдаланиб информатика дарсларини blended learning шаклда мустақил таълимни ташкил қилиш.....156

Мухамедов Азизбек Холмурат ўғли. Таржима назариясида “Эквивалентлик” тушунчаси.....160

Норчаев Равшан Тоштемирович. Перспектива қонуни.....163

Маджидова Раъно Уришевна. Аксиологическая оппозиция антропоцентрических пословиц узбекского и русского языков.....167

Султонова Шоҳишта Мухаммаджоновна. Миллий тил – халқ диний тасаввури инъикоси сифатида.....169

Нишонов Сарвар Жасур ўғли. Жалолиддин Давоний қарашларида давлатни одилонга бошқариш ва баркамол авлод тарбияси масалалари.....172

Қамбаров Абдумутал Аҳаджонович. Мирзо Улуғбекнинг даврида илм-фан ва маданият масалалари.....175

Мунинов Алишер Мунинович. Ҳарбий хизматчилар оилавий муносабатларининг ўзига хослиги.....178

Омонтурдиева Шоира. Матннинг фонетик хусусиятлари.....180

Агзамова Дилдора Баходиржоновна. Хотира феноменининг когнитив жиҳатлари.....185

Хўжамов Хайитбой Худойбердиевич. Султон Жалолиддин Мангуберди – озодлик ва мустақиллик яловбардори.....189

Султонкулова Феруза Бобоназаровна. Усмон Азим шеърлятида метафорик образлар.....191

Faleeva Anastasiya Vadimovna. The Importance of Colloquial Speech in Modern Society and its Extralinguistic Characteristics.....194

FANIMIZ ZAXMATKASHLARI

60 ёшингиз муборак, устоз!.....199

MUALLIFLARGA ESLATMA

1. Maqola Times New Roman shriftida yozilishi lozim. Shrift hajmi – 14, qator oralig‘i – 1,5, hoshiya chapda 3 sm., yuqori va pastda 2,5 sm., o‘ngda 1,5 sm. bo‘lishi kerak.
2. Har bir maqolada o‘zbek, rus va ingliz tillarida annotatsiya, kalit so‘zlar bo‘lishi shart.
3. Maqolada muallif(lar)ning ism-familiya va otasining ismi to‘liq yozilishi, muallif ilmiy unvoni va darajasi, telefon raqami, e-maili sarlavhadan oldin ko‘rsatilgan bo‘lishi lozim.
4. Maqola tahrir hay‘ati a‘zosi taqrizi, kafedra ilmiy seminari tavsiyasi va ekspertlar xulosasi bilan qabul qilinadi. Taqriz hamda ekspert xulosasi elektron shaklda ham qabul qilinadi. Bunda taqriz va ekspert xulosasi faqat kompyuterda rangli skaner qilingan bo‘lishi kerak.
5. Har bir maqolada muammoning qo‘yilishi, materialning nazariy-metodologik va uslubiy jihatdan puxtaligi, manbalarning ishonchliligi, muammo, xulosa, taklif va tavsiyalarning asos-liligiga e‘tibor berilishi kerak.
6. Maqolada foydalanilgan asosiy adabiyotlar ro‘yxati keltirilishi lozim.
7. Maqolalar hajmi kamida 0,25 bosma tabaqdan (40000 belgi, probellar bilan bir bosma tabaq hisoblanadi) iborat bo‘lishi kerak.
8. Tahririyatga kelgan qo‘lyozmalar mualliflarga qaytarilmaydi.
9. Tahririyat maqolani qisqartirish va tahrir qilish huquqiga ega.
10. Mualliflar jurnalda e‘lon qilinadigan maqolalari uchun Urganch davlat universitetining rivojlantirish jamg‘armasining telegrammda ko‘rsatilgan hisob raqamiga pul o‘tkazishlari mumkin. Jurnalning 1 sahifasi 30000 so‘m.

Urganch davlat universiteti

Manzili: H. Olimjon ko‘chasi, 14-uy.

Tel: (0362) 224-66-01; e-mail: ilmsarchashmalari@umail.uz

Sh/hr: 4001 1086 0334 0179 5010 0079 001

INN: 201651846 OKONX: 92110

Moliya vazirligi g‘aznachiligi

h/r: 2340 2000 3001 0000 1010

Bank: Markaziy bank Toshkent shahar Bosh boshqarmasi XKKM

INN: 201122919 MFO: 00014

To‘lov maqsadi – “Ilm sarchashmalari” jurnaliga maqola uchun

“ILM SARCHASHMALARI”

Urganch davlat universitetining ilmiy-metodik jurnali

Muharrir **Ro‘zimboy Yo‘ldoshev**
Texnik muharrir **Sherali Yo‘ldoshev**
Musahhihlar: **Tamara Turumova,**
Aybek Kalandarov
Ushbu songa mas’ul **Maqsuda Hajiyeva**

Terishga berildi: 20.07.2020
Bosishga ruxsat etildi: 30.07.2020.
Ofset qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x841/8.
Rizograf bosma usuli. Tayms garniturasi.
Adadi 150. Buyurtma №. 32
Hisob-nashriyot tabag‘i 20
Shartli bosma tabag‘i 18,6
UrDU bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: 220110. Urganch shahri, H.Olimjon ko‘chasi, 14-uy.
Telefon/faks: (0362)-224-66-01;
e-mail: ilmsarchashmalari@umail.uz
ilmsarchashmalari@mail.ru
Veb-sayt: www.ilmsarchashmalari.uz
Telegram: <https://t.me/ilmsarchashmalari>